

**А.САИДОВ  
У.ТОЖИХОНОВ**

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ  
НАЗАРИЯСИ**

**"АДОЛАТ"**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ

А. САИДОВ, У.ТОЖИХОНОВ

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

*Икки жилдли*

*II жилд*

ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

Тошкент  
«Алолат»  
2001

**Саидов А., Тожихонов У.** Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2001.— 560 бет.

67.0

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг Илмий кенгашида маъқулланган*

Мазкур китоб давлат ва ҳуқуқ назарияси фани бўйича ўзбек тилида тайёрланган биринчи йирик асарлардандир. Мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуnlари, мамлакатимизда ва хорижда босилиб чиққан юридик адабиётлар унга асос қилиб олинди. Шунингдек, илмий журналларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мазкур фанга оид мақолалардан, рисоалардан ҳам кенг фойдаланилди.

Китобнинг иккинчи жилдида ҳуқуқ назариясининг асосий муаммолари баён этилган бўлиб, у олий ўқув юрtlари учун мўлжаллангандир.

*Масъул муҳаррир:* Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор **Ш. З. ЎРАЗАЕВ**

*Тақризчилар:*

юридик фанлари доктори, профессор **З.М. ИСЛОМОВ,**  
юридик фанлари доктори **Х. Т. ОДИЛҚОРИЕВ**

С.Т.  $\frac{1203000000-001}{(04) 2001}$  2001

© Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, «Адолат» нашриети, 2001

*«Хуқуқ ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришмоғимиз даркор»<sup>1</sup>.*

*И. А. КАРИМОВ*

## **КИРИШ**

Хуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқиш XXI аср хуқуқшунослигининг асосий ғояси бўлмоғи лозим. Демократик хуқуқий давлатни шакллантириш — ҳозирги жаҳон тараққиётининг асосий мақсади. Ушбу мақсад ижтимоий ҳаётимиз мазмунини бутунлай қамраб олади. Бу эса ҳозирги даврда хуқуқнинг аҳамияти янада ошишини тақозо этмоқда.

Дунё харитасидаги миллий-хуқуқий тизимларнинг яқинлашуви умумий ҳодиса бўлиб, XXI асрда хуқуқ тараққиётининг муҳим қонуниятига айланди. Бир гуруҳ мамлакатларни яқинлаштираётган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар минтақалар кўламида кўзга айниқса, яққол ташланади. Халқаро хуқуқнинг миллий-хуқуқий тизимлардан усунлигини таъминлаш, ўз навбатида, миллий-хуқуқий тизимда бир хил меъёрларнинг қўлланишини тақозо этади. Миллий хуқуқий тизимларнинг яқинлашуви ва ўзаро мослашуви учун ҳаракат чет эл юридик тажрибасининг ўрганилишига ва қўлланилишига олиб келади.

Миллий хуқуқий тизимларнинг яқинлашуви уларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусиятлар, анъаналарнинг йўқотилишини билдирмайди. Буни Еуропа Иттифоқига кирувчи давлатлар миллий-

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Ўзбекистон, 1997. 28-бет.

ҳуқуқий тизимларидаги фарқлар ҳам кўрсатиб турибди.

Ҳуқуқ жамият ҳаётининг бирон-бир жабҳаси билангина эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳалари билан узвий боғлиқдир. У иқтисодий ва ҳўжалик тизимини (ишлаб чиқариш муносабатлари, тақсимлаш, айирбошлаш), жамиятнинг сиёсий тизими, халқаро муносабатларни қамраб олади ва уларга катта таъсир кўрсатади. Давлат механизми ташкил қилинишининг ўзи ҳуқуқий томондан шаклланиши лозим. Ҳуқуқнинг кўп қирралилиги уни мураккаб ижтимоий ҳодисага айлантиради. Шунинг учун ҳозирги долзарб муаммолар ҳуқуққа алоқадор бўлиб, аксарият ҳолларда ҳуқуқий муаммо сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муаммолар ҳар қандай жамиятнинг диққат марказида туради, бу эса барча юристларга — илмий ходимлар, ўқитувчилар, амалиётчиларга янги вазифаларни юклайди.

Яратилаётган демократик ҳуқуқий давлат учун малакали кадрлар тайёрлайдиган олий юридик мактаб бу ишни такомиллаштиришнинг янги шаклларини, услубларини изламоқда. Ҳаёт ўқув режаларини янгилашни, замонавий дастурлар, янги дарсликлар ва қўлланмалар яратилишини талаб қиляпти.

Юрист-мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган ўқув режалари ва дастурлари орасида ҳамма учун мажбурий бўлган давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини ўрганиш барқарор ва ҳамма томонидан таъминланган ўринни эгаллайди.

Дарсликлар ва илмий салоҳият етарли даражада булган ерда ҳар қандай фанни ўқитиш самарали бўлишини исботлашнинг ҳожати бўлма-

са керак. Ҳуқуқ назарияси муаммолари бўйича жаҳонда ва мамлакатимизда чоп этилган жуда кўп адабиётлар мавжуд. Ёқланган докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳам кам эмас. Буларнинг барчаси ўқув фани учун тўлақонли пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда кўпчилик олимлар ҳуқуқ назариясини асосий юридик фанлардан бири ҳисоблаб, унга нисбатан мустақил фан сифатида, ҳуқуқ назарияси предметининг асосий йўналишларини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан қарамоқдалар. Шу хусусда ҳуқуқ назариясининг таркибини қўидаги илмий йўналишлар: ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси, қиёсий ҳуқуқшунослик, ижобий (позитив) ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ психологияси, ҳуқуқ этнологияси ташкил этади. Ҳуқуқ назариясининг таркибий қисмлари ҳақида сўз борганда, олимлар услубий нуқтаи назардан қараладиган, унинг кичик бир бўлаклари деб эмас, балки ягона фан доирасидаги илмий йўналишлар сифатида қарайдилар.

Ҳуқуқ назариясининг бундай мураккаб таркиби ҳуқуқнинг мураккаблиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳуқуқ турли кўринишларда ва турли босқичларда ўрганилади. Ҳуқуқни ҳар томонлама ўрганиш ўзида фалсафий, социологик, тарихий ва ҳуқуқий таҳлилни бирлаштиради. Бу билан у ХХI асрда ҳуқуқнинг тараққиётини белгилайдиган ҳуқуқий плюрализмни таъминлайди.

«Ҳуқуқ назарияси»ни ўқитиш умумиюрдик таълимнинг ажралмас қисми бўлиб, ҳозирги замонда бу тизимда муҳим ўрин тутаяди. Шу билан бирга, ҳуқуқ назарияси юридик маданият ва юридик тафаккурни шакллантиришга фаол таъсир этади ҳамда илмий-амалий юридик билим беради.

*«Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат»<sup>1</sup>.*

*И. А. КАРИМОВ*

## **БЕШИНЧИ ҚИСМ**

### **ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ**

---

#### **19-боб. ҲУҚУҚ, УНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

- 1-§. «Ҳуқуқ» тушунчасининг аҳамияти.
- 2-§. «Ҳуқуқ» тушунчасининг кўп қирраллиги: объектив ва субъектив ҳуқуқ. Табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқ.
- 3-§. Ҳуқуқнинг белгилари.
- 4-§. Ҳуқуқнинг моҳияти ва хусусиятлари.
- 5-§. Ҳуқуқ ва давлат мажбуурлови.
- 6-§. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

#### **1-§. «Ҳуқуқ» тушунчасининг аҳамияти**

**Ҳуқуқ** — ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, адолат ва эркинликка асосланган юриш-туриш қоидаларининг тизимидир.

Ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳуқуқ билан алоқада бўлиб, ҳуқуқ ҳақида ўз шахсий тасаввурига эга бўлади. «Умрида табиатшунослик ва тарих масалаларига қизиқмаган инсонни топиш мумкин-дир,— деб таъкидлаган эди рус ҳуқуқшуноси

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қудимиз билан қураимиз. Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 149, 150-бетлар.

Н.М. Коркунов, — лекин ҳаёти давомида ҳуқуқ масаласига дуч келмай янаш ҳеч ақл бовар қилмайдиган ишдир. Қанчалик одамови бўлманг, қанчалик одамлардан қочманг, сиз ҳуқуқий масалаларни четлаб ўтолмайсиз. Ҳеч бўлмаганда битта ҳуқуқ — шахсий эркинлик ҳуқуқи сизни қизиқтирмасдан қолмайди. Одамлардан қочиб бўлса-да сиз уларга: бу ер менинг шахсий мулким, бу ерга бостириб киришга ҳаққингиз йўқ, — деб айтишингиз керак-ку»<sup>1</sup>.

Қадимги машҳур Рим ҳуқуқшуноси Ульпианнинг сўзларига қараганда, «ҳуқуқни ўрганаётган киши, аввало, «ҳуқуқ» сўзининг қандай келиб чиққанлигини билиши керак. Ҳуқуқ «ҳақ», «ҳақиқат» сўзларидан олинган. «Ҳуқуқ бу эзгулик ва адолат ҳақидаги фандир»<sup>2</sup>. Фалсафада ҳам ҳуқуқ масалалари муҳим ўрин тутди. Бирор бир қадимги файласуф ҳуқуқ ҳақидаги масалани четлаб ўтмаган.

Ҳуқуқшуносликда эса ҳуқуқ муаммолари марказий ўринни эгаллаган. Асрий илмий изланишлар инсониятни ҳуқуқни тўғри тушунишга ва унинг моҳиятига гоҳ яқинлаштирган, гоҳ узоқлаштирган. «Ҳуқуқшунос учун, — деган эди немис файласуфи И. Кант, — қонунлар талаб қилган нарса ҳуқуқ бўла оладими, қандай умумий мезон асосида ҳуқуқийликни ноҳуқуқийликдан ажрата олиши сир бўлиб қолади».

Немис классик фалсафаси асосчисининг бу сўзлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Америкалик ҳуқуқшунос Фридманнинг сўзларига қараганда, «ҳуқуқ» тушунчаси «кўп маъноларга эга бўлиб, ойнадек нозик, совун

<sup>1</sup> Коркунов Н.М. Лекция по общей теории права. Изд. 9-е. 1909. С. 7.

<sup>2</sup> Перетерский И.С. Дигесты Юстиниана. М., С. 101.

кўпигидай тутуриқсиз, вақтдек тутқич бермас» жиҳатларга эга.

«Ҳуқуқ»ни тушунишда уч хил ёндашувни кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, «ҳуқуқ»ни норматив тушуниш. Мазкур ёндашувда ҳуқуқ ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки тизими сифатида таърифланади. Ҳуқуқий адабиётларда бу ёндашув «ҳуқуқ»ни тор маънода тушуниш дейилади:

*иккинчидан*, ҳуқуқни социологик тушуниш. Бу ёндашувда ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан тенглаштирилади;

*учинчидан*, ҳуқуқни фалсафий тушуниш. Бу ёндашувда «ҳуқуқ» тушунчаси эрк ва адолат тушунчалари орқали таърифланади.

Юридик адабиётларда сўнги икки ёндашув асосида ҳуқуқни кенг маънода тушуниш шаклланган. Ҳуқуқни кенг маънода тушуниш тарафдорлари бўлган ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқни таърифлашда «ҳуқуқ» тушунчасига ҳуқуқ нормаларидан ташқари ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабат ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳодисаларни ҳам қўшадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни тушунишда турлича ёндашувларнинг бўлиши табиий. Сабаби, ҳуқуқ — ўта мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодиса. Ҳар бир ҳуқуқшунос олим ҳуқуқнинг у ёки бу хусусиятига, жиҳатига алоҳида эътибор бериши мумкин. Аммо ҳуқуқни тушунишдаги турли хил ёндашувларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш нотўғри бўлади. Чунки, фикримизча, ҳуқуққа турлича ёндашувлар бир-бирини тўлдиреди, ҳуқуқнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради, холос.

Ҳақиқат — доимо кескин қарама-қарши фикрларда эмас, балки улар ўртасидадир. Қарама-қар-

ши тушунчаларни яқинлаштириш мумкин, му-  
роса асосида эса маъқул келадиган «хуқуқ» ту-  
шунчасини бериш мумкин.

Хуқуқ нималигини билмасдан туриб, унинг  
тўғри қўлланилиши, қонунийлик ва юридик жа-  
вобгарлик ҳақида гапириш ноўриндир.

## 2-§. «Хуқуқ» тушунчасининг кўп қирралилиги: объектив хуқуқ ва субъектив хуқуқ. Табиий хуқуқ ва позитив хуқуқ

**Хуқуқ** — давлат томонидан белгиланган ёки  
рухсат этилган ва унинг кучи билан ҳимоя қили-  
надиган умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари-  
нинг тизими.

Хуқуқ объектив хуқуқ ва субъектив хуқуқ маъ-  
ноларида қўлланилади.

**Объектив хуқуқ** — умуммажбурий хулқ-атвор  
қоидаларининг йиғиндиси. **Субъектив хуқуқ** —  
муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли  
бўлган хуқуқ. Масалан, фуқаро Жўраевнинг маъ-  
лум нарсага, айтайлик, автомобилга нисбатан  
мулк хуқуқи. Субъектив хуқуқ юридик жиҳатдан  
шахс эркинлигини таъминлайди, унга мустақил-  
лик беради ва ташаббус кўрсатишга имкон яра-  
тади. Субъектив хуқуқ объектив хуқуққа асосла-  
нади, объектив хуқуқ бўлмаса, субъектив хуқуқ  
ҳам бўлмайди.

Хуқуқ давлат билан мустаҳкам боғланган. Дав-  
латсиз позитив хуқуқ бўлиши мумкин эмас, чун-  
ки айнан давлат позитив хуқуқни келтириб чиқа-  
ради ва хуқуқий нормаларнинг амалга оширили-  
шини кафолатлайди, хуқуқни муҳофаза қилади.

Ўз навбатида, давлат ҳам хуқуқсиз мавжуд  
бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда у ижтимоий му-

носабатларни тартибга солиб турувчи воситадан маҳрум бўлади.

Қадимда вужудга келган табиий ҳуқуқ ғояси голланд ҳуқуқшуноси Гуго Гроцийнинг «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи ҳақида» номли асарида (1625 й.) пухта ишланган.

**Табиий ҳуқуқ** — инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуидир. Табиий ҳуқуқ назарияси намоёндалари табиий ҳуқуқлар қаторига инсоннинг эркинлик ҳуқуқи, инсонлар билан мулоқотда бўлиш, насл қолдириш, ҳаётга ва оддий турмуш шароитига, хусусий мулкка эга бўлиш, ҳаётини ва соғлиғини ҳимоя қилиш кабиларни киритадилар.

Шу асосда табиий ҳуқуқлардан келиб чиқадиган асосий вазифалар — бошқа одамларга, жамиятга ва давлатга зарар етказмаслик, бошқа инсонлар ҳуқуқларининг амалга ошишига ҳалал бермасликдир. Шундай экан, табиий ҳуқуқ ҳуқуқ ҳақидаги энг юксак, чуқур ахлоқий ва олий даражада адолатли тушунчаларнинг мажмуасини ифодалайди.

**Позитив (ижобий) ҳуқуқ** — давлат томонидан қабул қилинган қоидалар, яъни қонунчилик ва бошқа манбаларда ифодаланган ҳуқуқдир. Ижобий ҳуқуқ қонунчиликсиз, ҳуқуқ қоидаларисиз, прецедентсиз, норматив шартномасиз бўлмайди. Шунинг учун ҳам қонунчилик ва ҳуқуқ кўпинча айнан бир нарса деб ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг табиий ва позитив турларга бўлиниши юридик фаннинг бир қатор баҳсли масалаларини ҳал қилади.

*Биринчидан*, ҳуқуқни «кенг» ва «тор» маънода тушуниш ўз мазмунини йўқотади. Чунки табиий ва позитив ҳуқуқ ғояси назарий жиҳатдан аниқ

ва ишончли, амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

*Иккинчидан*, ҳуқуқнинг пайдо бўлиши давлат билан боғланмаган, чунки табиий ҳуқуқ давлатдан олдин пайдо бўлиб, усиз мавжуд бўлиши мумкин. Позитив ҳуқуқни эса давлатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас ва у давлат ҳуқуқни яратиши натижасида пайдо бўлади.

*Учинчидан*, ҳуқуқ ва қонунчилик ўртасидаги ўзаро муносабат аниқлашади.

Қонунчилик табиий ҳуқуқнинг маълум бир қисмини ифодалаб беради. Ҳуқуқнинг қолган қисми эса принцип, ҳуқуқий онг ва бошқа кўринишларда мавжуд бўлади. Қонунчилик табиий ҳуқуқни тўғри тасвирлаши мумкин.

Жамиятда уюшқоқлик ҳамда тартиб онгда ва ундан ташқари мавжуд бўлган аниқ ижтимоий йўналишлар асосида инсоннинг яшаш шароитлари қувватланади. Ҳуқуқ бу йўналишлар ичида алоҳида ўрин тутати. Ижтимоий ҳодиса бўлмиш ҳуқуққа умумий ва ўзига хос аломатлар хосдир.

### **3-§. Ҳуқуқнинг белгилари**

Ҳуқуқ муҳим ижтимоий қимматга эга бўлган воқеликдир. У мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солишда катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқ уни бошқа социал нормалардан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос белгиларга эга. Бу белгилар қаторига қуйидагилар кирилади.

*Биринчидан*, ҳуқуқ норматив хусусиятга эга. Нормативлик фақат ҳуқуққа хос белги эмас. У инсон табиатига асосланган бўлиб, ҳар бир ижтимоий мавжудотга хосдир. Нормативлик инсоният тараққиётининг маълум бир босқичида пай-

до бўлиб, одамлар фаолиятининг универсал во-ситаси бўлади. Нормативлик маълум бир қоида-ларга асосланганда жамият ҳаётидаги муайян тар-тибнинг мавжудлигини билдиради.

Фикрлаш жараёнининг ўзи нормативдир, тил ва унинг грамматикаси нормативдир ва ниҳоят, ижтимоий воқелик ва инсон ахлоқи ҳам норма-тивдир. Инсоният, одатда, эришилган билим ва тажрибаларни мустаҳкамлайди, доимо ривожлан-тиради, ижтимоий ҳаётни меъёрга солади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ адолат ва эркинликни ифо-далайди. Адолат ва эркинлик инсоният доимо интилиб келган абадий идеалдир. Эзгуликка хиз-мат қилиш, бошқа одамларнинг манфаатларини камситмаслик, жамиятга зарар келтирмаслик — адолатдан ҳисобланади. Жамиятдаги адолат ме-зонига жавоб берадиган ахлоқ адолатли бўлади. Бундай мезонлар ҳақида Афлотун ва Арасту, Форобий ва Навоий гапирганлар, деярли барча машҳур файласуфлар фикр юритганлар.

Адолат мезони кўп омилларга — иқтисодий, сиёсий, миллий, демографик ва бошқа омилларга боғлиқ. Улар турли халқларда маълум тарихий ша-ронг ва цивилизация тараққиёти даражасига боғ-лиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Маълум бўлишича, қадимда давлатлар ва халқ-лар бир-бирлари билан узоқ ва шафқатсиз уруш-лар олиб борганлар, бундай ҳалдан зиёд ваҳший-лик (асир олинганларни, аёлларни, болаларни ўлдириш, қул қилиб сотиш) адолатли иш деб эътироф этилган.

Адолат мезонлари негизида, адолат ва эркин-лик ғояларининг моҳиятини ифодалайдиган умум-инсоний асос бўлиши керак. Бундай мезонлар табиий ҳуқуқ назариясида таърифланган. Инсон-

нинг табиий ҳуқуқларга муносабати, уларнинг давлат томонидан қўриқланиши жамиятда адолатнинг аҳволи, ҳокимият ва давлатнинг табиати кўрсатади.

Қонунчиликда мустаҳкамланган умуминсоний негиз фақат иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа қулай шароитларда амалга ошади. Ижтимоий адолат принциплари ҳуқуқнинг турли соҳаларида турлича намоён бўлади. Ижтимоий адолат меҳнат қилиш ҳуқуқида меҳнатнинг ҳажми ва сифати иш ҳақи барабарлигида, тадбиркорлик соҳасида ижод ва ташаббускорлик қобилиятига яраша мукофот олинишида, фуқаролик ҳуқуқида — етказилган мулкӣ зарар ва қўлдан кетган фойдани қоплашга мос келишида, маъмурий ва жинойт ҳуқуқи содир этилган қонунбузарликка тўғри келувчи жазода намоён бўлади.

Таниқли рим нотиғи ва давлат арбоби Цицерон «Қонунлар ҳақида» асарида ҳуқуқдаги ҳаққонийлик тўғрисида сўз юритиб: «Жазо жинойтга лойиқ бўлиши керак, ҳар ким қилган гуноҳига яраша жазо олиши даркор: бебошлик — фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазолансин; очкўзлик — жарима билан; обрў, мансаб иштиёқи — ёмон ном чиқариш билан», — деб ёзган эди.

Эркинлик — инсоннинг ажралмас хусусиятидир. У бўлгандагина шахснинг тўғри яшаши, ижод қилиши учун имконият бўлади. Тарихда озодликни чеклаб қўйган қонунлар ҳам бўлган. Масалан, қулликка руҳсат берган қонун.

Адолат ва озодлик ғояларига мос келмаган норматив қоидалар ҳуқуқ бўла олмайди. Бу қонунда расмийлаштирилган ҳақсизлик ва зўравонликдир.

*Учинчидан*, ҳуқуқ ўз предметига эга. Бу ҳокимият, давлат, жамиятдаги тартибдир. Айнан шу жамият тартиблари адолат ва эркинлик ғоясини ҳаётий мазмун билан тўлдиради ва айнан улар инсоннинг озод ва адолатли ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Адолат ва озодлик ғоялари онгнинг бошқа шаклларида ва ахлоқ намуналарида ўз аксини топади. Аммо ҳуқуқда улар инсон, давлат, жамиятнинг озодлиги, ҳуқуқлари ва бурчларида, уларнинг ўзаро жавобгарлиги ўлчамлари, турлари ва шаклларида намоён бўлади. Бунда ҳуқуқлар ва бурчлар ё қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланади, ё онг, ғоя ва аниқ муносабатларда норматив йўналишлар шаклида мавжуд бўлади. Ўз предметига эга бўлган ҳуқуқ ўзгача онг шакли ва ижтимоий ҳаёт муҳитидан: дин, ахлоқ, иқтисодиёт, санъат ва бошқалардан фарқ қилади.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ инсон ахлоқини йўналтиради, унинг фикри ва идрокига таъсир қилади. Ҳуқуқ ижтимоий бузилмаган адолат ва озодликка интилади, бошқа одамларнинг хулқини шундай бўлишини истайди, давлатга озодлик ва адолат гарови деб қарайди. Ҳуқуқда бу ғояларнинг аксини кўриб, инсон норматив йўналишларга бўйсунishi зарур, деб ҳисоблайди. Инсон ҳуқуқ талабларига ўз ихтиёри, ички маслағи билан бўйсунди, норматив ҳуқуқий қоидалар эса бу маънода унинг онгига ва руҳиятига таъсир қилади. Ҳуқуқнинг мажбурийлиги инсонни ташқи (жисмонан ёки психик) жиҳатдан мажбурлашни ифода этади ва у фақат хулққа тегишлидир.

Ички ва ташқи мажбурийликка эга бўлган ҳуқуқ, инсонга фаол таъсир этади ва шу билан жамиятда тартиб ўрната олади.

*Бешинчидан*, ҳуқуқ муайян шаклларда ўз аксини топади. Табиий ҳуқуқ негизини ифода этган адолат ва озодлик ғоялари турли шаклда — ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий тушунчалар ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларда намоён бўлади. Уларнинг талайгина қисми қонун ижодкорлик шаклида бўлади ва позитив (ижобий) ҳуқуққа айланади. Шундай қилиб, қонун — ҳуқуқнинг ифодаланиш шакли бошқа қисми эса бошқа шаклларга эга. Айнан шунинг учун ҳуқуқ қонунчилик билан мос келмайди. У ҳажм жиҳатдан қонунчиликдан кенг ҳамда мазмун ва шакл жиҳатдан мосдир.

#### **4-§. Ҳуқуқнинг моҳияти ва хусусиятлари**

Ҳуқуқ — инсоният тараққиётининг маҳсули ва цивилизациянинг ютуғидир. Ҳуқуқ муайян хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар жумласига қуйидагилар кирилади:

*Биринчидан*, ҳуқуқ қонун даражасига кўтарилган иродадир. Ирода — инсоннинг онгли психофизиологик ҳолатига сабаб бўлган ва мақсадга мувофиқ хулқнинг ифодаси. Мия иши сифатида ирода инсонни ўраб турган дунёни, ижтимоий ва бошқа талабларни, инсоннинг манфаатини акс эттиради. Айнан шулар ироданинг йўналиши ва мазмунини белгилайди. Ирода инсоннинг бутун фаолиятига, ҳаётнинг турли соҳаларидаги, шу жумладан ҳуқуқий муҳитдаги мақсадга мувофиқ хулқига сингади.

Қонун даражасига кўтарилган ирода маълум даражада расмийлаштиришдан иборат бўлиб, бунда қонун ижодкорлик идоралари умуммажбурий норматив актлар қабул қилали. Ҳуқуқ нормалари

давлат томонидан чиқарилади. Бу ҳолда ҳуқуқ давлат томонидан келиб чиқади, деган тушунча пайдо бўлиши мумкин. Аслида, давлат қонун чиқарувчи идоралар томонидан давлатдан ташқари мавжуд бўлган адолат ва озодлик, яъни табиий ҳуқуқ ғояларини қонун даражасига кўтарали.

Агар ирода умумий бўлмаганда эди,— деб тўғри ёзган эди Гегель,— ҳеч қандай мавжуд қонун бўлмас эди. Ҳар ким ўз хоҳишича иш тунтар ва бошқаларнинг ўзбошимчалигига эътибор бермас эди.

И. Кант: «Қонун ҳокимияти фақат халқнинг бирлашган иродасига тааллуқлидир»,— деган эди.

Умумхалқ муҳокамасидан ўтиб, қабул қилинган қонунлар, шубҳасиз, халқ иродасини ифода қилади. Вазирликлар ва давлат идоралари чиқарган қонуности ҳужжатлар тор идоравий манфаатни ифодалаши мумкин. Ҳуқуқнинг моҳиятини икки маънавий манфаатнинг — шахсий озодлик ва умумэзгуликнинг уйғунлиги ташкил этади. Ироданинг мазмунини таҳлил қилиб ҳамда уни адолат ва озодлик ғоялари билан солиштириб, ҳуқуқнинг моҳияти, унинг прогрессив ёки реакцион хусусияти ҳақида хулоса қилиш мумкин.

**Ҳуқуқнинг иккинчи хусусияти** унинг формал аниқлигидадир. Қонунларда мустақамланган норматив қоидалар алоҳида хусусиятга — формал аниқликка эга бўлади. У қонун ҳужжатлари кўрсатмаларининг аниқлиги, бир маънодалиги ва лўндалигида намоён бўлади. Бунга ҳуқуқий тушунчалар, уларнинг юз йиллар давомида ишлаб чиқилган қонунчилик техникасининг илғор ютуқлари орқали эришилади. Шунинг учун

ҳуқуқ субъектлари қонуний ва ноқонунийликнинг чегарасини, ўзининг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳамда қонунбузарлик учун жавобгарлигини биледи.

**Ҳуқуқнинг учинчи хусусияти** унинг муайян тарзда тизимлашганлигидир. Қонун ижодкорлигида инфодаланган ҳуқуқ нормалари муайян системага — ўзаро боғлиқлик ва мувофиқликка эга бўлади. Ондаги ва ахлоқдаги норматив ҳуқуқий йўналишлар бу хусусиятга эга эмас. Қонунчилик янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаб, уларни албатта амалдаги қонунларга мувофиқлаштиради. Фақат муайян тизимли амалдаги расмий ҳуқуқ ўз олдидаги вазифаларни бажара олади.

**Ҳуқуқнинг тўртинчи хусусияти** унинг мунтазам барқарор эканлигидир. Ҳуқуқнинг ривожланиши ҳуқуқий нормаларнинг тез ўзгаришида намоён бўлади. Ҳуқуқнинг бу хусусияти ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар даврида яққол кўринали. Айнан шундай даврларда эскирган норматив ҳужжатлар бекор қилинади ҳамда янгиси ишлаб чиқилиб, қабул қилинади. Худди шу ҳолат Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқий ислоҳотлар натижа-сида содир бўлмоқда.

**Ҳуқуқнинг бешинчи хусусияти** унинг турли хил одамларга нисбатан тенг тааллуқли эканлигидир. Ҳуқуқ қонун ҳужжатлари орқали ахлоқни «меъёрлайди», унинг миқёсини аниқлайди. Бу, бир хил меъёрлар, турли хил бўлган одамларга уларнинг қобилияти, жиёмоний имконияти, оилавий шароити ва бошқаларга нисбатан қўлланилади. Бу ишлаб чиқаришда меҳнатнинг тенг миқ-тори ва тенг вазифаси учун баравар ҳақ тўлаш (бир хил меҳнатга — тенг иш ҳақи), савдо-со-тиқда молнинг нархи ҳамма харидорлар учун бир

хил бўлиши, олий ўқув юртига ўқишга кирилатганда — ҳар бир абитуриент учун кириш шароитининг тенг бўлишида ифодаланади.

Турли одамларга нисбатан тенг бўлган ҳуқуқ ҳақиқий тенгликни таъминламайди ва таъминлаши ҳам керак эмас. Акс ҳолда бу ижод ва меҳнат рақобатига путур етказди ва жамиятни турғунликка олиб келади. Яқин ўтмишдаги «совет»-часига тенглаштирилган тақсимлаш — бунга яққол мисол бўла олади. Ҳуқуқнинг бу хусусиятини ифодалашни енгиллаштириш учун, ривожланган давлатларда табақалашган ҳолда солиқ ундирилади, жамоат фондлари тақсимланади, фуқароларнинг моддий ва бошқа ҳолатига қараб нафақа тўланади. Адолатли тақсимот шунда номоён бўлади. Бундай ҳаётга татбиқ қилиш, давлатнинг ўз халқига ғамхўрлик қилишининг намунасидир.

**Ҳуқуқнинг олтинчи хусусияти** унинг давлат томонидан қўриқланишидир. Позитив ҳуқуқнинг нормалари фуқаролар томонидан ўз ихтиёри (ички эътиқод кучи) билан ҳар доим ҳам бажарилмайди. Аҳолининг кўпчилик қисми, ҳуқуқнинг ортида давлат тургани учун ҳам, ҳуқуқий фармойишларга бўйсунди.

Давлат ҳуқуқ нормаларини таъсис этади. Бундай ҳуқуқ ҳимоясиз бўлмайди. Ҳуқуқий нормаларнинг давлат томонидан ҳимояси давлат органларининг мажбурияти, турли хил ташкилий, ташкилий-техник, тарбиявий ва огоҳлантирувчи чораларнинг фуқаролар томонидан бажарилишини ўз ичига олади.

Бу чораларга ҳуқуқий давлатда катта аҳамият берилади, чунки улар жамиятда давлатнинг репрессив аппаратини ишлатмай ҳуқуқий тартибга

солиш имкониятини яратади. Шу сабабдан давлатимизда қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини йўлга қўйиш, улар ҳақида билдирилган мулоҳазаларни тўлароқ ҳисобга олиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни етарли даражада нашр қилиш, намунали ишлайдиган ҳуқуқий тарбия тизимини тузиш зарур. Давлат мажбурлов чораси ҳуқуқий ҳимоя чоралари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

## 5-§. Ҳуқуқ ва давлат мажбурлови

**Давлат мажбурлови** — давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонун асосида амалга ошган ҳуқуқий фармойишларга риоя қилиш ва амалга ошириш мақсадида жиёмоний, мулкӣ ёки ташкилий мажбурлов чорасидир.

Мажбурлов чораси ҳар қандай жамиятда мавжуд бўлиб, уюшқоқлик ҳамда тартиботни сақлаш усулларидан биридир. Унинг ёрдамида жамият аъзоси ўз бурчини бажаришга ва таъқиқларга риоя қилишга мажбур.

Кўп асрлар давомида ҳуқуқ ва зўрлик айнаиб-бир нарса деб ҳисоблиб келинган. «Қавминда ботир бўлса, бошқа қавмга даъват бўлмайди», — деган мақол бор. Юнонларнинг одил судлов худоси Фемиди (ёки жазо худоси Неземиди) бир қўлида ҳуқуқ ўлчанадиган тарозини ушласа, бир қўлида унинг ҳимояси ва кучи рамзи бўлган қилич ушлаб туриши бежиз эмас. Немис ҳуқуқшуноси Иеринг сўзлари бўйича, «тарозисиз қилич — очик зўрлаш бўлса, қиличсиз тарози — ҳуқуқнинг нуноқлиги»дир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Иеринг Р. Борьба за право. М., 1901. 2-бет.

Давлат ва қонун пайдо бўлиши билан ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва ижро этиш мажбурлови ўз хусусиятига кўра давлатнинг мажбурлаш чораларига айланган ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилган. Бу фуқаролар жамиятини бошқариш усулларида бири сифатида намоён бўлган. Мажбурлов чорасисиз бирон-бир давлат амалда бўлмайди.

Қайси ҳолларда давлат мажбурлов чоралари қўлланилади?

*Биринчидан*, давлат мажбурловининг қўлланилишига ҳуқуқбузарлик асос бўлади. Агар шахс ўзига юклатилган қонуний бурчларини бажаришдан бош тортса, давлат мажбурлов чорасини қўллайди. Сўз инсонга юклатилган, аммо у бажармаган қонуний бурчлар, масалан, бола тарбияси учун нафақа ундириш, мулкни қонуний эгаси бўлмаган одамдан мажбуран олиб эгасига қайтариш ва бошқалар тўғрисида бормоқда.

*Иккинчидан*, қонунда белгиланган ва аниқ кўрсатилган ҳолларда, қонунбузарлик ёки бошқа ҳодисалар бўлмаганда ҳам давлат мажбурлов чораси қўлланилади. Масалан, мумкин бўлган зарарли оқибатларнинг олдини олиш, жамият хавфсизлигини таъминлаш — божхона назорати, аэропортдаги қўл юки назорати, оғир жиноят содир қилган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтган шахслар устидан милициянинг маъмурий назорати ва бошқалар.

Демократик ҳуқуқий давлат қўллайдиган давлат мажбурлов чоралари қуйидаги хусусиятларга эга:

*Биринчидан*, шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

*иккинчидан*, жамиятни бошқаришнинг ёрдамчи, тўлдирувчи методи ҳисобланади. Ҳуқуқий нормаларни тушуниш, ўз ихтиёри билан уларга риоя қилиш ва ижро этиш фикрини одамда онгли равишда шакллантириш йўллари, усуллари ва воситалари мажмуасини намоён қилган асосий усул ишонтириш усулидир;

*учинчидан*, давлат мажбурлов методи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган шаклда бўлади. Бу ҳужжатлар мажбурлов меъёрининг турлари, уларнинг қўлланилиш асослари ва фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқини белгилайди. Давлат мажбурлов чораси тадбирларининг иш тартиби қанчалик аниқ ва тўлиқ бўлса, фуқаролар ҳуқуқи ва эркинининг гарови шунчалик ишончли бўлади, мансабдор шахслар томонидан ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилиш имкониёти шунчалик камаяди.

*тўртинчидан*, давлат мажбурлов чораси азоблаш хусусиятига эга эмас, қонунбузарга жисмонан ва бошқача азоб беришни мақсад қилиб қўймайди, балки ҳурматга арзийдиган, одобли фуқароларни тарбиялашга қаратилган бўлади.

## **6-§. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш**

Ҳуқуқнинг асосий вазифаси, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат.

**Ҳуқуқий тартибга солиш** — ҳуқуқ ва бошқа қонуний воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларга таъсир қилишни амалга оширишдир.

Ҳуқуқий тартибга солиш — ижтимоий тартибга солишнинг турларидан бири. Бусиз жамият бўлмайти. Ҳуқуқий тартибга солиш — ижтимоий тартибга солишнинг энг муҳим тури. Унинг хусусиятлари ҳуқуқнинг алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатидаги хусусиятлари билан боғлиқ. Бунинг негизида эрк ва адолат ғоялари бўлган норматив тартибга солиш ётади.

Ҳуқуқий тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш предмети дейилади. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг объектив ва субъектив чегаралари бор.

Ҳамма ижтимоий муносабатлар ҳам ҳуқуқ билан тартибга солинмайди. Ўз табиати бўйича севги, дўстлик, биродарлик муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмайди. Эсини йўқотган ёки ожиз деб ҳисобланган руҳий беморлар билан муносабат ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмайди. Ниҳоят, тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлмаган, ахлоқ нормалари, урф-одат ва бошқа ижтимоий нормалар «бошқариб турадиган» муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмайди. Қуй муносабатларни (масалан, уйга келиш вақти, ошхона столи атрофидаги урин ва бошқаларни) ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш мумкин, лекин бунинг ҳожати йўқ). Қолган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлиши мумкин ва қонунчиликда мустаҳкамланади.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети жуда ўзгарувчандир. У тораёиши ҳам, бунда қонунчиликда алоҳида нормалар ёки ижтимоий муносабатларнинг бугун қисми ҳуқуқ томонидан тартибга солинади (масалан, давлатнинг режалашти-

риш иқтисодиётини тартибга солган ҳужжатлар) кенгайтиши ҳам мумкин. Бу ҳол янги ҳуқуқ нормаларининг келиб чиқишига сабаб бўлган, ҳуқуқий таъсир талаб қиладиган янги ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлишидан келиб чиқади.

Ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш методи деб аталган маълум усул (ёки уларнинг йиғиндиси) билан тартибга солинади. У ҳуқуқий тартибга солиш предмети каби ўзгарувчандир. Иқтисодиёт мустақамланган, давлат тuzилиши ва жамият тартиби барқарор, демократиялашган, ривожланган сари ҳуқуқий тартибга солишнинг кескин услублари юмшоқ услубларга алмаштириб борилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш самарали ёки самарасиз бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси қонун нормалари чиқарилишида қўйилган мақсадга етиш даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий тартибга солишнинг самараси кўпгина ҳолларга боғлиқ. Уларнинг асосийларига: ҳуқуқшуносликнинг, эрк ва адолат гояларининг ҳуқуқ тизимига муносиблиги, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси; мукамал қонуншуносликнинг борлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражаси ва бошқалар кирази.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солиш механизми деб аталган қонуний воситалар йиғиндиси ёрдамида амалга ошади. Бу механизмга, ҳуқуқий ташкилотлардан ташқари, ҳуқуқ тизимининг кўп сонли унсурлари кирази. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг асосий унсурларига: ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни амалга ошириш ҳужжатлари (индивидуал ҳуқуқ актлари) ҳуқуқ

принциплари, ҳуқуқий маданият киради. Охирги икки унсур у ёки бу даражада бошқа унсурларга қўшилиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳамма механизми ичидан ўтади.

Ҳуқуқий тартибга солиш узоқ вақт чўзиладиган жараёндир. У икки босқични ўз ичига олади: ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ҳуқуқ нормаларини қўллаш.

Ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиши ижтимоий муносабатларнинг маълум доирасини ҳуқуқ (ёки бошқа ижтимоий нормалар) ёрдамида тартибга солишдир. Ҳуқуқий нормалар ёрдамида одамларнинг хулқ-атворини тартибга солишдан олдин, бу нормаларга эга бўлиш керак. Ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳияти шундадир.

Ҳуқуқий нормаларни қўллаш — ҳуқуқни ҳаётга, одамларнинг хулқ-атвориغا татбиқ қилишдир. Ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқий ҳаёти уларнинг татбиқ этилишидадир. Қонун нормаларининг ҳаётга татбиқ қилиниш шакллари — риоя қилиш, бажариш, ишлатиш ва қўлланилишдир.

Ҳуқуқни қўллаш йўллари қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, шахсларнинг ва ташкилотларнинг, бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий лаёқатини ва салоҳиятини аниқлаб бериш. Бундай ҳусусиятга эга бўлган субъектлар ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига бутунлай қўшилиши мумкин, ҳуқуқ учун эса унинг фаолиятига шароит яратилади;

*иккинчидан*, ҳуқуқ субъектларини субъектив ҳуқуқ ва қонуний бурчлар билан таъминлаш;

*учинчидан*, ҳуқуқ нормаларини бажармаганлиги учун давлат мажбурловининг қўлланилиши хав-

фи ва давлат мажбурловининг реал қўлланишидир.

Умуман амалда қўлланилмайдиган нормалар ҳам бор. Янги шароит талабларига — жавоб бермайдиган ва шунинг учун қўлланилмайдиган бундай нормалар эскирган ҳисобланади.

Ўта умумий бўлгани ва аниқлаштирилмаганлиги, амал қилиш тартиби белгиланмагани учун ҳам ҳуқуқ нормаси амал қилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам қонун чиқариш, одатда тўлдирилган, аниқлаштирилган қонун ости ҳужжатлар чиқаришни ҳам талаб қилади.

Ҳуқуқ ўзига хос асосий белгиларга эга:

*биринчидан*, ҳуқуқ умуммажбурий норматив хусусиятга эга;

*иккинчидан*, ҳуқуқ нормалари қонунлар ва бошқа манбаларда ифодаланади;

*учинчидан*, давлат томонидан таъминланганлиги билан ажралиб туради.

Ҳуқуқ адолатдан ажралмасдир. Ҳуқуқ — эзгулик ва адолатлилик санъатидир.

Ҳуқуқнинг асосий функцияси — тартибга солиш ва муҳофаза қилиш. Ҳуқуқни тартибга солиш функцияси амалдаги ижтимоий алоқалар ва тартибларни мустаҳкамлаш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва у ёки бу субъектнинг фаол ҳулқини таъминлашда ифодаланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси — ҳуқуқий ҳимоя ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, шахсларнинг зиммасига масъулият юклаш тартибини ўрнатишда намоён бўлади.

*Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш зарурати-дан пайдо бўлади».*

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ**

## **20-боб. ҲУҚУҚ ВА СОЦИАЛ НОРМАЛАР**

*1-§. Техник ва социал нормалар.*

*2-§. Социал нормаларнинг турлари.*

*3-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ўзаро муносабати.*

*4-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг умумий жиҳатлари.*

*5-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг фарқлари.*

*6-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги.*

*7-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари ўртасидаги зиддиятлар.*

### **1-§. Техник ва социал нормалар**

Кишилиқ жамияти тараққиётида амал қиладиган нормалар ва қоидалар жуда кўп. Улар орасида ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, эстетик, диний, урф-одат, анъанавий, ишга алоқадор одатлар ва бошқа нормаларни кўрсатиш мумкин.

Нормалар ижтимоий муносабатлар иштирокчилари хулқ-атворининг муайян мезонлари, намуналари, ўлчовларидир. Уларсиз кишилиқ жамиятининг ҳам, давлатнинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳуқуқшунослар ўзларининг профессионал (касбий) манфаатларини ифода этадиган ҳуқуқий нормалар билан иш кўрадилар. Лекин улар ҳуқуқий нормаларни доимо бошқа социал қоидалар билан боғлайдилар, чунки барча нормалар ўзаро алоқадор ва ўзаро боғлиқдир. Шунинг учун, ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида уларнинг социал ва техник нормалар ти-

зимиди тутган ўрни ва ролини аниқламай туриб фикр юритиш мумкин эмас.

Жамиятдаги барча нормаларни икки катта гуруҳга, социал ва техник нормалар гуруҳига ажратиш мумкин. Бу айтилган бирламчи, асосий аҳамиятга эга бўлган энг умумий бўлинишдир.

Бу икки гуруҳга кирувчи нормаларни турли асослар бўйича таснифлаш мумкин. Ҳуқуқшунослар бевосита техник нормалар билан шуғулланмайдилар, балки улардан фақат ўз билимлари соҳасида зарур бўлгандагина фойдаланадилар. Шу билан бирга, техник нормаларни социал нормалардан аниқ ажратиб олиш, бунда объектив мезонлар, фарқ қилувчи белгиларни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Социал ва техник нормалар ўртасидаги чегара тартибга солиш предмети орқали ўтади. Агар социал нормалар кишилар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги муносабатлари, бошқача айтганда, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, техник нормалар — кишилар ва ташқи дунё, табиат, техника ўртасидаги муносабатларни, инсон ва машина, инсон ва меҳнат қуроли, инсон ва ишлаб чиқариш қисқаси, инсон ва уни ўраб турган жонсиз предметлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.

**Техник нормалар** табиий ва сунъий объектлар билан муносабатларнинг анча самарали усуллари, йўллари, воситаларини, жумладан, технологик операцияларнинг изчиллиги ва мазмунини белгилайди.

Шубҳасиз, техник нормаларни объектив мавжуд бўладиган, ўзгармайдиган ҳодисалар ўртасидаги алоқалар, такрорланиб турадиган табиат қонунлари билан тенглаштириб бўлмайди. Агар

техник нормалар кишилар томонидан яратилса, табиат қонунлари инсоннинг иродасига боғлиқ бўлмайди.

Социал ва техник нормалар предмети бўйича фарқланиши билан бирга, уларнинг мазмунлари, тузилишлари, қайд қилиниш услублари, умумийлик даражалари, расмий белгиланишлари ва баъзи бошқа жиҳатлари бўйича ҳам бир-бирларидан фарқ қилади. Техник нормалар орасида ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланалиган нормалар мавжуд ва улар шу тариқа юридик кучга эга бўлади. Уларни техник-ҳуқуқий нормалар деб аташ мумкин.

Бу, асосан, моддий ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида амал қилувчи нормалардир. Уларга, хусусан, ёнгинага қарши хавфсизлик, темир йўл ҳаракати ва бошқа турдаги транспорт ҳаракати, қурилиш ишлари, энергия билан таъминлаш, портловчи моддаларни сақлаш ва ҳоказолар туғрисидаги қондалар киради. Улардан баъзилари муайян санкциялар билан таъминланган бўлади.

Бундай нормалар ўзининг ташкилий-техник хусусиятини йўқотмаган ҳолда ҳуқуқий нормаларнинг сифат белгиларига эга бўлади. Чунки улар давлат томонидан чиқарилиб, давлатнинг мажбурлаш имконияти билан таъминланади, махсус норматив ҳужжатларда мустаҳкамланади, ўзига хос бўлса ҳам, лекин ғоят муҳим муносабатларни тартибга солади. Улар ўзларининг тартибга солиш вазифасини бошқа ҳуқуқий нормалар билан биргаликда амалга оширади ва шу маънода тўлдирувчи роль ўйнайди.

Бошқа, хусусан, маиший соҳада амал қилувчи техник нормалар ҳуқуқ сифатида намоён бўлмайди ва бинобарин, уларни бузганлик учун

юримдик жавобгарлик назарда тутилмайди. Масалан, турли маиший асбоб-анжомлар — телевизорлар, совутгичлар, магнитофонлардан фойдаланиш талаблари ҳукуққа кирмайди. Улар нотўғри фойдаланганлик оқибатида бузилган тақдирда келтирилган зарар учун инсон ўзини ўзи жазоламайди.

Экологик мувозанатга риоя қилмаслик оғир оқибатларни келтириб чиқаради ва табиат бунинг учун инсондан қаттиқ «ўч олади».

Фан-техника инқилоби даврида техник нормаларнинг аҳамияти жуда ошадди. Уларга риоя қилиш ёки қилмаслик том маънода кишиларнинг ҳаёти, тақдирини, соғлиғига таъсир этади.

Айнан шундай қоидалар, йўриқномаларнинг бузилиши натижасида турли хилдаги фалокатлар, ҳалокатлар содир бўлади. Оддий хато, эътиборсизлик, янглишиш, айниқса, маълум технологик операция қоидаларини кўпол равишда назар-писанд қилмаслик тузатиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳам фуқаролик, ҳам ҳарбий соҳага тааллуқли. «Кнопкали» технология асри инсонга алоҳида масъулият юклайди. Техника мураккаблашса, — шахснинг техника билан муносабаги ҳам мураккаблашади.

**Социал нормалар** — кишилар хулқ-атворининг умум тан олган, ёки анча кенг тарқалган ўлчовлари, кўрсаткичлари, қоидалари, уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш воситасидир. Улар ижтимоий ҳаётни ўта тартибсизликдан сақлайди, керакли оқимга йўллайди. Социал нормалар ижтимоий тараққиёт қонуниятларини ақс эттиради.

Инсоният тарихи ривожланишининг объектив қонунлари кишиларга боғлиқ бўлмаган нормалар бўлиб, жамиятнинг азалий хусусиятини ифода

этади. Баъзи нормалар йўқолади, бошқалари вужудга келади, яна бошқа бирлари маълум гуруҳлар ёки ҳокимият томонидан жамиятга мажбуран киритилади. Бошқача айтганда, социал нормаларнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни маълум маънода — субъектив омилдир. Эҳтиёжнинг ўзи унга объектив заруратни амр қилиши — бошқа нарса. Социал нормаларнинг, жумладан, ҳуқуқий нормаларнинг пайдо бўлиши шундай. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари социал регуляторларнинг бошқа воситалари билан ўзаро таъсир этиб, чамбарчас чатишиб кетган.

«Норма» ва «қоида» тушунчалари кундалик ҳаётда ҳар хил маънода ишлатилади, «қоида» — «норма»га қараганда анча тор тушунча.

Қоида гипотеза ва санкцияни қамраб олмай, фақат диспозицияларда мавжуд бўлса, ҳуқуқий нормалар ўз тузилиши, таркибий қисми бўйича анча мураккаб бўлади. Нормалар бойроқ, мазмунлироқдир. Ҳар ҳолда уларнинг кўпчилиги шундай.

Бироқ кенг социал маънода, амалдони (нафақат юридик) нормалар ва қоидаларнинг катта фарқини эътибордан четда қолдириш мумкин.

Социал нормаларга кўпгина йирик асарлар бағишланган бўлиб, улар мазкур муаммонинг долзарблиги ва аҳамиятидан далолат беради. Бунда ўзаро чамбарчас боғланган кучли ва самарали социал регулятор сифатида ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига алоҳида аҳамият берилади.

Социал норма — нафақат орзу қилинган юриш-туришнинг мавҳум қоидаси. У шунингдек, ҳаётда, амалиётда ҳақиқатан ўрнатилган реал ҳаракатнинг ўзини билдиради. Бундай ҳолда амалга ошадиган ҳаракатлар ҳам қоида бўлиб қолади.

Бошқача айтганда, социал норма фақат «лозим» эмас, балки «мавжуд» ҳаракатни ифода этади. Норма — маълум натижага, манфаатга эришишга йўналтирилган ижобий, ижтимоий фойдали юриш-туриш (фёъл-атвор) ўлчови. Нормага мос келадиган фёъл-атворнинг ундан оғишга қараганда кўпроқ учраб туриши ҳам тасодифий эмас.

Социал нормалар ҳар қандай муносабатларни эмас, балки аниқ кўриниб турган, кўп тарқалган турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Тасодифий муносабатлар, ноҳўя ҳаракатлар, сабаблар нормада акс этиши мумкин эмас. Норма — ҳар доим ҳам ички хоҳиш-истакка, ташқи омилларга асосланган андаза.

Жамият тараққиёти барча социал нормаларга, айниқса, ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий нормаларга изчил амал қилишни талаб қилади. Чунки улардан, яъни асрлар давомида шаклланган турмуш асосларидан чекиниш қийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

## **2-§. Социал нормаларнинг турлари**

Социал нормалар ўзи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар турли хилда бўлгани учун жуда кўп сонли ва турличадир. Жамиятшуносликда улар турли асослар бўйича тегишли турларга, гуруҳларга бўлинади.

Ҳуқуқшуносликда социал нормалар у қадар бағафсил ва атрофлича таснифланмайди. Улар асосан вужудга келиш усуллари, ҳаракат доираси, мақсади каби белгиларига қараб турларга бўлинади.

Шу нуқтаи назардан, қуйидаги социал нормаларга ажратилади:

1) ҳуқуқий;

- 2) ахлоқий;
- 3) сиёсий;
- 4) эстетик;
- 5) диний;
- 6) оилавий;
- 7) корпоратив;
- 8) одат, анъана, расм-русум нормалари.

Бу социал нормаларнинг умум тан олган ва анча кенг тарқалган таснифланишидир.

Бу нормаларни бирлаштирувчи асосий белги — уларнинг техникавий эмас, ижтимоий хусусиятидир. Улар бир-бирларидан фарқ қилишига қарамай, ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-биридан тамоман ажралган ҳолда амал қилмайди.

Ҳар қандай жамиятда қабул қилинган социал нормалар тизими шундай.

**Ахлоқ нормалари** — эзгулик ва ёвузлик, шаън, қадр-қиммат, адолат ва ноҳақлик, бурч ва масъулият ҳақидаги ахлоқий тушунчаларга мувофиқ равишда жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари.

**Жамоат бирлашмаларининг нормалари** — жамоат бирлашмаларининг ўз фаолиятини тартибга солиш учун ва ташкилот аъзолари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари.

**Одат нормалари** — кишиларнинг кўп марта такрорланганлиги учун одатга айланган ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хулқ-атвор қоидаларидир.

**Анъаналар нормалари** — илгор анъаналарни асраш муносабати билан юзага келган умумлашган ва барқарор хулқ-атвор қоидалари.

**Маросим нормалари** — кишиларнинг маълум расм-русумларни ўтказишдаги хулқ-атвор қоидалари.

**Диний нормалар** — диндорларнинг худога, бир-бирига муносабатини, диний ташкилотларни ташкил қилиш ва уларнинг амал қилишини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари.

**Сиёсий нормалар** — алоҳида шахслар ва улар бирлашмаларининг ҳокимиятга муносабати масалаларини тартибга солувчи хулқ-атвор қоидалари.

**Ҳуқуқ нормалари** — *давлат томонидан белги-ланадиган, умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари*

Табиийки, социал нормаларнинг мазкур рўй-хати тўлиқ эмас.

Ҳуқуқ нормаларининг бошқа социал нормалардан фарқини ҳуқуқ нормалари ва ахлоқ нормаларини таққослаш орқали кўриб чиқамиз.

### **3-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ўзаро муносабати**

Турли социал нормалар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиши билан бирга уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга ҳам эгадир.

Юристар ўз фаолиятларида, аввало, ҳуқуқий нормаларни ўрганадилар, шарҳлайдилар, қўллайдилар — бу уларнинг ихтисосидир. Бироқ ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг юриш-туришига баҳо бериш ва вужудга келган зиддиятларни тўғри ҳал этиш учун уларнинг ахлоқий мезонларга ҳам доимо мурожаат қилишларига тўғри келади, чунки ҳуқуқнинг асосида ахлоқ ётади.

**Ахлоқ** — *тарихан ташкил топган ва ривожланган яхшилик, ёмонлик ҳақидаги қарашлар, принцип-лар, эътиқодларнинг ва уларга асосланган киши-ларнинг бир-бирлари, жамият, давлат, оила, жамоа, атрофдагилар билан муносабатларини тартибга соладиган юриш-туриш нормаларининг маълум тизимидир*

Бу таъриф ахлоқнинг фақат энг умумий томонларини акс эттиради. Амалда эса ахлоқнинг мазмуни бойроқ бўлиб, руҳий кечинмалар — ҳиссиётлар, ташвишлар ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Ахлоқ нафақат кишининг бошқалар билан, балки ўзи билан қадриятларга доир муносабатини, ўз қадрини билиш. ўзини шахс сифатида англашини ҳам кўзда тутаяди.

Ахлоқнинг ички ва ташқи жиҳатлари бор. Биринчи жиҳати кимсаниннг ўзини Мен деб билиши, яъни ижтимоий бурчни, мажбуриятни, ҳиссиёт чегарасини англашини ифодалайди.

Иккинчи жиҳати — кўрсатилган сифатларнинг намоён бўлиш шакллари дир. Бу иккала жиҳат ўзаро чамбарчас боғлиқ. Гегель ёзганидек, «инсон ташқи жиҳатдан, яъни ўз хатти-ҳаракатида қандай бўлса, ички жиҳатдан ҳам шундай»<sup>1</sup>.

Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар анча мураккаб. У тўртта таркибий қисм: бир хиллик, ҳар хиллик, ўзаро боғлиқлик ва қарама-қаршилиқни ўз ичига олади.

#### **4-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг умумий жиҳатлари**

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг бирлиги қуйидагиларда кўринади.

*Биринчидан*, улар ўзида норматив тартибга солишнинг бутун тизимини ташкил этувчи социал нормаларнинг турли хилларини акс эттиради ва шу туфайли муайян умумий белгиларга эга бўлади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ ва ахлоқ, агар уларга фалсафий нуқтаи назардан қаралса, уларни иқтисо-

<sup>1</sup> Гегель. Соч. Т. 1. — М., 1929. — С. 234.

дий, маданий ҳамда бошқа омил ва сабаблар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар ҳисобланади.

*Учинчидан*, улар ягона сийсий асос — реал халқ ҳокимиятига, демократизмга, аҳоли турли қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини ифода этувчи давлатчиликка таянади.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ ва ахлоқ айнан бир хилдаги тартибга солиш объекти — мавжуд ижтимоий муносабатларга эга ва уларнинг иккиси ҳам айни ўша одамлар ва жамоаларга қаратилган.

*Бешинчидан*, ҳуқуқ ва ахлоқ норматив ҳодиса сифатида субъектларнинг мажбурий ва мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари чегараларини белгилайди, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни уйғунлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

*Олтинчидан*, улар кишиларнинг фаолиятини тартибга солган вақтда ҳар бир шахс иродасининг эркинлигига, уларнинг юриши-туриши қоидаларини танлаш имкониятига асосланади.

*Ёттинчидан*, ҳуқуқ ва ахлоқ оқибатда ягона мақсад ва вазифаларни — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва такомиллаштириш, унга уюштирувчи омилларни киритиш, шахсни ривожлаштириш, адолат, инсонпарварлик принципларини ўргатишни назарда тутади.

*Саккизинчидан*, ҳуқуқ ва ахлоқ асосий умумтарихий қадриятлар, жамиятнинг ижтимоий ва маданий тараққиёти кўрсаткичлари, унинг яратувчилик ва тартиблилиги имкониятлари тарзда ажралиб турали.

Бироқ, ҳуқуқ ва ахлоқ кўриб ўтилган умумий белгилар билан бир қаторда ўзига хос жиҳатларга, муҳим фарқларга ҳам эга.

Шу сабабли, ҳуқуқ ва ахлоқнинг белгиларини қатъан билан таҳлил қилиниши лозим.

## 5-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг фарқлари

Ҳуқуқ ва ахлоқни бир-биридан ажратиш тура-  
диган фарқлар қуйидагилардан иборат.

*Биринчи фарқи шундаки*, ҳуқуқ ва ахлоқ, аввало,  
уларнинг ўрнатилиши, ташкил топиши, усуллари,  
манбалари бўйича фарқ қилади. Ҳуқуқий нормалар  
давлат томонидан қабул қилинади, тасдиқланади  
ва фақат давлат томонидан (ёки унинг розилиги би-  
лан баъзи жамоат ташкилотлари томонидан ҳам)  
бекор қилинади, тўлдирилади, ўзгартирилади.

Шу маънода, давлат позитив (ижобий) ҳу-  
қуқнинг яратувчиси ҳисобланади; ҳуқуқ ижодкор-  
лиги — унинг имтиёзи ва асосий функциялари-  
дан бири. Шу сабабли, ҳуқуқ халқнинг иродаси-  
нигина эмас, балки давлатнинг ҳам иродасини  
акс эттиради ва фақат тартибга солувчи ҳодиса  
сифатида эмас, балки ижтимоий муносабатлар-  
нинг махсус тартибга солувчиси сифатида ҳам  
майдонга чиқади.

Ахлоқ бошқача тарзда пайдо бўлади. Унинг нор-  
маларини бевосита давлат эмас, балки бутун жа-  
мият яратади. Улар кишиларнинг амалий фаолия-  
ти жараёнида, уларнинг ўзаро муносабатлари  
давомида вужудга келади ва ривожланади.

Ахлоқ нормаси мавжуд бўлиши учун расмий  
ҳокимият томонидан тасдиқланиши шарт эмас:  
унга амал қилувчилар — жамият, социал гуруҳ,  
жамоа томонидан таъ олинса бас. «Ахлоқ қоида-  
лари ижобий (позитив) қонунлар предмети бўла  
олмайди»<sup>1</sup>.

Бу давлат ахлоқнинг вужудга келишига ҳеч  
қандай таъсир кўрсатмайди, дегани эмас. Бун-

<sup>1</sup> Гегель. Работы разных лет. М., 1973. С. 37.

дай таъсир кўн йўналишлар бўйича: ҳуқуқ, сиёсат, мафкура, матбуот, муносабатларнинг бутун тизими орқали кўрсатилади. аммо у ахлоқ нормаларини тўғридан-тўғри қонда қилавермайди.

Ҳар қандай давлатда фақат битта ҳуқуқ амал қилади, ўз навбатида у ахлоқ каби ягона ва бир хилда бўлмайди. У жамиятнинг, миллий, диний, касбига ва бошқа бўлиниши асосида фарқланади. Бу ҳуқуқнинг давлат билан барабар келиб чиққанини ва бундай алоқанинг ахлоқда йўқлигини яна бир бор кўрсатади.

*Иккинчи фарқ шундаки*, ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари таъминланиш усуллари бўйича ҳам фарқ қилади. Ҳуқуқни давлат яратади, таъминлайди, кўриқлайди, ҳимоя қилади. Ҳуқуқнинг ортида давлатнинг мажбурлов аппарати бўлиб, у ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини кузатиб туради ва уларни бузганларни жазолайди (юридик санкция кўллайди). Чунки ҳуқуқ нормаси — илтимос ҳам, маслаҳат ҳам, истак ҳам эмас, балки жамиятнинг барча аъзоларига мурожаат қилинган ва уларнинг манфаатлари йўлида мажбурлаш, зўрлаш имкониятлари мустаҳкамланган ҳокимиятнинг талаби, амри, фармойишидир. Шу маънода, ҳуқуқий нормалар умумий мажбурий, рад қилиб бўлмайди деган хусусиятга эга.

Ҳуқуқда, шу тариқа, мажбурлаш жиҳати бор. Ҳуқуқ давлат мажбурловисиз кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини самарали тартибга сола олмайди, ҳокимиятнинг қуроли бўла олмайди. Бу ҳуқуқнинг ҳаётга фақат «жазо қиличи» билан жорий этилишини билдирмайди. Зўрлик таҳдиди — яширин бўлиб, мободо қонун билан тўқнашув бўлиб қолсагина бўлади.

Ахлоқ бошқача тарзда таъминланган бўлиб, у давлат аппаратиини эмас, балки жамоатчилик фикрининг кучига таянади. Ахлоқий нормаларни бузиш расмий ҳокимиятнинг аралашувиغا, юридик санкциянинг қўлланишига олиб келмайди. Ахлоқий жиҳатдан киши «энг насткаш» бўлиши мумкин, лекин у агар ҳеч қандай ҳуқуққа қилоф ҳаракат содир қилмаган бўлса, суд олдида юридик жавобгар бўлмайди. Ахлоқий тақиқларга риоя қилмаган шахсларга таъсир этиш шакллари ҳақидаги масалани жамиятнинг ўзи, унинг жамоалари ҳал этишлар. Бунда ахлоқий чора ва таъсир ҳуқуққа қараганда унча самара бермаслиги мумкин, баъзан эса анча фойдали бўлиши мумкин.

*Учинчи фарқи.* ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари уларнинг ифодаланиши, қайд этиш шакли бўйича ҳам фарқ қилади. Ҳуқуқий нормалар давлат ва жамоат бирлашмаларининг махсус юридик ҳужжатлари (қонунлари, фармонлари, қарорлари)да мустаҳкамланса, соҳалар ва институтлар бўйича гуруҳлаштирилса, фойдаланишига қулай бўлиши учун бутун, кенг ва тармоқли қонунларни ташкил этган қонунлар тегишли коллексларда, тўндаламларда, уставларда тизимлаштирилади. Ахлоқий нормалар эса бундай аниқ ифодаланиш шаклларига эга эмас, улар ҳисобга олинмайди ва қайта ишланмайди, балки кишилар – ижтимоий ҳаёт иштирокчилари онгида вужудга келади ва яшайди. Уларнинг пайдо бўлиши қонун чиқарувчилар ёки бошқа ҳуқуқ ижодкорлари продасига боғлиқ эмас.

Ахлоқ нормалари ва принциплари жамиятнинг турли қатламлари ва гуруҳларида маълум социал шароитлар таъсирида вужудга келиб, кейин

субъектларнинг анча кенг доирасида тарқалади, хулқ-атворнинг мустаҳкам қоидалари бўлиб қолади. Бунда у ёки бу ахлоқий нормаларнинг вақтини ҳам, сабабларини ҳам, найдо бўлиши тартибини ҳам, уларнинг амал қилиши мудлатини ҳам аниқ кўрсатиб бўлмайди. Улар аста-секин, стихияли равишда вужудга келади ва шу тариқа сезилмасдан ўтмишида қолади, кучини йўқотади.

Лекин ахлоқ нормалари ёзилмаган тақиқлар ва талаблар бўлиши билан бирга, уларнинг кўплари гурли жамоат бирлашмаларининг дастур ва низомида, адабий ва диний ёдгорликларда, тарихий йилномаларда сақланиб қолган. Бунинг устига, баъзи ахлоқий қоидалар қонунларнинг моддаларида, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда узвий кўшилиб кетади. Мантиқан изчил ва структурали гизимга эга бўлган ҳуқуқдан фарқли равишда ахлоқ нисбатан эркин бўлиб, ички тартибга эга эмас.

*Тўртинчи фарқи шундаки*, ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари кишиларнинг онги ва хулқ-атворига таъсир этиш хусусияти ва усули бўйича ҳам фарқ қилади. Ҳуқуқ субъектлар ўртасидаги муносабатларни уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳуқуқийлиги

ҳуқуқсизлиги, қонунийлиги — қонунсизлиги, жазога лойиқлиги — жазога лойиқ эмаслиги нуқтаи назаридан тартибга солади. Ахлоқ кишиларнинг хулқ-атворига эзгулик ва ёвузлик, мақтовга лойиқлик ва шармандалик, ҳалоллик ва инсофсизлик, олийжаноблик ва разиллик, виждонлик, ор-номуселилик, масъулиятлилик ва ҳоқоронар нуқтаи назаридан ёндашади.

Бошқача айтганда, уларни баҳолаш даражалари, ижтимоий ўлчовлари ҳар хил. Шу сабабли ҳуқуқ нормалари ўзида тақиқловчи ёки руҳсат

этувчи ҳаракатларни озми-кўпми батафсил тавсифлайди, хулқ-атворнинг лозим вариантини аниқ ўрнатади. Одатда, мазкур қоида бузилишининг олдини олиб, илгаридан санкцияни назарда тутаяди. Ахлоқий нормалар эса бу даражадаги аниқликка эга эмас ва олдиндан эълон қилинган жавобгарликни назарда тутмайди.

*Бешинчи фарқи шундан иборатки*, ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари уларни бузганлик учун жавобгарлик хусусияти ва тартиби бўйича ҳам фарқ қилади. Ҳуқуққа хилоф ҳаракат давлатнинг мажбурловига, яъни нафақат жавобгарликка, махсус, юридик жавобгарликка олиб келади, шу билан бирга, уни юклаш қонун билан қатъий тартибга солинади. Унга амал қилиш моддий ҳуқуқий нормаларга амал қилишдек мажбурийдир. Инсон давлат номидан жазоланади, шу сабабли ҳар ким ҳушига (кўнглига) келганича юридик жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ахлоқни бузиш бошқача оқибатларни келтириб чиқаради. Бу ўринда аниқ тартиб йўқ. Жазо шунда кўринадики, ахлоқ нормаларини бузган шахс маънавий айбланади, танбеҳ берилади, унга жамоат таъсири чоралари (ҳайфсан, огоҳлантириш ва ҳоказолар) қўлланади.

Бу — давлат олдидаги эмас, балки жамият, жамоа, оила, атрофдагилар олдидаги жавобгарликдир. Ҳуқуқ эса мавжуд бўлган давлат мажбурлов воситалари тўпламидан — пухта ўйланган ва кенг тарқалган жазо ва қайта тарбиялаш воситалари тизимидан фойдаланади.

*Олтинчи фарқи*, ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари инсоннинг хулқ-атворига қўйиладиган талаблар даражаси билан ҳам фарқланади. Бу даража ахлоқдан анча юқори бўлиб, юридик қонунга қараган-

да, ҳатто у баъзи ҳаракатлар учун жуда қаттиқ санкциялар кўзда тутса ҳам, кўп ҳолларда шахсга анча кўп талаблар қўяди. Масалан, ахлоқ ҳар қандай шаклдаги виждонсизликни, ёлғонларни, тухматларни, алдамчиликни ва ҳоказоларни сўзсиз қоралайди, ҳуқуқ эса фақат уларнинг энг сўнгги ва хавфли кўринишларининг олдини олади. Ахлоқ қандай ифодаланишидан қатъи назар, ҳеч қандай жамиятга қарши хулқ-атворга, чидаб тура олмаса, ҳуқуқ бундай ижтимоий тартиб бузишнинг ашаддий ҳолларини жазолайди.

Ахлоқ кишилар хатти-ҳаракатининг диёнатлилик даражасини, тўғрилигини текширади, нафақат қонун, балки бурч, кўнгилмайли, атрофдаги ҳамюртлар фикри билан ҳисоблашишни ҳам талаб қилади. Ҳуқуқ инсонни ҳар доим ва ҳар нарсада ниҳоятда тўғри, виждонли, ростгўй, адолатли, раҳмдил, кўнгилчан, олийжаноб бўлишга, ўзини қурбон қилишга, қаҳрамонлик қилишга ва ҳоказоларга мажбурлашга қодир эмас. Бунга қонун билан кўрсатиб бўлмайди. Ахлоқ эса бунга ҳам чақиради. У инсонни ўрта даражада бўлишга эмас, балки баркамол бўлишга йўллайди.

*Еттинчи фарқи*, ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари ҳаракат доираси бўйича ҳам фарқ қилади. Ахлоқнинг макони ҳуқуқникига қараганда анча кенг, уларнинг чегаралари мос тушмайди. Маълумки, ҳуқуқ ўз таъсири доирасидан кишилар муносабатларининг кўп томонларини, масалан, муҳаббат, дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ёрдам, ҳавас, шахсий иштиёқ ва бошқаларни четда қолдириб, ижтимоий ҳаётнинг фақат энг муҳим соҳалари (мулкчилик, ҳокимият, бошқарув, одил судлов) ни тартибга солади. Ҳуқуқнинг бу соҳаларга ки-

риб келиши, биринчидан, уларнинг ташқаридан назорат қилинавермаслиги сабабли ҳам мумкин эмас; иккинчидан, давлат манфаатлари нуқтаи назаридан — беҳуда, фойдасиз; учинчидан эса, халқпарварликка, инсонпарварликка зиддир. Бу ўринда ахлоқий ва бошқа социал нормалар, анъаналар амал қилади.

Ахлоқ ҳуқуқдан фарқ қилиб, жамиятнинг ҳамма «коваклари» ва «хужайраларига» кириб боради. У «универсал ва ҳар ерда ҳозир».

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, ҳуқуқ ва ахлоқнинг амал қилиш доиралари тўла мос тушмайди. Асосан ўзининг кўлами билан улар бир-бирини тўлдиреди. Ҳуқуқдаги сингари ахлоқда ҳам тартибга солиш предмети ижтимоий муносабатларнинг муҳим доирасини ташкил этади. Улар майдонининг ташқи кўриниши ҳар хил ҳисобланади. Ўзаро нисбат бу ерда шундай: ҳуқуқда тартибга солинадиган ҳамма нарса ахлоқда ҳам тартибга солинади, лекин ахлоқда тартибга солинадиган ҳамма нарса ҳам ҳуқуқда тартибга солинмайди.

*Саккизинчи фарқи*, ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг тарихий тақдири ҳам турлича. Ахлоқ — «ёши бўйича катгароқ», қадимийроқ, у кишилик жамиятида доимо мавжуд бўлган ва мавжуд бўлиб қолади, ҳолбуки, ижобий (позитив) ҳуқуқ ижтимоий тараққиётнинг фақат маълум босқичида вужудга келади.

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг умумий ва фарқ қилувчи белгилари ана шуларда кўринади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, бу икки ижтимоий ҳодисанинг бирлаштирувчи ва ажратувчи чегаралари тургун, бутунлай айнан бўлиб қолмайди. Улар ҳаракатчан, ўзгарувчан бўлиб, ўзгаришлар содир бўла-

диган ижтимоий тараққиёт давомида ва таъсирида ривожланади. Айни вақтда ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳодиса бошқа вақтда фақат ахлоқий таъсир объекти бўлиб қолиши мумкин ва аксинча. Ҳатто бир жамият доирасида ҳам унинг ривожланишининг турли босқичларида ҳуқуқ ва ахлоқ ўрта-сидаги ўзаро муносабат ўзгариб туриши мумкин.

## **6-§. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро боғлиқлиги**

Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро чамбарчас алоқасидан уларнинг социал ва функционал ўзаро боғлиқлиги келиб чиқади. Улар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, шахсга ижобий таъсир этиш, фуқароларда зарур ҳуқуқий ва ахлоқий маданият, ҳуқуқий онгни қарор топтириш ишида бир-бирини қувватлайдилар. Уларнинг талаблари кўп жиҳатдан мос тушади: субъектларнинг ҳуқуқ билан маъқулланадиган ҳаракати ахлоқ билан ҳам тақдирланади.

Ахлоқ ҳар қандай турдаги ҳуқуқбузарликни айтишса, жиноятни қоралайди. Бундай фаолиятни баҳолашда ҳуқуқ ва ахлоқ ягона. Ҳуқуққа қарши ҳар қандай ҳаракат ахлоққа ҳам қарши ҳисобланади. Ҳуқуқ қонунларга риоя этишни талаб қилади, ахлоқ ҳам шуни талаб этади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг кўпгина моддаларида ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари кўшилиб кетган.

Бунинг ажабланошлиги ери йўқ, чунки: ҳуқуқнинг асосини ахлоқ ташкил этади. Кўпинча ҳуқуққа «юридик жиҳатдан расмийлаштирилган ахлоқ» деб таъриф берилиши тасодифий эмас. Ахлоқнинг «ўлдирма», «ўғирлама», «ёлғон гувоҳлик берма» каби талаблари ҳуқуқ билан тақиқланади ва қаттиқ жазоланади. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро таъси-

ри уларнинг инсонга қаратилган талабларининг тўғридан-тўғри айнан ўхшашлигида, ундаги юксак инсонийлик туйғуларини тарбиялашида ифодаланади.

Ҳуқуқ ва ахлоқ ўз вазифаларини бажариш жараёнида умумий мақсадга эришиш йўлида ўзига хос усуллардан фойдаланиб, бир-бирларига ёрдам беради. Кишининг айни бир хилдаги хатти-ҳаракатига атрофдагилар ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий жиҳатдан баҳо берадилар. Унинг қилмиши қонун нуқтаи назаридан қандай қораланса, виждон, ор-номус нуқтаи назаридан ҳам шундай қораланади.

Маълумки, турли хилдаги жинойий унсурлар баъзан қонунни четлаб ўтишга, ҳатто ўз қилмишларини у билан ниқоблашга, қонуний фаолият қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Ҳуқуқ ва ахлоқ одил судлов юритиш, ҳуқуқий тартибот, адлия органлари соҳасида самарали ҳамкорлик қилади. Бу турли шаклларда: муайян ишларни ҳал қилишда, ҳар хил ҳаётий вазиятларни, ҳуқуққа зид ҳаракатларни таҳлил қилишда, шунингдек, қонунни бузувчининг шахсига баҳо беришда намоён бўлади. Кўп ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳам юридик, ҳам ахлоқий мезонларни жалб қилиш билан баҳоланади. Буларсиз баъзи хатти-ҳаракатларнинг, масалан, безорилик, туҳмат, ҳақорат, шаън ва қадр-қимматни камситиш, кўп жинойятлар учун мотив ҳисобланган ҳаёсизлик, гаразгўйлик, таъмагирлик, «бузуқ ниятлар» тушунчаларининг аломатларини тўғри белгилаб бўлмайди.

Бу, хусусан, биргаликда яшаш мумкин бўлмаганлиги боис мажбуран кўчириш, никоҳни бекор қилиш ва болаларнинг ота-оналардан қайси

бирида қолиши лозимлиги, меҳнат низоларига доир ишларга ҳам тааллуқли. Барча ана шундай ҳолларда нафақат ҳуқуқий баҳолаш, балки субъектларнинг ўзларини ва бу низоларни ҳам маънавий жиҳатдан тавсифлаш талаб қилинади.

Ахлоқни бузмай туриб, давлат қонунини бузиш мумкин эмас. Шу сабабли, ҳар қандай ишни ҳал қилишда суд столида ҳуқуқий кодекс билан бир қаторда ахлоқий қоидалар ҳам туради. Улар бир-бирини истисно қилмайди, балки тўлдиради.

### **7-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари ўртасидаги зиддиятлар**

Ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларнинг ўзаро чамбарчас алоқаси улар ўртасидаги зиддиятларни, тўқнашувларни, тафовутларни истисно қилмайди. Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги ўзаро муносабат бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

Ахлоқий ва юридик нормаларни оптимал уйғунлаштириш барча ҳуқуқий системаларда доимо мураккаб муаммо бўлган. Бунда одатда юксак даражадаги уйғунликка эришиб бўлмайди — зиддиятлар муқаррар равишда сақланиб қолади, янгилари вужудга келади, эскилари кучаяди. Уларни силлиқлаш, сусайтириш, камайтириш мумкин, лекин батамом бартараф этиш мумкин эмас. Албатта, улардан баъзиларини хоҳишга қараб йўқотиш, бошқаларига йўл қўймаслик мумкин, лекин, умуман олганда, улар объектив ҳодиса сифатида барибир сақланиб қолади. Бунда қарама-қаршилиқлар юзаки ёки чуқур ва турфун бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги зиддиятлар уларнинг ўзига хослигидан келиб чиқади. Уларнинг

тартибга солиш усули турлича, субъектлар хулқ-атвориغا баҳо беришга турлича ёндашади. Уларнинг реал ижтимоий жараёнларни турли ижтимоий табақалар, гуруҳлар манфаатларининг аке эйтириши бир хил эмаслиги муҳимдир.

Ҳуқуқ табиатан анча консерватив бўлиб, кўпинча эски тартибларни сақлаб қолишга хизмат қилади. У одатда ҳаётдан орқада қолади, бунинг устига унинг ўзида ҳам қарама-қаршиликлар кам эмас. Ҳатто энг такомиллашган қонунчиликнинг ҳам нуқсонлари, камчиликлари бўлади. Ахлоқ эса содир бўлаётган ўзгаришларни анча жўшқинроқ, фаолроқ тартибга солади. Бу икки ҳодиса нотекис ривожланади. Ахлоқда тартибсизлик (стихиялилиқ) элементлари кўпроқ учрайди. Шу сабабдан ҳар қандай жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий ҳолати доимо фарқ қилади.

Ахлоқ ҳуқуққа қараганда кўпроқ талаб қилиб, қаттиқроқ таъсир қилади. Бунга турмушга оид мисоллардан келтириш мумкин. Масалан, ун саккиз ёшли йигит уйланиб ота-онаси ва акаси яшаётган умумий тураржойдан ўз ҳиссасининг ажратилишини талаб қилди. Ота-онасининг қатъий эътирозларига қарамай, «Менинг ҳаққим бор» деган гапни қайта-қайта такрорлайверди. Агрофдаги кишиларнинг, қўшинларнинг, қариндош-уруғларнинг фикр-мулоҳазалари, норозиликлари, ҳатто нафратлари уни хижолатга солмади. Ёки, айтайлик, ёш оналар ўз болаларидан воз кечиб, уларни туғруқхоналарда қолдирмоқдалар. Эр-хотиннинг бевафолиги ёки айтайлик, аини бир шахсининг никоҳни бениҳоя кўп тузishi ва бекор қилиши ҳуқуқ ва ахлоқ томонидан ҳар хил баҳоланади. Бу каби ахлоқий-ҳуқуқий ҳоллар ҳаётда кам эмас.

Чиндан ҳам ахлоқсизлик, инсонийликка зид қонунлар кўп бўлмаса-да, учраб туради. Масалан, совет даврининг Жиноят кодексида чақимчиликни тақдирловчи, гувоҳлардан ўз яқин қариндошларини фош қилувчи кўрсатмалар беришни талаб қилувчи моддалар бўлган.

Шундай қилиб, қонун нимагадир «рухсат берди», ахлоқ эса «тақиқлайди» ва аксинча, қонун «тақиқлайди», ахлоқ эса «рухсат этади». Уларнинг ўртасида муроса йўқ. «Ҳамжиҳатлик»нинг йўқлиги бу воситаларнинг тартибга солиш ва тарбиялаш имкониятларида кўринади. Тегиншли нормаларни тўғрилаб туриш талаб қилинади.

## **21-боб. ҲУҚУҚҚА ОИД АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР**

- 1-§. *«Ҳуқуқий тизим» тушунчаси.*
- 2-§. *Юридик фан, унинг функциялари ва турлари.*
- 3-§. *Ҳуқуқий тушунча.*
- 4-§. *Ҳуқуқий тушунчанинг функциялари.*
- 5-§. *Юридик терминлар.*
- 6-§. *Юридик сиёсат.*
- 7-§. *Ҳуқуқий тизим элементлари.*
- 8-§. *Юридик амалиёт.*
- 9-§. *Юридик техника.*
- 10-§. *Ҳуқуқий аксиомалар.*
- 11-§. *Юридик конструкция.*
- 12-§. *Ҳуқуқий рамзлар.*
- 13-§. *Ҳуқуқий презумпция.*
- 14-§. *Ҳуқуқий фикция.*

### **1-§. «Ҳуқуқий тизим» тушунчаси**

«Ҳуқуқий тизим» тушунчаси юридик фанга 80-йилларнинг ўрталарида кириб келиб, ҳозирда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тизимлар каби ғалимий ва қонунчилик ҳаётимизда мустақкам ўрин

эгаллади. У ҳуқуқий воқеликнинг барча белгиларини ўзида мужассамлаштириб, улар орасидаги алоқадорликни, уларнинг тузилиш даражасини белгилайди ҳамда ҳуқуқни ижод қилувчи, татбиқ этувчи ва муҳофаза қилувчи органларга амалий масалаларни ҳал этишда ёрдам беради.

**Ҳуқуқий тизим** — *узуро боғлиқ бўлган, муносабатлар ва бир-бирига таъсир қилувчи ҳуқуқий воситалардан иборат бўлиб, ижтимоий муносабатларни, шунингдек, у ёки бу мамлакатдаги ҳуқуқий ривожланиш даражасини тавсифловчи таркибий қисмларни тартибга солади.*

Ҳуқуқий тизим, номидан ҳам маълум бўлганидек, ҳуқуқ асосида вужудга келади, лекин у мазмунан ҳуқуқдан кенгроқ.

«Ҳуқуқий тизим» умумлаштирилган тушунчадир. У ўзида ҳуқуқнинг барча жиҳатларини мужассамлаштиради. Америкалик юрист Лоуренс Фридманнинг фикрича, ҳуқуқий тизим айнан ҳуқуқнинг тузилиш тизими қисмларининг бутун бир шаклидир<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий тизимнинг асосий қисмларига қуйидагилар киради:

- 1) маънавий кўриниши;
- 2) ҳуқуқий тушунчалар;
- 3) ҳуқуқ принциплари;
- 4) ҳуқуқий маданият;
- 5) ҳуқуқий сиёсат;
- 6) ҳуқуқ ва уни ифода этувчи қонунчилик;
- 7) ҳуқуқий муносабатлар;
- 8) юридик амалиёт;
- 9) юридик техника;
- 10) юридик фан.

---

<sup>1</sup> Фридман Л. Введение в американское право — М., 1992.— С. 10.

Ҳуқуқий тизим иқтисодий тараққиётни ва ижтимоий ҳаётнинг кўп томонларини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, мустақил Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг муҳим жиҳатларини XXI аср талаблари асосида ривожлантириш лозим. Ҳозирги вақтда бу нарса қуйидаги йўналишларда амалга оширишмоқда:

*биринчидан*, юридик фан томонидан юз бераётган жараёнларни тушуниб етиш ва олдиндан айтиб бериш;

*иккинчидан*, амалдаги қонунларни янгилаш ва қайта ишлаш;

*учинчидан*, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

*тўртинчидан*, ижтимоий ҳаётнинг демократик, инсонпарвар ва маънавий асосларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш;

*бешинчидан*, шахсни ва унинг мулкани ҳимоя қилиш. Юридик воситаларнинг имкониятидан самарали, тўлиқ фойдаланиш учун, ҳуқуқий тизимни имкони борича иқтисод, сиёсат, ижтимоий ва бошқа тизимлар билан боғлаш лозим.

Ҳуқуқий тизимни юридик устқурма билан алаштирмаслик керак. Юридик устқурма — ҳуқуқий тизимнинг ҳуқуқий қарашлар, ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқ муассасаларини ўз ичига олган қисмларидан бири.

## **2-§. Юридик фан, унинг функциялари ва турлари**

Юридик фанлар доирасида ҳуқуқий воқеликнинг турли қирралари атрофлича ўрганилади. Ҳуқуқ, унинг ташкил топиши, кишилар хулқига

таъсири билан боғлиқ барча ҳуқуқий ҳодисалар юридик фаннинг предметини ташкил этади.

Юридик фаннинг предметини қуйидагилар ташкил этади.

*биринчидан*, ҳуқуқ махсус ижтимоий воқелик бўлиб, қонуний тарзда вужудга келади, ривожланади, ҳаракат қилади;

*иккинчидан*, ҳуқуқнинг бошқа ижтимоий ҳодисалар (иқтисод, сиёсат, давлат, маънавият, дин ва ҳоказолар) билан алоқаси;

*учинчидан*, ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган, қонунчилик, ҳуқуқий маданият, юридик жавобгарлик каби ҳуқуқий тушунчалар ва ҳоказо;

*тўртинчидан*, ҳуқуқнинг кишилар хулқ-атвориغا таъсири, ҳуқуқни тарғиб ва тағбиқ этиш жараёни;

*бешинчидан*, жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати.

Юридик фан ҳуқуқий воқеликни, энг муҳими, унинг ривожланиш принциплари ва мақсадларини, йўналишларини белгилаб, жамият ҳаёти-ни ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантириш, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни тағбиқ этишга ёрдам беради. Шунинг учун юридик фан (ҳуқуқшунос-лик, ҳуқуқ фанлари) назарий-амалий хусусият-га эга. Акс ҳолда, назарий изланишлар ҳуқуқни бошқаришда аҳамиятли бўлмаган ва амалий масалаларни ҳал этишга имкон бермаган бўлар эди.

Жамият ҳаётида юридик фаннинг ўрни унинг амалга оширадиган функцияларига қараб белги-ланади. Бу функциялар қуйидагилар: билиш во-ситаси, услубий тадқиқот (дунёқараш), баһорат қилиш, амалиёт, таълим-тарбия.

1. **Дунёни билиш функцияси** юридик фанда ҳуқуқ, унинг таъсир этиш жараёни ва бошқа барча ҳуқуқий воқеликлар доирасида намоён бўлади.

Ҳуқуқий воқеликни таҳлил қилиш жараёнида ҳуқуқий тушунча, категория вужудга келади ва шуларнинг ўзи ҳуқуқий воқеликни билиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Билиш фаолиятида, яъни тушунишнинг аниқ усулида, ҳуқуқий ҳодисаларни қайд қилиш масаласида концепция муҳим ўрин тутати. Билиш жараёни самарали бўлиши учун бир масала бўйича битта эмас, балки бир неча концепция бўлиши лозим. Турли концепциялар ўртасидаги ижодий кураш, тортишув юридик фанни бойитати ва ривожлантиради, тавсия қилинган масалалардан энг яхши вариантни танлаб олиш имконини беради.

Айрим концепциялар ҳукмрон бўлиши ҳам мумкин, лекин улар ҳукмрон тузилмалар ва мансабдор шахсларнинг раҳбарий кўрсатмаларига эмас, балки муҳим ва ишонарли илмий асосларга таяниши лозим.

**2. Услубий тадқиқот (дунёқараш) функцияси** юридик фанда ҳуқуқий воқеликни ўрганишнинг аниқ йўлларини белгилайди. Тўғри, услубий тадқиқот муваффақиятли илмий изланишга шароит яратди. Совет даврида мамлакатимизда ҳуқуқий фанларни ўрганишнинг ягона илмий методологияси деб марксизм-ленинизм тан олинди. Марксизм-ленинизм назарияси догмага айлангириб қўйилди, бу эса давлат ва ҳуқуқни ўрганувчиларни бошқа ижобий услубий ёндашувлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилди. Тўғри услубий тадқиқот шундай тадқиқотки, бунда текширилаётган ҳодиса турли ёндашувларнинг тўқнашуви натижасида вужудга келади ва кишиларнинг кундалик амалий фаолиятида ўз исботини топади.

**3. Башорат қилиш функцияси** юридик фанда ҳуқуқий воқеликнинг, ҳуқуқнинг ривожланиш

истиқболларини олдиндан айтиб беришда, фаразларни ишлаб чиқишда намоён бўлади. Илмий ҳуқуқий фаразлар жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки ижтимоий муносабатлар жараёни бир текисда ҳуқуқий тартибга солинади, ўз вақтида қонунчиликни янгилайди ва уларда доимий равишда учрайдиган зиддиятларни бартараф қилади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги барқарорлик башоратнинг мустаҳкам ва ишончли бўлишига олиб келади.

**4. Юридик фаннинг амалий функцияси** ҳуқуқий ижодкорлик, ҳуқуқни татбиқ қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Юридик фан доимий равишда сифатли қонунларни тавсия қилади ва уни ҳаётга татбиқ қилишнинг самарадорлигини белгилайди. Ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари, рисолалари, мақолалари, диссертацияларининг кўпчилигида ана шундай мазмундаги тавсиялар мавжуд. Афсуски, қонун чиқарувчи, қонунни татбиқ этувчи органлар ва шу соҳада фаолият кўрсатувчи субъектлар ҳамма вақт ҳам бу тавсияларни ҳисобга олмавермайдилар. Бу назария ва амалиёт тизимининг етарли даражада ривожланмаганлигидан далолат беради.

**5. Ҳуқуқий фанларининг тарбиявий функцияси** ўзининг воситалари билан қонунга итоаткор фуқароларни шакллантиришдан иборат. Юридик фан ҳар бир шахсни ҳуқуқ унинг бойлиги, ҳаёти ва соғлиғини ҳамоя қилиш воситаси эканлигига ишонтиради. Фақат юридик фангина фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш муаммоларига эътиборни қаратади ва уларни ҳал этади.

Юридик фанлар хилма-хил. Шунга кўра, ҳуқуқни акс эттирувчи предмет ва у билан боғлиқ

бўлган ҳуқуқий воқеликлар ҳам хилма-хилдир. Барча юридик фанларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

*биринчидан*, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарий ва тарихий фанлар (давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи);

*иккинчидан*, чет мамлакатлар давлат ва ҳуқуқини ўрганувчи фанлар (рим ҳуқуқи, мусулмон ҳуқуқи, чет мамлакатлар давлат ва ҳуқуқи, қиёсий ҳуқуқшунослик) ва халқаро ҳуқуқ;

*учинчидан*, соҳавий юридик фанлар (фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ ва бошқалар);

*тўртинчидан*, амалиёт билан боғлиқ бўлган юридик фанлар (криминалистика, оперативқидирув ҳуқуқи, суд тиббиёти, суд психиатрияси, суд психологияси ва бошқалар).

### 3-§. Ҳуқуқий тушунча

**Ҳуқуқий тушунча** — *юридик фан қонунчилик ва ҳуқуқни татбиқ қилувчи амалиётга асосланадиган тушунчадир.*

Тушунча тафаккурнинг асосий шаклларидан ҳисобланади. У объектив борлиқни англаш жараёнини, ҳодиса ва предметларнинг муҳим белгиларини ақс эттиради, мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқий тушунча — ижтимоий-сиёсий тушунчанинг муҳим тури бўлиб, бундай тушунчаларнинг кўпчилиги узоқ ўтмишда қарор топган Чунончи, «давлат», «адолат», «қонун», «давлат қурилиши» каби тушунчаларни қадимги юнон файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту фанга киритганлар ва тегишли мазмун билан бойитганлар. Ҳуқуқий тушунчалар қадимги Римда ҳам кенг

тарқалган бўлиб, нафақат юристлар балки барча фуқаролар учун ҳам тушунарли бўлган.

Кенг тарқалган ижтимоий-сиёсий ҳаракат ва назария янги фалсафий концепцияларни юзата келтиради. Уларга мисол сифатида, Гегелнинг «объектив руҳ» тушунчаси, диалектик методи, Кантнинг «нарсалар ўзида», Маркснинг «ижтимоий-иқтисодий формация» тушунчалари ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Тушунчалар юзата келгандан кейин ўзгаришсиз қолмайди, балки аниқлик киритилади, доимий равишда ривожланиб боради, янги мазмун билан бойитилади. Диалектиканинг ушбу талабини унутини ақиданарастликка, тушунчанинг воқеликдан ажралиб қолишига олиб келади. Тушунча ижтимоий воқеликни, унинг эҳтиёжини тўғри ақс эттиргандagina амалий бўлади. Масалан, демократия ҳақиқатан мавжуд бўлган ҳуқуқ ва эркинликни, унинг кафолатини, бурчга бегинамай риоя этиш заруратини, жамият ва бошқа шахслар олдидаги жавобгарликни, шахсни ривожланиши учун уни ҳар томонлама моддий таъминлашни тақозо қилади.

Ҳуқуқий тушунча давлат ҳуқуқий воқеликларини ақс эттириш хусусиятига эга. Юридик тушунчанинг давлат ва ҳуқуқ билан бевосита боғлиқлиги унинг энг асосий, белгиларидан бўлиб, ўзига хос жиҳатини ташкил этади. Кўпгина юридик тушунчалар қонунларда мустаҳкамланади, чунки бу ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим талабидир. Ҳуқуқий тушунчалар амал қилиш доираси ва аҳамиятига, барча юридик фанлар тизими ҳуқуқ соҳалари ва қонунчилик учун муҳим бўлишига қараб, **умум-ҳуқуқий тушунчалар** (масалан, «давлат», «ҳуқуқ», «ҳуқуқий муносабат», «қонунчилик» ва бошқа-

лар). **тармоқлараро тушунчалар**, яъни бир неча ҳуқуқ соҳалари ва фани учун аҳамиятли бўлган тушунчалар («ножўя ҳаракат», «моддий жавобгарлик» ва ҳоказо) ҳамда **тармоққа оид тушунчалар**, яъни у ёки бу соҳанинг амал қилиш доирасини белгилайдиган ҳуқуқий тушунчалар (масалан, «меҳнат шартномаси», «айбланувчи» ва бошқалар)га бўлинади.

Умумий, энг кенг ҳуқуқий тушунчалар ҳуқуқий категория деб аталади. Улар мавжуд давлат-ҳуқуқий борлиқни умумлаштириш натижаси бўлиб ҳисобланади. Масалан, фуқаролик, маъмурий, жиноий жавобгарлик тўғрисидаги тушунчаларни умумлаштириб, энг кенг бўлган «юридик жавобгарлик» тушунчасини ҳосил қилиш мумкин. Шунинг ўзи юридик категория бўлади, чунки бу тушунча жавобгарлик соҳасининг айрим турларига хос хусусият ва белгилардан мавҳумлаштириб, юридик жавобгарликка хос бўлган умумий жиҳатларни ўзида ифода этади. Аниқ ва муҳим тушунчаларнинг йиғиндиси у ёки бу ҳуқуқ соҳасини, у ҳақдаги фанни, шу билан бирга, мустақил ўқув соҳасини ташкил этади. Фуқаролик ҳуқуқида — бу соҳа «мулк ҳуқуқи», «шартнома», «мажбурият», «ворислик», «даъво муддати» тушунчалари билан, жиноят ҳуқуқида — «жиноят», «жазо», «иштирокчилик», «озодликдан маҳрум қилиш», «судланганликни олиб ташлаш» ва бошқа тушунчалар билан белгиланади.

#### **4-§. Ҳуқуқий тушунчанинг функциялари**

Ҳуқуқий тушунча ижтимоий муносабатларни тартибга солишда билиш, услубий асос, формаллаштириш функцияларини бажаради:

1. Ҳуқуқий тушунчанинг **билиш функцияси** ҳуқуқий воқеликни илмий изоҳлашда муҳим ўрин тутди, воқеликнинг турли томонларини ва алоқадорлигини акс эттиради. Ҳар қандай илмий тушунча, ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу кўринишлари ва жиҳатларига хос алоқадорликнинг муҳим белгиларини ифода этади.

Ҳуқуқ тили ҳуқуқий тушунчаларни акс эттиради. «Субъектив ҳуқуқ», «презумпция», «ҳуқуқий муносабат» ва бошқа тушунчалар ижтимоий ҳаётга оид ҳуқуқий шаклдаги маълумот. Ҳуқуқий тушунчаларни эгаллаш — юристликни ўзига касб қилиб олган киши учун тайёргарлик белгиси. Лекин ҳар бир киши учун уни билиб олиш жуда муҳим, чунки юриспруденция олами ҳамма учун бир хилда зарур.

2. Юридик тушунчанинг **услубий функцияси** давлат ва ҳуқуққа оид воқеликларни тадқиқ этиш усулларини, йўллари аниқлаш имконини беради. Ҳақиқат барча тушунчаларга эмас, балки юқори даражадаги умумлашмаларгагина тааллуқлидир, «ҳуқуқ», «давлат», «ҳуқуқий муносабат» ва бошқалар. «Гувоҳ», «жавобгар», «жабрланувчи» ва бошқа тушунчалар эса фақат амалий аҳамиятга эга бўлади.

3. Ҳуқуқий тушунчанинг **формаллаштириш функцияси** шунда намоён бўладики, унинг ёрдамида ижтимоий ҳаётга ҳуқуқнинг таъсир этиш доираси аниқланади.

## 5-§. Юридик терминлар (иборалар)

Тушунча фикрни ифода этиш шакли ва унинг моддий қобиғи бўлмиш сўзларда ифода этилади. **Юридик термин ҳуқуқий тушунча аниқ таъриф берувчи сўз бирикмасидир.**

Юридик фан ва қонунчиликда қўлланиладиган терминология (атамалар) ниҳоятда хилма-хил. Барча юридик терминлар уч гуруҳга бўлинади.

*Биринчи гуруҳга* умумий қўлланиладиган терминлар киради. Бу оддий адабий тилдаги сўзлар: «турар жой», «қисм», «босиб олиш» ва бошқалар. Буларсиз юридик фанни ҳам, қонунчиликни ҳам тасаввур қилиш мумкин эмас, чунки умумий қўлланиладиган сўзларсиз фикрни ифода этиш, қонунчиликни ва ҳуқуқ фанларини осон тушуниб бўлмайди.

*Иккинчи гуруҳга* махсус юридик терминлар киради. Бу терминлар давлат ва ҳуқуқнинг муҳим томонларини акс эттиради. Уларга қуйидаги терминлар мисол бўла олади: «ҳуқуқий муносабат», «судланувчи», «даъвогар», «прокурор», «адвокат» ва бошқалар. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, жуда кўп махсус юридик терминлар ҳозирги замон ҳуқуқига қадимги ҳуқуқ тизимларидан кириб келган («алимент», «даъво», «шартнома», «ҳуқуқий лаёқат» ва бошқалар).

*Учинчи гуруҳга* махсус юридик тилда бўлмаган терминлар киради. Бу терминлар бошқа (юридик бўлмаган) фан ва соҳаларга тааллуқли бўлиб, қонунчиликда ва юридик фанда қўлланилади: «интернет», «кибернетика», «эпизотия», «эпидемия», «таносил касаллиги» ва бошқалар. Бу терминлар мазмунини билиш учун бу сўзлар қўлланиладиган соҳага мурожаат қилиш керак.

Юридик терминология муайян талабларга жавоб бериши керак. Юридик терминлар у ёки бу тушунчани аниқ ифода этиши лозим бўлиб, қисқа, тушунарли ва оддий бўлиши зарур.

Қонун тили эҳтироссиз, барча жумлалар аниқ бўлиши, ёзилаётган предмет тавсифига боғлиқ

бўлмаган шахсий кечинмалар, тантана, руҳий ҳаяжон, лирик чекиниш ёки турмушдаги кўтарикилик аке этмаслиги керак. Масалан, қонунда «давлат» гермини кўпроқ ишлатилади, лекин унга яқин бўлган «ватан», «диёр», «мамлакат», «буюк давлат» каби атамалар камроқ ишлатилади. Қонун «ўлим» терминининг таърифини беради, лекин «ҳалок бўлмоқ», «оламдан ўтмоқ» каби атамаларнинг эмас.

Математик учун сонлар, формулалар қанчалик оддий кўринса, юридик терминлар қатъийлиги ва аниқлиги билан юристларга ҳам шунчалик оддий ва эътиборни тортадиган даражада маъқул бўлади. Бошқача айтганда, астроном учун шартли ҳарфлар қандай вазифани бажарса, юрист учун ҳам юридик терминлар шундай вазифани бажаради.

## 6-§. Юридик сиёсат

**Юридик сиёсат** — *ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг асослари, принциплари, йўналишлари, вазифалари, стратегияси ва тактикасидир.*

Ҳар бир давлат аниқ бир иқтисодий, ижтимоий, миллий, маданий, экологик, халқаро ва бошқа сиёсатни олиб боради. Ҳар бир сиёсат кўп ҳолларда ҳуқуқий, қонуний воситалар билан амалга оширилади.

«Юридик сиёсат» — жуда кенг ва умумлашма тушунча. У ҳуқуқ ижодкорлигини ва ҳуқуқни татиқ қилиш сиёсатини ўз ичига олади. «Ҳуқуқий ижодкорлик» тушунчаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш шартини кўяди, ижтимоий вазиятни қонуний жиҳатдан тартибга солиш

талабини, қонунчиликнинг ривожланиш стратегиясини белгилайди. Ҳуқуқни татбиқ этиш сиёсати ҳуқуқни муҳофаза қилиш сиёсатининг ажралмас қисми сифатида, конкрет юридик вазиятда ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш принципларини, стратегия ва тактикасини ўз ичига олади.

Ҳуқуқни татбиқ этиш сиёсати ҳуқуқ ижодкорлигининг мантиқий давоми бўлиши билан бирга, ундан фарқ қилиши ҳам мумкин.

Ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни татбиқ этиш ва муҳофаза қилиш сиёсати, ўз навбатида, майда қисмлардан иборат бўлади. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш сиёсати жиноятчиликка қарши кураш тактикасини ва принципларини, вазифасини ҳамда стратегик йўналишини белгиловчи жиноят ҳуқуқи сиёсатини ўз ичига олади.

Ҳозирги замонда юридик сиёсат бозор муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини вужудга келтиришга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, мулкчиликнинг турли шакллари яратишга, сиёсий ҳаётни демократлаштиришга, кишилар ўртасида ижтимоий адолат принципларини қарор топтиришга, демократик давлатни ташкил топтиришга, кўп миллатли мамлакатимизда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилиши лозим.

## **7-§. Ҳуқуқий тизим унсурлари**

Ҳуқуқ ва уни ифода этувчи қонунчилик ҳуқуқий тизимни жисплаштирувчи элементлардир. Ҳуқуқсиз ҳуқуқий тизим бўлмайди, чунки ҳуқуқ ҳуқуқий тизимнинг ҳар бир элементига ҳаёт бахш этади. Ҳуқуқ ядро атрофидаги электрон каби ҳуқуқий тизим атрофидаги қисмларни ташкил

қилади. Ҳуқуқий тизимнинг аҳамияти унинг ҳуқуққа қанчалик боғлиқлиги билан белгиланади.

Қонунчиликда ифода этилган ҳуқуқ ўзининг аниқ доирасини белгилайди ва ўз навбатида, янги ҳуқуқий ҳодисаларни — ҳуқуқий тизимнинг ҳуқуқий муносабат, юридик амалиёт, ҳуқуқ институтлари, қонунчилик каби элементларини юзага келтиради.

**Ҳуқуқий муносабат** — субъектларнинг ҳуқуқ нормаси асосидаги хатти-ҳаракати. Ҳуқуқий муносабат ҳуқуқнинг амал қилиш шаклидир. Ҳуқуқ ўзини фақат ҳуқуқий муносабат доирасида намоён қилиши мумкин, чунки ҳуқуқий муносабатда кишининг ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келади ва амалга ошади. унинг манфаати қондирилади, юридик жавобгарлик вужудга келади.

Ҳуқуқий муносабатсиз ҳуқуқ — «нарсая ўзида»-дир. Юзага келадиган ва мавжуд бўлган ҳар хил ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини кўрсатади, улар ўртасидаги ўзига хос алоқа канали бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, ҳуқуқий сиёсатнинг йўналишини, ҳуқуқий маданиятнинг даражасини, юридик амалиётнинг ҳолатини ва юридик техникани фақат ҳуқуқий муносабатга кўра ва уни таҳлил қилиш асосида белгилаш мумкин.

## 8-§. Юридик амалиёт

**Юридик амалиёт** — ҳуқуқий тизимнинг муҳим элементи, чунки ваколатли органлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг шу асосда тўплаган тажрибалари ҳуқуқий нормаларнинг ишлаши ва амалга ошиши билан боғлиқ. **Юридик амалиёт**

ҳамиша ҳуқуқий ижодкорлик ёки ҳуқуқни татбиқ этиш фаолиятининг маълум бир натижасидир. Натижа қай даражада самарали бўлса, ҳуқуқий тизим ҳам шу даражада ишонарли ва самарали бўлади. Ҳуқуқий тизим, табиийки, кишилиқ жамияти учун яратилади ва юридик амалиёт унинг яқунловчи элементи сифатида ҳуқуқий нормаларнинг қандайлигини ва мавжуд ҳаётга қандай татбиқ қилинаётганлигини кўрсатади.

Юридик амалиёт, ўз навбатида, ҳуқуқий тизимнинг бошқа элементларига таъсир қилади. Юридик амалиётнинг талабига кўра, қонунлар тузатилади, ҳуқуқни татбиқ этиш фаолияти тақомиллаштирилади. Айни пайтда, ҳамма юридик амалиёт ва барча ҳуқуқий ҳолатлар ҳам тараққий-парвар бўлавермайди, суд орқали никоҳдан ажралиш амалиёти одатда боланинг она тарбияси ва ҳомийлигига берилишини, ҳаёт эса бунинг доимо ҳам тўғри эмаслигини кўрсатмоқда. Кўп ҳолларда бола тарбиясини ва унинг моддий таъминотини уларнинг отаси ҳам амалга ошириши мумкин, бунинг устига қонун ҳам никоҳдан ажралиш вақтида болага нисбатан ота-онанинг тенг ҳуқуқлилигини белгилаган.

## 9-§. Юридик техника

**Юридик техника** ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш қоида ва усулларининг энг қулай махсус воситалари йиғиндисидир. Юридик техника ўзининг узоқ тарихига эга. У қадимги Рим ҳуқуқий тизимида энг юқори даражадаги ривожланиш чўққисига эришган. Ифодалаш усулининг мукамаллиги ва аниқлиги, терминларнинг аниқ ишлатилиши, норматив фармойишларнинг тўғри

ифода этилиши тўфайли Рим ҳуқуқи шу даврга қадар замонавий ҳуқуқий фан томонидан тасаннолар билан қабул қилинади.

Юридик техника қонунчилик техникаси (ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш) ҳамда ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш техникасига бўлинади.

**Қонунчилик техникаси** ўз ичига турли усул ва услубларни олади:

*биринчидан*, норматив ҳужжатни тузиш техникасини, яъни унинг тузилишини (кириш, асосий қисм, якуний қондалар), муайян қисмларга бўлишни (бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар), расмий атрибутларни (ҳужжатнинг ва уни чиқарган органнинг номи, тегишли шахс имзоси);

*иккинчидан*, норматив ҳужжатнинг мазмуни: тили, услуби, терминологияси;

*учинчидан*, норматив ҳужжатни чоп этиш, чоп этиш муддати, тартиби манбаи, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш тартиби ва техникаси.

**Ҳуқуқни татбиқ қилиш техникаси** ҳам турлича бўлиб, юридик нормаларни шарҳлаш усулларини, ҳаракатни таснифлаш, ҳуқуқни татбиқ этиш ҳужжатини тузиш кабиларни ўз ичига олади.

Юридик техника воситалари ичида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутадиганлари бор. Сўз, аввало, юридик конструкциялар, ҳуқуқий аксиомалар, ҳуқуқий рамзлар, презумпциялар ва юридик функция хусусида бормоқда.

## 10-§. Ҳуқуқий аксиомалар

**Ҳуқуқий аксиомалар** юридик фанда ва қонунчиликда ўзининг ишонарлилиги, ҳақиқийлиги билан далилсиз қабул қилинади.

**Ҳуқуқий аксиомалар умумий қабул қилинган ҳолат сифатида — таянч нуқтаси, юридик фан ва қонунчилик қуриладиган, ривожланадиган асосдир.**

Аксиомалар кишилар ақлий фаолиятининг натижаси бўлган, тушунчаларда ифода этилади. Уларнинг ҳақиқий ва ишонарлилиги кўп йиллар, қолаверса, асрлар давомида амалиёт текширувидан ўтган. Ҳуқуқий аксиомалар юридик воқелик билан боғлиқ бўлади ва уларнинг хусусиятларини ақс эттиради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ақс этирилган ва мустаҳкамланган аксиомалар кейинчалик қонуний аксиомаларга айланади.

Юридик фаолиятнинг ҳар бир соҳасида, ҳуқуқшунослик ва қонунчиликнинг ҳар бир тармоғида ўзига хос аксиомаларнинг тавсифи мавжуд. Масалан, ҳуқуқ ижодкорлигида, юридик нормаларни ифода этиш қоидаси, уларнинг норматив ҳужжатлардаги таърифи, чоп этилиши, юридик кучга кириши аксиома бўлиб ҳисобланади. Юридик нормаларнинг амал қилиши ва қўлланиш жараёни қуйидаги ҳуқуқий аксиомаларга асосланади: «субъектив ҳуқуқ юридик бурчга мос келади, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик юридик жавобгарликни келтириб чиқаради», «ҳаракат учун яқуний квалификация фақат иш ҳолатлари тўла аниқлангандан кейин берилиши мумкин», «қонун орқага қайтиш кучига эга эмас» ва бошқалар.

Ҳуқуқий аксиомаларнинг бузилиши, уларга риоя қилмаслик юридик ўзбошимчаликка олиб келади.

Ҳуқуқий аксиомалар мамлакатнинг барча аҳолиси учун хизмат қилади, уни қўллаш жамиятда тартибни мустаҳкамлайди, ривожланган ҳуқуқий жамият қуришга кўмаклашади. Улар фақат ўзини қонундан юқори қўйувчи, демократия

билан анархияни ажрата олмайдиган кишиларнинг манфаатига зид келиши мумкин.

## 11-§. Юридик конструкция

**Юридик конструкция** — *махсус норматив ҳуқуқий материалларнинг у ёки бу турлари билан уларнинг унсурлари орасидаги тузилишидир.*

Юридик конструкция кўп асрлик тафаккур фаолиятининг натижаси бўлиб, у ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи соҳа ва хусусият норматив-ҳуқуқий материалнинг турини, бошқача айтганда, юридик конструкциянинг у ёки бу хусусиятини аниқлаб беради. Фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли мулк муносабатлари билан боғлиқ бўлган юридик конструкция учун «шартнома», «мулкка эгалик», «инсофли эгалик» ва бошқалар хосдир; жиноят ҳуқуқида эса жиноят, жазо предметиға жиноят таркиби, руҳий касаллик, жиноий жавобгарликдан озод қилиш конструкциялари ўзига хосдир.

Ҳуқуқ нормаси каби юридик конструкция ҳам ижтимоий муносабатларни ўзига хос ҳуқуқий воқеалар билан шакллантиради ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини қисқартиради, оддийлаштиради ва барқарорлаштиради.

Масалан, жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб бораётган шахс жиноят таркиби конструкциясидан келиб чиқиб: субъект, субъектив томон, объект, объектив томонни аниқлайди. Бу конструкция суриштирувчи, терговчи ва судьянинг ҳаракат тартибини ва дастурини белгилайди, уни ортиқча, ишға алоқаси бўлмаган ишлар-

дан озод қилади. Фуқаролик — ҳуқуқий шартнома конструкцияси (масалан, олиш-сотиш, ҳадя қилиш ва бошқалар) томонларнинг ҳуқуқий ҳолатини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир хилда аниқлаб беради.

Юридик конструкцияла у ёки бу ижтимоий муносабатларни кўриш билан кишилар ўзларининг ижтимоий ҳаётларини тартибга соладилар, ҳар хил манфаатларини амалга оширадилар, ижтимоий тартибни мувофиқлаштирадилар. Яхши ўйланган ва унумли ишлайдиган юридик конструкциялар — ҳуқуқий тизимни барқарорлаштиришнинг муҳим шартидир.

## 12-§. Ҳуқуқий рамзлар

**Ҳуқуқий рамзлар** — қонунларда шартли мустаҳкамланган, маълум юридик мазмунни ифода қилувчи тимсоллардир.

Рамзий ифода (символика) — ҳуқуқий мазмунга аниқлик, лўндалик, равшанлик, образлилик ва ўзига хос шакл бериш воситаси. Санъат тури, алмаштириш белгиси сифатида рамзларда қатор хусусиятлар мавжуд. Улар тафаккур мазмунини англатса ҳам, кўпчилик ҳолларда моддий, сезиш мўмкин бўлган предметни (нарсани) англатади; рамзлар ундан фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши лозим; рамзлар, одатда сезги, ҳиссиёт белгисидир.

Рамзий ифодага ўтмишнинг қолдиғи, ҳуқуқий тизимнинг қадимги қисмати деб қараш нотўғри. Юридик рамзлардан ҳозирги замон қонунчилик тизимида ҳам кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда қатор рамзлар қонуний мустаҳкамланади ва шу билан ҳуқуқий тавсифга эга бўлади. Масалан, **герб, байроқ, мадҳия** давлат рам-

зи сифатида; суд ҳайъати кириб келиши билан суд залидагиларнинг ўрнидан туриши — судга ҳурмат рамзи сифатида қарор топган. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёди ҳам халққа хизмат қилиш рамзидир.

Қонунчиликда рамзий ифодадан фойдаланиш, у ёки бу ҳуқуқий кўринишни таърифлаш ёки қайта тавсифлаш заруратидан озод қилади, қонунга аниқлик ва қатъийлик бериш билан бирга унинг таъсирчанлигини оширади.

Ҳуқуқнинг рамзий ифодаси юридик техниканинг элементи бўлиб ҳисобланади.

Рамзий ифоданинг роли ва аҳамияти айниқса, ҳуқуқнинг юзага келиш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ҳаракат рамзлари устун бўлган, буни ҳуқуқий шаклнинг, тафаккурнинг, тилнинг юқори даражада ривожланмаганлиги билан тушунтириш мумкин. Ҳар бир рамз фикрнинг зарурий ва табиий изҳори бўлиб, у муқаддас тарихий аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирги кунда фақат рамз бўлиб қолган нарса қадимда ҳақиқий материянинг ҳаракати ёки мазмуни эди. Қадимги ҳуқуқда рамзий ифодалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Қадимги Римда мулкни сотиб олиш маросимининг рамзий ифодаси жуда машҳур бўлган. Вояга етган, тенг ҳуқуқли бешта гувоҳ ва яна бир тарози ушлаб турган олтинчи шахс иштирокида харидор, сотиб олинган мулкка қўлини теккизади ва айна бир вақтда бошқа қўлида тошнинг бир бўлаги ёки танга билан тарозига уради ҳамда дарҳол тошни ёки тангани сотган кишига топширади.

Бизнингча, ундан ҳам олдинги вақтларда, яъни пуллар тарозидида ўлчаб тўланганда бу удум рамзий ифода эмас, балки ҳақиқатдан ҳам олиш-сотиш ҳаракати ҳисобланган.

Ҳуқуқий тизим ривожланиши билан юридик шакллар такомиллашиб борган, рамзий ҳаракатлар ҳуқуқий тушунчаларга, конструкцияларга, терминологияга ўз ўрнини бўшатиб берган.

### 13-§. Ҳуқуқий презумпция

**Презумпция** (лотинча — эҳтимоллик) маълум бир фактларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида эҳтимол қилинган фактлар орасидаги боғлиқликка ва фактларнинг мавжудлигига асосланган ҳолда илгариги тажриба билан тасдиқланган тахминдир.

Презумпциянинг муҳим белгиси унинг тахминий тавсифи. Презумпция ишонч эмас, балки эҳтимоллик умумлашмасидир. Лекин унинг эҳтимоллик даражаси жуда баланд ва объектив дунёда ҳамда кундалик ҳаёт жараёнида қайтарилиб турадиган предмет ва кўринишлар орасидаги боғлиқликка асосланади.

Бир хил шароит ва бир хил вазиятда факт ва кўринишларни кузатиб, киши предмет ва кўринишлар ўртасидаги боғлиқликка, ўтган тажрибага асосланади ва албатта, шунга ўхшаш шарт, вазият бўлган тақдирда айнан шу факт ва кўриниш бўлади, деб тахмин қилади. Масалан, эр-хотиннинг биргаликдаги ҳаёти боланинг отасини — эр деб тахмин қилишга асос бўлади. Ишни кўрадиган судьянинг судланувчи, жабрланувчи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари билан қариндош-уруғчилик алоқаси судья ишни холисона кўролмаслиги мумкин деган тахминга асос бўла олади ва ҳоказо.

Презумпция ҳақиқатга эришишни енгиллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Кўп презумпциялар кўп асерлик амалиёт ва фикрлаш фао-

лчятининг маҳсули ҳисобланади. Улардан фойдаланиш кишиларни бир фикрлаш жараёнини такрорлаш заруратидан ҳолос қилади. Шунга кўра бундан презумпциялар ижтимоий тараққиётнинг қимматли бойлиги бўлиб ҳисобланади.

**Ҳуқуқий презумпция** — умумий презумпциянинг бир тури. Улар фақат ҳуқуқ соҳасидаги ёки фақат ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган нарсга ва ҳодиса орасидаги боғлиқликнинг оддий тартибини акс эттиради. Ҳуқуқий презумпция ҳуқуқ нормаларида бевосита ёки билвосита мустаҳкамланади.

Ҳуқуқий презумпциялар турларга бўлинади.

Ҳуқуқий мустаҳкамлаш фактига кўра презумпция фактик ва қонуний бўлади. **Фактик презумпцияда** қонун акс этмайди ва шунинг учун юридик аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин улар ҳуқуқни қўлловчи шахснинг ички ишончини вужудга келтиришда ҳисобга олинади.

**Қонуний презумпция** — бевосита ёки билвосита қонунчиликда мустаҳкамланган тахминдир. Масалан, Оила кодексида қайд этилган оталик презумпцияси.

Амал қилиш доирасига кўра, презумпция — умумҳуқуқий ва тармоқ презумпциясига бўлинади. **Тармоқ презумпцияси** фақат битта ҳуқуқ тармоғида амал қилади. Масалан, юқори давлат органининг қуёи (унга бўйсунувчи) давлат органига тааллуқли масалаларни ҳал қилишга ваколати борлиги тўғрисидаги тахмин. Юқори суд қуёи судга тааллуқли бўлган ишни ўз муҳокамасига қабул қилади.

**Умумҳуқуқий презумпция** истисносиз барча ҳуқуқ тармоқларида амал қилади. Улар умумҳуқуқий принципларга айланиб кетган. Ҳуқуқий тизимда презумпция фуқароларнинг инсофлигида, жиноят процессида айбланувчининг айб-

сизлик презумпциясида, қонунни билиш презумпциясида, норматив-ҳуқуқий актининг ҳақиқатлиги презумпциясида намоён бўлади.

Фуқароларнинг инсофлилиги презумпцияси ҳар бир инсон бошқа ҳуқуқ субъекти билан ҳуқуқий муносабатга киришганда виждонли бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқ талабига кўра одамшаванда киши шундай шахси, у бошқа шахсларга зарар етказадиган, уларнинг манфаатига, жамият ва давлат манфаатига зарар етказадиган ҳаракатни қилмайди ёки қонун талаб қилган ҳаракатни амалга оширади (ёки улардан воз кечади).

Инсофлилик презумпцияси ҳуқуқий тартибга солишда катта аҳамиятга эга ва ҳуқуқий нормаларни тартибга солувчи омил бўлиб ҳисобланади. Фуқаро олди-сотди шартномаси ёки бошқа фуқаролик ҳуқуқий битимини тузадими, жабрланувчи ёки гувоҳ кўрсатув берадими, даъвогар даъвосини асословчи далиллар келтирадими, йигит қиз билан никоҳдан ўтадими — улар барча ҳолатларда виждонли ҳисобланадилар. Чунки уларда ёмон ният бўлмайди. Ҳар қандай ҳуқуқий тизимда бу презумпциянинг бўлмаслиги ҳаддан ташқари қийинчиликни юзага келтирган бўлар эди.

Қонунни билиш презумпцияси илк бор рим ҳуқуқида ташкил қилинган ва қўлланилган ҳамда қуйидаги формулада ўз мазмунини топган: «*nemo ignorantia iuris recusare potest*», яъни қонунни билмай туриб, ҳеч кимни кўндириб мумкин эмас».

Агар киши ҳуқуқий билимсиз бўлса, ҳуқуқ ва манфаати зарар кўради. Унинг ҳуқуқбузарлик содир этиб, ҳаракати ҳуқуққа хилоф эканлигини ва жазоланиши мумкинлигини тушунмаганлиги ёки қонунни билмаганлиги унга жазо белгилашда эътиборга олинмаслиги лозим.

Ҳуқуқни татбиқ қилувчи органлар ва мансабдор шахслар бундай вақтларда фуқаро ўз давлатининг қонунларини билиши зарур деган ҳулосага таянадилар. Ушбу презумпциянинг маъноси шунда. Акс ҳолда ҳуқуқни татбиқ қилиш фаолиятининг субъектларига тинимсиз равишда «Фуқаро қонунни билармиди ёки йўқмиди»? деган масалани тушунтиришга тўғри келар эди. Шу сабабли улар асосий, ҳал қилиниши лозим бўлган масалага етиб келишлари қийин бўлар эди. Ҳуқуқий тизимда презумпциянинг аҳамияти ана шу билан белгиланади.

Ҳуқуқий деб аталишга даъво қилувчи давлат барча фуқаролари норматив ҳужжатларининг асосий қоидаларини билишларидан манфаатдор бўлиши лозим.

Бу презумпцияни таъминлашнинг шартли қуйидагилар: муҳим норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишда мамлакат аҳолисини кенг жалб қилиш; ҳужжатларнинг тушунарли ва аниқ бўлиши, уларни қабул қилиш тафсилотининг яхши ишланганлиги ва бу ҳужжатларнинг кўп нусхада наشر қилиниши лозимлиги.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳақиқат презумпцияси қонун чиқарувчи ҳужжат орган томонидан қабул қилинганлигини, аввало, қонуний, ҳаққоний, тўғри, ички ва ташқи тартиб талабларига жавоб беришини норматив-ҳуқуқ ҳужжатда ҳақиқат акс эттирилганлигини билдиради. Уларда:

*биринчидан*, ижтимоий муносабатни тартибга солувчи ҳолатни тўғри акс эттириш;

*иккинчидан*, уларга ҳуқуқий тақдимнома санкция ва тавсияномалар билан тўғри юридик баҳо бериш;

*учинчидан*, тегишли давлат органининг ваколати ва вазифаси доирасида матбуотда чиқиш қилиш;

*тўртинчидан*, унинг тузилишига, шакли, нашр қилиш тартиби, унга юридик куч бағишлаш каби қўйилган талабларга жавоб бериш назарда тутилади.

Мазкур талабларга жавоб берадиган норматив ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий дейишга асосимиз бўлади. Лекин кўпгина ҳужжатлар ҳақиқий бўлмаганлиги учун қатъий тасдиқлаш мумкин эмас. Ушбу презумпция эса уларнинг ҳақиқийлигидир. Ҳақиқат презумпцияси жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётида барқарорликни вужудга келтиради, ижтимоий ва бошқа вазифаларни ҳуқуқий воситалар билан ҳал қилишнинг зарурий шартини яратади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳақиқат презумпцияси — ушбу акт йўлланган барча субъектлар учун унинг бажарилишининг мажбурий шarti.

#### 14-§. Ҳуқуқий фикция

**Ҳуқуқий фикция** (*ёлгон, уйдирма*) — *мавжуд бўлмаган ҳолат, қонунчилик билан мувофиқ келадиган ҳолатда умуммажбурий кучга эга бўлади. Фикция — бу ҳақиқий бўлмаган ҳолатдир.* Лекин улар, билимнинг турли тармоқларида кенг қўлланилади. Қонунда мустаҳкамланганлиги учун фикция юридик ҳуқуққа айланади.

Ҳуқуқий фикциялар қадимги ҳуқуқий тизимлардаёқ қўлланила бошланган.

Фикция ҳозирги замон ҳуқуқида ҳам маълум. Чунончи фуқаролик кодексига «Фуқарони ўлди деб эълон қилинган кун, суднинг уни ўлди деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган кундан деб белгиланади» дейилган.

Фуқароннинг ўлган кунини суднинг унинг ўли-

ми ҳақидаги қарорини қонуний кучга кирган кунига боғлаш масаласи тўғрими? Йўқ, албатта, чунки бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Бундан ташқари буни фикция деб ишонч билан айтиш мумкин. Айрим ҳолларда суд қарорининг кучга кирган куни, фуқаронинг ҳақиқатан ҳам ўлган кунига тўғри келиб қолиши мумкин, лекин бу муглақо тасодифий бўлади.

Фиктив (қалбаки) ҳолат жиноят қонунда ҳам мавжуд. Буни судланганликни олиб ташлаш масаласида кўриш мумкин. Қонунда белгиланган тартиб судланганлик олиб ташланиши ёки зиённинг қопланиши ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Ҳуқуқий тизимда фикциянинг зарурлиги шундаки, улар ижтимоий муносабатни тартибга солади ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатига аниқлик ва равишанлик киритади.

Фуқаронинг бедарак йўқолишини, ўлишини, судланмаган деб ҳисоблашни ва бошқа ҳолатларни тан олиш — субъектнинг ҳуқуқ ва бурчи билан боғлиқ булиб, уни юзага келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган юридик фактдир. Уларда ҳар қандай ноаниқлик мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун бундай ҳолатларнинг қонунда фиктив бўлса ҳам ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши нафақат оқланади балки, ҳуқуқ тизимида зарурдир.

Ҳуқуқий презумпция ва фикцияни айрим ҳуқуқшунослар ҳуқуққа хос бўлмаган деб атайдилар, чунки улар оддий ҳуқуқий категория доирасига тўғри келмайди.

Ҳуқуқий тизим, қотиб қолган эмас. У доиморивожланишда вақт ўтиши билан унинг таркибий қисми рўйхати ҳам, бизнинг у ҳақидаги тасаввуримиз ҳам ўзгариши мумкин.

*«Қонунларни билмаган ва уларга бўйсунмаганлар қонунларни бемаъни деб аташни хоҳлаб қоладилар»<sup>1</sup>.*

АФЛОТУН

## 22-боб. ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ НАЗАРИЯЛАР

- 1-§. Ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни: юридик дунёқараш ва ҳуқуқий нигилизм.
- 2-§. Марксча ҳуқуқ назарияси — ҳуқуқий нигилизмнинг куришиларидан бири.
- 3-§. Ҳуқуқни тушунишнинг асосий турлари.
- 4-§. Ҳуқуқ фалсафаси: табиий ҳуқуқ назарияси.
- 5-§. Социологик юриспруденция. Ҳуқуқий плюрализм ва судьялар фикрининг эркинлиги.

### 1-§. Ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни: юридик дунёқараш ва ҳуқуқий нигилизм

Кишилик жамияти тарихида ҳуқуққа нисбатан икки асосий ёндашувни кўриш мумкин. Биринчи ёндашув ҳуқуқни муҳим ижтимоий қадрият, жамиятни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида тан олиш бўлиб, бу ёндашувнинг энг тўлиқ ифодаси — **юридик дунёқарашдир**. Иккинчи ёндашув эса, аксинча, ҳуқуққа нисбатан лоқайдлик ёки ишончсизлик муносабатлари ҳамда очиқдан-очиқ ҳуқуқни инкор қилиш билан ажралиб туради. Бу ёндашув **юридик нигилизм**, яъни ҳар қандай ҳуқуқий нормалар, принциплар ва қонунларни инкор қилиш деб аталади.

<sup>1</sup> *Абв Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри»* Тошкент, 1993 й. 17-бет.

**Юридик дунёқараш.** Юридик дунёқарашнинг тарихий илдиэлари қадимги Юнонистон ва Римга бориб тақалади, бироқ том маънодаги юридик дунёқараш, XVIII асрдаги маърифатпарварлик даврида Америка ва Англия инқилоблари арафасида шаклланган. Маърифатпарварлик даври мутафаккирлари мутлақ ҳокимлик ҳамда якка ҳукмдорликка (Людовик XIV нинг: «Давлат — бу мен» иборасини эслайлик) қарши курашда «инсон бошқарувини қонун бошқаруви билан алмаштириш» шиорини илгари сурган эдилар. Бунда улар қонуннинг қудратли кучига ишонганлар ва улардан бирининг ибораси билан айтганда, қонунда белгиланса «ҳамма бажариши мумкин», деб ҳисоблаганлар.

Дидро жамиятнинг келиб чиқишини қонунчилик фаолияти билан боғлаган, Гольбах эса жамият равнақини таъминлаш учун инсонпарвар қонунлар зарур деб ҳисоблаган.

Бундай вазифани бажариш учун қонун инсон табиатига мос келувчи табиий ҳуқуқнинг талаблари ва асосий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши керак. Табиий ҳуқуқнинг асосий қоидаларини мустақиллик тўғрисидаги инқилобий декларацияларда мустаҳкамлаш. ёзма конституцияларни яратиш, қонунларни ҳуқуқ тармоқлари бўйича тартибга солиш — буларнинг бари ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурлар жамиятнинг бирламчи асоси деб баҳоланишига имкон берган.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши давлатнинг хўжалик ҳаётига тўғридан-тўғри аралашувига чек қўйган, кенг қўламли ҳамда аниқ ҳуқуқий тартиб ва қоидаларни ўрнатишга эҳтиёж тугдирган. Ҳуқуқ мулкчилик ва талбиркорликнинг асосига айланган. Бунда давлатга кафолат бериш ва қўриқчилик (тунги қоровуллик)

қилиш вазифаси юклатилган, шунингдек, бу жараёнда давлатнинг ҳуқуқ билан алоқадорлиги аён бўла бошлаган. Бундай жамиятда ҳуқуқий шакл умумий аҳамият касб этган, юридик мафкура биринчи ўринга чиққан.

Юридик дунёқараш нуқтаи назаридан шу нарса муқаррар эдики, жамият тарихи — жамият ҳаётида ҳуқуқ аҳамиятининг тадрижий (эволюцион) ўсиб бориши тарзидаги ривожланиш тарихи бўлиб, бу йўл келгусида ҳам давом этмоғи керак эди.

Давлат ичкарисида ҳам, унинг ташқи муносабатларида ҳам ҳуқуқ кучи куч ҳуқуқини аста-секин сиқиб чиқариши зарур эди.

Бу тутилган йўл сўнгги юз йилдан ортиқ вақт мобайнида мураккаб синовлардан ўтди. Бироқ кенг кўламли ижтимоий ҳодисалар силсиласи (жаҳон уруши, инқилоблар, диктатуралар, бўҳронлар) оқибатида юз берган тарихнинг суронли воқеаларига қарамай, ХХI асрда ҳуқуқнинг жамиятдаги мақоми ва аҳамияти илгариги даврларга нисбатан янада ортиб бормоқда.

Ҳуқуқни ривожлантирмай ва такомиллаштирмай туриб кишиларнинг эркинлиги ва озодлигини, уларнинг асосий ҳуқуқларининг тенг муҳофаза қилинишини, сермахсул иқтисодий тузумга асосланган ҳозирги замон саноатлашган жамиятини, кенг сиёсий демократияни, ҳуқуқий давлатчиликни таъминлаб бўлмайди. Шахс эркинлиги, ҳуқуқий давлат, халқаро ҳуқуқнинг устунлигига асосланган юридик дунёқараш барча мафкураларда, ҳам тан олинган.

Тарихий тараққиёт мобайнида юридик дунёқарашнинг ўзи ҳам ўзгармай қолмаган. Бугунги кунда ҳуқуқнинг иқтисодий тузум билан боғлиқлигини тан олмаслик ёки позитивизм руҳида чек-

ланганлик каби мезонлар билан тавсифланувчи шакллар барҳам топди. У ҳуқуқсиз мавжуд бўлмайдиган, ҳуқуқий давлатсиз ривожлана олмайдиган сиёсий демократия билан ҳамда ҳозирги пайтда дунё миқёсида катта аҳамият касб этаётган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Юридик дунёқараш ижтимоий фикрларнинг муайян мактаби ёки оқими эмас. У жамиятнинг тадрижий ривожланишини тан олиш асосида бирлашган ҳуқуқий йўналиш ва мактаблардир.

**Ҳуқуқий нигилизм.** Ҳуқуқий нигилизмнинг икки йўналишини кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий нигилизмнинг **биринчи йўналиши** — фаолиятсизлик — ҳуқуққа нисбатан лоқайд бўлиш, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини очиқдан-очиқ тан олмаслик, унга старли баҳо бермаслик билан изоҳланади. Айрим ҳуқуқий таълимотларда ҳуқуққа бутунлай ёки қисман эътиборсиз қаралади. Бундай ёндашувни давлат бошқарувининг авторитар ва диктаторлик шаклларига асосланган таълимотлардагина эмас, балки айрим илгор демократик таълимотларда ҳам учратиш мумкин.

Ҳуқуқий нигилизмнинг **иккинчи йўналиши** — фаоллик — ҳуқуққа нисбатан ғаразли муносабатда бўлиш хосдир. Бу йўналишнинг намояндалари ҳуқуқнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини тан олмайдилар. Улар ҳуқуқнинг ижтимоий ролини инкор қиладилар, нари борса ҳуқуқни ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг такомиллашган усули, деб ҳисоблайдилар, акс ҳолда ҳуқуқни бутунлай рад қиладилар.

Бундай ёндашувга *анархизм* (ҳокимиятсизлик) оқимини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу таъ-

лимоғнинг асосчилари бўлмиш Штирнер, Прудон. Бакуниинларнинг назарида, ҳуқуқ ҳам давлат сингари бахтеизлик келтирувчи омилдир. Анархизмнинг олий мақсади «эркин (либерал) жамиятга» ана шу бахтеизлик манбаини бартараф этиш орқали боришдир. Бакунин ўзининг муҳим дастурий асарларидан бири бўлмиш «Халқаро социалистик альянс дастури»да «юридик тилда ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллаш деб аталадиган ҳамма нарсани» дарҳол бекор қилишни талаб қилган эди. У эркинлик, озодликнинг чинакам тантанаси учун «сиёсий қонунчилиқни», яъни даставвал Конституцияни улоқтириб ташлаш зарурлигини таъкидлаган.

XX аср мафкуравий ва сиёсий ҳаётида анархизмнинг айрим кўринишлари яна такроран юзага келди. Бу сўнгги марта XX асрнинг 60-йиллари охирида Европа ва АҚШда юз берган талабалар ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўзини намоён қилди. Бу ҳаракатларнинг айрим гуруҳлари илоҳий қоидалар билан анархизм, марксизм ва маоизмни қориштириб, ҳуқуққа салбий муносабатда бўладилар. Европа ва АҚШдаги анархизмнинг бу кўринишлари ўзининг ўзгачалиги билан ҳам ижтимоий онгга узоқ ва жиддий таъсирини ҳамда анархизм мафкурасининг мавқеини сақлаб қола олмади.

Бироқ тарихда шундай воқеалар юз берадики, юридик-нигилистик мафкура ҳукмрон мафкурага айланганда, мамлакат ҳаёти ва ижтимоий онгида ғоят сезиларли оқибатлар содир бўлади. Хитойдаги Конфуций таълимоти бунинг ёрқин тимсоли бўлиб хизмат қилади. У қадимий сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар келиб чиққан даврда вужудга келган. Агар бошқа сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ҳуқуқ ва қонунни юксак қадрлаб, уни фақат бошқарув воситасигина эмас, балки фуқа-

ро ҳуқуқларининг мажмуини ифодалаган ҳужжат деб тан олган бўлса, Конфуций ахлоқий қадриятларни мужассамлаштирувчи анъаналар ҳукмронлиги ва «қонун ҳукмронлиги»дан бирини танлаб олиш ғоясини илгари сурган, ўзи эса анъаналар ҳукмронлигини танлаган. Конфуций нуқтаи назарича, қонунлар жамият ҳаётини яхшилаш учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, аксинча, улар қанча оз бўлса, шунча яхши, одил судловга мурожаат қилиш ахлоқсизликдир. Бундай исботсиз қабул қилинган қоидалар ижтимоий онгдан мустаҳкам ўрин олган. Хитойдаги бошқа бир нуфузли мафкуравий оқим — легистлар — гарчи қонуннинг муҳимлигини таъкидласалар-да, бироқ унга фақат жиноий жазо бериш воситаси, шафқатсиз жазо ва чақимчилик тизимига асосланган давлат бошқаруви қуроли сифатида қараганлар.

Умуман, неча асрлар давомида аҳолиси кўп мамлакатларда ижтимоий онг юридикизмга қарши қўйиб келинган ва фақат сўнги вақтлардагина бу борада ижтимоий ҳуқуқий ўзгаришлар юз бера бошлади.

Шарқ билан Ғарбнинг асосий фарқи шундаки, Ғарбга «давлатга сажда қилиш», ҳаётни юридик қоидалар асосида барпо қилишга интилиш хос бўлса, Шарқда маънавий, ахлоқий қоидаларга, коллективизм (жамоатчилик) ғояларига асосланган тартиблар афзал кўрилган.

Ҳуқуқ ҳеч қачон ижтимоий қадриятлар тизимида ахлоқдан устунликни даъво қилмаган. Аммо маънавиятни ва ахлоқни ҳам ҳуқуқдан устун қўйиб бўлмайди. Ҳуқуқнинг аҳамиятини менсимайдиган, уни иккинчи даражали деб ҳисоблайдиган ҳар қандай қарашлар ижтимоий жиҳатдан хавфлидир.

## 2-§. Марксча ҳуқуқ назарияси — ҳуқуқий нигилизмнинг бир кўриниши

Кўплаб Фарб ҳуқуқшунослари марксизмнинг ҳуқуқ ҳақидаги таълимотини ҳуқуқни юксак баҳоламайдиган нигилистик қарашлар қаторига қўшадилар. Фикримизча, муаммонинг айрим жиҳатларини фарқлаш лозим: *биринчидан*, марксизм асосчиларининг жамият тарихида ҳуқуқнинг тутган ўрни, табиати ва аҳамиятига бўлган қарашлари; *иккинчидан*, ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичларида ҳуқуқнинг аҳамиятига марксча қарашлар; *учинчидан*, марксизмнинг издошлари ҳокимиятга келиши билан бу қарашларга қандай тузатишлар киритди ва марксистик қарашлар шаклини қандай ўзгартирди.

Муаммонинг биринчи жиҳатига эътибор берилса, марксистик таълимотнинг кўплаб қоидалари ва хулосалари муайян аҳамиятга эга. Бу, даставвал, ҳуқуқнинг жамиятдаги кўзга кўринмайдиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, аynиқса, ишлаб чиқариш ва тақсимот соҳасидаги товар-пул муносабатлари билан боғлиқлигини кўрсатиб берганлигидир. Марксистик таълимотда ҳуқуқнинг келажагига етарлича баҳо берилмаган.

Ҳуқуқ буржуа жамияти доирасида ҳақиқатан ҳам келажаксиз бўлиб кўринган, чунки бу жамиятнинг ҳуқуқий йўл билан бошқа бир жамиятга айланиши мутлақо истисно қилинган. Маркс келажакни ҳуқуқ билан боғлиқ бўлмаган пролетариат инқилобининг муқаррарлиги билан чамбарчас боғлаган.

Маркс буржуа жамиятини ҳам, бу жамиятнинг ҳуқуқий келажаги ва куч-қудратини ҳам баҳолаш-

да янглишган, ўша пайтдаги ҳуқуқий тизим тўла такомиллашмаган бўлса-да, аслида ҳуқуқ демократик йўналишда ривожланадиган жамиятнинг сиёсий ва фуқаровий ҳаётида асосий устунлардан бири сифатида кўра олмаган. Марксистик таълимот асосчилари «ҳуқуқий давлат» ғоясини нотўғри чеклаганлар.

Бироқ марксизм фақат соф назария бўлиб қолмади, балки бир неча ўн йил мобайнида амалиётга татбиқ этиш учун намуна, қолип бўлиб хизмат қилди. Айнан мана шу жойда зўрликка асосланган инқилоб ва пролетариат диктатурасининг ҳуқуқ билан чекланмаганлиги, коммунизм қуришда ҳуқуқни инкор этиш, «буржуа демократияси» ва бошқа шу кабиларга эҳтиётсизлик, лоқайдлик муносабатида бўлиш оқибатлари яққол кўзга ташланади.

Марксизм таълимотининг асосчилари ҳуқуқнинг синфий тавсифини торайтириб тушунганлар. Марксизм социалистик қурилиш тарихида ҳуқуққа муносиб ўрин ажратганда эди, бунчалик кўп қонунсизлик ва жабр-зулм юз бермаган бўлар эди.

### **3-§. Ҳуқуқни тушунишнинг асосий турлари**

Ҳуқуқий таълимотларнинг турли йўналишлари ва мактабларини ҳуқуқни қандай тушунганлигига қараб, уч турга бўлиш мумкин.

Ҳуқуқни тушунишнинг *биринчи тури* учун «Ғоялар дунёни бошқаради» ва «Инсон ҳамма нарсадан олий хилқатдир» деган машҳур фалсафий ибора (алоҳида ёхуд биргаликда) дастлабки асос бўлиб хизмат қилади. Бунда ҳуқуқ инсоннинг манфаатлари, фазилатлари, оқилона ва тўғри ғояла-

рининг ифодаси деб ҳисобланадилар. Бундай қарашлар тизими бу турдаги фикрларни «ҳуқуқ фалсафаси» номи билан бирлаштиради. Немис файласуфи Гегель ибораси билан айтганда, бу «ҳуқуқни ақлга мос» деб қарашга даъват қиладиган қарашлар тизимидир.

Ҳуқуқни тушунишнинг *иккинчи тури* учун давлат асосий қоида ҳисобланади. Ҳуқуқни бундай тушунадиган мактаблар учун ҳуқуқ жамиятда мажбурий ва зарурий тартибларни ўрнатувчи давлат иродасининг, мустақил ҳокимиятнинг маҳсулидир. Бу позитив (ижобий) юриспруденция мактаби бўлиб, амалдаги ҳуқуқ қандай бўлса, уни шундайлигича ижобий қабул қилишни талаб қилади.

Ҳуқуқни тушунишнинг *учинчи турдаги* йўналиши ва мактаблари ҳуқуқни «жамият», «амалий ҳаёт» тушунчаларидан ажратган ҳолда кўрсатишга интилади. Улар учун «китоблардаги ҳуқуқ» эмас, «чинакам амал қиладиган ҳуқуқ» муҳимроқ. Улар ўзларини «ҳуқуқ социологияси» (ёки «социологик юриспруденция») мактабига мансуб деб билиб, айрим ҳуқуқий муносабатларга, оммавий-ҳуқуқий онгга катта эътибор берадилар.

Шуни яна бир бор таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни тушунишни уч турга бўлиш, аниқса бугунги кунда шартлидир. Ўтмишда бундай бўлиниш қарама-қарши кучларнинг кураши натижасида юз берган. Хусусан, позитивизм таълимоти ҳуқуқ фалсафасининг муҳим тушунчаси — «табiiй ҳуқуқ»ни инкор этиш оқибатида шаклланган. Социологик юриспруденция эса позитивизм билан кураш натижасида келиб чиққан.

Бугунги кунда бундай қарама-қаршилик ўтмишга айланган, ушбу йўналишларнинг айримлари ҳамкорликда бўлиши билан бирга, уларнинг айрим бўлаклари қўшилиб бир бутун бўлиб кетган, кўп ҳолларда бир-бирларини тўлдириб келмоқда. Масалан, уларнинг ҳаммаси фуқароларнинг табиий ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устуворлигини, давлат органларининг фаолияти суд назоратида бўлиши зарурлигини тан олишда ўзаро яқдидирлар. Ҳуқуқ билан давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги бош масалани ҳал қилишда айрим фарқлар бўлишига қарамай, ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий принципларини тан олишда барча оқимлар ўзаро яқинлашмоқда.

#### **4-§. Ҳуқуқ фалсафаси: табиий ҳуқуқ назарияси**

Ҳуқуқ фалсафаси учун «руҳ дунёни бошқаради» деган гоё асосий ҳисобланади. Бу гоё ҳуқуққа нисбатан қўлланилса, у амалдаги ҳуқуқ қандай бўлишини белгилайди. Табиий ҳуқуқ таълимотида ўзининг тўла ифодасини топган бу йўл ҳуқуқ сингари қадимий бўлиб, «амалдаги ҳуқуқ»қа бутун тарих давомида ҳамроҳлик қилиб келган. Шунини ҳам таъкидлаш зарурки, «ҳуқуқ руҳи» «амалдаги ҳуқуқ»нинг юксалиши ва инқирози даврларини ҳам биледи.

Албатта, табиий ҳуқуқ ўтмишда бу таълимотнинг айрим вакиллари ўйлаганидек позитив ҳуқуқ билан бирга мавжуд бўлувчи ва амал қилувчи қандайдир ҳуқуқий тизим эмас. Табиий ҳуқуқ — ҳам адолат ҳам инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги тасаввурларни акс эттирувчи мафкуравий ҳодиса. Бироқ бу тасаввурлар амалдаги ҳуқуққа ва

қонун чиқарувчига қаратилган ҳуқуқий талаблар тарзида шаклланади. Уларни бажармаслик ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Цицерон: «Адолатсиз қонун — ҳуқуқни яратмайди», — деган эди. Бунга ҳозирга қадар амал қилиб келинмоқда.

Одил судлов, умуман, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бундай қоидалардан фойдаланиш анча қийинчилик туғдиради. Бироқ бу муаммонинг муҳим эмаслигини билдирмайди. Табиий ҳуқуқ қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ғаразли мақсадларда фойдаланишга ҳамда «ғайриҳуқуқий қонунчилик»ка қарши курашувчи воситага айланади. Табиий ҳуқуқ таълимоти биринчи бўлиб ҳуқуқ билан қонун мувофиқ келмаслигига эътиборни қаратган, ҳамма вақт бу номувофиқлик хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаган.

Тарихан шундай бўлганки, энг ривожланган ва замон талабларига жавоб берувчи таълимот бўлган табиий ҳуқуқ таълимоти жамият тараққиётининг илғор талабларини аке эттирган. Гап XVIII аср маърифатпарварлик оқими ҳақида бормоқда. Табиий ҳуқуқ ҳақидаги таълимотда шаклланган эркинлик, тенг ҳуқуқчилик, мулкнинг дахлсизлиги, ҳокимият зўравонлигидан сақланиш, «қонун ман қилмаган ҳамма нарсани қилиши мумкин» (аксинча, қонунда ёзилмаганини ҳеч ким мажбуран қилдира олмайди). «ҳокимиятларнинг бўлиниши», айбсизлик презумпцияси ва бошқа принциплар маърифатпарварлик оқимининг асосий ғоя ва қоидалари ҳисобланади.

Табиий ҳуқуқ таълимотининг катта хизмати шундаки, у инсон ва фуқароларнинг ажралмас асосий ҳуқуқлари ғоясини тасдиқлаган, маърифатпарварлик оқимининг ҳам муҳим қоидаларидан бири сифатида ҳозирга қадар мавжуд. Бу

ҳуқуқлар давлат бошлиғи ёхуд қонун чиқарувчи томонидан ҳаёда қилинган ҳуқуқлар эмас, балки инсон туғилиши (бу барча нарсанинг ўлчов мезонидир) билан у табиатан эга бўлган ҳуқуқдир. Ҳуқуқ нафақат бошқарув воситаси, балки инсон ва фуқароларнинг давлат ҳокимияти тан олиши ҳамда конституциявий ва бошқа юридик кафолатлар билан таъминланиши шарт бўлган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими ҳамдир.

Ҳуқуқни бундай тушуниш бирданига қарор топган эмас. Янги даврнинг дастлабки босқичида ҳукмрон таълимот бўлган позитивизм ҳам тоталитар тартиблар шароитида тан олинмаган.

Бироқ, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб вазият бугундай ўзгарди. «Инсон ва фуқароларнинг ажратмас ҳуқуқлари» тушунчаси моҳиятан кенгайиб, бойиб, халқаро ва кўнрақ миқдорий ҳуқуқий тизимларда белгиланган ва етакчи мавқега эга бўлди. Бу билан боғлиқ ҳуқуқни тушуниш ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

XXI аср бошида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг табиий-ҳуқуқий таъқини ҳуқуқий таълимотларнинг барча мактаб ва йўналишлари томонидан, ҳатто табиий ҳуқуққа ёмон кўз билан қарашли таълимотлар томонидан ҳам тан олиниши алоҳида аҳамиятга молик. Инсон ҳуқуқлари руйхатининг кенгайиши ва бунга «ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг ҳам кўнрақлиги» натижасига табиий ҳуқуқ билан «ижтимоий» таълимотлар ўртасидан баҳс ҳам ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Маълумки, бу баҳс табиатдан берилган ажратмас ҳуқуқлар ва жамиятнинг хусусияти билан боғлиқ (маркеса ёндашув) бўлган «ижтимоий-иқтисодий» ҳуқуқлар борасида эди.

Бугунги кунда конституциявий суҳлар етакчи

мавқега эга бўлган кўп мамлакатларда қонунчилик нормаларининг Конституцияга мослиги масаласи ҳал қилинар экан, ҳар замонда, лекин кўпчилик табиий-ҳуқуқий таълимот томонидан қадрланган, «умумий» ҳуқуқий принципларга мурожаат қилинади.

Бу амалий натижалар гўёки ҳозирги замон табиий ҳуқуқ таълимотининг аниқ чегараси йўқолишига олиб келди. Ҳозиргача бу борада баҳс олиб борадиган, бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган таълимот ва мактаблар йўқ. Фақат тадқиқот қирралари, жиҳатларини, танлашдагина айрим фарқлар сақланиб қолмоқда.

### 5-§. Юридик позитивизм

**Юридик позитивизм** ҳуқуқни давлат иродасининг маҳсули бўлган нормалар йиғиндиси деб ҳисобловчи таълимотдир. У қандайдир табиий ҳуқуқий бошланғич қоидалар мавжудлигини катъиян рад этади. Позитивизм узинини мазмунидан қатъи назар, табиий ҳуқуқий принципларга мувофиқ келмайдиган асоссиз қонун ҳуқуқни яратмайди деб ҳисобловчи табиий-ҳуқуқ таълимотидан «қонун - бу қонулдир» қоида сига амал қилиши билан фарқ қилади. Агар табиий-ҳуқуқий таълимот нуқтан назардан, асосий ҳуқуқ ва эркинликлар қонунчилиikka нисбатан бирламчи, давлат эса қонун чиқарувчи бўлиб, уларни тан олиши илҳом бўлса, позитивизм таълимотида уларнинг ўрнига объектив маънода қонун чиқарувчи яратган ҳуқуқ асосида ишлаб чиқилган «субъектив ҳуқуқ» тушунчаси келади. Болиқача қилиб айтганда, фуқаро уз ҳуқуқларини қонун чиқарувчи бўлган давлатдан олади. Позитивизм нуқтан на-

зари бўйича, судья «қонун сўзларини талаффуз қилувчи офиздир».

Позитивизм юридик фаннинг вазифасини қонун-қоидаларни ҳеч бир эътирозга йўл қўймайдиган тарзда қайта ишлаб чиқишдан иборат, деб ҳисоблайди. Бу таълимот қонун-қоидаларни фалсафий, ахлоқий ва бошқа хил баҳолашга йўл қўймайди. Унда ҳуқуқ ўзида зарур маълумотларни мужассамлаштирган ёпиқ тизим сифатида қаралади.

Дастлабки қарашда бундай ёндашув жиддий илмий натижаларга олиб келмайдигандек туюлади. Бироқ аслида бундай эмас. Айнан позитивизм йўлидан борган мактаблар юридик фаннинг бугунги кунда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти асосланиб келаётган муҳим тушунчалари, тузилиши, техник (маҳорати, усталиги) усулларини ишлаб чиққан. XIX аср охирида позитивизм вакиллари-нинг конституциявий ҳуқуқ ва жиноят ҳуқуқи фанларида юқори даражага эришганлиги бежиз эмас. Ҳуқуқий нормалар ва уларнинг тузилиши, уларни шарҳлашнинг турлари. «ҳуқуқ субъекти» тушунчаси, юридик жавобгарлик асослари — бу ва қўплаб шунга ўхшаш муаммоларни муттасил ишлаб чиқиш юридик позитивизмнинг «ҳуқуқ ақидалари»ни яратиш борасидаги муҳим хизматларидир.

Бунга яна қонуннинг устунлиги принципини, қатъий қонун талабларини ишлаб чиқишни ҳам қўшиш мумкин, чунки, ўз навбатида, улар ҳам алоҳида диққатга сазовор. Ҳуқуқни ҳамма нарсани ўзида мужассамлаштирган тизим деб талқин қилишдан назария ва амалиёт учун зарур бўлган шундай муҳим хулоса келиб чиқадики, бунда амалдаги қонунларда мавжуд бўлган камчилик ва ноаниқликлар туфайли одил судловни амалга оширишни рад қилиш мумкин эмас. Шунини эслатиб ўтиш лозимки,

позитивизм мактаби ҳуқуқни шунчаки қоидалар мажмуи деб эмас, балки жамиятнинг ҳаётий фаолияти учун етакчи, муҳим қоидалар тизими сифатида тан олувчи юридик дунёқарашга таянади.

Ҳуқуқни ижтимоий жиҳатдан баҳолашдан воз кечиш ҳам «қонуннинг негизи иролада» дейишга ва зўравонликка, «ҳуқуқни бузувчи қонунчилик»-ка йўл очувчи «қонун қонундир» каби қоидалар ёқимсиз жаранглаши ҳам юридик позитивизмнинг обрўйини туширди. Фашистик қонунчиликни, инсоният ва тинчликка қарши қаратилган жиноятларни позитивизм нуқтаи назаридан айб-лашнинг имкони бўлмади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бугунги кунда халқаро ҳуқуқ нормаларида ва миллий ҳуқуқий тизимларда тутган ўрни ва аҳамияти ҳам юридик позитивизм тақдирига таъсир этмай қолмади. XX асрнинг биринчи ярмида Г. Кельзеннинг «нормативизм концепцияси» тарихда қолди. У «соф ҳуқуқ назарияси» номини олган бўлиб, позитивизм методологияси қоидаларини энг сўнгги чўққисига етказди.

Г. Кельзен юридик фанларда ҳуқуққа метаюр-дик ёндашувдан воз кечиш зарурлигини таъкид-лаган эди. Бунга у ҳуқуқни вужудга келтирувчи сабаб ва оқибатни, ҳуқуқнинг руҳият билан боғ-лиқ жиҳатларини, сиёсат, мафкура, ахлоқ, иқти-сод ва ҳаттоки қонун чиқарувчи кўзлаган мақсад билан алоқасини ўрганиш кабиларни киритган.

Юридик фанлар ҳуқуқни баҳолашда уни қан-дай бўлса, шундайлигича қабул қилишдан воз кечиши керак. Юридик фан сабаб ва оқибат прин-ципларидан фойдаланиши ва ўз хулосаларини иж-тимоий борлиққа мурожаат қилиш йўли билан текшириб кўриши мумкин эмас.

Юридик фан бир ҳуқуқ нормасининг бошқа янада умумийроқ нормага мувофиқлигини аниқлаш билан шугулланиши керак, айнан шу мувофиқлик ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқийлигини таъминлайди. Шартномалар ва бошқа алоҳида нормалар ўзининг ҳақиқийлигини қонунда, қонунлар — конституциявий нормаларда, конституциявий нормалар халқаро ҳуқуқ нормаларида топади.

Г. Кельзеннинг фикрича, бу зинанинг сўнгги пиллапоясини «ҳуқуқий тартиб (процедуралар) асосида яратилмаган», «ҳақиқий деб тахмин қилинган учунгина ҳақиқий бўлган» қандайдир «асосий норма» ташкил этади.

Шу тариқа, ҳуқуқнинг кучи ва ҳақиқийлиги ҳуқуқнинг ўзида мужассамлашган. Давлатнинг ўзи, Кельзеннинг фикрича, «ҳуқуқ давомининг» мантиқий оқибатидан бошқа нарса эмас.

Давлат, бошқа нуқтаи назардан қараганда ҳуқуқий тартиботнинг ўзидир. Кельзеннинг фикрича, ҳуқуқ манбалари бўйсунилишининг тартиби давлат органлари тузилишининг эмас, аксинча, давлат органларининг бўйсунуш тартиби ҳуқуқ манбалари бўйсунуш тартибининг ифодасидир.

Ҳозирги кунда позитивизм методологиясининг изчил ва жиддий ҳимоя қилинишини ва қўллаб-қувватланишини юридик фанда учратиш қийин.

## 6-§. Социологик юриспруденция

Социологик йўл туғган ҳуқуқ мактаби вакилларининг позитивизмдан фарқи фақат давлатнинг ўзи ҳуқуқни яратмайди, жамиятнинг узидагина қарор топган ва ривожланаётган ҳуқуқни «кашф» этади, деб ҳисоблайдилар.

Жамият заминида ҳуқуқнинг ривожланишида

реал ҳуқуқий муносабатларнинг қандай қисми муҳим асосий ғоя бўлиб, қандай мақсадга хизмат қилишидан ҳуқуқ келиб чиқади. Ундан қонун чиқарувчидан ислоҳотлар талаб қилиш, жамиятда янги қонун қарор топмаганлиги туфайли қонунларни тубдан янгилашга йўл қўймай, амалдаги қонунларни ўзгартириш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Айнан ана шундай эскилик тарафдори бўлган ҳуқуқнинг тарихий мактаби ХХ аср бошларида Германияда (Савиньи, Пухта) қарор топган. «Қонун чиқарувчи фақат ҳуқуқни кашф этади» — қонундан Пруссия типидagi феодал дворянлик муносабатларини ҳимоя қилишда фойдаланилган. У Франциядаги муайян тартибга мувофиқ қонунларни тизимлаш (Наполеоннинг Гражданлик кодекси)ни феодал-дворянлик муносабатларига хавfli деб қараб, шу боис ҳуқуқий ижодкорлик жараёнида қонун чиқарувчининг фаолиятига қарши чиққан. Бу мактаб нуқтаи назари бўйича, ҳуқуқ тилга ўхшаб «халқ руҳи» замирида ўзидан-ўзи ривожланиши зарур. Модомики, бу нуқтаи назар ҳуқуқнинг ушбу мактаби вакилларига муҳим тарихий маълумотларини айниқса, Оврўпода Рим ҳуқуқи кўрсатмалари ҳақидаги материалларни умумлаштиришга халақит бермаган.

ХІХ аср охири ХХ аср бошларидаги юридик социологик мактаблар бошқача хусусиятга эга бўлганлар. Уларнинг вакиллари (Россияда С. Муромцев, Германияда Е. Эрлих) эскирган «китоблардаги ҳуқуқ»ни тез ривожланаётган «амалдаги жонли ҳуқуқ» билан мувофиқлаштиришда қонун чиқарувчидан ҳуқуқий ислоҳотлар қилиш бўйича фаол ҳаракат қилишни талаб қилганлар. Бу мактаблар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тuzилишида бўлган ўзгаришларни ҳисобга олиб, уна давр-

даги ҳуқуқ соҳаларининг жамият тараққиёти талабларига мувофиқ келмаган қоидаларини янги шароитга мослаштирганлар. Шу биле улар юридик фанлардан ҳуқуқнинг ўзгармас ақидалари доирасидан чиқиб, «тушунчалар юриспруденцияси»дан воз кечишни, ижтимоий муносабатларнинг ҳақиқатда амал қилаётган ҳаракатдаги ҳуқуқий шаклларига мурожаат қилишни талаб қилганлар.

Бундай ёндашув позитивизмнинг методологияга оид қоидаларидаги фарқларини яққол кўрсатади. Ҳуқуқ соф юридик ҳодиса эмас, балки кенг ижтимоий ҳодиса тарзида кўриб чиқилади. Б. Кистяковскийнинг «Ҳуқуқ ижтимоий ҳодиса сифатида» номли асарида «ҳуқуқ» тушунчаси гоёт кенг маънода кўриб чиқилган. «Ҳуқуқ бу фақат давлат томонидан ўрнатилган қоидаларгина эмас, балки жамиятда мавжуд ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ҳуқуқ орқали ўтиб, таркибий қисмларига ажралиши натижасида ҳосил бўладиган ранг-баранг қоидалар йиғиндиси ҳамдир». Ҳуқуққа бундай кенг ёндашув ўзини илмий жиҳатдан оқламаган бўлсада, унга асосланган хулосалар қонун устуворлиги ва қатъий қонунийлик принципларига баъзида зид келса ҳам, умуман олганда бу йўл анча самарали бўлган. Табиий ҳуқуқ таълимотига ўхшаб, позитивизмга мутлақо ёт бўлган ҳуқуқ ва қонуннинг ўзаро муносабатлари масаласини қўйган.

Ҳуқуққа социологик ёндашув назариясида иккита муҳим тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келган. ***Биринчи муҳим тушунча — ҳуқуқий плюрализм.***

Ҳуқуқий плюрализм нуқтаи назаридан давлат ва қонунчилик фаолиятида жамиятда амал қилаётган «жонли ҳуқуқ»нинг ҳаммасини қамраб олиш шарт эмас. Давлат ҳуқуққа нисбатан танҳо ҳукм-

ронлик қилмайди: бир жамиятнинг ўзида давлат ҳуқуқий тизими билан бирга бошқа ҳуқуқий тизимлар (масалан, аҳоли алоҳида гуруҳларининг «одат ҳуқуқи», «касаба уюшмалари ҳуқуқи» ва шу кабилар) ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Институционалистларнинг давлат ҳокимияти ҳимоя қилиб турган ҳуқуқ жамиятда кишиларнинг хулқ-атвор қоидаларини тартибга солуви ягона тизим эмас, деб таъкидлашига асос бор, албатта. Бу ҳар қандай норма ва қоида ҳуқуқийдир, деган маънони билдирмайди. «Ҳуқуқий плюрализм» вакиллари билан давлат жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳамма нарсанинг тартибини белгилашга интилиши шарт эмас, деган фикрига қўшилиш мумкин. Ҳуқуқнинг давлат ҳодисаси сифатида биринчи даражали аҳамиятини, жамиятда кундан кунга ўсиб бораётган родини камситмаслиги керак.

**Иккинчи муҳим тушунча — «судьялар фикрининг эркинлиги».** Социологик йўл тутган мактаб вакиллари таъкидлаганидек, ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаракатдаги янги фикр ва жиҳатлари дастлаб судга маълум бўлади. Суд ҳуқуқни қўлловчи бошқа давлат органлари каби қонун чиқарувчига нисбатан муайян ҳаётий фикрларга яқинроқ. Бироқ суд эскирган қонун (ёки прецедент) билан боғлиқ. Қонун чиқарувчининг сусткашлиги билан бундай қарама-қаршиликни қандай ҳал қилиш мумкин? Бундай саволларга социологик юриспруденция мактаби судьялар фикри эркинлигини кенгайтириш, «жонли амалдаги ҳуқуқ» талаб қилган ҳолларда қонун доирасидан четга чиқишга ижозат беришни талаб қиладилар. Шу тариқа социологик юриспруденция табиий ҳуқуқ ва адолат принципларига зид келиб қолганда,

судларга қонун доирасидан чиқиш имкониятини талаб қилувчи табиий ҳуқуқ таълимотига яқин келадилар. «Социализм ва табиий ҳуқуқ тарафдорларини бир-бири билан боғлаб турувчи бир умумийлик бор. Бу — позитивизмнинг қонунда ҳуқуқнинг туганмас бойлиги ифодаланганлигини инкор қилиши, антипозитивизмдир»<sup>1</sup>, — деб ёзади француз ҳуқуқшуноси Ж. Карбонье.

Позитивистлар тасаввур қилганидек, судьяларнинг фикр эркинлиги муаммоси ҳамма вақт бир хил маънога эга эмас. «Судья қонунга бўйсунди» деган принцип билан баҳслашмаймиз, аммо эскирган ёки такомиллашмаган қонун муайян иш бўйича адолатли ҳал қилув қарори чиқаришга ҳаққит беради. Ана шундай ҳолда судьяни Конституцияга хилоф ёки ноахлоқий қонун нормасини қўллаш мажбуриятидан ҳимоя қилиш зарур.

Суд амалиёти қонун эскиришининг олдини олувчи муҳим омилдир. Бироқ баъзи социологик мактаблар «судья фикри эркинлиги» қониласини қўллашга ҳалдан ошириб юборадилар. Бу борада инглиз-америка ҳуқуқий тизимига асосланиб йўл тутган мактаблар, суд ҳуқуқ ижодкорлиги (прецедентлик ҳуқуқи)га катта эътибор берини билан алоҳида ажралиб туради. Америка «ҳуқуқнинг реалистик мактаби» бўйича ҳуқуқ нормаси (қонун ёки прецедент билан ўрнатилган) — судья ўз ҳал қилув қарорига, ҳукмига амал қила оладиган қўллаб далиллардан бири, ҳолос. Бу мактаб тарафдорлари (Д. Фрэнк ва бошқалар) «Судья ўз тасаввурлари асосида аввал қарор чиқариб, сўнгра ҳуқуқий далилларни танлайди», — деб таъкидлайдилар.

Сўнгги пайтларда социологик юриспруденция

<sup>1</sup> Карбонье Ж. Юридическая социология. — М., 1986. — С. 39.

вакиллари «ҳуқуқий тизим» (маркесча ҳуқуқий уст-қурмага ўхшаган), «ҳуқуқий аккумуляризация» (хорижий тажрибалардан олинган ҳуқуқий нусха ва ҳал қилишлардан фойдаланиш имконияти), «ҳуқуқий макон» ва бошқа тушунчаларни ишлаб чиқишга эътибор бермоқда.

Ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганиш учун «ҳуқуқнинг назарий социология»си билан бирга «ҳуқуқнинг амалий социологияси» ҳам аниқ-социологик усулларга айланди. Масалан, қонунчилик фаолиятига ва қонун ижодкорлиги жараёни («қонунчилик социологиясига») судьялар корпуси, судья мансаблари, аҳоли алоҳида гуруҳларининг ҳуқуққа муносабатига ва алоҳида ҳуқуқ институтлари ва бошқаларнинг социологик жиҳатларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бу «тор маънодаги ҳуқуқ социологияси»да ҳуқуқий назария учун аҳамиятли бўлган муҳим материал тўпланган.

Ҳуқуқнинг маркесча концепцияси Фарб ҳуқуқи назарияси томонидан қилинган ишларга тескари йўл тутди. Фарб ҳуқуқи назариясидан унинг фарқи позитивизмининг социологик юриспруденция сари борганидир. Маркесизм асоечиларининг қарашларида ҳуқуқни социологик тушунини статистик (социологик юриспруденция маркесизмининг таъсирсиз шаклланиган ва маркесизмга жавоб сифатида ривожланган) тушунинишга инсбатан устувроқ бўлган.

Бугунги кунда ҳуқуқий таълимотларнинг асосий йуналишлари бир-бири билан кўшилиб кетиш мейлисини XXI аср бошида ҳуқуқий қарашлар тизимидаги ижобий жиҳатларни ўзлаштириш, уларнинг илмий аҳамиятга молик хулосаларини ҳуқуқнинг ривожланишида ҳисобга олиш ажралиб туради.

*«Қонунларнинг ҳақиқий эмаслиги ва уларнинг йўқолиши — икки сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, уларнинг амал қилиши муддати тугайди; иккинчидан, жаҳонда рўй берадиган халқларга офат келтирувчи сув тошқинлари, вабо сингари оммавий фалокатлар натижасида бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.*

*АЛ-ФОРОБИЙ*

## **23-боб. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ**

- 1-§. Ҳуқуқ нормалари, унинг белгилари ва ўзига хос хусусиятлари.*
- 2-§. Ҳуқуқ нормаларининг мазмуни.*
- 3-§. Ҳуқуқ нормаларининг турлари ва классификацияси.*
- 4-§. Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши.*

### **1-§. Ҳуқуқ нормалари, унинг белгилари ва хусусиятлари**

«**Норма**» сўзи, лотинчадан таржима қилинганда, «қоида», «намуна» маъносини англатади.

**Ҳуқуқ нормаси** - - *давлат томонидан белгиланадиган, кафолатланадиган, муҳофаза қилинадиган унинг барча учун мажбурий хулқ-атвор қондиларидир.*

Ҳуқуқ нормаси умумий хулқ-атвор қондаси сифатида:

*биринчидан, ҳаётий муносабатлардаги тишиқ, такрорланиб турадиган нарсаларни умумлаштириш зарурати натижасида шаклланади;*

<sup>1</sup> *Аль-Фаробий Историқо — философияе трактаты.*— Алма-Ата: Наука, 1975. ст. 145.

*иккинчидан*, кўп марта қўллашга мўлжалланган бўлади;

*учинчидан*, ҳамиша қандайдир умумий белгиларга эга бўлган шахслар (ҳарбий хизматчилар, врачлар ва ш.к.)га қаратилган бўлади.

Ҳуқуқ нормаси давлат билан узвий алоқадордир.

**Ҳуқуқ нормаси:**

1) давлатнинг (халқнинг) иродасини акс эттиради;

2) давлат томонидан норматив ҳужжатларда шакллантирилади;

3) давлатнинг иродаси сифатида намоён бўлади;

4) давлат томонидан муҳофаза қилинади;

5) давлат нуқтаи-назаридан энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни мустақкамлайди.

**Ҳуқуқнинг асосий вазифаси** — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш. Ҳуқуқ нормаси умуммажбурий тусга эга. Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимидаги илк ҳужайра ҳисобланади.

Ҳуқуқ алоҳида нормалар, хулқ-атвор қоидаларидан ташкил топади. Улар биргаликда у ёки бу давлатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этади.

Юридик норма — ҳуқуқнинг бирламчи бош элементи бўлиб, бутун ҳуқуқий тизимнинг ўзигагина ташкил қилади.

Ҳуқуқни шакллантириш ва уни амалга ошириш, қонун чиқариш, барча юридик тушунча ва назариялар бевосита ёхуд билвосита юридик нормаларга таянади.

Юридик (ҳуқуқий) норма — давлат ҳокимиятининг кўрсатмаси кўринишида ифодаланган ва ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи умуммажбурий қоида.

Ҳуқуқий норма — муайян бир меъёрни белгиловчи қоида, лекин бошқа қоидалардан белгиланган тарзда шакллантирилганлиги, яъни қонунчиликда ифодаланганлиги билан ажралиб туради. Ҳуқуқий норма ҳуқуқнинг элементиدير.

Социал нормаларнинг барча сифатларига эга бўлган юридик нормалар — уларнинг давлат билан бевосита алоқадорлигига ҳам эгадир.

Ўзида одамларнинг хулқ-атвориға умумий ва давлат таъсири хусусиятларини жамлаган ҳолда, алоҳида ифодаланиш ва ҳуқуқбузарликларда муҳофаза этиш шаклиға эга бўлган юридик нормалар тартибға солувчи имкониятларға эгадир.

Ҳуқуқ нормаси қуйидаги ўзига хос белгиларға эга.

*Биринчидан*, жамият, шахс ёки ижтимоий гуруҳ учун қадр-қимматли бўлган энг муҳим ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттиради. Бунда адолат ва эркинлик ғоялари билан белгиланган нормадаги ижтимоий муносабатлар ва қонуний мустаҳкамлаш предмети бўлади.

Зарарли ва нохуш ижтимоий хулқ-атвор ҳам нормаларда акс этади, лекин ўз-ўзидан эмас, балки низоли вазиятларни тартибға солиш воситаси билан акс этади. Юридик нормаларда ижтимоий воқелик, унинг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини акс эттиришнинг мураккаблиги, ҳағто нобоп нормалар қабул қилишға олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқ нормаларида акс эттириладиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлик даражаси норманинг қонунчилик иерархик поғонасида эгаллаган ўрнини белгилайди. Энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибға солувчи нормалар юри-

дик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бўлган конституцияларда, конституциявий қонунларда, кодексларда ифодаланади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ нормаси тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг модели сифатида намоён бўлади.

Моделлаштириш — бу онгда ижтимоий реалликнинг аналогини тиклаш йўли билан табиий ва ижтимоий ҳодисаларни идрок этиш жараёнидир. Қонун чиқарувчи онгида шакллантирилган хулқ-атворнинг намунавий вариантлари, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар модели шаклида ифодаланади.

Моделни ифодалаш воситалари турли-туман: табиий тиллар, формулалар, конструкциялар, рақамлар ва ҳоказо.

Ҳуқуқий норма фақат хулқ-атвор эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг ҳолати, уларнинг хусусиятлари, объекти ва субъекти таркибларини ҳам тартибга солади. Бу ҳолда у ҳуқуқий ҳолат ва тушунчалар, ҳуқуқий тартибга солиш чегаралари, методлари, принциплари ҳақида, ҳуқуқий мувофиқлаш ва ҳуқуқий зидлик, ҳуқуқийлик ва ноҳуқуқийлик ҳақида маълумот беради. Ижтимоий муносабатлар сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамланган юридик нормалар ижтимоий воқеаликнинг ҳуқуқий воситачиликдаги гўлароқ ифодасини акс эттиради. Айнан шунинг учун ҳам ҳар қандай давлат ва даврнинг қонунчилик ёдгорликларини ўрганиш — давлат, жамият ва давр ҳаёти, турмуши ва ҳуқуқни ҳақида кўнгина ишончли маълумотлар беради. Ўзидаги мавжуд ахборот ва ижтимоий муносабатларни моделлаштиришда алоҳида характер касб этиши ту-

файли ҳуқуқ нормаси ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятига эгадир. Ижтимоий муносабатларни акс эттирадиган ҳуқуқ нормаси шу сабабли мазмунга эга бўлади ва унинг ифодаланиши ўзига хос шаклга эгадир.

*Учинчидан.* ҳуқуқ нормаси ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар ва алоқаларнинг такрорланиши оқибатида одатийлигини акс эттиради ва мустаҳкамлайди.

Қоида тариқасида одатийлик мавжуд муносабатларга тааллуқлидир, лекин у келажақда такрорланиб туриши эҳтимол тутилган янги ижтимоий алоқаларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

*Типиклаштириш* — мураккаб фикрий жараён бўлиб, умумлаштириш ҳолатларининг муҳим белгиларини эътиборга олиб, аҳамиятсиз белгиларни бўрттирмасликни назарда тутди. Ҳуқуқий нормага нисбатан олсак, типиклаштириш маълум шароитлардаги ҳуқуқий ҳолат ёки инсон хатти-ҳаракатидаги характерлироқ нарсаларни ажратиб кўрсатишда ифодаланади. Бу ҳуқуқий ҳолатларда (шахснинг индивидуал белгиларидан унинг айрим феъл-атворигача) муайянликдан абстракциялашишга ўтиш жараёнидир. Шу туфайли аниқ ва умумий нормалар сифатида қонунларда эркинлик алоҳида шахс ўзбошимчилигига боғлиқ бўлмаган, номуайян, назарий мавжудлик касб этади.

Типиклаштириш туфайли ҳуқуқий тушунча ўзига хос маълум белгиларига эга бўлади, хулқ-атвор ҳуқуқи эса ижтимоий муносабатлар билан алоқани узган ҳолда ўзлигини тартибга солиш таъсири билан номуайян миқдордаги шахсларни қамраб олиш хусусиятига эга. Шу маънода юридик норма учун мазмунининг аниқлиги ва адре-

сатинг мавжудлиги, мавҳумлигини типиклаштириш шунга олиб келадики, бунда улар «турли шахслар учун бир хил миқдос касб этади». Бу ҳуқуқнинг барқарорлик хусусиятини ҳам белгилаб беради. Ижтимоий муносабатлар анча узоқ муддат ўтгандан кейингина, уларга хос бўлган умумий ва барқарор белгилар шаклланиб бўлгандагина типиклашади. Бу барқарорлик ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланиб, уларга барқарорлик хусусиятини беради. Ҳуқуқий норма фақат шундай ҳолдагина узғартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ нормалари умуммажбурий хусусиятга эга. Ҳуқуқ нормасининг бу хусусияти унга оғишмай риоя қилиш ва ижро этиш ҳамда инсон хулқ атворига давлат, жамият акс таъсирини беришини назарда тутади. Агар хулқ-атвор юридик норма талабларига мувофиқ келса акс таъсири ижобий бўлиши мумкин ёки норма талаблари бузиладиган бўлса, салбий акс таъсир юз бериши мумкин. Ҳуқуқий нормага риоя қилиш ва уни ижро этиш (умуман ҳуқуққа) ички ва ташқи тартиб омиллари билан таъминланади.

Ҳуқуқ нормаси мажбурийлигининг ташқи табиати инсон руҳиятига ташқи таъсирлар — ишонтириш ва мажбурлов каби ташқи омиллар билан белгиланади. Бу ҳолда талабларнинг мажбурийлигини таъминлайдиган воситалар ўзга шахс, ижтимоий гуруҳ ва ташкилотдан чиқади. Бунда улар бир гуруҳ ижтимоий нормаларга кўпроқ даражада тааллуқли бўлса, бошқаларига камроқ тааллуқли бўлади.

Бошқа социал нормалардан фарқли равишда ҳуқуқий нормаларда моделлаштириладиган ижтимоий муносабатларнинг мажбурийлиги давлат-

нинг таъсир кучи билан, шу жумладан, давлат мажбурлови билан таъминланади.

## 2-§. Ҳуқуқ нормаларининг мазмуни

Ҳуқуқ нормаларининг асосий белгиларини аниқдир эканмиз, уларнинг мазмунини очиб бериш зарур. Ҳуқуқ нормасининг мазмуни уни ташкил қилувчи барча усуллари хусусиятларнинг бирлиги, уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиши. Норманинг мазмуни кўп жиҳатларга эга бўлиб, жумладан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, норманинг мантиқий мазмуни яъни объектив воқелик предметлари ёки ҳолатлари ҳақида ниманидир тасдиқлайдиган фикрдан келиб чиқади;

*иккинчидан*, объектив ва субъект бирлигида норма билан тартибга солинадиган у ёки бу ижтимоий муносабат сифатида тушуниладиган — ҳуқуқий норма мазмунидир;

*учинчидан*, давлат ижтимоий муносабатларни маълум бир тарзда тартибга солишга интилишида ақс этадиган ҳуқуқий нормаларнинг мажбурий мазмун касб этиши, бунда давлат ихтиёридаги имкониятлардан фойдаланилади.

Агар ҳуқуқий норманинг мавжудлигини зарурат нуқтан назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, унда мажбурлаш заруриятга эришиш воситаси бўлиб чиқади. У мажбурийлик субъектларининг ҳуқ-атворида давлат таъсирини ўтказиш имконининг тимсоли бўлиб чиқади.

**Ҳуқуқ нормасининг мазмуни энг кўп учрайдиган шакллардан бири бу қонувчиликнинг норматив қоидаларидир.**

Ҳуқуқий норма ва унинг мазмунига ҳос асосий белгиларни аниқлар эканмиз, ҳуқуқнинг барча қоидалари ҳам норма ҳисобланадими ёки уларга фақат хулқ-атвор қоидалари тегишлими — деган савол туғилади.

Ҳар қандай ҳуқуқ тизими қоидалари шунчаллик бўйи, уларнинг ҳаммасини ҳам хулқ-атвор қоидалари, яъни кишилар ўз фаолиятларида риоя қилишлари керак бўлган эталон деб бўлмайди. Уларга маълум бир юридик тушунчаларни, ҳуқуқ принциплари, ҳуқуқни тартибга солишнинг вазифа ва мақсадларини, ҳамда юридик техника қоидалари киради. Шунингдек, қонунчиликнинг янада ривожлана бориши манбаи характерига эга бўлган қоидаларнинг сони ошишига сабаб бўлади. Улар ҳуқуқ тизимининг ривожланиш даражасини кўрсатиб, унга мантиқий изчиллик бағишлайди ва ҳуқуқни кўллаш фаолиятида бир хилликни таъминлайди.

Хулқ-атвор қоидалари бўлмаган қонунчилик нормалари турличадир. Улар ҳақиқатан ҳам субъектга хулқ-атворнинг у ёки бу вариантини тавсия этавермайди, юридик инч ечимни асосига ҳар ким ва ҳар вақт ҳам қўйилавермайди. Аммо унинг ҳаммаси норматив бўлиб, ҳукм этинч хусусиятига эга.

Битим, мажбурият, жиноятга доир актларни кучга киритинч тартиби, белгиланган мулкчилик шакллари ва ҳоказо тушунчалар том маънодаги ҳуқуқий нормалардир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун уларни юқорида кўрсатилган юридик нормаларнинг белгилари билан таққослаш кифоя қилади. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормалари, фақат хулқ-атвор қоидалари билангина чекланиб қолмасдан юридик нормаларнинг фақат кенг тарқалган турини ҳам ташкил этади.

### 3-§. Ҳуқуқ нормаларининг турлари ва таснифи

Ҳуқуқ нормалари назарияси ва амалиётида уларни таснифлаш муҳим ўрин эгаллайди. Таснифлаш деганда ўрганилаётган объекларнинг турлари бўйича мантиқан маълум бир умумий белгилар асосида туркумлаш тушунилади.

Юридик нормаларни илмий асосда таснифлаш қуйидаги имкониятларни беради:

*биринчидан*, ҳуқуқ тизимида юридик нормалардан ҳар бирининг ўрнини белгилаш;

*иккинчидан*, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий норманинг функциялари ва ролини яхшироқ аниқлаш;

*учинчидан*, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш таъсири имкониятлари чегарасини аниқроқ белгилаш;

*тўртинчидан*, ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини янада такомиллаштириш.

Таснифлашнинг тўлароқ бўлиши, аввало, унга асос қилиб олинган тасниф ҳолатининг бошқа барча белгиларини белгиловчи унинг энг аҳамиятли жиҳатига боғлиқдир.

Биз юридик нормаларни таснифлашнинг гўртта асосини таклиф этамиз:

1) ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш функциялари;

2) ҳуқуқий тартибга солиш предмети;

3) ҳуқуқий тартибга солиш методи;

4) нормани ифодалаш шакли.

Вазифалари бўйича ҳуқуқий тартибга солиш механизмида қуйидаги ҳуқуқ нормалари ажралиб туради: бирламчи ҳуқуқий нормалар, ҳуқ-атвор нормалари қондалари, умумий ва махсус нормалар.

Бирламчи, ҳуқуқий нормалар қонунчиликда юқори погонани эгаллайди, кўпроқ умумий хусусиятга эга (кўпроқ абстрактлашган шакл касб этади) ва ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмида алоҳида роль ўйнайди. Бу нормалар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг бош йўналишини белгилаб беради. Мана шунда уларнинг асосий вазифаси мужассамлашгандир. Кўрсатиб ўтилган нормалар воситасида ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади, вазифаси, принциплари, чегаралари, йўналишлари методлари белгиланади, ҳуқуқий категория ва тушунчалар мустаҳкамланади.

Бирламчи ҳуқуқий нормалар бошқа норма ва хулқ-атвор қоидаларида мантиқий ривожланиши мумкин, бу ҳол ўз навбатида уларнинг бевосита ҳаракат қилишини инкор қилмайди.

Агар ҳуқуқни қўллаш актини у ёки бу ҳуқуқий принциплар билан асослашга эҳтиёж туғиладиган бўлса ва айниқса, бу принцип қонунчиликда тўғридан-тўғри ифодаланган бўлмаса ёки қандайдир қонунчилик қоидасининг мустаҳкамлигини тасдиқлаш талаб этилса ёхуд қабул қилинаётган қарорнинг обрў-эътиборини кучайтириш зарур бўлса, уларга муайян юридик ишни ҳал қилишда ҳам муурожаат қилиш мумкин.

Бирламчи ҳуқуқий нормалар ўз табиати ва мазмунига кўра турлича бўлиши мумкин. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: бошланғич нормалар, норма-принциплар, мақсад — нормалар. Бошланғич нормалар — мавжуд тузум асосларини, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат ҳаёти асосларини, мулк шаклларини ва шу кабиларини мустаҳкамловчи қоидалардир. Бошланғич нор-

малар давлатнинг Асосий қонуни — Конституциясида жамланади. Улар бошқа ахлоқ нормаларида, аввало, норма-принципларда ривожланади ва мантикий ифодасини топади.

Норма-принциплар ҳуқуқий принципларни ифодаловчи ва мустаҳкамловчи қонунчилик қоидаларидир. Ҳуқуқий принципларни тартибга солиш йўли уларнинг қонун йўли билан мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқ принциплари қонунчиликда қанчалик тулароқ ифодаланса улар шунчалик аҳамиятлироқ бўлади. Қонунчиликда қоидалар мустаҳкамланган ҳуқуқ принциплари норма-принциплар бўлади.

Мақсад-нормалар — айрим ҳуқуқ соҳаларининг мақсад ва вазифаларини белгиловчи ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг предмет шакли ва ҳуқуқий институтларини аниқлайди. Бундай нормаларга Конституциявий суднинг мақсадлари ва вазифаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонун мисол бўлиб хизмат қилади.

Таъриф нормалар ҳуқуқий категория ва тушунчаларнинг тавсифини ўзида мужассамлаштиради. Булардан, масалан, жиноят кодексида, жиноят таърифи, маъмурий кодексида — маъмурий ҳуқуқбузарлик таърифи, фуқаролик кодексида — битимларнинг айрим турлари таърифи кабиларни кўрсатиш мумкин. Дефинитив нормалар, асосан эвристик, йўналиш берувчи ҳуқуқий тартибга солиш механизми функцияларини бажаради. Агар бу турдаги нормалар ҳуқуқ тизимида бўлмаганида эди — қонунчилик мавҳумлашиб кетар, уни қўллаш жараёни эса йўққа чиқар ёки жуда қийинлашиб қолар эди.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон қонунчилигида сўнгги йилларда, айниқса, ижтимоий муносабатларнинг янги хилларини тартибга солишда асосий тушунчалар кенгроқ мустаҳкамланмоқда. Масалан, истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунда қўлланилган тушунчалар, хусусан, «истеъмолчи», «тайёрловчи», «ижрочи», «сотувчи», «стандарт» каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Хулқ-атвор қоидалари, бошланғич нормалардан фарқ қилиб, кишиларнинг хулқ-атвори, ижтимоий муносабатларини бевосита тартибга солади ва субъектларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларини кўрсатади, шунингдек, бу ҳуқуқ ва бурчларни амалда татбиқ қилиш шартларини, ҳуқуқбузарларга нисбатан давлат аке таъсирининг турлари ва чорасини тушунтиради.

Регулятив (тартибга солувчи) ҳуқуқий норманинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ижозат берувчи ва мажбурловчи хусусиятларга эга. Шунга мувофиқ у ижтимоий муносабатларнинг иштирокчилари учун давлат томонидан кўриқланадиган ва кафолатланадиган субъектив ҳуқуқлар ҳамда юридик мажбуриятларни ўрнатади.

Юридик фанда хулқ-атвор қоидалари анча мукамал ўрганилган. Юридик норманинг таърифи ва унинг назарияси яқин вақтларгача бутунлай хулқ-атвор нормалари қоидаларига қаратилган эди, бирламчи ахлоқий нормаларга дахлдор норматив қоидаларнинг бошқа кўпгина турлари назардан четда қолган эди.

Юридик адабиётда ҳуқуқ нормалари мақсадига кўра тартибга солинувчи ва кўриқловчи турларга бўлинади. Юқоридаги нормаларнинг вази-фаси йўналишини кўрсатиб берувчи бундай бўли-

нишга қарши чиқмаган ҳолда айрим бошқа муаллифлар сингари бундай таснифлаш шартлидир, зеро, қўриқлаш тартибга солиш усулларида биридир, оқибатда айнаи бир нормани ҳам тартибга солувчи, ҳам қўриқловчи деб аташ мумкин.

Умумий ва махсус ҳуқуқ нормалари. Бир-биридан умумийлик даражаси ва ҳаракат доираси билан фарқ қилади. Умумий нормалар одатда у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг барча ҳуқуқий институтларини (жиноят ҳуқуқининг шартли ҳукм қилиш ҳақидаги, ҳукм ижросини кечиктириш ҳақидаги, фуқаролик ҳуқуқининг даъво муддати ҳақидаги ва ҳоказоларни) қамраб олади. Бу нормалар ҳуқуқ соҳасининг умумий қисмига жамланади ва тармоқ объектларини тартибга келтиради.

Шунингдек, улардан фарқ қилиб, махсус нормалар у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг манбалари институтларига тегишли бўлган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг маълум бир турини тартибга солади. Махсус нормалар умумий кўрсатмаларни муфассаллаштиради, уларни амалда татбиқ этишнинг вақт ва макондаги шартларини муайянлаштиради, шахснинг хулқ-атворида ҳуқуқий таъсир этишга қаратилган бўлади. Шу тўғрисида, улар ҳуқуқ умумий нормаларнинг бетўхтов ва изчил татбиқ этилишини таъминлайди. Махсус нормалар йиғиндисен у ёки бу ҳуқуқий соҳанинг махсус қисмини ташкил этади.

Махсус нормаларга қуйидагилар мисол бўлади: олд-сотди, ҳадя, пудрат, капитал қурилиш ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа битимлари ҳақидаги нормалар; жиноят ҳуқуқида безорилик, босқинчилик, ўғрилиқ жинояти таркиблари учун

белгиланган жавобгарлик ҳақидаги нормалар ва ҳоказолар.

Ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича (ҳуқуқ соҳалари бўйича): конституциявий, маъмурий, молиявий, ер, фуқаролик, меҳнат, жиноят ҳуқуқи ва бошқа соҳа нормаларига бўлиш мумкин. Маълум бир ижтимоий муносабатларнинг сифат жиҳатидан бир хиллиги ва нисбий мустақиллиги уларни тартибга соловчи ҳуқуқий нормаларнинг маҳсуслиги ва маълум даражада ўзига хослигининг шартидир, булар жамланган ҳолда ҳуқуқ соҳасини ташкил этади.

Ҳуқуқ соҳаси нормалари моддий ва процессуал турларга бўлинади. Моддий ҳуқуқий нормалар ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва бурчларини, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини, ҳуқуқий тартибга солиш доирасини мустаҳкамлайди. Бошқача айтганда, улар ҳуқуқ субъектига унга нима ҳуқуқ беришини ва ундан нима талаб қилинишини кўрсатиб беради.

Процессуал ҳуқуқий нормалар ташкилий муносабатларини тартибга солиб ҳамда соф ташкилий, расмий, бошқарув характерига эга. Улар доимо моддий ҳуқуқ нормаларининг, шакллари ва татбиқ қилиш усулларини тартибга келтиради. Процессуал нормалар иккиламчи хусусият касб этади. Процессуал ҳуқуқий нормалар ҳамма вақт ҳам алоҳида соҳаларга жамланавермайди. Бу ҳол содир бўлган тақдирда ҳам у ҳуқуқ соҳасининг маълум бир ривожланиш босқичида бўлади. Процессуал нормалар ўзига хос ҳуқуқий комплексни ҳосил қилиб, ҳуқуқ соҳасининг маълум бир бўлиниши ташкил этилишидан вужудга келади.

Хуқуқий тартибга солиш усули бўйича ҳуқуқ нормалари императив, диспозитив, рағбатлантирувчи, тавсия берувчи нормаларга бўлинади.

Хуқуқни тартибга солишнинг мазмуни асосан субъектларнинг хулқ-атвориغا таъсир қилишнинг турт усулидан иборат:

1) амр этувчи-ундовчи (императив) усул — давлат томонидан кўрсатилган; қатъий мажбурий-субъектларнинг хулқ-атвориغا нисбатан;

2) автоном-диспозитив усул учун ўз иродасини эркин тарзда ифодалашга кенг имкон беради;

3) рағбатлантирувчи усул давлат ва жамият учун зарур бўлган ҳуқуқий ва ижтимоий фаол хулқ-атвордир;

4) тавсия этувчи усул давлат нуқтаи назаридан энг мақбул хулқ-атвор вариантини таклиф этади.

Шуларга мувофиқ юридик нормалар таснифланади. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бири маълум бир услубнинг норматив асосини гашкил этади, унинг ўзига хослигини белгилайди.

**Императив нормалар** қатъий-мажбурий қоидалардир. Хуқуқнинг турли соҳаларига қарашли кўпчилик нормалар императив ҳисобланади.

**Диспозитив нормалар** — хулқ-атвор варианты ҳақидаги кўрсатма бўлиб субъектларга қонуний воситалар доирасидаги муносабатларни ўз хоҳишича тартибга солиш имконини беради. Бундай кенг ҳуқуқий имкониятнинг (муносабат қатнашчиларига бериладиган), диспозитив норма билан тартибга солинишининг моҳияти шундаки, бунда томонларга ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида келишиб олиш имконини беради, у ҳолат юз бермаган тақдирда маълум бир мажбурий хулқ-атвор қондаси қўлланилади. У диспозитив нормалар баён қилинишининг ўзига хослигини ҳам шарт қилиб

қўяди. Бу турдаги маълум бир хулқ-атвор қондасининг баёни одатда, «агар бошқа қонунда ё шартномада кўзда тутилмаган, белгиланмаган бўлса» деган сўзлар билан ифодаланadi.

Шундай қилиб, ҳуқуқ субъектларининг мустақиллиги ўз хоҳишига кўра иш кўришга оид уларга берилган имкониятда кўринади.

Диспозитив нормалар ҳуқуқнинг кўп соҳаларида мавжуд. Масалан, меҳнат ҳуқуқида ўрнатилган нормага кўра: агар меҳнат шартномаси тугагандан кейин ҳам меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса ва томонлардан бирортаси уни тўхтатишни талаб қилмаса, бу ҳолда шартноманинг амал қилиши номаълум муддатга узайтирилган ҳисобланади. Диспозитив нормалар кўпроқ фуқаролик ҳуқуқига хосдир, чунки бу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш услуби субъектларнинг тенглиги ҳолатига асосланади.

**Рағбатлантирувчи нормалар** — маълум бир давлат органлари томонидан субъектларнинг хулқ-атвори давлат ва жамият томонидан қўллаб қувватланadиган варианты учун берилadиган рағбатлантириш чоралари ҳақидаги қоидалар бўлиб, ўз юридик ва ижтимоий мажбуриятларини виждонан бажарганлик ёки оддий талаб даражасидан юқори натижалар учун берилadi.

Рағбатлантирувчи нормалар кишиларнинг самарали меҳнатини, уларнинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини қувватлайди, масалан, мукофотлар ҳақидаги нормалар.

**Тавсия берувчи нормалар** — давлат нуқтаи назаридан мақбулроқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш вариантини ўрнатади.

Тавсия нормалари асосан давлат корхоналари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари учун

чиқарилади. Бозор муносабатлари ривожланиши билан тавсия берувчи нормаларни шундай тақдир кутмоқда. Ҳозирда мавжуд бўлган бундай нормаларнинг кўпчилиги ўз аҳамиятини йўқотганлиги сабабли бекор қилинади, чунки давлат корхона, қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ўзининг ҳомийлигидан озод қилади. Уларга тўла хўжалик ва ташкилий эркинлик беради. Лекин аynи пайтда императив нормалар ўрнига келаётган тавсия берувчи нормалар янада ривожланади.

Бундай ўрин алмашиш бозор муносабатлари шароитида ҳуқуқий тартибга солиш услубининг демократлаштирилганлигидан далolat беради.

Ифодалаш шаклига кўра нормалар ваколат берувчи, мажбурловчи, тақиқловчи нормаларга бўлинади.

**Ваколат берувчи нормалар** субъектларга ўзларида кўзда тутилган ижобий ҳаракатлар қилиш ҳуқуқини беради. Масалан, «ҳар бир шахс эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга».

**Мажбурловчи нормалар** — маълум бир ижобий ҳаракатларни бажариш мажбуриятини белгилайди. Бундай норма учун «мажбур», «шарт» деган сўзларнинг бўлиши хосдир.

**Тақиқловчи нормалар** — қонун йўли билан ҳуқуқбузарлик деб топилган, худқ-атворни тақиқлайди.

Тақиқлар — давлат ҳокимиятининг амри бўлиб, шахс ва жамият учун номақбул хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган.

Тақиқловчи нормалар «тақиқланади», «ҳақли эмас», «мумкин эмас», «йўл кўйилмайди» сўзлари билан ифодаланади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутаты бўлиши мумкин эмас».

**Ҳуқуқий нормаларнинг хусусияти.** Ҳуқуқ нормаси давлат-ҳокимият хусусиятига эга. Ҳуқуқ нормалари қонунлар ва қонун кучига эга бўлган ҳужжатларда баён этилган. Бу нормалар барча кишиларга тааллуқли бўлиб, умумий хусусиятга эга.

Мавжуд талабларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ҳуқуқ нормаларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) қонуний куч берувчи, яъни нима қилиш мумкин, деган саволга жавоб берадиган руҳсат берувчи нормалар;

2) мажбурият юкловчи, яъни нима қилиш керак, деган саволга жавоб берадиган кўрсатма берувчи нормалар;

3) ман қилувчи, яъни нима қилиш мумкин эмас, деган саволга жавоб берадиган тақиқловчи нормалар.

#### **4-§. Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши**

Ҳар қандай юридик нормаларнинг тизимини уни ташкил этувчи элементларнинг бирлиги ҳосил қилади. Лекин бу элементларнинг хусусияти, уларнинг миқдори, жойлашиши, алоқа усули ҳуқуқ нормаларининг турига боғлиқ.

**Бошланғич ҳуқуқ нормаларининг тузилиши.** Бу нормалар бирор-бир моддий ёки процессуал ҳуқуқий ҳолатни қонун билан мустаҳкамлайди (таъсис этади). Бу эса уни сўз билан ифодалаш орқали қилинади. Ҳуқуқий тушунча, ҳолат, принцип, ижтимоий-сиёсий шароитнинг бу белгилари бошланғич юридик норманинг таркиби бўлиб чиқади. Масалан, «Давлат солиқ хизмати ҳақидаги» қонунга кўра, бу хизмат солиқ қонуни устидан назоратни амалга оширувчи ягона тизим си-

фатида (биринчи белги), ҳисоб-китоб қилишнинг тўғрилиги (иккинчи белги) устидан, бюджетга маълум бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг қонун томонидан белгиланган миқдорда ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши, устидан (учинчи белги) назоратни амалга оширади. Кўрсатиб ўтилган белгиларнинг мажмуи шу юридик норманинг тизимини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бошланғич (таъсисчи) нормаларда гипотеза, диспозиция ёхуд санкцияни излашнинг фойдаси йўқ.

**Хулқ-атвор нормаларининг тизими.** Хулқ-атвор қоидалари таркиби ҳақидаги масала анчадан бери ҳуқуқшуносларнинг диққатини жалб қилиб келмоқда.

Ҳуқуқий норманинг уч элементдан гипотеза, диспозиция, санкциядан иборатлиги ҳақидаги фикр ҳуқуқшуносликда кенг тарқалган. Ҳуқуқий нормада, авваламбор, норма қўлланиладиган шароитга доир қоида бор, сўнгра хулқ-атвор қоида-сининг ўзи баён қилинади, охирида эса ушбу қоидани бажармаганлик учун келиб чиқадиган оқибат кўзда тутилади.

Ижтимоий муносабатларнинг айрим турларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг «ихтисослашганлигини» ҳисобга олган ҳолда, кўпчилик муаллифлар юридик норма таркибида икки элементни ажратиб кўрсатадилар тартибга (регулятив) нормаларда — гипотеза ва диспозиция; қўриқловчи нормаларда — гипотеза (диспозиция) ва санкция. Бу масала ҳақидаги баҳсларнинг моҳиятини чуқурлаштирамай, таъкидлаш жоизки, юридик норманинг уч элементли шакли — унинг мантиқий-юридик қисмидир. У фикрлаш воситасида шакллантирилади ва ўзининг тимсолида ушбу формулани ифодалайди: «Агар... бўлса, у

ҳолда акс ҳолда эса...». Мантиқий юридик тизимни қайта тиклаш учун, мантиқ талаб ва қоидаларидан ташқари яна қонунчиликни ҳамда юридик техника талабларини яхши билиш зарур.

У ёки бу вазиятда хатти-ҳаракатнинг маълум бир қолипини белгиловчи ҳуқуқ нормалари, яъни хулқ-атвор қоидалари, ўзларининг мантиқий юридик таркибида гипотеза, диспозиция ва санкцияга эгадир.

**Ҳуқуқий норма гипотезаси** — ҳаётий шароитларни кўрсатувчи юридик норманинг қисми бўлиб, улар мавжуд бўлган ёхуд бўлмаган ҳолда норма амалга татбиқ этилади (диспозиция).

Гипотеза ёрдамида хатти-ҳаракатнинг мавҳум варианты муайян ҳаётий ҳодисага ёки маълум бир кишига, вақтга ва жойга боғланади. Нормада мавҳум ифодаланган тарзда, гипотезада мустаҳкамланган ҳар бир вазият хулқ-атвор қоидасига таъсир этиб, уни алоҳида ҳол даражасига кўтаради. Бошқача айтганда, гипотеза юридик нормани ҳаракатга келтиради. Масалан, «Оила кодекси»га мувофиқ никоҳга кираётганларнинг ўзаро розилиги талаб қилинади ва улар никоҳ ёшига етиши лозим. Фақатгина таъкидланган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирдагина (ижобий гипотеза) норма ҳаракат қилади. Шу билан бирга, кўрилаётган норманинг амал қилиши айнаи вақтда «Оила кодекси»да айtilган айрим ҳолатлар билан ҳам боғланади: қайд қилинган никоҳнинг бўлмаслиги, никоҳга кираётган шахсларнинг яқин қариндошлиги ҳамда руҳий касаллиги ёхуд ақлий заифлиги оқибатида (салбий гипотеза) суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши ва ҳоказо.

Гипотезада бирон-бир ҳолатнинг мавжудлиги ёки йўқлиги кўрсатилиши юридик норманинг

ҳаракати билан боғлиқ бўлса, унда бундай гипотеза **оддий гипотеза** деб аталади.

Масалан, «Фуқаролик тўғрисидаги» қонунда баён этилганидек, бола, агар унинг ота-онаси у туғилиши пайтида Ўзбекистон фуқаролари бўлган бўлсалар (гипотеза) бола қаерда туғилишидан қатъи назар Ўзбекистон фуқароси бўлади.

Агар гипотеза нормасининг ҳаракати бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан кўпроқ ҳолатларнинг бор-йўқлигига боғлиқ қилиб қўйса, у **мураккаб гипотеза** деб аталади.

Юқорида «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунда баён қилинган гипотеза айнан шундайдир: Ўзбекистон ҳудудида туғилган бола (бир ҳолат), фуқароликка эга бўлган шахслардан туғилган бўлса (иккинчи ҳолат), у Ўзбекистон фуқароси бўлади.

Юридик норманинг амал қилиши қонунда санаб ўтилган бир неча ҳолатлардан бирига боғлиқ бўлса, унда **гипотеза альтернатив** (муқобил) дейилади.

**Юридик норманинг диспозицияси** — юридик норманинг бир қисми бўлиб, хулқ-атвор қоидаларига эга, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари бу қоидаларга риоя қилишлари шарт.

**Диспозиция** — юридик норманинг ўзаги, маъзидир. Аммо юридик норма фақат биргина диспозициянинг ўзидан иборат бўла олмайди. Фақат гипотеза ва санкция билан биргаликда, булар диспозиция атрофида жамлангандагина диспозиция ҳаётий кучга эга бўлади, ўзининг тартибга солувчи хусусиятларини намойён қилади. Диспозиция — **ҳуқуқий хатти-ҳаракат моделидир**.

**Ҳуқуқий норма санкцияси** — юридик норманинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий норманинг диспозицияси бузилиши натижасида юзага келадиган ёмон оқибатларни кўрсатади.

Санкциянинг бундай таърифни одатда юридик фан беради. Файласуфлар кўпинча социологлар санкция деганда, фақатгина салбий (танбеҳ, жазо) оқибатларнигина эмас, балки ижобий (рағбатлантириш, қувватлаш) оқибатларини шунингдек, инсоннинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хулқ-атворидан келиб чиқадиган ижобий оқибатларни ҳам тушунадилар. Биз эса санкция тушунчасига ҳуқуқий нуқтан-назардан қараймиз.

**Санкция** — юридик норманинг мантиқий якунловчи таркибий қисмидир. Унда жамият, давлат, шахснинг ҳуқуқий нормани бузувчиларга нисбатан салбий муносабаги ифодаланади. Ҳуқуқ нормаларига онгли равишда ихтиёрий риоя қилинмас экан, ҳуқуқбузарлик мавжуд экан — санкция юридик нормаларга амал қилиш ва уни ижро этишни таъминловчи қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустақкамлашнинг муҳим ва зарур воситаси бўлиб қолади.

Ҳуқуқий норма санкцияси — умумлашма тушунчадир. Ҳуқуқбузар учун бўладиган ноҳўя оқибатларнинг характериға боғлиқ равишда у қуйидагиларни кўзда тутиши мумкин:

а) жавобгарлик чоралари (озодликдан маҳрум қилиш, жарима, моддий зарарни ундириш). Бу турдаги санкциялар жавобгарликка тортувчи ёхуд жазоловчи санкциялар деб аталади;

б) огоҳлантириш таъсир чоралари (ушлаб келтириш, мулкнинг ҳисобга олиш, жиноятни содир қилишда гумон қилиб ушлаш, давлат ҳокимиятининг акти ёхуд маъмурий актларни бекор қилиш, мажбурий даволаш, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бузиб ташлаш ва ҳоказо);

в) муҳофаза чоралари (ишчи ва хизматчиларни агар улар илгари ғайриқонуний равишда иш-

дан бўшатишган бўлсалар аввалги иш жойига қайта тиклаш, алимент ундириш ва ҳоказо); кўрсатилган чораларни тайинлаш — одамга етказилган зарарни йўқотиш ва унинг бузилган ҳуқуқларини тиклашдир (бу чоралар жавобгарлик чораларидан фарқ қилиб, ҳуқуқбузар томонидан унга мансуб бўлган ва илгари ижро қилинмаган мажбуриятларнинг бажарилишини кўзда тутуди);

г) субъектнинг ўзининг хулқ-атвори оқибатида келиб чиқадиган нохуш оқибатлар (касалхона режимини бузиш натижасида беморнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини йўқотиши ёхуд бу ҳол узрли сабабсиз юз бериши ва ҳоказо).

Ҳуқуқий нормаларнинг санкцияларини ҳуқуқбузар учун нохуш бўлган оқибатларнинг ҳажми ва миқдоридан келиб чиқиб таснифлаш мақсадга мувофиқдир, буида улар уч гуруҳга ажратилади:

1) нохуш оқибатларнинг ҳажми миқдори аниқ кўрсатилган муллақ-муайян санкциялар, (ходимни хизмат бурчини бажаришдан озод этиш, ишдан бўшатиш, жариманинг аниқ миқдори ва ҳоказо);

2) нохуш оқибатлар чегарасининг энг озидан энг кўпигача ёхуд фақат энг кўпигача кўрсатиладиган нисбий-муайян санкциялар.

Булар аввало кўлчилик жиноят-процессуал нормаларнинг «фалон муддатгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» ёки «муддатгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» шаклидаги санкциялардир;

3) муқобил санкцияларда «ёки», «ёхуд» бирлаштирувчи-айирувчи боғловчилари орқали бир-неча нохуш оқибатлар кўрсатилиб санаб ўтилади ва ҳуқуқни қўлловчи улардан фақат биттасини —

ҳал этилаётган ҳолат учун энг мақсадга мувофиқ бўладиганини танлайди. Бундай санкция қуйидагича ифодаланиши мумкин: «... қамоқ ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади».

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг демократлашуви хулқ-атвор ҳуқуқийлигининг ижобий, рағбатлантирувчи роли ошвишини шарт қилиб қўйди. Аммо улар диалектик тарзда санкциялар билан уйғунлашадилар. Санкция юридик норманинг бир қисми сифатида жамият ва давлат турмуши шароитларининг ўзгаришига сезиларли даражада акс-садо беради. Шунинг учун ҳам нисбаган у анча муддат давомида ҳуқуқ нормаларини тўла ўзгартирмасдан, фақат уларнинг санкцияларини ўзгартириш йўли билан мавжуд норматив кўрсатмаларини жамият ривожланиши эҳтиёжларини очишга мослаштириши мумкин.

Юридик норманинг уч элементли таркиби муайян хулқ-атвор вариантини аниқ белгилайди, ҳуқуқий кўрсатманинг татбиқ этилишини таъминловчи унинг ҳаракат (ҳаракатсизлик) вазияти, унга ундайдиган воситаларни аниқ ифодалайди.

Юқорида айтганимиздек, ҳуқуқ нормаси уч таркибий қисм; яъни гипотеза, диспозиция ва санкциядан ташкил топган.

**Гипотеза** — ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда норма амал қила бошлайдиган, ижро этиладиган шароитлар баён этилади. Масалан, пенсия ҳақидаги қонунларга кўра, Ўзбекистон Республикасида умумий меҳнат стажи 25 йил бўлган эркакларга 60 ёшдан, аёлларга эса 20 йиллик стаж билан 55 ёшдан бошлаб таъминот бўлимлари томонидан пенсия тўланади.

**Диспозиция** — ҳуқуқ нормасининг шундай тар-

кибий қисмики, унда ҳуққ-атвор қоидаларининг ўзи шакллантирилади, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилади. Масалан, Жиноят кодексида белгиланган тартибни бузиб чет олга чиқиб ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш учун жавобгарлик белгиланган. Бу ҳуқуқ нормасининг диспозицияси — ҳуқуқнинг руҳсатсиз ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб ёки бунинг учун белгиланган чегара пункти орқали ўтмай, давлат чегарасидан ноқонуний ўтишнинг тақиқланганлигидир.

Диспозиция — шу ҳуққ-атвор қоидасининг ўзи. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларининг соғлиги, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқбузарга нисбатан қўллан лозим бўлган давлат мажбурлов чораларини белгилайдиган таркибий қисми **санкция** дейилади.

**Санкция** — ҳуқуқ нормасини бажармаганлик учун давлат органлари қўллайдиган мажбурлов чораси. Санкциянинг ҳайфсан, жарима, озодликдан маҳрум этиш ва бошқа турлари бор.

Ҳуқуқ нормаларининг мазкур таркибий қисмлари барча ҳуқуқ нормаларида ҳам мавжуд эмас. Масалан, конституциявий ҳуқуқ нормаларида, одатда ҳеч қандай шартларсиз амал қиладиган ва мажбурлов чоралари кўзда тутилмаган қоидалар баён этилади. Фуқаролик ҳуқуқининг кўпчилиги қоидаларида санкцияни ажратиш кўрсатиши мумкин эмас. Жиноят ҳуқуқи нормалари диспозиция ва санкциядан ташкил топган. Лекин уларда норманинг матнида ажратиш кўрсатиши мумкин бўлган гипотезалар йўқ.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаси қуйидагиларни белгилаб беради:

1) ким, нимани ва қачон қилиши керак — диспозиция;

2) бу ҳаракатни қайси шароитларда амалга ошириш керак — гипотеза;

3) ҳуқуқ нормаси бажарилмаслигининг оқибатлари қандай — санкция.

Таъкидлаш керакки, барча ҳуқуқ нормалари ҳам уч таркибий қисмга эга эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари фақат гипотеза ва диспозицияга эга. Санкциялар эса Конституция нормаларини муайянлаштирувчи қонунлар, кодекслар ва шу кабиларда ифодаланган.

Бажарилиши шарт бўлган ёки аксинча, ман этилган хулқ-атвор қоидаларини баён қилишнинг тўлалиги бўйича диспозициялар оддий, тавсифловчи, бланкет ва ҳавола этувчи диспозицияларга бўлинади. Оддий диспозицияда қилмиш тавсифлаб берилмайди, балки барчага маълум термин (масалан, қасдан одам ўлдириш) ёрдамида таърифланади. Тавсифловчи диспозиция — ҳуқуқбузарлик белгиларининг тўлиқ баёнини ўз ичига олади (масалан, ўғирлик — ўзгалар мулкини яширин равишда талон-торој қилиш).

Бланкет диспозиция ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормаларида белгиланган махсус қоидаларга ҳавола қилади. Масалан, Жиноят кодексида техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу қоидаларнинг мазмуни Жиноят кодексида эмас, балки ЖКнинг моддаларини қўллашда

мурожаат қилиш зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатларда очиб бериллади. Ҳавола этувчи диспозиция деганда, ҳуқуқбузарлик белгиларига эга бўлмаган, балки ўша қонуннинг бошқа нормасига ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола этувчи диспозиция тушунилади.

Муайянлик даражаси бўйича санкцияларни мутлақ муайян, нисбий муайян ва муқобил санкцияларга ажратиш мумкин.

Мутлақ муайян санкция ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган жазонинг ҳажмини аниқ белгилайди. Масалан, Фуқаролик кодексига кўра, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида фуқарога етказилган зарар тўлалигича қопланиши шарт.

Нисбий муайян санкция ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган жазонинг энг кам ва энг кўп чегарасини белгилайди. Жиноят ҳуқуқида бундай санкциялар кўп. Масалан, айбдор шахс босқинчилик жинояти учун мол-мулки мусодара қилиниб, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Муқобил санкция судга қонунда кўрсатилган бир неча жазолан бирини тайинлаш имконини беради. Масалан, фирибгарлик, агар у оғир оқибатларга олиб келмаган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки қилтинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Кўпинча ҳуқуқ нормалари муқобил ва нисбий муайян санкцияларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштиради, яъни бир неча жазо турларини назарда tutади. Бунда уларнинг ҳар бири учун энг кўп ва энг кам чегара белгиланади.

«...энг муътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига уч минг йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир»<sup>1</sup>.

И.А. КАРИМОВ

## **24-боб. ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ**

- 1-§. Ҳуқуқ манбалари ва уларнинг турлари.
- 2-§. Турли ҳуқуқий тизимларнинг манбалари.
- 3-§. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг миллий ҳуқуқий тизимларга таъсири.
- 4-§. Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари.

### **1-§. Ҳуқуқ манбалари ва уларнинг турлари**

«Ҳуқуқ манбаи» тушунчасини англаш учун фалсафада асосий ўрин эгаллаган «шакл» категорияси хусусида қисман тўхталиш лозим. Унинг эгизак категорияси «мазмун» бўлиб, у объектнинг умумий таркибий қисми бирлиги сифатида намоён бўлувчи яхлитлик, унинг хусусиятлари, алоқалари, ҳолати, ривожланиш жараёнларини ифодалайди. «Шакл» тушунчаси бу ўринда мазмуннинг мавжудлиги, ифодаланиши ва қайта тузилишини билдиради. Одатда, ҳодисани ички ва ташқи шаклларга ажратадилар. «Шакл» атамаси мазмуннинг ички тузилиши сифатида ишлатилса, у «тузилиш» тушунчаси билан боғланади.

---

*Каримов И. А.* Тарихий хотираеиз келажак йўқ//Мулоқот. 1998. №5, 5-б.

Мазмун ва «шакл» бир-бири билан боғлиқ категориялардир. Мазмун ҳодисанинг ҳаракатчан, динамик томонини ифода этса, шакл предметнинг муҳим алоқалари тизимини қамраб олади. Шакл билан мазмун ўртасидаги номувофиқликнинг ривожланиши эски шаклнинг барҳам топиб, мазмун ривожланишига мос келувчи янги шаклнинг вужудга келиши билан тушунтирилади.

Ҳуқуқда шакл категорияси икки маънони билдиради: бир томондан, ҳуқуқий шаклни; иккинчи томондан, ҳуқуқнинг ўз шаклини.

**1. Ҳуқуқий шакл** — барча ҳуқуқий воқеликлардир. Бу ерда иқтисодий, сиёсий турмуш ва бошқа фактик муносабатлар билан билвосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий ҳодисалар ҳақида сўз боради. Шаклнинг ҳуқуқий (юридик) тушунчаси, ҳуқуқнинг (ёки ҳар қандай ҳуқуқий ҳодисанинг) барча ижтимоий тузилма, жараён ва муносабатлар билан алоқаси очилгандагина кўринади.

**2. Ҳуқуқнинг шакли** ҳуқуқнинг алоҳида ҳодиса сифатидаги шакли бўлиб, у фақат ҳуқуқнинг мазмуни билангина ўзаро боғланади. Унинг вазифаси ҳуқуқ мазмунини тартибга солишдан иборат.

Бундан ташқари, ҳуқуқ ижодкорлари ҳуқуқий назариялар (доктриналар) таъсиридан холи эмас: уларнинг у ёки бу даражада у ёки бу ҳуқуқий (юридик) таълимотни ёқлаб чиқишларига тўғри келади; улар ушбу таълимотга оид таклиф ва тавсияларни қабул қиладилар. Норматив шартнома ҳуқуқий ижодкор органларнинг иродасини ифодаловчи уларнинг ҳар бири учун ҳуқуқий мажбурият ҳисобланган қўшма ҳуқуқий актлардир. Уларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан хоҳишлари ифодаланиб, ўз зиммаларига

олинган мажбуриятларни бажаришга оид ихтиёрий розилиги мустаҳкамланади. Улар конституциявий, фуқаролик, меҳнат, экология ҳуқуқида кенг тарқалган.

«Битим» тушунчаси «шартнома» тушунчасидан кенгдир. Битим бир шахснинг эркини ифодалайди. Битим деб, шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатишга қаратилган ҳаракатлари тан олинади.

«Контракт», «битим», «аҳдлашув» атамалари «шартнома» тушунчасининг синоними сифатида қаралиши мумкин. Шартномани ҳуқуқ манбаи деб тан олиш учун, у юридик нормаларга эга бўлиши керак.

Меҳнат ҳуқуқи соҳасида муҳим ўринни коллектив (жамоа) шартномалари эгаллаб келмоқда. Меҳнат кодексига мувофиқ, жамоа шартномаси деганда корхона, муассаса, ташкилотларда раҳбар билан хизматчи ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий актлар тушунилади.

Шартнома ҳуқуқи ҳаракатчан ва кенгайиб бораётган эркин тадбиркорлик тизимининг ҳуқуқий пойдеворидир.

Ҳуқуқнинг асосий шакли сифатида халқаро ҳуқуқда шартнома юзага чиқади. Халқаро шартнома давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида улар учун умумий аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан тузилган ҳамда уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида тартибга солинадиган битимдир. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 2-моддасида бу манбанинг норматив таърифи берилган. Унда қайд этилишича; «Шартнома деганда, давлатлар ўртасида ёзма ра-

вишда тузилган бир, икки ёки бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳужжатларда шундай аҳдлашув мазмунидаги ҳамда унинг аниқ номланишидан қатъи назар халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро битим тушунилади».

Халқаро ҳуқуқий шартноманинг янги тури сифатида 1990 йил 12 сентябрида қабул қилинган Германияга оид муносабатларни узил-кесил ҳал қилиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, бирлашган Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси ва бутун Берлин ҳудудини ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг ташқи чиқтисодий фаолиятида шартномалар кенг жорий этилмоқда. МДХга кирувчи суверен республикалар ўртасида кўплаб шартномалар тузилган. Шу билан бир қаторда шартномаларнинг жиддий ҳуқуқий асослари, уларни тузиш тартиби юзага келадиган низоларни ҳал қилиш ҳамда уларнинг хўжалик ва бошқа шартномалар ўртасидаги нисбатини аниқлаш лозим.

Норматив-ҳуқуқий шартномалар бирламчи ҳуқуқий манбаларнинг ривожланиши, уларга қонуний куч бериш учун улар норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши керак. Масалан, Фуқаролик кодекси шартномаларнинг шакли ва умумий шароитларини мустаҳкамлайди, 1998 йилда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун оммавий ахборот воситаларини таъсис этувчилар ўртасидаги шартноманинг қандай бўлишини мустаҳкамлаган.

Табиатдан тўлиқ фойдаланиш шартномаси муҳим ҳуқуқий ўзига хос жиҳатларга эга. Бу шартноманинг мазмунини «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун белгилайди.

Ҳуқуқнинг шартнома шакли порлоқ истиқболдир. Агар, ҳуқуқнинг манбаларини ўзаро ижтимоий таъсир сифатида тасаввур қилинса, у ҳолда, авваламбор, улар формал-мажбурий бўлмай, балки ихтиёрий мурасали бўлиши лозимдир. Шунини ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти, юксак технологиялар ривожланиши шароитида давлат (шу пайтгача бўлгани каби), янги тартибни таъминлашга масъул, асосий ислоҳотчи сифатида ҳаракат қилмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, банк фирмалари, корпорациялар, концернларнинг роли беқиёс ортиб бормоқда. Улар жамиятдаги тадбиркорлик муносабатларини асосан, энг қулай, оддий, тезкор восита ҳисобланган шартнома йўли билан тартибга солмоқда.

Норматив ҳуқуқий акт ҳуқуқ ташқи шаклининг энг асосийси, ҳисобланади. Бу норматив турдаги давлат актидир. Норматив актлар (ҳужжатлар)дан фарқли ўлароқ, муайян шахсий ишлар ҳал қиладиган давлат актлари яқка тартибдаги (индивидуал) актлар деб юритилади. Норматив актлар шахсий ишларни ҳал этиш учун юридик асосларга (ҳуқуқий нормага) эга бўлади. Норматив-ҳуқуқий актлар фақат юридик манба сифатида эмас, балки фактик манба сифатида ҳам намоён бўлади. Чунки ундан кишилар юридик нормалар ҳақида маълумот оладилар.

Шундай қилиб, норматив актни ҳуқуқий мазмундаги ҳуқуқий ижод маҳсули деб таърифлаш мумкин. Норматив ҳуқуқий актларга давлатимиз Конституцияси, бошқа қонунлар ҳамда қонунности ҳужжатларининг тизими (ҳукуматнинг фармойишлари, давлат қўмиталари, вазирликларнинг буйруқлари ва йўриқномалари, маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари) киради.

Норматив-ҳуқуқий акт ҳозирги замон давлатида ҳуқуқнинг асосий, асосий шакли деб тан олинганининг сабаби шундаки, бунда *биринчидан*, унинг ёрдамида ҳуқуқий нормаларнинг аниқ ва тўлиқ ифодаланиши, унинг реал фаолияти ва ривожланишининг истиқболли ҳаққоний асос этирилади; *иккинчидан*, норматив-ҳуқуқий актлар (ҳуқуқнинг бошқа ташқи шакллари эмас) амалдаги ҳуқуқнинг доимий янгиликларига кўпроқ мослашган.

Ғарбий демократиялар ва Шарқда ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви ҳозирги ижтимоий ривожланишнинг жадаллашиши, фуқаролар сиёсий фаоллигининг ортиши, ҳуқуқнинг юридик манбалари тизимида норматив актлар ролининг муқаррар ортишига олиб келади. Бозор иқтисодиёти шакллантириш хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, йирик фирмалар, кичик корхоналарнинг пайдо бўлиши, чет эл фирмалари иштирокида қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсата бошлаши ҳозиргача маълум бўлмаган ҳуқуқнинг янги шакллари пайдо бўлишини кутиш мумкин. Бунда эса, эртами — кечми, хусусий ташкилотларнинг норматив актларини тан олишга тўғри келади ҳамда улар ишлаб чиқадиган намунали шартномаларнинг норматив-юридик кучини инкор этиб бўлмайди.

Сўнгги йилларда ҳуқуқий ижодкорлик тажрибасида норматив-ҳуқуқий актларнинг индивидуал шаклларини ишлаб чиқиш, уларнинг таъсир чегараларини белгилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳуқуқни янгича англаш муқаррар равишда ҳуқуқ манбаларини бошқача талқин қилишга олиб келади. Ўзини ўзи тартибга солиш ҳуқуқнинг барча

маълум шаклларига хосдир. Булар ҳуқуқ шакллари-нинг шундай шаклики, улар бевосита демократия институтларидан (референдум қарорлари, халқ йиғинлари, меҳнат жамоалари мажлислари) фойдаланиш орқали қабул қилинади.

**Референдум** — давлат ва жамият ҳаётининг ҳар қандай муҳим масалалари бўйича умумхалқ овоз беришидир. Фақат уни умумхалқ муҳокамаси билан алмаштириш керак эмас. Умумхалқ муҳокамаси референдумдан фарқ қилади. Маълум маънода, «плебисцит» тушунчасини референдумнинг синоними дейиш мумкин. Референдум акти ҳуқуқнинг демократик шакли ҳисобланади. Аммо уни турли шароитларда ҳам оптимал ечим ишлаб чиқишнинг энг яхши услуби дейишга асос йўқ.

Референдумлар умумдавлат ва маҳаллий миқёсда бўлади. Референдумга чиқарилган масалалар бўйича қарорлар, референдумга иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади: референдумда қабул қилинган қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш фақат референдум йўли билан амалга оширилади.

Референдум орқали Ўзбекистонда 29 декабрь 1991 йилда давлат мустақиллиги тасдиқланди.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиёти кўпроқ референдумлардан маҳаллий масалаларни, яъни солиқ ишларида, атом станциялари қуриш, мактаб дастурларининг мазмуни, транспорт хизмати ва ҳоказоларни ҳал этиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат бермоқда.

Нисбатан катта бўлмаган мамлакатларда, масалан Швейцарияда ёки таркибий жиҳатдан ўхшаш бўлган Францияда осон бўлган нарса ҳажм

жиҳатидан ҳалдан ташқари катта ҳамда турлича бўлган АҚШ ёки Россияда жуда мушкул. Америкалик фуқаролар умуммиллий миқёсдаги бево-сита демократияга шубҳа билан қарайдилар. Бунинг сабаби шундаки, биринчи галдаги муҳим масалаларни ечишнинг бу шаклини мукаммал, аниқ, салмоқли, беғараз ва адолатли ҳал қилиш-нинг услуги эмас деб ҳисоблайдилар. Референ-думларни фавқулодда ҳолатларда давлат ва жа-мият ҳаётининг муҳим масалалари бўйича ўтка-зиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий давлат қонунийликни мустаҳкамлаш учун ҳуқуқ манбаларига катта аҳамият беради. Юқорида қайд этилган шакллар (манбалар)нинг мукаммаллиги улар ҳақидаги назарий тасаввур-ларнинг даражаси ва юридик амалиёт барча тур-ларининг сифати билан узвий боғлиқ бўлади. Юридик фан ҳуқуқ шаклини яхшилаш бўйича зарур тавсияларни ўз вақтида ишлаб чиқишга хизмат қилади, амалиёт эса олимларнинг ҳуқуқ манбаларининг, ҳаракатчан ва самарали фаоли-ят кўрсатувчи тизимини вужуга келтириш мақ-садини кўзда тутувчи таклифларни татбиқ этиши керак. Давлатдаги қонунчиликнинг мустаҳкамлиги ҳуқуқ тизимининг сифатига боғлиқ бўлади.

Маълумки, ҳуқуқнинг формал аниқлиги унинг норматив ифодаланиши усулидир. Турли ҳуқуқий тизимлар турли формал аниқлик даражасига эга. У мусулмон ҳуқуқига хос эмас, умумий ҳуқуқда эса у кучсиз ифодаланган. Ўзининг табиатига кўра, норматив-ҳуқуқий актга, агар шундай дейиш мумкин бўлса, нормативлигининг «кўникмаси» деб қаралиши мумкин.

Ҳуқуқ шаклининг аҳамияти, давлатдаги ҳу-қуқий тартибнинг даражаси ва сифатига боғлиқ,

фақат уларни ўзига «тортиб туради», аксинча, у «керак бўлмаганда» ҳаракатсиз қолдиради. Кўпинча, ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишида фақат норматив-ҳуқуқий актлар эмас, балки ҳуқуқнинг бошқа шакллари ҳам иштирок этади.

XXI асрда Ўзбекистонда ҳуқуқ (манбалари) шакллари такомиллаштиришнинг қандай асосий йўллари мавжуд? *Биринчидан*, ҳуқуқ шаклини яхшилашда миллий юридик анъаналарни тўлиқроқ ҳисобга олиш, мустамлакачилик истилосига қадар бўлган ҳуқуқий тизимнинг энг яхши томонларини олиш керак бўлади. *Иккинчидан*, ҳуқуқнинг асосий шакллари тўғрисидаги махсус қонун тайёрланди ва эълон қилинди.

У кўпдан бери тақдим қилинаётган ҳуқуқий ижод тўғрисидаги қонунга ўзига хос умумий қисм қилиб олиниши мумкин. Бу ҳужжатда ҳуқуқ шакллари фақат норматив-ҳуқуқий актлар даражасига тушириш оқланмаганлигини таъкидламоқ лозим бўлади. Давлатнинг прецедент, одат ва шартнома ҳуқуқига бўлган муносабатини қонунда имкони борича тўлиқ ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бу ерда гап ҳуқуқнинг барча шакллари (манбалари)нинг кенгайтирилган янги ролларини қонун йўли билан мустаҳкамлаш ҳақида борапти.

Маълум давлатда, номлари юқорида қайд этилган ҳуқуқ манбаларининг нисбати, мазкур вақт чегарасида кўпгина ижтимоий-сиёсий, миллий, демократик сабабларга (улар турлича бўлиши мумкин) боғлиқ бўлади. Ҳуқуқнинг ташқи шакли, қонунчиликнинг ташқи шакли муаммоси нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Давлат иродасига айланувчи ташқи шаклнинг норматив кўрсатмаси, таъсирчанлиги, унинг

юримдик кучига эмас, балки норматив тизимдаги ўрнига боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқнинг мазмуни кўпқиррали ва улар турли шаклларда «бўлиши» мумкин. Моҳирлик билан топилган шакл ҳуқуқ мазмунининг самарадорлигини орттиради. Аксинча, ҳуқуқ мазмунига мос келмайдиган шакл, юримдик нормани «ўлик» ҳолатга олиб келиши мумкин. Амалдаги ҳуқуқ шакллари тизимига ҳаракатчанлик хосдир. Ҳуқуқ шаклларининг янги манбалари ўзига йўл очмоқда, эскилари барҳам топмоқда. Буларнинг барчаси — Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнининг бир қисми ҳисобланади.

## **2-§. Турли ҳуқуқий тизимларнинг ҳуқуқ манбалари**

Ҳозирги даврнинг асосий ҳуқуқий тизимлари, қисман, муайян давлатнинг миллий ҳуқуқий тизимида қайси ҳуқуқ манбалари устунлик қилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Англосаксон ҳуқуқи мамлакатлари бўлган Англия, АҚШ, Канада, Австрия Иттифоқи ва бошқаларда ҳуқуқий тизимнинг асосий хусусияти бу давлатларда кейинги қарорлар учун «намуна» аҳамиятига эга бўлувчи ва шу билан ҳуқуқ нормаларини ўрнатувчи суд прецендентлари, яъни суд қарорларини тан олиш ва кенг қўллашдан иборат. Европа қитъасидаги мамлакатларда (Франция, Испания, Австрия, ГФР ва бошқаларда), шунингдек, Ўзбекистонда ҳам қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: парламент қонунлари, фармонлар ёки давлат раҳбарининг бошқа ҳужжатлари ва ҳукуматнинг ҳамда алоҳида вазирлар-

нинг тартибга солувчи ҳужжатлари ҳуқуқнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Осиё қитъасидаги мамлакатларда қонунлар ва давлат органларининг бошқа ҳужжатлари билан бир қаторда диний манбаларга асосланган мусулмон, ҳинду, яҳудий ҳуқуқлари, шунингдек, жамоа ҳаёти анъаналари ҳуқуқнинг ривожланишида муҳим ўрин тутати.

Анъанавий ҳуқуқ Африка, Латин Америкасининг кўплаб мамлакатлари учун ҳам ҳосдир.

Одатлар оиладаги ёки бошқа кундалик турмуш муносабатларидаги анъаналар тараққий этган кўпгина давлатларда ҳам маълум маънода бўлсада, юридик аҳамиятга эга. Жумладан, бир қатор Европа давлатларида парламент билан бир қаторда маъмурий амалиётда қироллик ҳокимиятининг кўплаб ҳуқуқий институтлари ҳукумат тузишда, анъанавий бошқарув органларининг фаолияти қатъий амал қилади. Бироқ айни пайтда ўтмишдагига қараганда улар бирмунча замонавийлашган, ёзилмаган урф-одатларга асосланган (масалан Буюк Британия Вазирлар Маҳкамасини тузиш ва унинг таркиби).

Ниҳоят, баъзи мамлакатларда анъанавий ахлоқий нормаларнинг ҳуқуқий муносабатларга бевосита таъсири сақланиб қолади. Бу мусулмон, ҳинду, яҳудий ҳуқуқларининг диний ва анъанавий ҳуқуқ тизимларига тааллуқли. Лекин ахлоқий нормаларнинг ҳуқуқий муносабатларга таъсири Япония ва Хитойда алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда мулкчилик, мулкий мажбуриятлар, суд ҳуқуқининг асосий муносабатларига конфуцийлик ва бошқа ахлоқий таълимотларнинг таъсири катта. Низоларни ҳал қилиш ва жавобгарликни белгилашда давлат қонунларидан, айниқса, суд-

га мурожаат қилишдан олдин томонларнинг келишиб олишларига урғу берилади, яъни ахлоқий нормалар афзал кўрилади. Шу билан бирга, Япония ва Хитойнинг ҳозирги ҳуқуқ тизими гарбий ҳуқуқ тизимлари ва хитойча социализм таъсирида анчагина замонавийлашган.

### **3-§. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг миллий ҳуқуқий тизимга таъсири**

Ҳозирги жаҳон ҳамжамиятида давлатлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда. Бу эса давлатлар ўртасидаги низолар ва можароларни ҳал қилишга, шунингдек, БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган пактлар, конвенциялар, давлатлар ўртасидаги шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципларига, асосланган ҳуқуқий нормаларни барча давлатлар учун бир хилда қўллашга имкон бермоқда.

XX асрдаги икки жаҳон урушидан сўнг босқинчилик урушларининг халқлар учун ҳалокатли эканлигини тан олган, БМТ аъзолари бўлган давлатлар халқаро ҳуқуқ нормаларига фақат давлатлар ўртасидаги ташқи сиёсий муносабатларида эмас, балки ҳар бир давлатнинг ички ҳаётида, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий муносабатларида ҳам амал қилишини таъминловчи халқаро ҳамкорлик тизимини яратдилар. Шунинг учун халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари, нормалари ва давлатлар ўртасидаги шартномалар (икки томонлама ва кўп томонлама), жаҳон ҳамжамияти аъзолари бўлган давлатларнинг конституциялари, қонунлари ва одатлари

томонидан ушбу давлатлар ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми, яъни давлат ички ҳуқуқларининг манбаи сифатида тан олинади.

Масалан, Франция Конституциясининг 55-моддасида ратификация қилинган ёки тасдиқланган шартномалар ҳар бир шартнома ёки битим иккинчи томон эълон қилиниши биланоқ қўллана бошлаганда ички қонунлардан устун ҳуқуқга эга бўлиши белгилаб қўйилган. Италия Конституциясининг 10-моддасига мувофиқ, Италия ҳуқуқий тартиби халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштирилади. 11-моддада эса уруш бошқа халқларнинг эркига таъжовуз қилиш воситаси сифатида тан олинмаслиги ҳамда халқлар тинчлиги ва адолатни таъминловчи тартиб учун зарур бўлган суверенитетни чеклашга бошқа давлатлар билан ўзаро келишилган ҳолларда йўл қўйилиши назарда тутилган.

ГФР Асосий қонунининг 25-моддасига мувофиқ, халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари ва Федерация ҳуқуқининг умумий нормалари Федерация ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар қонунлардан устунликка эга ва федерал ҳудуд аҳолисининг бевосита ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаради.

Шунга ўхшаш нормалар Испания (93—96-моддалар), Греция (28-модда), Япония (98-модда) ва бошқа давлатларнинг конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шундай қилиб, тараққий этган давлатларда қўйиладилар расмий баён қилиш ва миқдорий ҳуқуқнинг нормаларини мустаҳкамлашнинг асосий манбалари ёки шакллари ҳисобланади:

*биринчидан*, ваколатли давлат органлари ёки умумхалқ овоз бериши орқили қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар;

*иккинчидан*, суд прецедентлари ёки суд амалиётининг бошқа ҳуқуқ ижодкорлиги йўли;

*учинчидан*, диний манбалар (муқаддас ёзувлар, китоблар, шарҳлар);

*туртинчидан*, иқтисодий ҳаётда шаклланган урф ва одатлар;

*бешинчидан*, халқаро ҳуқуқнинг умумъятироф этган принциплари ва ҳар бир давлат томонидан белгиланган тартибда ратификация қилинган шартномалар, пактлар, конвенциялар.

Миллий ҳуқуқ тизимлари кўпинча муайян давлатда қўлланиладиган ўзига хос умумий ҳусуслатлар билан бирга ҳуқуқ биласидаги яқин қонгипентал, умумий ва диний ҳуқуқ каби ҳуқуқ манбалари билан бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, роман-герман ҳуқуқи амал қиладиган Францияга қонунларнинг маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги етакчилиги хосдир. Бу ерда ривожланган маъмурий адлия тизимининг (яъни маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг махсус суд тизими) мавжудлиги гуфайли ўзига хос суд прецеденти -- маъмурий адлия судлари қарорларининг катта таъсири сезилиб туради. Бундай прецедентларнинг юзага келишида маъмурий адлиянинг олий босқичи ҳисобланган Франция Давлат Кенгаши асосий ўрин тутали. Айнан суд амалиёти норматив ҳужжатларни ёзишга мурожаат қилмай туриб, маъмурий ҳуқуқнинг асосий нормаларини шакллантирди. Бундан фарқли равишда, Франция фуқаролик ҳуқуқи қонун нормаларига аввало, Франция Фуқаролик кодексига, шунингдек, тартибга солувчи ҳукумат нормаларига асосланади. Ушбу доирадагина фуқаролик низоларини ҳал қилишда суд амалиёти норматив аҳамиятга эга. Бироқ унда ҳам суд то-

монидан Фуқаролик кодекси ҳамда қонунларни шарҳлаш француз фуқаролик ҳуқуқини тушунтириш ва қўллашнинг мажбурий таркибий қисми ҳисобланади.

Шунга қарамай, «прецедентли» умумий ҳуқуқ (common law)нинг анъаналари ва аҳамияти жуда катга бўлган АҚШда ҳам, қонун ҳуқуқ манбалари тизимида етакчи ўрин тутади. Айнан қонун олий юридик кучга эга. Парламент, суд ва маъмурий амалиёт эса қонунни шарҳлаш, қўллаш ва ривожлантириш, ҳокимият тармоқлари тегишли органларининг фаолиятини ташкил қилиш ва хусусий ҳуқуқ масалаларини ечишда муҳим аҳамиятга эга. XX асрда суд ва маъмурий амалиётнинг таъсири минтақавий ҳуқуқ тизимидаги бошқа мамлакатларда сезиларли ўсди.

Илгари мустамлака бўлган Осиё ва Африканинг ҳозирги бир қанча давлатларида уларга хос бўлган ҳуқуқ манбалари билан бир қаторда турли ҳуқуқ манбалари ва ҳуқуқ тизимлари уйғунлашиб кетган. Масалан, Ҳиндистонда қонунларни прецедентлар билан уйғунлаштирувчи Европа англосаксон типидagi қонунларга таянувчи давлат, маъмурий, савдо ҳуқуқи билан бир қаторда асоси мусулмон ва ҳинду ҳуқуқи бўлган диний ҳуқуқ манбалари ҳам амал қилади.

Африка мамлакатларида ҳам анъанавий манбалар, турли ижтимоий гуруҳларнинг урф-одатлари собиқ метрополия ҳуқуқлари махсус мустамлака қонунлари уни ўзлаштирган марказий ва суд ҳокимияти қонунлари билан қўшилиб кетган. Одат ҳуқуқи (ҳуқуқий одатлар) асосан ер, оила ва мерос ҳуқуқини қамраб олади.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон ҳуқуқининг бошқа хорижий давлатлар билан алоқаси сезиларли

Ўси. Шунинг учун малакали юристларни тайёрлашда хорижий давлатлардаги ҳуқуқ нормаларини ифодалаш ва мустаҳкамлаш манбалари (шакллари)ни ўрганиш зарур. Бу фақат юристлар дунёқарашини кенгайтириш учунгина эмас, мазкур билимларни бўлажак мутахассисларнинг фаолиятида амалий қўланиш учун ҳам зарур.

Ҳозирги дунёда халқаро ҳуқуқ халқаро ташкилотлар (биринчи навбатда БМТ)нинг пактлари, декларациялари, резолюцияларида ўз ифодасини топган. Улар миллий ҳуқуқ тизимлари — шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг аниқ муаммоларини ўз ичига олади. Шахс халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Бу соҳа, ўз-ўзидан, фақат халқаро муносабатларнинггина эмас, балки мамлакат ичидаги муносабатларни тартибга солишга ҳам фаол аралашади. У бутун ҳуқуқ тизимига, унинг қўлига тармоқларига, авваламбор, конституциявий ҳуқуққа бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги нормалари Конституцияга мувофиқ, тан олинди ва қафолатланади.

Ўз-ўзидан маълумки, миллий ҳуқуқ тизимига «кириб келиш»нинг йўналишлари турлича. У халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқ томонидан ҳам амалга оширилади.

Низолар ва можароларни ҳал қилиш тартибинини бошқариб турувчи халқаро процессуал ҳуқуқнинг вазифалари ҳам сезиларли даражада кенгаймоқда.

Халқаро ҳуқуқ ҳозирги замон тараққиётида ўсиб бораётган умумжаҳон ҳуқуқига айланмоқда. Бу инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал қилиш манфаатларига жавоб беради.

## 4-§. Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари

**Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари қуйидагилардан иборат:**

1) халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

2) қонунлар;

3) қонуности ҳужжатлари.

**Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари** халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидалари бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан тан олинган ва уларни бажармасликка йўл қўйилмайди. Улар ичида давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, зўрлик ишлатмаслик ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, chegarаларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, халқаро ҳуқуққа доир мажбуриятларни виждонан бажариш кабилар бўлиши мумкин.

**Халқаро шартнома** халқаро ҳуқуқнинг икки ёки бир неча субъекти томонидан қабул қилинган битим бўлиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси сиёсий, иқтисодий ва махсус масалалар бўйича бир неча минг шартнома тузган. 1995 йилда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Халқаро шартномаларнинг

қоидалари Ўзбекистон қонунларига нисбатан устунликка эга.

**Ўзбекистон Республикасининг қонунларини** қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) асосий қонун — Конституция;

2) конституциявий қонунлар;

3) қонунлар;

4) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси.

Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида ўрин тутаети. Ушбу ҳужжат давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини белгилайди, конституциявий тузум асосларини, инсонлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Конституция амалдаги қонунлар учун юридик асосдир. Конституция матни бошқа норматив ҳужжатларда ривожлантирилади. Шунга айтиш керакки, ўз Конституциясига эга бўлиб, унинг қоидалари Ўзбекистон Конституциясига зид келиши мумкин эмас.

Қонунларни, ўз навбатида, *кодификацияланган* ва *жорий* қонунларга бўлиш мумкин. Кодификацияланган қонунларга кодекслар киратди. Кодекс — кодификация хусусиятига эга бўлган қонун бўлиб, ўзида ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини батафсил тартибга солувчи нормаларни бирлаштиратди. Масалан, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва ҳ.к.

Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинади ва бундай қонунлар бутун Қорақалпоғистон ҳудудида ижро этилиши шарт.

## 25-боб. ХУҚУҚ ФУНКЦИЯЛАРИ

- 1-§. «Хуқуқ функцияси» тушунчаси.
- 2-§. Хуқуқ функциясининг белгилари ва хусусиятлари.
- 3-§. Хуқуқ функциясининг тизими.
- 4-§. Хуқуқнинг бевосита юридик функциялари тавсифи.
- 5-§. Хуқуқ функцияларини амалга ошириш шакллари.

### 1-§. «Хуқуқ функцияси» тушунчаси

Илмий ва ўқув адабиётларда «функция» тушунчаси турли хил маъноларда ишлатилади. Юридик фанда «функция» термини XIX аср охири — XX аср бошларида давлат ва хуқуқнинг ижтимоий аҳамиятига тавсиф бериш учун ишлатила бошланган.

«Хуқуқ функцияси» тушунчаси тўғрисида ягона фикр йўқ. Шу масала бўйича билдирилган кўпдан-кўп фикрларни умумлаштириб, «хуқуқ функцияси» деганда хуқуқнинг социал мақсади ёки ижтимоий муносабатларга хуқуқий таъсир этишининг йўналишини тушуниш мумкин.

Хуқуқ функцияси тушунчаси, унинг социал мақсади ёки хуқуқий таъсир этиш йўналиши каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ, айнан бир маъноли бўлмаган ҳодисаларни ифодалайди. Уларнинг ҳар бири ўз маъносига эга ва «хуқуқ функцияси» тушунчасини белгилашда маълум методология вазифасини бажаради.

Гап шундаки, худди ижтимоий мақсад каби, ижтимоий муносабатларга таъсир этиш йўналиши ҳам, алоҳида олинганда, «хуқуқ функцияси» тушунчасининг маъносини камайтирмайди. Агар хуқуқ функцияси орқали фақат унинг ижтимоий мақсадини тушунган тақдиримизда, бу тушунча жуда ҳам умумий бўлиб қолади. Агар хуқуқ функ-

циясини фақатгина ижтимоий муносабатларга таъсир этиш йўналиши сифатида тушунсак, бундай шароитда унинг кенг маънодаги йўналтирувчи таъсири эътибордан четда қолади.

Юқорида айтилганга боғлиқ ҳолда, биз ўз диққатимизни ҳуқуқий таъсир йўналиши ва социал мақсадга таққослашнинг фикран нотўғри эканлигига қаратишимиз керак ёки аксинча, уларни тенглаштириш керак. «Ҳуқуқ функцияси» тушунчаси айтиш билан бир вақтда ҳуқуқ йўналишини ҳам, унинг шу йўналишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларга таъсирини ҳам қамраб олиши керак. Ҳуқуқ функцияларидан биронтасининг маъносини очаётган пайтда, ҳуқуқнинг мақсади билан унинг таъсир этиш йўналишининг боғлиқлиги ва шу билан бирга, кейингисининг ҳуқуқнинг мақсадига тобе эканлигини доимо назарда тутиш шарт. Ҳуқуқ функцияси — бу унинг социал мақсадининг амалга ошишидир.

Ҳуқуқнинг социал мақсади ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларидан шаклланади, ташкил топади; у ҳуқуқни назорат қилувчи акт сингари ўз аксини топган шу эҳтиёжларнинг «давоми» демакдир. Жамиятнинг эҳтиёжлари билан мувофиқ ҳолда маълум муносабатларни кўриқлашга қаратилган ҳуқуқлар яратилади. Ўзининг ижтимоий ўрнига мувофиқ — мустақамлаш, ҳимоя қилиш ёки маълум ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини тартибга солиш каби зарур эҳтиёжларда ҳуқуқнинг юқорида айтилган мақсади яққол намоён бўлади.

Ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишида уларнинг бир тизимлилиги, динамизми жамиятнинг ривожланиши ва ишлаб туриши учун зарур шарт-шароитдир. Шунинг учун ҳуқуқнинг социал мақсади ижтимоий муносабатларни тўғри

йўлга солиб туришдан, унга керакли даражада мустаҳкамлик, яқдиллик ва жадал суръат беришдан, содда қилиб айтганда, жамиятнинг бир меърада ривожланиши учун керак бўлган шароитларни яратишдан ташкил топган.

«Хуқуқ функцияси» тушунчасини очиш жараёнида «хуқуқий таъсир этиш» ва «хуқуқий тартибга солиш» категорияларининг узаро муносабатларига аҳамият бериш керак. **Хуқуқий тартибга солиш** — бу хуқуқ воситалари тизимлари (юридик нормалар, индивидуал кўргазмалар ва бошқалар) ёрдамида ижтимоий муносабатларга таъсир этишдир. Хуқуқий тартибга солиш билан бир қаторда турган хуқуқий таъсир этиш шакллари ҳам унга киритилади. Хуқуқий таъсир этиш турли хил шаклларининг мавжудлиги юридик бўлмаган ва юридик бўлган хуқуқий таъсир этишнинг орасидаги фарқни яққол ажратишга ёрдам беради. Хуқуқ функцияси тушунчасига, албатта, юқорида айтилган таъсир этиш турларининг иккиси ҳам киради. Бу ўринда хуқуқ функциясини унинг ўзига хос ҳолатларининг намоён бўлиши дейиш мумкин.

## **2-§. Хуқуқ функциясининг белгилари ва хусусиятлари**

Функцияда хуқуқнинг белгилари жамланади, сифат жиҳатдан мустаҳкам ва фақат хуқуққа эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг норматив бўлган бошқа ҳолатларига ҳам тўғри келган. Социал мақсали билан ижтимоий муносабатларга таъсир этишга қаратилган хуқуқ функцияларининг белгиларини кўрсатиб ўтамиз.

*Биринчидан*, хуқуқ функцияси жамиятда хуқуқнинг мақсали билан белгиланади. Функция —

ҳуқуқ мавжудлигининг ижтимоий муносабатлардаги намоён бўлишидир. Шу билан бир вақтда, мавжудлик ҳуқуқ доимий хусусиятларининг кўрсаткичи бўлиб, функциялар уларга утмайди ва уларнинг оддий «сояси» бўла олмайди. Ҳуқуқнинг мавжудлигини ва функцияларини механик тарзда бир-бирига боғлаш мумкин эмас. Ҳар бир ҳодиса борлиққа боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил равишда мавжуд бўлгани каби, ҳуқуқ функцияси ҳам борлиққа боғлиқ бўлмаган ҳолда маълум мустақил кўрсаткичга эгадир.

*Иккинчидан*, функциянинг асосий ва аниқ белгиларини янада яққол тушунтириб беради ва айнан шу босқичда ҳуқуқнинг олдида турган вазифаларини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлади.

*Учинчидан*, ҳуқуқ функцияси ижтимоий муносабатларнинг маълум турини тартибга солувчининг фаол ҳаракатининг йўналишини кўрсатади. Шунинг учун динамизм, ҳаракат ва фаолият ҳуқуқ функциясининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Гёте айтганидек: «Функция — бизнинг ҳаётимиздаги ҳаракатда яшаш демакдир». Лекин функция динамизми унда мустаҳкамлик, мустақиллик, қатъийлик ва мақсадни кўзлаб ҳаракатланиши йўқлигини билдирмайди.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ функцияси ўзининг доимийлиги билан ажралиб туради ва бу унинг ҳаракати узлуксиз, давомли эканини билдиради. Ҳуқуқ функцияси ривожланишининг маълум босқичида доимо ҳуқуққа ёндашган ҳолда бўлгандагина, унинг доимийлик характери ҳақида гапириш мумкин. Лекин бу (амалиёт эҳтиёжлари билан биргаликда ўзгарадиган ва ривожланадиган) унинг механизми ва шаклларининг рўёбга чиқарилиши ўзгаришсиз қолишини англатмайди.

«Хуқуқ функцияси» тушунчаси талқинида унинг ўзига ўхшаш юридик тушунчалар билан ўртасидаги фарқни кўрсатиш мумкин. «Хуқуқнинг ўрни», «хуқуқнинг вазифаси», «хуқуқнинг амал қилиши» каби тушунчалар билан «хуқуқ функцияси» тушунчаси боғлиқ бўлса-да, фарқлари ҳам мавжуд.

«Хуқуқнинг ўрни» тушунчаси хуқуқнинг ижтимоий ҳаётда, давлатда ва умуман олганда, улар ривожланишининг маълум бир босқичда тутган ўрнини кўрсатади. Хуқуқ ривожланишининг у ёки бу босқичида, у ёки бу масалаларни ечишда тутган ўрни ҳақидаги саволга жавоб бераётиб, хуқуқнинг социал мавқеини характерлаб бераётган функцияларнинг хуқуқий яратилишини англаб олиш керак.

«Хуқуқнинг роли» — «функция» тушунчасига нисбатан анча умумийроқ тушунчадир.

«Хуқуқ вазифаси» тушунчаси, келажакда ва ҳозирги кунда бажарилиши керак бўлган ва бажаришга даъват этилган, хуқуқ олдида турган социал эҳтиёжни билдиради. Бу ўринда хуқуқнинг вазифаси билан унинг мақсади бир-бирига тўғри келади, чунки унинг амалга ошишига қараганда ривожланиши тезроқ кечади ва шунинг учун хуқуққа нисбатан объектив хусусиятга эгадир. Хуқуқнинг вазифаси энг яқин ва якунловчи мақсадни кўрсатади. Шу мақсадга стишишига у бутунлай ёрдам бериши керак ёки ўзи мустақил тарзда унга эришади. Функциялар ёрдамсиз хуқуқ олдида турган вазифаларнинг биронтаси ҳам ҳал этилмайди. Шунинг учун вазифалар, ўзига хос бўлган ва муносиб келган функцияларни келтириб чиқаради.

Лекин уларнинг ўзаро муносабати старли даражада бир маънода эмас. Ҳамма гап шундаки, вазифа ўзича хуқуқ функциясининг бошқача негизи бўла олмайди. У жамиятнинг иқтисодий ва

сиёсий негизларидан келиб чиқади ва давлат билан ҳуқуқ ривожланишининг қонуниятига мувофиқлиги, жамият ривожланишининг айрим босқичлари ижтимоий-иқтисодий шароитининг хусусиятлари, давлат ва ҳуқуқ, тарихий шароит, сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатлари, миллий омиллар ва бошқалар билан белгиланади.

Ҳуқуқ функцияси ўзининг вазифаларига тобе эканлиги қўйидаги ҳолларда намоён бўлади:

*биринчидан*, функцияларнинг ривожланишини вазифаларнинг ўзи шарт қилиб қўяди;

*иккинчидан*, уларнинг маъносини белгилайди;

*учинчидан*, уларни амалга ошириш усуллари ва шакллари (бу ерда ҳуқуқий таъсирнинг муайян йўллари тушунилади) муҳим йўллар билан таъсир қилади.

«Ҳуқуқ функцияси» ва «ҳуқуқнинг амал қилиши» тушунчалари кўп ҳолларда синонимлар тариқасида ишлатилади, аммо улар бироз фарқ қиладиган ҳуқуқий ҳолатларни акс эттиради. «Ҳуқуқнинг амал қилиши» термини социал тизимдаги ҳуқуқ ҳаракатини тавсифлаб беради. Ҳуқуқнинг амал қилиш жараёни ҳақида тавсиф бериш унинг ҳаракати давомидаги услубларни кўрсатиб бериш демакдир. Ҳуқуқ функцияси, умумлашма маънода фақат шу ҳолатда келадикки, қачонки ҳуқуқ бугунги кунни ва келажакни, «амал қилиш жараёни» эса ҳуқуқнинг ҳозирги даврдаги ҳаракатини акс эттиради. Ҳуқуқнинг амал қилиш жараёни масаласи бевосита функциялар масаласи билан боғлиқ бўлса ҳам, функциялар системаларининг хусусияти, аслида ҳуқуқ ҳаракат қилиш жараёнининг тавсифидир. Аниқроқ айтганда, «ҳуқуқнинг амал қилиш жараёни» тушунчаси билан ҳуқуқ амал қилишининг дав-

лат механизми, сиёсати, ахлоқи бошқа тартибга солувчи воситалар билан бир қаторда ва ёнма-ён турувчи социал тизимнинг қисми каби ифодаланadi. Бошқача айтганда, амал қилиш жараёни — бу ҳуқуқнинг социал тизимдаги ҳаракати, унинг функцияларини амалга ошириш, уларни ижтимоий муносабатларда тавдалантиришдир.

### 3-§. Ҳуқуқ функцияси тизими

Ҳуқуқни тизим тарзида ўрганиш ҳуқуқни бир бутун ҳолатда тизимли тарзда кўриб чиқишга кўмаклашади. Ҳуқуқ функциясини худди бир бутун тизим тарзида таҳлил қилиш функциянинг айримларини ўрганишда билимларимизни гуруҳларга ажратиш, тартибга солиш, шундай билимларнинг кўпайишини таъминлашга шароит яратиши билан бирга, ҳар бир функциянинг маъносини чуқурроқ, тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

Ҳуқуқ функцияси тизими мураккаб, кўп қиррали, маълум йўсиндаги динамик ташкил бўлишдир. Унинг ташкил топишида умумижтимоий ҳуқуқ функциясини негиз сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир, чунки у бир тизимни (ҳуқуқни) бошқасига, яна ҳам тенгроқ тизимга (жамият) ўтиш тартибини кўрсатади.

Тизимли ёндашиш жамиятнинг ташкил этишининг бир бутунлиги сифатида (системали ҳам), кўпшоғонали мураккаб таркибга эга бўлган, ўзини ўзи тартибга солиш асосида фаолият кўрсатаётган ва ички қарама-қаршиликларни ҳал этиш орқали ривожланаётган жамият сифатида кўриб чиқишга ундайди. Ҳуқуқ, жамият тизими ортида маҳсуе ҳолат тариқасида келиб, ҳуқуқ тизими орқали ривожланаётган жамият фаолиятининг шарт

қилиб қўйган функциялар айрим тизимларининг амалга оширилиши натижасида, ижтимоий муносабатга керакли йўналишда таъсир этишини таъминлайди. Ҳуқуқий тизимчалар ташкил топган қисмлар билан мувофиқ ҳолда, ҳуқуқ функцияси тизимини битта гуруҳга бўлишга шароит яратади: умумҳуқуқий (ҳуқуқнинг барча томонларига тааллуқли), тармоқлараро икки ва ундан ортигига, лекин ҳуқуқнинг ҳамма тармоқларига тааллуқли эмас; маълум тармоқларига (ҳуқуқнинг муайян битта соҳасига тааллуқли ҳуқуқ институтлари функциялари) муайян ҳуқуқ институтига тааллуқли, ҳуқуқ нормаларининг функциялари ҳуқуқ нормасининг муайян турига тааллуқли.

Турли даражадаги ҳуқуқ функцияларининг муносабатлари ҳақидаги масала муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳуқуқ тизимининг таркибий унсурларига хос бўлган функциялар, ҳуқуқ тизимида берилган элементлар йўналишини ҳуқуқий тартибга солувчининг предмети ва услуби билан белгиланадиган барча хусусиятлардир. У ёки бу умумҳуқуқий функция катта ёки кичик миқдорда ўзидан паст даражадаги функциялар билан муайянлаштирилиши мумкин. Бу нарса, биринчидан, умумҳуқуқий функциянинг характерига ва иккинчидан, соҳа, институт, ҳуқуқ нормалари вазифалари ўрнини белгилашга боғлиқдир. Масалан, жиноят ҳуқуқи функциялари ер ва оила ҳуқуқи функцияларига нисбатан умумҳуқуқий назорат функциясини кўпроқ муайянлаштиради.

Яна шуни эсда тутиш керакки, ҳуқуқнинг умумҳуқуқий функциялари, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатга таъсир этиш йўлларини ва аниқ турли шаклларининг ҳаммасини қамраб ололмайди. Бунга фақат ҳуқуқ функцияларининг бошқа гу-

руҳлари маъносининг таҳлили билан биргалик-дагина эришиш мумкин.

Умумҳуқуқий функциялар табақалашганлигининг мезонини икки гуруҳга ажратса бўлади. Улар ички (ҳуқуқ ичида жойлашган) ва ташқи (ҳуқуқ ташқарисида жойлашган) бўлади. Ҳуқуқ функциялари классификациясининг ички мезонлари асослари унинг одамлар хатти-ҳаракатига таъсир этиш йўлларидан, амалга ошиш шакллариининг хусусиятларидан, ҳуқуқий тизимларидан келиб чиқади.

Ҳуқуқ функциялари билан ҳуқуқий материянинг ўзаро ажратиб бўлмайдиган алоқаси, хусусан, юридик функцияларнинг фаолиятини шарт қилиб қўяди. Булар тартибга солувчи ва назорат қилувчи функциялардир. Буларнинг иккови ҳам — ҳуқуқнинг ўзига хос, мустақил ташкил топиши каби тавсифловчи ҳуқуқ функциясининг ички функциялари ҳисобланади. Яна шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса каби фаолияти бу функцияларни рўёбга чиқаришнинг айнан кераклиги билан белгиланган.

Ҳуқуқ функциялари классификациясининг ташқи объектив мезони бўлиб, ҳуқуқ йўналишини аниқловчи ижтимоий муносабатларнинг турли хиллари намоян бўлади; жамият-мураккаб бир бутун сифатда ижтимоий муносабатларнинг аниқ соҳаси ва типларига бўлинади. Яна ҳам аниқроқ деталларга ажратган ҳолда учта асосий соҳа ёки тизимларни кўрсатиш мумкин. Булар — иқтисодий, сиёсий ва маънавий. Мана шу соҳалар билан мувофиқ ҳолда учта функция ажралиб чиқади: иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий. Бу ҳуқуқ функцияларини — ижтимоий функциялар деб номласа бўлади.

Ҳуқуқнинг ижтимоий функцияларини энг умумий кўринишда, ижтимоий ҳаётнинг тегишли

соҳаларига ҳуқуқий таъсир этишининг йўналиши каби белгилаш мумкин. Шу тариқада иқтисодий функция ўзининг иқтисодий соҳага, сиёсийси — сиёсатга, тарбиявийси — маънавий ҳаётга бўлган ҳуқуқий таъсирини намоён этади. Шу йўсинда, ижтимоий функциялар — ҳуқуқнинг ўзига хос салоҳияти. Бундай тартибга солувчи ва назорат қилувчи функциялар якка-якка ҳолда, аммо социал муносабатларнинг бир турдаги соҳасида боғланади. Шунинг учун, ҳуқуқнинг соф юридик функцияларини алоҳида кўриб чиқиш зарур.

Ҳуқуқ функцияларининг тизимларини кўриб чиқишни яқунлар эканмиз, унга худди, тугалланган, ривожланмайдиган илм тариқасида қарамаслик лозим. Давлат ва жамиятнинг табиатга бўлган ваҳшийларча муносабати ҳозирги кунда экологик масалаларнинг жуда ҳам кескинлашувига олиб келди ва цивилизацияни хавф остига қўйди. Бу шароитда ижтимоий муносабатлар тизимида жуда муҳим ва мустақил ўринни экология соҳаси эгаллади ва бир гуруҳ олимлар ҳуқуқнинг экологик функцияси мавжуд бўлишини асослаб чиқдилар.

Бу ерда умумий қоида шундай: агар ижтимоий ҳаёт соҳасининг у ёки бу томони умуммаъноли, асосий бўлса, ҳуқуқнинг барча тармоқлари нормалари билан у ёки бу тарзда тартибга солиб турилади ёки шунга мос ижтимоий умумҳуқуқий функциянинг фаолияти ҳақидаги масалани кун тартибига қўйиш мақсадга мувофиқдир.

#### **4-§. Ҳуқуқнинг юридик функциялари тавсифи**

Ҳуқуқ функцияси тизимида бош ва белгиловчи ўринни регулятив функция эгаллайди. Норматив ёки ҳуқуқни татбиқ этиш актлар шаклида

ҳуқуқ тасвирланадими, умумий ёки муайян ҳуқуқбузарликларда рўёбга чиқадими, ҳуқуқий мақомни ўрнатадими, фуқароларнинг ҳуқуқ субъекти эканликларини, юридик шахслар ва давлат органлари ваколатларини белгилайдими — мана шу шаклларнинг ҳаммасида унинг асосий ижтимоий йўналиши бўлиши ижтимоий муносабатларни тартибга солиш вазифаси кўриниб туради. Бу функциянинг хусусиятлари авваламбор ўзини тутишнинг ижобий қоидалари ўрнатилишидан, ижтимоий муносабатларни уюштиришдан, яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлган нормалар асосидаги социал ўзаро боғлиқликдаги уйғунлашувдан иборат. Регулятив функция ҳақида гапирилганда ҳуқуқнинг ёзма буйруқ бериш, унинг субъектларига ҳуқуқ атвор вариантларини кўрсатиш, муайян социал функциялар тартибга солинишида тулган ўрнига ўхшаб, аниқ ижтимоий соҳага боғлиқ бўлмаган ҳолда эркинлигига таъсир этиш имконияти назарда тутилади.

Ҳуқуқий назорат функцияси. ҳуқуқбузарлик содир этилгандагина намоён бўлар экан, деб қарамаслик керак. Гап шундаки, бу функциянинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, ҳуқуқ нормалари бузилишининг олдини олишдан иборат. Ҳуқуқ субъектлари унинг фармойишларига қанчалик қўй итоат этган, унинг ман қилишга оид шартларини бажарган бўлса, ҳуқуқни назорат функциясининг таъсирчанлиги ҳам шунча баланд бўлади. Тақиқлаш ёки санкция ўрнатиш факти айрим шахсларга жиддий таъсир кўрсатади, уларни жазо бериладиган ҳаракатларни содир этишдан тийишга ундайди. Бу шуни кўрсатадики, ҳуқуқнинг таъсир этиш мақсадларидан бирига эришилади — муайян ижтимоий муносабатлар назорат қилинади.

Ҳуқуқий назорат функцияси билан регулятив функциянинг таққослаб бўлмайдиган ҳолатлари мавжуд. Булардан *биринчиси* — салбий (жавобгарликни ўзида мужассамлаштирган тақиқлар, санкциялар), *иккинчиси* эса — ижобий, чунки ҳуқуқ субъектларининг ижобий ҳаракатларини мувофиқлаштириб туришга қаратилган. Бу функцияларнинг иккаласи ҳам ўзича ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифани бажаради.

Ҳуқуқий назорат функциясининг хусусияти қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, ҳуқуқ уларнинг эркинлигини санкциялар, тақиқ ўрнатиш ва юридик муносабатларни амалга ошириш билан кўрқитишда ўз ифодасини топган, кишилар ҳатти-ҳаракатига таъсир этишининг ўзига хос усуллари тариқасида тавсифланади,

*иккинчидан*, ҳуқуқий буйруқлар орқали давлат назоратига қайси ижтимоий қадриятлар олингани ҳақида, ижтимоий муносабатлар субъектларига ахборот берувчи бўлиб хизмат қилади;

*учинчидан*, ҳуқуқда ўрин тутган инсонпарварликнинг бошланишини, жамиятнинг маданий ва сиёсий даражасини кўрсатувчи бўлиб келади. Назорат этишининг турлари қўн ҳолларда жамиятнинг ривожига ва унинг сиёсий моҳиятига боғлиқ.

Ҳуқуқ назорат функцияларининг ўзига хос томонлари, уни давлатнинг ҳуқуқий назорат фаолияти билан солиштирганимизда, яна ҳам аниқроқ кўринади. Ҳуқуқий назорат фаолиятининг умумий йўналиши ҳуқуқ субъектлари билан қонун талабларини, яъни қонунчилик тартибига амал қилиш, унинг ижросини сўзсиз таъминлашга бориб тақалади. Бунга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш билан эришилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг назорат функцияси — ҳуқуқнинг ўз ҳаракати бўлиб, давлатнинг ҳуқуқий назорат фаолияти эса, *биринчидан*, ҳуқуқ шартлари бажарилишининг моддий кафолатидир, чунки бу ҳуқуқ назорати бўйича махсус муассасаларнинг (суд, прокуратура, адлия) ҳаракатлари амалга оширилади. *Иккинчидан*, бу ҳуқуқнинг ўз ҳаракати эмас, балки унга нисбатан ташқи фактларнинг муносабатидир. *Учинчидан*, назорат функцияси ижтимоий муносабатларнинг назоратига, ҳуқуқий назорат фаолияти эса — ҳуқуқнинг назоратига қаратилган.

### **5-§. Ҳуқуқ функциясини амалга ошириш шакллари**

Ҳуқуқ ўзини-ўзи тартибга солишнинг аниқ даражасига эга бўлса ҳам, лекин шу билан бирга, ўзининг ҳамма жараёнларини мустақил тартибга солиш учун керак бўлган алоҳида вазиятни эгаллаб ололмайди ва унга эришолмайди. Шунинг ўзидан ҳуқуқ функциялари ташқаридан амалга ошириш механизмига эга деган хулоса чиқарса бўлади. У ҳуқуқ субъектларининг барчасидан ташкил топади (фуқаролар, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, давлат органлари ва бошқалар).

Ҳуқуқ функциялари қайси шаклларда амалга оширилади? Юқориде айтилган, ҳуқуқ функцияси бу ахборот, йўналтирувчи ва ҳуқуқий тартибга солиш шаклларида бажарилувчи ҳуқуқий таъсир этишдир. Мана шу шакллар билан мувофиқ ҳолда, ҳуқуқ функцияларини амалга оширишнинг учта шакли ажратиб кўрсатилади: ахборот, йўналтирувчи, ҳуқуқий тартибга солиш.

Ҳуқуқ функцияларини амалга оширишнинг ахборот шакли кишиларининг хатти-ҳаракатига та-

адлуқни бўлган давлатнинг шартларини жойларга отказиш, со дарақ қилиб айтганда, давлат томонидан руҳанг эти талган ва маъқулланадиган ижтимоий имкониятлар, объектлар, жамиятнинг фойдаси мақсадга эришиш усуллари ва воситаларининг қайсилари жамиятда мавжуд эканлигини ва аксинча, қайсилари фуқаролар, давлат ва жамиятнинг қизиқишларига зид келишини уларга отказишдан ташкил топган.

Фуқароларга ҳуқуқ нормаларининг мазмуни ҳақида маълумот отказувчи манбалар турли хил яъни оммага маълумот отказиш воситалари, юридик маслаҳатхоналар, адвокатлар, юридик соҳадаги бошқа шахелар, дўстлар, танишлар, қариндош-уруғ, оммабоп юридик адабиётлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ функцияларини амалга ошириш шакли каби ҳуқуқий маълумотга эга бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга. Аммо, бугунги кунда унинг даражаси жамият ривожланишининг эҳтиёжидан анча орқада. Бу вазият қонунларнинг жадал равишда янгилалиши вақтида муҳимдир. Шунинг учун фуқаролар, амалдаги қонунлар, ундаги ўзгаришлар, қўшимчалар янги қонунлар ва бошқалар ҳақида ҳуқуқий маълумот олишга объектив эҳтиёж сезади. Ягона умумдавлат дастурига ўхшаган, аҳолининг барча қатламларини, марказ ва жойларида барча кадрларни қамраб оладиган умумий ҳуқуқий таълим вазифаси кун тартибига қўйилганини тасовифий эмас.

Ҳуқуқ функциясини амалга оширишининг келиши шаклидан яна бири *йўналтирувчи таъсир этидир*. Буни шуандаки, ҳуқуқ нормаларини билсин билан тасовифланиш эмас. Йўналтирувчи ҳуқуқий таъсир олишининг натижаси бўлган по-

зитив ҳуқуқий нормани фуқароларда ривожлантиришни билиш ҳам муҳимдир.

Йўналтирувчи ҳуқуқий таъсир ҳуқуқ ўрнатишларнинг йиғиндисидан ташкил топади ва ўзини икки умумий жараён тариқасида намоён қилади. У, бир томондан, ўрнатишнинг шаклланиши ва иккинчи томондан, фуқароларнинг ҳуқуқий хулқ-атвориға уларнинг таъсир этиши ҳуқуқни ўрнатишда ижобий (ҳуқуқий ҳаракатга, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигига ундайдиган) ва салбий (ҳуқуққа зид бўлган ҳаракатга ундаш) турларга ажратилади. Ҳуқуқ ўрнатишнинг мана шу мавжуд икки гуруҳи ҳуқуқий ориентациянинг икки тури билан чамбарчас боғланган. Демак, ҳуқуқий ҳаракатга ундайдиган кўргазмалар ижобий ҳуқуқий ориентацияни; ҳуқуққа зид бўлган ҳаракатга ундайдиган кўргазмалар эса, негатив ҳуқуқий ориентацияни яратади. Йўналтирувчи ҳуқуқий таъсирнинг вазифаси позитив ҳуқуқий ориентирларини шакллантиришдир.

Ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий таъсир этиш тизимида марказий ўринни эгаллайди, чунки у ҳуқуқнинг ўзига хос, бевосита юридик таъсир этиш механизмини яратадиган ҳуқуқий воситаларнинг алоҳида тизими ёрдамида рўёбга чиқади. Мана шу шаклдан чиқмаган ҳолда ҳуқуқ функциясининг амалга ошишини тартибга солиш самарадорлигининг шарт-шароити ҳуқуқий тартибга солиш жараёни, тартибга солишнинг ижтимоий натижалари каби муҳим вазиятларнинг аниқланишидан ташкил топади.

Ҳуқуқ функциясига берилган бу тавеиф, дарҳақиқат, бундай муҳим ва мураккаб масаланинг хилма-хил томонларини қамраб олмаган.

*Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилidir»<sup>1</sup>.*

**И. А. КАРИМОВ**

## **26-боб. ҲУҚУҚ ТИЗИМИ**

- 1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси.*
- 2-§. Ҳуқуқ тизимининг тузилиши.*
- 3-§. Асосий ҳуқуқ соҳаларининг тавсифи.*
- 4-§. Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими.*
- 5-§. Ўзбекистон ҳуқуқ тизими.*

### **1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси**

Тизим ибораси муҳим тушунча бўлиб, ундан инсоният билимининг турли соҳаларида фойдаланилади. Фалсафий нуқтаи назардан бу туркум (категория) атроф-муҳитдан ўзига хос тарзда ажратилган бўлиб, ички изчиллик, ўзаро алоқадорлик ёки муносабатларнинг бир бутунлигини қамраб олади.

Бинобарин, ҳуқуқ тизими тўғрисидаги масала ҳуқуқнинг таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари — Т. Ўзбекистон, 1997, 173-бет.*

алоқадорлиги, ривожланиш жараёнини ташкил этиш усуллари тўғрисидаги масаладир. Бошқача айтганда, ҳуқуқ тизимини илмий ўрганиш, унинг ташкилий тузилишини очиб бериш, тузилиши ва ривожланиши тамойилларини кўрсатиб бериш демакдир.

Конституциявий ҳуқуқнинг, умуман, барча ҳуқуқ соҳаларининг тузилиши ва ривожланиши, оқибатда ижтимоий муносабатларнинг тизими билан белгиланган бўлиб, жамиятнинг ривожланиш босқичларига мувофиқ ташкил этилади. Ҳуқуқ тизими эркин, ўзича ташкил бўлмай, балки объектив воқелик сифатида қонуний аниқ тарихий-ижтимоий муносабатлар тизими ҳолати билан узвий боғлиқ бўлади.

Агар ҳуқуқнинг ички ўзаро алоқадорлиги, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлса, у ҳолда қонун чиқарувчи ўзи истаганча ҳуқуқий қоидаларни чиқара олмайдилар.

Ҳуқуқ тизимининг реал мазмунини ҳуқуқ институти ва ҳуқуқ тармоғига бирлашган ҳуқуқий қоидалар ташкил этади. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ институти ва ҳуқуқ тармоқлари ҳуқуқ тизимининг асосий элементлари ҳисобланади. Натижада, ҳуқуқий тизим асосан икки омил таъсири остида ривожланади ва такомиллашади. *У биринчидан*, ижтимоий муносабатларнинг турли қирраларини, энг аввало, иқтисодий муносабатларни ифодаловчи жамият ижтимоий эҳтиёжи бўлса, *иккинчидан*, қонун чиқарувчининг фаолияти, яъни ижтимоий турмуш талаблари билан мувофиқ келадиган ҳуқуқий (нормаларни) қоидаларни яратадиган идораларнинг ҳуқуқий ижодкорлик фаолиятидир.

Бинобарин, ҳуқуқ нормаси, институти ва соҳасида ўзгариш бўлиши ҳуқуқ тизими ривожланишининг реал кўриниши бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқ тизимининг тушунчасини қонунчилик тизимининг тушунчаси билан аралаштириб юбормаслик керак. Қонунчилик тизими юридик, норма шаклининг ифодаси ҳисобланган қонунлар ва қонунга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг йигиндисини ўзида ифода этади.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳуқуқий нормалари ўзида чақириқлар, декларациялар, таърифлар, ҳуқуқий ҳужжатни чиқаришнинг мақсади ва сабабини ҳам ифода этади.

Ҳуқуқ тизими, унинг ҳуқуқ тармоқлари ва институтларга бўлинган ички тузилиши билан тавсифланса, қонунчилик тизими ҳуқуқнинг ташқи шакли ифодаси сифатида, унинг манба ҳолатига тааллуқли бўлади.

Бу фарқ объектив характерга эга бўлиб, қонунларнинг тармоғи, *биринчидан*, ҳуқуқ тармоғи билан бир-бирига тўғри келмайди, *иккинчидан*, ҳуқуқ тизимининг ташкил бўлиш тамойилларидан фарқланиб, у ўзининг асосий тамойилларига мувофиқ тизимни ифода этади.

Қонунчилик тармоғи тузилишининг асоси сифатида ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этин тамойилларининг кўпроқ самарадорлиги олинади. Шунга мувофиқ амалий мезон сифатида қонунларни тизимга солиш амалга оширилади.

Шундай қилиб, **ҳуқуқ тизими** — *ижтимоий муносабатларнинг тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши билан объектив боғланган, ҳуқуқий нормаларнинг изчил тарзда жойлаштирилишининг ифодасидир.*

Ҳуқуқ тизимининг объектив хусусиятига нисбатан тасаввур, инсоният онгига, фаолиятига боғлиқ бўлмай, ҳуқуқ фанида 1940 йилдан бошлаб вужудга келди ва деярли 1980 йилларгача ҳукмронлик қилди.

Ҳуқуқ тизими билан қонунчилик тизими тушунчаларини кўриб чиқишда, ҳуқуқий жамиятдаги воқелик ва юридик фан тушунчаларида уларнинг бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиш, қонун ишлаб чиқарувчининг ҳуқуқ тизимини шакллантиришдаги ролини камситиш асло кўзда тутилмаган. Бироқ, уларнинг ҳар иккаласини бир хил, ўхшаш деб ҳисоблаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Баён қилинган асослардан ташқари бу тушунчаларни фарқлашнинг фойдаси қонунчилик тизимини ташкилий бошқаришда, қонун чиқарувчининг фаоллигига қараганда, ҳуқуқ тизимининг ташкил бўлиш омиллари кўп қиррали эканлигини эсга олишни тақозо этади.

Ҳуқуқ тизими тушунчасини, ҳуқуқий тизим тушунчасидан фарқлаш зарур. Бу ерда фақат шуни эслаб ўтиш kifояки, ҳуқуқ тизимига қараганда ҳуқуқий тизим — кенгроқ тушунчадир.

## 2-§. Ҳуқуқ тизимининг тузилиши

Ҳуқуқ тизими тузилишининг ички унсурлари сифатида, юқорида айтиб ўтилганидек, алоҳида ҳуқуқ нормалари, институтлари ва тармоқлари қатнашади. **Ҳуқуқ соҳаси** — ижтимоий муносабатларнинг бир хил гуруҳини батафсил тартибга солиб турувчи ўзига хос юридик нормалар мажмуидир.

Бошқача айтганда, бу объектив равишда ягона ҳуқуқ тизимида ташкил топган, ўхшаш ижтимоий муносабатларни аниқ тамойиллар ва мах-

сус усуллар асосида батафсил, тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар ва институтларнинг алоҳида ажратилган ички гуруҳи сифатидаги қисмидир. Шу боис, у мустақилликка ва барқарорликка эга бўлади.

Одатда, ҳуқуқ соҳасига аниқ юридик бир бутунлик мажмуини ифодаловчи ҳуқуқий нормалар кирази, яъни мазкур ҳуқуқий нормалар гуруҳи бошқа барча ҳуқуқ соҳалари олдида худди «ажралмайдиган», ягонадек ҳаракат қилади.

Ҳуқуқ соҳасининг махсус белгиси бўлиб шундай ҳолатлар ҳисобланадики, мазкур ҳуқуқий нормалар гуруҳи ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ягона тизимнинг элементи сифатида ўзаро ҳаракатда бўлади.

Бундай турдаги ўзаро ҳаракат масалан, жиноят ва жиноят процесси ҳуқуқининг ўзаро нормаларида кузатилади, чунки, жиноят процесси нормалари моддий ҳуқуқнинг яшаш шакли ҳисобланиб, жиноят ҳуқуқининг татбиқ этилиш жараёнига хизмат қилади.

Ҳуқуқ соҳасининг бир бутунлиги ва унинг бошқа тармоқлар билан ўзаро ҳамкорликда бўлиш лаёқати унинг муҳим ташкилий функциясига оид белгисидир. Шу билан бир вақтда кўрсатилган белги яна бир тармоқни иккинчисидан ажратишга олиб келадиган асосий мезон бўлиб ҳисобланмайди. Ҳуқуқ тизими тузилишининг тамойиллари ёки асосий мезони ҳуқуқ соҳаларини чегараловчи сифатида ҳуқуқий тартибга солишнинг услуби ва предмети ҳисобланади.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети, ҳуқуқий нормалар гуруҳининг бошқариладиган объекти сифатида иштирок этадиган, ижтимоий муносабатларнинг сифати, ўхшаш жиҳатидан гуруҳини

тушуниш лозим. Худди шундай, маъмурий ҳуқуқ ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус предмети бўлиб, бошқариш фаолиятининг амалга оширилиши жараёнидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғи ўзининг махсус ҳуқуқий тартибга солиш предметиға эга.

Ҳуқуқ тизимининг алоҳида тармоғи ўз навбатида, ҳуқуқ институтлари деб аталадиган бирмунча кичик бўлимларға бўлинади. **Ҳуқуқ институти** — ўхшаш муносабатларни батафсил тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий нормалар гуруҳидир. Ҳуқуқ институтиға фуқаролик ҳуқуқининг бир гуруҳ нормалари, мулк эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи ёки муаллифлик ҳуқуқи, ворислик, конституциявий ҳуқуқ соҳасида сайлов ҳуқуқи институти ва ҳоказолар мисол бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқ институтлари соҳалар ва соҳалараро (комплекс) бўлиши мумкин. Соҳалар бўйича институт ўзида бир соҳа ичидаги ҳуқуқий нормалар гуруҳини мужассамлаштиради, бунга мисол сифатида фуқаролик ҳуқуқи институтини келтириш мумкин.

Бироқ айрим ҳуқуқий институтлар ўзига бир неча ҳуқуқ соҳаларига тегишли бўлган ҳуқуқий нормаларни бирлаштиради. Масалан, сайлов ҳуқуқи институти ўзига жиноят, маъмурий ва конституциявий ҳуқуққа оид нормаларни мужассамлаштирган. Шу муносабат билан ҳуқуқнинг умумий тизимида алоҳида институтларнинг ривожланиши аҳамияти жиҳатидан уларнинг имкониятиға қараб озми кўпми мустақил соҳалари кенгайишидан келиб чиқади. Бундай ҳолатларға ҳозир, масалан, муаллифлик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва бошқалар эга.

Ҳуқуқнинг тизимини тасаввур этишда жуда муҳим бўлган бир неча тарихий илмий мунозараларни эслаб ўтиш лозим. Ана шундай илмий мунозаралардан бири 1938—1940 йилларда ўтказилган бўлиб, илмий фикрларни асосан, ҳуқуқ тизимининг соҳаларга бўлинишининг энг муҳим (мунозара иштирокчиларидан баъзиларининг фикрича — ягона) мезони деб унинг предметига қаратганлар. Натижада, юридик адабиётларда ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўзича ҳуқуқ соҳасининг айримларини тавсифлашда етарли эмас, деган фикр билдирилган. Шунга кўра, баъшарти айтилган фикрлар нуқтаи назаридан, ҳуқуқ соҳасини тартибга солиш предметининг ўзига хос ягона белгиси деб ҳисобласак, унда саноқсиз кўп сонли ҳуқуқ соҳаси вужудга келади. Ҳар бир ҳуқуқий қоида гуруҳи озми, кўпми алоҳида ажратилган бўлиб, мустақил соҳа сифатида ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Аста-секин шундай ишонч шаклландики, ҳуқуқ соҳасини тартибга солишда унинг предметдан ташқари яна ижтимоий муносабатларга таъсир этадиган, ўзига хос ажралиб турадиган воситаларини, яъни ҳуқуқий тартибга солиш усулини, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳасига таъсир этиш усуллари мажмуини ҳам тушуна бошланди. Ҳозир юридик адабиётларда шундай нуқтаи назар устунлик қиладики, унга мувофиқ ҳуқуқ тизимини соҳаларга ажратишда икки асосий тамойил: ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети ва усули (методи) асос бўлиб ҳисобланади.

XX асрнинг 80-йиларида илмий мунозара иштирокчиларининг чиқишларида диққат эътибор яннидан яна ҳуқуқ соҳаларини ажратишнинг бош

мезони сифатида ҳуқуқий тартибга солишнинг усули ва предметига, шунингдек, махсус ҳуқуқий тартибни ташкил этиш, соҳаларни бошқариш механизмига қаратилди.

Мунозаранинг қисман илмий янгилиги шундан иборат эдики, бунда кўпчилик олимлар ўзларининг, чиқишларида қонунчилик тизими ва ҳуқуқ тизимининг ўзаро нисбати тўғрисида мавжуд бўлган тушунчаларни бир қадар қайта кўриб чиқишга чақирдилар. Мунозара иштирокчиларининг фикрига кўра қонунчилик тизими ва ҳуқуқ тизимини бир-бирига қарши қўйиш мумкин эмас.

Улар гарчи, ташқи бўлиш усуллари ва ички тузилишлари билан фарқ қилганларида ҳам, тенг миқдорда қонун чиқарувчининг фаолиятидан ҳосил бўлган.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг усули учта асосий ҳолат билан тавсифланади:

*биринчидан*, субъектив ҳуқуқ ва юридик бурчларнинг ўрнатилиш тартиби;

*иккинчидан*, субъектлар ҳаракатининг «автономияси» ва улар даражасининг аниқлиги;

*учинчидан*, субъектив ҳуқуқ ва юридик бурчларни таъминлаш воситаси ва йўллари дир. Ҳуқуқий тартибга солиш усулининг хусусияти, ҳуқуқ тармоғини таҳлил қилишда яққол кўзга ташланади. Жиноят ҳуқуқи учун кўп ҳолларда «қаттиққўллик» услуби ҳуқуқий бошқариш хусусиятининг мезони ҳисобланади. Масалан, безорилик, ўғирлик, шифокорнинг касалга ёрдам кўрсатмаслик оқибатидаги ҳаракатсизлиги, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ва ҳоказо. Фуқаролик ҳуқуқида аксинча, кўпгина ҳолларда субъектларнинг шахсий хоҳишларига кўра эркин бўлишига, уларнинг хатти-ҳаракатида автономияга йўл қўйилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш усулининг асосан икки тури мавжуд: буйруққа асосланган ёки авторитар усул ва диспозитив усул ёки автономия.

Авторитар усулнинг моҳияти ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хатти-ҳаракати «қаттиқ» тартибга солинганда, уларнинг тенг бўлмаган муносабатларда ҳукмрон ва итоат этиш, субъектив ҳуқуқ ва юридик бурчларга эга бўлган шахсларнинг ўзаро алоқалари билан тавсифланади. Бундай бошқариш усули кўп ҳолларда, маъмурий, жиноят, конституциявий ҳуқуқ учун характерлидир.

Автономия (диспозитив) усули тарафларнинг ўз иродасини ифодалаш эркинлигини, улар ҳолатларининг тенглиги, эркин равишда у ёки бу хатти-ҳаракатни танлашда мустақиллигини ифодалайди. Масалан, бу усул фуқаролик, оила ҳуқуқида яққол кўринади. Юридик адабиётларда шундай фикрлар ҳам айтилганки, ҳар бир ҳуқуқ соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий усули сифатида ажратиш тақозо этилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тизимини соҳаларга бўлиш, ҳуқуқ тизимини бир бутун таркибий қисм сифатида тўлдирадиган, юқорида кўрсатилган ҳуқуқ соҳасининг тузилиш хусусияти, ҳуқуқий тартибга солиш усули ва предметига асосланади.

### **3-§. Асосий ҳуқуқ соҳаларининг тавсифи**

Ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқ тизимида *оммавий ҳуқуқ* ва *хусусий ҳуқуқ* деб аталадиган иборалар қабул қилинган. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича ҳуқуқ тизимининг бундай бўлиниши табиий ҳол бўлиб, давлат ва шахсларнинг ўзаро муносабатлари табиатидан келиб чиқади. Бундай назария

ўзининг туб илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади. Жумладан, қадимги Римда ҳуқуқ икки соҳага — оммавий ва хусусийга ажратилганди.

Қадимги Рим ҳуқуқшуноси Ульпиан фикрича, умумий ҳуқуқ давлат фаолиятига доир бўлади, хусусий ҳуқуқ эса, айрим шахсларнинг фойдаси учун хизмат қилади.

Худди шунингдек, ҳуқуқнинг бундай бўлинишининг аҳамияти ҳозирги замон ҳуқуқ назариясида ҳам сақланиб турибди. Унинг моҳияти жамиятдаги ижтимоий муносабатлар хусусий мулкчиликка асосланганлигининг ифодасидир.

Оммавий ҳуқуққа — конституциявий, жиноят, маъмурий ҳуқуқ соҳалари; хусусий ҳуқуққа — фуқаролик, оила, меҳнат ҳуқуқи каби соҳалар кирди.

Собиқ совет давлати ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий бўлинишига нисбатан салбий муносабатда бўлиб келган.

20-йилларда РСФСР Фуқаролик кодексини ишлаб чиқишда В. И. Ленин сиёсий бюро аъзоси адлия халқ комиссари Д. И. Курскийга ёзган хатида хусусий-ҳуқуқий муносабатларга давлат ҳокимиятининг аралашувини таъминлаш ва кенгайтириш лозим эканлиги ҳақида айтиб: «биз ҳеч қандай «хусусий» нарсани тан олмаймиз, хўжалик соҳасидаги ҳамма нарсалар биз учун хусусий эмас, балки оммавий ҳуқуққа тегишли нарсалардир», деган эди.

Бундай йўл тутиш барча ҳуқуқий тизимни ёппасига давлатлаштиришнинг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилди. Тоталитар тартиб таъсири остида оммавий-ҳуқуқий қоидалар ёппасига ҳукмронлик қилган пайтда, ҳуқуққа барча қонунлар фақат давлат томонидан яратилади, уларнинг

ҳаммасига «рухсатнома», «розилик» берилиши шарт деган фикр ҳуқуқшуносларнинг қон-қонига сингиб кетадиган эди.

Барча мулк шакллариининг, шу жумладан хусусий мулкнинг тенглигига ва фикр эркинлигига асосланган, бозор иқтисодиётига ўтиш, Ўзбекистон ҳуқуқий тизimini оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиш, ўзига хос «қайтишни» билдиради.

Табиийки, бундай шароитда хусусий ҳуқуқ соҳаларини тартибга солиш учун ҳар бир ҳуқуқий нормани аниқлаш ва танлаб олиш, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларини яна бир кўриб, назардан ўтказиш тақозо этилади.

Ҳуқуқ шаклланишининг бошқа йўли — бу мулк, тадбиркорлик, хусусийлаштириш ва бошқа қонунлар тайёрлаш ва уларни амалга киритишдир. Шунини ҳам айтиш керакки, оммавий-ҳуқуқий қонунлар тартибга солиш тажрибаси бизда шаклланди. Энг муҳими, шахс манфаатини давлат билан бўладиган ўзаро муносабатларда бирламчи қилиб қўйишни унутмаслик керак.

Айтиб ўтилганидек, ҳуқуқ тизими нормаларнинг объектив равишда ташкил топган соҳалар ва институтлар бўйича тақсимланиши, иқтисодий ва сиёсий ҳолат билан алоқадорликда намоён бўлади. Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ҳуқуқий тартибга солишнинг аввалдан аниқланган усули ва предмети, ўзига хос сифатлари билан тавсифланади.

Ҳуқуқ тизими моддий ҳуқуқ ва процессуал ҳуқуқ соҳаларига ажратилади. Моддий ҳуқуқ соҳасига жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ киради. Жиноят процесси, фуқаролик процесси, хўжалик процесси ҳуқуқлари процессуал ҳуқуқ соҳаси гуруҳини ташкил этади.

Процесс қонуннинг фақат ҳаёт шакли, бивобарин, унинг ички ҳаётининг намоён бўлишидир. Бошқача айтганда, ҳуқуқнинг процессуал соҳаси моддий ҳуқуққа «хизмат қилишга», моддий ҳуқуқни «ҳаётда» татбиқ этиш тартибини таъминлашга қаратилган. Шундай қилиб, «моддий» ҳуқуқ атамаси «процессуал» ҳуқуқ билан алоқада бўлмаса, ўз мазмунини йўқотади.

Бу тушунчалар ўртасидаги аниқ алоқа шундан иборатки, масалан, фуқаролик ҳуқуқи моддий ҳуқуқ бўлиб, татбиқ этилиш соҳасида алоҳида бажариладиган қоидалари, фуқаролик-процессуал қонунчилиги билан ўрнатилади. Ана шундай ўхшашлик жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқида ҳам кузатилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқни **асосий** ва **комплекс** ҳуқуқ соҳаларига ажратади. Асосий ҳуқуқ соҳаси тизимига конституциявий, маъмурий, молия, ер, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал ҳуқуқлари тааллуқлидир. Шу билан бирга асосий соҳалар ичидан **ихтисослашганларини** ажратиш мумкин. Конституциявий, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқлари ана шундай аҳамиятга молик.

Денгиз, ҳаво, тоғ, сув, ўрмон, тураржой ва бошқаларга оид ҳуқуқлар ҳуқуқнинг комплекс соҳалари ҳисобланади.

Мазкур ҳолат ҳуқуқ институтлари доирасида ривожланиб жамият ҳаётида озми, кўпми мустақил соҳаларга айланишидан далолат беради.

Барча ҳуқуқ тизими соҳалари ичидан етакчи ўринин **конституциявий ҳуқуқ** эгалдайди. Мазкур соҳа ҳуқуқни тартибга солиш предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Халқ ҳокимиятининг

асосини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар ана шулардан иборат.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари жамият ва давлат тузилишини, қурилишини, давлат органларининг ўзаро муносабатларини ва функциясини, сайлов тизимини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини мустаҳкамлайди. Бу нормалар бошқа барча нормаларга нисбатан бирламчи ҳисобланади. Улар ҳуқуқ тизимининг бошқа соҳалари учун норматив материал бўлиб хизмат қилади ва бу маънода етакчи ўринни эгаллайди.

Ўз аҳамияти бўйича маъмурий ҳуқуқ соҳаси конституциявий ҳуқуққа яқин туради. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини давлат идора органларининг ижро этиш ва бошқариш жараёнидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Бундай ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бу жараёнда тарафлардан бири сифатида давлат органи ёки мансабдор шахс қатнашади. Маъмурий ҳуқуқни тартибга солиш борасида ҳокимиятнинг фармойиш бериш услуги муҳим аҳамият касб этади.

**Молия ҳуқуқи** — давлатнинг молия фаолиятини тартибга солувчи, яъни халқ хўжалиги эҳтиёжларига пул маблағларини тўплаш ва тақсимлаш фаолиятига доир ҳуқуқий нормалар тизимини ўзида мужассамлаштиради.

Тартибга солиш предмети сифатида давлатнинг олий органи билан бошқа хўжалик органлари ўртасидаги, давлат бюджети, уни ташкил этиш, тасдиқлаш, ижро этиш, шунингдек, солиқ йиғиш, давлат суғуртаси билан боғлиқ муносабатлар иштирок этади. Молия ҳуқуқи нормалари давлат ва маъмурий ҳуқуқ билан узвий боғланган.

**Ер ҳуқуқи** — ҳуқуқ соҳаси сифатида давлат ер фондини турли субъектлар ўртасида хўжалик эҳтиёжларига мувофиқ тақсимлашни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассамлаштиради.

**Меҳнат ҳуқуқи** — ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги муносабатларини тартибга солувчи юридик нормаларни бирлаштиради. Бу нормалар меҳнат фаолиятининг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши шартларини белгилайди, шунингдек, ўзи билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий таъминот, пенсия, хизмат кўрсатишга доир муносабатларни тартибга солади.

#### **4-§. Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими**

Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими, уларнинг тузилмалари, ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро бир-бирининг шарти эканлиги муаммоларининг кўп йиллик тадқиқотлари пировардида юридик фан томонидан илгари сурилган айрим гипотезалар (фаразлар) амалиётда тасдиқланган ва аксиома табиатини касб этган бўлса, бошқалари баҳс-мунозаралигича қолмоқда.

Уларнинг қаторига:

*биринчидан*, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг тизимлилиги;

*иккинчидан*, иккала тизим ўртасидаги чамбарчас алоқалар;

*учинчидан*, ҳуқуқ нормаси объектив ҳуқуқ тизимининг элементи, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчилик тизими элементи эканлиги;

*тўртинчидан*, тартибга солиш соҳаси ва услуби ҳуқуқ тармоқларини ажратиш асоси эканлиги тўғрисидаги хулосалар киради.

Фанда, ҳуқуқ тизимида ва қонунчилик тизимида тузилма ташкилотлар тармоғига қараганда янада йирикроқ соҳа мавжудлиги ёхуд йўқлиги тўғрисида ягона нуқтаи назар йўқ. Баъзи олимлар тизимда ҳуқуқнинг тармоқлардан устунлигини ёқлайдилар. Бошқа ҳуқуқшунослар эса тузилма ташкилотлар (қонунчилик мажмуалари деб номланган)дан йирикроқ соҳа фақат қонунчилик тизимидагина мавжуд деб ҳисоблайдилар.

Ҳуқуқшунослар орасида ҳуқуқ тизими объектив табиатга эга бўлиш-бўлмаслиги ва шу сабабли унинг ривожланиши қонун чиқарувчи томондан яратилаётган қонунчилик тизимининг тегишли трансформациясини (шаклан ўзгаришини) шартлайди деган масала хусусида ҳам тўлиқ яқдиллик йўқ. Бошқа бир нуқтаи назар эса фақат фан томонидан кўрилаётган ҳуқуқ тизимига нисбатан қўлланадиган қонунчилик тизими объективдир деб ҳисоблайди. Бу ҳолда ҳуқуқ тизими қандай илмий ва амалий мақсадга хизмат қилиши, муҳими, қонун чиқарувчи ўз фаолиятида нималарга таяниб иш кўриши керак, деган масала ноаниқлигича қолади.

Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими ривожланиши учун ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг интеграциялашуви (яхлитлашиши) ва алоҳидалаштириш жараёнлари хосдир.

XX асрнинг 90-йилларига қадар ҳуқуқ тизими ривожланишида алоҳидалаштириш жараёнлари устунлик қилди. Шу жумладан, ижтимоий таъминот ҳуқуқи сингари янги соҳанинг пайдо бўлишига олиб келди, у меҳнат ҳуқуқидан ва молия ҳуқуқидан ажралиб чиқди.

Бозор муносабатларига ўтиш қонунчилик назарияси ва амалиётида оммавий ва хусусий

ҳуқуқлар ғояси қайта тикланишининг пироварди сифатида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мустаҳкамланиши билан бирга кечмоқда. Бунинг ёрқин мисоли Ўзбекистон Фуқаролик кодексида фуқаролик қонуни томонидан тартибга солинадиган муносабатлар доирасининг кенг талқин этилиши ва шу тариқа Фуқаролик кодексини хусусий ҳуқуқнинг хартияси сифатида тақдим этишга уринишлардир (3-молданинг 2-қисми).

Ҳуқуқнинг бир қатор тармоқларида, жумладан, энг аввало оила, меҳнат, ер ва табиатдан фойдаланиш ва бошқа соҳаларида шартнома (фуқаровий-ҳуқуқий) элементларининг қўпайиши интеграция жараёнининг бошқа бир кўринишидир.

Оила ҳуқуқида никоҳ шартномаси институтининг намоён бўлиши ва оила аъзолари ўртасидаги битимлар имкониятлари доирасининг, кенгайиши энг муҳим янгилик саналади.

Бироқ, бу оила ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқи томонидан қамраб олинишига олиб келмади. Жумладан, Ўзбекистоннинг Оила кодексида халқаро андазалар талабларига мувофиқ бола ҳуқуқларининг ушбу тармоққа хос бўлган тарзда жиддий кенгайтирилиши бундан далолат беради.

Ер муносабатлари ва табиатдан фойдаланиш муносабатлари соҳасидаги муаммоли вазиятларнинг омилий жиҳатдан таҳлили тегишли бозорга хос (хусусий-ҳуқуқий) асослар муносабатларининг тартибга солинишида босқичма-босқич ва эҳтиёткорлик зарур эканлигидан далолат беради. Яқин истиқболда ер, ўрмон, сув ва тоғ-кўн ҳуқуқлари ҳуқуқнинг мустақил тармоқлари сифатида сақланиб қолиши керак.

XX аср бошларида меҳнат ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқидан ажралиб чиқиши меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлган эди. Ҳозирги вақтда иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий ўзанга кўчиришга уринишлар халқаро ҳуқуқ нормаларидан ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан татбиқ этилган трипартизм (муассасавий бетарафлик) амалиётига мос келмайди.

Оммавий ҳуқуқнинг мағзини ташкил этувчи маъмурий ҳуқуқда интеграциялашув жараёнлари авж олмоқда.

Қонунчилик тизимида кечаётган ўзгаришларни, гарчи турли миқёсларда бўлса ҳам, унинг икки тузилмавий ташкилотида:

*биринчидан*, иерархия (давлат ҳокимияти);

*иккинчидан*, тармоқ тузилмаларида кузатиш мумкин.

Қонунчиликнинг тармоқ тузилмаси ҳуқуқ тизимида содир бўлаётган ўзгаришларнинг кучли даражадаги таъсирига учрамоқда. Бунда қонунчилик тизимида бир вақтнинг ўзида ҳам интеграция жараёнларини, ҳам дифференциялашиш жараёнларининг кечаётганини қайд этиш мумкин. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги, таълим тўғрисидаги, қишлоқ хўжалиги қонуни қонунчиликнинг дифференция таъсири остидаги тармоқларига айланди. Қонунчиликнинг бутунлай янги тармоқлари ҳам шаклланмоқда.

Қонунчилик тизимидаги интеграция жараёнларининг аҳамиятига унинг самарадорлигига, у ёки бу қонунчиликни (мажмуалари) шакллантириш жараёнларининг яқунланганлигига боғлиқ эканлигига қараб ҳам баҳо бериш мумкин.

Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими ривожланиши анъаналарининг тадқиқ этилиши нафақат назарий, қолаверса, амалий аҳамиятга ҳам эга. Бу масалаларни ўрганиш норматив ҳужжатлар ҳисоби ва уларнинг тизимлаштирилишини самарали ташкил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон қонунлари мажмуини яратиш учун зарурдир.

## 5-§. Ўзбекистон ҳуқуқ тизими

Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қуйидаги асосий тармоқларини ўз ичига олади:

- 1) конституциявий ҳуқуқ;
- 2) маъмурий ҳуқуқ;
- 3) фуқаролик ҳуқуқи;
- 4) жиноят ҳуқуқи;
- 5) ер ҳуқуқи;
- 6) аграр ҳуқуқ;
- 7) меҳнат ҳуқуқи;
- 8) ижтимоий-таъминот ҳуқуқи;
- 9) экологик ҳуқуқ;
- 10) молиявий ҳуқуқ;
- 11) фуқаролик-процессуал ҳуқуқ;
- 12) жиноят-процессуал ҳуқуқ ва бошқалар.

**Конституциявий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқини** асосий ҳуқуқ тармоқлари деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Юқорида санаб ўтилганлардан дастлабки ўнта-си моддий ҳуқуқ тармоғи бўлса, кейинги иккитаси процессуал ҳуқуқ тармоғидир.

Конституциявий ҳуқуқ конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатнинг давлат тузилишини, Президент, Олий Мажлис, ҳукумат, суд ти-

зими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб қўяди.

**Маъмурий ҳуқуқ** давлат бошқаруви, ижроия ҳокимият соҳаси (ҳукумат фаолияти, ижроия ҳокимиятининг бошқа органлари)да юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

**Фуқаролик ҳуқуқи** мулкӣ ва у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатлар (исемга эга бўлиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва ҳ.к.)ни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидир.

**Жиноят ҳуқуқи** давлат унинг ёрдамида қандай ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноий эканлигини ва уларни содир этганлик учун қандай жазолар тайинланиши мумкинлигини белгилаб берувчи нормаларни ўз ичига олади. Бу нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жамланган.

**Ер ҳуқуқи** ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

**Аграр ҳуқуқ** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи тармоқдир.

**Меҳнат ҳуқуқи** меҳнат муносабатларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва тўхтатилиши шартларини белгиловчи, иш куни ва дам олишнинг давомийлигини, меҳнат интизоми, ўсмирлар, аёлларни муҳофаза қилиш кабиларни белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

**Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи** нормалари судларнинг фуқаролик, оилавий, меҳнат, ер, молиявий муносабатлар ва бошқа бир қатор масалалар соҳасидаги фаолиятини тартибга солади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи ишларнинг хўжалик судлари томонидан куриб чиқилиши

тартибини бонқарадиган хўжалик-процессуал ҳуқуқига яқин туради.

**Жиноят-процессуал ҳуқуқи**, судлов, тергов, прокуратура органларининг жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солади.

**Ҳуқуқ институти** ҳуқуқ тармоғи таркибидаги маълум муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар йиғиндисидир. **Ҳуқуқ тармоғи** ҳуқуқ институтларидан ташкил топган. Масалан, конституциявий ҳуқуқ инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, президентлик, ҳукумат каби институтларни ўз ичига олади. Фуқаролик ҳуқуқи эса мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи каби институтларни қамраб олади.

Давлатнинг ички (миллий) ҳуқуқ тизимидан ташқари, халқаро ҳуқуқ тизими ҳам мавжуд. Унинг принциплари ва нормалари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ушбу ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

**Халқаро ҳуқуқ тизими** бир неча тармоқлардан ташкил топган бўлиб, давлатлараро муносабатларни тартибга солади ва қуйидагиларни ўз ичига олади: халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи ва бошқалар.

Ўз навбатида, халқаро ҳуқуқ тармоқлари институтлардан ташкил топган. Масалан, халқаро денгиз ҳуқуқи, ҳудудий ҳавзалар, ёндош зона, алоҳида иқтисодий зона, очик денгиз, қуруқлик ерлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

«...давлатнинг куч-қудрати аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бориш қобилияти билан ўлчанади»<sup>1</sup>

И.А. КАРИМОВ

## 27-боб. ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ

- 1-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси.
- 2-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари.
- 3-§. Ҳуқуқ ижодкорлигининг турлари ва функциялари.
- 4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва уларнинг турлари.
- 5-§. Қонунлар — муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат.
- 6-§. Қонун ижодкорлик жараёнининг асосий босқичлари.
- 7-§. Қонун турлари.
- 8-§. Қонунларни қабул қилиш.
- 9-§. Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши.
- 10-§. Қонуннинг ҳудуд бўйича амал қилиши.
- 11-§. Қонуннинг шахсларга нисбатан амал қилиши.
- 12-§. Қонун ости ҳужжатлари.
- 13-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кодификациялаш ва системалаштириш (бир тизимга солиш).

### 1-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси

Ҳуқуқ манбалари орасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар етакчи ўринни эгаллайди. Норматив

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й. 13-б.

актлар — давлат органи актлари бўлиб, улардаги юридик нормалар, ҳуқуқ ижодкорлиги натижасидир. Ҳуқуқ ижодкорлигининг ўзи эса ундан ҳам кенгроқ жараён бўлган ҳуқуқ шаклланишининг таркибий қисмидир.

Ҳуқуқ шаклланиши юридик нормани вужудга келтириш ва расмийлаштиришни ўз ичига олган нисбатан узоқ жараёндир.

У ижтимоий шароитни таҳлил қилишдан, уни ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини англашдан, юридик ҳолат ҳақидаги умумий тасаввурдан бошланади ҳамда юридик нормани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан якунланади. Ҳуқуқ шаклланишининг сўнгги босқичи ҳуқуқ ижодкорлигидан иборат.

**Ҳуқуқ ижодкорлиги** — норматив-ҳуқуқий актларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва бекор қилиш бўйича давлат органларининг (референдумда — бутун халқнинг) ва мансабдор шахсларнинг фаолиятидир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига, янги юридик нормаларни қабул қилиш билан бирга, эскириб қолган ҳуқуқий нормаларнинг қоидаларини бекор қилиш ва ўзгартириш ҳам киради.

Ҳуқуқ ижодкорлиги характери жиҳатдан давлат аҳамиятига молик бўлган фаолиятдир. У жамиятни бошқаришнинг жуда муҳим воситаси бўлиб, давлат тури, шакли, механизми ва функциялари билан бевосита боғлиқ.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг маданий савияси ва даражаси, шунга мувофиқ қабул қилинаётган ҳуқуқий норматив актларнинг сифати — жамиятнинг маданий ва демократик кўрсаткичидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги воситасида табиий ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий норматив актлар шаклига айлан-

тирилади ва қонун (позитив) шаклидаги ижобий ҳуқуқ сифатида амалга киритилади.

## 2-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари

Табиий ҳуқуқ нормалари ва принциплари, фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини қонун даражасига кўтариш ҳуқуқий ижоднинг мазмунини ташкил қилади. Ҳуқуқий ижодкорлик жараёни маълум принципларга татбиқ этилганда унинг сифати ва самарадорлигини таъминлаб берадиган асосий ғояларга асосланади. Ҳуқуқий ижодкорликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат.

*Биринчи принцип*, ҳуқуқий ижодкорликнинг халқчил характерга эгаллиги. Ҳуқуқийликка интилаётган давлат қонунчилик фаолиятида ўз халқининг кенг қатламлари билан яқиндан алоқада бўлиши зарур. XVIII асрнинг ўрталарида яшаган француз ҳуқуқшунос-файласуфи Ш. Монтескье «Қонун чиқариш ҳокимияти халққа тегишли бўлиши керак деган қоида демократиянинг асосий қонунларига тегишлидир» — деган эди.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг халқчил характери шунда кўринадики, биринчидан, қонун чиқарувчи органлар депутатлардан ташкил топади, улар халқ вакилларидир; иккинчидан, ҳуқуқий ижодкорликнинг барча субъектлари ўзларининг норматив-ҳуқуқий актларида фуқароларнинг манфаатларини акс эттирадilar.

*Иккинчи принцип*, ҳуқуқ ижодкорлигининг демократизми. Бу вакиллик органининг ўзи томонидан ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилишнинг демократик жараёнида, шунингдек, ҳуқуқий ижод фаолиятига фуқароларни кенг жалб қилиш-

да кўринади. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳам ўзгарди; энди у анча изчил ва ошкорароқ бўлди.

Қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси амалиёти ҳам кенг тағбиқ қилина бошлади. Улар меҳнат жамоаларида, семинарларда муҳокама қилинапти. Бунга матбуот, телевидение, радио кенг жалб этилмоқда. Кўпчилик фуқаролар, шу жумладан ҳуқуқшунос-олимлар ва амалиётчилар қонун лойиҳалари бўйича ўзларининг шахсий мулоҳазаларини билдираяптилар ва уларни қонун ижод қилувчи органларга жўнатаяптилар. Қонун лойиҳалари марказий ва маҳаллий нашрларда эълон қилинмоқда. Муҳокама чоғида келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар ҳуқуқ ижод қилувчи орган томонидан таҳлил қилинади ва тайёрланаётган қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритилади.

Тўғриланган ва тўлдирилган қонун лойиҳаси қонун чиқарувчи орган муҳокамасига киритилади.

Энг муҳим қонун лойиҳалари умумхалқ овоз беришига (референдумга) чиқарилиши мумкин, бу ҳуқуқ ижодкорлигида демократизмнинг ёрқин ифодасидир.

*Учинчи принцип*, ҳуқуқ ижодкорлигининг илмий характери ва унинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий алоқадорлиги. Юридик нормаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чоғида ҳуқуқ ижод этувчи органлар ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни, ривожланишнинг объектив эҳтиёжларини, ижтимоий муносабатларни юридик тартибга солишини зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини ўрганадилар. Фақат шу ҳолдагина ҳуқуқий нормалар илмий асосланган ва самарали бўлади.

Бозор, миллий давлат, ижтимоий-маиший муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари аниқ белгиланган ҳозирги кунларда ҳуқуқий ижодга илмий тарзда ёндашиш талаби айниқса, ўсиб бораёпти. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий нормаларни тартибга солишга эҳтиётлик билан ёндашилмоқда. Бундай шароитларда қонун ижод қилиш фаолиятининг режалаштирилиши ва ҳуқуқий эксперимент алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий эксперимент — бу торроқ доирада маълум ижтимоий вазиятни вужудга келтириш бўлиб, бунда унинг учун махсус ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий акт (ёки уларнинг мажмуи) тадқиқ этилади. Унинг мақсади — муайян шароитлар учун қандай юридик нормаларнинг талаб қилиниши ва улар қандай амалда бўлишларини текширишдир.

Ҳуқуқий эксперимент юридик нормаларнинг камчиликларини ўз вақтида аниқлашга имкон беради, уларни йўналтиради ва шу билан бирга ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда хато қилмасликка кўмаклашади.

Қонун чиқариш фаолиятини режалаштириш ҳам ҳуқуқий ижоднинг илмий характерини анча оширади. Қарор қилиш пайғида (масалан, вакиллик органининг кун тартибини тасдиқлаш пайғида) шонқалоқлик билан қабул қилинган қонун ҳужжатини илмий асосланган ва йўлланган деб бўлмайди.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан яқин алоқада бўлиши керак. Ана шундагина қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг сифати ва самарадорлиги ҳақида фикр юритиш имкони туғилади; уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин бўлади. Шу билан ҳуқуқ ижод қилув-

чи органларнинг иши такомиллаштирилади ва маълум бир тарзда йўналтирилади.

*Тўртинчи принцип*, ҳуқуқ ижодкорлигининг қонунийлиги. Ҳуқуқ ижодкорлик субъектларининг барча ҳаракатлари, норматив-ҳуқуқий актларни тайёрлаш, қабул қилиш ва чоп этиш бўйича қонунга ва авваламбор, уларнинг Конституцияга асосланишида намоён бўлади. Ҳуқуқ ижодкорлигининг қонунийлиги қонун чиқарувчи органларнинг регламентга (белгиланган тартибга), муҳокама расмиятига, норматив-ҳуқуқий актларнинг эълон қилиниши тартибига риоя қилишини талаб этади.

### 3-§. Ҳуқуқ ижодкорлигининг турлари ва функциялари

**Ҳуқуқий ижодкорлик** субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: халқ, давлат органлари (ҳокимият ва бошқарув органлари), мансабдор шахслар. Шунга кўра **ҳуқуқий ижодкорлик**нинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

**Биринчи тури** — *халқнинг бевосита ҳуқуқий ижодкорлиги*. Унинг энг ёрқин кўривиши референдум — давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича умумхалқ овоз беришидан иборат. Ҳуқуқий ижод тури сифатида референдум ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш бўйича халқ иродасининг бевосита акс этиши сифатида кўрилади. Шунга кўра, референдум натижалари давлатнинг қайсидир органи томонидан тасдиқланишга муҳтож эмас, агарда референдум қарорининг ўзида бошқача муддат ўрнатилмаган бўлса, у эълон қилинган куниданоқ кучга киради. Референдум йўли билан қабул қилинадиган норматив

ҳужжатлар худди қонунлар каби олий юридик кучга эгадир.

Референдум ҳуқуқий ижодкорликнинг самарали тури бўлиши мумкин. У ортиқча поғоналарсиз ва бўлиши мумкин бўлган тузатишларсиз бево-сита мамлакат фуқароларининг референдумга чиқарилган у ёки бу масаласини ҳуқуқий тартиб-га солиш ва шу бўйича дарҳол яқуний қарор чиқаришга имкон беради. Шу билан бирга референдум анча қимматга тунадиган жараён бўлиб, каттагина ташкилий-техник чиқимни талаб қилади.

**Иккинчи тури** — *давлат органларининг ҳуқуқий ижодкорлиги*. Бу — ҳуқуқий ижоднинг асосий шаклидир. Давлат органларининг деярли ҳаммаси ўз ваколати даражасида мазкур иш билан шугулланадилар. Давлат органлари ваколат даражасининг ҳажми ва кўлами улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг юридик кучини белгилайди.

**Учинчи тури** — *мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ижодкорлиги*. Ҳозирги Ўзбекистон қонунчилигида давлат ва нодавлат муассасаларнинг раҳбар ходимлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мақомини тўлароқ ҳажмда аке эггира оладиган, универсал тушунча йўқ. Амалдаги жинойт қонунларида мансабдор шахс тушунчасининг таърифи анча эскириб қолган, шу билан бирга тор доирадаги мақсадга қаратилган — яъни мансабдорлик жинойтлари учун жинойий жавобгарликка тортилувчи шахслар доирасини белгилашдангина иборат.

Мансабдор шахс — давлат ҳокимияти, бошқаруви ёки нодавлат ташкилотда маълум бир мансабни эгаллаган, ўзига юклатилган функцияларни бажариш учун ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

қилиш ва унга амал қилишни таъминлаш ҳуқуқи берилган шахсдир.

Ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ва амал қилишини таъминлаш бўйича нодавлат ташкилотлари раҳбарларининг (хўжалик, тижорат, ижодий ва ҳ.к.) ваколатлари меҳнат, фуқаролик, молия ва қонунчиликнинг бошқа соҳаларидан келиб чиқади.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ижод фаолияти фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ва қабул қилишдангина иборат. Уларнинг ҳуқуқни қўллаш ҳақидаги ҳужжатларининг ҳуқуқий ижодкорликка табиийки, алоқаси йўқ.

Қуйидагилар мансабдор шахслар ҳисобланади: вазирлар, бошқарма раҳбарлари, бўлим, корхона, ташкилот, нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари, депутатлар ва ҳоказолар.

Ҳуқуқий ижодкорлик жараёнида қуйидаги функциялар амалга оширилади: янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, яъни қонунчиликнинг яшгиланиши; эскириб қолган юридик нормаларнинг бекор қилиниши; ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирish. Бу функцияларнинг амалга оширилиши қонушларни ривожлантириш вазифасини ҳат қилишга имкон беради.

#### **4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва уларнинг турлари**

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг натижаси — турли-туман норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** — бу юридик нормаларга эга бўлган, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг кўрсатмаларидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида ҳозирги пайтда фақат Ўзбекистонда эмас, балки дунёнинг барча ҳуқуқий тизимларида, ҳатто, тарихан ҳуқуқий одат ва суд прецеденти ҳукмрон бўлган давлатларда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳуқуқий одат ва суд прецедентига нисбатан норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқ манбаи сифатида катта имтиёзларга эга. Бу имтиёзлар уларнинг қатъий равишда чегараланган маълум бир (қатъий ваколат берилган) ҳуқуқий ижодкорлик органлари ва шахслари борлиги; аниқ белгиланган тартибда қабул қилиниши, белгиланган шаклга ва зарур расмиятларга, кучга кириш тартиби ва ҳаракат доирасига эгаллиги; ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқиб теъдиқ билан ўзгартирилиши ҳам мумкинлигида намойён бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир қатор хусусиятларга эгадир. Улар *биринчидан*, давлат характерига эга. Давлат органларга, ташкилотларга ва мансабдор шахсларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш ҳуқуқини, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатини беради. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бажаришдан бош тортувчи шахсларга нисбатан мажбурлов таъсир чоралари қўлланиб, унга амал қилиш таъминланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат характерига эгаллиги билан жамоат ташкилотларининг норматив-ҳужжатлари (партияларнинг устави, жамоат бирлашмаларининг низомлари)дан фарқ қилади.

*Иккинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фақат давлат томонидан махсус ваколат берилиб қатъий белгилаб қўйилган субъектлар томонидан қабул қилинади. Ушбу ҳолда ҳуқуқ ижодкорлик

фаолиятининг ҳар бир субъекти ўз ваколати доираси билан чегараланган бўлади. Масалан, вазир норматив буйруқ бериши мумкин, лекин фармон ёки қарор чиқаришга ваколати йўқ.

*Учинчидан*, кўрсатилган қонун ҳужжатлари маълум бир қоидаларга риоя қилинган ҳолда қабул қилинади, ҳужжатнинг мазмуни ва шаклига ҳам муайян талаблар қўйилади.

*Тўртинчидан*, улар вақт, макон ва субъектлар бўйича ҳаракат қилиш доирасига эга.

*Бешинчидан*, доимо юридик нормаларга эга. Бу ҳужжатлар юридик нормаларнинг мавжудлиги уларнинг умуммажбурийлигини таъминлайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларни фарқлаш зарур.

*Индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар* — муайян юридик иш бўйича (ҳукм ёки суд қарори, корхона ё ташкилот раҳбари буйруғи ва ҳ.к.) қарорларни ифода этувчи давлат органлари, подавлат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг ҳужжатларидир.

Индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар — ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларидир. Шунинг учун ҳам уларни яна ҳуқуқни қўловчи қонун ҳужжатлари деб ҳам атайдилар. Қоида тариқасида улар бир марта қўллаш, муайян шахслар ёки ташкилотларга ва фақат уларнинг ижроси учун чиқарилади.

Индивидуал актлардан фарқли равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар умуммажбурий характерга эга ва адресатининг мавҳумлиги билан ажралиб туради, яъни улар алоҳида, маълум бир шахс учун эмас, балки барча субъектлар учун мажбурийдир. Норматив-ҳуқуқий актлар нисбатан узоқ муддат амал қилади ва фақат қўллаш факти билангина чекланиб қолмайди, агар зару-

рийат мавжуд бўлса, улар чексиз, кўп марта қўлланаши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни талқин қилиш, яъни ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳужжатларидан фарқлаш зарур. Улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан янги юридик нормаларга эга эмаслиги билан, фақат мавжуд ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш билан чекланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат — йиғма тушунчадир, у турли-туман давлат норматив кўрсатмаларини қамраб олади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч асосий жиҳатдан, юридик кучи, ҳаракат доираси ва уларни қабул қилаётган субъектлар бўйича маълум турларга бўлиш керак.

*Юридик кучига* кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунлар, яъни олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар ва қонун ости ҳужжатларига, яъни қонунларга асосланган ва уларга зид бўлмайдиган ҳужжатларга бўлинади. Қонунлардан ташқари барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ости актлари ҳисобланади.

*Амал қилиш доирасига* кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташқи ва ичкига бўлинади.

Амал қилувчи ташқи норматив-ҳуқуқий ҳужжат кимга тааллуқли бўлса — ташкилотлар ва шахсларнинг иш хизмат фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда барча субъектларини қамраб олади.

Ички амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фақат маълум бир вазирлик (идора) таркибига кирувчи субъектларга, у ёки бу ҳудудда яшайётганларга тааллуқлидир. Бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фақат вазирлик ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан эмас, балки олий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қабул қилувчи субъектлар бўйича қуйидаги турларга ажратилади: референдум йўли билан, давлат ҳокимияти органлари, Президент, бошқарув органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар.

Бу норматив ҳужжатлар ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: бир орган томонидан қабул қилинган ва бир неча давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган, қабул қилинган норматив ҳужжатлар.

Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти кенг ишлатиладиган қонунчилик тушунчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан яқин алоқададир.

**Қонунчилик** — *олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий актларнинг мажмуидир.*

Кўпинча барча норматив ҳужжатларни, шу жумладан, идоравий ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатларини қонунчиликка қўшиб юборадилар. Кундалик ҳаётда ҳам қонунчиликни шу тарзда тушунадилар. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қонун ролининг кучайиши ва қонунга идоравий норматив актларни бўйсундириш талаби билан, юридик адабиётларда қонунчилик деганда, фақат қонунлар мажмуини тушуниш керак, деган фикр билдирилиб, айнан шуларнигина қонунчилик актлари деб аташ таклиф қилинмоқда.

Қонунчиликка давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг қонун ҳужжатларигина тааллуқли дейилса тўғрироқ бўлса керак. Бу ҳолда Ўзбекистон қонунчилиги қуйидагиларнинг мажмуи ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Олий вакиллик органи томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар;

2) Ўзбекистон Президентининг фармонлари;

3) Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари.

Ўзбекистон қонунчилиги тартибга солиш доирасига кўра конституциявий қонунчилик, фуқаролик қонунчилиги, маъмурий қонунчилик, жиноят ва бошқа қонунчилик соҳаларига бўлинади.

Бундай бўлиниш ҳуқуқ тизимини соҳаларга бўлиш билан мувофиқ келади, лекин бунда тўла мувофиқлик кузатилмайди. Масалан, капитал қурилиш деган ҳуқуқ соҳаси йўқ, лекин капитал қурилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари мавжуд.

Қонунчилик соҳаси шакллантирилганда объектив омиллардан ташқари субъектив омилларни қўллашнинг қўлайлиги, анъаналар ва ҳоказоларга эътибор қаратилади. Кўп ҳолларда қонунчилик мажмуининг бўлимлари шундай шартлардан келиб чиқиб белгиланади.

## **5-§. Қонун — муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат**

«Қонун» сўзи махсус ва оммабон адабиётда, кундалик муомалала кўпинча, умуммажбурий қондан билдиради, у давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади. Бундай тушунчага кўра қонун амалда ҳуқуқ билан бир ўринда туради. Аммо юридик маъносидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қонун — фақат ўзига хос белгиларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

*Биринчидан*, қонун — Ўзбекистон олий вакиллик органларининг ҳужжати дир. Барча аҳолининг вакиллари томонидан қабул қилинадиган қонун-

лар, имкон борича халқ манфаатларини ифода-лайди, барча қонунчилик тизими учун таянч асосларини шакллантириб ва мустаҳкамлаб, бирламчи аҳамият касб этувчи ҳужжатлар бўлади.

*Иккинчидан*, қонунлар ижтимоий муносабатларнинг энг муҳимларини тартибга солади. Қонунлар ва аввало, уларнинг асосийси бўлган Конституция воситасида конституциявий тузумнинг асослари мустаҳкамланади, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат тузилиши, тизими, давлат ҳокимияти ва бошқарув функциялари мустаҳкамланади. Қонунлар билан мулк шакллари ва турлари, солиқ сиёсати асослари, тадбиркорлик фаолияти, хусусийлаштириш, таълим, давлат ва жамиятнинг бошқа ҳаётий муҳим томонлари белгиланади. Жамиятнинг барқарорлашиши ва ривожланиши билан бирга ҳаётимизда қонуннинг роли тобора ошиб боради. Ҳуқуқийликка интилаётган давлатда энг муҳим умумдавлат муаммолари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари қонун ва фақат қонун билангина тартибга солиниши керак.

*Учинчидан*, қонунлар — махсус тартибда қабул қилинадиган ва олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатлардир. Қонунларни қабул қилиш тартиби Конституция ва олий вакиллик органининг регламентлари билан тартибга солинади.

Қонунларнинг олий юридик кучи шунда кўринадики -- давлатдаги барча бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунлар асосида, уларга мувофиқ ва уларга зид бўлмаган ҳолда чиқарилади.

Шундай қилиб, қонун — *қонун чиқарувчи орган томонидан махсус тартибда чиқариладиган, ижтимоий муносабатларнинг энг муҳимларини тар-*

*тибга соладиган ва олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.*

## **6-§. Қонун ижодкорлик жараёнининг асосий босқичлари**

Қонунлар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сингари ҳуқуқий ижодкорлик натижасидир. Аммо уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш қонуннинг жамият ҳуқуқий тизимида тутган ўрни ва ролига боғлиқ бўлган ўз хусусиятларига эга. Қонун ижодкорлик фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлган қонун ижодкорлиги жараёнида яратилади.

Қонун ижодкорлик (қонун чиқариш) жараёни бир неча босқичларни ўз ичига олади.

**1. Қонун чиқариш ташаббуси** — маълум давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг қонунлар чиқариш ва уларнинг лойиҳасини кўриб чиқиш учун қонун чиқарувчи органга киритиш ҳуқуқидир. Конституция қонун чиқариш ташаббуси субъектларини белгилаб берган.

Қонун ташаббускорлик ҳуқуқининг бу соҳадаги мажбуриятлари ҳам мавжуд, булар шу органнинг алоҳида муддат ичида қонунни эълон қилиш ёки қонун лойиҳасига ўзгартишлар киритишини ҳам кўзда тутаяди.

Қонунлар лойиҳасини ҳар хил органлар ва алоҳида мансабдор шахслар тайёрлайди. Кўпинча, қонун ижодкорлик амалиётида соҳавий ва идоравий принциплар қўлланилади. Бунда асосан, қонун лойиҳалари шу органлар соҳасига тўғри келган органлар томонидан тайёрланади. Қонун лойиҳаларини бундай ишлаб чиқиш тартиби ҳали мукамал эмас, чунки бу ерда идоравий манфаатларни

кенгайтириш аниқ кўринади. Табиийки, Олий Мажлиснинг қонун чиқарувчи органга айлантирилиши унинг кўмиталарида, муқобил асосда бир қанча қонунларнинг ишлаб чиқилишига олиб келди. Лекин вазирликлар ва идораларни улар фаолиятини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан тўлиқ четлаштириш ҳам нотўғри бўлур эди.

2. **Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш** — бу қонун чиқарувчи орган мажлисида қонун лойиҳасини киритган кўмита вакилининг маърузасидан кейин бўлади. Қонун чиқарувчи орган ишида иштирок этаётган депутатлар қонун лойиҳасига баҳо берганларидан кейин унга ўзларининг кўшимчаларини киритадилар.

3. **Қонун қабул қилиш** депутатларнинг бевосита овоз бериш йўли орқали амалга оширилади. Парламентнинг кўлчилик аъзолари овоз берса, қонунлар қабул қилинган деб ҳисобланади. Конституциявий қонун олий вакилик органи депутатларининг камда учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинади. Баъзи ҳолларда қонун лойиҳалари бўйича номма-ном овоз бериш ҳам ўтказилади.

4. **Қонуннинг эълон қилиниши.** Қонуннинг расмий равишда эълон қилиниши — ҳар қандай қонуннинг кучга кириши асосидир. Қонунлар қабул қилингандан сўнг Олий Мажлис ахборот-номасида, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинади.

## 7-§. Қонун турлари

Қонунлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Моҳияти ва юридик кучига қараб қонунлар конституциявий ва жорий қонунларга бўлинади.

Конституциявий қонунлар, аввало, Конституция ва конституциявий қонунларнинг ўзи бўлиб, улар билан амалдаги конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади. Бундай қонунлар Олий вакиллик органи депутатлари учдан икки қисмининг овоз бериши билан қабул қилинади. Бошқа барча қонунлар уларга депутатларнинг ярмидан кўпи овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

2. Тартибга солиш кўлами ва объекти бўйича қонунлар умумий ва махсус турларга бўлинади. Умумий қонунлар ижтимоий муносабатларнинг кенг соҳасини тартибга солади (масалан кодекслар). Махсус қонунлар ижтимоий муносабатларнинг чекланган миқдорини тартибга солади (масалан, Гаров тўғрисидаги қонун).

## **8-§. Қонунларни қабул қилиш**

Қонун қабул қилиш жуда катта куч талаб этадиган қонун ижодкорлиги фаолиятининг босқичидир. Айрим кодекслар, қонунлар билан юзаки танишган, соҳадан беҳабар кишига жуда олдидек туюлади. Лекин аслида, ундай эмас. Тақиқлар, кўрсатмаларни ва талабларни қонунда барчага тушунарли қилиб баён этиш қонун лойиҳасини тайёрловчилардан узоқ вақт ва кўп меҳнат талаб этади. Қонун чиқарувчи жамиятда шу кунларда ҳамда келажакда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа жараёнларнинг барча нозик жиҳатларини ва мураккаблиklarини инобатга олиши, яъни қонунчилик башоратини амалга ошириши керак. Қонун чиқарувчи нафақат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалда бўлган бошқа қонун-

ларга зид келмайдиган қонун нормаларини аниқ ва равшан ифодалаб бериши, балки мазкур қонунни чиқаришга сабаб бўлган ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиши керак.

Масалан, қонун чиқарувчи учун маошлар ёки пенсияларни қонун йўли билан бир неча марта оширишнинг ҳеч бир қийинчилиги йўқ. Тор фикрли киши назарида эса бунга ҳеч бир монелик ҳам йўқ. Лекин масалани бу тариқа ҳал этиш ўзбошимчалик бўлур эди. Зеро, бундай қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишни таъминлайдиган қонунни чиқариш ҳеч бир ижтимоий асосга эга бўлмайди, чунки маошлар ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун иқтисодий муносабатлар тегишли даражада ривожланган, бундай тўловлар бюджет маблағлари билан кафолатланган бўлиши керак. Ҳар қандай қонуний актининг қабул қилиниши анчагина мураккаб иқтисодий ҳисоб-китобни амалга оширишни талаб этади.

Қонун чиқариш фақат унинг мазмунини илмий ва амалий жиҳатдан англаб этиш билан бир қаторда унинг шакли ва мазмунига ҳам муайян талаблар қўяди. Тайёрланаётган қонунлар ва бошқа норматив актлар шаклига қўйиладиган энг умумий талабларга қуйидагилар киради:

*биринчидан*, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг батафсил бўлишига;

*иккинчидан*, кўрсатма ва тақиқ белгиларининг аниқлиги;

*учинчидан*, норматив кўрсатмаларнинг мантиқий жиҳатдан изчил баён этилиши, уларнинг бир тизимга солинган бўлиши;

*тўртинчидан*, зиддиятлар ва қарама-қарши фикрлар тўқнашувининг бўлмаслиги;

*бешинчидан*, қонуннинг шиорга айланиб қолишига йўл қўймаслик;

*олтинчидан*, норматив материалнинг аниқ, қисқа ва равшан бўлиши;

*еттинчидан*, норматив акт тилининг равшан, оддий ва тушунарли, матннинг осон, эсда қоладиган бўлиши;

*саккизинчидан*, фойдаланиладиган техник усулларнинг бир хил ва изчил бўлиши.

Шу билан бирга ҳар қандай қонундан:

- 1) конституцияга мувофиқ келиши;
- 2) муҳим янги қоидаларга эга бўлиши;
- 3) ҳуқуқий тизимга унинг узвий қисми сифатида қўшилиб кетиши;
- 4) аҳоли бирон-бир қисмининг ҳуқуқ ва эркинликларини камситадиган ҳеч бир қоидага эга бўлмаслиги;
- 5) қонун талабларининг бажарилмаслиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиши талаб этилади. Табиийки, булар қонун ижодкорлиги маданиятига оид муаммолардир.

## **9-§. Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши**

Қонунлар қуйидаги ҳолларда кучга киради:

- 1) расмий эълон қилинганидан ўн кун ўтгач;
- 2) қонунда ёки уни амалга киритиш тўғрисида махсус ҳужжатда кўрсатилган вақтдан бошлаб.

Қонунлар қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:

- 1) қонуннинг ўзида кўрсатилган муддат тугаган бўлса;
- 2) ушбу қонун бекор қилиниши натижасида (ижтимоий муносабатларнинг шу соҳасини тартибга солувчи янги қонун қабул қилиниши муносабати билан).

## **10-§. Қонуннинг ҳудуд бўйича амал қилиши**

Қонуннинг орқага қайтиш кучи умумий қонунларга қўра қонунлар орқага қайтиш кучига эга эмас. Ўзбекистон ҳудудида жиноий ёки маъмурий жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган қонулар орқага қайтиш кучига эга.

Қонунлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида амал қилади. Ўзбекистоннинг давлат ҳудудига унинг суверенитети остида бўлган ҳудуд киради. Ушбу ҳудудга қуруқлик, ички сувлар ва ҳудудий денгиз ҳавзалари, ушбу ҳудудлар устидаги ҳаво бўшлиғи ва давлат чегараси доирасидаги ер ости бойликлари киради.

Қорақалпоғистон қонуларига унинг ҳудудида амал қилинади.

## **11-§. Қонуннинг шахсларга нисбатан амал қилиши**

Одатда қонунлар ушбу ҳудуддаги барча субъектлар, яъни фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ҳуқуқ нормалари талабларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун мажбурийлиги ҳуқуқнинг умумий принципи ҳисобланади. Лекин истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг талаблари фақат Ўзбекистон фуқароларига тегишлидир. «Референдум тўғрисида»ги қонунга биноан референдумда фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қатнашиши мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги қонунлар ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ, дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи хорижий фуқаролар ҳам бундан мустасно. Элчилар, ишончли вакиллар ҳуқуқбузарликлар содир этган ҳолларда, уларга нисбатан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга амал қилинмайди.

## 12-§. Қонун ости ҳужжатлари

Қонун ости ҳужжатлари — қонунлар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Уларга қуйидагилар киради:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- 2) Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари;
- 3) бошқа ижроия ҳокимият органларининг ҳужжатлари;
- 4) маҳаллий давлат ҳокимиятининг норматив ҳужжатлари.

Ушбу қонуности ҳужжатлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари алоҳида ўрин тутади, чунки уларни давлат бошлиғи чиқаради. Ушбу фармонлар норматив хусусиятга эга бўлиши мумкин. Президент фармонлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари ҳўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари бўйича қабул қилинади. Улар одатда, умумий хусусиятга ва ҳуқуқ нормаларига эга бўлиб, ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

Айрим ҳолларда ижроия ҳокимият органларининг ҳужжатлари ушбу органлар тизимидан таш-

қарида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бундай ваколатлар Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа ташкилотларда айниқса каттадир.

Ўзбекистонда вазирликлар ҳамда ташкилотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив ҳужжатларни қайд этиш давлат тизими жорий этилган. Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Қонун ости норматив ҳужжатлари — қонун асосида қабул қилинган ва унга зид бўлмаган ҳужжатлардир.

Қонун ости норматив ҳужжатлари — йиғма тусунча. У ҳар хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини ўзида жамлаган бўлиб, булар олий ваколатли органлар ҳужжатлари, Президент, Ҳукумат ва маҳаллий вакиллик органлари ҳужжатлари бўлиши мумкин. Бу ҳамма ҳужжатларда битта умумий хусусият — қонунга бўйсуниб тартиби мавжуд. Норматив ҳужжатларни қабул қилувчи органларга қараб уларни турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин.

### **13-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кодификациялаш ва системалаштириш (бир тизимга солиш)**

Жуда кўп норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги уларни доимо қайта ишлаш, тартибга солиш ёки бир тизимга солишни тақозо этади.

Юридик адабиётларда одатла, ҳуқуқий ҳужжатларни тизимга солишнинг икки тури кўрсатилади. Булар: *инкорпорация* ва *кодификация*дир. Бундай олиб қараганда ти зимга солиш тайёр ҳуқуқий

ҳужжатлар мавжуд бўлганда қўлланади (тайёр материал мавжуд бўлгандагина уни тизимга солиш мумкин). кодификациялаш эса иш мазмуни бўйича янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тузилишига олиб келади. Шунинг билан олиш керакки, тизимга солишнинг турларга бўлиниши ишнинг ҳақиқий ҳолатини очиб бермайди. Кодификация тизимга солиш қонлигига тўғри келмайди, у қонунчилиكنи ривожлантиришнинг асосий ва мустақил шаклидир. **Кодификация** — амалдаги қонунчилик мавжуд тизимининг жиддий ўзгартирилишидир.

Кодификация ёки қонунчилик тизимида илгари бўлмаган ҳужжатнинг ишлаб чиқилишида ёки илгари амалда бўлган ҳужжатнинг шундай ўзгартирилишидирки, бунда принципиал янги ҳужжат вужудга келади. Кодификация жараёнида эскирган ҳуқуқ нормалари бекор қилинади, янгилари ишлаб чиқилади, қонунчиликдаги муаммолар ҳал қилинади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасидаги зиддиятлар ҳам тартибга солинади. Кодификация расмий тартибда ва фақат олий давлат органлари томониан амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам кодификация ривожланиш босқичлари, жамият муносабатларининг сезиларли ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, янги принципиал баҳо берилишини талаб қилади. Ҳозир Ўзбекистон қонунчилигида кодификациялаш кенг кўламда бўлиб ўгаяпти. Унинг ўзига хослиги, *биринчидан*, жамиятимиз яшаши ва ривожланишининг иқтисодий, сиёсий, ғоявий шарт-шароитларига тубдан бошқача қараш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ўзгартириши, *иккинчидан*, буларнинг мустақил Ўзбекистон

давлатида бўлиб ўгаётганлиги, *учинчидан*, улар қисман эмас, балки кенгроқ барча соҳаларни қамраб олаётганлигини таъкидлаш лозим. Оқдинги кодификацияларга ҳос бўлган мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта ишлаш билан бирга, ҳозирги кодификацияда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Кодификация натижаси сифатида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд:

*Биринчиси, кодекс* (лотинча *codex* — қонунлар тўплами) — қонун ҳужжатининг кодификациялаштирилгани алоҳида ҳуқуқ соҳаси нормаларининг аниқ тартибда бирлаштирилганлигидир. Одатда, фуқаролик, жиноят, уй-жой, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал ва бошқа соҳалар бўйича кодекслар бўлади.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳуқуқ соҳалари бўйича 10 дан ортиқ янги кодекслар қабул қилинди. Қонунчиликда соҳалардан ташқари комплекс ва соҳалараро кодекслар тури ҳам маълум. Булар бир неча ҳуқуқ соҳалари нормаларини ўзида жамлайди.

*Иккинчиси, низом* — кодификациялашган актдир, у маълум вазирликлар, идоралар, бирлашмалар фаолиятини тартибга соладиган нормаларни ўз ичига олади.

*Учинчиси, қоидалар* — йиғма кодификациялашган ҳужжат бўлиб, бу аниқ давлат органлари тизимининг ваколати, функцияси, вазифаси ва тuzилиш тартибини белгилайди.

Қоида-кодификациялашган актнинг кенг тарқалган туридир. У муайян ҳуқуқий органлар, ижодкорлик ёки мансабдор шахслар томонидан тасдиқланади.

Кодификациялаш ишлари натижасида янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар

ўз ўрнида эскилари ва баъзи ҳолларда бир-бирлари билан зиддиятга киришади. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш ва янги ҳуқуқ ҳужжатларини олдинчилари билан мослаштириш эҳтиёжи туғилади. Бу фаолиятнинг ўзи уларни бир **тизимга солишдир**.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш уларни ягона бир тартибга келтириб, қайта ишлашдир.

Тартибга солиш — инкорпорация ва консолидация шаклида бўлади. **Инкорпорация** — тартибга солишнинг шакли бўлиб, бу жараёнда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташқи жиҳатдан қайта ишланади ва тўла ёки қисман турли гўпламларга бирлаштирилади.

Инкорпорацияда ҳужжатларга ташқи ишлов берилади — уларга кейинчалик расмий ўзгартиришлар киритилади, эскирган ҳужжатлар ва зиддиятлар бекор қилинади, қоидаларни такрорлашга чек қўйилади, материаллар аниқ схема бўйича тартибга солинади.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинган йиллар бўйича тартибга солинса, бунда инкорпорация хронологик; ёки тартибга солиш предмети бўйича қилинса, предметли инкорпорация дейилади.

Биринчи ҳолда, норматив ҳужжатларни танлаш йиллар бўйича амалга оширилади. Бунда норматив материаллар уларнинг қайси соҳани тартибга солишидан қатъи назар, ана шу тартибда қўйилади. Бу ҳужжатларни уларнинг нашр қилинган вақти бирлаштирилади. Иккинчи ҳолда, ҳужжатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича бирлаштирилади. Бундай ҳолда турли йилларда қабул қилинган ҳужжатлар бир рукн

остига жойлаштирилади. Масалан, меҳнат қонунчилиги, уй-жой масалалари бўйича ҳужжатлар ана шу тоифага киради.

Предмет бўйича катта, инкорпорацияланган тўпламлар кўп қисмларга бўлинган бўлади. Масалан, меҳнат тўгрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами «иш вақти», «дам олиш вақти», «ёшлар меҳнати», «меҳнат низолари» ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Предметли инкорпорация жуда қулай, чунки унда қайси йилда ва қайси орган томонидан чиқарилганидан қатъи назар керакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни топиш осон. Хронологик инкорпорация предметли инкорпорацияга тайёргарлик кўриш босқичидир.

Қонунлар тўплами предметли инкорпорациянинг энг олий чўққиси бўлиб қонунлар ва қонунга бўйсунининг энг муҳим норматив ҳукмларини қатъий тартиб асосида бир жойга жамлаган ҳужжатдир.

Қонунлар тўплами юқорида айтилган хусусиятига кўра ўта муҳим ҳужжатдир. Унинг устида ишлаш жамият ҳаётида осойишта муносабатлар ўрнатилганидан қонунчиликни тўла кодификациялаштирилгандан кейин ўтказишни тақозо этади. Инкорпорация билан шуғулланувчи органларга қараб уларнинг турлари мавжуд. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилиши бўйича инкорпорация билан тегишли орган шуғулланса, бундай инкорпорация расмий ҳисобланади. Кўрсатилган функциялар Адлия вазирлигига ва баъзи бошқа органларга юклатилган.

Инкорпорация тегишли ташкилот ва шахслар томонидан уларнинг ўз ташаббусига биноан амалга оширилади. Расмий ва норасмий инкорпорация мавжуд.

**Консолидация** — тизимга солиш шаклидир, бу жараёнда илгари эълон этилган ҳуқуқий ҳужжатлар у ёки бу масала бўйича бирлаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни маълум тизимга солиш ҳуқуқий ижодкорликнинг мангикий яқуни бўлиб, қонунчиликнинг муътадил ишлайдиган уйғун тизими-ни яратиш имконини беради.

## **28-БОБ. ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

*1-§. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси.*

*2-§. Ҳуқуқни амалга ошириш жараёнининг объектив ва субъектив томонлари.*

*3-§. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари.*

*4-§. Ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш усуллари.*

*5-§. Ҳуқуқий нормаларни қўллаш тушунчаси.*

*6-§. Ҳуқуқий нормаларни қўллаш босқичлари.*

*7-§. Ҳуқуқдаги оқушлиқ.*

*8-§. Қонун ва ҳуқуқ аналогияси.*

*9-§. Ҳуқуқни қўллаш акти тушунчаси ва самарадорлиги.*

### **1-§. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси**

Ҳуқуқ принциплари ва нормалари ижтимоий алоқалар субъектлари томонидан ҳаётга ҳақиқатдан ҳам татбиқ қилингандагина олий ижтимоий қадрият сифатида мавжуд бўлган. Ҳуқуқий жамиятда бир томондан халқ, иккинчи томондан давлат ҳуқуққа риоя қилиш мажбуриятини оладилар. Бу шаронгда ҳуқуқ нормаларини жорий этиш муаммоси икки хил хусусиятга эга бўлади ва у икки йўналишда ўрганилиши мумкин: давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқ нормаларига риоя этилиши; фуқаролар ҳаракатларида, уларнинг ташкилотлари ва бирлашмалари фаолиятида ҳуқуқ нормаларини жорий этиш.

Давлат томонидан ҳуқуқни амалга оширишнинг бирламчи шакли қонун чиқаришдир. Қонунларда ифодаланган ҳуқуқий йўриқларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш қонун чиқарувчилар учун энг мураккаб иш ҳисобланади. Шу билан улар ўз ҳолатига кўра объектив равишда ижтимоий муносабатларда мавжуд бўлган табиатдан, оддий давр ва шароит талабларидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни амалга оширишни таъминлайдилар.

Қонунга асосланган актларни қабул қилиш — бу иккиламчи жараён ҳисобланади. Бунда асосан қонунларда ўз ифодасини топган ҳуқуқ янада муайянлаштирилади ҳамда ҳаётга татбиқ этилади. Аммо ҳозирги кунда ҳам қонунга асосланган актларда асосан қонунга тўғри келмаган ҳуқуқий нормалар бор. Бундай ҳол қонунчилик принциплари жиҳатдан қораланиши керак, чунки тегишли энг маъқул бўлган ҳуқуқ нормасини қидириб топиш, уни тегишли даражада маълум шаклга келтириб ифодалаш, фақат барқарор қонун чиқариш жараёни доирасида мукаммал парламент фаолияти давомидагина мумкин бўлади.

Қонундаги камчиликлар, уларнинг тўла ифодаланмаганлиги ва қонун ости актларида ҳам ҳуқуқни аниқ ифодаладиган нормаларнинг йўқлиги туфайли, ҳуқуқ нормаларини аниқ ва лўнда ҳолга келтириш ва шарҳлаш масалалари билан Олий суд, англо-саксон ҳуқуқ тизими мавжуд бўлган мамлакатларда эса умуман, судларнинг ўзи шуғулланишига тўғри келади.

Судлар томонидан ҳуқуқни амалга оширишнинг бундай шакли ҳар хил нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин. Айрим ҳолларда судлар ҳуқуқни қўллаш масаласида қонунда ана шундай

вазият ўз ифодасини топмаганлиги туфайли ҳаётий вазиятнинг ўзидан фойдаланадилар ва бу билан маълум даражада қонун чиқарувчи орган билан рақобатчи бўлиб ҳам қоладилар.

Умумий қоидага кўра қонун ва қонун ости актларини жорий этишнинг асосий шакли судьялар ва мансабдор шахслари томонидан норматив актлардаги ҳуқуқий нормаларни амалда қўллаш шаклидир, деб ҳисобланади.

Агар ҳуқуқни амалга оширишни фуқаролар томонидан туриб қараладиган бўлса, уларнинг юқорида айтилган ҳуқуқни амалга оширишнинг шаклларида айрим ҳолларда эса мустақил равишда (ўз ваколатлари доирасида) қонунларни ишлаб чиқиш, аниқ ҳолга келтириш ва уларни қўллашда ҳуқуқни амалга оширишда қатнашишларини кўрмаслик мумкин эмас. Бунга мисол тариқасида муайян бир масалани аҳоли ўз хоҳишларини билдиришни қонунда мустаҳкамлаб қўйган референдум орқали ҳал қилишнигина эмас, балки ишбилармон ва ёлланган шахслар ўртасидаги шартнома шартларини қонун доирасида ҳал қилиш учун фуқаронинг ҳуқуқни қўллаш юзасидан хусусий айблов орқали иш кўзғатишини ҳам келтириш мумкин.

Одатда, ҳуқуқни амалга оширишнинг шакли давлат ва фуқаролар томонидан норматив актларни шарҳлашдир. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ҳуқуқнинг ўзига бирон-бир қўшимча ёки ўзгартириш киритмайди, аммо улар ижтимоий муносабатлар субъектларининг норматив актларда ифодаланган эркини амалга оширишни таъминлайди.

Бу айтилганларнинг барчаси ҳуқуқ ва қонунларни фарқлаш билан боғлиқ бўлиб, кўпроқ ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш фаолияти учун амалий

аҳамиятга эгадир. Юридик амалиётда кенг кўламда қўлланадиган қонунлар ва бошқа норматив актларни амалга ошириш шаклларига бўлишдир.

Давлат томонидан ҳуқуқий нормаларнинг ўрнатилишидан бирдан-бир мақсад назарда тутилмайди. Қонуннинг қабул қилиниши бу бутун бир ишнинг бошланишидир, холос. Асосий вазифа эса қонунда ўз ифодасини топган, лекин ҳали воқеликка айланмаган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этишдир. Бунда ҳуқуқ шаклида ифодаланган давлат иродасини амалга ошириш тўғрисида гап кетмоқда. Айнан объектив маънода ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида гап кетганда қатнашувчиларнинг субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларини амалга оширишни таҳлил қилиш ҳам инкор қилинмайди.

Бундай маънода ҳуқуқни амалга ошириш, давлатнинг қонунда ифодаланган иродасига мувофиқ фаолиятдан иборатдир. Бу жараён сифатида ҳам, охириги натижа деб ҳам қабул қилиниши мумкин. Ҳуқуқни амалга оширишни охириги натижа деб ҳисоблаш, ҳуқуқ нормаларига тўла риоя қилинган ҳолда муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажаришдан сақланиш ва бажарилган ҳаракатларнинг ҳақиқий миқдори ўртасидаги тўла мутаносибликка эришилганликни билдиради. Жумладан, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини тартибга солувчи нормаларга биноан фуқаролар шундай фаолият билан шуғулланишдан олдин: *биринчидан*, бунга рухсат олишлари; *иккинчидан*, шундай фаолият билан шуғулланишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни олиш учун давлат божи тўлашлари; *учинчидан*, рўйхатга олиш гувоҳномасини олишлари ёки; *тўртинчидан*, патент олишлари керак бўлади.

Унинг ўрнини босувчи бирон-бир ҳаракат эмас, балки фақат ана шу ҳаракат (ёки ҳаракатларни) тўлалигича бажарганлик қонун талаблари амалга оширилганлигини билдиради.

Қонун чиқарувчи интиланган ва унинг фикрига кўра бирон-бир фойдали мақсадга олиб келиши керак бўлган натижа келиб чиққандагина, ҳуқуқни амалга оширишга эришилган деб ҳисобланади. Охириги натижага эришиш (масалан, қандайдир сўзларни ёки хизмат кўрсатишни яхшилаш) ҳуқуқни амалга ошириш доирасидан четга чиқади. Юристларни эса қонун талаблари доирасидаги ҳаракатларгина қизиқтиради ҳолос.

## **2-§. Ҳуқуқни амалга ошириш жараёнининг объектив ва субъектив томонлари**

Ҳуқуқни амалга ошириш муайян бир жараён сифатида объектив ва субъектив томонлари билан ифодаланиши мумкин.

Объектив томонидан у муайян воситалар орқали, маълум тартибда, муайян вақт мобайнида ва тегишли жойларда ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган ҳуқуқий ҳаракатларни содир этишдан иборат.

Ҳуқуқни амалга оширишнинг субъектив томони, субъектнинг амалга оширадиган ҳуқуқий талабларга бўлган руҳий муносабатида ва бажариши керак бўлган ҳаракатни амалга ошириш вақтидаги унинг қарашларида ифодаланади. Субъект ҳуқуқнинг амалга оширилишидан манфаатдор бўлиши ёки жамият ижтимоий онгида шакллانган ҳуқуқий бурчни амалга ошириши ёки салбий оқибатидан қўрқиши мумкин. Аммо бу жараёндаги бош масала ҳаракатнинг мазмуни, уларни

содир қилишнинг шартлари, жойи ва вақтига жуда аниқ риоя қилишдан иборат.

Агар мажбурий шартлардан бирортаси бажарилмаган бўлса, ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмайди.

Ҳуқуқнинг норматив талабларини ҳақиқий ҳуқуқий талаблар йўналишига ўтказишнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги охир оқибатда тегишли даражада унинг моддий базасини яратиш, илмий-техникавий ресурслар билан етарли даражада таъминланганлик, барқарор турмуш тарзининг ўрнатилганлиги, қулай моддий-сиёсий муҳитнинг яратилганлиги, ташкилий чоралар ва ҳоказолар билан бевосита боғлиқдир.

Шу билан барча ҳуқуқни амалга ошириш жараёнининг субъектив томони ва кишиларнинг эрки ва онгига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи воситалар катта аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқни амалга ошириш субъектив томонининг моҳияти шундаки, уни амалга ошириш кимга қаратилган бўлса, ўша шахс унинг талабига риоя қилишга мажбурдир. Агар шахс унинг талабларига бўйсунидан қатъий бош тортса, бу ҳеч қачон унинг хулқида ўз ифодасини топмайди. Шунинг учун ҳам давлат фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамоат вакиллари каби субъектларда ҳуқуққа бўлган эҳтиёжни шакллантириш, ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган ҳаракатларни бажариш ёки бажариш иштиёғини қўзғатиш учун бир қатор усуллардан фойдаланади.

### **3-§. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари**

Ҳуқуқни амалга ошириш турли шаклларда бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий актларда бўлган қоидаларнинг дара-

жасига кўра ҳуқуқни амалга оширишнинг учта шаклини кўрсатиш мумкин.

**Биринчи шакл**, қонунларнинг муқаддимасидаги умумий ўрнатилган қоидаларни амалга ошириш; ҳуқуқ ва ҳуқуқий фаолиятнинг умумий вазифалари ва принципларини белгиловчи моддалар қоидаларини амалга ошириш.

**Иккинчи шакл**, ҳуқуқий мақом ва ваколат белгиловчи умумий нормаларни (ҳуқуқий муносабатларсиз) амалга ошириш.

**Учинчи шакл**, муайян ҳуқуқий нормалар ва муайян ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш.

Субъекти бўйича ҳуқуқни амалга оширишни иккита шаклга бўлиш мумкин. Якка тартибда ва жамоат бўлиб ҳуқуқни амалга ошириш. Айрим талабларни бир-бири билан бирлаштирмасдан ҳуқуқнинг жамоа шаклдаги субъекти сифатида қатнашмасдан туриб, уни ҳаётга жорий қилишнинг иложи бўлмайди.

Ҳуқуқий жиҳатдан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг мазмунини ҳуқуқий нормаларнинг хусусиятига кўра тўртта шаклини кўрсатиши мумкин. Улар риоя қилиш, бажариш, фойдаланиш ва ҳуқуқни қўллаш шаклидир.

**Риоя қилиш** орқали тақиқловчи нормалар амалга оширилади. Амалга оширишнинг бу шакли тақиқланган ҳаракатларни содир қилишдан ўзини пассив ҳолатда сақлаб туришдан иборат.

**Бажариш** мажбуриятини юкловчи кўрсатмани ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқ изчил ҳаракатлар талаб этилади. Ҳуқуқни бажариш шахснинг ваколатини амалга оширишга қаратилган бўлади ва шунга кўра унинг хоҳишига қараб фаол ва пассив ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш турли ҳуқуқий актларни ўзида мужассамлаштирган комплекс ҳоқимият фаолияти бўлиб, ҳуқуқий нормаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳуқуқни амалга ошириш шаклларини таснифлаш, амалий жиҳатдан ҳуқуқий нормаларни тўғри амалга ошириш жараёнини ва қонун чиқарувчи томонидан қўйилган талабларнинг натижалари билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабдан ҳуқуқни амалга ошириш назариясини инкор қилиш ва ҳуқуқни қўллашнинг бошқа барча шакллари билан бирлаштириб юбориш тўғри бўлмайди.

#### **4-§. Ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш усуллари**

Тарихдан давлатнинг амрини фуқаро томонидан амалга оширишда мажбур қилиш воситаларининг икки тури маълум. Биринчиси, рағбатлантиришга ваъда бериш ва иккинчиси, жисмоний мажбур қилиш ёки бирон-бир имтиёздан маҳрум қилиш.

Ҳуқуқий давлатда жазолаш ва мажбурлов ҳаракатларининг миқёси жиддий ўзгаради. Ҳуқуқий кўрсатмаларни ўз-ўзидан амалга оширишнинг ўзига хос имкониятлари кенг очилади. Ҳуқуқнинг мақсади кишиларнинг кундалик ҳаётини эҳтиёжларини қондира боришдан иборат. Шунинг учун давлат иродаси билан ҳуқуқни амалга оширувчилар иродаси ўртасида принцип бир-бирига мос муносабатлар ўрнатилиши керак. Бундай шароитда аста-секинлик билан давлат томонидан келажакда кенг доирадаги махсус мажбурлов чораларининг қўлланишига ҳожат қолмайди, деган хулосага келиш мумкин. Ҳуқуқ мазмунининг ўзи кўпчилик фуқаролар томонидан ўз ихтиёрларига

кўра унинг талабларини бажаришларига шароит яратиб бериш керак.

Аммо ҳуқуқ нормасининг жамиятда ўзини ўзи таъминлаши масаласини соддалаштириб тушуниш тўғри бўлмайди. Бунда бир қатор давлатлар тараққиётининг айрим босқичларида маъмурий-буйруқбозлик, маъмурий-мажбурлаш, ўзини ўзи мажбур қилиш ва ҳатто қатагон қилиш усуллари-нинг кенг жорий қилинганлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқ нормаларини амалга оширишдан манфаатдорлиги айниқса, бошқаришга ҳуқуқ берувчи нормалар доирасида кўпроқ намоён бўлади; белгиланган доирадан четга чиқишни тақиқловчи, чекловчи ва мажбуриятлар юкловчи нормаларда янада аниқроқ кўринади. Давлат ҳуқуқ берувчи нормани амалга оширганликнинг ўзи учун рағбатлантирмайди. Бундан ташқари берилган ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечганлик учун улардан маҳрум қилиш билан ҳам таҳдид қилмайди. Ҳуқуқ берувчи нормаларнинг мазмунини ҳам уларни амалга оширувчилар қондиради. Ҳуқуқни амалга ошириш мақсад қилинган натижага олиб келади.

Мажбурият юкловчи нормаларни амалга оширишда кишиларнинг кучи сарфланади. Давлат буни қоплаш учун муайян имтиёзлар беришни ваъда қилади. Ўз мажбуриятларини мажбурлаш чоралари орқали бажаришга эришиш мумкин, бироқ бу ижрочилик иши сифатли бўлмайди. Жамиятнинг маълум доирасидаги кишилар мажбуриятларини ўзларининг ички ишончлари, ўз бурчларини ҳис қилган ҳолда бажарадилар.

Хуқуқий чеклашларни амалга ошириш кўпроқ ўрнатилган шундай қоидаларни бузганлик учун салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги билан қўрқитиш орқали таъминланади. Бундай оқибатлар озодликдан маҳрум қилиш, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хуқуқий нормаларни амалга ошириш жараёнини таъминлаш учун сиёсий (масалан, партиявий таъсир чоралари) ва ғоявий (масалан, тарғибот ишлари, ишонтириш, тарбия) усуллардан кенг фойдаланилади. Давлат хизматчилари ўзларига юклатилган юридик мажбуриятларини тегишли даражада бажарганликлари учун давлат уларга иш ҳақи тўлайди. Ўз мажбуриятларини бажармаганлик эса интизомий, ҳатто мансабидан бўшатишгача бўлган чораларнинг қўлланишига олиб келиши мумкин. Тақиқловчи қоидаларни бузганлик мансабдорлик жинойтини ёки маъмурий жазоланадиган ҳаракатни ташкил қилса, тегишли қонун санкциясининг қўлланишига сабаб бўлиши мумкин.

## **5-§. Хуқуқий нормаларни қўллаш тушуничаси**

Корхона бошлиғи фуқарони ишга қабул қилиш тўғрисида, олий ўқув юртининг ректори ёмон ўқийдиган талабани талабалар сафидан чиқариш ҳақида буйруқ беради, суд жинойтчига ҳукм чиқаради, денугатлар сессияда вазир тайинлаш учун овоз берадилар, Ҳарбий комиссарият усмирни армия сафига қақиради ва ҳоказо. Бундай ҳодисаларнинг барчаси учун умумин бўлган нарсанима? Буни билганлар учун оддийгина, бош қотирадиган жойни нуқ, барча юқориди айтилган

ҳаётий вазиятларда қонунларнинг қўлланиши назарда тутилади. Бундай ҳаракатлар ҳуқуқий нормаларни қўллаш деб номланади ва уларнинг жами устида гап кетганда ҳуқуқни қўллаш фаолияти тўғрисида, ҳуқуқни қўллаш тўғрисидаги масала тушунилади.

**Ҳуқуқий нормаларни қўллаш** — ҳокимият фаолиятидир. Агар фуқароларнинг айрим ҳаракатлари (ишга қабул қилиш тўғрисида ариза бериш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, қарор қабул қилиш ва ҳоказолар) тўғрисида гап кетганда давлатнинг ҳокимият ваколати этишмайди. Шунинг учун ҳам бу ерда фуқароларнинг асосий вазифаси ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ва уларга юклатилган вазифани ижро этишдан иборат жараён вужудга келади.

**Ҳуқуқни қўллаш фаолияти** — муайян бир ишни бажариш, ҳаётий ҳодисани ҳал этиш, муайян ҳуқуқий вазиятни ҳал қилишдан иборатдир. Булар қонуннинг, умумий ҳуқуқий нормаларнинг муайян шахсларга, муайян ҳолатларга «қўлланишидир». Ҳуқуқни қўллаш — ташкилий фаолиятдир. Ҳуқуқни қўлловчи шахслар ёки органларнинг ҳаракати одамлар ва уларнинг қонун доирасидаги ҳаракат йўналишини муайян йўлга солишдан иборатдир.

Қонунни ва бошқа ҳуқуқий нормаларни амалда қўллаш билан фақат бунга ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар шуғулланади. Улар ҳуқуқий нормани қўллашни фақат ўзларининг ваколатлари доирасидагина амалга оширадилар. Фақат алоҳида ҳолларда истисно тариқасида давлатнинг иродаси билан айрим қонунларнинг қўлланиши жамоат бирлашмаларига берил-

ган. Жумладан, касаба уюшмалари меҳнат қонунининг айрим нормаларини қўллайдилар.

«Қонунни қўллаш» тушунчасининг ўзида қонун талаблари мазмунининг қаңчалик аниқ ифодаланганлиги кўриниб туради.

Ҳуқуқий давлатда барча ҳолда қандай қонунлар қўлланади, қачон, ким томонидан нималарга асосан ва қандай ҳуқуқий шаклларда қўлланиши аниқ ва равшан бўлиши керак.

Шундай қилиб, давлат органларининг фаолияти ҳуқуқий нормаларда нималарни бажариш ва нималарни тақиқлашни белгилашнинг ўзи билан тугамайди. Кўп ҳолларда давлат ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва янгидан киришиш учун мажбурият юкловчи ва ҳуқуқ берувчи нормаларни амалга ошириш ваколатини, аммо энди умумий тарзда эмас, балки аниқ ижтимоий муносабатлар, ҳақиқий ишлар ва ҳаётий вазиятлар даражасида амалга ошириш учун ўзига қондиради. Бундай ҳолда ҳуқуқ нормасини амалга ошириш юклатилган субъектлар қонунда кўзга тутилган ўз ҳуқуқ ва мажбурият тартиби бунга ваколатли давлат органларининг вазифалидигисиз амалга ошира олмайдилар. Пенсия олиш, навбатдаги ҳарбий унвон олиш, ўзининг дам олиш ҳуқуқи (навбатдаги меҳнат таътили)ни, ҳоказе ҳуқуқларни амалга оширишни шундай ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш учун барча шароитлар мавжуд бўлишига қарамай, бунга ваколатли бўлган органларнинг қарорисиз амалга ошириш мумкин эмас. Бошқача айтганда, ҳуқуқий нормаларни қўллашнинг бир қисми ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни қўллаш фаолияти, ҳуқуқнинг қўлланиш актлари орқали амалга оширилади.

**Ҳуқуқни қўллаш** — ваколатли органлар ва шахс-

ларнинг ўз мақсадига кура ҳуқуқий нормалардан фойдаланадиган субъектларнинг уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишларида ёрдам кўрсатишга оид (шу жараёни назорат қилиш) ҳокимият ташкилий-фаолиятидир.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари одатда, бошқача тарздаги ҳуқуқни амалга ошириш, яъни ҳуқуқни ишлаб чиқиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифасини ҳам амалга оширади. Уларнинг айримлари — суд, ҳужалик суди ҳуқуқни ҳимоя қилишни фақат ҳуқуқни қўллаш орқали амалга оширади. Бошқалари масалан, ички ишлар органлари ўз вазифаларини асосан, ҳуқуқни муҳофиза қилиш шаклида бақаралар, ваҳоданки, бу ерда ҳуқуқни қўллаш улар фаолиятининг анчагина қисмини ташкил қилади. Бу ерда ички ишлар органларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ҳуқуқни қўллаш фаолияти мисол бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқни ва қонулни амалга оширишнинг йуналишига фақат қўллага ҳоллардагина ариштилади: *биринчидан*, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бор ёки йўқлиги, низо келиб чиққан тақдирда чораси туғрисида; *иккинчидан*, қимминедир ҳуқуқ ёки мажбуриятларнинг амалга бўлиш вақти ёки тамом бўлишини аниқлаш зарурати бўлганда; *учинчидан*, ҳуқуққа эга бўлиш ва мажбуриятлар юклигининг туғрилигини қонунда курсатилган доирала назорат қилиш зарурати келиб чиққан бўлса.

Ана шулардан биринчиси алоҳида тур ҳисобланиб, ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат қилганлик учун жазо белгилашни назарда тутаети. Бунда ҳуқуқни қўллаш субъектларининг вазифалари таъсир

кўрсатиш, ҳуқуқий нормаларни бажаришга мажбур қилиш, жавобгарлик юклашдан иборат.

## 6-§. Ҳуқуқий нормаларни қўллаш босқичлари

Ҳуқуқни қўллаш мобайнида комплекс ҳаракатларини бажариш жараёнида муайян тартибга риоя қилиш ҳуқуқни қўллашнинг учта босқичи тўғрисида сўз юритишга асос беради. **Биринчи босқич**, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тиклаш; **иккинчи босқич**, ишнинг юридик асосларини аниқлаш, **учинчи босқич** ишни ҳал қилиш.

Ҳуқуқ нормасини қўллаш жараёни бошлангичининг ягона ва бошлангич асоси уларда кўзда тутилган ҳолатнинг ҳақиқатдан юз берганлигидир. Шунинг учун ҳуқуқни қўллашнинг биринчи босқичи ҳолисда юридик фактлар ва турли юридик фактлар йиғиндиси таркибидан мавжудлигини аниқлашдир. Булар асосий фактлар ва юридик ишнинг ҳал қилиниши учун татаб қилинадиган оларли даражадаги асосий фактларни тасдиқловчи, исботловчи фактлардан иборат бўлиши мумкин.

Кўп ҳолларда аниқланиши керак бўлган ҳолатларнинг доираси қонуннинг узида кўрсатиб қўйилади. Жумладан, Жиноят-процессуал қонунда мувофиқ сурштирув олиб бориш, дастлабки тергов ва жиноят ишини судга муҳокама қилишда *биринчидан*, жиноят ҳолисаси (жиноят содир қилиш вақти, жойи, усули ва бошқа ҳолатлари); *иккинчидан*, айбланувчининг айбдорлиги ва жиноятнинг мотиви; *учинчидан*, айбланувчининг жавобгарлиги даражаси ва характерига таъсир қилувчи, ҳолатлар ҳамда унинг шахсини ифодаловчи ҳолатлар; *тўртинчидан*, жиноят натижа-

сида келтирилган зарарнинг хусусияти ва миқдори; *бешинчидан*, жиноятнинг содир қилинишига олиб келган ҳолатлар аниқланган ва исботланган бўлиши керак.

Булардан ташқари қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини, шахснинг айбдорлиги ва шуларга доир ҳал қилиш керак бўлган барча ҳақиқий маълумотлар аниқланган бўлиши керак.

Далиллар тўплаш ва фактларни аниқлаш кўп ҳолларда бошқа бир шахсларнинг иши, иш бўйича қарор қилиш эса бошқа бир кишининг иши ҳисобланади. Аммо бундай ҳолда ҳуқуқни қўлловчи орган аниқланган фактларнинг етарли эканлигига ва уларнинг асослантирилганлигига ишонч ҳосил қилишга мажбурдир. Айблаш хулосасини тасдиқлаётган прокурор ҳам, жиноят ишини кўраётган судья ҳам, ҳодимни мукофотлаш тўғрисида буйруқ чиқараётган ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ҳам ўз мажбуриятларига тақдим қилинган маълумотларга енгилтаклик билан юзакли қарамастлиги керак.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг дастлабки босқичида фактик жиҳатдан объектив ҳақиқатга эришиш мақсад қилинади. Шундан учун қонунчиликда ҳуқуқни қўллаш жараёнида қайд этилган ҳолатларнинг қайси бирини исботлаш керак, қайси бирида исбот талаб қилинмайди (ҳаммага маълум ҳуқуқий презумпция), қандай фактлар қатъий муайян воситалар орқали (масалан, экспертиза орқали) исботланиши кераклигига алоҳида аҳамият берилади. Далилларни қатъий баҳолани доимо ҳуқуқни қўлловчининг вазифасига киради.

Ҳуқуқни қўллашнинг иккинчи босқичи ишнинг юридик асосларини аниқлаш бўлиб, унга:

қўллаш учун зарур бўлган нормани топиш (аниқлаш); изланган нормадаги ҳужжат матнининг тўғрилигини текшириб кўриш. норманинг ҳақиқийлигини, унинг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиш кучини ва қўлланадиган шахслар доирасини текшириб кўриш; норма мазмунини аниқлаб олиш кабилар киреди.

Бу кўрсатилганларнинг барчаси қонунийликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Уларнинг барчаси бир мақсадга йўналтирилган; аниқланган фактларни тўғри таснифлаш учун хизмат қилади ва шунинг учун бир босқичга бирлаштирилган. Улар аслида ўз мазмунига кўра ўзидан олдинги босқич билан боғланиб кетади ва унинг давоми ҳисобланади. Айниқса, ҳуқуқни қўлловчи аниқланган фактга нисбатан қўлланиши керак бўлган нормани топа олмаган вазият ҳақида алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Бунда энг камида икки йўлини айтиш керак; қонун чиқарувчи шундай ҳолатнинг тартибга солинишини зарур деб ҳисобламайди ва шундай ҳолат бўйича юридик характердаги бирон-бир қарор қабул қилишни лозим топмайди ёки қонундаги бўшлиқ бўлиб қолаверади.

Ҳуқуқни қўллаш жараёни ҳуқуқни қўллаш акти чиқариш орқали ишнинг ҳал қилиниши билан якунланади. Ишни ҳал қилиш ҳақиқий ҳолатлар ва юридик нормаларнинг қўлланиши туфайли етилган иш юзасидан ўзига хос интеллектуал жараён сифатида муайян ҳулоса чиқаришдан иборатдир. У ишнинг тақдирини белгилайди. Ишни ҳал қилишнинг моҳияти ҳаётий ҳолатларни ҳуқуқ нормасининг умумий шартлари асосида ҳулоса чиқаришнинг ўзи билан чекланмайдиган ижодий фаолиятдир. Бу ерда ишнинг натижаси учун

хуқуқни қўлловчининг жавобгарлиги ҳам ётади. Юридик ишни ҳал қилиш, хуқуқ қоидаларини ишлаб чиқиш актларига нисбатан бўйсунмиш муносабатида бўлади ва юридик ишни ҳал қилиш хуқуқини қўлловчи актларида қайд этилади. Улар хуқуқий нормаларга асосланади.

## 7-§. Хуқуқдаги бўшлиқ тушунчаси

**Хуқуқдаги бўшлиқ** — бу ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш талабларига ва ишни амалий жиҳатдан ҳал қилиш зарурлигида ифодаланган асосий принципларда, сиёсатда, амалдаги қонуннинг моҳияти ва мазмуни жиҳатидан ҳамда давлатнинг хуқуқий таъсир кўрсатиш соҳасига йўналтирилган ҳаётий фактларни тартибга солувчи иродасини бошқача тарзда ифодалаш учун хуқуқ нормасининг бутунлай ёки қисман йўқлигидир.

Жиноят ва жиноят процессуал кодексларида мустаҳкамлаб қўйилгандек, «Жиноят бўлмаган жойда жазо ҳам йўқ, ножўя ҳаракат йўқ жойда таъсир чораси ҳам йўқ, қонун йўқ жойда жазо ҳам, таъсир чораси ҳам йўқ» — деган принциpga асосланилади. Амалиётда ана шундай вазиятда иш кўзгатиш рад қилинади, оқлов қарори чиқарилади.

Жиноий ёки маъмурий жазоланмайдиган ҳаракат деб қисобланмайдиган қилмишларга нисбатан бошқача қоидалар амалда бўлади. Фуқаролик қонунини фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятларининг пайдо бўлишини бевосита фуқаролик қонунининг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиқиши мумкинлигига йўл қўяди. Шундай қилиб аниқ бир қонуннинг йўқлигига

ҳавола қилиб, одил судловдан воз кечиш мумкин эмас. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича низоларни ҳал қилишда қонундаги бўшлиқ ва камчиликлар қонун аналогияси ёки ҳуқуқ аналогияси орқали тўлдирилиши мумкин.

## 8-§. Қонун ва ҳуқуқ аналогияси

**Қонун аналогияси** деганда, кўрилаётган муайян ишни алоҳида қонун нормаси йўқлиги туфайли шунга ўхшаш бўлган муносабатни тартибга солувчи қонунга асосланиб туриб ҳал қилиш тушунилади.

**Ҳуқуқ аналогияси** — муайян ишни ҳуқуқий тизимнинг умумий асослари ва мазмунига қараб ҳал қилишдир.

Фикримизча, жиноят ҳуқуқида аналогиядан умуман фойдаланилмайди деб ҳисоблаш унчалик тўғри эмас. Агар қонунда у ёки бу масалани старли даражада тўла тартибга солувчи норма кўрсатилмаган бўлса, жиноят ҳуқуқининг умумий қисмидаги кўпгина нормаларни аналогия сифатида қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Қонунийлик аналогиядан фойдаланишида бир қатор талаблар қўяди.

*Биринчидан*, аналогиядан фойдаланиш фақат ушбу муаммони ҳал қилиш учун қонунда шундай норманинг умуман йўқлиги ёки қонун нормасининг тўла бўлмаганлигига;

*иккинчидан*, таҳлил қилинаётган ҳолатнинг ҳуқуқ нормасида кўзда тутилган ҳолат билан жуда ўхшашини ва ҳуқуқий белгиларини ҳам тенг бўлишини керак:

*учинчидан*, агар улар қонун билан умуман таққиланган бўлса, ёки қонун оқибат келиб чиқишини муайян оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлаган бўлса, аналогия бўйича хулоса қилиниши мумкин эмас;

*тўртинчидан*, ўзига хос нормалар ва умумий қонуннинг қоидаларига кўра нормалар, кўрилатган ҳолат ҳам ўзига хос бўлган тақдирдагина эътиборга олиниши мумкин;

*бешинчидан*, аналогиядан фойдаланиш мобайнида ишлаб чиқилган ҳуқуқий қоида қонуннинг бирорта ҳам қоидасига зид бўлмаслиги керак;

*олтинчидан*, аналогия бўйича ишни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин бўлган нормани энг аввало, шу қонуннинг ўзидан, агарда унда бўлмаса, бошқа тармоқдаги қонундан ёки умуман қонунлардан қидириш керак.

## **9-§. Ҳуқуқни қўллаш акти тушунчаси ва самарадорлиги**

**Ҳуқуқни қўллаш акти** — бу муайян иш бўйича ваколатли субъект томонидан аниқ юридик иш бўйича амалга ошириладиган субъектив ҳуқуқ ёки юридик мажбуриятлари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида ва тегишли ҳуқуқ нормалари асосида уларни норматив амалга ошириш чорасини белгилашга оид, давлат ҳокимиятнинг яқка тартибдаги — муайян актидир.

Ҳуқуқни қўллаш актлари қўлланиш аҳамиятига, ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир қилиш механизмининг зарурлиги ва фойдалилигига кўра мустақил аҳамиятга эга. Улар ҳуқуқий норматив актлар билан биргаликда

муайян ижтимоий мақсадларни амалга ошириш билан ҳам ифодаланади. Ҳуқуқни қўллаш мақсадига эришишнинг натижадорлиги унинг самарадорлигидан далолат беради. Бу самарадорлик анча юқори даражада, ўртача даражада, кам самарали, паст даражада бўлиши мумкин. Ҳуқуқни қўллаш актининг самарадорлигини аниқлаш, бу акт, мақсадининг натижадорлигининг четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ҳаракатлар ўлчами билан тавсифланади ва унинг бутун мақсадини аниқлашдек мураккаб иш билан боғлиқдир.

Ҳуқуқни қўллаш актининг самарадорлиги шундаки, улар ижтимоий таъсир (шу жумладан ҳуқуқий) қилишнинг бошқа воситалари билан биргаликда (шу жумладан норматив характердаги) муайян натижаларга олиб келганлигида ифодаланади.

Аммо ҳуқуқни қўллаш актларининг самарадорлигини энг аввало, уларнинг ўз мақсадларини бажарганлигида, одамлар ҳулқиға таъсир қила олиш воситаларининг умумий тизимида, ўзининг вазифасини қай даражада бажарганлигида кўриш керак.

Жамият учун энг кам миқдорда зарар етказилган ҳолда, кам иқтисодий харажатлар билан қисқа вақт ичида унинг барча яқин ва келажакдаги мақсадига эришилгандагина ҳуқуқни қўллаш актларининг сўнгги натижасига, унинг тўла самарадорлигига эришилган деб ҳисобланади.

Ҳуқуқий актларнинг самарадорлигини моддий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий, ташкилий ва юридик воситалар орқали амалга ошириш воситалари мавжуд.

## 29-боб. ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ

1-§. Ҳуқуқни шарҳлаш тушунчаси.

2-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг асосий усуллари.

3-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари.

4-§. Ҳуқуқни ҳажм жиҳатидан шарҳлаш.

### 1-§. Ҳуқуқни шарҳлаш тушунчаси

Ҳуқуқни шарҳлаш мавзуси юридик фанларда алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга, шарҳлаш фақат юридик фанларга тегишли бўлмай, ёзма манбалар билан ишлайдиган барча фанларда ҳам учрайди. Шарҳлашнинг тарихий, филологик, адабиётшунослик ва бошқа ижтимоий фанлардаги билиш ва талқин қилиш жараёни сифатида тутган ўрни беқийёсдир. Ушбу масала ҳозир ҳам катта мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан асосий нуқтан назарларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

*биринчидан*, шарҳлаш — ҳуқуқнинг маъносини аниқлаб беришдир;

*иккинчидан*, шарҳлаш — ҳуқуқнинг маъносини тушунтириб беришдир;

*учинчидан*, шарҳлаш — ҳуқуқнинг маъносини ҳам аниқлаб, ҳам тушунтириб беришдир.

Фикримизча, шарҳлаш ҳуқуқнинг мазмунини ҳам аниқлайди, ҳам тушунтиради деган фикр тўғри. Дастлабки икки фикр ўзининг тўлиқ эмаслиги, бир тарафлама эканлиги ва ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини очувчи кўп қиррали фаолиятни ўз ичига киритмаслиги билан ажралиб туради.

Шарҳлаш — ҳуқуқнинг мазмунини аниқлашдир, деб ҳисоблаш — ҳуқуқни тушунтириб бериш каби махсус фаолиятни инкор этишдир. Шунингдек, шарҳлашни фақат ҳуқуқнинг мазмунини ту-

шунтириб бериш, деб ҳисоблаш, ҳар қандай тушунтиришга тааллуқли бўлган фикрлаш ва билиш жараёнларини инкор этишдир. Бирор нарсанинг мазмунини бошқаларга тушунтириб беришдан аввал, унинг ўзини яхшилаб тушуниб олмоқ керак. Шунинг учун «аниқлаш» ва «тушунтириш» — ҳуқуқни шарҳлаш жараёнининг ўзаро боғлиқ икки томонидир.

«Шарҳлаш» ибораси лотинча «интерпретация» тушунчасига тўғри келади. Ҳуқуқни шарҳлаш билан шуғулланувчи шахс эса шарҳловчи деб юри-тилади.

Шарҳлашнинг биринчи белгисини «аниқлаш» дейиш мумкин. Шундай қилиб, шарҳлаш норма-тив ақлларида белгиланган ибора ва атамаларнинг аҳамияти ва мазмунини аниқлаш орқали ҳуқуқ нор-маларининг мазмунини аниқлаб олишдир. «Шарҳ-лаш — аниқлаш» шарҳчининг онгидан ташқарига чиқмайдиган билиш жараёнини ифода этади. У шарҳлашнинг билиш табиатини кўрсатади.

*Ҳуқуқни шарҳлаш — унинг мазмуни, мақсади, ижтимоий вазифаси, амалий аҳамиятини аниқлаш ва тушунтириб беришдир.*

Шарҳлаш ҳуқуқнинг мазмунини билиш ва ту-шунтириб бериш сифатида барча ҳуқуқий тизим-ларнинг вужудга келиши ва ривожланишини ку-затиб боради. У ҳуқуқнинг моҳияти каби, маълум даражада ижтимоий-сиёсий йўналишга ҳам эга. Демократик жамиятда ҳуқуқни шарҳлаш ҳуқуқий нормаларнинг тўғри ва аниқ талқин қилиниши-ни таъминлашга хизмат қилди.

Ҳуқуқнинг мазмунини аниқлаш шарҳлашнинг маҳсуус усул ва йўллари қўллаш орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий нормаларни аниқлаш шарҳ-ловчининг ижодкорлигини ва маънавий фаолли-

гини талаб қилади. Шарҳлашнинг муваффақиятли ҳал этилиши шарҳлашни амалга ошираётган субъектларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Ҳуқуқни билиш қанчалик тўғри, тўлиқ ва юридик аниқ бўлса, ҳуқуқни қўллаш шунчалик самарали бўлади.

Тарихий нуқтаи назардан ҳуқуқшунослик фанига мансуб бўлган ҳуқуқ нормаларининг ҳаммаси ҳам шарҳлашга муҳтожми ёки фақат тушунар-сиз бўлган, «яширин нормалар» деб аталадиган нормаларгина шарҳлашга муҳтожми деган савол туғилади? Шарҳлаш қонунларнинг ноаниқлигига боғлиқ: у ноаниқликдан пайдо бўлади, ноаниқлик қанчалик кучли бўлса, қийинчилик ҳам ўсиб боради. Фақат ноаниқ қонун эмас, балки ҳар қандай қонун шарҳлашга мансуб.

Замонавий юридик адабиётларда барча нормалар шарҳлаш-аниқлашга тегишли, лекин уларни тушуниб олиш даражаси муайян шахсларнинг ҳуқуқий онига боғлиқ, деган фикр ҳукмронлик қилади.

Ҳақиқатан ҳам юристнинг умумий билимдонлиги, юқори даражадаги касбий тайёргарлиги, шахсий маҳоратининг юқори эканлиги унга қонунларни тез ва тўғри тушуниб олишга ёрдам беради. Субъектнинг ҳуқуқ нормалари мазмунини билишдаги умумий ва ҳуқуқий маданиятининг пастлиги эса тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

«Шарҳлаш — тушунтириш» ўрганилган ҳуқуқ мазмунини баён қилиш ва бошқа шахсларга маълум қилиш фаолиятидир. Бу фаолият шарҳловчи шахс «ўзи учун» ҳуқуқ мазмунини аниқлаб олганидан кейингина амалга оширилиши мумкин. Тушунтириш, *биринчидан*, изоҳлашнинг ақлий

жараёни сифатида, *иккинчидан* актни (қарор, тушунтириш, йўриқнома ва ҳ.к.) шарҳлаш кўринишида намоён бўлади. У тил элементлари бўлмиш мулоҳаза қилиш, тушунча, хулоса чиқариш шаклларида келиб чиққан фаолиятни ёритади. Тушунтиришнинг мақсади — изоҳланаётган нормаларнинг мазмунини асослаб бериш, ҳуқуқий талабларни конкретлаштириш, қўшимча аниқликлар киритиш йўли билан уларнинг мазмунини оғзаки ёки ёзма очиб беришдан иборат.

Тушунтириш оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин, лекин ташқи кўринишидан қатъи назар, у ҳуқуқий нормаларни мазмунига кўра муҳокама қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Бу муҳокама ва баҳолашлар шарҳланаётган нормаларнинг мазмунига қўшимча аниқликлар киритишнинг асосий усулидир. Юрист-амалиётчилар давлат органлари томонидан чиқарилган шарҳлаш актларидан тез-тез фойдаланиб турадилар. Алоҳида органлар томонидан чиқариладиган бу турдаги тушунтиришларнинг юридик хусусиятларини билиш, уларни тўғри қўллашнинг шарти ҳисобланади.

Шундай қилиб, **ҳуқуқни шарҳлаш** — уларни *тўғри қўллаш мақсадида ҳуқуқ нормалари мазмунини аниқлаш ва тушунтиришдан иборат ақлий фаолиятдир.*

## **2-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг асосий усуллари**

**Ҳуқуқни шарҳлашнинг усули** — субъект томонидан ҳуқуқий кўрсатмаларга биноан аниқликка эришиш мақсадида онга ёки ҳиссиётга асосланган равишда ҳуқуқ нормаларининг мазмунини билишнинг махсус йўлларидир. Давлат ва ҳуқуқ на-

зариясида «шарҳлашнинг усули» ва «шарҳлашнинг йўллари» тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. **Шарҳлаш усули** — билишнинг махсус техник усуллари ва йўлларини ўз ичига олувчи кенгроқ тушунчадир.

Ўз навбатида, «шарҳлашнинг йўллари» атамаси шарҳловчи шахснинг билиш борасидаги муайян ва фикрлаш ҳаракатларини тушунтириб беради. Таққослаш, қиёслаш, бор билимлардан бошқасини ажратиш ва бошқалар ҳам шундай ҳисобланади.

Ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқни шарҳлаш усулларининг сони ва номлари масаласи мунозарали ҳисобланади. Турли хил дарсликлар ва монографияларда ҳуқуқни шарҳлашнинг қуйидаги усуллари кўрсатилади: 1) грамматик; 2) филологик; 3) тарихий; 4) функционал; 5) тилга оид; 6) мантиқий-тизимли ва ҳ.к. Булардан баъзилари маъно жиҳатидан бир хил аҳамиятга эга. Масалан, тилга оид, грамматик, филологик усуллар турли хил номлансада, бир усулни назарда тутлади.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқни шарҳлаш усуллари ҳуқуқ соҳасига мансуб фаолиятнинг асосий соҳаларини белгилаб беради.

Улар қуйидагилардан иборат:

*биринчидан*, ҳуқуқий фармойишларнинг асосий турлари;

*иккинчидан*, ҳуқуқ тилининг ўзига хос хусусияти;

*учинчидан*, ҳуқуқий муносабатлар;

*тўртинчидан*, ҳуқуқий оғ.

Шундай қилиб, шарҳлашнинг конкрет усулини танлаш ва ундан фойдаланиш, шарҳ берувчининг ҳуқуқий фаолиятни билиши хусусиятига ва

мақсадига (қонун матни, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий ғоя ва ҳ.к.) асосланади.

Фикримизча, ҳуқуқни шарҳлашнинг асосий усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) тизимли;
- 2) филологик;
- 3) тарихий-сиёсий;
- 4) мантиқий.

**Ҳуқуқни шарҳлашнинг тизимли усули** — ҳуқуқий нормани бошқа нормалар билан таққослаш, унинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги, норматив ҳужжатдаги, ҳуқуқ тармоғи ёки тизимидаги ўрнини аниқлашдан иборат. Тизимли шарҳлаш ёрдамида нормалар ва ҳужжатлар ўртасидаги зиддият (коллизия)лар аниқланади ҳамда бар-тараф этилади.

Бунинг учун қуйидаги махсус қоидалардан фойдаланилади:

*биринчидан*, агар турли хил органлар томонидан чиқарилган ҳуқуқий нормаларнинг қарама-қаршилиги аниқланса, юқори турувчи органларнинг нормасига асосланиш лозим;

*иккинчидан*, агар бир органнинг икки нормаси бир-бирига зидлиги аниқланса, у ҳолда норма қабул қилинган вақтга кўра, кейинги қабул қилинган нормага асосланиш лозим.

Ҳуқуқни қўлловчи шахс ҳуқуқбузарлик ҳолатини квалификация қилишда ҳуқуқий нормаларни ўзаро таққослашга, қонунда тилга олинган норматив материални қидиришга ва ҳ.к.га мажбур бўлади.

**Шарҳлашнинг филологик усулини** — юридик адабиётларда кўпинча грамматик ёки тилга оид усул деб ҳам аташади. Унинг хусусияти ҳуқуқий

норманинг мазмунини аниқлашда қонун матнини ёки бошқа норматив ҳужжатни грамматик таҳлил воситалари билан аниқлашда ифодаланади. Кундалик ҳаётда бу ҳуқуқий қондани билишнинг энг кўп учрайдиган кўриниши ҳисобланади. Одатда, амалдаги қонунчилик билан танишиш жараёни шу билан бошланади.

Филологик шарҳлаш мазмунидан ҳуқуқшуноснинг фикрлаш операциялари мажмуаси келиб чиқади. Бундан эса ёзма нутқни грамматик таҳлил қилиш натижасида қонун ёки қонунлар ўртасида мавжуд бўлиши эҳтимол тутилган қарама-қаршиликларни, алоҳида сўзлар ёки бутун матнининг аҳамиятини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда бовловчи, қўшимча, вергул, нуқта ва ҳ.к.ларнинг роли аниқланади.

Ҳуқуқий нормаларнинг танқид қилиши, яъни норманинг ҳуқуқшуносга тегишли эканлиги ва унинг ҳақиқийлигини текшириши филологик шарҳлашнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, нормани танқид қилиш унинг ҳақиқийлигини ва мажбурийлигини белгилаб беради. Норма матнини грамматик жиҳатдан текшириб чиқиш эса унинг ички мазмунини шарҳлашни билдиради. Айтиб ўтганимиздек, қонун матнидаги ноаниқликлар, айрим ҳолларда, махсус атамаларни қўллаш натижаси ҳисобланади. Шунинг учун нормани огзаки ва ёзма таҳлил қилишда сўзлар оддий ва муҳимлик маъносида асосий ва кўчирма маънода, кенг ва тор маънода, оддий ва техник маънода ишлатилиши мумкинлигини эса сақлаш лозим.

**Шарҳлашнинг тарихий-сиёсий усули** — ҳуқуқий норманинг мазмунини аниқлайдиган икки ҳолатни бирлаштиради. Булар норматив ҳужжатнинг

тарихий келиб чиқиш шартлари ва ҳуқуқий ҳужжатни чиқариш билан ҳуқуқшуноснинг ўз олдига қўйган ижтимоий-сиёсий мақсадларидир. Ўз навбатида, тарихий-сиёсий шарҳнинг мазмуни ҳуқуқий норма маъносининг қабул қилиниши тарихига мурожаат қилиш орқали, унинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимига киритилишидан кўзланган мақсадни аниқлайди. Умуман ҳуқуқ сингари нормалар ҳам вужудга келишда турли хил ижтимоий-иқтисодий омилларга асосланган. Бу омилларни чуқур ўрганиш зарур. Уларни ўрганиш қонунчиликнинг мазмунини англашга имкон беради.

Шарҳлашнинг тарихий-сиёсий усулида норматив ҳужжатнинг матни билан бирга тарихий ҳужжатлар, норматив ҳужжатлар лойиҳасининг муҳокама қилиниши ва қабул қилиниши материаллари, бундай ҳужжатлар чиқарилиши вақтидаги урф-одатлар, юридик амалиётнинг илмий шарҳлари ва ҳ.к.лар каби қўшимча манбаларидан фойдаланилади. Шарҳловчи ҳаёлан ҳуқуқий норманинг ҳаётга кириб келишига сабаб бўлган шароитларга қайтиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳитни ўрганиб чиқади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари учун тарихий-сиёсий шарҳлаш жуда муҳим. Чунки айнан шу фаолият давлат манфаатлари ва уларни ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам қонунчиликнинг сиёсий мақсадини тушуниш, унинг тарихини билиш ишнинг сифатли ва бир мақсадга қаратилган бўлишига ёрдам беради. Шарҳлашнинг тарихий-сиёсий усули, масалан, маъмурий, фуқаролик ёки интизомий ҳуқуқбузарлик чегарасида бўлган жиноят ишларини текширишда ва терговчи ишни вояга

етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга беришга ҳақли ҳолатларда катта аҳамият касб этади. Терговчи ҳуқуқбузарликнинг таркибини таҳлил қилиб ва ҳуқуқий сиёсатнинг замонавий талабларини ҳисобга олиб, иш бўйича қонунлар доирасида мақсадга мувофиқ қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Шу билан у ҳуқуқий норманинг мақсадга эришишини таъминлайди.

**Ҳуқуқни шарҳлашнинг мантиқий усули** — ҳуқуқий ҳолатларни билишда формал ва диалектик мантиқ воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Бунда, филологик шарҳлашдан фарқли равишда, алоҳида сўзлар эмас, балки норматив ҳужжат ички қисмларининг ўзаро алоқадорлиги изланиш объекти бўлиб ҳисобланади. Бу ерда мантиқий қонуният, принциплар ва категориялар грамматик таҳлил воситалари билан бирга мустақил равишда ишлатилади.

Мантиқий шарҳлаш усулининг мустақиллигини эътироф этиш учун юридик адабиётларда, тўғри фикрлаш ҳар доим мантиқий фикрлашдир, мантиқ воситалари эса шарҳлашнинг ҳамма усулларида ишлатилади дейилади. Бундай муносабат грамматик ва мантиқий ўхшашликка асосланган. Грамматика ва мантиқ ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик бор. Шунга қарамай, улар доимо билимнинг икки тармоғини намоян қилади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги органлари фойдаланадиган қонунчилик техникасининг ўзига хос хусусиятлари кўпинча ҳуқуқий қоидаларнинг мантиқий гузилишида шундай акс этадики, қонун мазмунини тўғри аниқлаб олиш учун ҳужжат матнини маълум даражада ҳаслан қайта гузиш зарур бўлади. Масалан, Жиноят кодексида «қасддан одам ўлдириш... жазоланади» — дейилади. Қонун-

шунос бу ерда одам ўлдирининг ўзини эмас, балки уни содир қилган шахсни жазолашни назарда тутганлиги ўз-ўзидан маълум.

Ҳуқуқий нормаларнинг таркибий қисмлари — гипотеза, диспозиция ва санкциядир. Улар ҳуқуқшунос томонидан фикрни ифодалашда лўндалик, қулайликка ривоя қилишни талаб этади, бошқа моддалар ёки норматив ҳужжатларни тушунишга ёрдам беради.

Жиноят кодекси махсус қисмининг аксарият моддалари шу принципда тузилган. Шунинг учун Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаларини ҳар доим хаёлан мантиқан қайта тузишга тўғри келади.

### **3-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари**

Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари тўғрисидаги масала ҳуқуқни тушунтириш фаолиятининг натижалари ва шарҳлаш ҳужжатларининг юридик табиатига оид масалалар жумласига киради. Гап шундаки, ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тушунтиришнинг муайян натижалари шарҳловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Уларнинг амалиёт учун юридик аҳамияти шарҳлаш субъектларининг вазифаларидан келиб чиқади.

Ўзбекистонда ҳуқуқни шарҳлаш билан қуйидаги органлар шуғулланади:

- 1) давлат ҳокимияти органлари;
- 2) давлат бошқарув органлари;
- 3) суд, прокуратура, ички ишлар вазирлиги, хўжалик судлари;
- 4) жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари;
- 5) якка шахслар.

Ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатлари турли юридик кучга, амалий аҳамиятга, юридик хусусиятлар деб номланган хусусиятларга эга мураккаб, кўп қирралидир. Ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжати — амалиётда ҳуқуқий нормаларни қўллаш ва етарлича тушунтирувчи ҳужжатдир.

Субъектларига кўра ҳуқуқни шарҳлашни икки асосий турга, ҳужжаларни эса икки гуруҳга ажратиш мумкин:

*биринчидан*, расмий шарҳлаш;

*иккинчидан*, норасмий шарҳлаш.

**Расмий шарҳлаш** давлат ҳокимияти органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқ нормаларининг мазмунини тушунтиришни ва бу нормалар ўзаро муносабатларини тартибга солаётган барча субъектлар учун мажбурий эканлигини аке эттиради. Расмий шарҳлаш айрим ҳолларда легал деб аталади, яъни қонуний равишда мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳуқуқни расмий шарҳлаш билан қуйидаги органлар шуғулланадилар: юқори вакиллик органлари, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, алоҳида вазирликлар ва давлат қўмиталари, Конституциявий Суд, Олий Суд, Олий ҳўжалик суди.

Расмий шарҳлашнинг махсус кўринишларидан бири аутентик шарҳлаш, яъни ҳуқуқий нормани илгари ўрнатган орган томонидан тушунтиришидир. Аутентик — ҳақиқийликни, дастлабки манбаларга асосланганликни назарда тутати.

Казус — ҳодиса, ҳаётий факт ва казуал шарҳлаш — аниқ бир оддий кундалик ҳодисага қўлланадиган тушунтиришидир. Кўпинча бу ҳуқуқни шундай шарҳлашки, бунда суд ва бошқа ваколатли органларга шароит ва шахсларга нисбатан кўрилаётган ва ҳал қилинаётган юридик ишлар-

да берилади. Ҳуқуқни умумлаштириб бўлмайди-  
ган шарҳлаш актлари бир маротабалик аҳамият-  
га эга, лекин жиддий ишлар юзасидан қилинган-  
нида, айниқса, ҳуқуқдаги нуқсонлар мавжуд бўл-  
ганида ўрнак бўлувчи шарҳлаш аҳамиятига эга  
бўлади. Бу тушунчанинг юридик табиати жуда  
қизиқ ва мустақил ёритишни талаб қилади.

**Прецедент шарҳлар** — бу ҳуқуқни қўллаш амали-  
ётининг ишлаб чиққан намунаси бўлиб, юри-  
дик амалиётда манзур бўлган ва аниқ бир юри-  
дик ишни кўришда мужассамлашган ҳуқуқий  
нормаларни тушуниш ва татбиқ этишни талаб  
қиладиган намунадир.

Бундай ҳуқуқни тушуниш ва татбиқ этиш «на-  
муналари» одатда ҳуқуқий квалификация қилиш  
масалалари бўйича муҳим маълумотлар сифати-  
да махсус юридик журналларда чоп этилади.

**Норасмий шарҳлаш** ҳуқуқ мазмунини шундай  
шарҳлашни назарда туталики, бунда шарҳлаш  
махсус ваколат берилмаган органлар ва шахслар  
томонидан амалга оширилади ва мажбурий ха-  
рактерга эга бўлмайди, юридик оқибатларга са-  
баб бўлмайди ва у адвокатлар, олимлар, алоҳида  
шахслар томонидан ўтказилади. Унинг аҳамияти  
субъектларнинг обрўси, уларнинг махсус билим-  
лари ва шарҳлаш амалга ошириладиган шаклнинг  
асослантирилганлиги билан белгиланади. Мажбу-  
рий ҳисобланмай, яъни юридик кучга эга бўлмай  
ҳам норасмий шарҳлаш ижтимоий ва алоҳида  
ҳуқуқий онгнинг ўсишига, муайян субъектлар-  
нинг хулқлари такомиллашишига катта ёрдам бе-  
ради. Бунга мисол юрист-олимлар томонидан  
ишлаб чиқиладиган терговчи ва судьялар ўргаси-  
да махсус обрў қозонадиган кодексларга берила-  
диган шарҳлар бўлиши керак.

Ҳуқуқни норасмий шарҳлаш доктринал ва кундалик бўлиши керак. **Доктринал шарҳлаш** ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар томонидан амалга оширилади ва илмий характерга эга бўлади. Бу ҳуқуқшунос олимнинг мақола ва монографиялари, аҳоли олиндаги оғзаки чиқишлари бўлиши мумкин. Бундан тушунтиришларнинг алоҳида хусусиятлари — уларнинг илмий нуқтан назарга асосланган қағъийлигида ва ҳуқуқни шарҳлаётган шахснинг обрӯсида ифодалангани. Ушбу тушунтиришлар юрист амалиётчилар учун мажбурий ҳисобланмай ҳуқуқий нормаларни тушунишда ва қўлданга бир хилла ёзданишни таъкидлашда муҳим рол ўйнайди.

**Кундалик шарҳлаш** ҳуқуқий фаолият соҳасида мутахассис бўлмаган фуқаролар томонидан ҳуқуқни аниқлаш ва тушунтиришдир. Бу ҳуқуққа, одил судловга, қонунчиликка ва ҳ.к.га бўлган психологик мувосабатдаги суҳбатлар, хатлар ва бошқа кўринишларда учрайди. Бу — ҳуқуқий ҳақиқатни тушунишнинг кундалик оғзаки ифодаланишидир.

Кундалик шарҳлашнинг аҳамияти — айниқса, ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаётнинг демократиялаштирилиши, давлат бошқарувига кенг омманинг жалб қилиниши билан ошиб борапти. Кундалик шарҳлаш актларининг моҳияти уларнинг ҳуқуқ нормалари мазмунини бевосита ҳаққоний жараёнда аниқлаш ва тушунтириш шарҳлаш субъектларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг асосий турларини билиш, ҳуқуқни қўлловчига тўғри ва самарали ишида қатъа аҳамиятга эга бўлади. Турли хил шарҳланувчи актларни фарқлай билиш,

тизимлаштириш ва қўллашни билиш ҳуқуқ субъектларининг хулқларини квалификация қилишдаги муваффақиятли фаолиятининг шахс қилмишига тўғри юридик баҳо бериш, юридик асослантирилган процессуал актларни тузиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштиришнинг шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунга турли хилдаги тушунтиришларнинг қундалик аниқлаш, таҳлил ва тизимлаштириш ишлари ёрдам беради.

#### **4-§. Ҳуқуқни ҳажм жиҳатдан шарҳлаш**

Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш, умумий қоидага асосан, ҳуқуқшунос ҳуқуқий қоидага киритган ҳақиқий маънони аниқлаш мақсадини назарда тутди. Лекин шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, нормани шарҳлаётган шахс ҳуқуқ нормасининг асл мазмунини тушуниш лозим бўлган ёки аксинча, қонун матнидан биринчи марта кўринганидан ҳам кенгроқ бўлган вазият билан тўқнашади. Шундан келиб чиқиб, давлат ва ҳуқуқ назариясида шарҳлаш кенгайтирилган, чегараланган ва сўзма-сўз (айнан) фарқлаш қабул қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, сўзма-сўз (айнан) шарҳлаш ўзига хос шарҳлашнинг энг кўп учрайдиган тури. Шу билан бирга, қонунчиликнинг қатъий режимда тарқалган ва чегараланган турлари умумий қоидадан истисно ҳисобланади.

Ҳуқуқшунослар ўртасида шарҳлашнинг ҳажми масаласида ягона фикр йўқ. Ҳуқуқ нормаларининг аксарияти сўзма-сўз шарҳланади ва тушунилади.

Ҳуқуқни талқин қилишнинг ҳажми муаммоси шарҳловчининг давлат иродаси ифодалаган дастлабки матн маъносини талқин қилиш ҳудосада-

ри билан таққослашида ва ҳуқуқий таъсирнинг маъносини сўзма-сўз, кенгайтирилган ёки чегараланган тушунишнинг зарурлиги ҳақида хулоса қилишида кўринади. Қонун тилининг мазмунан ифодаланиши субъектив тушунчалар мазмуни билан тенглаштирилади.

**Ҳуқуқни сўзма-сўз шарҳлаш** шарҳланаётган ҳуқуқ нормаси маъносини тушуниш тўлиғича ҳуқуқ манбаининг матни билан тўғри келишида намойиш бўлади. Бундай шарҳлашнинг натижаси ҳуқуқий таъсирнинг ёзма шакли билан бир хил.

**Кенгайтирилган шарҳлаш** ҳуқуқ нормасининг ҳақиқий мазмуни матн доирасидан четга чиқишда мавжуд бўлган жойда ифодаланади.

**Чегараланган шарҳлаш** шундай изоҳлаш орқали ифодаланадики, бунда ҳуқуқ нормасининг асл маъноси ёзилган матнга нисбатан торроқ ҳолда тушунилади.

## **30-БОБ. ЮРИДИК АМАЛИЁТ**

*1-§. Юридик амалиёт тушунчаси.*

*2-§. Юридик амалиёт тuzилиши.*

*3-§. Юридик амалиётнинг турлари.*

*4-§. Юридик амалиётнинг функциялари.*

*5-§. Юридик амалиёт ва ҳуқуқшунослик фанининг ўзаро муносабати.*

### **1-§. Юридик амалиёт тушунчаси**

Юридик амалиёт тушунчаси ҳақида ҳуқуқшуносликдаги барча қарашларни, уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Баъзи ҳуқуқшунослар амалиётни юридик фаолият билан бир хил деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳдаги муаллифлар юридик амалиётни юри-

дик фаолиятдан фарқлаб, уни мустақил ҳуқуқий фаолиятнинг маълум натижаси деб тушунтиришга уринадилар. Учинчи тоифадаги муамлифларнинг фикрича, юридик амалиётнинг ҳар қандай кўри-ниши ҳуқуқий фаолият билан ажралмас бирлик-да бўлиб, юридик амалиёт асосида ижтимоий-ҳуқуқий тажриба вужудга келади.

Фикримизча, дастлабки икки нуқтаи назар хато, чунки биринчи ҳолатда амалиётнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган юридик тажриба эътибордан четда қолади, иккинчи ҳолатда эса, фаолиятнинг натижалари, ҳуқуқий фаолиятнинг махсус тажрибалари назардан четда қолади. Фао-лият жараённинг ўзига қарши қўйилади.

Учинчи нуқтаи назар юридик амалиётнинг та-биатини, асосий таркибий қисмларини аниқроқ белгилашга, юридик амалиётнинг олдинги, ҳозирги ва келгуси диалектикасини тўғри акс эттиришга, ҳуқуқий тартибга солишнинг юзага келишидаги ижтимоий-ҳуқуқий тажрибанинг аҳамиятини тушунишга имкон беради.

Юридик амалиётнинг муҳим томони бўлган бу тажриба умумлаштириш, тизимлаштириш, сақлаш ва ахборот беришни таъминлайди, қайд этиш ва муайян фаолият жараёнини, унинг айрим қисм-ларини қайта тузиш имконини беради.

Ижтимоий-ҳуқуқий тажрибасиз ҳуқуқ яратиш, уни шарҳлаш, аниқлаш, қўллаш, тизимга солиш ва ҳуқуқдаги камчиликларни тўлдиришнинг им-кони бўлмайди.

Юридик амалиётнинг табиатини аниқлашда қуйидагиларни назарда тутиш зарур:

*биринчидан*, ҳар қандай амалиётта тааллуқли бўлган хусусиятлар ижтимоий-тарихий амалиёт-нинг табиатига ҳам хосдир;

*иккинчидан*, юридик амалиёт иштирокчилари ва субъектларининг ҳаракати, уларнинг маълум восита ва услублардан фойдаланишлари, ишлаб чиқилган қарорларни расмийлаштириш услублари ва умумлашган тажрибани мустаҳкамлаш йўллари ҳуқуқий нормалар ва бошқа юридик тақдимномалар билан тартибга солинган;

*учинчидан*, юридик амалиёт жамият маданиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Масалан, қадимги Римнинг юридик амалиёти материалларини ўрганиш фақат конкрет ҳуқуқий вазиятлар ҳақида тушунча бермасдан, ушбу мамлакатнинг иқтисоди ва сиёсати ривожланишининг турли босқичлари ҳақида, аҳолининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолати, давлат ва ижтимоий тузум ҳақида ҳам маълумот беради;

*тўртинчидан*, ижтимоий амалиётнинг бу кўри-нишисиз жамият ҳуқуқий тизимининг вужудга келиши мумкин эмас. Фақат юридик амалиёт у ҳуқуқий нормаларни ва алоҳида конкрет тақдимномаларни, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни, ҳуқуқий ғоялар ва улар асосида қабул қилинадиган қарорлар тизимида муҳим роль ўйнайди;

*бешинчидан*, ижтимоий ҳаётнинг юридик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ўзгаришларига ёрдам беради. Бунга мавжуд ҳуқуқ нормаларини ўзгартириш, янги ҳуқуқий нормаларни яратиш, уларни шарҳлаш, конкретлаштириш, фойдаланиш ва татбиқ қилиш ёрдамида эришилади;

*олтинчидан*, амалий ҳаракатларнинг кўпчилиги ва амалиёт турини кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинган қарорларни — расмий актлар бўлган ҳужжатлар билан мустаҳкамлашни талаб этади;

*еттинчидан*, юридик амалиётнинг ижтимоий ҳамкорлик табиати шунда намоён бўладики, бир

томондан, у ижтимоий амалиётнинг бошқа турлари билан мувофиқлаштирилган, иккинчи томондан, ҳар қандай юридик фаолият шу фаолият интирокчилари ва субъектлари ўргасидаги тегишли ҳамкорлик шакллари тахмин қилади, учинчи томондан, йиғилаётган ижтимоий-ҳуқуқий тажриба ҳамкорликдаги фаолиятнинг маҳсули ҳисобланади:

*саккизинчидан*, гипотезалар, гоёлар, тушунчалар ишлаб чиқариладиган назарий (илмий) фаолиятдан фарқли равишда юридик амалиёт атрофидаги ҳақиқатнинг объектив-реал ўзгаришига йўналтирилган;

*тўққизинчидан*, юридик амалиёт жараёнида турли хил моддий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа ўзгаришлар юзага келади. Унинг хусусияти шундаки, доимо тегишли юридик оқибатни вужудга келтиради;

*ўнинчидан*, юридик амалиёт ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларига у ёки бу даражада унга юз бераётган жараёнларни ривожлантириш ёки тўхтатиш билан таъсир қилади. Бу муҳим услубий ҳолат жамиятнинг иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва бошқа жиҳатдан қайта қуришдаги ҳар қандай дастур ва режаларни вужудга келтиришда, амалга оширишда эътиборга олиниши лозим.

Юридик амалиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгиларини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, у жамият ҳуқуқий тизимига нисбатан мустақил ўринда, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, **юридик амалиёт** — *ваколатли субъектларнинг юридик нормалар (шарҳлаш, қўллаш ва шунга ўхшашлар) чиқариш бўйича ижтимоий-ҳуқуқий тажрибалар натижасида тўпланган фаолиятидир.*

## 2-§. Юридик амалиёт тузилиши

Юридик амалиёт — мантиқий, вақтинчалик, муфассал ва бошқа тузилмаларни ўз ичига олган системани ташкил этади. Мантиқий тузилишни кўриб чиқиш юридик амалиётнинг бутун ҳолати, таркибий қисмлари ва тизимлари, мазмуни ва шакли ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттириш имкониятини беради. Бу эса иккита асосий томон — юридик фаолият ва ижтимоий-ҳуқуқий тажрибаларни ўз ичига олади.

Юридик амалиётни тузилиши жиҳатидан таҳлил қилиш унинг мазмуни ва шакллариининг узвий бирлигини тадқиқ қилиш имконини беради. Юридик амалиётнинг **мазмуни** амалиётнинг ички элементлари ва хусусиятларини очишга имкон берса, унинг **шакли** ташкил этиш услубларини кўрсатади, мазмунининг ташқи кўринишини белгилаб беради.

**Юридик фаолият объектлари, субъектлари ва иштирокчилари унинг** мазмунини ташкил этувчи таркибий қисмлардир.

**Юридик амалиёт объектлари** — унинг субъектлари ва иштирокчиларининг юридик ҳаракатлари ва операциялари нимага қаратилган бўлса, ўша амалиёт объектлари ҳисобланади. Амалиёт объекти моддий ва номоддий манфаатлар, ижтимоий муносабатлар ва шахсларнинг муайян ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) ва бошқа намоён бўлиш предметлари бўлиши мумкин.

**Субъект** — ҳуқуқий муносабатларнинг асосий ва асосчи тарқатувчиларидан бўлиб, усиз амалиёт (суд, арбитраж ва бошқалар)нинг мавжудлиги мумкин эмас. Юридик ишнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда ҳал қилиш бевосита субъектга боғлиқ.

**Юридик амалиёт иштирокчилари** — алоҳида шахслар (ташкилотлар) бўлиб, у ёки бу шаклда ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда субъектларга ёрдам беради. Масалан, гувоҳлар ва жабрланувчилар.

**Юридик ҳаракат** — ижтимоий қайта тузилишнинг ташқи кўринишини ўзида ифода этган, натижада иштирокчилар ҳамда субъектлар учун маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган тушунчадир. Масалан, ҳужжатга имзо қўйиш. Ўзаро бир-бирига боғлиқ юридик ҳаракатларнинг йиғиндиси операцияни ташкил этади. Масалан, жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш турли хил ҳуқуқий ҳаракатларни ўз ичига олади.

Воситалар тариқасида қонунда рухсат берилган буюмлар ва ҳодисаларни олиш мумкин, улар ёрдамида мақсадга ёки кутилган натижага эришилади. Улар юридик амалиётнинг жиҳозлар қисмини ташкил этади дейиш мумкин. Улардаги фарқларни аниқлаш ва қайд этиш, юридик «материяни» таҳлил қилишда, қарор чиқариш ва уни расмийлаштиришда, уларнинг бажарилишини ва назоратини ташкил қилишда фойдаланилади. Баъзи ҳолларда тегишли воситалар амалиётнинг маълум бир аниқ турига ёки юридик операцияга қаттиқ биркитиб қўйилади.

Фуқаролик-процессуал кодексига мувофиқ, қонунга кўра маълум доимий воситалар билан тасдиқланиши лозим бўлган тафсилотлар, бошқа воситалар билан тасдиқланиши мумкин эмас. Барча воситаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: умумижтимоий (масалан, маънавий ва бошқа ижтимоий нормалар), махсус юридик (шартномалар, нормалар ва ҳуқуқ принциплари)

ва техникавий (асбоб-ускуналар). Уларнинг йн-гиндисн юридик техникани ташкил этади (хуқуқни ижод қилувчи, судлов ҳамда бошқалар). Хулди шундай воситалардан ҳар хил услублар билан фойдаланиш мумкин. Расмга олиш воқеа солир бўлган жойдан олинган ашёларни қайд этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. У буюм-лар жойлашишининг ўзига хос белгиларини, ҳолатларини аке эттиради.

Расмга олишнинг бирон-бир услубдан фойдаланиш ҳодисанинг (жиноятнинг) характериға, расмга олиш жойи, вақти ҳамда бошқа кўп ҳолатларға боғлиқ бўлади.

Усул аниқ воситалар ва фаолият учун зарур шарт-шароитлар ёрдамида мақсадға эришишнинг аниқ йўлидир.

Услуб воситалар танлашнинг намоён бўлишини, улардан фойдаланиш хусусиятини мужассамлаштиради ҳамда маълум даражада субъектлар ва иштирокчилар фаолиятининг услубини белгилайди. Яхлит ҳолға келтирилган бир-бириға ўхшаш усуллар таъсир этишнинг у ёки бу услубини ташкил этади.

Усуллар ва услублар тизими асосида юридик тактика ётади (хуқуқни тушунтириш, тергов ва бошқалар).

Натижа — шахсий ва жамоа эҳтиёжларини қондириш имконини берувчи юридик операциялар якунини ўзида мужассамлаштиради. Амалий фаолият самарадорлигини аниқлашда у мақсадлар (вазифалар) билан ўзаро муносабатда бўлади, аниқ ижтимоий-хуқуқий вазиятда мустаҳкамланади. Уларнинг бир-бириға мувофиқ келиши даражасиға қараб субъект (иштирокчи) ўз олдиға қўйган мақсадға эришганлиги масаласи,

у ўз ҳаракатларида фойдаланган воситалар, усул ва услублар қанчалик самара берганлиги ҳал қилинади.

Амалиётда юридик тажриба алоҳида ўринни эгаллайди. У барча амалий фаолиятнинг умумлашган якунини ва шу билан бирга, унинг алоҳида ҳолатларини ҳам акс эттиради.

Ижтимоий-ҳуқуқий тажрибанинг таркибий қисмларидан бири ҳуқуқий ҳолат ҳисобланади. Бу кўп йиллик амалиёт жараёнида ишлаб чиқилган, умумий характерга эга бўлган амалий фаолиятнинг у ёки бу томонларини, ижтимоий қимматли ва бир хил кўринишларини мужассамлаштиради. Ҳуқуқий ҳолатни ҳуқуқни ижод қилувчи, ҳуқуқни қўлловчи, тартибга солувчи ва муҳофаза этувчи, мажбурият юкловчи, тавсия этувчи турларга бўлиш мумкин.

**Юридик амалиёт шакли** — *ташқил этиш усуллари ва мазмуни ташқи кўринишининг намоён бўлишидир*. Шакл ҳақида гапирганда унинг ички ва ташқи томонларини ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда ташқи шакл сифатида турли хил юридик актлар — ҳужжатлар (норматив ва шахсий, судлов ва тергов, нотариал ва бошқалар) юзага чиқади. Уларда ҳуқуқий ҳаракатлар, уларни амалга ошириш услуб ва воситалари, қарорларни чиқариш мустаҳкамланади. Ички шаклларга субъект ва иштирокчиларнинг доирасини аниқлаб берувчи, ҳуқуқ ва бурчларнинг қўлланиши, ҳуқуқий жараёнга киришиш, ундан чиқиш шартлари, услуб ва воситалар билан операция қилиш тартиби, ҳаракатларни содир қилиш муддати, процессуал кафолатлар, қарорларни қабул қилиш тартиби, ижро этиш шартлари, уларни мустаҳкамлаш, шикоят қилиш тартиби ва бошқалар кирати.

**Юридик амалиёт тузилиши** — фақат шакл ва мазмуннинг алоҳида таркибий қисмлари эмас, балки амалиётнинг ҳамма томонлари ривожланишининг ўзаро шарт-шароитлари яъни генетик ва функционал, ички ва ташқи, тўғри ва тескари, ҳуқуқий ва ҳуқуққа зид алоқалар, муносабатлар ёрдамида таъминланади. Улар ёрдамида ахборот, алмаштириш амалга оширилади. фаолият ва назорат натижалари билан ўзаро алмашиш, турли хил ваколат ҳамда функцияларни амалга оширишда ёрдам берилди. Агар тергов, прокуратура ва суд органларининг ўзаро ҳаракатларини кўриб чиқадиган бўлсак, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз.

Бу муносабатлар ва алоқалар ичида етакчи ўринни ҳуқуқий муносабатлар эгаллайди. Чунки ҳуқуқий муносабатлар ўзининг норматив вазифаларига, ҳаракат кучига, кафолатлилигига қараб, ҳар бир ижтимоий-ҳуқуқий жараёнда индивидуаллаштирилган ваколат ва бурчларни белгилайди. Амалиёт иштирокчилар ва субъектларнинг юридик ҳаракатлари йўналишини белгилаб беради.

### **3-§. Юридик амалиётнинг турлари**

Жамиятнинг ҳуқуқий тизимида бир вақтнинг ўзида амалиётнинг ҳар хил турлари амал қилади.

Ижтимоий муносабатларнинг хусусиятига, ташкил этиш усулларига қараб, уларни ҳуқуқий ижодкорлик, ҳуқуқни қўлловчи, ҳуқуқни амалга оширувчи, фармойиш берувчи ва бошқа турларга ажратиш мумкин.

Юридик амалиётда ижтимоий ҳаётга таъсир қилувчи норматив-ҳуқуқий усуллар (нормалар, принциплар ва бошқалар) вужудга келади.

**Ҳуқуқни қўллаш амалиёти** — ваколатли ҳокимият органларининг муайян тақдимномалар чиқариши ва шундай фаолият жараёнида ишлаб чиқилган тажрибаларнинг бирлигини ўзида акс эттиради.

**Фармойиш бериш амалиёти** — фармойиш беришга ваколатли субъектларнинг фаолияти жараёнида йиғилган юридик тажрибалардан вужудга келади.

**Талқин қилиш амалиётининг** моҳияти шундаки, у ҳуқуқий тушунтириш ва ҳуқуқий ҳолатларни таҳлил қилишни амалга оширади.

Функционал жиҳатларига қараб, юридик амалиётнинг ушбу турларини кўрсатиш мумкин:

- 1) ҳуқуқни конкретлаштирувчи;
- 2) назорат қилувчи;
- 3) ҳуқуқни тизимлаштирувчи.

Бу турларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши, ҳуқуқий ижодкорлик, ҳуқуқни қўллаш, тушунтириш, ҳуқуқни фармойиш беришнинг восита ва усуллари ёрдамида намоён бўлади.

Юридик амалиётнинг ҳар бир турини маълум гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, ҳуқуқни қўллаш амалиётидати оператив-ижрочиллик ва судлов ишларини олиб бериш. Ўз навбатида, судлов ишларини олиб бериш жиноятнинг оқибатини олиш, жазоланиш ва бошқа шунга ўхшаш турларга бўлинади.

Юридик амалиёт субъектларига қараб қорғош чиқарувчи, судлов, тергов, нотариал ва бошқа турларга ажратилади. Худди шу мезонга кўра уларни янада аниқроқ турларга ҳам ажратиш мумкин. Судлов турига Олий суд, вилоят, шаҳар, туман судларининг амалиёти киради.

Амалиёт объектлари асосида ва ҳал қилинаётган юридик ишларнинг туркумларига қараб, судлов амалиётини фуқаролик ва жинойт ишлари бўйича турларга ажратиш мумкин. Ҳар бир юридик амалиёт турлари ўзининг табиатига, мазмуни ва шаклининг таркибий қисмларига, функцияларига, бошқа муҳим жиҳатларидан келиб чиқиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Уларни илмий ва ўқув амалиётида, шунингдек, конкрет амалий фаолиятда ҳисобга олиш муҳим.

#### 4-§. Юридик амалиётнинг функциялари

**Юридик амалиётнинг функцияси** -- *объектив ва субъектив борлиққа бир хилда таъсир этишининг алоҳида йўналиши бўлиб, унда амалиётнинг табиати намоён бўлади ва муайянлашади.*

**Функция** — ижтимоий ҳаётга юридик амалиётнинг мақсадга мувофиқ таъсир этишидир. Шунинг учун улар юридик амалиётнинг вазифалари билан безосита боғлиқ. Функцияларда юридик амалиётнинг моҳияти ва хусусиятлари акс этади. Шу билан бирга, функциянинг узгариши амалиёт тузилишига, таркибий қисмларига, мазмунига ва шаклларига таъсир этади. Худди шу функцияларда юридик амалиётнинг ташкилий тузилишига оид ва динамик хусусияти, жамият ҳуқуқий тизимининг турли хил таркибий қисмларини яхлит ҳолатга бирлаштириши хусусияти, бу тизимнинг норматив базасини вужудга келтириш, ҳуқуқий нормаларни тушунтириш ва конкретлаштириш, уларнинг бажарилишини таъминлаш хусусиятлари намоён бўлади.

Ҳар қандай ҳуқуқий оқибатнинг намоён бўлиши ҳақида гапирганда, шунинг назарда тутиш керакки,

бу ҳуқуқий оқибат орқасида албатта, юридик амалиёт субъектлари ва иштирокчилари туради.

Ҳуқуқшунослар томонидан юридик амалиётнинг турли функциялари ажратиб кўрсатилади. Масалан, айрим ҳуқуқшунослар бундай функциялар учта деб ҳисоблайдилар: 1) ҳуқуқни йўналтирувчи; 2) ҳуқуқни конкретлаштирувчи; 3) ахборот берувчи функциялар. Бошқалари эса ҳуқуқни шакллантирувчи, ҳуқуқни қўллашни, такомиллаштирувчи тарбиявий ва ҳуқуқни конкретлаштирувчи функцияларини кўрсатадилар.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ ижодкорлиги, судлов ва бошқа амалиётнинг турли хил функцияларига катта эътибор берилмоқда. Таҳлил қилинаётган ҳар бир функциядаги кўпгина ёрдамчи функцияларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Булар юридик амалиёт ижтимоий бөрлиққа таъсир қилинишининг муҳим томонларини белгилайди. Функциядан фарқли равишда, жамият ҳуқуқий тизимида амалиётнинг роли ва табиати, моҳияти, етакчи йўналиши каби бирмунча умумий хусусиятлари намоён бўлади. Масалан, амалиётнинг ҳуқуқ ижодкорлиги функциясида ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ҳуқуқни ўзгартирувчи ва ҳуқуқни бекор қилувчи ёрдамчи функциялари мавжуд бўлади.

Таҳлил қилинаётган функциялар таснифланишининг муҳим мезонларидан бири — ижтимоий ҳаёт муҳитидир. Шунга асосан функцияларни яна иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тарбиявий, экологик, демографик ва бошқа турларга бўлиш мумкин. Умумиижтимоий функция юридик амалиётнинг жамиятдаги бошқарув табиатини очиб беради.

Юридик амалиёт моҳиятининг бирмунча аниқ ва ҳуқуқий белгиланиши унинг махсус функция-

ларида намоён бўлади. Ҳаракат усуллари, фаолият хусусияти, юридик қайта қуришнинг амалга оширилиши ёки унинг натижалари бу махсус функцияларни таснифлашга асос қилиб олинади. Шу функцияларга, биринчи навбатда, амалиётнинг муайян типини аниқлайдиган ва белгилаб берадиган турлари киради: 1) ҳуқуқ ижодкорлиги; 2) ҳуқуқни қўллаш; 3) ҳуқуқни тушунтириш ва бошқалар. Бироқ кўрсатилган функциялар бир хилдаги у ёки бу юридик амалиётга хос деган гап эмас. У бошқа турдаги юридик амалиёт учун ҳам хосдир. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти, масалан, ҳуқуқ ижодкорлиги органларида қонунчилик тўлиқ эмаслиги, унинг самарасизлигидан далолат беради; ҳуқуқ нормаларини, шунингдек, норматив ҳужжатларни вужудга келтириш учун зарур асос эканлигини кўрсатади.

Объектив борлиққа нисбатан таъсир қилиш усулига қараб, амалиётнинг қуйидаги функцияларини кўрсатиш мумкин: қайд қилувчи-гувоҳландирувчи (мустаҳкамловчи), тартибга солувчи-кўрсатувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи.

Қайд қилувчи-гувоҳландирувчи функция амалдаги ва янгидан вужудга келган ижтимоий муносабатларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлашни, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларни, шартнома ва битимларни гувоҳлантиради, ижтимоий ҳаёдаги функцияларни расман рўйхатга олади ва умумлашган ҳуқуқий тажрибаларни расмийлаштиради ва мустаҳкамлайди. Ҳар йили фақат нотариал органларнинг ўзи миллионлаб битимларни, мажбуриятларни ва ҳужжатларни гувоҳлантирадилар. Тартибга солувчи-кўрсатувчи функция ижтимоий муносабатларни марказлаштириш ва автоном-

лаштириш, норматив ва яқка тартибда тартибга солишни амалга оширишда кўринади. Юридик амалиётнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи функцияси мазмунини унинг ёрдамчи функциялари орқали очиш мумкин.

Ҳуқуқни таъминловчи, ҳуқуқни тикловчи, зарарни қопловчи, жазоловчи, эҳтиёж функциялари мавжуд. Ҳуқуқни таъминловчи функция ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг муҳим лекин, ягона йўналиши эмас. Мазкур ҳолатда юридик амалиётнинг муайян тури ёрдамида ижтимоий муносабатларнинг нормал амал қилишини мақсадга эришиш учун маълум шарт-шароитлар, воситалар ва усуллар вужудга келтиради.

Бу ёрдамчи функция одатда, ижтимоий ҳаётга таъсир қилишнинг мажбурловчи ва тақиқловчи усуллари билан боғланган бўлади.

**Юридик амалиёт** — ҳуқуқий ижодкорлик, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни тушунтириш, назорат, фармойиш бериш ва бошқа юридик воситалар, талбирлар ёрдамида амалга ошириладиган умум-ижтимоий, махсус-криминологик ва яқка тартибдаги ҳуқуқбузарликни оғоҳлантирувчи муҳим каналдир.

**Ҳуқуқни тикловчи ёрдамчи функция** — ҳуқуқий ҳимоя қилишни ишлаб чиқиш ва қонунчилик ёки бошқа талбирлар ёрдамида мустаҳкамлаш, ҳуқуққа зид ҳаракатларни, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни бекор қилиш, ҳуқуқ тартибни, фуқаролар ва ташкилотларнинг қонуний манфаатларини фактлар орқали ва юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш, ҳуқуқий муносабатларини тиклашдир.

**Зарарни қопловчи ёрдамчи функциянинг аҳамияти** шундан иборатки, юридик амалиётнинг

ҳамма кўринишлари алоҳида шахсларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуққа зид ҳаракати туфайли ташкилотларга, жамият ва давлатга келтирилган ҳар қандай моддий, мулкӣ ёки маънавий зарарларни тўлиғича қоплашга қаратилган бўлиши керак.

**Юридик амалиётнинг жазолаш ёрдамчи функцияси** ҳуқуқий нормалар санкцияларининг вужудга келишида ва мустаҳкамланишида, уларни тушунтиришда, конкретлаштиришда, ҳуқуқбузарларга қарши юридик таъсир қилишнинг моддий, шахсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чораларини қўллашда намоён бўлади.

Юридик амалиётнинг функцияларини ҳаракат вақтига қараб **доимий** ва **вақтинчалик** функцияларга бўлиш мумкин.

Функцияларни **асосий** ва **асосий бўлмаган** турларга бўлиш ҳам маълум аҳамиятга эга. Бундай фарқлаш, *биринчидан*, тегишли ёрдамчи функцияларни ажратиб кўрсатиш учун, *иккинчидан*, жамият ривожланишининг маълум даврларида юридик амалиётнинг бир ёки бир қанча муҳим томонларига урғу бериш учун зарур. Масалан, экологик функция. *Учинчидан*, юридик амалиётнинг конкрет тури табиатининг кучига қараб, йўналишининг асосийси сифатида юзага келса, бошқалари шулардан келиб чиқади. Шундай қилиб, агар ҳар бир функция, ёрдамчи функция юридик амалиётнинг маълум йўналишини, томонини, ижтимоий қайта тузиш табиати жиҳатларини кўрсатади. Уларни бутунлиғича олсак, бу амалиётнинг жамият ҳуқуқий тизимидаги ўрни ва роли ҳақида бирмунча тўлиқ тасаввур беради.

## 5-§. Юридик амалиёт ва ҳуқуқшунослик фанининг ўзаро муносабати

Ҳуқуқшунослик фани билан юридик амалиётнинг ўзаро муносабати шунда кўринадики, назарий изланишлар амалиёт эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади ва унинг материалларига асосланади, амалиёт эса, ўз навбатида, илмий асосланган хулосаларга ва тавсияларга асосланиши керак.

Бу алоқаларнинг мустаҳкамланиши жамият ҳуқуқий тизимининг самарали ижтимоий бошқарув ва ривожланишининг муҳим қонуниятидир.

Ҳуқуқшунослик фанига биноан, юридик фан билан амалиётнинг ўзаро муносабатида билвосита ва бевосита шакллари амал қилади. Юридик амалиётнинг юридик фанга таъсирининг асосий усулларини *биринчидан*, юридик амалиёт, илмий изланишнинг мақсади ва асосий вазифалари, илмий изланишнинг муҳим ва долзарб йўналишларини белгилаб беради. Одатда юридик фаолият жараёнида қонунчиликдаги камчиликлар ва қарама-қаршиликлар, ҳуқуқни талқин қилиш бўйича ва ҳуқуқни конкретлаштирувчи ҳолатлар йўқлиги, уни амалга оширишдаги хатолар ва бошқа ҳуқуқий тартибга солишдаги салбий ҳолатлар аниқланади. Юридик амалиётнинг аниқ кўринишлари (қонунчилик, судлов, тергов ва бошқа) кўпгина самарали воситалар ва тактик усуллар, юридик ҳаракатнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқади, шахсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тажрибани умумлаштиради. Буларнинг ҳаммаси чуқур ва ҳар томонлама илмий фикр беришни талаб қилади. Илмий изланиш учун баъзи бир ҳуқуқий муаммоларни танлаш билан унинг ало-

ҳида босқичлари бевосита боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Юридик амалиёт аввал ўтказилган тадқиқотларга, мантиқий фикр ва хулосаларга, олимларнинг қарашлари, фаннинг бошқа маълумотларига ҳам таяниши мумкин.

*Иккинчидан*, ташкилий-амалий фаолият ва умумлашган ҳуқуқий тажриба фан учун эмпирик, яъни тажрибадан олинган негизни ташкил этади. Юридик амалиёт ҳақиқий ҳужжатларни қайд этишнинг муҳим асосини, тушунтиришни, умумлаштиришни, тизимлаштиришни, ўрганилаётган ҳодисаларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлашни, тушунчаларни ишлаб чиқиш ва назарий тузилишни вужудга келтириш, илмий таклифларни аниқ ифодалашни вужудга келтиради. Кўп ҳолатларда амалий материал намунавий функцияни ҳам бажаради.

*Учинчидан*, юридик амалиёт ижтимоий-тарихий амалиётнинг нисбаган мустақил кўриниши сифатида ҳақиқатнинг мезонларидан бири ва илмий изланишнинг самараси бўлиб ҳисобланади. У ёки бу тавсиялар, хулосаларнинг ҳаётийлиги, ҳақиқий эканлиги ёки хатолиги, фойдали ёки зарарлилиги амалиётда синалади, текширилади. Айнан амалиёт билиш жараёни натижаларининг объективлигини ва маълум даражада у ёки бу воқеаларнинг ишончлилигини, тадқиқотни амалга оширишнинг услублари ва йўлларининг тўғрилигини аниқлаш имконини беради.

Амалиёт мезонларини чеклаш мумкин эмаслигини англамоқ лозим. У ҳеч қачон тегишли назарий ҳолатлар ва хулосаларни етарлича тўлиқ тасдиқлашга ёки бекор қилишга қодир эмас. Чунки ҳар қандай амалиёт реал ҳақиқатнинг объектив ва субъектив, норматив, табиий ва ижтимоий

омиллар билан асосланган ички қарама-қарши жараёнларини ўзида акс эттириб, доимо ўзгаришда ва ривожланишда бўлади. Яна шуни эсда тутиш керакки, олинган билимлар ҳақиқийлигининг бошқа (масалан, мантиқий, математик) мезонлари ҳам мавжуд.

Ҳамма юридик фанларни уларнинг амалиётга бўлган бевосита муносабатларига қараб, қуйидагича фарқлаш лозим: **фундаментал**, масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси; **амалий**, масалан, криминалистика ва шу кабилар.

Фундаментал тадқиқотларнинг мақсади — ижтимоий жараёнларни назарий англаш, вужудга келиш қонуниятини, ҳуқуқий оқибатларнинг вужудга келиши ва амал қилишини, улардан конкрет амалий фаолиятда бевосита ва тез фойдаланишни ташкил этиш. Амалий фанлар махсус амалий масалаларни кечиктирмай ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди. Асосан шулар ёрламида фундаментал тадқиқот натижалари амалга оширилади. Юридик амалиётни ўрганиш назария ва тажрибани ўрганиш жараёнида намоён бўлади.

Юридик тажрибани ўрганиш одатда амалиётнинг маълум жиҳатларига йўналтирилган бўлиб, фактларни назорат қилишга, уларни турлашга, тажриба маълумотларини умумлаштириш ва қайд этишга таянади.

Агар тажрибани билмиш даражаси етакчи томон бўлиб ҳисобланса, назарий тушунча даражаси мезонларнинг ижодий синтези билан боғланган рационал билимдир. Амалиётни ўрганишнинг иккала даражаси ҳуқуқнинг умумий назариясига ва конкрет юридик фанга тааллуқлидир. Бироқ назария ва тажриба даражаларининг ўзаро муносабати бир хил эмас. Тармоқ ва амалий фанларда на-

зарий умумлаштириш кўлами давлат ва ҳуқуқ назариясига қараганда бирмунча пастроқ.

Шу билан бирга тармоқ ва амалий фанлар алоҳида муаммоларни ўрганишда шундай даражада чиқишлари мумкинки, гоҳида ўзлари тадқиқ қилаётган муаммолардан анча четга чиқиб, натижада умумлаштириш, умумназарий даражаларга эришадилар. Мақсаддан келиб чиқиб, илмий изланишлар йўналишининг қуйидаги асосий намуналарини кўрсатиш мумкин: **ифодалаш, тушунтириш, эвристик, прогностик** ва бошқалар. Фаннинг амалиётга таъсир қилиш хусусияти, кўп жиҳатдан, олиб борилаётган тадқиқот фундаментал ёки амалий, назарий ёки тажрибага асосланган, ёхуд эвристик эканлигига боғлиқ.

Аmmo ҳар қандай ҳолатда ҳам юридик фан аниқ омилларга асосланади. Амалий фаолиятда назарий тушунча ва мезонлар, конструкция ва концепциялардан кенг фойдаланилади. Юридик амалиётнинг табиатини, унинг мазмуни ва шакллари, функциялари ва ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш юридик амалиётнинг жамият ҳуқуқий тизимидаги самарадорлигини ва қийматини оширишга қаратилгандир. Бу билимлар амалий фаолиятнинг назарий асосини ташкил этади. Илмий фикрлаш амалиётнинг муҳим ва зарур таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Юридик фан ҳар хил субъектлар фаолиятини ташкилий-амалий жиҳатдан йўналтиришга, шаклланаётган шахсий ва ижтимоий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилишга кўмаклашади.

Юридик фан билимнинг методи ва методологиясини, махсус принциплар тизимини, қоидаларини ишлаб чиқади, булардан фақат назарий тадқиқотда эмас, балки ташкилий-амалий фаолиятда ҳам фойдаланилади. Ҳуқуқшунослик фу-

қаро ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим рол ўйнайди, қонунга, ҳуқуққа, судга ва бошқа ижтимоий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳини тарбиялаш ва ташвиқ қилишга хизмат қилади. Юридик фан билан амалиётнинг яқин алоқада бўлиши амалиёт органларининг долзарб муаммоларни тадқиқ қилишда, қонун лойиҳаларини ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш давомидаги экспертизалар ўтказишда, илмий-назарий конференциялар ташкилий этишда, олимлар фаоллигини оширишни таъминлашга қаратилгандир.

Юридик фаннинг самарадорлигини ошириш мақсадида назарий тадқиқот натижаларини муайян амалиётда қўллаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмни ташкил этиш зарур. Шундай механизмни ишлаб чиқиш юридик фаннинг асосий вазифаларидан бири. Шунингдек, ҳозирги даврда юридик фан зиммасига жамият истиқболини кўзловчи назарий-ҳуқуқий, психологик-юридик вазифалар ҳам юклатилиши керак.

### **31-боб. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

- 1-§. Ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси.*
- 2-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг асосий белгилари.*
- 3-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг турлари.*
- 4-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари.*
- 5-§. Ҳуқуқий субъектлик тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари.*
- 6-§. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият.*
- 7-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объекти тушунчаси.*
- 8-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объектлари.*
- 9-§. Юридик фактлар тушунчаси.*
- 10-§. Юридик фактларнинг турлари.*
- 11-§. Юридик таркиб тушунчаси ва турлари.*
- 12-§. Ҳуқуқий муносабатлар — амалдаги ҳуқуқий маданият.*

## 1-§. Ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси

Ҳуқуқий муносабатлар муаммоси давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг марказий масалаларидан биридир. **Ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асосдаги муносабатлардир.** Улар табиий ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан биргаликда вужудга келади, давлат пайдо бўлиши билан эса уларнинг энг муҳимлари қонун тусини олади.

Ҳуқуқ табиий нарса сифатида амалдаги қонун идеали. У билан алоқада бўлган ҳуқуқий муносабатлар эса қонун билан тартибга солиб туриладиган ижтимоий муносабат идеалидир.

Инсон табиатида, инсон ҳаётида табиий ҳуқуқнинг шаклланиши, эркинлик қоидалари ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиш жараёни билан параллел шаклда, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда боради. Амалдаги қонун нормаларида юридик нормалар ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги анча кучли.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабатлар — давлат томонидан ҳимоя қилинадиган, одатда, қонун нормаларининг кишилар хатти-ҳаракатларига таъсири натижасида юзага келадиган ва унинг қатнашчиларида субъектив ҳуқуқлар, юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир.

## 2-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг асосий белгилари

Ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги бешта белгига эга.

**Биринчи белги.** Ҳуқуқий муносабатлар — *ижтимоий муносабатлар*, яъни кишилар ўртасидаги

фаолият, хатти-ҳаракатлар билан узвий боғлиқ бўлган муносабатлардир. Бу одамлар билан моддий буюмлар ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий муносабатлар эмас. Бирон нарсанинг эгаси унга нисбатан ҳуқуқлар йиғиндисига эга, бироқ бу ҳуқуқлар бошқа кишилар билан муносабатларга киришгандагина жонланади: мулкдор кимгадир нарсани сотиши, совға қилиши ёки фойдаланиб туришга бериши мумкин. Шу билан бирга, улардан ўзининг мулк ҳуқуқига риоя этишларини талаб қилади.

Ҳуқуқшунослик фанида, «ижтимоий муносабатлар» ва «ижтимоий алоқа» тушунчалари баъзан биридан ажратилади, айрим ҳолларда эса айнан бир хил деб қаралади. Бу, бизнингча, тўғридир. Ҳар қандай ижтимоий муносабатлар каби ҳуқуқий муносабатлар ҳам инсоннинг онгли фаолияти натижасидир. Инсонлар ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар онгли равишда бўлади ва улар инсоннинг идрокли фаолияти натижасида юзага келади.

Ўзига хос ижтимоий муносабатлар бўлган ҳуқуқий муносабатлар кўп қиррали ижтимоий ҳаёт таъсирида вужудга келади. Ҳуқуқий муносабатлар нафақат моддий, балки, ҳуқуқни жонлантирувчи ҳаётий вазиятларда яширинган бўлади. Ҳуқуқий муносабатларнинг тарихан зўравонликка асосланган муносабатлардан кейин пайдо бўлганлиги шубҳасиздир.

Одатда, ҳуқуқий муносабатларнинг мафкуравий хислатини, уларнинг ўзига хос белгиси дейишади. Мафкура муайян манфаат ва интилишларни ифодаласа-да, синфийлик билан бир хил эмас. Чунки, у ижтимоий ҳаётга ранг-баранг қарашлар тизимидан иборат. Хўжалик ҳаётини қаттиқ марказлаштирилган ҳолда бошқаришга интилиш —

мафкура; бозор иқтисодиётига ўтиш ва эркин ишбилармонлик ҳам — мафкура: давлат ва жамиятнинг динга муносабати, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаш ҳам мафкурадир.

Қонунчилик ва у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар мафкуравий ҳодиса бўлиб қолаверади. Бу ерда энг асосийси, мафкура ўта синфий, руҳий манфаатларни эмас, балки умуминсоний қадрият ва манфаатларни амалда ифодалаш лозим.

**Иккинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар** — амалдаги қонунчиликнинг кишилар хатти-ҳаракатига таъсири натижасида вужудга келадиган муносабатлардир. Ҳуқуқ нормаси ва ҳуқуқий муносабат ўртасида жиддий боғлиқлик мавжуд. Юридик нормаларда кўрсатилган ҳуқуқий муносабатлар ҳаётда вужудга келади, яъни ҳуқуқий муносабатлар қонуний муносабатлардир. Қонун нормалари борми, демек ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади, нормалар бўлмаса, ҳуқуқий муносабатлар ҳам бўлмайди.

**Учинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар** — кишилар ўртасидаги субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар воситасидаги алоқалардир. Бу алоқаларнинг алоҳида шакли, объектив ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали намоён бўлади.

Субъектив ҳуқуқ эгаси — шахс, ҳуқуқий мажбурият эгаси, **мажбуриятли шахсдир**. Ҳуқуқий муносабатларда ваколатли шахсга мажбуриятли шахс, бошқа кишими, ташкилотми, давлат органи ёки давлатнинг ўзи бўлишидан қатъи назар, қарама-қарши турадн. Бу маънода ҳуқуқий муносабатлар индивидуаллаштирилган алоқалардир. Бунда индивидуаллаштириш икки шаклда амалга оширилади:

*биринчидан*, номма-ном. Бунда ҳуқуқ субъектлари ўзининг тўлиқ исми (фамилияси) ёки тўлиқ реквизитлари (агар ташкилот бўлса) билан аталади; масалан, оила-никоҳ муносабатлари, ташкилотлар ўртасидаги маҳсулот етказиб бериш, юкни ташиб бериш бўйича муносабатлар шулар жумласидандир;

*иккинчидан*, ижтимоий вазифанинг номланиши бўйича. Бунда субъектларни номма-ном ёки реквизит бўйича белгилаш аҳамиятга эга эмас, фақат уларнинг ижтимоий мавқелари айтилади: сотувчи — *харидор*, давлат — *фуқаро*. Айнан мана шу ҳуқуқий муносабатлар субъектларни яққалаштириш усули бўлиб, бозор ва дўконлардаги савдо-сотик муносабатларига хосдир

**Тўртинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар** — *ихтиёрий муносабатлардир*. Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун ҳуқуқ нормаларидан ташқари, унинг қатнашчиларининг ҳам ихтиёри зарур. Шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, уларнинг юзага келиши учун барча қатнашчиларнинг ихтиёри зарур. Масалан, никоҳ ўқилиши учун икки томоннинг розилиги керак, харидор ва сотувчи келишсагина олди-сотди бўлади ва ҳоказо. Яна шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, уларнинг юзага келиши учун субъектлардан бирининг ихтиёри етарли. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят иши қўзғатилиши.

**Бешинчи белги. Ҳуқуқий муносабатлар** — *давлат томонидан ҳимоя қилинадиган муносабатлардир*. Давлат юридик нормалар таъбирларини бажаришни таъминлаган ҳолда, шу нормалар асосида юзага келувчи муносабатларни ҳам ҳимоя қилади. Давлат томонидан ҳимоя қилиналган ҳуқуқий

муносабатлар ҳар қандай жамият қонунчилигининг асосини ташкил этади.

### 3-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг турлари

Ҳуқуқий муносабатларни кўпгина асосларга кўра, ҳар хил турларга бўлиш мумкин. Ҳуқуқий муносабатларни қуйидаги турларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатлар.

**Тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар** — субъектларнинг қонунга мувофиқ хатти-ҳаракатлари, яъни қонун асосида юзага келадиган ва уларга тўлиқ мос келувчи хатти-ҳаракатлардир. Бундай ҳуқуқий муносабатлар қонунчилик моҳиятини, унинг асосини ташкил этади, уларнинг мавжудлиги ва ривожидан жамият манфаатдор бўлади. Қонуний асосда юз берадиган конституциявий, мулкӣ, меҳнат, оила, никоҳ, қонунчилик муносабатлари ва бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаммаси ҳуқуқий тартибга солинган муносабатлардир.

**Муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатлар** — субъектларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида, бу хатти-ҳаракатларга жамият, давлат ва бошқа фуқароларнинг ақс таъсиридир. Муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларнинг нормал тартибинини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарни жазолашдир. Муҳофаза қилиш муносабатлари доирасида, жавобгар, ўз хатти-ҳаракати билан етказилган зарарни қоплайди, ҳуқуқбузарга жарима солинади, жиноятчи жиноий жавобгарликка тортилади, ҳукм қилинганлар жазо муддатини ўтайди ва ҳ.к.

Умуман. жиноят ҳуқуқи муҳофаза қилиш соҳасидир. Бироқ муҳофаза қилиш муносабатлари ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари, шу жумладан конституциявий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари кўрсатмаларига кўра вужудга келади.

**Тармоқ ҳуқуқий муносабатлари.** Бундай турлашнинг асоси ҳуқуқнинг тармоқларга бўлинишидир. Ҳуқуқнинг қанча тармоғи бўлса, ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам шунча турлари мавжуд, масалан, конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий, меҳнат, оила ҳуқуқи кабилар. Ҳуқуқий муносабатларни тармоқларга ажратишда *моддий-ҳуқуқий* ва *процессуал ҳуқуқий муносабатларга* ажратиш катта аҳамиятга эга.

**Моддий-ҳуқуқий муносабатлар.** Моддий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келади. Уларнинг мазмуни — ҳуқуқ субъектлари манфаатларининг предметини ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлардир. Юридик фаолиятнинг моҳияти эса фуқаролик ҳуқуқий, конституциявий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа моддий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

**Процессуал ҳуқуқий муносабатлар.** Процессуал нормалар асосида юзага келади ва моддий-ҳуқуқий муносабатлардан туғилади. Улар субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш, юридик фаолият (фуқаролик-процессуал, жиноий-процессуал, маъмурий-процессуал ва бошқа процессуал ҳуқуқий муносабатлар)ни ҳал этиш тартибини назарда тутаяди. Процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги яна шундаки, улар процессуал ҳуқуқий нормаларсиз умуман вужудга кела олмайди.

Агар моддий-ҳуқуқий муносабатларни ижтимоий борлиқ ва юридик нормалар билан муво-

фиклаштирсак, қуйидагича схема пайдо бўлади: ижтимоий муносабатлар — ҳуқуқ нормалари — моддий-ҳуқуқий муносабатлар. Ҳуқуқ нормалари мавжуд ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади ва натижада ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади. Бу ҳолда ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий нормаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келиб, унга яқин ҳуқуқий қиёфага кирати ва ҳуқуқий муносабатга айланади.

Процессуал ҳуқуқий муносабатлар эса бошқа масала. Улар юридик процессуал норма пайдо бўлмагунча юзага келмайди. У шундай ҳуқуқий муносабатларни бунёд этадики, ўзи бекор бўлиши билан бундай муносабатлар ҳам йўқолади. Масалан, жиноий иш қўзғаш бўйича субъектлар ўртасидаги процессуал муносабатлар тегишли процессуал нормалар борлиги туфайли мавжуд. Бу нормалар тегишли ҳаракатлар тартибини кўзда тутаяди, улар кассация ишларини юритиш, тегишли ҳуқуқий муносабатлар, суд ҳукми, қарорларини рад этиш ва бекор қилиш тўғрисидаги процессуал нормалар борлиги учун ҳам мавжуддир. Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатлар, мутлақ ва нисбий, умумий ва аниқ турларга бўлинади.

**Нисбий ҳуқуқий муносабатларда** барча қатнашчилар мажбуриятли шахслар ҳам (харидор ва сотувчи, буюртмачи ва пудратчи) аниқ белгиланган.

**Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда** эса битта шахс маълум — субъектив ҳуқуқ эгаси. Қолган ҳамма субъектлар мажбуриятлардир, яъни ваколатли шахсинг ўз субъектив ҳуқуқини амалга оширишга тўсқин бўлмасликлари керак. Бундай ҳуқуқий муносабатларга мулкӣ ёки муаллифликка оид муносабатлар мисол бўлиши мумкин.

**Умумий ҳуқуқий муносабатлар** фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини белгиловчи конституциявий нормалар асосида юзага келувчи муносабатлардир.

Давлат фуқаролари қонунда қатъий белгиланган ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқнинг барча субъектлари билан ҳуқуқий алоқада бўладилар. Агар бу ҳуқуқлар ва эркинликлар амалга оширилса, **аниқ ҳуқуқий муносабатлар** пайдо бўлади.

#### **4-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари**

**Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари** — *ҳуқуқий муносабатларнинг субъектив ҳуқуқ, юридик бурчларга эга бўлган қатнашчиларидир.*

Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, уларнинг мазмуни ва объеклари ҳуқуқий муносабатлар таркибини ташкил этади.

Кундалик ҳаётда турли хил ҳуқуқий муносабатлар юзага келади ва уларнинг субъектлари бири-биридан фарқ қилади. Бу алоҳида кишилар ёки ташкилотлар бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлган шахслар мустақил давлатнинг фуқаролари, ажнабий ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир. Хорражликлар ва фуқаролиги булмаган шахслар мустақил давлат фуқаролари каби ҳуқуқий муносабатларга киришадилар, бироқ бу ерда чегаралашлар бўлиши мумкин. Масалан, улар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ҳамда Қуролли кучларда хизмат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ҳуқуқ субъектлари доимо кишилардир. Бироқ урта асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам ҳайвонлар ва жонсиз предметлар ҳуқуқ субъектлари деб тан олинган. Таниқли инглиз элшунос

олими Дж. Фрэзер ҳайвонлар устидан ўтказилган суд жараёнларини тузган. Масалан, 1457 йилда Францияда чўчқа ва унинг олтига боласи Ж. Мартин деган кишини атайлаб ўлдирди деб судга берилган. Гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитган суд чўчқани «қийшиқ дарахтга орқа оёқларидан осиб» орқали ўлдиришга ҳукм қилган. Ҳукм суд кўрсатмасига қатъий риоя этилган ҳолда ижро қилинган<sup>1</sup>.

Ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлган ташкилотлар — давлат ва унга тегишли бўлмаган ташкилотлар давлатнинг ўзидир. Давлатга тегишли бўлмаган ташкилотлар жуда кўп ва хилма-хил. Булар ижара ва хусусий корхоналар, хорижий фирма ва компаниялар, тижорат банклари ва тижорат тузилмалари, тадбиркорлик уюшмалари ва бошқалардир.

Давлатга тегишли ташкилотлар қонунда белгиланган қўйидаги ҳолларда ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўла оладилар.

*Биринчидан*, давлат ташкилотларининг ҳуқуқ субъекти сифатида ўзларининг ваколатларини амалга ошириши қонунчилик ҳужжатларини чиқариш ҳуқуқига эгаллигида, моддий ташкилий, мажбурловчи воситалар билан уларга таъсир этиши ва бажарилишини таъминлаш имконияти борлигида ўз ифодасини топади. Олий Мажлис ёки ҳукумат ўз ваколати доирасида норматив ҳужжатлар қабул қилади, давлат бошқарувининг маҳаллий органлари эса транспорт, уй-жой тузилмалари ва бошқа тузилмаларнинг ишини ташкил этади, прокуратура, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортади, суд ҳукм

<sup>1</sup> Қаранг: *Фрэзер Дж. Дж. Фольклор в Ветхом Завете*. М., 1985. с. 443-449.

ёки қарор чиқаради. Ректор талабани фанларни ўзлаштира олмаганлиги учун олий ўқув юрти ҳисобидан чиқаради. Булар давлат органлари ҳуқуқ субъектлари сифатида ўз ваколатларини амалга оширишнинг баъзи ҳолатлари, холос.

*Иккинчидан*, давлат ташкилотлари жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қатнашадилар. Бунда ташкилот, бирлашма, партия, уюшма ва бошқа тузилмалар ваколатларини эмас (бу уларда умуман йўқ), балки уларнинг низомида кўзда тутилган ҳуқуқларни амалга оширадилар.

*Учинчидан*, хўжалик ва мулкӣ фаолиятнинг амалга оширилиши. Бу ҳолатда ташкилот ҳуқуқ субъекти бўлиш учун юридик шахс мақомига эга бўлиши керак. Юридик шахс деб, ўз мулкига ёки тўла хўжалик юритишда, оператив бошқаришда ўзига хос мулкка эга бўлган, ана шу мулк билан ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берадиган, судда ва хўжалик судида ўз номидан қатнаша оладиган ташкилот тан олинади.

Одатда юридик шахс деб ташкилотлар тан олинар эди. Мустақил Ўзбекистоннинг «Деҳқон фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни эса яқка фуқароларни ҳам (агар фермер хўжалиги бир кишидан иборат бўлса) юридик шахс сифатида тан олади.

Ҳуқуқ субъектларига ташкилотлар ва давлат ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси давлат сифатида жуда кўп ҳуқуқий муносабатларда қатнашади. Масалан, халқаро ҳуқуқий — хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатишда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш, фуқарони давлат мукофоти билан тақдирлаш ва бошқа ҳолларда давлат қонунчилиқ муносабатларига киришади. Жиноий ишлар бўйича ҳукмлар Ўзбекистон Рес-

публикаси номидан чиқарилганлиги учун жи-  
ноий — ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Давлат ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашадиган шуларга ўхшаш бошқа ҳуқуқий муносабатлар ҳам mavjud.

## 5-§. Ҳуқуқий субъектлик тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари

Ташкилот ёки шахс ҳуқуқий муносабатлар субъекти бўлиши учун субъектлик ҳуқуқига эга бўлиши керак.

**Ҳуқуқий субъектлик** — ҳуқуқ субъекти бўла оlish қобилиятидир. Ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий субъектлик ва юридик факт ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шарт-шароитлари ҳисобланади.

Давлат ва беваллат ташкилотлар ва умуман, давлатга нисбатан оғанимизда ҳуқуқий субъектлик улар ваколатларида ўз ифоласини топади. **Ваколатлар** — ташкилотлар ва давлатга ўз вазифаларини бажариши учун берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисиدير. Ҳар бир ташкилот ваколати аниқ белгиланган доирада бўлади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Давлат бовлиги, давлат ҳокимияти юқори бошқарув органларининг ваколатлари давлат Конституциясида белгиланади. Ташкилотнинг низомида акс этади, уни мустаҳкамлайди ва ташкилот фаолияти чегараларини аниқлайди.

Ҳуқуқий субъектлик якка шахсларга нисбатан кўриб чиқиладиганда қуйидаги учта таркибий қисмни эътиборга олиши лозим: *биринчидан*, ҳуқуқий лаёқат, *иккинчидан*, муомала лаёқати, *учинчидан*, ўз хатти-ҳаракати учун жавоб бера оlish лаёқати.

**Хуқуқий лаёқат** — шахснинг ҳуқуқ нормаларига кўра субъектив ҳуқуқ ва юридик бурчларга эга бўлиш қобилиятидир. Хуқуқий лаёқат инсонда у туғилган пайтда вужудга келиб, вафот этиши билан тугайди.

**Муомала лаёқати** — шахснинг ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажара олиш қобилияти. Муомала лаёқати инсоннинг руҳий ҳолати ва ёшига боғлиқ. Муомала лаёқати вояга етган вақтдан тула кучга кирди, бунгача эса, (ўсмир) қисман муомала лаёқатига эга бўлади. 15 ёшга етмагандар Ўзбекистоннинг Фуқаролик кодексига мувофиқ мустақил равишда кичик маиший битимлар тузини ҳуқуқига эга, 15 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар эса, ўз иш ҳақи ва нафақаларидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**Деликт лаёқати** — шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари, энг аввало, ҳуқуқбузарлиги учун жавоб бера олиш қобилиятидир.

Хуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати оладда, бир шахсда бир вақтда содир бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон фуқаросининг меҳнат қилиш ҳуқуқий лаёқати шундаки, у меҳнати учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга ва белгиланган тартибда меҳнат мажбуриятларини бажариши керак. Унинг меҳнат қилишга муомала лаёқати шундаки, у меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқини шахсан амалга оширади. Бу ерда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати бир бутунликни ташкил этади, биргалликда амал қилади.

Хуқуқнинг кўпгина тармоқларида худди шундай бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида аҳвол бироз бошқача. Бу ерда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати алоҳида-алоҳида бўлиши мумкин. Фуқаролик қонунига мувофиқ, болалар ва руҳий касаллар муомала лаёқатига эга эмас. Бироқ, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиб,

балогатга етмаганлар (15 ёшга тўлмаганлар) учун битимларни улар номидан ота-оналари, асраб олганлари ёки васийлари, руҳий касаллар номидан эса, уларнинг васийлари тузишлари мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик ҳуқуқида бир шахс ҳуқуқий лаёқатли бўлиши мумкин, унда бўлмаган муомала лаёқати бошқа шахсларнинг (ота-оналар, васийлар, асраб олувчилар) муомала лаёқати билан тўлдирилади.

Ҳуқуқий субъектлик инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, унинг мақоми барқарорлигининг шарти ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида, масалан, руҳий касаллик ёки ақлий заифлик оқибатида ўз ҳаракатининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қилолмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб тан олинади. Суд, шунингдек, спиртли ичимликларни ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилувчи фуқароларнинг муомала лаёқатини ҳам чеклаб қўйиши мумкин.

Ҳуқуқий субъектлик таркибида ҳуқуқий лаёқат асосий ўринда туради, ундан муомала ва зарарни қоплаш лаёқати келиб чиқади. Агар шахс ҳуқуқий лаёқатга эга бўлмаса, бажарилмаган мажбуриятлар учун ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш бўйича унинг фаолияти хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Умумий ва махсус ҳуқуқий субъектликни бири-биридан фарқлаш керак. Умумий ҳуқуқий субъектликка 18 ёшга етган ақли расо ва суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб эълон қилинмаган барча шахслар эгадирлар. Умумий ҳуқуқий субъектлик ҳамма учун бир хил, махсус ҳуқуқий субъектлик эса баъзи бир субъект махсус унвонлар билан белгиланган, маълум ёшдаги, айрим

қўшимча талабларга мос келиши зарур бўлган ҳуқуқий муносабатлар учун керак. Масалан, Олий Мажлисга сайланиш учун 25 ёшга тўлган бўлиш керак, судья бўлиш учун 25 ёшга тўлган ва олий юридик маълумотга эга бўлиш зарур.

## **6-§. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият**

**Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунидир.** Уларни таҳлил қилган ҳолда, ҳуқуқий муносабатларнинг хусусияти ва мақсадлари тўғрисида сўз юритиш мумкин.

**Субъектив ҳуқуқ** — *ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти, яъни ваколатли шахсга тегишли бўлган ҳуқуқдир.* Субъектив ҳуқуқда ҳар доим ваколатли шахснинг моддий, оилавий, сиёсий ёки бошқа бирор манфаати мужассамланган бўлади. Унинг учун субъектив ҳуқуқнинг кераклиги ҳам ана шунда. Субъектив ҳуқуқ имконият даражасидаги хатти-ҳаракатдир, яъни бундай ҳаракатнинг қилиниши тўла-тўқис ваколатли шахснинг ихтиёри ва истаги билан боғлиқ. Бироқ имконият доираси ва манфаатнинг амалга ошиш доираси объектив ҳуқуқ нормалари билан аниқ белгилаб қўйилган. Айнан шу сабабли ҳам субъектив ҳуқуқни тавсифлаш учун «чора» сўзи қўлланилади яъни, имконият даражасидаги чора. Ҳар қандай субъектив ҳуқуқ бунга мисол бўла олади. Фуқаро қатъий ўрнатилган тартибда иш ҳақи олади, аниқ белгиланган муддатли таътилда бўлади, бир вақтнинг ўзида фақат бир киши билан рўйхатдан ўтказилган никоҳда бўлади ва ҳ. к.

Субъектив ҳуқуқ эркинлик билан бевосита алоқада. Бу эркинлик меъёридир. Агар эркинлик меъёри нолга тенг бўлса муносабат ҳуқуқий хусусиятини йўқотади.

Кўпинча субъектив ҳуқуқ таркибига бир эмас, бир қанча имкониятлар киради. Шунда уларнинг ҳар бири субъектив ҳуқуқнинг таркиби бўлган ваколат деб аталади. Масалан, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, агар истеъмолчи сотиб олган товарда камчилик топса ва бу тўғрисида сотувчи уни огоҳлантирмаган бўлса, истеъмолчи қўйидаги ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин:

*биринчидан*, товардаги камчиликларни текин тuzаттириш ёки тuzатиш учун кетган харажатларни ундириб олиш;

*иккинчидан*, харид нархини кўрилган зарар ҳажмида камайтириш;

*учинчидан*, товарни худди шу турдан бошқасига алмаштириш;

*тўртинчидан*, харид нархини қайта кўриб чиққан ҳолда бошқа маркадаги, шу турдаги товарга алмаштириш;

*бешинчидан*, шартномани бузиш ва зарарни ундириб олиш. Бу ерда истеъмолчининг субъектив ҳуқуқи бешта ваколатдан иборатдир.

Агар субъектив ҳуқуқ бошқа шахс ёки ташкилот томонидан бузилса, у ҳолда ваколатли шахсда ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишларини сўраб, мурожаат этиш имконияти пайдо бўлади. Бу давлатнинг муҳофаза қилиш, ҳимоялаш механизминини ҳаракатга келтириши мумкин. Бу имконият **даъво** деб аталади. Даъво субъектив ҳуқуқнинг таркибий қисми. У ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан таъминланади. Субъектив ҳуқуқнинг бузилиши, умуман ҳуқуқнинг бузилиши ҳамдир. Шу боис «кимки ўз ҳуқуқини ҳимоя қилаётган бўлса, у тор доирада

умуман ҳуқуқни ҳам ҳимоя қилади», деб ёзганди немис ҳуқуқшуноси Р. Иеринг<sup>1</sup>.

**Юридик мажбурият** — ҳуқуқий муносабатлар субъектининг субъектив ҳуқуқ эгаси манфаатларини қондириш учун зарур бўлган хатти-ҳаракатларидир. Юридик мажбуриятсиз субъектив ҳуқуқ бўлмайди.

Юридик мажбурият — зарур ва керакли хатти-ҳаракат. Агар субъектив ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик мумкин бўлса, юридик мажбуриятдан воз кечиб бўлмайди. Юридик мажбурият субъектив ҳуқуқ каби белгиланган ҳуқуқий кўрсатмалар, доиралар билан чегараланган, яъни меъёрдан иборат. Белгиланган нормадан ошиқча мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш — зўравонлик, қонунийликни бузишдир. Юридик мажбуриятга баъзи мисоллар келтирамиз: харидор олди-сотди пайтида товар учун белгиланган пул миқдорини тўлашга мажбур; ота-оналар ўз болаларини боқишга ва уларнинг тарбияси тўғрисида қайғуришга мажбур; мустақил давлат фуқаролари қонунларни ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишга мажбур. Юридик мажбуриятни бузганлик учун юридик жавобгарлик келиб чиқади.

Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг манфаатлари муҷассамлашган муайян нарсага қаратилган.

## **7-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объекти тушунчаси**

Ҳуқуқий муносабатнинг объекти муаммоси мураккаб масалалардан биридир. Бу ерда объект деганда нимани тушуниш лозим?

<sup>1</sup> Қаранг, *Иеринг Р.* Борьба за право. -- М., 1901. С. 41.

Фалсафада объект деганда, субъектнинг амалий ва илмий фаолиятида унга қарама-қарши турган нарса тушунилади. Объект — субъект билан ўзаро алоқада бўладиган объектив борлиқнинг бир бўлагидир.

Объектни бундай тушуниш ҳуқуқ соҳасига ҳам тааллуқлидир. Фақат шуни назарда тутиш керакки, агар фалсафий талқинда, инсон фаолиятига аралашувчи, инсон томонидан ўзлаштирилувчи ва ўрганилувчи нарсалар объектга айланса, ҳуқуқ соҳасидаги объект тушунчаси анча тор. Ҳуқуқ объекти — ижтимоий муносабатлар. Улар ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўла олади ва ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилади. Ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси эса янада тор бўлиб, ҳуқуқ объектига нисбатан анча аниқроқ. Бу маълум шахсларнинг фаолияти йўналтирилган муносабатлар, ижтимоий муносабатларнинг бир бўлагидир. Ҳуқуқ объекти анча маъхум тушунча. Ҳуқуқий муносабатлар объекти аниқроқ, чунки у ижтимоий муносабатлар тизимида субъектларнинг ўзаро муносабатига сабаб бўлаётган элементдир.

Шундай қилиб, **ҳуқуқий муносабат объекти** — *субъектларнинг субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятлари йўналтирилган нарсадир.*

## **8-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объектлари**

Ҳуқуқий муносабатнинг объекти нима бўла олади? Бу муаммо бўйича иккита назария мавжуд. Биринчиси, монистик (якка объект) назария; иккинчиси, плюралистик (объектларнинг кўп хиллиги) назария.

Ҳуқуқий муносабатлар объектининг монистик назариясига кўра, ҳуқуқий муносабатнинг объект-

ти ҳуқуқий таъсирга муносабат билдира олиш қобилиятига эга бўлиш керак. Ҳолбуки, фақат инсон хатти-ҳаракатигина бунга қобил. Шу боис, инсон хатти-ҳаракатини ҳуқуқ ва мажбуриятлар объекти деб тан олиш лозим. Инсон хатти-ҳаракати — ҳуқуқий муносабатнинг ягона объекти, шу боис назария ҳам монистик деб аталади.

Хатти-ҳаракат бир қатор ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиши мумкин.

**Ҳуқуқий муносабатлар объектининг плюралистик назарияси** мавжуд ҳуқуқий муносабатларнинг турлича эканини тўғри акс эттиради, фактларга таянади, амалий жиҳатдан қулай. Бу назария ҳуқуқий муносабатларнинг турлича эканини кўрсатиш имконини беради, уларни фақат мажбуриятли шахснинг хатти-ҳаракатига олиб бориб тақамайди.

Қуйидаги ижтимоий ҳодиса ва неъматлар ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари бўла олади.

*Биринчидан*, моддий дунё предметлари. Уларга ашёлар киради. Юридик маънода ашёлар табиий ҳолатда сақланган ҳамда инсоннинг меҳнат фаолияти жараёнида яратилган ва улар сабабли ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўладиган буюмлардир. Ашёларга: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, пул, қимматли қоғозлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Истеъмол буюмлари, саноат молларининг олди-сотдиси, айирбош-лаш, ҳадя қилиш, мерос қолдириш каби моддий дунё предметлари ҳуқуқий муносабатлар объектига айланган айрим мисоллардир.

*Иккинчидан*, маънавий ижод маҳсулотлари. Бу инсоннинг ақлий меҳнати натижасида яратилган, санъат, адабиёт асарлари, суратлар, кино ва бошқалардир. Улар сабабли ҳуқуқий муносабатлар пай-

до бўлади. Айнан улар музей, кўргазма, кутубхона, мушоира кечаларига борувчи фуқаролар, яъни субъектив ҳуқуқ эгаларини қизиқтиради. Бу ерда субъект ижод маҳсули бўлган объектга қизиқали. Башарти, у қизиқиш бўлмай, ваколатли шахсини бошқа интилишлари бўлса, ҳуқуқий муносабатлар объекти ҳам бошқача бўлади. Масалан, фуқаро адабиёт асари бўлган, ўзини қизиқтирадиган китобини сотиб олди. Бу ҳолда ҳуқуқий муносабатлар объекти ижодий меҳнат маҳсулотидир. Агар худди ўша китоб уйга безак сифатида одинган бўлса, у ҳолда китоб ижодий меҳнат маҳсули эмас, балки моддий буюмга айланали.

*Учинчидан*, шахсий номудкий неъматлар. Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлган шахсий номудкий неъматлар деганда инсон ва унинг шахси а бевосита боғлиқ бўлган номудкий неъматлар тушунилади. Бу — инсоннинг соғлиги, ҳаёти, ор-номуси, қадр-қимматидир. Инсон ҳаётига таъжовуз қилинган ҳолларда объекти инсон ҳаёти бўлган жиноий-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади. Жиноят қонунида шахсининг ҳаёти, соғлиги, эркинлиги ва қадр-қимматига қарши содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарлик белгиланган маҳсул моддалар мавжуд. Бу қадриятлар мазмурий ва фуқаролик, оила ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормалари билан ҳам куриқланади.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари. Инсоннинг хатти-ҳаракати — унинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатидир. Бу ҳаракатда (фаол хатти-ҳаракат) ёки ҳаракатсизликда (пассив хатти-ҳаракат) ўз аксини топади.

Хатти-ҳаракат ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиши мумкин. Бироқ у монистик па-

зария вакиллари ҳисоблаганидек ягона эмас, балки қўлаб объектларнинг бири бўлиши мумкин. Одатда, мажбуриятли шахснинг хатти-ҳаракати, жуда кам ҳолларда эса ваколатли шахснинг хатти-ҳаракати ҳуқуқий муносабатнинг объекти бўли олади. Масалан, маъмурий қонунчиликка мувофиқ, ички ишлар органлари жазони ўташ жойларидан бўшатишан шахслар, яъни хавфли жиноятчилар, оғир жиноятчилар учун судланганлар устидан маъмурий назорат ўрнатишлар.

Назоратнинг мақсади – улар янги жиноят содир этишларининг олдини олишдир. Бу шахслар шу мақсадда кузатилади ва уларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатилади. Бу ҳолда назорат остидаги кишининг хатти-ҳаракати ҳуқуқий муносабатнинг объекти бўлади. Бу ҳолатда ваколат эгасини (ички ишлар органини) мажбуриятли шахснинг хатти-ҳаракати қизиқтиради.

*Бешинчидан*, ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг хатти-ҳаракати натижалари. Хатти-ҳаракат натижалари у ёки бу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик келтириб чиқарадиган муносабатдир. Кўпгина ҳуқуқий муносабатларда шахсларнинг хатти-ҳаракати эмас, балки хатти-ҳаракат натижаси ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади. Бунга юкни ташиб бериш шартномаси асосида юзата келадиган муносабатлар мисол бўла олади. Ваколатли шахснинг (юкни олувчининг) бу шартномада мажбуриятли шахснинг маълум хатти-ҳаракатлари эмас, балки унинг ҳаракатлари натижаси (юкнинг аниқдан жойга белгиланган муддатда етказиб берилиши) қизиқтиради. Капитал қурилишига оид пудрат шартномаси асосида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатда буюртмачининг ва пудратчининг ҳаракатлари (қандай қури-

лиши, куннинг қай вақтида ишлаши, қандай техника ёрдамида қуриши) қизиқтирмайди. Унинг учун хатги-ҳаракатларнинг натижаси — барча талабларга жавоб берадиган бинонинг қуриб битказилиши муҳимдир.

## 9-§. Юридик фактлар тушунчаси

**Юридик факт** — ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тугаши билан боғлиқ аниқ ҳаётий шарт-шароитлардир.

Юридик фактларсиз ҳуқуқий муносабатлар ҳам бўлмайди. Масалан, олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган фуқаро юридик факт мавжуд бўлган ҳолда кириш имтиҳонини муваффақиятли топшириб ўқув юртига кирган тақдирдагина бу ҳуқуқни рўёбга чиқариши ва ўқув юрти билан ҳуқуқий муносабатга киришиши мумкин. Одатда, ҳуқуқий нормаларда белгиланган ҳаётий шарт-шароитлар юридик фактга айланади.

ФХДЁ органларидаги никоҳни қайд этиш факти — юридик факт, мачитда никоҳлаш маросими ҳаётий шарт-шароит, лекин юридик факт эмас. Чунки юридик нормалар оқибатида ҳуқуқий оқибатлар юз бериши кўзда тутилмаган.

## 10-§. Юридик фактларнинг турлари

Хилма-хил юридик фактларни маълум асосларга кўра бир қанча турларга ажратиш мумкин.

*Биринчидан*, келиб чиқадиган оқибатларнинг хусусиятига кўра: ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилувчи, ҳуқуқий муносабатларни ўзгартирув-

чи ва ҳуқуқий муносабатларни тугатувчи юридик фактлар.

Ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилувчи юридик фактлар ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади, ҳуқуқий муносабатларни ўзгартирувчи фактлар ҳуқуқий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади, ҳуқуқий муносабатларни тугатувчи фактлар субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни тугатади.

Масалан, битта юридик ҳужжат ҳам ҳуқуқий муносабатларни пайдо қилувчи, ҳам ўзгартирувчи, ҳам тугатувчи бўлиши мумкин. Айтайлик, инсон ўлими меросий-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлишига олиб келади, марҳум субъекти бўлган ҳуқуқий муносабатлар таркибини ўзгартиради, марҳум ҳаётлигида қатнашган кўплаб (оилавий, меҳнат, нафақа) ҳуқуқий муносабатлар тугатилади.

*Иккинчидан*, юридик фактлар ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг эрки билан боғлиқлиги бўйича *ҳаракат* ва *ҳодисаларга* бўлинади.

**Ҳаракат** — ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг эрки билан боғлиқ фактлардир. Улар ҳуқуқ йўл қўйган ва йўл қўймаган ҳаракатларга бўлинади. Ҳуқуқ йўл қўйган юридик фактлар, ўз навбатида, **юридик ҳужжатлар** ва **юридик хатти-ҳаракатларга** бўлинади.

**Юридик ҳужжат** — юридик оқибатларни келтириб чиқаринг мақсадида амалга оширишга ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатдир. Юридик фактларнинг асосий қисми юридик ҳужжатлардир, яъни улар атайлаб ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши учун йўналтирилган. Бу давлат битимлари (ҳадя қилиш, олди-сотди), давлат органлари, мансабдор шахс ва бошқаларнинг топшириқларидир.

**Юридик хатти-ҳаракатлар** — муайян ҳуқуқий оқибатнинг юзага келишига қаратилган бўлса-да, бундай оқибатлар қонун билан назарда тутилганлиги сабабли, вужудга келадиган ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлардир. Юридик хатти-ҳаракатга ноширни қизиқтириб қолган ва чоп этилган бадиий адабиёт асарининг яратилиши мисол бўлиши мумкин. Муаллиф асарни яратаётиб, унинг чоп этилишини назарда тутмаган бўлиши мумкин, бироқ қонунда кўзла тутилганлиги сабабли, ҳуқуқий муносабат ва қалам ҳақи тўлаш юз беради. Сохта никоҳдан ўтиш ҳам, агар фарзандлар туғилган бўлса, юридик хатти-ҳаракат бўлади. Оила қуриш мақсадида эмас, балки рўйхатдан ўтиш, ўқиниши тамомлаган пайтдаги тақсимиладан қутулиб қолини, уй-жой олиш мақсадида тузилган никоҳ, агар фарзандлар туғилса, уларни боқиш ва тарбиядан билан боғлиқ бўлган барча юридик мажбуриятларни пайдо қилади.

**Ҳодисалар** — ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг эрки билан боғлиқ бўлмаган юридик фактлардир. Бу ерда ҳодисалар кишилар ихтиёри билан боғлиқ бўлишини ёдда тутиб муҳим. Бироқ юридик факт сабаб бўлиши эки бағила юзага келадиган аниқ ҳуқуқий муносабатда қатнашчилар эрки билан боғлиқ бўлмайди (масалан кишилар улими). Одатда *ниобий* ва *мушак* ҳодисаларни фарқлайдилар.

**Ниобий ҳодисалар** — кишиларнинг пайдо бўлган ҳуқуқий муносабатга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, келиб чиқовин кишилар эрки билан боғлиқ фактлардир.

Масалан, бирор бинода ўтқинчи айбон билан тасодифан ёнғин чиқиши. Бу ҳолда агар мулк сургурга қилинган бўлса жабрланувчи (шу мулк эга-

си) билан суғурта органи ўртасида ҳуқуқий муносабат пайдо бўлади. Бу ҳолда ёнғин факти ҳодисадир. Чунки у ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг — (жабрланувчи ва суғурта органи) эрки билан боғлиқ эмас, балки бошқа кишилар эрки билан боғлиқ.

**Мушлақ ҳодисалар** — келиб чиқиши инсон эрки билан умуман боғлиқ бўлмаган ҳодисалардир (масалан, табиий офат).

## 11-§. Юридик таркиб тушунчаси ва турлари

Кўпинча ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган юридик оқиба-ларнинг юзага келиши учун битта юридик факт эмас, балки уларнинг йиғиндиси талаб қилинади.

**Нормада кўзда тутилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши учун зарур бўлган фактларнинг йиғиндиси юридик таркиб деб аталади.** Масалан, нафақа ҳуқуқини муносабатлари уч факт мавжуд бўлганина пайдо бўлиши мумкин. Қонунда белгиланган ёшга етиш, меҳнат сажасининг мавжудлиги, илтимонли таъминот органининг нафақа бешилани туғричилиги қарори.

Олий ўқув юртига қабул қилина учун умумий ўрта маълумот, кириш имтиҳонларнинг муваффақиятли толибларини, ректорнинг ўқушига қабул қилини туғричилиги буйруқи бўлиши керак. Ана шу уч фактнинг йиғиндиси юридик таркибни ташкил этади.

Юридик адабиётларда улар тугалланган ва тугалланмаган таркибларга бўлинади. **Тугалланган юридик таркиб** деганда, юридик фактларнинг тўлигининг жароғини ва ҳуқуқий оқибатлар юз бераётган ёки юз бериши мумкин бўлган таркиб ту-

шунилади. **Тугалланмаган таркибда** эса юридик оқибатларнинг юз бериши учун зарур бўлган фактларнинг йиғилиш жараёни тугалланмаган бўлади. Охирги зарур факт пайдо бўлган пайтдан бошлаб, таркибдаги барча фактлар ишга тушади.

Юридик таркибга кирувчи фактларнинг ҳуқуқнинг қайси соҳасига тегишлилигига қараб, уларни *оддий* ва *мураккаб* таркибларга бўлиш мумкин. Оддий юридик таркиб ҳуқуқнинг бир соҳасига тегишли булган фактларни уз ичига олади. Масалан, никоҳдан ўтиш учун фактларнинг бутун бир йиғиндиси зарур: шахсларнинг ўзаро розилиги, никоҳ ёшига етганлиги, уларнинг ҳар бири ФХДЁ органларида аввал никоҳдан ўтмаганлиги, никоҳдан утаётган тарафларнинг муомаллага ласқатлилиги. Бу фактларнинг ҳаммаси ҳуқуқнинг бир соҳаси -- оила ҳуқуқида кузда тутилган.

**Мураккаб юридик таркибга** нафақа ҳуқуқий муносабати мисол бўлиши мумкин. Унда қонунда белгиланган ёшга етганлик ва зарур меҳнат стажини бўлиши меҳнат ҳуқуқи нормаларида кузда тутилган. Ижтимоий таъминот органининг қарори эса маъмурий ҳуқуқ соҳасига тегишлидир.

## **12-§. Ҳуқуқий муносабатлар -- амалдаги ҳуқуқий маданият**

Ҳуқуқий муносабатлар — амалдаги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим элементидир. Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир, деган фикр кенг тарқалган. Бинобарин, ҳуқуқий муносабат, биринчи навбатда, юридик нормаларни амалга оширишнинг ҳуқуққа амал қилишнинг натижасидир. Айнан ҳуқуқий муно-

сабатлар орқали ҳуқуқ «яшайди», амал қилади. Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий имкониятлари ва юридик мажбуриятларини амалга оширишнинг ҳақиқий манзарасини айнан ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши кўрсатади. Ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий позицияси ва мўлжаллари, юридик соҳадаги ташаббуслари ва фаолликлари, хатти-ҳаракатлари юридик шаклларини билиш даражаси жамланиб, бу субъектларнинг ҳуқуқий маданиятини белгилаб беради.

Ҳуқуқий муносабатлар, ижтимоий-фойдали ёки салбий юридик факт натижасида юзага келганлигига қараб, жамият ҳуқуқий маданиятининг кўрсаткичи бўлади. Айтайлик, онла қонунларида мустаҳкамланган никоҳдан ўтиш имконияти камдан-кам ҳолларда аниқ ҳуқуқий муносабатларда амалга ошади ва амалий ифодасини топади. Бу жамият ҳуқуқий маданиятининг нафақат юридик, балки ижтимоий қадрият бўлган мазкур нормани ҳали қабул қилмаганлигидан далолат беради. Ахир ушбу нормани кенг қўллаш эр-хотин ўртасида жанжалнинг олдини олишга, улар бўйича узоқ давом этувчи тортишувларга йўл қўймасликка, айрим ҳолларда эса ажралишлар негизида содир этилаётган жиноятларнинг олди олинишига имкон берган бўларди.

Ҳуқуқбузарликларнинг, ҳуқуқни қўллаш ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларнинг миқдори ҳам жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятини кўрсатади. Ҳуқуқий муносабатлар, бир томондан, жамият ижтимоий ва ҳуқуқий ривожланишининг даражаси билан белгиланади, бошқа томондан эса, унинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини акс эттиради.

*«Жамики дунёви неъматлар орасида энг улуғи — инсон беган фикрни илғари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаси ўзаро муносабатнинг оқилона ҳудудий ечимини топшига интилодик».*

*И.А. КАРИМОВ*

## **32-боб. ҲУҚУҚИЙ ҲАРАКАТ. ҲУҚУҚҚА ЗИД ХАТТИ-ҲАРАКАТ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК**

- 1-§. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва ҳуқуқий маданият*  
*2-§. Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар тушунчаси ва уларнинг турлари.*  
*3-§. Ҳуқуқни бузиш тушунчаси, унинг белгилари ва турлари.*  
*4-§. Ҳуқуқбузарликнинг турлари.*  
*5-§. Ҳуқуқбузарлик — юридик жавобгарлик асоси.*  
*6-§. Ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шартлари.*

### **1-§. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва ҳуқуқий маданият**

Қуй йиллар мобайнида ҳуқуқшунослик фани асосан қонунга ҳилоф ҳаракат, унинг сабаб ва шароитлари, муаммолари билан шуғулланиб, Ҳуқуқшуносликда шундай шароит юзата қилиш, юридик фан асосан қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлар муаммолари билан, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини урғаниш билан шуғулланиб, ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг қонунга мувофиқ шакли тасоғатга кўм талқик этилган. Анин

*Каримов И.А. Ўзбекистон Миллий институтининг асосий етказувчи профессори, Уфёғистон, 1993. 170-бет.*

найта ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатнинг ижтимоий фойдали турларини аниқлаш, таъминлаш ва ривожлантириш жамият ҳуқуқий маданиятини кўтаришнинг муҳим воситасидир. Қонунга мос ҳатти-ҳаракат ҳуқуқий нормаларда мавжуд бўлган идеал ахлоқ билан мос келувчи юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади.

Маълумки, ҳуқуқ шахсининг имкониятидаги ҳатти-ҳаракатларнинг, эркинлигининг меъридир. Шахс ушбу имкониятларни, шунингдек, ҳуқуқ нормаларининг талабларини турли усуллар билан амалга оширади. Уларга, жумладан, ҳуқуққа риоя этиш, уни бажариш, талбиқ этиш ёхуд қўллаш киради. Ушбу ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, шахсга қонунга хилоф ҳаракатлардан ўзини тийиш мажбуриятининг юкланиши шаклида ҳам амалга оширилади.

Қонуний ҳатти-ҳаракатларнинг икки турини ажратиш мумкин: 1) ҳуқуқ нормалари ва қонунларнинг талабларини бузмасликда, уларга риоя этишда, қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларни қилмасликда намоён бўладиган пассив ижобий ҳатти-ҳаракат; 2) танаббускор, фаол ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатларда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган ихтиёрий фаолиятда ифодаланадиган ҳуқуқий фаоллик.

Умуман олганда, ҳатти-ҳаракатларнинг назкур турлари жамият учун фойдалидир. Аммо ҳуқуқий ҳаётнинг шакллантириш шароитида қонуний ҳатти-ҳаракатлар иккинчи турининг аҳамияти ва зарурияти биринчисиникига қараганда бекиёс ортиқдир.

Ҳуқуқий маданият қонуний ҳатти-ҳаракатларни шакллантириш учун узига хос сарф майдон-

часи ва айни пайтда, унинг мезони сифатида намоён бўлади.

Хўш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга, қонуний хатти-ҳаракатларни ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг аҳоли ҳурмат қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган эталонига айлантиришга қандай қилиб эришиш мумкин?

Энг аввало, давлатнинг ва барча бошқа ижтимоий институтларнинг ҳуқуқий тарбияга қаратилган самарали фаолияти зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги, ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги принципи таъминланиши улкан аҳамиятга эгадир. Шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар мажмуасини амалга ошириш ҳам муҳим.

Ижобий ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни жорий этиш, ташвиқ қилиш, қонунга итоаткорлик турмуш тарзини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари катта самара беради. Айнан маҳаллада, мавзеда ҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг мақсадга йўналганлиги яққол намоён бўлади. Бу ерда қонуний хатти-ҳаракатни ташвиқ қилиш ва рағбатлантириш энг кўп самара беради. Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ўрганиш ушбу фаолиятнинг асосий йўналишлари ижтимоий таъминот, ободонлаштириш, маданий оқартув ишларидан иборатлигини кўрсатмоқда. Ҳуқуқий онг ва хатти-ҳаракатни шакллантириш масалаларига эса етарлича эътибор берилмаяпти. Жамоатчилик судлари, ёшлар тарбияси бўйича кенгашлар, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик комиссияларининг тузилиши ва амал қилиши қонуний хатти-ҳаракатларнинг кенг ёйилишига,

қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг камайишига ёрдам берган бўлар эди.

## 2-§. Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар тушунчаси ва уларнинг турлари

Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар — шахс хатти-ҳаракатининг юридик нормаларга мос бўлишидир.

Бу қонунга мос, ижтимоий хатти-ҳаракат бўлиб, юридик шаклдаги қонуний хатти-ҳаракат таъсирида ҳуқуқ амалда бўлади. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат доираси ва чегараси ҳуқуқий нормаларининг диспозицияси билан белгиланади. Айнан у ҳуқуқ тартиботнинг моҳияти ҳисобланади.

Ҳуқуқий хатти-ҳаракат йўли билан жамият бошқарилади, унинг меъёрий ҳаёт фаолияти тартибга солинади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилади. Жамиятимизда вужудга келадиган ва амалда бўлаётган ҳуқуқий муносабатларнинг асосий қисми ўз асосига кўра, ҳуқуқий хатти-ҳаракатдан иборатдир.

Шахсининг ҳуқуқий хатти-ҳаракати кейинги вақтлардан бонслаб тадқиқот предмети бўлиб қолди. Бу муаммога илгари кам аҳамият берилиб, олим ва амалиётчиларнинг асосий эътибори ҳуқуқ бузилишига қарши курашга қаратилган эди.

Ҳуқуқий хатти-ҳаракат жуда кенг маънога эга. У ўз хусусиятига кўра, бир хил эмас. Ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг уч тури мавжуд.

*Биринчиси* — **фаол ҳуқуқий хатти-ҳаракат**. Бу фуқаролар, мансабдор шахсларнинг қўшимча вақтлари, имкониятлари, шунингдек, моддий воситаларидан келиб чиқиб, ўз ташаббускорлигига таянган ҳуқуқий фаолиятидир.

Ўн йиллар давомида совет тоталитар давлати шахснинг ҳуқуқий фаоллигини фақат сўздагина қўллаб-қувватлади. Амалда эса, ҳақиқий фаол фуқаро бундай давлатга керак эмас, давлат ундан кўрқарди. Шу боис шахсдаги конформизм, мутаассиблик, лоқайдлик каби белгилар кўпроқ ҳукмронлик қилган. Ҳозирги пайтда бу мутлақо мақсалга мувофиқ эмас. Ўзини ҳимоя қилиш, турмуш шароитини яхшилаш эркинлигини қонун доирасида таъминлаш, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишга таъсир кўрсатиш, давлат қисфасида ҳимояга эга бўлиш учун шахс иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа муносабатларда фаол бўлиши шарт. Шахснинг ҳуқуқий фаоллиги — давр талаби. Ҳуқуқий фаолликнинг намоёнлиги бўлиш шакллари турлича. Бу шакллардан фаол хизмат қилиш, партия, жамоат уюшмаларининг шаклланиши ва ишида қатнашиш, қонун лойиҳалари муҳокамасида бевосита иштирок қилиш, давлатнинг турли тузилмаларида ҳамкорлик қилиш ва шу кабилар.

*Иккинчиси* — **олатдаги ҳуқуқий ҳатти-ҳаракат.** У фаолликдан фарқ қилган ҳолда, ортиқча харажат ва ҳаракат билан боғлиқ бўлмайди, бу кишининг доимий хизмат ва бошқа ҳаётий фаолиятдан келиб чиқадиган ва у олатда, ҳуқуқий нормалар талабига мос келади. Фуқаролар ушбу ҳатти-ҳаракат доирасида ўзларининг юридик аҳамиятга молик у ёки бу ҳаракатларини амалга оширадиганлар. Лекин бу уларнинг фаоллигини ҳуқуқий талаб даражасидан оширишга олиб келмайди. Жамиятда, давлатда, амалда, шахсий ҳаётий фаолиятда у оддий ва зарурий ҳол ҳисобланади. Айнан шунга мувофиқ шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжи қаноатлантирилади.

*Учинчиси* — **суст ҳуқуқий хатти-ҳаракат**. Бу ҳолат фуқаро ўзига тегишли ҳуқуқ ва эркинликлардан керакли мақсадда фойдаланмаган пайтда содир бўлади. Масалан, фуқаро никоҳдан ўтишда, мулкка эгалик қилишда, сайловларда иштирок этишда сусткашликка йўл қўйиши мумкин. Бундай пайтда шахс ўз манфаатини қаноатлантириш имкониятидан фойдаланмаганлиги натижасида унга нисбатан салбий оқибатлар содир бўлади. Бу жамиятнинг зарар кўришига олиб келади. Фуқаронинг суствлиги сабабли сиёсий ва ҳуқуқий соҳада, давлат ишларида валюнтаризм келиб чиқади, давлат тизимида халқ таъсири ва назорати сусаяди.

### **3-§. Ҳуқуқни бузиш тушунчаси, унинг белгилари ва турлари**

Ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг тескариси — ҳуқуқ бузилиши, яъни ноқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади. Ҳуқуқ бузилиши шахсга, мулкка, давлатга ёки умуман жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли, қонунга қарши ҳаракатдир. Ушбу тушунча ҳуқуқ бузилишининг қуйидаги бешта муҳим белгисини ўз ичига олади.

*Биринчидан*, ҳуқуқ бузилиши ижтимоий хавфли хусусиятга эга, яъни муайян зарар келтиради ёки шахс, мулк, давлат, жамият учун хавф туғдиради. Ҳуқуқий алабиётларда ноҳўя хатти-ҳаракат ижтимоий хавф эканлиги ёки жуда оғир қонун бузиш тури эканлиги ҳақида мунозаралар мавжуд. Фикримизга, ҳар қандай қонун бузиш ижтимоий хавфлидир. Акс ҳолда, қонунчиликка мувофиқ ҳар бир ҳуқуқ бузилиши учун белгиланган жазо муддатини қандай тушуниш мумкин?

Баъзи вақтларда жазо қилмишга нисбатан оғир ва қаттиқ белгиланади. Шунингдек, содир қилинган жиноят учун жарима сифатидаги жавобгарлик, жамоа танбеҳи белгиланса, маъмурий ножўя хатти-ҳаракат учун икки ойлик мажбурий меҳнатга ёки ўн беш кунга қадар маъмурий қамоққа тортилиши мумкин. Алоҳида олинган ижтимоий хавфли ҳаракат очиқ-ойдин бўлмаслиги (йўловчининг чорраҳадан қизил чироқда ёки тақиқланган ердан ўтиши) мумкин, башарти бу ножўя ҳаракат жамоат жойида бўлса, у очиқ-ойдин бўлади ва яққол кўзга ташланади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ бузилиши зид хатти-ҳаракат хусусиятига эга. Агар ижтимоий хавф — ҳуқуқ бузилишининг ички белгиси бўлса, зид хатти-ҳаракат унинг ташқи хусусияти ҳисобланади. Ҳуқуқ бузилиши — ҳуқуққа қарши қаратилган ва айни ҳолда унга тескари ҳисобланади. Ижтимоий хавфлилик қонун бузилишининг зид хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Агар хатти-ҳаракат алоҳида олинган шахс ёки жамият учун хавфли ҳисобланса, у вақтда ҳуқуқий нормалар билан ман қилинади. Ҳуқуқ бузилиши ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатнинг юридик ифодасидир.

*Учинчидан*, ҳуқуқ бузилиши фақат одамлар томонидан содир этилади. Ҳуқуқ тарихидан маълумки, ҳайвонлар ҳам баъзи вақтларда қонун бузилишининг субъекти бўлиб ҳисобланган. Ўрта асрларда баъзи мамлакатларда ҳайвонлар тўнғизлар, сичқонлар, каламушлар, итлар ва ҳ.к. жиноят содир қилганлар, шунга кўра барча юридик қоидаларга мувофиқ, уларни суд қилишган бу ҳақда тергов олиб борилган, улар судга чақириқ варақаси орқали чақирилган, прокурор ва ҳимоячи судда нутқ сўзлаган, суд ҳукми чиқарилган ва ижро қилинган.

Ҳуқуқ бузилиши ҳар қандай шахс томонидан эмас ўзи учун ҳисоб бера оладиган ва муайян хулқ-атворни бошқара оладиган шахс томонидан қилинган хатти-ҳаракатдир. Шунинг учун ўзига ҳисобот бера олмайдиган (ёки ласқатсиз ақли но-расолар) шахслар, шунингдек, ёшларнинг ҳаракатлари қонун бузилиши ҳисобланмайди.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқ бузилиши — хатти-ҳаракат ҳисобланиб, у фикр, тафаккур тимсоли эмас. Хулқ-атвор ҳуқуққа қарама-қарши ҳаракатларда ёки ҳаракатсизликда намоён бўлади. Қонун бузувчининг ижтимоий хавфлилиги ҳаракатнинг «моддийлиги»да намоён бўлади. Тафаккур ўз-ўзидан ижтимоий хавфнинг аниқ ва холис мезони бўла олмаганидек, киши хатти-ҳаракатининг қонунийлиги ёки ноқонунийлигини ҳам белгиламайди.

Гегелнинг «Фалсафа ҳуқуқи»<sup>1</sup> асарида киши ўз ҳаракати учун жавоб бериши тўғрисида таъкидланган бўлса, эътиқод учун, интилиш учун жавоб бермаслиги атрофлича ифода қилинган.

*Бешинчидан*, ҳуқуқ бузилиши — айбли қилмишдир. Агар шахснинг ҳаракатида айб бўлмаса, гарчи унинг ҳолати четдан қараганда ҳуқуқий тартибга қарама-қарши кўринса ҳам унинг ҳаракати ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланиши мумкин эмас. Масалан, зарурий мудофаа ҳолатида одам ўлдириш.

#### **4-§. Ҳуқуқбузарликнинг турлари**

Ҳуқуқбузарликлар турлича бўлиб, уларнинг ҳаммасини икки гуруҳга: жиноят ва ноҳўя хатти-ҳаракатларга бўлиш мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг, Гегель Г. В. Философия права.— М., 1990, С. 141, 144, 145, 192.

**Жиноят** — ҳуқуқ бузилишининг энг оғир туридир. **Ножўя хатти-ҳаракат** бу ҳуқуқ бузилиши ҳисобланиб, бошқарув, меҳнат, мулкӣ ва бошқа муносабатларга тўсқинлик қилувчи, лекин ижтимоӣ хавфли, жиноят ҳисобланмайдиган ҳуқуқ бузилишидир.

Жиноят ва ножўя хатти-ҳаракатни аниқ чегаралаш лозим. Чунки у жазонинг ижтимоӣ-ҳуқуқӣ чора сифатидаги тури ва миқдори билан боғлиқдир. Улар ижтимоӣ хавфлилик даражасига кўра фарқланади. Бу юридик фан ва амалиёт фикрига кўра жиноят ва ножўя хатти-ҳаракатни ажратиб берувчи старли, аниқ, тўла мезондир. Жиноят ножўя хатти-ҳаракатга нисбатан оғир, ижтимоӣ хавфли ҳисобланади.

Ижтимоӣ хавфлилик даражасини аниқлашда кўйидаги мезонлар кўлланилади.

*Биринчидан*, қонунга хилоф равишда тажовузкорлик объекти бўлган муносабатларни ҳуқуқӣ тартибга солишнинг аҳамияти. Жиноӣ тажовуз объекти одатда, энг муҳим ижтимоӣ муносабатлар, манфаатлар, моддий-несъматлар ҳисобланади. Бу, энг аввало, шахсинг ҳаёти ва сиҳат-саломатлиги, унинг шаъни ва қадр-қиммати, мулки, давлат хавфсизлиги, унда урнатилган бошқарув тартиби ва бошқалардир. Ижтимоӣ муносабатларнинг меҳнат, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт, уй-жой, коммунал хўжалиги ҳамда бошқа соҳалари бунчалик аҳамиятга молик эмас, нега деганда уларнинг тажовузкорлик қонунда жиноятлар эмас, балки ножўя хатти-ҳаракатлар деб эътироф этилади.

*Иккинчидан*, келтирилган зарар ҳажми. Агар келтирилган зарар катта бўлса, одатда хатти-ҳаракат жиноят деб ҳисобланади. Жуда кичик бўлса,

у ножўя хатти-ҳаракат деб айтилади. Масалан, ўзбошимчилик маъмурий ножўя хатти-ҳаракат соҳалари (қонунда кўла тутилган тартиб-қоидаи ўзбошимчилик билан бузиш) фуқарога ёхуд давлат ҳамда жамоат ташкилотларига жиддий зарар келтирмаса, ножўя хатти-ҳаракат ҳисобланади. Агар у шахсга, давлат ва жамоат ташкилотларига зарар келтирган бўлса, бундай хатти-ҳаракат жиноят қонунларига мувофиқ, жиноят ҳисобланади.

*Учинчиоан*, ҳуқуққа зид қилмишини усули, вақти ва содир қилини жойи. Масалан, ҳарбий хизматчи томонидан тинчлик вақтида буйруқни бажармаслик интизомий ножўя хатти-ҳаракат деб топилса, уруш вақтида бу отир жиноят ҳисобланади.

Ножўя хатти-ҳаракатлар баъзи турларининг кенгайиб бориши унинг ижтимоий хавфи кескин ортишига олиб келади ва қонунчиликда назарда тутилмаган жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлади. Бундай пайтда Жиноят кодекси янги моддалар билан тўлдирилади.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқбузарнинг шахси. Ножўя хатти-ҳаракатлар жиноятлардан фарқли ўлароқ, шахс томонидан ижтимоий хавф туғдирмайди. Агар шахс ҳуқуқий нормаларни бир неча марта бузса, ижтимоий хавф туғдиради ва унинг кейинги хатти-ҳаракати ножўя ҳаракат тарзида эмас, балки жиноят тарзида баҳоланади. Масъ ҳолда транспорт воситасини бошқаргани ва яна шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар қилгани учун (бунда унинг транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи бўлмаса) маъмурий тарзда гувоҳномасидан маҳрум этилган шахс уша ножўя ҳаракатларни қайта такрорласа, жиноий жавобгарликка тортилади.

Қилган ножўя хатти-ҳаракати ёки жинояти учун суд қарор чиқармаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ҳам жамият учун хавфли шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилиб кетган ва суд томонидан хавфли жиноятчи деб топилган шахслар ҳам жамият учун хавфлидир.

Ҳуқуқбузарликлар хилма-хил бўлгани каби ножўя хатти-ҳаракатларнинг ҳам турлари жуда кўп. Улар ижтимоий муносабатлар соҳаларига боғлиқ. Ножўя хатти-ҳаракатлар маъмурий, интизомий, фуқаролик-ҳуқуқий, процессуал ва бошқаларга бўлинади. Бошқа ножўя хатти-ҳаракатларга, масалан, молия, ер ҳамда бошқа қонунчиликда кўзда тутилган ножўя хатти-ҳаракатлар киради.

Маъмурий ножўя хатти-ҳаракат қонунга хилоф, айбли фаолият ёки давлат ва жамоат тартиб-қоидаларига, фуқароларнинг мулки, эркинлиги ва ҳуқуқларига, бошқарувнинг ўрнатилган тартибига зарар етказувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Албатта, бундай ножўя хатти-ҳаракатларга баҳо бериш ва уларга маъмурий жавобгарлик қонунда кўзда тутилган.

Умуммажбурий талабларнинг маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар, фуқаролар хизмат мавқеи ва ўрнидан қатъи назар, мансабдор шахслар томонидан бузилишидир. Маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик юқори ташкилотлардаги мансабдор шахслар ёки бўйсунувчи муассасалар билан эмас, балки махсус органлар томонидан ишлаб чиқилган қонунлар билан белгиланади. Қилинган маъмурий ножўя хатти-ҳаракатлар учун бериладиган маъмурий жазо турлари қуйидагилардан иборат: огоҳлантириш, жа-

рима солиш, ахлоқ тузатиш мазмунидаги ишлар, маъмурий қамоқ, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти ёки уни амалга ошириш қуроли бўлган ашёни мусодара қилиш ва бошқалардир.

Интизомий ишчи ҳагги-ҳаракат — корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг хизматчилари ва ишчилари томонидан ички меҳнат тартиб-қоидаларини, хизмат интизомини бузишлари, хизмат вазифаларини бажармасликларидир.

### **5-§. Ҳуқуқбузарлик — юридик жавобгарлик асоси**

Юридик жавобгарлик асослари тўғрисида икки хил маънода фикр юритиш мумкин: инсон нимага мувофиқ жавоб беради — қонуни, шартнома асосида ва у нима учун жавоб беради — содир этилган ҳуқуқбузарлик учун. Ҳуқуқбузарлик муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи юридик фактдир. Ҳуқуқбузарлик таркибига кўра мураккаб тузилмадир. Бу мураккаб тузилишли ҳуқуқий тушунча.

Ҳуқуқбузарликнинг таркиби — унинг элементлари йиғиндисидир. Ҳуқуқбузарлик фақат ўзининг барча элементларига эга бўлган тақдирдагина юридик жавобгарликнинг асоси бўла олади.

Ҳуқуқбузарлик таркибан тўртта элементдан ташкил топади: 1) ҳуқуқбузарликнинг объекти; 2) ҳуқуқбузарликнинг объектив томони; 3) ҳуқуқбузарликнинг субъекти; 4) ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони.

**Ҳуқуқбузарликнинг объекти.** Бу атрофдаги борлиққа қаратилган ҳуқуққа зид ҳагги-ҳаракатдир. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг умумий,

бир турдаги ва бевосита объектлари ажратилади. Давлат ва ҳуқуқ назариясида ушбу тавсиф ҳуқуқбузарликнинг барча объектларига гулиқ қилиниши мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг умумий объекти — доимо ҳуқуқ билан, унинг у ёки бу тармони билан муҳофаза қилинувчи барча ижтимоий муносабатлардир. Жамиятдаги барча инсонлар ўзларининг ижтимоий талаблари ва манфаатларини амалга ошириб, мажбуриятларини бажариб, хатти-ҳаракатлари учун жавоб берар эканлар, ўзаро турли хил алоқаларга киришадилар. Уларни бу алоқаларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ушбу алоқалар ижтимоий муносабатдир. Ижтимоий муносабатлар таркибининг учта элементини кўрсатиш мумкин:

1) иштирокчилар, яъни муносабатнинг субъектлари;

2) улар ўртасидаги ўзаро алоқа (ўзаро хатти-ҳаракат);

3) муносабатнинг объекти (субъектларнинг талабларини қондиришга, уларнинг биргаликда хавфсиз яшашини таъминлашга қодир нарсалар). Ҳуқуқбузар объектнинг мана шу барча элементларига тажовуз қилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг бир турдаги объекти — ҳуқуқбузар тажовуз қиладиган ижтимоий муносабатларнинг бир турдаги гуруҳидир. Масалан, меҳнат ҳуқуқида меҳнат интизоми, ёшлар меҳнати, иш ҳақи ва бошқалар; оила ҳуқуқида — никоҳни тузиш ва бекор қилиш тартиби, ота-оналарнинг фарзандлари билан муносабатлари ва бошқалар; жиноят ҳуқуқида — мулкчилик муносабатлари, бошқарув тартиби, оидил судлов ва бошқалар. Ҳуқуқбузарликнинг давомий объекти, бинобарин, бузилган ижтимоий муносабатлар-

нинг алоқида гуруҳларини кўрсатади, уларни ижтимоий муносабатларнинг умумий гуруҳидан ажратиб олиш имкониятини беради, қайси ҳуқуқ тармоғи билан тартибга солинишини кўрсатади.

Ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти ҳуқуқбузар тажовуз қилган аниқ неъматлар, манфаатлар, шахс, унинг соғлиғи, қадр-қиммати, гурури, мулки ва бошқалар. Ҳуқуқбузарликнинг бевосита объектини давомий объект аниқлаштиради ёки унинг элементларидан қайси бири тажовуз предмети бўлганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик бир вақтнинг ўзида умумий, давомий ва бевосита объектга тажовуз қилади.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий муносабатларни бузиш билан бир қаторда, бу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларга ҳам тажовуз қилади.

**Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони** ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатнинг ташқи ифодасидир. Айнан ана шу ифодага мувофиқ, ҳуқуқбузарлик тўғрисида нима юз берганлиги ва қандай зарар етказилганлиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин бўлади. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик объектив томонининг элементлари куйидагилардир.

*Биринчидан*, айбли хатти-ҳаракат, яъни инсоннинг иродаси ва идроки назорати остидаги хатти-ҳаракат. Бу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ифода этилади. Ҳаракат — инсоннинг фаол хатти-ҳаракатидир, ҳаракатсизлик — пассив ҳуқуқатвордир. Шахс ҳаракат қилишга мажбур, яъни ўзининг ҳуқуқий бурчларини бажариши лозим бўлганда, ҳаракатсизлик ҳуқуқбузарлик бўлади. Ҳаракат қилиш мажбурияти бевосита қонундан келиб чиқади. Масалан, шифокор беморга ёрдам

беради, аммо ёрдам беришга мажбур эди: шахс бошқа шахсни ҳаёти учун хавфли ҳолатда ташлаб кетди, аммо у узига хавф туғдирмаган ҳолда ёрдам бериши мумкин эди.

Ҳаракат қилиш мажбурияти шартномага мувофиқ келиб чиқиши мумкин. Масалан, капитал қурилиш шартномасига мувофиқ, пулрати қурилиш ишларини фаол олиб бориши керак, ҳаракатсиз бўлиши керак эмас. Ҳаракат қилиш мажбурияти касб мажбуриятидан келиб чиқиши мумкин. Масалан, қоровул объектга кирган бетона кишини ушлаш лозим эди. Лекин у бу ишни қилмади, ҳандовчи гараждан чиқиш олдида машинанинг техник ҳолатини текширмади ва ҳ.к.

*Иккинчидан*, жиноий ҳатти-ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлиги, яъни унинг юридик нормаларга зидлиги, ҳуқуқ билан ман қилинади. Ҳуқуққа хилофлик, жиноий ҳатти-ҳаракатнинг қонун билан ман қилинганлиги уч хил йўл билан ифодаланади: а) тўғри ман қилиш йўли билан: «огир ва меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, ҳамда ер ости ишларида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш ман қилинади» (Меҳнат кодекси), б) билвосита, нормадаги ҳуқуққа хилоф ҳаракат аниқланганда ва уни содир этганлик учун жазо белгиланганда ман қилиш йўли билан, қайд этилганлар ёки оддий айтилганда «ҳатти-ҳаракат қонун билан ман қилинган» деган маънони англатади. Жиноят кодекси махсус қисминини барча нормалари шунга мувофиқ шакллантирилган; в) ҳуқуқий нормада ижобий ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатни баён қилиш йўли билан. Бунда ҳатти-ҳаракатнинг қарама-қарши варианты номақбул ҳисобланади ва шунини учун ман қилинади. Масалан, олди-сотди шартномасига мувофиқ, сотувчи ха-

ридорга ашёни топширишга мажбур, харидор эса соғувчига пул тўлашга мажбур бўлади. Бунда хатти-ҳаракатнинг бошқа шакли (пулни ва товарни бермаслик) ман қилинади.

*Учинчидан* зарар, яъни жиноий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик орқали етказилган зиён натижасида келиб чиқувчи салбий оқибатдир. Ушбу нохуш оқибатлар мулкый (мулкни йўқотиш, бой берилган фойда), номулкий (ҳақорат, туҳмат), ташкилий (ўз ҳуқуқини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлиш), шахсий (ҳаётдан маҳрум қилиш, соғлиққа зарар етказиш) ва бошқа хусусиятли бўлиши мумкин.

*Тўртинчидан* жиноий хатти-ҳаракат ва келиб чиққан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш. Ҳуқуқда сабабий боғланиш — ҳодисалар ўртасидаги боғланиш натижасидаги зарурият туфайли бири иккинчисини туғдиришидир.

Ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш учун ҳар бир аниқ иш бўйича ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракати билан етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш борлигини аниқлаш лозим. Бошқача қилиб айтганда, етказилган зарар (ўлим, ган жароҳати, моддий зарар ва шу кабилар) бевосита ноҳуқуқий хатти-ҳаракат оқибатида юз берган бўлиши лозим. Моломики, объектив олам ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги натижасида сабаб ва оқибат кўпинча ўрин алмашса, жиноий ишларни очинида ва кўришда, шунингдек, бошқа ҳуқуқбузарликлар бўйича келиб чиққан оқибатга у ёки бу хатти-ҳаракатнинг вақт бўйича таъсирини доимо аниқ белгилаб олмоқ лозим.

**Ҳуқуқбузарликнинг субъекти** — ноҳуқуқий хатти-ҳаракат содир этган, яъни ҳуқуқни бузган шахс.

Ҳар қандай шахс ҳам ҳуқуқбузарликнинг субъекти деб тан олинмайди, фақат ғайриқонуний хатти-ҳаракат — содир этилгани учун жавоб берини лаёқатига эга бўлмағиларгина тан олинади. Ғайриқонуний хатти-ҳаракат асосида муомала лаёқати (ўз ҳаракати билан қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширини лаёқати) ётади. Шунини учун ҳам муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс доимо ҳуқуқий лаёқатсиздир. Улар ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўла олмайдилар. Шундай экан, ёш болалар ва суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб тан олинган фуқаролар юридик жавобгарликка тортилмайдилар.

Тўлиқ фуқаролик муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлгандан кейин вужудга келади. Жиноят ҳуқуқида маълум даражадаги оғир жиноятлар содир этилганда ўн тўрт ёшга тўлган шахслар жиноятнинг субъекти деб топилиши ҳам мумкин. Ҳуқуқбузарликлар болалар (ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар) ёки муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилган бўлса, уларнинг ота-оналари ёки ҳомийлари етказилган зарар учун мулкӣ жавобгарликка жалб қилинадилар. Жиноят содир этиш вақтида суд томонидан лаёқатсиз деб тан олинган шахс жиноий жавобгарликка эмас, мажбурий даволанишга жалб этилади.

**Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томонини** айб ташкил этади. Шахснинг содир этган ноҳуқуқий ҳаракатига нисбатан руҳий муносабати бўлган айб турли шаклларга эга бўлади. У қасддан ёки эҳтиётсизликдан бўлиши мумкин, қасд ўз навбатида тўғри ва эгри бўлади.

Қасд — шахс ўз хатти-ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлигини ва унинг натижасида ижтимоий хавфли, нохуш оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини

билибгина қолмай. балки шу оқибатларнинг келиб чиқишини хоҳлаб (тўғри қасд) ёки онгли равишда йўл қўйишида (эгри қасд) намоён бўлади.

Жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқда айбнинг шакли бўлган эҳтиётсизлик жинорий бепарволик ва жинорий ўз-ўзига ишонишга бўлинади. Жинорий бепарволикда шахс ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуққа хилоф дсб ўзига ҳисобот бера олмайди. унинг оқибатларини кўра олмайди. аммо уларни кўра билиши мумкин ва лозим эди. Масалан, ишчи қурилаётган бинодан қурилиш материаллари чиқиндиларини пастга ташлаётиб, ўтиб кетаётган йўловчига жароҳат етказди.

Ўзбилармонлик қилган шахс ўзининг ҳаракати ҳуқуққа хилофлигини биледи, унинг зарарини ва хавfli оқибатини англаган ҳолда, енгилтаклик билан унинг олдини олишни мўлжаллайди. Масалан, ҳайдовчи яхмалак йўлда тезликни ошириш мумкин эмаслигини билса-да, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни ҳис этади, лекин ўзининг касб маҳоратига ишониб, автоҳалокатни четлаб ўтаман дейди. Фуқаролик ҳуқуқида қўпол эҳтиётсизлик ва енгил эҳтиётсизлик турлари ажратилади.

Айбдан ташқари сабаб ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг энг муҳим элементиدير. Сабаб — ҳуқуқбузарликка нисбатан ички ҳиссиёт ва мақсад — ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этган ҳуқуқбузарнинг интилган якуний оқибатиدير. Айб билан чигал ҳодиса тушунчаси чамбарчас боғлиқ.

Чигал ҳодиса — шахснинг хоҳиш ва иродаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келувчи фактдир. Чигал ҳодиса табиий ҳодисалар (сув тошқини, ёнғин), бошқа шахслар ҳаракатининг на-

тижаси бўлиши мумкин. Лекин у доим айбсиз зарар етказишда намоён бўлади, аммо ўзининг айрим ташқи белгилари бўйича ҳуқуқбузарлик тушунчасига мувофиқ келади. У айб (қасддан ва эҳтиётсизликдан)дан холи бўлган ҳолда, шахсга нисбатан жавобгарлик белгиламайди.

## **6-§. Ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шартлари**

Асрлар мобайнида инсониятнинг энг заковатли кишилари жамиятдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларни бартараф қилиш йўллари устида бош қотирганлар. Ҳозирги кунда ҳам бу муаммо ҳуқуқшунослик фанининг энг долзарб масалаларидан бири. XXI асрда ҳам ўғирликлар, талончилик, босқинчилик, кўча ҳуқуқбузарликлари содир эгилмоқда. Илгари мамлакат билмаган ёки онда-сонда бўлган жиноятларнинг янги турлари пайдо бўла бошлади. Фуқаролик ҳуқуқида — биржа битимлари тузиш, қимматбаҳо қозғалар бозорини ташкил қилиш, давлат мулки объектларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тартибларни бузиш; молния ҳуқуқида — даромадларни солиқдан яшириш, жиноят ҳуқуқида — рекет, пул олиш мақсадида одамларни ўғирлаш ва бошқалар пайдо бўлди.

Жиноятчилик **профессионал**, ташкилий ва маълум даражада халқаро хусусият касб эта бошлади. Жиноятчиликнинг уюшганлиги ва профессионаллилиги бир хил тушунча эмас. Одатда, **профессионализм** жиноятчилик фаолиятининг маълум тури (чўнтаккесарлик, машиналарни олиб қочиш ва бошқалар) бўйича ихтисослашганлик ва шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарнинг жиноий маҳорати юқори даражада бўлишидир. Профессио-

нализм жиноятнинг объектив томонидан тавсифлаб, хатти-ҳаракатнинг хусусиятларини, унинг содир этилиш тартиби ва усулларини кўрсатиб берди. **Уюшганлик** жиноятчиликнинг ўзига хос томонини тавсифлаб, маълум жиноятда жиноий гажовузнинг субъектив таркиби, субъектив томон ва объекти орқали намоён бўлади.

Уюшган жиноятчилик — тургун, пухта махфийлаштирилган, бир тизимга эга жиноятчиликдир. Унда иштирокчилар юқори мансабдорларга бўйсунди, уюшганлик юқори даражада бўлади. Жиноятчиларнинг тўдалари катта пул маблағларига ва қимматликларга эгаллик қилади. Улар одатда давлат (шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) органлари билан ҳам алоқада бўлади. Профессинал жиноятчи якка ўзи бўлиши ҳам мумкин. Уюшган жиноятчилик — ҳар доим жиноий мутахассисликка ва жиноий маҳоратни эгаллашга олиб борувчи аниқ белгиланган ролга эга бўлган ҳуқуқбузарлар тўдасидир.

Ҳуқуқбузарликнинг табиати ва уларнинг сабаблари тўғрисидаги масала юридик фанда нафақат илмий-назарий аҳамият касб этибгина қолмай, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки ҳуқуққа хилоф ҳаракатга қарши курашиш йўллари ва чораларини аниқлаб беради.

Инсон — биоижтимоий мавжудот, яъни у бир вақтнинг ўзида ҳам биологик ҳам ижтимоийдир. Ҳуқуқбузарликнинг табиати ва уларнинг сабабларига ҳам худди шундай ёндашмоқ керак. Ҳуқуқбузарлик — ижтимоий-биологик ҳодиса. Унинг содир этилишига ижтимоий ва биологик омиллар сабаб бўлади. Бунда ижтимоий омиллар ҳал қилувчи рол ўйнайди, чунки инсон ўзига хос хислатлари, одатлари, характери билан ижтимоий муҳит-

да шаклланади. Аммо ҳаммасини фақат ижтимоий омилларгагина боғлаб бўлмайди, негаки бундай ёндашишда ҳуқуқбузар ўзининг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатидан ажратиб ўрганилмайди.

Ҳуқуқбузарликнинг сабаб, шароит ва баҳоналарини ажратиш лозим. Ҳуқуқбузарликнинг сабаби — уларни келтириб чиқарувчи салбий ҳолисадир. Шароит — сабабни шакллантирувчи, унга таъсир кўрсатувчи салбий вазиятдир. Сабаб — ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи салбий омиллар қаторининг ўзагидир. Шароитга таъсир қилиш билан сабабнинг ҳаракатини енгиллаштириб ёки оғирлаштириб, кучайтириб сабабга таъсир қилиши мумкин. Сабаб ва шароитни аралаштириб юбориш ҳуқуқбузарликка қарши кураш илми ва амалиётини чигаллаштиради, чунки, аҳамиятсиз омиллар диққат марказида бўлиб, муҳим аҳамиятга эга бўлганлари эътибордан четда қолиб кетиши мумкин.

Баҳоналар — вазиятга оид эга бўлган, яъни маълум вазитда вужудга келувчи ва амал қилувчи салбий ҳолат, сабабнинг ҳаракатланиши учун туртки, кўзгатувчи омил ҳисобланади. Баҳоналар — ҳуқуқбузарликни «юзага чиқаради». У рашк, ранж-алам, жаҳл чиқиши ва бошқалар бўлиши мумкин.

Муҳим методологик нуқтаи назарни аниқлаб олиб, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи салбий ҳолиса ва ҳолатларни айтиб ўтмоқ зарур.

Ҳуқуқбузарликнинг сабаби — шахснинг ўз манфаатларини, орзуларини, ҳис-туйғуларини, ҳуқуққа хилоф (қонунга зид) йўл билан қондириш (намоён қилиш)га бўлган интилишдир.

Бу сабаб азалдан қолган бўлиб, ҳамма давр ва халқлар ҳуқуқий тизимларига хосдир. Хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуққа хилофлиги, қонунга муво-

фиқ уларга баҳо бериш анча ўзгарган, лекин содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни фақат юқорида айтилган сабаблар билан тушунтириш мумкин. Жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар билан курашиш, олдини олиш, шу билан бирга уларнинг миқдорини камайтириш мумкин ва лозим.

Сабабни шакллантирувчи, унинг ҳаракатини тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи шароитлар жуда ранг-баранг. Ана шуларни йўқ қилиш — ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва улар билан курашишнинг асосий йўллариدير.

Ҳозирги Ўзбекистон шароитида ҳуқуқбузарликларнинг асосий шароитлари қаторида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, бозор муносабатларига ўтишдаги қийинчиликлар ва зиддиятлар;

*иккинчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданият даражасининг пастлиги. Фуқаронинг ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқ нормаларини билишинигина билдирмасдан, балки уларни бажариш учун бўлган ҳаракатни ичидан ҳис қилишидир;

*учинчидан*, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик. Шахс ва жамият учун ўта хавfli бу иллатнинг кенг кўламда ёйилганлиги ачинарли ҳолдир. Кишилар саломатлигига тузатиб бўлмас зарар етказаётган, халқнинг генетик фондини йўқ қилаётган бу иллат жиноятчиликни ҳам суғормоқда. Кўпгина, айниқса, «кўча», «маиший» деб аталувчи жиноятлар кўпинча ичкилик орқасида мастлик ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилгандаги сархуш ҳолатда, инсон ўз ҳаракатларини назорат қилиши сусайган, вазият ва у билан боғлиқ оқибатни бир хилда баҳолаётган вақтда содир этилади. Гиёҳванд моддаларни ва спиртли ичимликларни олиш учун доим катта пул маблағлари талаб эти-

лади, уларни истеъмол қилувчи шахсларни ўғирлик, талончилик ва бошқа шу каби жиноятларни содир этишга ундайди. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва у билан кураш ичкиликбозлик ва гиёҳвандликни чеклаш бўйича натижавий чораларни талаб этиши табиийдир;

*тўртинчидан*, қонунчиликнинг мукаммал эмаслиги. Ҳар қандай қонунчилик тизимининг муҳим вазифаларидан бири алоҳида инсонга ёки умуман жамиятга зарар етказувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ҳисобланади. Қонунчилик ўз вақтида бу хатти-ҳаракатларни ҳуқуқбузарлик сифатида аниқлаши ва қайд этиши ҳамда улар учун жавобгарлик белгилаши лозим;

*бешинчидан*, ҳуқуқ тартибот органлари ишининг етарли даражада самарали эмаслиги. Муҳофаза фаолияти билан, яъни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш билан кўпгина давлат органлари ва мансабдор шахслар шуғулланадилар. Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликлар билан курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий функцияси бўлган махсус ҳуқуқ тартибот органлари бор. Бундай органларга суд, прокуратура, ички ишлар органлари, хавфсизлик хизмати органлари, нотариат, назорат органлари ва бошқалар киради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва улар билан курашда судлар, ички ишлар, миллий хавфсизлик органлари ва прокуратура етакчи роль ўйнайди. Сўнгги йилларда бу органларнинг фаолиятлари асосли равишда қайта ишланган янги қонунлар билан аниқланмоқда. Улар ўзларига хос бўлмаган функциялардан қутулдилар, муносиб тизимга ва аниқроқ ваколатларга эришдилар.

Хуқуқбузарлик сабабларини шаклантирувчи таклиф этилган шартлар рўйхати мукамал ва доимий эмас. Жамият ривожланишининг хусусиятларига қараб, у ёки бу даврда маълум шартлар ўзининг маъносини йўқотиши ёки бошқалари муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳозирги кунда хуқуқбузарликларнинг мавжудлиги -- уларнинг хусусияти ва даражаси салбий ҳодисаларнинг сабаблари, кўпгина шароитлар йиғиндисидан келиб чиқади. Бундай ҳодисаларни бартараф этиш — хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва улар билан курашиш йўлидир. Бу соҳада жуда катта куч ва маблағларни сарф қилиш лозим бўлади. Курашни кечиктириш ҳар бир одам ва жамият учун жуда қимматга тушади. Хуқуқбузарлик (авваламбор, жиноятчилик) бугунги кунда фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига, мулкигагина таҳдид солиб қолмай, балки амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг барқарорлигига ҳам маълум даражада пўтур етказди.

### **33-боб. ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК**

- 1-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси.*
- 2-§. Позитив юридик жавобгарлик тушунчаси.*
- 3-§. Юридик жавобгарликнинг белгилари.*
- 4-§. Юридик жавобгарликнинг принциплари.*
- 5-§. Юридик жавобгарликнинг мақсадлари.*
- 6-§. Юридик жавобгарликнинг турлари.*
- 7-§. Давлат мажбуриятининг бошқа чоралари.*
- 8-§. Фуқаронинг айбсизлик презумпцияси*

#### **1-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси**

Хуқуқий адабиётларда юридик жавобгарликка гурлича таъриф берадилар. **Баъзи хуқуқшунос-**

**олимлар** юридик жавобгарлик деганда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун жавоб бериш (ёки ҳисоб бериш) мажбуриятини тан оладилар;

**бошқа муаллифлар** маълум бир маҳрум бўлишларга дучор бўлиш мажбуриятини, ҳуқуққа хилоф қилмиш учун салбий оқибатларни ҳисоблайдилар;

**учинчилари** ҳуқуқни бузиш факти эмас, балки ҳуқуқни қўллаш акти қабул қилинишни муносабати билан келиб чиқадиган мажбурият, деб тушунадилар;

**тўртинчи** гуруҳдаги муаллифлар юридик жавобгарлик — давлат мажбурлов хусусиятига эга бўлган тадбирларнинг амалга оширилиши деб қарайдилар;

**бешинчилари** бу тушунчани санкцияни амалга ошириш билан боғлайдилар;

**олтинчи** гуруҳдаги муаллифлар ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун субъектнинг ҳисоб бериш қобилиятини мажбурий таъсир чораларига дучор бўлиши билан боғлайдилар.

Юридик адабиётда, кўп ҳолларда «жавобгарлик» атамаси заминда юридик мажбуриятларнинг турли-туманлилиги кўрсатилади. Юридик жавобгарликка умумий назарий нуқтаи-назардан ёндашиш бундай тушунишнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Фанда шу нарса умумий равишда ган олинганки, жавобгарлик юридик оқибатларнинг турли хил кўриниши бўлиб, маълум фактлар мавжуд бўлганда келиб чиқали; бу ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий муносабатларнинг субъектларига муайян ҳуқуқларни бериш ва уларга тегишли мажбуриятларни юклаш орқали ижтимоий муносабатларни тартибга соладилар (уларга таъсир кўрсатадилар). Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаришдан бошқа ҳеч қандай ўзга оқибатларни назарда тутмайди. Юридик

жавобгарлик ҳам бундай мажбуриятларнинг кўри-ниши ҳисобланади.

Норматив ҳужжатларни таҳлил қилишдан шу нарсга келиб чиқадики, ҳуқуқ нормалари юридик оқибатнинг кўриниши бўлган жавобгарликнинг келиб чиқишини ҳуқуқ томонидан салбий баҳола-надиган юридик фактлар (мажбуриятларни бажар-маслик, тақиқлашларни, субъектив ҳуқуқларни бузиш) билангина боғлайди. Жавобгарлик ўз маз-мунига кўра, бошқа мажбуриятлардан фарқ қила-ди, бу ҳаммавақт субъектнинг зиммасига юклатил-ган, субъектга зарар келтирадиган мажбурият бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини чеклайди ва муай-ян турдаги маҳрум бўлишларга олиб келади.

Юридик жавобгарликни мажбуриятнинг кўри-ниши сифатида тушуниш — жавобгарликнинг у ёки бошқа жиҳатларини акс эттирадиган ўзга қарашларни рад этиш эмас. Юридик жавобгар-ликнинг юклатилиши айбдор субъектнинг ўз хат-ти-ҳаракати учун ҳисоб беришини (жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатни содир қилиш сабаблари, мотивларини тушунтириб бериш) тақозо этади. Жавобгарлик ҳуқуқий норманинг санкциясида кўзда тутилган экан, демак, жавоб-гарликнинг юклатилиши ҳам санкциянинг амал-га оширилишидир.

Ўз навбатида, зиммасига жавобгарлик юкла-тилган субъектдан муайян хатти-ҳаракатларни содир этишни, шунингдек, мажбурлаш чорала-рини қўллайдиган махсус органларнинг ҳаракат қилишини талаб этади. Жавобгарликни амалга ошириш, албатта, шунингдек тақозо қиладики, субъект ўзининг психофизик ва ижтимоий хусу-сиятларига кўра, мажбурлаш чораларини қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Агар биз ҳуқуқ тилига мурожаат қилсак, шу нарсани кўрамизки, норматив ҳужжатларда, «юридик жавобгарлик» атамаси ўз ичига субъектнинг маълум бир ҳаракатларини, хулқ-атворини амалга ошириш мажбуриятини олади. Бунга мулкний маҳрумликларга дучор бўлиш (жарима тўлаш, мусодара, келтирилган зарарни тўлаш), шахсий маҳрумликларга дучор бўлишни (озодликдан маҳрум бўлиш мажбуриятини) киритиш мумкин.

Қонунлар матиларида «жавобгарликни кучайтириш», «жавобгарликни енгиллаштириш», «жавобгарликка тортиш», «жавобгарликдан озод қилиш», «жавобгарликни бекор қилиш», «жавобгар бўладилар», «жавобгарликка тортиладилар» каби ибораларни учратиш мумкин.

Шундай қилиб, **юридик жавобгарлик** — *содир этилган ҳуқуқбузарлик учун шахснинг давлат-ҳокимият хусусиятидаги маълум маҳрумликларга дучор бўлишидир.*

## 2-§. Позитив юридик жавобгарлик тушунчаси

Юридик жавобгарлик — мураккаб, кўп жиҳатли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, бу тушунча унинг моҳияти ва мазмуни ҳақида ҳуқуқшунослик фанида баҳслар кетмоқда. Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида юридик жавобгарликни кенг маънода тушунишни, яъни субъект ҳуқуқий соҳадаги ўз хулқ-атворини, унинг оқибатларини, ижтимоий аҳамиятини (масъулиятни ҳис этиш) англаб етиш маъносида тушунишни таклиф этмоқдалар.

Бундай ёндашиш жавобгарликни икки жиҳатда: *биринчидан*, «позитив» — **истиқболли**, яъни келгуси хатти-ҳаракатлар учун; *иккинчидан*, **ретроспектив**, яъни бўлиб ўтган ҳодиса (содир этилган хат-

ти-ҳаракатлар учун) кўриб чиқиш учун асос бўлиб жавобгар бўлиш маъносида таърифлаш мумкин.

Бундай ёндашишлар ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги реал ижтимоий жараёнларни акс эттирганликлари учун мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга. Дарҳақиқат, ушбу ҳодиса билан келишмаслик мумкин эмас: жавобгар бўлиш — ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини кўра билиш, уларни жамиятда амалда бўлган ижтимоий, шунингдек, ҳуқуқий нормаларга солиштира билишдир. Позитив жавобгарлик, — инсон ўз мажбуриятларига ёки ҳуқуқ нормаларига қарши ҳаракат қилаётган вақтда эмас, балки ўз мажбуриятларини бажаришга киришаётган пайтда келиб чиқади.

Ҳақ субъектларнинг фаол, ташаббусли, онгли ҳуқуқий фаолияти билан боғлиқ жавобгарлик устида бормоқда. Бу, ўз навбатида, демократия, бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодда янги механизмларни яратиш билан боғлиқдир.

Бундан, позитив юридик жавобгарлик ҳозирги ва келажакдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи сифатида майдонга чиқса, ретроспектив юридик жавобгарлик эса, асосан ўтган ҳодисаларга қаратилган бўлиб, бурчни бузиш, юридик мажбуриятни бажармаслик натижасида келиб чиқади.

Юридик жавобгарликнинг иккала жиҳати ҳам узвий равишда ўзаро боғлиқ ва бир-биридан ажралмас. Шунинг учун, алоҳида ретроспектив ёндашиш юридик жавобгарликнинг родини тўлиқ очиб бера олмайди. Демак, позитив юридик жавобгарликни ҳам кўриб чиқиш керак.

Юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг шакли сифатида турли хусусиятларда ва намоян бўлиш шакллариغا эгадир.

Қонун ҳужжатларини таҳдил қилиш шуни кўрсатадики, позитив жавобгарлик ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган. Масалан, «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги қонунда белгилаб қўйилганки, бош муҳаррир оммавий ахборот воситалари фаолиятига нисбатан қўйиладиган талабларнинг бажарилиши учун жавобгар.

Позитив юридик жавобгарлик шахс эркинлиги билан, яъни ўз худқ-атвор йўлини танлаш, «қонун тақиқламаган барча нарса, мумкиндир», деган тамойилга мос ҳолда ўз хатти-ҳаракатларининг йўналишини мустақил равишда аниқлаш имконияти билан боғлиқ. Эркинлик ва жавобгарлик бир-биридан ажратмасдир. Жавобгарлик — чинакам эркинликнинг шартидир.

Ҳеч нарса билан чекланмаган эркинлик, жавобгарликсиз эркинлик таназзулга юз тутати. Шунинг учун, ҳақиқий эркин инсон ўз эркинлигига эришиш мақсадига ўз хатти-ҳаракатини ижтимоий талабларга доимо мослаб туриши, яъни жавобгарликни ҳис этган ҳолда ҳаракат қилмоғи керак. Эркинлик — зарурат ва эркин танловни билшига асосланган онгли ва масъудиятли фаолиятдир.

Мақсад ва унга эришиш воситаларини эркин равишда танлаш, ҳаракат қилиш учун эркин ҳолда қабул қилинган қарор айни вақтда тегишли субъектларнинг жавобгарликларини тақозо қилади.

Бундан шу нарса келиб чиқадики, жамиятга, ўзга шахсларга нисбатан тегишли муносабатни шарт қилиб қўядиган, ўзига юклатилган мажбуриятларнинг фуқаро, мансабдор шахс томонидан англаб етилиши, тўғри тушунилиши позитив юридик жавобгарликнинг субъектив томони-ни ташкил қилади.

Масаланинг объектив томонига келсак, у ички кўзгатувчи мотивлар — бурчни сезиш, фуқаролик ҳис-туйғусига асосланган хатти-ҳаракатда ифодаланади.

Бундан шу нарса маълум бўладики, «жавобгарлик», «жавобгар» каби тушунчаларни ўз ичига олган ҳуқуқ нормалари тегишли субъектларнинг ҳуқуқий, ижтимоий фаол хатти-ҳаракатини тақозо қилади. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юридик жавобгарликни фақатгина ҳуқуқбузарга нисбатан таъсир этми чораси сифатида тушуниш мумкин эмас. Бундай ёндашишда позитив юридик жавобгарликнинг ўзига ҳос жиҳатлари, яъни субъектлар томонидан ҳуқуқий хатти-ҳаракатни онгли ва фаол танлашга кўмаклашадиган таркибий қисмлари эътибордан четда қолади.

### 3-§. Юридик жавобгарликнинг белгилари

Юридик жавобгарлик қуйидаги ўзига ҳос белгилар билан ажралиб туради.

**Биринчи белги.** Унинг давлат мажбурлови билан ажралмас даражада боғлиқлиги. Бундай боғлиқлик шунда намоён бўладики, юридик жавобгарлик давлат томонидан ўрнатилди ва юридик нормаларда ифода этилганидек, ҳокимият талабларидан четга чиққан айбдор шахсларга нисбатан ташқи, мажбурий таъсирнинг ўзига ҳос усули (методи) бўлиб ҳисобланади. Юридик жавобгарлик айрим хатти-ҳаракатга нисбатан жавоб сифатида алоҳида ҳолларда қўлланилади. Шунинг учун, қоидага кўра, у ҳуқуқбузарлар учун қўлланидиган қатъий чеклашлар билан боғланган.

Юридик жавобгарликнинг давлат мажбурлов табиати шу нарсада ҳам намоён бўладики, у ҳуқуқ

нормаларининг санкцияларида белгилаб қўйилган, у фақат давлат ва унинг органлари фаолияти воситасида амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда, жавобгарликни кўзда тутувчи баъзи фуқаролик ҳуқуқий санкциялари эркин равишда, яъни давлатнинг ваколатли органлари томонидан аниқ мажбурлаш чораларини қўлламасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бироқ бу нарса ҳуқуқий таъминланишнинг мавжуд эмаслиги ҳақида гувоҳлик бермайди. Чиқарилган қарорнинг айбдор томонидан ихтиёрий равишда бажарилиши ёки уларга келтирилган зарарни тўлаши ушбу чораларнинг мажбурлаш моҳиятини ўзгартирмайди. Давлат ҳаммавақт ҳам айбдор шахсни тегишли санкцияларда кўзда тутилган чеклашларни бажаришга мажбур қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

**Иккинчи белги.** Юридик жавобгарликнинг амалдаги асоси шундай ҳуқуқбузарлик, яъни ички (шахснинг онги ёки иродаси) ва ташқи ҳаракатларининг бирлигини мужассамлаштирган хатти-ҳаракат сифатидаги акт бўлиши мумкин. Бу нарса шуни билдирадики, ҳуқуқий кўрсатмаларни бузишда айбдор бўлган шахсгина ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти бўлиши мумкин.

**Учинчи белги.** Юридик жавобгарлик давлат томонидан айблаш, ҳуқуқбузарнинг хулқ-атвори учун танбеҳ бериш билан боғлиқ. Давлат томонидан айблаш -- бир қатор хусусиятларга эга бўлган кенг тушунча ҳисобланади. *Биринчидан*, бундай қоралаш хулқ-атвори учун танбеҳ бериладиган субъектларга нисбатан ҳокимият таъсирини қўллаш билан ажралмас равишда боғлиқ. *Иккинчидан*, давлат томонидан айблаш ҳуқуқбузарни айбдор деб топиш, унга нисбатан аниқ жавоб-

гарлик чораларини белгилаш ва уларни амалга оширишда намоён бўлади. *Учинчидан*, бу нарса ретроспектив хусусиятга эга. Шунинг учун фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилотлар хулқ-атворларининг илгари содир этилган ҳуқуққа хилоф актлари салбий баҳога эга бўлади.

Бу кўрсатилган белги юридик жавобгарликнинг баъзи турларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. У, хусусан, жиноий жавобгарликка хос бўлиб, унинг моҳиятини белгилаб беради. Гап шундаки, кўпгина ҳолларда бу жавобгарлик айбдор жиноят содир этганлиги учун фақат давлат томонидан айбланиши билан тугаши ва жиноий жазо чораларини белгилаш ва бажариш билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин.

Ҳуқуқбузар хулқ-атворининг юридик жавобгарлик билан боғланган баҳоси, унинг давлат органлари томонидан қораланиши ҳаммавақт учраб туради. Аксинча, ўзга ҳуқуқни муҳофаза қилиш воситалари учун бундай баҳо асосий нарса эмас. Масалан, тиббий мажбурлашга доир чора-тадбирлар амалда мақсадга мувофиқлиги ушбу шахс томонидан хавfli хатти-ҳаракатлар содир этишнинг олдини олишга интилиш мақсадида келиб чиқади. Юридик жавобгарлик учун мажбурий бўлган баҳонинг ўша элементи бу воситаларга хос эмас.

Жавобгарликни юклаш билан боғлиқ бўлган давлат томонидан айблаш ҳуқуқбузарларда маълум бир ҳуқуқий туйғуларни пайдо қилади. Кўпгина ҳолларда, «жазоланганлик», «қораланганлик» каби туйғулар ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларга йўл қуйган шахсларга нисбатан жиддий тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу нарса ўзига эътиборни жалб қиладики, баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар юридик жавобгарлик

тушунчасига давлат томонидан қораланиши эмас, балки жамоат томонидан қораланиши киритали. Бироқ, юридик жавобгарлик белгиларидан бирининг бундай тарзда талқин қилиниши маълум маънода аниқлаштириши талаб этади. Юридик жавобгарликни, хусусан, ўртоқлик суди томонидан юридик жавобгарлик юклатиш жараёнида фуқаронинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатининг ҳар қандай равишда қораланиши давлат томонидан қораланиш характерига эга бўлади.

**Тўртинчи белги.** Юридик жавобгарлик ҳамма вақат ҳуқуқбузарга нисбатан маълум салбий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Юридик жавобгарликни ҳуқуқбузарлик қилган шахс учун белгиланган қийинчиликлар ва маҳрум этишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Салбий оқибатлар қандай оқибатлар, улар нима мазмунда ифодаланади ва намоён бўлади? Умуман атамаларга хос нуқтаи-назардан туриб айтиш мумкинки, ҳар қандай ёмон натижа салбий оқибатдир. Ушбу маънода ҳар қандай ҳуқуқий санкцияни жумладан, олдини олиш ёки тиклаш воситаларини кўзда тутадиган санкцияни қўллаш қандайдир маҳрумликлар, чеклашларнинг келиб чиқиши, манфаатларнинг камайтирилиши билан боғлиқ.

Жавобгарликнинг моҳияти унинг қандайдир бир маҳрумликлар, чеклашлар билан қўшиб олиш борилишида эмас, балки бу маҳрумликларнинг хусусиятида намоён бўлади. Шу нарса назарда тутиладики, улар жарима солиш хусусиятига эга бўлиб, ҳуқуқбузарнинг шахсига қаратилган. Жавобгарликни юклаш даврида келиб чиқадиган жарима солиш тартибида маҳрум қилиш ўз-ўзидан келиб чиқадиган мақсад эмас. Улар восита сифатида майдонга чиқади, улар ёрдамчи

ҳуқуқбузарликнинг умумий ва хусусий тарзда олдини олишга эришилади, қонунчиликни бузишга йўл қўйган фуқароларни қайта тарбиялаш вазибалари амалга оширилади.

Маҳрум этиш ёхуд чеклаш ҳақидаги масала қўйилган ҳуқуқларнинг баҳоси турлича. Бироқ, бу ҳолат ушбу фактни ҳаспўшлаш эмас. Қоидага кўра, жавобгарлик давлат томонидан мажбурлашнинг бонсқа чоралари билан солиштирганда ҳуқуқбузарга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади.

#### **4-§. Юридик жавобгарликнинг принциплари**

Юридик адабиётда юридик жавобгарликнинг асосларини ва чегараларини белгилаб берадиган тамойилларнинг бир хил тушунилиши шаклланган. Бундай тамойилларга: 1) қонунчилик; 2) муқаррарлик; 3) индивидуаллаштиришни киритиш мумкин.

**Қонунчилик принципи** жиноий, фуқаролик, ҳуқуқий, маъмурий, интизомий жавобгарликни амалга ошираётиб, қонун талабларини аниқ ва оғинмай бажаришда ўз ифодасини топади. Қонун талабларига риоя қилиш (моддий ва процессуал) — юридик жавобгарликнинг мақсадларига эришишнинг муҳим шартидир. Моддий қонуннинг талаби шундан иборатки, юридик жавобгарлик фақат қонунда кўзда тутилган ва фақат қонун тартибда рўйбга чиқадиган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учун келиб чиқиши керак. Процессуал қонуннинг асосий талаби эса, ҳуқуқбузарга нисбатан юридик жавобгарликни қўллашнинг асослилиги, яъни объектив ҳақиқат сифатида улар томонидан ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этиш фактининг белгиланишидир. Ундан

ташқари, бизнинг жамиятимизда ҳуқуқбузар — ҳуқуқсиз субъект эмас. Унинг ҳуқуқларини, шунингдек, ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш — юридик жавобгарликларнинг муҳим шартидир. Бошқача қилиб айтганда, жавобгарликнинг процессуал томонига қўйиладиган қонунийлик талаби шуни билдирадики, унга биноан, ваколатли органлар ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни тергов қилиш ва кўриб чиқишнинг қонунда берилган тартибига, шунингдек, амалдаги қонунчиликка биноан, ҳуқуқбузарни унга бериладиган субъектив ҳуқуқларнинг бутун бир комплекси билан таъминлашга қаттиқ риоя қилишлари керак.

Юридик жавобгарликнинг **муқаррарлиги та-мойили**. Этимологик маънодаги муқаррарлик — ҳодисадан сўнг оқибатнинг келиб чиқишини четлаб ўтиб бўлмаслиги, муқаррарлигидир. Юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги — унинг ҳуқуқбузарлик факти билан чамбарчас боғлиқлигини ифодалайди.

Юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги та-мойили қонунийлик нуқтаи-назаридан иккита муҳим томонни ўз ичига олади. *Биринчидан*, ҳар бир ҳуқуқбузарлик айбдор шахснинг жавобгарлигига албатта, сабаб бўлиши шарт, деган қоида; *иккинчидан*, ҳеч бир айбсиз шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, деган қоидадир.

Ушбу таможилнинг моҳияти ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун юридик санкция қўллашнинг шарт эканлигида эмас, балки ваколатли давлат органлари, мансабдор шахсларнинг унга нисбатан албатта, ўз муносабатини билдиришидадир. Ҳуқуқбузар, у содир этган қилмиш жамиятга ошкор қилиниши, жамоанинг, ваколатли органларнинг диққатини тортиши, улар томонидан

қораланиши керак. Агарда ҳуқуқбузар фақатгина жамоат чоралари таъсири остида тузалиши мумкин бўлса, ундай ҳолда жарима солиш санкцияси қўлланмаслиги ҳам мумкин.

Маълумки, фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишнинг маълум бир эркинлигига, фуқаролардан, ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ваколатли органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи амалга оширилмаса, бундай ҳолда юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилининг амал қилиши маълум даражада чегараланиб қолади. Шу муносабат билан юридик жавобгарлик чораларининг ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин узоқ муддат ўтгач қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки у лозим даражада самара бермайди ва баъзан намоён бўлган адолатсизлик сифатидаги салбий баҳо пайдо бўлишини ҳам инкор этмайди.

Юридик жавобгарликни **индивидуаллаштириш тамойили**. Ушбу тамойилга юридик жавобгарликка тортилган субъектга нисбатан адолатли қарор қабул қилинишини таъминлайдиган ўзига хос устун сифатида қараш мумкин. Жавобгарликнинг муқаррарлиги, эслатиб ўтилганидек, ҳуқуқбузарликнинг жавобгарлик билан ажралмас даражада боғлиқлигини белгилашга қаратилган, индивидуаллаштириш эса, бу боғлиқликнинг мутаносиблигини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жавобгарликнинг индивидуаллаштирилиши қонун билан белгиланган санкциялар доирасида ҳуқуқий таъсир ўтказишнинг турли хил воситаларини танлаш имконияти билан таъминланади. Бундай ҳолда ҳуқуққа хилоф қилмишнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси айбдорнинг шахси, қонунда кўзда тутилган жавобгар-

ликни енгиллаштирадиган, оғирлаштирадиган ҳолатлар ва бошқалар ҳисобга олинади.

## 5-§. Юридик жавобгарликнинг мақсадлари

Амалдаги ҳуқуқ нормаларида юридик жавобгарликнинг тамойиллари унинг субъектларига нисбатан қўйилган талаблар сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат — унинг идоралари ва мансабдор шахслар учун ҳуқуқбузарларнинг жавобгарлигини амалга ошириш борасида қонунийлик устидан назоратни амалга ошириши муҳимдир.

Ҳуқуқий адабиётларда юридик жавобгарлик иккита мақсадга — ҳуқуқ тартиботни ҳимоя қилиш ва фуқароларни тарбиялашга қаратилган, деб таъкидланади.

**Биринчи мақсад.** Юридик жавобгарлик ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизми таркибида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нормаларнинг бажарилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**Иккинчи мақсадга** шундай эришиладики, унга биноан, ҳуқуқда жавобгарлик институтининг мавжудлиги жамият аъзоларига ахборот тарзидаги ўзни тийиб туриш ва интизомга риоя қилиш каби таъсирлар кўрсатади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан юридик жавобгарликнинг мақсадларини янада кенгроқ тушуниш масаласи таклиф қилинмоқда. Улар қаторида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: ҳуқуқбузарликларнинг умумий эҳтиёж чоралари, ҳуқуқбузарни жазолаш, унинг онгига таъсир ўтказиш, озми-кўпми миқдорда шахсни маънавий жиҳатдан қайта таркиб топтуриш, қонунни бузган инсонда ижтимоий ва шахсий манфаатлар-

нинг уйғунлигига қаратилган нормал шахсий белгиларни шакллантиришдир.

## **6-§. Юридик жавобгарликнинг турлари**

Юридик жавобгарлик турли асосларга кўра бир нечта турларга бўлинади. Масалан, жавобгарликни юклайдиган органлар бўйича юридик жавобгарликнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1) давлат ҳокимияти органлари томонидан юкланадиган юридик жавобгарлик;

2) суд ва бошқа юридик органлар томонидан юкланадиган юридик жавобгарлик;

3) маъмурий органлар (давлат бошқарув органлари) томонидан ҳуқуқбузар зиммасига юкланадиган юридик жавобгарлик.

Юридик жавобгарлик қайси соҳага тегишлилигига, ҳуқуқбузарликнинг қайси тури содир этилганлигига қараб қуйидаги турларга ажратилади:

1) жиноий-ҳуқуқий;

2) маъмурий;

3) фуқаровий-ҳуқуқий;

4) ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарликлари;

5) интизомий жавобгарлик;

6) юридик жавобгарликнинг энг оғир тури — жиноий жавобгарликдир.

## **7-§. Давлат мажбурловининг бошқа тадбирлари**

Юридик жавобгарлик — давлат мажбурловининг бир кўринишидир. Шу билан бирга, огоҳлантириш чоралари ва олдини олиш чоралари ҳам давлат мажбурловининг турлари ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқда, масалан, мажбурловнинг

маъмурий-эҳтиётлик, маъмурий олдини олиш ва маъмурий-репрессив (маъмурий жавобгарлик) шакллари фарқлаш қабул қилинган.

Ҳуқуқий мажбурият тизимига кирадиган мақсадларнинг мезонига қараб олдини олиш тадбирларини қуйидагиларга бўлиш мумкин: содир бўлиш эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланадиган ва табиий офатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланиладиган чора-тадбирлар. Бу чора-тадбирлар турлитумандир. Улардан энг асосийлари қуйидагилардир.

*Биринчидан*, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ҳужжатларни текшириш. Масалан, аниқ турар жой ва машғулотга эга бўлмаган кишиларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни текшириш.

*Иккинчидан*, ҳаракат хавфсизлигига хавф туғилганда транспорт ёки пиёдаларнинг ҳаракатларини тўхтатиш ёки чеклаш. Масалан, авариялар ва табиий офатлар юз берганда.

*Учинчидан*, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш. Масалан, милиция органларига келиш, иш ёки яшаш жойини ўзгартирганлиги ва бошқалар ҳақида хабар бериш мажбурияти.

Бу тадбирлар тўлиқ олдини олиш, яъни профилактика характериға эға. Бу ерда мажбурлаш шунда намоён бўладики, огоҳлантириш таъсирига эға бўлган таъсир воситалари ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан иккинчи тарафнинг розилигисиз қўлланади, натижада иккинчи тараф ҳуқуқий кўрсатмалар асосида маълум ҳаракатларни бажариши ёки баъзи ҳаракатлардан ўзини тийиши керак.

Ҳуқуқ ёрдамида олдини олиш воситалари қачонки, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш керак бўлган ҳолларда қўлланади. Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагилар кирази:

*биринчидан*, ҳали юридик жавобгарликка олиб келмаган, лекин жамиятга қарши хатти-ҳаракатга йўл қўядиган шахсларни олиб келиш ва расмий огоҳлантириш;

*иккинчидан*, мулкни олиб қўйиш. Масалан, муҳр ва штампларни, совуқ қуролни, радиоузаткични, (агар унга эгалик қилишга ҳуқуқи бўлмаса);

*учинчидан*, маъмурий тарздаги кўрсатмаларни бузадиган шахсларни маъмурий тартибда ушлаб туриш (шахсий эркинликни қисқа муддатга чеклаш).

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар огоҳлантирувчи чора-тадбирлардан фарқли равишда фақат ҳуқуқбузарлик содир этилганда қўлланади, улар у ёки бу шахсларнинг ҳуқуққа хилоф қилмишларига қарши аксадо бўлиб ҳисобланади.

Давлат мажбурловининг огоҳлантириш чоралари, олдини олиш чоралари ва юридик жавобгарликка ажратилиши бу масалани муайянлаштириш ва тўлдиришни талаб этади. Гап шундаки, мажбурлаш воситаларининг ичида тиклаш воситалари (ҳимоя чоралари) маълум бир ўринни эгаллайди. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: умумий мулкни мажбурий равишда бўлиш, хизмат сафарларига борганда товон пулларини ундириш, ходимга берилган ёрдам пулини ёки нотўғри тўланган пулларни ушлаб қолиш ва бошқалар.

Юридик адабиётда ҳимоя чоралари юридик жавобгарлик билан тез-тез тенглаштириб турилади. Қуйидагиларга кўра ушбу ҳолат билан келишиш

мумкин эмас. Жавобгарлик, биринчи навбатда, ўзининг асосий йўналиши бўйича ҳуқуқбузарга қаратилгандир, ҳимоя эса, фақатгина ҳуқуқий кўрсатмаларни бузувчига эмас, шунингдек, вакил қилинган шахсга ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Қўлланиш асосларига кўра, жавобгарлик фақат ҳуқуқбузарлик (жамиятга зарар келтирадиган айбли, жамият томонидан қораланадиган қилмиш) мавжуд бўлганда келиб чиқади, ҳуқуқни ҳимоя қилиш эса, ҳуқуққа хилоф объектив хатти-ҳаракат (юқори хавф манбаи орқали келтирилган зарар) бўлганда, бир қатор ҳолларда эса — ҳуқуққа хилофлик бўлмаганда ҳам келиб чиқади (давлат, жамоат ташкилотларининг мулкани қутқариш вақтида келтирилган зарарни ундириш). Юридик жавобгарлиكنинг асосий вазифаси — жарима солиш, жазолашдир, тиклаш чораларининг вазифаси эса, юридик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа турларини фарқлаш назарий жиҳатдан ташқари, катта амалий аҳамиятга ҳам эга. У шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун таъсир ўтказишнинг энг мақсадга мувофиқ ва қонуний воситасини танлаш имконини беради.

## **8-§. Фуқаронинг айбсизлик презумпцияси**

**Фуқаронинг айбсизлик презумпцияси** — *юридик жавобгарликка тортилган фуқаронинг айбсизлиги ҳақидаги тахминдир.*

Айбсизлик презумпцияси ҳуқуқнинг ҳамма соҳаларида амалда бўлади. У шахсни айбдорликка тортаётган органни бу шахснинг айбини тасдиқлайдиган аниқ материаллар йиғишга мажбур этади.

Агар бу иш бажарилмаса, ушбу презумпцияга мувофиқ, шахс айбсиз деб ҳисобланади. Шу сифати билан фуқаронинг айбсизлик презумпцияси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим конституциявий кафолати бўлиб ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи ва процесси соҳасида фуқаронинг айбсизлик презумпцияси айбланувчининг айбсизлик презумпциясида ифодаланади. Бундай презумпция тарихда биринчи марта буюк француз революциясининг қонунчилигида, хусусан «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»нинг 9-моддасида мустаҳкамланган эди. Прогрессив жамиятнинг ютуғи, инсонийликнинг намоён бўлиши сифатида айбсизлик презумпцияси 1948 йилги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да мустаҳкамланган. «Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир инсон, — дейилади бунда, — унинг айби то қонуний тартибда, очиқ суд муҳокамаси орқали тасдиқланмагунча, айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир, бу ҳолда у ҳимоя учун барча имкониятлар билан таъминланиши керак».

Ватанимизнинг юридик фанида айбланувчининг айбсизлик презумпцияси ғояси ҳозирги вақтда барча томонидан тан олинган. Бироқ XX асрнинг 50—60 йилларида айрим олимлар унга нисбатан салбий муносабатда бўлиб, у жиноятчиликка қарши курашишга халал беради, деган ноўрин асос келтирган эди. Айбланувчининг айбсизлик презумпцияси Жиноят-процессуал қонунида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонуний тартибда мустаҳкамланган. Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир айбланувчи то унинг айби қонунда кўзда тутилган тартибда исботланмагунча ва ваколатли, мустақил, одил

суднинг қонуний, кучга кирган ҳукми билан белгиланмагунча, айбсиз бўлиб ҳисобланади. Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас. Шахснинг айбдорлиги ҳақидаги барта- раф қилиб бўлмас шубҳалар айбланувчининг фойдасига ҳал этилади.

Айбланувчининг айбсизлик презумпцияси жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг кафолати бўлиб ҳисобланади. Бу презумпцияга мувофиқ, исботлаш каби огир ишнинг шундай тақсимланиши юз бералики, у ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганишни таъминлайди. Жиноят жараёнида давлат органи ва айбланувчи ҳокимиятга бўйсуниб ҳолатида бўладилар. Бундай ҳолатда презумпциянинг бўлмаслиги айбланувчи ўзининг айбсизлигини ўзи исботлашга мажбур бўлиб қоладиган ҳолатга олиб келиши мумкин эди. Айбланувчи эса буни ҳаммавақт ҳам амалга ошира олмасди. Айбсизлик презумпцияси ўзининг шу сифати билан фуқаронинг асоссиз қораланишига, унинг ҳуқуқлари бузилишига қарши муҳим кафолат бўлиб майдонга чиқади. Мана шунинг учун зўравонлик, ўзбошимчалик амалиётда муқаррар равишда айбсизлик презумпциясидан воз кечишни, назарияда эса — мантиқсизлик ва ҳатто зарарлилигини асослаб беришни кўзлайди.

Айбланувчининг айбсизлик презумпцияси айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан мустаҳкам боғланган. Бу боғлиқлик шунда намоён бўладики, ўз айбини енгиллаштирадиган ёки айбсизлиги ҳақида гувоҳлик бералган ҳолатларни келтирган ҳолда, айбланувчи шу билан ўзининг айбсизлиги ҳақидаги тахминни тасдиқлайди.

Айбланувчининг айбсизлик презумпцияси қонунда мустаҳкамланган тегишли шахслар ва

органлар ишнинг барча ҳолатларини текширишга, унга билдирилган барча шубҳаларни йўқотишга мажбур этади, чунки ҳар қандай гумон (бу эса презумпциянинг намоён бўлиши), айбланувчининг фойдасига ҳал қилинади.

Айбланувчи — содир этган жинояти учун муайян мақомга эга бўлган шахс бўлиб, у жиноят процессига тегишли одамдир. Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқбузар — одатдаги жавобгардир, лекин жавобгар ҳаммавақт ҳам ҳуқуқбузар бўлавермайди. Маъмурий жараёнда қонун жавобгарликка тортилган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс деб атайдилар. Бироқ, соҳаларга доир қонунчиликда ҳуқуқбузар қандай атама билан аталишидан қатъи назар, у юридик жавобгарликка тортилган барча ҳолларда ҳам, то унинг айби қонунда кўзда тутилган тартибда белгиланмагунча айбсиз бўлиб ҳисобланади.

Айбни аниқлаш жараёни мураккаб ва анча узоқ (худди жиноят процессида бўлганидек) ёки бирмунча оддий, тез (масалан, интизомга хилоф ноҳуқуқ ҳаракат содир этган шахсга нисбатан хизмат юзасидан текширув ўтказиш) бўлиши мумкин. Лекин бу жараён ҳаммавақт мавжуд бўлиши керак. Унинг мақсади — жавобгарликка тортилган ва айбсиз деб тахмин қилинаётган шахснинг айбини ишончли ҳолатларда тўлиқ исботлаб беришдир. Айбнинг исботланмаганлиги, далилларнинг ишончли ва тўлиқ эмаслиги шахсни жавобгарликдан озод қилади.

Шундай қилиб, **фуқаронинг айбсизлик презумпцияси ўзбошимчалик ва қонун бузилишининг олдини олишда муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади.**

## 34-боб. ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

- 1-§. Ҳуқуқий онг тушунчаси.
- 2-§. Ҳуқуқий онг таркиби.
- 3-§. Ҳуқуқий онгнинг вазифалари ва функциялари.
- 4-§. Ҳуқуқий онгнинг турлари.
- 5-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсири.
- 6-§. Ҳуқуқий онг ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик.
- 7-§. Фуқаролар ҳуқуқий онгининг ўзгариши.
- 8-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият.
- 9-§. Ҳуқуқий тарбия тушунчаси.
- 10-§. Ҳуқуқий тарбиянинг вазифалари.
- 11-§. Ҳуқуқий тарбия жараёни.
- 12-§. Ҳуқуқий тарбия тизими.
- 13-§. Ҳуқуқий тарбия механизми.

### 1-§. Ҳуқуқий онг тушунчаси

Ҳуқуқшунослик фанида ҳозирга келиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарбия назариясининг илмий асослари яратилди. Мазкур муаммолар бўйича социологик тадқиқотлар ўтказилди, ҳуқуқий онг ижтимоий онг турларидан бири эканлиги, у ҳақдаги тушунча, унинг тузилиши, вазифалари ва шу каби масалалар умумий тарзда етарлича ўрганилди.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, айна пайтда нисбатан мустақилдир. У ижтимоий турмушда мавжуд бўлган, жамиятимизга хос турли-туман ҳолатлар йиғиндисини ўзида муҷассамлаштиради.

**Ҳуқуқий онг** — ҳуқуқий ҳиссиётлар, туйғулар, ғоялар, қарашлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, тасаввурлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига муносабатини кўрсатувчи, бу муносабат эса амалдаги ҳуқуққа, ҳуқуқий амалиётга, фуқаролар

*ҳуқуқлари ва бурчларига нисбатан, шунингдек, бошқа орзу қилинган ҳуқуқларга нисбатан бўлиши лозим ҳолатлар тизимидир.*

Ҳуқуқий онг таркибини ўрганишнинг асосий жиҳатлари, ижтимоий онг таркибини ўрганишда бўлганидек, гносеологик ва социологик томонлардир, чунки, улар ўзаро фарқлансаларда, ҳар ҳолда бир-бирларини инкор этмайди, аксинча тўлдиради. Гносеологик ёндашилганда ҳуқуқий онг, инъикос, жамиятни билиш шаклларида бири сифатида, социологик ёндашилганда эса ижтимоий ҳодисалар орасида унинг ўрни ва умуман, ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганилади.

## **2-§. Ҳуқуқий онг таркиби**

Гносеологик томондан қаралган ҳуқуқий онг таркиби, мавжуд ҳуқуқий ҳолат инъикосининг икки даражасидан ташкил топади: ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психология. **Ҳуқуқий психология** атрофимиздаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатнинг бево-сита таъсирида шаклланади ва ҳуқуқий онгнинг дастлабки эмпирик босқичи ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг худди шу босқичидан ҳуқуқий борлиқни идрок этиш билан бирламчи танишиш бошланади.

Ҳуқуқий психологиядан фарқли равишда, **ҳуқуқий мафкура**, ҳуқуқий онгнинг анча юқори, илмий-назарий концепциялашган ва одамлар томонидан ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий ҳодисаларни анча чуқур идрок этиш босқичини ташкил қилади.

Ҳуқуқий онгнинг ғоявий ташкилланиш жараёни тўпланган, муайян ҳис-туйғулар билан

йўғрилган материал асосида гоёнинг узил-кесил намоён бўлиши, ҳуқуқий борлиқ ҳақидаги тасаввурнинг сайқалланиш ҳолатлари кечадилар ва бу одамлар иродасининг шаклланишида катта ўрин тутадилар.

Ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психология, ҳуқуқий онгнинг турли элементлари сифатида ўзаро боғлиқ ва бир-биридан келиб чиқувчи ҳолисалардир. Шу билан бирга, улар анча фарқландилар. Улар орасидаги асосий фарқ ижтимоий борлиқ ва объектив ҳуқуқий муҳитни турлича ижтимоий воситалар: биринчиси — гоёлар, назариялар ёрдамида, иккинчиси — руҳий ҳис туйғулар ёрдамида акс эттиришидагина эмас, мазкур акс этишининг турлича даражаси ва усулидир. Агар, ижтимоий борлиқнинг ҳуқуқий мафкурада акс этиши илмий-назарий идрок, назарий билимлар ва қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот, қонунийлик ва бошқа ҳуқуқий ҳолатларни баҳолаш даражасида кечса, у ҳолда бундай инъикос ҳуқуқий психологияда, даставвал оддий, кундалик турмуш идроки даражасида кечадилар. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий онг тузилишидаги бошқарувчи элемент ҳуқуқий гоёлар мажмуаси ҳисобланадилар.

Биз кўраётган йўналишда, ҳуқуқий мафкура ҳуқуқий тизим ривожини тавсифловчи, ички бирликка эга бўлган илмий қарашлар, гоёлар, назария ва таълимотлар сифатида қараладилар.

Ҳуқуқий психология эса ҳис, туйғу, кайфият ва бошқа ҳуқуқ психологияси таркибий қисмининг йиғиндиси сифатида намоён бўладилар. Улар ижтимоий ҳаётнинг турли ҳуқуқий жиҳатларини акс эттирадилар. Ҳуқуқий онгнинг бу икки таркибий қисми ўзаро боғлиқ ва бир-бирини доимо тўлдирадилар.

Ҳуқуқий онг тузилмасини социологик таҳлил қилиш ундаги уч таркибий қисм — **билиш, баҳолаш ва амалий ҳуқуқий онгни** ажратиб кўрсатиш имкониятини беради.

### **3-§. Ҳуқуқий онгнинг функциялари ва вазифалари**

Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий онг функциялари масаласини ҳам қараб чиқадилар ва ҳуқуқий онгнинг қуйидаги гносеологик, бошқарув ва ҳуқуқий шакллантириш функцияларини кўрсатадилар.

**Гносеологик функция** объектив борлиқдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларни билишни тавсиф этади. Бошқарув — ўз феъл-атворини ҳуқуқ талаблари билан қиёслаш воситасида ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартиришдир. **Шакллантириш функцияси** — ўз хулқини, хатти-ҳаракатларини шакллантиришдан иборат бўлиб, у жуда зарур. Айрим муаллифлар ҳуқуқий ҳаракатлар орасидан ҳуқуқий онгнинг билиш, баҳолаш ва бошқарув функцияларини ажратиб кўрсатадилар.

Ҳуқуқий онгнинг билиш вазифаси кетма-кет пайдо бўлувчи руҳий ҳолисалардан тузилган: биринчидан, у асосан сезиш, эшитиш ва кўришдан тугилади; иккинчидан, қабул қилиш, хотира, эсда сақлаш, хотирадагиларни қайта тиклаш, таниш жараёнлари воситасида ҳуқуққа оид билимларни тўплайди ва уларни ҳар хил ҳуқуқий тасаввурлар кўринишида ифода этади; учинчидан, тафаккур, олий даражадаги билиш жараёни ҳисобланиб, ҳуқуқий гоялар, тушунча ва эътиқодлар шунинг маҳсулидир.

Ҳуқуқий онгнинг ўзини бошқариш функцияси инсон мўлжалларини оқилона рўёбга чиқариш

ҳуқуқий онгнинг амалий томони ҳисобланиб, у ирода орқали амалга оширилади. У ҳуқуқий билимларни аниқлаш, ички туйғулар билан мавжуд ҳуқуқий эътиқодлар, мавжуд объектив борлиқ, жамиятда амал қилинаётган ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш, мақсадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш кабиларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий онгга тушаётган ҳуқуқий ахборотларни «қайта ишлаш» ва ўзлаштиришда инсон феъл-атворини бошқарувчи мураккаб механизмлар муҳим ўрин эгаллайди, у ўзига манфаатни англаш, мақсадни аниқлаш, асослар тизими ва хоҳишни намоён этиш каби ҳолатларни олади.

#### 4-§. Ҳуқуқий онг турлари

Ҳуқуқий онг ўраб турган ҳуқуқий муҳитни ойнадагидек, тўғридан-тўғри акс эттирмайди, уни ўзига хос «ижтимоий-биологик филтер» — инсон шахсиятининг мураккабликлари воситасида намоён этади. У уч таркибий қисмдан ташкил топган: биринчиси, шахснинг бутун руҳий қатламларининг ўзига хослиги; иккинчиси, инсоннинг ҳаётий тажрибалари; учинчиси, одамнинг бевосита алоқа муҳити.

Ҳуқуқий онг — мураккаб ижтимоий ҳодисалар, субъектлар назарда тутилганда (яъни, унинг ифодачилари) ҳуқуқий онг **ижтимоий** (оммавий, умумижтимоий), **гуруҳий** ва **шахсий** турларга бўлинади. Ижтимоий даражаси томонидан қаралганда, ҳуқуқий онг, одатда, **кундалик оддий**, **илмий** ва **касбий** турларга бўлинади.

Кундалик оддий ҳуқуқий онг, асосан одамларнинг бевосита ҳаётий шароитлари, уларнинг

шахсий тажрибалари таъсирида шаклланади. Бунда руҳий элементлар (ҳис-туйғулар) асосий ўринни эгаллайди. Илмий ҳуқуқий онг кенг ва чуқур ҳуқуқий умумлашмалар асосида шаклланади. Касбий ҳуқуқий онг — юристлар ҳуқуқий онгидир, яъни махсус умумтаълим ёки амалий тайёргарликка эга бўлган одамлар уюшмасига оид. Ҳуқуқий онгнинг бундай хилма-хилликлари шу билан фарқланадики, унинг ички руҳий элементлари ҳуқуқий нормаларни амалда билиш ва уни қўллай олиш қобилияти, малакаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Юридик соҳа ходимлари ҳуқуқий онгнинг хилма-хилликларидан бири сифатида, ички ишлар органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онгини кўрсатадилар. Бу ҳуқуқий билимлар, қарашлар, тасаввур, кўрсатмалар, ҳиссиётлар ва бошқа ички кечинмалар тизими бўлиб, улар жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, очиш, фуқаролар, корхоналар ва ташкилотлар мулкани, ҳуқуқ, эркинликлари ва бошқа қонуний манфаатларини, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин хавфидан сақлаш, ҳукм қилинганларни тузатиш ва қайта тарбиялаш орқали ҳимоя қилиш вазифаси билан шуғулланадиган касб эгаларига хосдир.

## **5-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсири**

Ҳуқуқий онг ва хулқ-атвор ўртасидаги қонун нуқтаи назаридан аҳамиятга молик муносабат анча мураккаб.

Шу билан бирга одамлар феъл-атворининг шаклланишида ҳуқуқий нормаларнинг катта аҳамиятини унутмаслик лозим. Ҳуқуқ нормалари

жамият ва шахс учун маъқул феъл-атворни белгилайди. Бироқ бир муҳим ҳолатни назарда тутиш лозим: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий нормага нисбатан ҳаракатга, феъл-атворга яқиндир.

Ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат тузиш ҳуқуқий онгдан инсон феъл-атворини юридик аҳамиятга молик йўналишда бошқаришда фойдаланишни тақозо қилади.

*Биринчидан*, ҳуқуқий онг фақат фуқаро томонидан юридик аҳамиятга молик феъл-атвор мақсадини англашга кўмаклашмайди. Шу билан бирга, у ҳуқуқий онгнинг асосий манбаи ҳам ҳисобланади. Бошқарув имкониятига кўра, онгнинг бу кўриниши билан фақат онгнинг теран кўриниш шакли — маънавий онгни баравар қўйиш мумкин.

Ҳуқуқий онг инсонга вазиятни ҳар тарафлама мушоҳада қилишга ёрдамлашади. Худди мана шу ерда онгнинг ҳуқуқий ёки ноҳуқуқий бўлакларга ажралишининг кўз илғамайдиган жараёнлари содир бўлади.

*Иккинчидан*, ҳуқуқий онг инсонга юридик аҳамиятга молик феъл-атворга эришиш воситаларини кўриш ва мана шу фарзани воситалар орасидан муайян керагини танлашга кўмаклашади.

*Учинчидан*, шахснинг ҳуқуқий онги (маънавий ва сиёсий онги билан биргаликда) унга юридик аҳамиятга молик феъл-атворга эришиш учун танланган йўлнинг ижтимоий таъсирчанлигини ёки аксинча, таъсирчан эмаслигини баҳолашда ёрдамлашади. Фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги уларнинг ҳуқуқий масалаларни ечишда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, ҳуқуқбузарликка қарши туришда шахсан

иштироки ва шу кабилар феъл-атворнинг юридик аҳамиятга молик олий кўриниши ҳисобланади.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳуқуқий фаолликнинг, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки қисмдан ташкил топганлиги кўринади. *Биринчи қисм* — фуқароларнинг жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни сақлашга бўлган доимий ички тайёргарлиги; *иккинчи қисми* — амалий ташаббускорлик фаолияти.

## **6-§. Ҳуқуқий онг ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик**

Шахс ҳуқуқий фаоллигининг муҳим ички манбаи — ижобий ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқ ҳисобланади. Яъни жамиятдаги ҳуқуқий қадриятларнинг маънавий йўналишда бўлишидир. Оддийроқ қилиб айтилса, инсонда ижобий ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқлар мавжуд бўлмаса ёки унинг ўрнини салбий ҳуқуқий йўл-йўриқлар эгаллаган бўлса, унда ҳуқуқий онг йўқ (ҳали шаклланмаган, шакли бузилган, умуман бузилган). Ижтимоий — ҳуқуқий йўл-йўриқлар (кўрсатмалар) — ҳуқуқий онгга тизимлилик кўринишини берувчи элементлардир. «Ҳуқуқни эгалланг» деб берилган йўл-йўриқ шахс ёки ижтимоий гуруҳ ҳуқуқий онгининг моҳиятан юрагини ташкил қилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқ (кўрсатма) маълум маънода ҳуқуқий онгнинг ҳуқуққа ҳурмат томони билан мувофиқ келади. Бизнинг фикримизча, ҳуқуққа ҳурмат — ижобий ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқдир.

Қонунни ҳурмат қилишни таъминлашнинг асосий замани ҳар бир киши юриш-туришининг ҳуқуққа асосланганлигидадир. Ҳар бир кишининг

юриш-туриши (фёъл-атвори)ни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашда белгиланган ҳуқуқий тушунчалар ва кўрсатмалар нуқтаи назаридан ёндашмоқ лозим.

Ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқлар фуқаролар фёъл-атвориға жиддий таъсир кўрсатади.

Йўл-йўриқлар шахс идрокининг «ҳуқуқ томон» ёки «ҳуқуққа зид» ёхуд «ҳуқуқни четлаб ўтиш» томон йўналганлигини кўрсатади. Аммо у содир этган қилмишларнинг ҳуқуқий ёки ҳуқуққа зид моҳиятини мутлақо белгиламайди. Муайян қарорға келишга бошқа кўплаб омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

## **7-§. Фуқаролар ҳуқуқий онгининг ўзгариши**

Фуқаролар ҳуқуқий онгининг деформацияси (лот. *deformatio*, бузиб кўрсатиш). Ҳуқуқий онгининг бузилиши, баъзи бир бирламчи, бошланғич ҳуқуққа доир қарашлар, билимлар, йўл-йўриқлар заҳиралари мавжудлигини тақозо қилади. Улар турлича сабаблар таъсирида қандайдир бошқа, ҳуқуқдан ташқари конструкцияға айланган ёки ҳуқуқий бўлиб, жуда оз ёхуд қисман қолган. Албатта, одамларнинг ҳуқуқий онглари бузилиши натижасида жинойий онгга айланиши ҳам мумкин, аммо, бундай айланиш соф ҳолида кам учрайди. Жинойий онг ҳуқуқнинг бирламчи ғояларини жиддий инкор этувчи онгдир. Ҳар қандай бошқа ижтимоий ҳодисалар сингари, ҳуқуқий онгининг бузилиши ўз келиб чиқиши, мазмуни, шакли ва рўёбга чиқиш усулларига эга.

Ҳар бир шахс ҳуқуқий онгининг бузилишиға оид бир неча кенг тарқалган қуйидаги шаклларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

*Биринчиси.* **Хуқуқий инфантилизм** — хуқуқий онг бузилишининг енгил шакли, унда хуқуқий билимлар, йўл-йўриқлар шаклланмаган, оз бўлади. Фуқаролар хуқуқий билимлари етишмовчилигидан ташқари, асосан, хуқуқий билимлар яхлит тизими орасидан унинг муҳим элементлари, аввало, қонунга, бошқа хуқуқий қадриятларга нисбатан ижобий муносабатлар тушиб қолмоқда.

*Иккинчиси.* **Хуқуқий нигилизм** — қонун талабларини онгли равишда рад этиш, аммо жиной мақсаднинг йўқлиги.

Хуқуқий нигилизм кўринишларига, ҳеч шубҳасиз, аҳоли ўртасида кенг тарқалиб бўлган ва ўрнашиб улгурган ҳодисалар сифатида қараш керак. Баъзи олимлар хуқуқий нигилизмни шахснинг хуқуққа зид йўналиши тарзида баҳолайдилар.

Қонун талабларини инкор этиш яширин, очиқ кўринишларда кечиши ва ҳар бири алоҳида ҳолда турлича сабаблар билан изоҳланиши мумкин.

*Учинчиси.* **Хуқуқий онг бузилишининг** энг оғир кўриниши фавқулодда инсон онгининг бузилишидир. Бунда хавфли ҳодисани ўрганиш, тадқиқотчилик нуқтаи назаридан жуда оғирдир.

У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам бошланғич хуқуқ онгли равишда инкор этилади. Аммо, тажриба шуни кўрсатадики, инкор инкордан фарқ қилади. Хуқуқий нигилизмнинг соф кўринишидан онгининг айнаши фақат ижтимоий хавфлилиги билан эмас, балки далиллари, сабаблари билан фарқланади. Хуқуқий онгининг айнаши қонунни онгли равишда, ғараз, раҳмсизлик, очкўзлик сабаблари асосида инкор этишда кўринади. Одамлар хуқуқий онги айнашининг асосий кўриниши уларнинг турли жинойтлар содир этишидир.

## 8-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият

Ҳуқуқий онг — ҳуқуқий маданиятнинг муҳим элементи. Ҳуқуқий онг шахс онгида, жамият ғояларида намоён бўлган ҳуқуқдир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ ва қонунийликка муносабатдаги эътиқодлар, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-ғуйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимидир.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг давлат ва жамиятнинг бошқарув таъсирига энг кам учраган элементидир. Тезлик билан янги қонун қабул қилиш, давлат органини тузиш мумкин, аммо инсоннинг ҳуқуқий онгини тезда ўзгартириб бўлмайди. Юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш кўп куч ҳамда вақт талаб қилувчи қийин вазифа. Шунинг учун ҳам «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да барча ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий онги даражасини кўтаришнинг бош мақсад қилиб белгиланганлиги тасодиф эмас. Ҳуқуқий қадриятларни маънавий ўзлаштириш оддий инсоний маданият ва саводхонликнинг бўлишини тақозо этади. У шахсни умумий тарбиялаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Жамиятимиз ҳуқуқий онгининг даражаси қандай?

Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблигига қарамай, афсуски, унга аниқ жавоб бера олмаймиз. Гап шундаки, сўнгги вақтларгача ушбу йўналишда ҳеч қандай тадқиқотлар амалга оширилмаган. Айрим тоифадаги фуқаролар (судланганлар, вояга етмаганлар)нинг ҳуқуққа муносабатини тадқиқ этишга ҳаракат қилинган, холос.

Билвосита белгилар ва айрим маълумотларга қараб, ҳуқуқий онг даражасига тахминан қуйидагича баҳо бериш мумкин.

*Биринчидан*, ўзбек халқига хос бўлган қонунга, ҳуқуққа, ҳокимиятга бўлган ҳурматни ҳисобга олиш зарур. Узоқ қишлоқдаги деҳқон юриспруденциянинг нозик жиҳатларини билмаслиги, аммо ҳуқуқнинг қадрини ва моҳиятини ҳақиқий фуқароча тушуниши, уни ҳурмат қилиши мумкин. Буни ижобий маънодаги **ҳуқуқий конформизм** деб аташ мумкин.

*Иккинчидан*, ҳуқуқий онгнинг ахлоқ, жамият анъаналари ва одатлари, халқнинг маънавияти билан чуқур алоқасини таъкидлаш зарур.

*Учинчидан*, кишиларнинг ҳуқуқий онгига уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига қараб гапириш мумкин. Жамият аъзоларининг маҳалла, меҳнат жамоаси ҳаётида иштирок этиши, бошқа ижтимоий фойдали алоқаларнинг фаоллашуви ҳуқуқий маданият даражасининг ўсаётганлигидан далолат беради.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқий статистика жамият ҳуқуқий онгининг аҳволини баҳолаш учун асос бўлиши мумкин. Жиноятчиликнинг даражаси, ҳуқуқни кўллаш ҳужжатларининг, фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳуқуқий онгнинг сифат томонини кўрсатади.

Ҳуқуқий онгнинг юқорида баён этилган жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш жамиятимиз маънавий ҳуқуқий онгининг юксак имкониятидан, унинг тараққийпарвар ҳуқуқий гоялар, тасаввурлар, мақсадларни қабул қилишга тайёрлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, айрим ижтимоий гуруҳлар вакиллари ҳуқуқий онгининг жиддий равишда бузилганлиги яққол кўриниб турибди. Ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуққа нисбатан истеъмомчилик муносабати жиноятчилар дунёсининг маданиятини белгилаб бера-

ди. Ёшларнинг бир қисмида ҳуқуқий қадриятларга нисбатан бепарқлик кузатилмоқда. Агар ёшлар ҳуқуқни билмасликларини намойиш қилсалар, ҳуқуқбузарлар, одатда, ўзларининг ҳуқуқий жиҳатдан, айниқса, жиноят ҳуқуқи соҳасида билимдонликларини кўрсатадилар. Бироқ улар ҳам, булар ҳам нуқсонли, паст даражадаги ҳуқуқий онгга эгадирлар.

Ҳуқуқий онг даражасини кўтариш учун оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат ва жамоат институтларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари зарур. Сўнгги вақтларда юксак ҳуқуқий онг фақат шахс дунёқарашига комплекс ва мақсадга мувофиқ таъсир этишнинг натижаси бўлиши тушуниб етилди.

Мазкур таъсирнинг бир қисми бўлмиш ҳуқуқий тарбия узлуксиз ва ҳамма жойда амалга оширилиши керак. Ҳуқуқий тарбия амалиётининг таҳлили мактабгача бўлган муассасаларда бундай тарбия деярли йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда. Зеро, медиклар, психологлар ва социологларнинг маълумотларига қараганда, айнан мактабгача бўлган ёшда бажарилиши шарт бўлган, тақиқланган, руҳсат этилган хатти-ҳаракатларга доир энг оддий тасаввурлар шаклланади. Шахснинг ҳуқуқий онгига самарали таъсирнинг кўплаб имкониятлари мактаб таълимида ҳам бор. Аммо мактаб кўпинча давлат ва ҳуқуқ асослари бўйича кам миқдордаги машғулотларни ўтказиш билан чекланиб қолади. Меҳнат жамоаларидаги ҳуқуқий тарбия ишлари ҳам онда-сонда амалга оширилади.

Юқори даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ўрганиш унда асосий эътибор ҳуқуқий билимларни тарқатишга қаратилаётганлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда ҳуқуқий

тарбиянинг қонунга итоаткорлик қонуний хатти-ҳаракатини шакллантиришдан иборат муҳим мақсади четда қолмоқда. Бунинг устига, бугунги шароитда қонунга итоаткорликнинг ўзигина ҳуқуқий тарбиянинг аниқ мақсади бўла олмайди.

**Ҳуқуқий онг тузилиши.** Маълумки, ҳуқуқий онг икки таркибий қисмдан, яъни ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан иборат. Ҳуқуқий мафкура ҳуқуқнинг моҳияти, аҳамияти ва талаблари тўғрисидаги гоялар, қадриятларни ўз ичига олса, ҳуқуқий психология ҳиссиётлар, кайфиятлар, кечинмалар, яъни ҳуқуқнинг эмоционал қабул қилиниши билан боғлиқ.

Ижтимоий ҳуқуқий онгдаги ушбу икки таркибий қисмнинг ҳолатини таҳлил қилсак, уларнинг ривожланганлик даражаси бир хил эмаслигини кўрамиз. Агар ҳуқуқий мафкура жамиятда демократик давлатга хос бўлган гоялар ва қадриятлар муайян даражада шаклланганлиги билан белгиланса, ҳуқуқий психология инфантилликка мубтало бўлиб, унда ҳуқуққа нисбатан бефарқлик ва менсимаслик сақланиб қолган.

Криминология соҳасидаги тадқиқотлар жамиятнинг ҳуқуқий руҳиятида жиддий камчиликлар борлигидан далолат бермоқда. Масалан, жиноятларнинг айрим турлари бўйича юқори даражадаги латентлик (яширинлик) сақланиб қолмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, содир этилган ҳар бир жиноятдан ўртача 5–7 киши хабардор бўлади. Агар ушбу рақамни жиноятлар миқдорига кўпайтирсак, кишини қувонтирмайдиган манзарага дуч келамиз: **минглаб кишилар жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлигини ва улар содир этилаётганлигини билганлари ҳолда уларни бефарқ томоша қилганлар.**

Жамият ривожигадаги янги ижтимоий-иқтисодий воқеалар кундалик ҳуқуқий онгининг бузилиши сабаблари ва шарт-шароитларини (ҳуқуққа нисбатан салбий ва истеъмолчилик муносабатлари, шахснинг ҳуқуққа хилоф йўналишларининг мотивлари, жамиятга қарши хатти-ҳаракат стереотипларининг шаклланишини) аниқлашнинг зарурлигини тақозо этади. Мазкур вазифани бажариш фаннинг, биринчи навбатда, ҳуқуқшуносликнинг энг муҳим мақсадидир. Бизнингча, ушбу ҳодисаларнинг ҳаммасини тоталитар тузум меросига тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин эмас, бузилган ҳуқуқий онг манбаларини объектив воқеликдан қидириш зарур.

Баён этилганларга қисқача хулоса қилиб айтиш мумкинки, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳуқуқий психологиянинг давлат ташвиқ қилаётган ҳуқуқий мафкурадан кескин орқада қолаётганлиги, ҳуқуқий давлатга хос бўлган ҳуқуқий ғоялар ва принципларнинг кундалик онг ҳуқуқий нигилизмидан кескин фарқ қилиши билан ажралиб туради. Ҳуқуқий онгдаги бундай аҳволнинг сабаблари ҳуқуқий тизим доираси билан чекланиб қолмайди, балки иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Бироқ ҳуқуқий онг ўзгармай қолмайди, у ҳуқуқ ва давлатнинг ўзгариши билан такомиллашиб боради.

Ҳуқуқий давлатдаги жамият ва шахс ҳуқуқий онгининг муҳим жиҳати, бизнингча, қонунга ҳурмат, унинг қадрини шахс қадриятларининг энг юқори даражасига кўтаришдан иборат. Ҳуқуққа, қонунга ҳурматни оддий қонунга итоаткорлик деб тасаввур этиб бўлмайди, у юқори даражадаги ҳуқуқий фаолликни талаб этади.

Айнан ҳуқуқий фаоллик, яъни шахснинг ижтимоий фаол ижобий хатти-ҳаракати унинг ҳуқуқий онгининг, қонунга ҳурматининг даражасини билдирувчи муҳим кўрсаткичдир.

Қонунга ҳурмат қонундан, унинг одиллигидан қониқиш ҳиссига, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқ принциплари ва нормаларига ихтиёрий равишда бўйсундиришга асосланган ахлоқий-ҳуқуқий категориядир. Бошқача айтганда, шахс ҳуқуқий мажбуриятларни англанган бурч сифатида, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлиги принципининг тимсоли сифатида қабул қилади.

Криминологиядаги тадқиқотлар ҳуқуқбузарлик содир этилиши учун муайян ҳуқуқий нормаларни билиш ёки билмасликнинг ҳал қилувчи аҳамияти йўқлигидан далолат бермоқда.

Жамият ҳуқуқий онгини баҳолашда жамоатчилик фикрини ўрганиш катта ёрдам беради. Афсуски, республикамизда ҳуқуқ масалалари бўйича жамоатчилик фикрининг мониторинги амалда ўтказилмайди. ҳолбуки сошиологик тадқиқотларнинг маълумотлари бутун жамиятдаги ҳамда айрим ижтимоий гуруҳлардаги ҳуқуқий онгининг манзарасини аниқлаштиришга ёрдам берган бўларди. Шахс ҳуқуқий онгидаги ижобий мотивлар ва манфаатларга алоҳида эътибор берини керак.

## **9-§. Ҳуқуқий тарбия тушунчаси**

Фуқаролар тарбияси ҳамма томонларни қамраб олувчи ягона тизим доирасида олиб борилади. Агар уларни алоҳида таркибий қисмларга ажратилса, турли хил, нисбий мустақил тарбия кўринишларини, яъни сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва шу кабиларни

аниқлаш мумкин. Бу алоҳида тарбиявий жараёнлардан ҳар бири тарбиянинг шакллари, воситалари, услуб ва принциплари қўлланишининг ўзига хослигидан келиб чиқадиган бир қатор хусусиятларига эга. Барча тарбия кўринишлари учун умумийлик — тарбиянинг марказида инсон турганлиги бўлса, уларнинг ҳар бири учун ўзига хос хусусият — тарбия усуллариининг турличалигидир. Тарбия жараёнларининг турличалигини фарқлашда қўлланиладиган бошқа муҳим мезонлардан бири — онг шакллариининг турлича эканлиги. Чунки алоҳида олинган тарбия жараёнларининг ҳар қайсиси, инсон онгининг ҳамма томонларини эмас, фақат унинг айрим кўринишларини қамраб олади. Масалан, сиёсий тарбия сиёсий онгни; маънавий тарбия маънавий онгни; эстетик тарбия эстетик онгни ва ҳ.к. Ҳуқуқий тарбия, онгнинг ўзига хос кўриниши бўлган ҳуқуқий онг билан боғлиқ.

Ҳуқуқий тарбия — фуқароларга ҳуқуқий билимни сингдирувчи муҳим ижтимоий воситадир. Аммо бу билимларни ҳосил қилиш, кўп ҳолларда, махсус уюштирилган онгли тарбиявий жараёнлардан ташқари, ижтимоий борлиқнинг турли объектив омиллари таъсирида юз беради. Шу сабабли, шахсни «ҳуқуқий тарбия»лаш ва уни «ҳуқуқий шакллантириш» тушунчалари орасидаги фарқни кўриш керак.

**Ҳуқуқий тарбия** — шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онгига кўрсатиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ташкиллаштирилган, бошқариладиган, олдиндан режалаштирилган ва махсус ишлаб чиқарилган ҳуқуқий тарбия усуллари воситасида амалга ошириладиган педагогик таъсир жараёнидир.

Ҳуқуқий шакллантириш тушунчаси анча кенг ва қамровлидир. Унга ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзи ва шу билан бирга, объектив ҳаётда мавжуд бўлган, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига кириб борувчи кўп ҳолларда бошқариб бўлмайдиган, уюштирилмаган, мўлжалланмаган оммавий жараёнларнинг одамлар ҳуқуқий тарбиясига таъсирлари ҳам киради.

Бизнингча, ҳуқуқнинг тарбиявий ролини ажратиб кўрсатадиган, уни ҳуқуқий тартибга солишдан ажратиб қарайдиган муаллифлар ҳақдирлар, чунки ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти — асосан, одамлар феъл-атворининг ирода сафарбарлиги воситасида қилинган хатги-ҳаракатлари ҳисобланади. Ҳуқуқнинг тарбиявий функцияси объекти — биринчи навбатда, одам феъл-атвори эмас, унинг онги-фикрлари, тасаввурлари, ҳис-туйғулари ҳисобланади.

Бу ҳуқуқий тартибга солиш инсон онгига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, дегани эмас, албатта. Бундай тарбиявий таъсир ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида ўтказилади, аммо у инсон феъл-атвори, унинг қилмишларига нисбатан иккинчи даражалидир.

**Демак, ҳуқуқий тарбия** — фуқароларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилишга қаратилган, режалаштирилган, бошқариладиган, уюштирилган, тизимли, мақсадга йўналтирилган, ҳозирги замон ҳуқуқшунослиги тасарруфида мавжуд бўлган турли хил ҳуқуқий тарбия шакллари, воситалари ва услубларидан фойдаланиб, фуқаролар онгида чуқур ва барқарор ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, эҳтиёжлар, қадриятлар, қонунга мос феъл-атвор, одатларни шакллантириш жараёнидир.

## 10-§. Ҳуқуқий тарбиянинг вазифалари

Ҳуқуқий тарбия, икки асосий вазифани бажаради. *Биринчиси* — тарбияланувчиларга (шахслар, ижтимоий гуруҳлар) маълум миқдордаги ҳуқуқий билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг берилиши; *иккинчиси* — тарбияланувчиларда ҳуқуқий ғоялар, ҳиссиётлар, эътиқодларни шакллантиришдир.

Фуқаролар ҳуқуқий тарбиясида, бизнингча, мана шу функционал характеристикадан келиб чиқмоқ, «моҳият» ва «мазмун» тушунчаларини фарқлаб, иш юритмоқ лозим. «Моҳият» тушунчаси тарбияланувчиларда муҳим ҳуқуқий ғоялар ва принципларнинг барно этилиш жараёни, «мазмун» тушунчаси эса фуқаролар (гуруҳлар) ҳуқуқий онгига жамият тасарруфида бўлган барча ҳуқуқий воситалар комплексини сафарбар этиб мақсадга йўналтирилган ва тизимли таъсирни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий тарбиянинг мазмуний томонини эътиборга олиб, ҳуқуқий тарбия — тарбияланувчилар ҳуқуқий онгига системали, мақсадга йўналтирилган таъсир жараёни эканлиги; тарбиячининг тарбияланувчиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни керакли даражада ҳосил қилиш учун мақсадга йўналтирилган ҳагги-ҳаракатлари тизими эканлиги ўртасидаги фарқни ажрата билиш лозим.

Мана шу асосий вазифалардан келиб чиқиб, фикримизча, ҳуқуқий тарбияда фуқаролар ҳуқуқий онгини шакллантиришга йўналтирилган кўйидагиларни эътиборга олиш керак:

*биринчидан*, асосий ҳуқуқий кўрсатмалар тизимини билиш, уларнинг мазмуни ва моҳиятини илғаб олиш, тўғри тушуниш;

*иккинчидан*, ҳуқуқни, қонунларни, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни чуқур ҳурмат қилиш;

*учинчидан*, ҳуқуқий билимларни амалда мустақил қўллаш олиш, муайян борлиққа нисбатан шахсий муносабат ва кундалик феъл-атворни ҳамда ўз амалий фаолиятини жамғарилган ва олинаётган ҳуқуқий билимлар билан мослаштириш;

*тўртинчидан*, ўз одатларини олинган ҳуқуқий билимлар билан аниқ мослаштириш;

*бешинчидан*, ҳуқуқий нормаларнинг ҳар қандай бузилишларга нисбатан мустаҳкам ва барқарор маънавий ҳуқуқий кўникмасини ҳосил қилиш.

Бу йиғиндига кирувчи ҳуқуқий онгнинг таркибий қисмлари шахсга нисбатан керакли психологик ва мафкуравий йўл-йўриқларни ташкил қилади, унинг ўз ҳуқуқий билимларини турмушда фаол татбиқ қила олишга имконият яратади. Мана шу тайёргарлик даражаси ҳуқуқий тарбия ишларининг самарадорлигини кўрсатадиган асосий кўрсаткичдир.

## **11-§. Ҳуқуқий тарбия жараёни**

Ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хослиги, энг аввало, ҳуқуқ ва унинг нормаларининг объектив ўзига хослиги ва сифатига боғлиқ. Ҳуқуқ хусусиятлари (иродавий ва норматив хусусияти, расмийлиги, мажбурийлиги ва шу кабилар) кўрилаётган тарбия жараёнида ўз изларини қолдиради, уни ҳуқуқий ўзига хос қилади. Чунки объектив ҳуқуқ бу жараённинг бошланғич асоси бўлиши билан бирга, унинг учун асосий манба ҳисобланади.

Давлат ҳуқуқий тарбия жараёни воситасида фуқаролар ҳуқуқий онгига мажбурий хусусиятга эга бўлган ғоялар олиб киради. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбия жараёнининг қуйидаги бош хусусиятларини белгилаш мумкин:

*биринчиси*, ҳамма учун мажбурий ҳуқуқий нормалар тизими унинг бошланғич асоси ҳисобланади;

*иккинчиси*, у амалга оширилаётганда тарбияланувчилар ҳуқуқий онгига давлат томонидан ўрнатилган, уларнинг феъл-атвориغا тааллуқли ҳуқуқий йўл-йўриқлар, рухсатлар, ман қилишлар сингдирилади;

*учинчиси*, ҳуқуқий тарбия зарур ҳолларда давлат томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан куч ишлатиш кафолатига таянади;

*тўртинчиси*, унинг таъсир доираси нафақат ҳуқуқ нормаларига риоя қилувчи одамларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойил ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳам қамраб олади ва бу маълум даражада ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масаласини ечишга хизмат қилади;

*бешинчиси*, у махсус ҳуқуқий тарбиявий шаклларда, махсус ҳуқуқий восита ва услублар ёрдамида амалга оширилади;

*олтинчиси*, уни амалга оширувчи шахслар, одатда, юридик маълумотга эга ёки махсус юридик тайёргарликни ўтаган бўлишади.

Ҳуқуқий тарбия жараёнининг самарадорлиги, тарбиячилар билан бир қаторда тарбияланувчилар фаоллигини ҳам тақозо қилади.

Инсон фаол мавжудот бўлса-да, унга тавсия этилаётган ҳуқуқий билимларни кўр-кўрона қабул қилмайди, у бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий тарбиянинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб ҳисобланади. Тарбияланувчининг фаол бўлиши азалдан табиатан, белгилаб қўйилган. Чунки у олий мавжудот сифатида ўзини тўғрилаб, ўстириб, узлуксиз мукаммаллаштириб бориш имконига эга.

Ҳуқуқий онгни ҳуқуқий тарбияга зўр бериш орқали шакллантиришга уринилганда икки то-

монлама жараён содир бўлаётганга ўхшайди. Бит-таси бу жараённинг сифат даражаси — (индивидлар, жамоат гуруҳлари) томонидан ҳуқуқий билимларни тўплаш, иккинчиси, мана шу тўпланган билимларни ўз эътиқодига айлантириш. Демак, тарбия жараёни, энг аввало ҳуқуқий билимларнинг тарбияланувчиларда ҳуқуқий эътиқодга айланишини таъминлаши лозим.

Ҳуқуқий эътиқод ҳосил қилиш таркиби, нафақат ҳуқуқий нормаларни билишни, нафақат бу билимларнинг ҳақиқийлигига ишончни тақозо қилади, шунингдек, уларга таяниб ҳаракат қилишга доим тайёр бўлишни ҳам талаб қилади. Ҳуқуқий эътиқодларни шакллантириш, шу тариқа олинган ҳуқуқий билимларни ички маънавий қадриятларга айлантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Бинобарин, ҳуқуқий тарбияни шундай қуриш зарурки, берилаётган ҳуқуқий билимлар, тарбияланувчилар учун қадрли, қимматли, аҳамиятга молик бўлиб чиқсин, яъни у шундай билим бўлсинки, унга шахслар ёки гуруҳлар юқори баҳо берсинлар, ўзлари учун ҳаётий зарурат деб билсинлар.

Ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий тарбия мобайнида, тарбияланувчилар кўзлайдиган бундай объект бўлиб, ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбия эса мазкур нормаларнинг ижтимоий-сиёсий қимматини ҳар бир шахс ҳамда жамият манфаатларини таъминлашдаги аҳамиятини чуқур очишга қаратилмоғи зарур.

Бироқ, ҳуқуқий нормалар ҳақидаги билимларни қатъий эътиқодга ва маънавий қадриятларга айлантиришнинг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга, ҳуқуққа монанд одатлар, қонунга мос феъл-атвор ҳосил қилиши лозим.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тарбия жараёни масаласи тарбияланувчилар ҳуқуқий онгида билим-

лар, ҳуқуқий эътиқодлар, ҳуқуқий эҳтиёжлар ва қадриятлар йиғиндиси ҳосил бўлгандагина ечи-лиши мумкин.

Ҳуқуқий тарбия жараёни одамлар орасида му-айян муносабатларда кечади ва у ҳуқуқ нормала-ри билан бошқарилади. Шу боис ҳуқуқ билан тар-тибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тарбия доираси ҳисобланади. Унинг ичида тарбияланувчилар (шахслар, ижтимоий гуруҳлар) ҳуқуқий онгининг шаклланиши кечади.

Ҳуқуқий тарбия жараёни, кўп жиҳатдан у ке-чаётган шароит билан белгиланади. Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш шароити дейилганда ҳуқуқий тарбия ишларини ўтказишга кўмаклашадиган ёки уни қийинлаштирадиган ҳолатлар тушунилади.

Ҳуқуқий тарбия фаолиятини ўтказишга кўмак-лашадиган (ижобий шароитлар) шароитларга иж-тимоий характердаги (демократлаштириш ва ошкоролик соҳасидаги муваффақиятлар, ҳуқуқ яратувчи, ҳуқуқни қўлловчи, татбиқ қилувчи фаолиятлар) ҳамда шахсий индивидуал шароитлар (инсон фуқаролик етуклигининг юксак даражаси, унинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги ҳамда шу кабилар) киради.

Ҳуқуқий тарбия ишларини уюштириш ва ўтказишни қийинлаштирувчи шароитлар гуруҳига (салбий шароитлар) ижтимоий характердаги шароитлар (ҳуқуқий тарбия шаклларининг номукамаллиги, ҳуқуқий тарбиявий ишлар аҳамия-тини менсимаслик ва тарбиячиларнинг тайёрлан-маслиги, ҳуқуқни татбиқ қилиш фаолиятида йўл қўйиладиган хатолар) ҳамда шахсий-индивидуал (аҳоли ўртасида тарқалган ҳуқуқий нигилизм, фуқароларнинг катта қисмида жамиятдаги хатти-ҳаракатларга чидаб келиш) шароитлари киради. Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашда жиддий

хатоларга йўл қўймаслик учун мана шу шарт-шароитларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш зарур.

## 12-§. Ҳуқуқий тарбия тизими

Баъзан юридик адабиётларда, асоссиз равишда ҳуқуқий тарбия «tizими» ва «механизми» тушунчалари тенг қўйилади. Бу тушунчалар айнан бир маънони англатмайди.

**Ҳуқуқий тарбия тизими** — ҳуқуқий тарбия жараёни қисмларининг йиғиндиси бўлиб, унинг муайян тартиби ва уюштирилишини таъминлайди.

**Ҳуқуқий тарбиянинг йўллари** — ҳуқуқий тарбия жараёнининг ички қурилмаси, жамоатчилик ҳуқуқий онгида, айниқса, унинг мафкуравий қисмида, тарбияланувчилар (индивидлар, жамоат гуруҳлари) ҳуқуқий онгида мавжуд бўлган гоёларни узатиш, ўтказиш механикасидир.

Ҳуқуқий тарбия тизимига субъектлар (органлар, ташкилотлар, давлат томонидан махсус қўйилган, ҳуқуқий тарбияни олиб боровчи шахслар) объектлар (тарбияланаётган алоҳида шахслар ёки аҳолининг бир гуруҳи), маълум шаклларда, махсус ҳуқуқий восита ва услублар ёрдамида амалга ошириладиган ҳуқуқий тарбия тадбирлари йиғиндиси киради.

Ҳуқуқий тарбия тизими, бир томондан, тарбияланувчи фуқароларнинг турли тоифадагиларини, иккинчи томондан, ҳуқуқий тарбия вазифаларини бажарувчи давлат органлари фаолиятини ўз ичига олади. Улардан баъзилари учун бу асосий бош функция ҳисобланса (юридик факультетлар ва олий ўқув юртлари, ИИВ академияси ва мактаблар, юридик коллежлар), бошқалари учун эса функциялардан бири (халқ депутатлари кенгаш-

лари, суд, прокуратура, адвокатура, адлия, ички ишлар органлари ва шу кабилар) ҳисобланади.

### 13-§. Ҳуқуқий тарбиянинг механизми

Ҳуқуқий тарбия механизмида кетма-кет келувчи куйидаги элементларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, жамоат ҳуқуқий онги;

*иккинчидан*, ҳуқуқ нормалари тизими;

*учинчидан*, ҳуқуқий тарбия нормалари ва во-ситалари;

*тўрттинчидан*, тарбияланувчилар ҳуқуқий онги, уни жамоат ҳуқуқий онгида мавжуд бўлган ғоялар билан бойитиб бориш зарурлиги.

Бу тўрт таркибий қисм йиғиндиси ҳуқуқий тарбия механизмига барқарорлик, айна вақтда ўта мослашувчан ва ўсувчан хусусият бағишлайди. Бунда биринчи ва тўртинчи таркибий қисм қаралаётган механизмнинг ички (маънавий) қисми-ни, иккинчи ва учинчиси — ташқи қисмини ташкил қилади. Мана шу ташқи қисмнинг ҳар иккала бўғинида жамоат ва шахсий ҳуқуқий онглар ўртасидаги «узатувчи механизм»га нисбатан мустақил вазифани бажаради.

Жамоат ҳуқуқий онги ҳуқуқий тарбия механизмининг бошланғич бўғини ҳисобланади, тарбияланувчилар ҳуқуқий онги эса кўрилаётган механизм ичидаги охириги бўғин ҳисобланиб, у жамоатчилик ҳуқуқий онгида мавжуд бўлган ғоялар билан бойитилиши, тўлдирилиши зарур.

Ҳуқуқий тарбия механизми таркибий қисми оралигида яна бир неча бўғинлар мавжуд, улар-сиз одамларни ҳуқуқий тарбиялашдек мураккаб жараённи тасаввур қилиш қийин.

Мавжуд ҳуқуқий борлиқда жамоатчилик

ҳуқуқий онгида жойлашган гоёлар ҳуқуқ норма-ларида «моддий»лашадилар, чунки тарбияланув-чи ҳуқуқий тарбия жараёнида ушбу нормалар билан тўқнашади.

Бизнингча, ҳуқуқий тарбиянинг ҳар қандай шакли ҳуқуқий тарбия таъсирининг ташқи ифо-даси, кўриниши, унинг муайян ташқи уюшти-рилиши ҳисобланади, ҳуқуқий тарбия воситаси, ҳуқуқий ахборот манбаидир, унинг ёрдамида ҳуқуқий тарбия амалга оширилади.

Агар ҳуқуқий тарбия шакли тарбияланувчилар-га, ҳуқуқий мафкура таъсири ташкилий жиҳат-дан қандай уюштирилганлигини кўрсатса, ҳуқуқий тарбия воситаси — унинг нималар ёрда-мида амалга оширилишини кўрсатади. Ҳуқуқий тарбия жараёнида мавжуд бўлган барча ҳуқуқий тарбия шаклларида унумли фойдаланиш зарур. Улар қуйидагилардан иборат:

1) профессионал ҳуқуқий таълим (махсус тайёр-гарлик, олий ва ўрта махсус юридик ўқув юртлари);

2) аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш (ҳуқуқий билим бўйича маърузалар, кино, кўргазмалар, ҳуқуқий ма-салалар бўйича тематик кечалар, жамоатчилик би-лан ҳуқуқий маслаҳатлар ва шу каби);

3) ҳуқуқбузарларни ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳуқуқий тарбия қилиш (суд, прокуратура, ички ишлар, адлия органлари, адвокатура), ҳуқуқий тарбия фаолияти ва ҳ. к.

Фуқаролар ҳуқуқий тарбиясини турли хил ҳуқуқий тарбия воситалари ёрдамида амалга оши-риш зарур. Масалан, моддий воситалар (норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий-оммабоп — ва ба-дий адабиётлар, кино, телевидение), шунинг-дек, оғзаки воситалар (маърузалар, суҳбатлар, семинарлар (кенгашлар) ва бошқалар).

## 35-боб. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

- 1-§. Ҳуқуқий маданият тушунчаси.
- 2-§. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти.
- 3-§. Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий тузилиши.
- 4-§. Шахснинг ҳуқуқий маданияти.
- 5-§. Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари.
- 6-§. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури.
- 7-§. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — давлат сиёсати.
- 8-§. Ҳуқуқий саводхонлик — ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг муҳим омили.

### 1-§. Ҳуқуқий маданият тушунчаси

Маданиятнинг умумий таърифига назар ташласак, бугунги кунда ижтимоий фанлар доирасида «маданият» тушунчаси каби турли-туман, қарама-қарши талқин ва фикрларга бой бўлган бошқа ижтимоий ҳодисани топиш қийин.

Мисол тариқасида шунини келтириш мумкинки, чет эллик олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1919 йилга қадар «маданият» тушунчасига 7 та таъриф берилган, 1950 йилга келиб бу сон 164 тага, 1970 йилларда эса — 250 тага етган<sup>1</sup>. Америкалик олимлар А. Кребер ва К. Клакхонлар эса 1950 йилларнинг бошида «маданият» тушунчасининг 257 та таърифи мавжудлигини таъкидлаганлар<sup>2</sup>.

Ижтимоий фанлар миқёсида маданиятга оид ёндашувларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) антропологик ёндашув;

<sup>1</sup> Қаранг: *Fischer Hugo*. Theori der Kultur. Das kulturelle Krafsteld. Stuttgart, 1965; *Больш А.* Социология культуры. М., 1973.

<sup>2</sup> *Kroeber A. Kluchonu C.*, Culture // Anscritical Review of Concepts and Definitions. Cambridge Mass., 1952.

2) социологик ёндашув;

3) фалсафий ёндашув<sup>1</sup>.

**Антропологик ёндашувда** маданият табиат яратган нарсалардан фарқли равишда, инсон томонидан яратилган неъматларнинг йиғиндиси деб тушунилади. **Социологик ёндашув** эса маданиятни маънавий қадрият деб талқин этади. Бу ерда маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида қатнашади. **Фалсафий ёндашишда** маданий ҳодисалар ижтимоий ривожланишга боглиқ бўлмаган, соф таҳлилий ҳолда ажратиб кўрсатилади.

Антропологик ёндашишнинг ижобий томони унинг кенг кўламлилиги ҳисобланади. Чунки маданий ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил томонлари ва доираларининг намоён бўлишини кўрсатади. Унинг афзаллиги ҳозир жуда кенг тарқалган тор амалиёт ва кўп ҳолларда «маданият» ва «ҳуқуқий маданият»ни вазиятга қараб ишлатиш ҳоллари билан таққослаганда янада равшанроқ кўринади. Бироқ, кенг кўламли ёндашиш жиддий камчиликлардан ҳам холи эмас.

У инсон фаолияти натижаларининг объектив ҳолатини юзаки, умумий аниқлашга мўлжалланган. Бундан ташқари, ушбу натижаларни қадриятлар сифатида тавсифлаганда, антропологик ёндашув қадриятларга нималар киришини белгилайдиган мезонларни аниқлаб бермайди. Бу фикрлар билан ҳуқуқий қадриятларни ажратиш мумкин эмас, чунки ҳуқуқий қадриятларсиз ҳуқуқий маданиятни тушуниб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Сальников В. П.* Социалистическая правовая культура. Саратов, 1989. С. 5–12.

Маданият ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиш жараёнида ижобий рол ўйнайдиган, ушбу ижтимоий ҳодисанинг таҳлили иккита бошқа усул билан тўлдирилиши лозим. Улардан биринчиси, маданиятнинг ижобий фаолият жараёнини англашда намоён бўлса, иккинчиси, инсон фаолиятининг ўзига хос усулидир.

Биринчи усулда, маданият инсоннинг такомиллашиш, амал қилиш ва маънавий ишлаб чиқариш жараёни орқали таҳлил қилинади. Иккинчи фикр вакиллари маданиятнинг умумий моделига ижтимоий ҳаётнинг универсал хусусияти сифатида қарашни таклиф этадилар.

Маданиятни шахс режаси сифатида қараш, назаримизда, замонавий ҳуқуқий маданиятшуносликнинг асосий йўналишларини белгилайди ва шахснинг ҳуқуқий маданияти муаммоларини тадқиқ этишни рағбатлантиради.

Ҳуқуқий маданият назариясини ўрганишда умуммиллий бошланғич талабларни таҳлил қилиб, ҳуқуқий маданиятни аксиологик таҳлилсиз тасаввур этиш, ҳуқуқий маданиятни тўғри англаш мумкин эмас. Ҳуқуқий маданият соҳасига тегишли воқеаларни ажратиб, танлаб олингандан кейин, ушбу воқеаларга амал қилиш ва такомиллаштириш қонуниятларини билишда, албатта аксиологик таҳлил керак. Фақат унинг ёрдамида ҳуқуқий маданиятнинг ҳар бир воқеасига холис баҳо бериш, унинг ижтимоий-тарихий аҳамиятини аниқлаш мумкин. Ҳуқуқий маданият назариясини шакллантириш тамойилларини ҳисобга олиш зарур.

**Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат ва ҳуқуқ назарияси доирасида мустақил илмий йўна-**

лиш бўлган ҳуқуқий маданиятшунослик ёки бошқача сўз билан айтганда, ҳуқуқий маданият назарияси шаклланди.

Ҳуқуқий маданият назариясининг ҳаётийлиги ва кучи шундаки, у инсон ҳуқуқий тафаккурини шакллантиришнинг муҳим воситаси ва натижаси сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир. Ҳуқуқий маданият назариясига онд барча муаммолар атрофлича ўрганилиши зарур. Шу билан бирга, ҳар бир муайян ҳолатларда маданиятнинг турлича кўринишларини тушунишда қатъий белгиланадиган у ёки бу жиҳати устун бўлади. Чунончи, ҳуқуқий ҳаётда, маърифатпарварликнинг шаклланишини таъминлашда, инсон омилини ошириш нуқтаи назардан ёндашилганда, авваламбор, ҳуқуқий маданиятнинг мазмунига эътибор қаратиш зарурлиги намоён бўлади.

## 2-§. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий оннинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади.

Ҳуқуқий маданият инсонсиз ва унинг дунёқарашини белгиловчи фаолиятсиз, бундай фаолият ва тафаккурнинг прогрессив йўналишисиз мавжуд бўла олмайди. У ҳуқуқий реалликнинг ҳақиқий амал қилиши ва ривожланиши-

даги муҳим жиҳатларини қамраб олувчи, аниқ белгиланган мақсадлари йўналтирилган ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий воситани қўллашга — шахс ва жамиятни прогрессив ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш муҳимдир. Ҳуқуқий маданият фақат ижтимоий тараққиёт доирасидагина тўлиқ ҳолда тушунилиши мумкин. **Ҳақиқий ҳуқуқий маданият тарихий ижобий ҳуқуқий тажрибани эътиборга олмасдан мавжуд бўла олмайди.**

«Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти» гушунчаси кўпинча ҳуқуқий воқеликнинг муҳим бўлаги, воқеликнинг олға қараб ривожланиши даражасидир. У илгор ва ижобий умуминсоний ҳуқуқий қадриятларни қамраб олади.

**Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади.**

### **3-§. Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий тузилиши**

Ҳуқуқий маданиятнинг тузилишини, моҳиятини ўрганиш учун, унинг адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришда тутган ўрни ва вазифасини аниқлаб олиш керак. Бунда унинг элементларини санаб ўтиш ва умумий тавсифи билан чекланиб қолмасдан, ушбу элементларнинг ўзаро муносабатларини, уларнинг яхлитлигини, узвий бирлигини кўрсатиш лозим. Улар орасидан асосий элементлар ва иккинчи даражали элементларни ажратиб кўрсатиш талаб қилинади.

Ҳуқуқий воқеликнинг турли жиҳатлари ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

*биринчидан*, юридик нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ;

*иккинчидан*, ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизими;

*учинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи давлат ва жамият институтлари тизими бўлмиш юридик муассасалар;

*тўртинчидан*, ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий воқеликни маънавий жиҳатдан акс эттирувчи тизим;

*бешинчидан*, ҳуқуқий хатти-ҳаракат (ҳам қонуний, ҳам қонунга хилоф).

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқий маданият ижтимоий онг ва ижтимоий амалиётнинг кўп қиррали ҳолатидир. У жамиятни тавсифловчи барча ҳуқуқий жиҳатларнинг синтезидир.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ташкил этувчи элементлар бир вақтнинг ўзида бошқа хил тузилмаларга ҳам киради. Бундан ташқари, ҳуқуқий маданият элементлари бир неча тизимларнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданиятнинг тузилишини таҳлил этганда, асосий эътиборни унинг табиатига қаратиш керак. Агар кишилиқ фаолияти шакллари-нинг ҳуқуқий маданиятда тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинса, авваламбор, иккита соҳани назарда тутиш керак: *биринчидан*, бевосита ҳуқуқий соҳадаги фаолият; *иккинчидан*, ҳуқуқий бўлмаган, лекин ҳуқуқ амал қиладиган соҳа би-

лан боғлиқ бўлган фаолият. Биринчисини тушунишида ғоятда анъанавий бўлмаган йўналишлар намоён бўлса-да, алоҳида қийинчиликлар учрамайди. Иккинчисининг мазмунини ишлов бериш, яъни баъдий шаклда бўлган ҳуқуқий ғояларни, қарашларни, баҳоларни, ҳиссиётларни ва ҳоказоларни ақс эттирадиган қандайдир асарлар ташкил этади. Бу фаолият бевосита ҳуқуқий маданиятга кирмайди, лекин ўз ғоявий мазмуни жиҳатидан унга сингиб кетади. Шундай қилиб, радио, телевидение, адабиёт, тасвирий санъат, кино, журналистика ўзича ҳуқуқий маданиятга кирмайди, лекин доимий равишда уни тўлдириб боради.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқорида таъкидланган элементлари унинг мазмунига тўла мос келмайди. Аммо улар жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ифодалайди. Унинг мазмуни эса фақат ҳуқуқий онг, ҳуқуқ, қонунийлик кабиларнигина эмас, балки унинг ривожланиш даражасини, миқдорини, яъни цивилизациянинг, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи нималарни берса, ҳаммасини қамраб олади.

#### **4-§. Шахснинг ҳуқуқий маданияти**

Шахс ҳуқуқий маданиятининг тузилиши жуда хилма-хилдир. Бу ерда ҳуқуқ маданиятининг йўналиши унинг ижтимоийлашуви даражаси, мазмуни ва бошқалар назарда тутилмоқда.

Шахс ҳуқуқий маданияти уч хил ҳолатда намоён бўлади: 1) ҳуқуқ маданиятини тушунишда; 2) ижодий фаолиятни амалга оширишда; 3) бу тушунчанинг амалга ошириш натижаларида шахс ҳуқуқий маданияти индивиднинг махсус ривож-

ланиш даражаси сифатида аввало унинг тайёр-гарлиги.

Ҳуқуқий маданиятнинг касб билан боғлиқ даражаси мажмуи ҳуқуқий фаолият билан шуғулланган шахсларда, жумладан юристларда вужудга келади. Кундалик ҳаётда ҳуқуқий воқеаларга узлуксиз равишда дуч келиш уларда ҳуқуқий маданиятнинг касбий хусусиятларини вужудга келтиради.

Ҳуқуқий тушунчалар ва категориялар шахс ҳуқуқий маданиятининг муҳим томонини ташкил қилади, эришилган билимлар даражаси ва ҳуқуқий ҳолатларини тушунишни акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий маданият мазмунан билимнинг ҳолис, муайян тўпламидан иборат. Ҳуқуқий тушунча, шахс ҳуқуқий маданияти баҳоловчи томонининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Баҳоловчи томони, ҳуқуқий маданиятнинг узвий томони бўлиб, прогрессив ҳуқуқий нормалар қўлланишини таъминлайдиган, ҳуқуқий бошқаришдаги ўрнини тушунишга ёрдам берибгина қолмасдан, балки эскириб қолган регуляторларни алмаштиришга ёрдам беради, янги ғоявий — назарий даражаси ва юқори юридик-техник даражаси ўзаро мувофиқ бўлган ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига имконият яратади.

Шахс ҳуқуқий маданиятининг мазмунидан келиб чиқиб, яхлит кўриб чиқилиши лозим бўлган элементларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳуқуқий доирада уч гуруҳ ғоявий-назарий, ҳуқуқий, тасаввур, ижобий-ҳуқуқий туйғу ва шахснинг ижодий фаолияти. Юқоридагилардан биринчиси ҳаракатдаги ёки исталган ҳуқуқ ва билим, ҳуқуқий ҳолатга, ҳуқуқий ҳаётга нисбатан қарашлар тўпла-

мини ташкил этади. Назарий, тизимли акс эттиришда ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий маданиятнинг етакчи томонини ифодаловчи, ҳуқуқий назарияни ташкил қилади.

Ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни шахс ҳуқуқий маданияти моделини белгилайди. Бундай модел қуйидагича тавсифланади:

*биринчидан*, шахснинг ҳақиқатан ҳуқуқий ёки ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳулқи;

*иккинчидан*, унинг ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳолатларга муносабати, ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқини ҳурмат билан тан олиш;

*учинчидан*, ҳуқуқий ҳагги-ҳаракатга одатланиш;

*тўртинчидан*, фуқаролик-ҳуқуқий фаоллик.

**Шахснинг ҳуқуқий маданияти — жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий таркибий қисмидир.** Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахснинг ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди. У инсоннинг билимдонлиги билан яқиндан уйғунлашиб кетади. Шахс ҳуқуқий онгининг, шунингдек, ҳуқуқий тарбиянинг ҳам умумий ва ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

**Шахснинг ҳуқуқий маданияти — жамият ҳуқуқий маданиятининг зарурий шарт-шароити ва таркибий қисмидир.** Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият шахснинг ҳуқуқий ривожланишига хизмат қилади. У жамият ҳуқуқий ҳолатининг муайян даражасига боғлиқ. Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамиятнинг прогрессив ютуқларига мос келувчи ижодий фаолиятни ташкил этади. Натижада шахснинг доимий ҳуқуқий бойиши рўй беради.

Шундай қилиб, шахсинг ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний қадриятлар тушунчаларининг ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижасидир. **Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир.**

## **5-§. Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари**

Ҳуқуқий маданият бир неча махсус функцияларни бажаради. Бу функциялар қуйидагилардан иборат:

- регулятив (тартибга солувчи) функция;
- норматив функция;
- социологик (ижтимоий) ҳуқуқий функция;
- коммуникатив (алоқалар ўрнатиш) функция;
- прогноз (башоратлаш) функцияси.

**Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси** демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришни ва адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни таъминловчи назарий ва ташкилий фаолият билан боғлиқ. Бу функция умумий ва шахсий манфаатларни, инсоният ижтимоий ривожланишининг марказига қўйиш, шахсинг ҳар томонлама камол топиши учун муҳит яратиш, зарур меҳнат ва ҳаёт шароитини яратиш, сиёсий эркинликни таъминлашга ёрдам беради. Бу функция умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ва маънавий кафолатларни, яъни ростгўйлик, инсоф, диёнат, эзгулик, шафқат, виждон, инсоний қадр-қиммат ва танлов эркинлигини қамраб олади.

Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси ҳуқуқий тизимнинг барча элементлари барқарор ва батартиб ҳаракатланишини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданият яхлит ҳуқуқий онг ва борлиқнинг таркибий қисми. У бутун инсоний борлиқни акс эттиради, унга фаол қайта таъсирни шакллантиради. Унга ҳос қадриятлар, ҳуқуқий нормалар, тамойиллар ва хулқ-атвор намуналари фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар бирдамлигига, улар кучини ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга йўналтиришга, тўплашга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданият одамларнинг ижтимоий бирлашувини таъминлаши мумкин. У фуқароларга ўзаро ҳуқуқий мулоқотга киришишга имконият яратиб беради, уларнинг ўзаро муносабатларини бошқаради. **Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси ҳуқуқий ва бошқа социал нормалар орқали амалга ошади.** Ушбу функция шарофати билан, ҳуқуқий маданият одамларни фаолиятда белгиланган қоидаларга, социал интилиш ва идеаллари, эҳтиёжлари ва манфаатларининг ҳуқуқий муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга ошувини таъминлайди, бу муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам беради.

**Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси** аксиологик (баҳоловчи) тавсифлар тизими ёрдамида акс эттирилади. У турли ҳодиса ва фактларда, маълум бир аҳамият касб этган онгли шахслар ҳаракатида ўз аксини топади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий нормалар бошқа жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ташкил қилувчи элементларни баҳоловчи объект сифатида майдонга келади.

**Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси** ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳаракат намуналарига мос ҳолда атроф ҳуқуқий воқелиқни

**Ўзгартиришга эришилган натижага нисбатан муносабатда ўз аксини топади.** Ҳуқуқий маданиятдаги баҳоловчи фаолият шахс, ҳуқуқ хизматчилари жамияти. қонунчилик, ҳуқуқий тартиб-интизом, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий бошқарув механизми (тегишли ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган) «ўлчовидан» ташкил топади. Ҳуқуқий реаллик аниқ юридик ҳолатдан ҳуқуқий тизимгача кенг қўламда баҳоланади. Ҳуқуқ, аниқ ҳуқуқий нормаларни, фуқаролар хулқ-атвори, ҳуқуқни бузишга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятини ўз ичига олади.

**Ҳуқуқий маданиятнинг социологик функцияси** шахснинг ҳуқуқий сифатлари шаклланиши тизими орқали ўрганиб чиқилиши мумкин. Сўзсиз, бундай жараёнга ҳуқуқий воқелик маълум бир таъсир ўтказди. Шу билан бирга, мақсадли ҳуқуқий тарбиявий ишларни олиб бориш, аҳолининг ҳуқуқий таълимини ташкил қилиш чорасини кўриш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўзини ўзи тарбиялаш жараёнини фаоллаштириш зарур.

**Ҳуқуқий маданият коммуникатив функцияни ҳам бажаради.** У фуқароларнинг ҳуқуқий доирадаги мулоқотини таъминлар экан, шу мулоқот орқали мавжуд бўлади ва таъсир этади. Бу ерда фуқароларнинг нафақат ҳуқуқий ҳаракат доирасидаги бевосита мулоқоти, шунингдек, бизга шахсан нотаниш бўлган, биздан макон ва замонда ажралиб турган тенгдошларимиз, ўтмиш авлодларимиз билан бевосита «мулоқот» назарда тутилмоқда. Бундай мулоқот ёзма юридик асарлар воситаси билан таъминланади. Бугунги кунда у оммавий ахборот воситаларининг такомиллашуви билан янада ривожланади. Ҳуқуқий

мулоқот субъектлараро ўзаро таъсир формуласи бўлиб, ҳуқуқ доирасида эркин ва камёб моҳият сифатида майдонга чиқади.

Бу функцияни ўзлаштириш ҳуқуқий маданий меросга, замонавий ҳуқуқий маданиятнинг бошқа кўринишларига нисбатан ҳуқуқий маданиятни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий маданияти бошқа жамият ҳуқуқий маданиятининг ўзаро тасви-рисиз муваффақиятли ривожлана олмайди. Мамлакатимизда советлар даврида маданиятни чеклашга уриниш, жумладан бой тарихий, ҳуқуқий меросимиздан узишга интилиш ва замонавий давлатлар маданий-ҳуқуқий ҳаёти билан ҳар қандай алоқани чеклашга уриниш қандай ачинарли оқибатларга олиб келгани маълум.

Ҳуқуқий маданият ўзида ҳозирги ва ўтмиш давр ҳуқуқий маданиятининг илғор ютуқларини тўплаши лозим.

Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси фақат «бугунги» ҳуқуқий бошқарув доирасидагина ташкил топиб қолмайди. У ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишини режалаштириш ва башорат қилиш, ҳуқуқий маданият қуриш ва уни ривожлантириш учун зарурий элемент сифатида юзага келади.

**Ҳуқуқий маданиятнинг прогностик функцияси** ўз ичига ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашни қамраб олади, қонунлар ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашни, фуқароларнинг ҳуқуққа мос хатти-ҳаракати, фаоллигини, бутун ҳуқуқий тизим учун хос бўлган анъаналарни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда илмий башорат қилиш ва режалаштиришнинг элементлари, масалан, қонунчилик фаолиятида кучайиб бормоқда. Чунки қонун

ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни режали равишда амалга ошириш зарур.

Ҳуқуқий маданият башоратлар эҳтимоли бўлган ўзига хос қадриятлардан иборат. Бундай ҳолларда ҳатто маълум даражадаги ноаниқлик етарли асосланган башорат қилиш имкониятини чеклаб қўяди.

Ҳуқуқий маданиятга бевосита алоқадор бўлган жуда кўп қарама-қаршиликларга дуч келиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси, албатта, ҳуқуқий маданиятга таъсир қилади. Шунинг учун ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқий тизимдаги мавжуд зиддиятларни барта-раф қилмасдан, шахсни ҳар томонлама ҳуқуқий камол топтириш мумкин эмас.

Ҳуқуқий маданият цивилизациянинг ривожланишига, тартибга солинишига, яхшиланишига туртки бўлади. **Ҳуқуқий маданият — динамик ҳолат.** Унда маънавий бойликлар ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Шахсни каби, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳам маънавийликсиз бўлиши мумкин эмас. Жамиятимизда умумбашарий қадриятларни тиклаш юқори умуминсоний маданиятнинг ажралмас элементини, мамлакатимиз ҳуқуқий маданияти элементини ҳам ташкил қилади.

Ҳуқуқий маданият мамлакатимиз идеалларига хизмат қилганлиги учун муҳим аҳамиятга эга ва унда умуминсоний идеаллар ўз аксини топгани учун қадрлидир.

## **6-§. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури**

**«Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчи-**

ларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди»<sup>1</sup>, — дейилади, «жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да.

1997 йилнинг 20 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан шу куннинг долзарб ҳуқуқий муаммолари хусусида ўтказган учрашуви мазкур йўналишдаги ишларнинг жонланишига туртки бўлиб хизмат қилди. Бу учрашувнинг асосий ғоясини «**Демократик жамиятга — юксак ҳуқуқий маданият**» шиори билан ифодалаш мумкин.

Қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур англаб етиш, барча ҳаракатни халқнинг янги ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратиш шу жиҳатдан аҳамиятлики, унинг воситасида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини кўтаришга эришилади. **Адолатли демократик жамият фақатгина инсон, жамият ва давлат манфаатларининг бирлиги ва мутаносиблиги негизида барпо этилиши мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларнинг асосини қонунийлик ташкил этмоғи лозим.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1993 йилда Венада ўтказган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккин-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 9.

чи умумжаҳон анжуманининг қарорларини бажариш борасида Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Бу тизимга Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсмен), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ва бошқа ўқув-маърифий, нодавлат ташкилотлар киради. Бу ўринда Ички ишлар вазирлиги академиясининг инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Адвокатлар ва судьялар уюшмаларини кўрсатиш мумкин.

Мазкур демократик институтлар демократлаштириш жараёнларига барқарорлик тусини бериш ва ислоҳотларнинг бир зум ҳам тўхтаб туришига йўл қўймаслик мақсадида барпо этилган. Жамиятда сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик қарор топди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг ҳеч бир давлатдан қолишмаслиги учун барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Совет империяси даврида давлат доимо ўз ҳуқуқ ва манфаатларини инсон ва жамият манфаатларидан устун қўярди. Инсон бор-йўғи маъмурий-бошқарув тизимининг бир «мурвати» эди, холос. Эски ҳуқуқий мафкурадан озод бўлиш зарур. Бу гап ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига ҳам тааллуқлидир. Чунки уларнинг маълум қисми ўша давр юридик ўқув юрталарида таълим олганлар ва совет ҳуқуқий мафкураси шароитида тарбия топганлар. Албатта, уларни бунда айблаб бўлмайди. Бироқ уларнинг

янги ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашининг шаклланишидаги сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Шу боисдан, мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни қабул қилди. У ҳуқуқий маданиятни юксалтириш механизмининг, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълими тизимини такомиллаштириш орқали кишилар ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг асосий жиҳатларини назарда тутди.

Дастурда ҳозирги замон руҳига мос келувчи малакали мутахассис юристларни, юридик фанлар бўйича янги дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурларини тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилди.

## **7-§. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — давлат сиёсати**

Халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги тадбирларини давлат сиёсати даражасига кўтариш алоҳида аҳамиятга эга.

Истиқлол йиллари ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат фаолиятининг асосий йўналишига айланди. У давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш стратегиясида, демократик институт-

лар тизимини барпо қилишда ва янги ҳуқуқий мафкурани яратишда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Президентимиз И. А. Каримовнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилашга қаратилган ишларни давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида тан олиш зарурлиги ҳақидаги ғояси унинг 1997 йил 25 июнда эълон қилинган **«Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»**ги фармонида амалга оширилган. Унда **«аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин»**<sup>1</sup>,— дейилган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш давлат сиёсати эканлиги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи аҳамиятга эга эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, демократлашув, ижтимоий адолат, ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умумийлиги, ҳуқуқий маълумотларнинг очиқлиги, ҳуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлиш каби асосий қоидаларга таянади.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» давлат сиёсатининг янги ҳуқуқий маънавиятни ва мамлакатдаги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги стратегик йўна-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 7. 179-модда.

лишларни белгилаб берди. Бундан ташқари Президент фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1997 йил 10 июлда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида», 1997 йил 21 июлда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида», 1997 йил 22 июлда «Хуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва хуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида» қарорлар қабул қилинди.

Шундай қилиб, аҳолининг хуқуқий маданиятини кўтариш ва хуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам хуқуқий пойдевор яратилди.

Хуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устун йўналиши бўлганлиги учун бир қатор амалий ишлар қилинди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Адлия вазирлиги қошидаги Фуқароларнинг қонунийликнинг бузилиши ҳақидаги шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича бошқармаси, Юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти қошида Хуқуқий билимларни тарғиб қилиш маркази ўз фаолиятини бошлаб юборди. Қабул қилинган давлат қарорлари ва янги демократик институтлар фаолиятининг натижасидан ҳар бир инсоннинг баҳраманд бўлиши, ҳар бир фуқароларнинг ишини ҳис қилиши амалий аҳамиятга молик.

Буларнинг ҳаммаси, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар кенг миқёсда олиб борилаётганидан далolat беради. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг ва ҳар бир жамоанинг маданиятидан ташкил топади. Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун юридик ўқув юртлари, ҳуқуқ-гартибот идоралари ходимларининг малакасини ошириш марказлари, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, юридик адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмаларни нашр этиш ва тарқатиш муассасаларининг кенг тармоғи хизмат қилмоқда.

### **8-§. Ҳуқуқий саводхонлик — ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг муҳим омили**

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги, авваламбор, Конституция ва қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлайди. Бу ҳуқуқий нормаларга юзаки муносабатда бўлиш фикрининг ўзи бўлмаслиги кераклигини ифодалайди. Қонунга ҳурмат ҳар бир инсоннинг қалбидаги чуқур эътиқоди бўлмоғи лозим. У инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустаҳкамланиб бориши керак. Бу ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, барча жамоат уюшмалари ва давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан, сермашаққат ишидир. Нима мумкину, нима мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳуқуқий нормалар барчага маълум. Қонунни бузиш мумкин эмаслигини тушуниш

юридик дунёқарашнинг «қалб кўзи» бўлмоғи даркор.

Совет давридаги ҳуқуқий нигилизм, яъни қонун ва ҳуқуқий нормаларга юзаки, беписандлик билан муносабатда бўлиш, кишилар онгида чуқур из қолдирган ва қисқа муддат ичида қонунга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга эришиш жуда қийин. Эндиликда ҳуқуқий тарбия борасида узоқ вақт, доимий ва тинимсиз ишлаш, фуқароларни қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишга кўниктириш юзасидан бетиним меҳнат қилиш зарурдир.

Қонун — нафақат мажбурий ҳуқуқий фармойиш, балки халқ иродасининг ифодаси ҳамдир. Уни халқ сайлаган парламент қабул қилади. Давлат ҳокимиятининг ҳам, қонуннинг ҳам манбаи халқдир. Унинг замирида қонуннинг устунлиги гоёси ётади. Халқ манфаатлари ва хоҳиш-иродасидан устун турувчи нарса бўлиши мумкин эмас. Қонунга итоатгўй фуқаролар буни доимо ёдда сақлайдилар. Қонун ва қонунга итоатгўй фуқаролар ҳаракатларидаги ҳамжиҳатлик ҳуқуқий давлатга куч-қувват бағишлайди.

Қонунга итоат этиш ҳуқуқий маданиятнинг асосидир. Давлат аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласини кўйиб, қонунга кўркўрона итоаткор бўлишни эмас, балки фуқаролар унинг талабларини онгли равишда бажаришларига эришмоқда. Фуқароларнинг қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг маъноси ва аҳамиятини англаб етишлари муҳим. Янада муҳими шундаки, бу уларнинг эътиқодига айланиши керак. Зеро, шундагина фуқаро ўзининг ҳаётий фаолиятида қонун нор-

маларига жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилади. Мана шундагина ҳақиқий юксак ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгнинг муносиб даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни билиш фуқаролар кундалик хулқ-атворларининг қонун ҳужжатларидаги талабларга мувофиқлашувига, ҳар хил ҳаётий вазиятларда ўзларини тўғри тутишларига имкон беради.

Биз демократик ҳуқуқий давлат қурилаётган мамлакатда яшамоқдамиз. Бу адолатли фуқаролик жамияти сари бораётганлигимизни, унда тараққий этган, адолатли қонун ҳукмрон бўлишини билдиради. Ўз навбатида, бу фуқароларга нисбатан талабларни оширади. Улар ўз давлатининг қонунларини билишлари ва уларга сўзсиз риоя этишлари керак. Қонунчилик ва ҳуқуқий маданиятни тараққий эттириш ва такомиллаштириш ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ягона йўлидир.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» долмий фаолият кўрсатувчи кенг қамровли тизимни барпо этишга қаратилган. У аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаро, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжиҳатликни таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштиришни, давлат аппарати ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакаларини оширишни, ҳуқуқий маданият соҳасида илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутади.

Дастур барчани ва ҳар бир инсонни юридик тараққиётнинг истиқболи ҳақидаги билимлар билан қуроллантиришга даъват этади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарор аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар қисқа муддатли «кампания» эмас, балки давлатнинг маълум мақсад сари йўналтирилган стратегик йўли, жамият фаолияти ва ҳаётида қонуннинг устунлигини таъминлаш борасидаги кундалик меҳнат эканлигидан гувоҳлик беради.

Маълумки, қонунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган саволларга жавоб бор. У ягона адолатли мезондир. Шунинг учун аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни, аҳолининг оммавий-ҳуқуқий таълим беришни кенгайтириш давлатнинг бирламчи вазифасидир. Шу мақсадда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия борасида юридик билимларни тест синови ва давлат имтиҳонлари тарзида жорий этиш, педагогларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш, илмий ноширликни, илмий-оммабон юридик адабиётларни, маълумотномаларни кўпайтиришни тақозо этади.

Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия кампания тарзида эмас, балки маълум мақсадни кўзлаб, режали ва самарали тарзда, турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш жонзки, ҳали ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича ўтказилаётган илмий изланишлар етарли эмас. Ҳуқуқий

давлат, қонун ва Конституция талаби нуқтаи назаридан юридик ҳужжатлар, ҳукм ва суд ҳужжатларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини яхшилаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат қилиш сифатини кўтариш, ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш бўйича катта ишларни амалга ошириш мумкин. Бу ишда юристлар ва уларнинг уюшмалари ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқлари зарур. Юристларнинг касбий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онига ижобий таъсир кўрсатишни назарда тутади. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия узоқ давом этувчи, изчил, оғир ва кўп қиррали жараёндир. У ҳуқуққа оид ишлар савиясини кўтаришни, барча фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамиятнинг Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилишларини талаб қилади.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда юридик ахборот тизимининг пухта ишлаб чиқилган бўлиши катта аҳамиятга эга. Ҳозир Ўзбекистонда ўнлаб юридик журнал ва газеталар нашр этилмоқда, яқин ўтган йилларда бундай нашрлар умуман йўқ эди. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур нашрларнинг ҳаммаси ҳам уларнинг баланд нархларда эканлиги сабабли кенг китобхонлар оммасига, айниқса, ёшларга етиб бормаяпти. Шу боисдан мактаб ва бошқа ўқув юртларини газета ва журналлар билан бепул таъминлаш имкониятлари тизимини ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда. Бу нарса шубҳасиз ўзининг ижобий натижаларини беради. Зеро, бунда ўқувчилар учун мана шу нашрлар-

дан кутубхоналар орқали фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳуқуқий мавзуга радио ва телевидение ҳам кўпроқ эътибор қарата бошлади. Телевидениенинг қонунчилик ва ҳуқуқни тарғиб қилувчи, юридик саволларга жавоблар берувчи кўрсатувлари аҳоли орасида борган сари кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда.

## **36-боб. ҚОНУНИЙЛИК, ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ-ТАРТИБОТ**

*1-§. Қонун устуворлиги — қонунийлик асоси.*

*2-§. Қонунга итоаткорлик — қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг негизи.*

*3-§. Қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти.*

### **1-§. Қонун устуворлиги — қонунийлик асоси**

Демократик давлат қонуннинг юксак ва мустақкам нуфузисиз бирор маъно касб этмайди. Мазкур ҳақиқатни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакатдаги янгилашни ва тараққиёт сиёсатининг негизига киритди. «Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлат фаолият кўрсатишининг зарурий шартидир»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам қонун устуворлигисиз бунёдкорлик йўлига кирган шахсий ва иқтисодий эркинликка асосланган жамиятни барпо этиб бўлмайди, Қонуннинг чинакам устуворлигини амалда таъминлаш учун нималар қилиш зарур?

Ўзбекистонда кўрилган амалий тадбирлар натижасида, жамиятда қонунийликни таъминлашнинг барқарорлигига давлат механизми кўпроқ

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли. Т., Ўзбекистон, 1993, 63-б.

умидворлик туғдирмоқда. Оддий кишиларнинг қонунлар қудратига ишонишларига кафолат ҳам ана шунда. Бобомиз Амир Темур ўзининг машхур «Тузуқлари»да — давлатни бошқариш қоидалари мажмуида бундай башорат қилган эди: «Зарурий тартибот ва қонунларга риоя қилиш тақдирим ва муваффақиятларимнинг негизи бўлди»<sup>1</sup>.

Чиндан ҳам қонунларни қўллашнинг бузилиши жойларда ижроия ҳокимиятининг, ундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳуқуқий ночорлигини келтириб чиқаради.

Қонунийлик учун кураш муҳим аҳамиятга эга. Қонун ва судлов тартибига қатъий риоя қилинган ҳолда ижтимоий тартибни бузувчилар, жиний жавобгар шахслар ёхуд сиёсий номасъул кишилар, ким бўлишларидан қатъи назар (яъни қайси мавқеини эгаллаб турганликларига қарамай), бирдай муайян жазога тортилмоқдалар. Башарти, қонун амал қилмаса, давлат ва унинг ҳокимиятларида нуфуз, халқда эса ишонч ва сабртоқат қолмайди.

Қонун бузилишининг манбаи — гаразли мақсадлар, касбий ва ишга оид малакасизлик, хизмат бурчига риоя қилмаслик, давлат тузуми ва жамиятга душманлик муносабати, ҳуқуқий саводсизлик, безорилик ва ахлоқсизликка асосланган турмуш тарзи, халқ ва давлат маблағи ҳисобидан бировларга ҳотамтойлик кўрсатишдадир. Аксарият ҳолларда қонунни бузишнинг илк қадамлари умумий саводсизлик ва маданиятсизлик билан боғлиқ, яъни баъзиларнинг соддалиги ёки жазоланмасликка умидворлиги қонуннинг бузилишига олиб келиши мумкин.

---

<sup>1</sup> *Амир Темур*. Темур тузуқлари. Т., Фан. 1992, 9-б.

Шу аснода фуқарони нима эркин қилади, деган савол туғилади. Назаримизда, мазкур саволга фуқарони қонуннинг моҳиятини мукамал тушуниб етиши чинакам эркин қилади, деб жавоб бера бўлади. Зеро, қонуннинг моҳиятини тушуниб олиш, унга ихтиёрий риоя қилишга ва унинг асосида фаолият юритишга ёрдам беради.

Баъзан қонун омма онгининг ривожидан жадалроқ ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Аммо шу билан бирга қонун омманинг яширин манфаатлари инъикоси ҳам бўлиши лозим. Бизнинг мустақил давлатимизда қонун эркинликнинг, маънавийликнинг, хўжалик юригишнинг, маорифнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлмоқда. Бундай тамойил бозор муносабатларининг ҳуқуқий негизини шакллантиришга йўналтирилган қонунчиликни белгилайди.

Қонунни амалга оширишнинг йўли — қонунда ифодаланган ҳуқуқ ва эркинликларни масъулият билан мувофиқлаштириш мезонидир. Шахснинг ҳуқуқларини жамият ва халқ ҳуқуқларига қарама-қарши қўйиш бизнинг қадимий маданиятимиз учун ёт нарса. Зеро, Шарқ маданиятига нафақат Ўзбекистон, балки Япониядек ривожланган давлат ҳам мансубдир. Мазкур маданият шахснинг ҳаёти ва ўз қадр-қимматини асраб-авайлаб сақлаш имконини тақозо этади. Бундай қадриятлар маънавий-ахлоқий жиҳатдан бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланган тақдирдагина шахсда баркамол инсон бўлишнинг салоҳияти туғилади. Чунончи, Алишер Навоийдек шоир ва вазир учун унинг ўзинга эмас, балки халқнинг садоқат билан хизмат қилиши улуг шараф ва беҳад қувонч бағишлаган.

Мазкур улутвор ахлоқий ва ҳуқуқий қадрият шахс мутлақ ҳуқуқи устуворлигининг мустаҳкам

негизига қурилган. Бироқ моҳият эътиборига кўра, бу ҳолатларда ҳам, башарти давлат ва жамиятга хавф туғилган тақдирда амалда бошқа ҳуқуқ, яъни шарқона ҳуқуқнинг тарихий тажрибаларда минг марталаб синалган; қоидаларига мурожаат қилинади, яъни мазкур муаммоларни ҳал этиш учун жамият ҳуқуқи устуворлигига асосланган анъанавий қоидалар қўлланади.

Давлатда кишиларнинг ўз мустақиллигини ихтиёрий белгилаб олган эркинлиги ва масъулияти аксарият ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан юксак ишонч билан ҳам узвий боғланган.

Аксарият хорижий мамлакатларда ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимининг сафлари номуносиб ходимлардан тозалаб турилади. Чунончи, Италияда магистратуранинг Олий Кенгаши мавжуд бўлиб, у прокуратура ва судлар қабул қиладиган ҳуқуқий қарорларининг қонунийлигини, бошқача айтганда, ушбу идоралар ходимларининг ма-лакаси ва хизмат бурчига садоқатини аниқлаб беради. Мазкур идораларнинг қарорига мувофиқ, прокурор ва судьялар ўз эгаллаб турган хизмат лавозимларидан четлаштирилишлари ҳам мумкин.

Магистратура Олий суди собиқ адлия ходимларига нисбатан жиноий жазо қўлламайди, балки у ходимнинг бугунги кунда ўз ишига мувофиқлиги ва унинг бундан кейин ҳуқуқий фаолиятга жалб қилиниши мумкинлиги масаласига оид тегишли қарор чиқаради. Мазкур қарорни ҳеч ким бекор қилолмайди.

Халқ маънавийлиги, кенг жамоатчилик фикри — қонунчиликнинг мавжуд ҳуқуқий анъаналаридан фойдаланиш борасида муайян ижобий

фикрлар уйғотади. Гап маҳаллаларда қадимдан мавжуд бўлган оила, турмуш келишмовчиликларини оқилона ҳал этиш масаласи билан анъанавий шуғулланиб келган виждон судлари ҳақида бормоқда. Бирор сабабга кўра, ўзаро жанжаллашиб қолган қариндош-уруғларни, кўни-кўшниларни давлат ходимларига нисбатан катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган маҳалланинг обрўли оқсоқоллари тезроқ ва қулайроқ муросага келтиришлари мумкин.

Давлатдаги қонунчилик — жонли ва ривожланадиган ҳодисадир. Қонунчилик давлатнинг буюклигини чашмадай суғориб туради. Шу боис Ўзбекистоннинг буюк келажagini халқимиз чинакам қонунчилик асосида қурмоқда.

Конституция ва қонунлар давлатчиликнинг муҳим белгилари сирасига киради. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш унинг негизига, халқ олдида давлатнинг масъулиятга, инсон ва фуқаро ҳуқуқининг устуворлигига риоя қилишдек ҳуқуқий ва қонунчилик тамойиллари қўйилади. Қонунийликнинг бош мезони — Конституция қоидаларига асосан қабул қилинган қонунларнинг, фармонларнинг, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, маҳкамалар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар, шунингдек, юридик шахсларнинг қабул қиладиган қонун ҳужжатлари ва ҳаракатларига мувофиқ келишидир. Қонунчилик бундай ҳуқуқни амалда таъминлашдан ўзга нарса, яъни у давлат, жамият, фуқаронинг ҳаётига чинакамига кириб борган қонундир.

Баъзи давлатларнинг ҳуқуқ амалиётида кенг урф бўлган салбий намуна мавжуд. Бундай давлатларда «инқилобий зарурият» ёхуд «қонунчи-

ликнинг ҳаётдан орқада қолиши» баҳонаси билан, юқоридаги талабга риоя қилинмайди. Худди шунингдек, Конституцияга ўта эркин муносабатда бўлишда ҳам ҳуқуқий бошбошдоқликнинг сабаблари ётади. Жамиятда ва давлатда қонунчиликнинг барқарорлиги ҳам ҳуқуқий кафолатдир. Наҳотки қонунни муайян вазият ўзгаришига мувофиқ, ҳар дақиқа янгилаб туриш мантиққа тўғри келса? Аммо мазкур эҳтиёжларни тушуниш, яъни ёндашувларнинг келиб чиқишидаги ҳуқуқий шарт-шароитларни холисона ўрганиш ўта муҳим.

Бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилигига кириб бораётган қоидаларни фуқароларимиз бундан олдинги даврлар тажрибаси билан таққослаб олмақдалар. Шу боис бизнинг қонун ижодкорлигимиз самарали ривож топмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий парокандалик собитқадамлик билан тугатилиб бормоқда ва келажаги улуғ Ўзбекистоннинг ҳуқуқий андазаси шаклланишидек янги даврни бошдан кечирмоқда. Чунончи, бугунги қонунчилигимиз учун ҳокимлар фаолиятининг қонуний асосларини яратиш, кўппартиявийлик ва иқтисодий ислохотлар шароитида вакиллик органларини сайлаш мутлақо янги қоидалардир.

Совет даврининг баъзи қонунлари очиқ-ойдин у ёки бу халқнинг миллий маънавиятини чеклаб қўяр эди. Наҳотки, маърифий қонунларда «ўтмиш сарқитларига қарши кураш» қоидага айланиб қолган бўлса? Мазкур ҳодисани инкор этиб, ўз турмуш-таомилигимиз сарқитларини муқаддаслаштирмаслигимиз ҳам лозим. Бундан қонунчилик сиёсий мафқуранинг қуролига айланмаслиги керак, деган хулоса келиб чиқади.

Истиқлол йилларида парламентимиз уч юздан ортиқ қонунларни қабул қилди. Уларнинг барча-

си инсон ҳуқуқлари, иқтисод, давлат бошқаруви, ижтимоий тизим, маданият ва халқаро муносабатларга оид Ўзбекистон мустақиллигининг турли жабҳаларига тааллуқли ҳуқуқий заминларни барпо этишга қаратилган. Мазкур ўринда Президентимиз И. А. Каримов томонидан илмий асосланган жамиятимиз янгиланишини босқичма-босқич амалга ошириш принципи яққол кўзга ташланади. Қонун кетидан қонунларни мунтазам қабул қилиб, гўё битта-битта гишт териб қуриладиган муҳташам бинони тиклагандек, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий биноси ҳам дадил қад ростламоқда. Шуниси ибратлики, қонун лойиҳалари ва жорий қонунлар жамият чиндан ҳам мазкур қонун-қоидаларсиз яшай олмагандагина ҳаётга йўл олади. Кўппартиявийликка асосланган парламент ўз вазифасини бажармоқда. Қонунларни сиёсий муҳорабаларда ҳар қандай йўл билан бўлса-да, тазйиқ ўтказиш кўғирчоғига айлантормаслик даркор.

Ҳатто энг яхши қонун ҳам ўзинча ҳаётга кириб бормайди, балки у ошиб борса қонунчиликни қабул қилишнинг муайян шарт-шароити бўлиб қолаверади. Мазкур ўринда қонун-қоидани нима ҳаракатга келтира олади, деган савол туғилиши табиий. Мазкур саволга «қонунга итоаткорлик», деб жавоб бериш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. *Қонунга итоаткорлик юксак умумий маданиятнинг ҳосиласи ва мезонидир.* Бундай маданият Шарқ халқларида азалдан урф бўлиб келган. Бугун бизнинг олдимизда эса уни тиклашдек улугвор вазифа турибди. Албатта, мазкур маданиятни тиклаш бугуннинг маданияти, маънавияти ва нуқтаи назари негизида амалга оширилиши зарур.

Баъзилар қонунга итоаткорликни инсоннинг қонунга сўзсиз кўр-кўрона итоатидек тушунадилар. Аслида эса, *қонунга итоаткорлик, энг аввало, қонунларни пухта билишни ва уларга риоя қилиб яшашни тақозо этади. Қонунларни бундай билиш давлатга ҳам, фуқарога ҳам бирдай хос ва фойдали фазилят бўлиши лозим.*

Ҳуқуқий маорифни советчасига тушуниш омманинг қонунларни чуқур англаб олишини кўзда тутмас эди. Зеро, бу нарса маъмурий-буйруқбозлик учун хавф-хатарли моҳият касб этарди. Фақат маъмурий-буйруқбозларгина оммавий ҳуқуқий саводсизликдан фойдаланишлари мумкин эди. Бундай норасмана, лекин жуда ҳам кўзга ташланадиган муносабатлар устувор бўлган давлатда ҳуқуқнинг мавқеини инкор этиш ходимларнинг зарурий тарбиясини издан чиқаради, ижтимоий онга салбий таъсир кўрсатади. Бугун ўта қийинчилик билан, лекин барибир, ҳуқуқ устунлигининг, қонунларга риоя қилишнинг ижтимоий зарурлиги барча бўғинлардаги ходимларда тарбиялаб бормоқда.

Қонунлар талабларини онгли равишда бажариш туйғуси — барчанинг инсоний фазилати бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам Ўзбекистонда маданий ва маънавий юксалиш тараққиётнинг муҳим вазифасидир. Мамлакатимиздаги ҳар бир инсон халқ, давлат, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини онгли равишда англаб етмоғи лозим. Мусулмон қонунларининг мажмуаси бўлмиш шариатда қонунга итоаткорлик мазкур динга эътиқод қилувчиларнинг ахлоқ қондаси, виждон амри бўлган. Чунончи, қонунларга кўра ўғирлик содир этган киши инсон деб аталишдек юксак маънавий шарафдан маҳрум бўлган.

Суднинг қонуний жазоси билан халқнинг ахлоқий жазоси бевосита боғланган ва улар ҳуқуқни бузувчиларга қарши бирдай шафқатсиз бўлиши лозим. Қўлга тушмаган ва жазоланмаган ҳуқуқбузарларнинг, ўзларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳалол одамлар олдида ортиқча мақтанишлари бизга нисбатан халқнинг тавқи лаънати эмасми? Бундай ҳуқуқбузарлар давлатимиз ва халқимизни алдаб келаётганликларини тушунмайдилар.

Буюк мутафаккир, фалсафий-ҳуқуқий ғояларни ҳимоя қилган файласуф, Абу Наср Форобий (870—951) жаҳон аҳамиятига молик давлатнинг халифаси ҳузурида фаолият кўрсатган машҳур ҳуқуқшунос ҳисобланган. Унинг эътирофича, қонунларни ҳаётга жорий этиш уларни қабул қилишдан кўра мураккаб жараёнدير<sup>1</sup>.

Бизда яқин кунларгача қонунларни амалиётга жорий этиш ўзгача қоидалар билан бажарилар эди. Шу боис ҳам бундай олатни тарк этишимиз қийин бўлмоқда. Зеро, давлат тузилмаларидан тартиб, мансабдор шахсларгача барчанинг, қонунга риоя қилиши фуқароларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялайди. Бобомиз Амир Темурнинг таъкидлашича, оддий одамларга нисбатан қилинадиган қонунсизликдек қонун ва давлат нуфузини туширадиган бирон-бир нарса йўқ<sup>2</sup>.

\* Қонунчилик, инсон нимагаки ҳақ-ҳуқуқи бўлса, унинг моҳиятини холис очиб ташлайди. Бундай ҳуқуқнинг жорий этилиши учун, биринчи навбатда, давлат саъй-ҳаракат қилиши шарт. Мазкур қоида фуқароларнинг ҳам давлатимиз

<sup>1</sup> Қаранг: *Форобий Абу Наср*. Фозил одамлар шаҳри.— Т., 1991. 201—204-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Амир Темур*. Зафар йўли. Т., 1993. 9-б.

арконларини мустаҳкамлаш учун масъул эканликларини ифодалайди. Қонунда фуқароларнинг бажаришлари лозим бўлган мажбуриятларини кўрсатишдан ҳадиксираш жамиятдаги демократияга эмас, балки боқимандаликка хизмат қилади. Давлат ва фуқароларнинг бундай ўзаро масъулият туйғуси чинакам қонунчиликнинг кафолатидир. Ўз фуқароларига нисбатан фақат давлатгина ҳуқуқли бўлмайди. Агар шундай бўлганда фуқаролар давлат фуқаролари бўлиб қолардилар, холос. Боқимандаликдан иборат бўлган бундай кайфият кучайганида давлатчилик заминларига путур етади. Шу боисдан Конституциямиз давлат ва шахс ҳуқуқларининг оқилона мутаносиблигини белгилаб қўйган.

Қонунчилик барча ҳолларда ҳам ҳуқуққа асосланган собитқадамликдир. Шу сабабли қадимгилар қонунсизликдан кўра, ёмон бўлса ҳам, қонунларнинг мавжуд бўлгани афзал, деб каромат қилганлар. Нега бундай? Бунинг боиси, қонунни оддий тартибда жамоа иштирокида ўзгартириш ёхуд алмаштириш мумкинлигидадир. Қонунсизлик эса бирор-бир тартиб билан мезонланмаганидан уни ҳеч қачон муайян бир доирага киритиб бўлмайди. Шу боис у чегара билмайди. У доимо одамлар ҳаёти, мулки, уларнинг маънавияти учун хатарли ҳодиса. Аксарият мухолифлардан шундай эътироз эшитиш мумкин: «Қонун-ку, эскириб ёмонлашди. Нега энди уни бажарар эканмиз?». Шу аснода қайд этиш лозимки, қонунни фақат олий қонун чиқарувчи идорагина муайян қонуний тартибда ўзгартириши мумкин. Олий қонун чиқарувчи идора қонунни рисолада кўрсатилганидек ўзгартирмаган экан, уни ижро этиш барча учун мажбурийдир. Ҳуқуқнинг барча эътироф этган

чуқур мантиги, кафолатланишининг моҳияти ҳам ана шундадир.

Айни пайтда, қонунларни ўзгартирмай ҳам бўлмайди, албатта. Акс ҳолда, улар ижтимоий тараққиёт талабларидан ортда қолади. Ҳуқуқнинг беқарорлиги, қўнимсизлиги ҳам давлат ва жамиятнинг барқарорлигига катта зарар етказди. Мазкур ҳолат ижтимоий ва хусусий мулкнинг турли-туманлиги ва мустақиллиги собит бўлган иқтисодий ҳаётда ўта оғир кечади. Ҳуқуқшуносларнинг, олимлар ва амалиётчиларнинг бурчи — қонунларнинг ҳаётийлигини кузатиб бориш, ривожланаётган ҳодисаларга қатъий риоя қилган ҳолда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларига зарур амалий, назарий маслаҳатлар беришдан иборат.

## **2-§. Қонунга итоаткорлик — қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг негизи**

Ўзбекистонда халқимизнинг миллий анъаналаридан, ўзига хос турмуш тарзидан келиб чиқиб, беш принципга асосланган ижтимоий янгилик ва тараққиёт йўли белгилаб олинди. Мазкур принциплар бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилди, эътиборга лойиқ деб топилди. Ана шундай принциплардан бири — жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида қонунга итоаткорлик ва қонуннинг устунлигидир.

**«Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча хўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларга қатъий амал қилишларини таъминлаш маданий-маърифий бозорни шакллантиришнинг мажбурий шартидир.**

Шу сабабли қонунга бўйсунинг бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қилиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатдир»<sup>1</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш бир қатор омилларга боғлиқ. Улардан бири — қонунга итоаткорликдир. Фуқароларда қонунга итоаткорлик ҳиссини шакллантиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг амалдаги қонунларга итоаткорликлари муҳим аҳамиятга эга.

Қонунга итоаткорлик — ижтимоий муносабатлар ва жамият ҳуқуқий маданияти жараёнида шаклланидиган ҳодисадир. Афсуски «қонунга итоаткорлик» илмий, ахлоқий, ҳуқуқий тушунча сифатида махсус тадқиқотлар мавзуи бўлган эмас.

Мазкур тушунчани илмий ўрганиш учун бугунги кунда ҳуқуқшунослик соҳасида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу ҳодиса бугун ҳам барча одамларнинг эътиборини тортмоқда. Уни илмий таҳлил этишнинг қулай шароитлари мавжуд.

«Қонунга итоаткорлик» тушунчасини қандай таърифлаш мумкин? Маълумки, янгиланиш шароитида жорий этилаётган энг дадил илмий ва техникавий ечимлар, ишланмалар, ижтимоий тадбирлар ва ташаббуслар ҳам, башарти уларни амалий жиҳатдан етук мутахассислар тайёрламаганда, маданиятли, демократик қонунларни билладиган ва ҳурмат қиладиган кишилар ҳаётда қўлламаганда, муайян ижобий самара бермайди.

Оммавий ахборот воситалари ўз чиқишлари билан кишиларда қонунга итоаткорликни шаклланди-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., 1994. 47-б.

гиришлари лозим, яъни қонунчилик талабларига оғишмай риоя қилиш жамиятнинг, ҳар бир инсоннинг манфаатларига жавоб беришини аниқ ҳаётий далиллар билан кўрсатишлари керак. Қонунга итоаткорлик ўзининг қоидаларига муносиб келадиган хулқ-атворни тақозо қилади. Бинобарин, унинг талаблари онгли равишда уддаланиши лозим.

Маълумки, давлатнинг кўрсатмаси ёхуд розилиги билан қабул қилинадиган ҳуқуқий қоидалар аввало, жамиятда, унинг учун мақбул бўлган хулқ-атвор андазалари доирасида ишлаб чиқилади. Мазкур ўринда ҳам, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ҳам қонунга итоаткорлик ўзбошимчаликни соқит қиладиган самарали ҳуқуқий қоидаларни ишлаб чиқишнинг шартларидан биридир.

Қонун чиқариш маданияти ўз асосий тамойиллари ва муассасаларининг барқарорлиги ҳолатида, қонуннинг пухта, аниқ, ойдинлиги, яъни унда «умумий ўринлар»нинг, асоссиз ваъзлар ва даъватларнинг йўқлиги — ҳуқуқий маданиятнинг муҳим кўрсаткичидир. Мазкур ҳолат ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қонунга итоаткорликнинг намоён бўлишида жорий этилади. Мабодо, қонунга итоаткорлик намоён бўлмаса, ёхуд старли даражада ошкор этилмаса, у ҳолда қонунчилик тизими бузилиши мумкин.

Қонунга итоаткорлик фақат ҳуқуқ ижодкорлиги доирасида эмас, айни пайтда ҳуқуқий нормаларни жорий этишда ҳам намоён бўлади. Ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этадиган ваколатли давлат идоралари ходимлари қонунга қанчалик оғишмай риоя қилса, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ишлаб чиққан қоидалар жамият эҳтиёжла-

рига шунчалик мундәсиб жавоб беради, халқ мән-фаатини янада тўлароқ акс эттиради. Бу ўз навбатида ҳуқуқнинг кені халқ оммаси томонидан тан олинishiга хизмат қилади.

Қонунга итоаткорлик фақат қонунни жорий этишда эмас, шу билан бирга, қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам юзага келади. Шунини инобатга олиб, уни ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш, уларни такомиллаштириш ва ўзгартиришдан иборат қадрият эканлигини англашга асосланган тушунча деб талқин этиш мумкин.

Қонунга итоаткорлик қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг муҳим омилidir. У ҳуқуқий моҳиятга эга турли ижтимоий ҳодисаларда намоён бўлади. Булар • қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқий онг; қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқий масъулият; қонунга итоаткорликнинг касбий лоқайдликни истисно этадиган омил эканлиги; қонунга итоаткорлик шахснинг ҳуқуққа муносабатида намоён бўлиши; қонунга итоаткорликнинг шахс ҳуқуқий онгининг муҳим белгиси эканлиги.

Одамларнинг қонун тўғрисидаги тасавурлари, қонунга ҳурмат туйғуларидан ажралмасдир. Улар бошқа ижтимоий онг шакллари билан муштарак ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисаларни ахлоқий-руҳий баҳолашни ифодалайди. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳодисалар тўғрисидаги туйғу ва кечинмалар ҳуқуқий воқелик билан ахлоқий-руҳий жиҳатдан узвий боғлиқ. Уларнинг фикрича, ҳуқуқий туйғулар — кишиларнинг ҳуқуқий қонунларнинг нашр этилиши (ёки этилмаслиги), уларни жорий этиш (ёки жорий этмаслик) билан боғлиқ кечинмаларидир. Янги қонуннинг қабул қилинишидан сўнг мамлакатда пайдо бўладиган хурсанд-

чилиқ ёки ҳафагарчилик, ҳуқуқий қоидаларни қўллаш амалиётига оид қониқши ёки қониқмаслик туйғулари, ҳуқуққа мурасасизлик ёки мурасасозлик муносабати — буларнинг барчаси ҳуқуқий ҳис-ҳаяжондир. Аксарият ҳолларда, кечинмалар у ёки бу даражада ахлоқий моҳиятга эга бўлади. Бироқ, уларга соф ҳуқуқий мазмун ҳам хос бўлиб, уни ҳуқуқ ҳиссиёти ва қонунийлик деб таърифлаш мумкин. Бу шундай ижтимоий-руҳий кўтаринкиликки, унда кишилар ҳуқуқ ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳодисаларига бевосита яқдил эканликларини, ҳар қандай, ҳатто ўзбошимчалиқ ва қонунсизликнинг энг жужий кўринишларига ҳам салбий муносабатларини билдирадилар.

Руҳий босқичда қонунга итоаткорликнинг мавжудлигига боғлиқ асосий жиҳат — бу ҳуқуқдан, унинг талаблари адолатлилигидан қониқшидир. Онг ва адолат туйғуси инсон руҳиятининг жиҳати сифатида амалга ошадиган ижтимоий адолатни инъикос эттиради.

Қонунга итоаткорлик ҳуқуқий жавобгарликни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Яқин кунларгача ҳуқуқий жавобгарлик ретроспектив нуқтаи назардан ўрганилиб, у ҳуқуққа зил хатти-ҳаракатнинг кўнгилсиз оқибатлар олиб келиши билан боғлиқ деб ҳисобланарди.

Ҳуқуқий жавобгарлик муаммосига, хусусан, унинг ижобий жиҳатига эътиборнинг ошиб бориши ҳозирги кунда тасодифий эмас. Давлат мустақиллигини таъминлаш барчанинг, ҳамма жойда қонун талабларини бажариши билан узвий боғлиқдир. Ижобий ҳуқуқий жавобгарлик — қонунчиликка, ҳуқуқий қоидаларга риоя қилишнинг рамзидир. У бугунги ва эртанги кунга йўналган

бўлиб, қонунга ҳурмат муносабатида, кишининг ўз хулқ-атворини ихтиёрини равишда ҳуқуқий йўл-йўриқлар билан мувофиқлаштиришида намоён бўлади. Мазкур белгиларга кўра ижобий ҳуқуқий жавобгарликнинг қонунга итоаткорлик билан алоқаси таҳлил этилади.

Қонунга итоаткорлик худди ижобий ҳуқуқий жавобгарликдек жамият олдидаги бурч билан узвий ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатни тақозо этади. У айти пайтда ҳуқуқий хулқ-атвор, малака ва одатларни ишлаб чиқиш оқибатида келиб чиқадиган, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш воситаси ҳамдир. Фақат тўртинчи белги — кўрқитув омили — ҳуқуқ қоидаларига мутаносиб хулқ-атворни тарбиялаш омили бўлмай, у шунчаки ҳуқуқий қоидаларнинг зарурий хусусиятидир. Қонунга итоаткорлик ҳам ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлайдиган омиллардан биридир.

Шу аснода қонунга итоаткорликнинг хулқ-атворга тааллуқли жиҳати — ўз моҳиятига кўра, ижобий ҳуқуқий жавобгарлик билан айнанлиги кўзга ташланади. Қонунга итоаткорлик мураккаб таркибга эга. У билиш, баҳолаш ва хулқ-атвор жиҳатларининг мажмуидан иборат. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳуқуқий соҳада масъул хулқ-атворни тақозо этади.

Ижобий ҳуқуқий жавобгарлик билан бирга қонунга итоаткорлик ҳуқуқий қоидаларга «йўлига»гина риоя қилишни аниқлатмайди, уларга онгли, фаол муносабатни, жамият олдидаги бурчни тушуниб етишни, ҳуқуқий тушунчалар воситасида фикр юрига олишни, шунингдек, ўз интилишлари ва ҳатти-ҳаракатларини амалдаги ҳуқуқ талаблари билан мутаносиблаштиришни ҳам тақозо этади. Шу бонедан ҳуқуққа ҳурмат заминида

мансабдор шахслар ва фуқароларнинг масъул хулқ-атворини тарбиялаш мустақилликни таъминлашнинг муҳим мафкуравий ва ҳуқуқий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий қоидаларни қандай тушунишлари ва баҳолашлари, уларнинг мазкур қонун-қоидаларни қанчалик оғишмай амалга оширишлари мустақил ривожланишимиз ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Қонунга итоаткорлик — лоқайдликни истисно этадиган муҳим омиллардан бири. Қувдалик фаолиятда ишга оқилона муносабат, қонунга итоаткорлик барчанинг, хусусан, мансабдор шахсларнинг ўз ижтимоий мақсадларини англаб олишларини тақозо қилади. Шу боисдан, ҳуқуқий маслаҳатчи ёки судьянинг, корхона раҳбари ёки кадрлар бўлими бошлиғининг, ҳоким ёки прокурорнинг кишиларга ва ишга муносабатларига қараб мамлакатдаги демократиянинг, ҳуқуқий маданиятнинг умумий аҳволи тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин.

Хўжалик раҳбари, мансабдор шахслар ва бошқа давлат идоралари ходимларида қонунга итоаткорликнинг мавжуд бўлмаслиги, ҳуқуқий маданиятнинг паст савияси уларнинг амалий фаолиятига бевосита таъсир этади. Аксарият саноат ва савдо корхоналарининг раҳбарлари ҳар куни у ёки бу тариқа ҳуқуқий муаммоларга дуч келадилар. Лекин уларда ҳуқуқий тайёргарликнинг етарлича бўлмаганлиги боис, улар мазкур муаммоларни тўғри ҳал қила олмайдилар. Бу эса уларнинг меҳнат самарадорлигига таъсир этади.

Мансабдор шахсларнинг қонунга итоатгўйлиги уларнинг ўз хизмат бурчларига виждонан муносабатда бўлишларини тақозо этади.

Қонунга итоаткорлик ўзгармас ҳодиса эмас. У ўсиб бораётган ҳуқуқий онг даражасидир. У якка онгда мустаҳкамланиб, доимо ҳуқуқ билан мувофиқлаштириладиган ижтимоий муносабатлар доираларигача кенгайиб, бойиб боради.

Қонунга итоаткорлик кишиларнинг ўз ҳуқуқий бурчларига нисбатан ички муносабатларини ўзгартиради, яъни давлат буйруғи мақомидаги ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнини бурчлари англаб олинган муносабатлар эгаллайди.

Қонунга итоаткорлик фуқароларнинг қонун лойиҳаларини муҳокама этиш, демократиянинг имкониятини амалга оширишдаги фаолликларини кучайтиради.

Бугун бевосита демократия институтларининг ўрни ва мавқеи ошиб бораётир. Уларда халқнинг жонли ижодиёти, жамоатчилик фикри ва иродаси ўзининг энг муносиб аксини топмоқда. Меҳнат жамоасининг умумий мажлиси ёхуд қишлоқдаги аҳолининг йиғинлари, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси бевосита демократия институтларининг таркибий қисмларидир. Улар меҳнаткашларнинг долзарб муаммоларини биргаликда ўртага қўйишлари, уларнинг ечимларини топиб ҳаётга жорий қилишларига имкон беради. Демократиянинг имкониятлари битмас-туганмасдир. Аммо унинг учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатларни яратиш зарур.

Қонунга итоаткорлик ҳуқуқий қоидалар йўл-йўриқларни ижро этишда ҳар қандай оғишларнинг бўлмаслиги, қонунийлик бузилган ҳолларда эса бетараф бўлиб қолмасликни ёқлайди. Кишиларнинг келажакка ишончлари, уларнинг демократик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш хоҳишлари ва қобилиятлари турмушда ижтимоий

адолат принципларини оғишмай ҳаётга жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, шаъни ва қадрларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир.

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш — узоқ муддат давом этадиган ва иқтисодий, маданий, меҳнат, турмуш соҳаларида анчайин ўзгаришларни талаб қиладиган мураккаб фаолият. Бундай ўзгаришлар кишиларнинг онги ва руҳиятини қамраб олиш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштиришда ҳам бўлиши зарур. Мазкур масалаларнинг самарали ечими кишиларнинг қонунга итоаткорлигини тақозо этади. У ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш каби умумий тадбирларнинг муҳим омилдир.

### **3-§. Қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг ҳуқуқий маданияти уч таркибий қисмдан ташкил топади. *Биринчидан*, мафкуравий, ҳуқуқий тасаввурлар; *иккинчидан*, ижобий-ҳуқуқий ҳис-туйғулар; *учинчидан*, ходимнинг ҳуқуқий фаолияти. Амалдаги ҳуқуқий мафкура ҳуқуқий маданиятнинг етакчи жабҳасидир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходими ҳуқуқий маданиятнинг модели билимлар, ҳуқуқни тушуниш ва қонунчилик талабларига риоя қилиш, ҳуқуқий йўл-йўриқларни эъзозлаш, уларнинг чинлиги ва адолатлилигига тўла ишонч, ҳуқуқий соҳадаги ҳаётни фаол билиш, баҳолаш кабиларни ўзида мужассамлаштиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходими амалдаги қонунчиликни мукамал билиши ва

унинг воситасида амалга ошадиган сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий вазифаларни ҳам тўла тушуниши лозим. Ҳуқуқ негизларини билиш инсоннинг умумий сиёсий ва ҳуқуқий маданиятидаги зарур унсурлардан бири бўлиб, унинг ижтимоий, фуқаролик фаоллигининг манбаидир.

Шубҳасиз, инсоннинг барча қонунларни билиши амримаҳол. Ҳатто узоқ йиллар давомида ички ишлар идораларида хизмат қилган тажрибали ҳуқуқшунослар, тезкор хизмат ходимлари ва терговчилар ҳам барча қонунларни тўла-тўқис билма олмайдилар. Айни замонда ички ишлар органининг ҳар бир ходими, қолаверса, фуқаро учун ҳам ҳуқуқни билишнинг умум эътироф этган (барчанинг билиши лозим бўлган) энг мақбул чегараси (минимуми) мавжуд. Ўта мураккаб назарий ва амалий масъулият ҳисобланган бундай чегарани аниқлаб олиш керак. Ҳозирча бунинг учун етарлича асосланган мезонларга эга эмасмиз.

Шу боис ҳар бир тоифадаги ходим учун зарурий ҳуқуқий билимлар ҳажми ва сифатини белгилаш ички ишлар идоралари ходимлари олдида долзарб вазифа бўлиб турибди. Эҳтимол, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оддий ва кичик бошлиқлар таркиби кундалик ҳаётда ишлатадиган баъзи асосий ҳуқуқий тушунчалар ва атамалар билан таниш бўлиши лозимдир. Мазкур билимлар уларга ўз хатти-ҳаракатларини онгли уюштириш, уларнинг мароми ва натижасини ҳуқуқий ўз-ўзича назорат қилишнинг имконини беради. Биз аввало, конституциявий, фуқаролик, оила, жиноят ҳуқуқларини, шунингдек, ҳуқуқнинг ўзга тармоқлари асосларини билиш, маъмурий ҳуқуқ ва маъмурий фаолият билан чуқурроқ танишишни назарда тутяпмиз. Зеро, хизмат соҳаларини му-

вофиқлаштирадиган қоидавий билиш туфайли ходимлар ўз хизмат бурчларини муваффақиятли адо этадилар.

Катта ижтимоий-сиёсий моҳиятга молик бўлган қонунчилик ҳужжатларини тула-тўқис билишнинг ҳам амалиёт учун аҳамияти беназирдир. Бундай ҳужжатлар сирасига, энг аввало, республикамиз Конституцияси киради. Конституциявий қоидаларни билиш, ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини чуқурроқ англаш, ўзбек давлатининг бош вазифалари, унинг ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий тузуми асослари ва давлат идоралари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Ижтимоий ҳаётда чинакам ҳуқуқий саводхонлиликни таъминлайдиган ходим хизматдаги, турмушдаги хулқ-атворини белгилайдиган қоидаларни ҳам билиши зарур. Масалан, милиционер ҳам ҳар қандай фуқаро каби ҳуқуқий ҳужжатларни билиши лозим.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилаётир. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчиликнинг жинойтчиликка, ҳуқуқбузарликнинг бошқа кўринишларига қарши курашдаги ваколатларини аниқлайдиган ҳуқуқий қоидаларни билиш ҳар бир фуқаро учун жуда зарур. Жумладан, ҳаётда шундай муаммолар туғилиши мумкин: айтайлик, фуқаро, жиноят содир этилганлигини билса, у кимга мурожаат қилиши керак? Мазкур жиноятнинг содир этилиши муносабаби билан у қандай чоралар кўриши лозим? Жиноятнинг содир этилмаслигини таъминлаш учун фуқаро қўллайдиган хатти-ҳаракатнинг чегараси қандай?

Мазкур саволларнинг жавоби ҳар бир фуқаро учун равшан бўлиши даркор.

Фуқароларнинг ўзаро хатти-ҳаракатларини, шунингдек, давлат ва унинг идоралари, жамоат бирлашмалари билан бўладиган ҳуқуқий муносабатларини мувофиқлаштирадиган қоидавий ҳужжатларнинг энг асосийларини билишнинг ўзи ҳам қонунчилик талабларига риоя қилиш, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни янада ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Бу ходимларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишларига кафолатдир. Юксак ҳуқуқий маданият талаблари нуқтаи назаридан қонунчилик доирасида таклиф этилган ҳуқуқлардан фойдаланиш уларнинг ўз мажбуриятларини ижро этишдан кўра камроқ аҳамият касб этмайди. Жамият уларнинг иккаласидан ҳам баб-баравар манфаатдор.

Ўрта ва юқори бўгиндаги бошлиқлар таркиби учун энг асосий ҳуқуқларни билишнинг ўзигина кифоя эмас. Мазкур тоифадаги ходимлар ҳуқуқий маданиятининг савияси оддий ва кичик бошлиқлар таркибига нисбатан анча баланд бўлади. Лекин ички ишлар идоралари зобитларида ҳуқуқни билишнинг кўлами бирдай эмас. Мазкур ўринда шундай қонуният амал қилади, яъни зобитлар нечоғлик ҳуқуқий фаолиятга яқин бўлсалар, уларнинг ҳуқуқий билимлари ҳам шу қадар чуқурроқ ва кўламлироқ бўлади.

Ҳуқуқий муаммолар билан бевосита, ҳар куни шуғулланиш зобитнинг мазкур фаолиятга оид билимларини чуқурлаштиради. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқни билиш у ёки бу ҳуқуқий қоиданинг мавжудлиги билан оддийгина танишувдан иборат эмас. Бу — ҳуқуқ муаммоларини чуқур муҳокамалаб олишни, унинг мазмунини

тушуниб етишни, шунингдек, унинг амалий фаолиятдаги аҳамиятини аниқлашни тақозо этади.

Зикр этилган муайян қоидалар уларни оддий билишдан кўра кўпроқ ҳуқуқнинг асосий принципларини, давлатнинг ҳуқуқ соҳасидаги сиёсатини қонунчилик ва одил судловнинг ижтимоий қадр-қимматини, ҳуқуқ билан ахлоқ талабларининг ботиний муштараклигини тушунишдан иборат бўлади.

Ҳуқуқни билишнинг ҳақиқий мезони ҳар бир ходимнинг ўзи учун айти шу аниқ ҳуқуқий қоидаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурийлигини тушуниб етиб, улар асосида онгли фаолият юритишдан иборат.

Таҳлил этилаётган тушунчага бундай ёндашув ички ишлар идоралари ходимларининг ўзлари ишлаб турган лавозимларига ва махсус унвонларига қарамай, албатта, «ҳуқуқшунослик» мутахассислигини пухта эгаллашлари лозимлигини билдирмайди. Аммо биз «ҳуқуқни билиш»ни қай йўсинда таърифламайлик, барибир, у ички ишлар идоралари ходимларининг мавқеи Ўзбекистон Конституциясининг мазмуни ва аҳамиятини, унинг ўз касбий фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қоидавий ҳужжатларни ўзлаштиришни тақозо қилади. Мабодо, демократия, одил судлов ва қонунчиликнинг асосий принципларини билмаса, табиийки, ходим ўз хизмат бурчини сифатли адо эта олмайди. Зеро, ҳуқуқий қоидаларни билмасдан ҳуқуқий ҳодисаларга аниқ ва чинакам ҳуқуқий баҳо бериб бўлмайди, мақсадли йўналишларни ва ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни шакллантиришнинг имкони бўлмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ҳуқуқий маданиятининг савияси давлат ва ҳуқуққа оид маълумотларга эга бўлганидан сўнг шунга му-

таносиб фаол ҳаракатларни амалга оширишга қодирлигида кўринади. Ходимларнинг кундалик ҳаётда рўй бериб турган вазиятларга нисбатан ҳуқуқ қоидаларини аниқ қўллай олиши, уларнинг ўз хизмат бурчларини уддалаш жараёнида муайян ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширишлари учун шароит яратади. Шу ўринда ходимнинг маънавий-ахлоқий бойлиги ҳам муҳим. Агар инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлса, била туриб жиноятга қўл урмайди.

Мазкур ҳолат ижтимоий ахборотнинг ҳаддан зиёдалиги боис аксарият қоидавий талаблар бири-бирини такрорлагани, бинобарин, улар бир-бирининг «йўлини тўсгани»дан содир этилади. Бунинг устига мазкур такрорлашлар нафақат бир қоидавий тизим доирасида, балки турли тизимлар орасида мавжуд бўлади. Чунончи, жиноят ҳуқуқи қоидаларига кўра, қотиллик, ўғрилик, туҳмат кабилар қонун йўли билан тақиқланади. Мазкур тақиқлашлар ахлоқ томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. Шунга кўра, ахлоқ ва бошқа мавжуд қоидавий тизимлар нафақат жиноят ҳуқуқини, шунингдек, бошқа ҳуқуқ тармоқларини ҳам мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқий билимлар ҳажмини кенгайтириш ва уларнинг савиясини ошириш ички ишлар идоралари ходимининг мураккаб ҳуқуқий вазиятларни, муаммовий ҳолатлардаги қонуний ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўғри баҳолай олишига, яъни унинг ҳуқуқни тўла тушунган ҳолда муайян ечимга келишига имкон беради. Мазкур муносабатда ҳуқуқий маданиятни билишга оид муҳокамалар намоён бўлиб, улар ходимнинг онгида фақат намунали хулқ-атворнинг шаклланигандан эмас, балки мазкур намуналарга кўра ўз

муҳокамалари ва ҳаракатларини уюштирганлиги, яъни унда ижобий ижтимоий-ҳуқуқий йўл-йўриқлар қарор топганлигини ҳам билдиради.

Шубҳасиз, бугун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар бир ходимида ҳуқуқни у ёки бу даражада тушуниш мавжуд. Бироқ мазкур воқеликни пропорционал билиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Уни бундай тушуниш етарлича аниқ, ўтмиш ва бугунги ҳуқуқий тажрибани ўзида мужассамлаштириши ва шу боис истиқболни кўриш имконини бериши жоиз. Айтилганлардан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг шугулланиши лозим бўлган соҳада бундай тажрибани тўплаш ва ўрганишдек вазифанинг муҳимлиги ва долзарблиги келиб чиқади.

Ҳуқуқни тушуниш ходимнинг олган тарбияси ва маълумоти, унинг шахсий хусусиятлари, ундаги ижтимоий эътиқодлар тизими, унинг мавқеи ва ўрни, ҳуқуққа қадрият каби ёндашуви билан узвий боғлиқ.

Ҳуқуқни, унинг ижтимоий аҳамиятини тушунишни қонунчиликнинг қоидалари ва моделларини билиш билан айнанлаштирмаслик лозим. Албатта, ходим қонунчиликни қанчалик яхши билса, уни шунчалик пухта тушунади. Бироқ ҳуқуқни билиш ва тушуниш ўртасида бевосита боғлиқлик йўқ. Ҳуқуқни тушунишда бош мезон унинг энг муҳим мақсадларини англашда, йўл-йўриқларнинг зарурлиги тўғрисидаги тасаввурларда, мустаҳкам қонунчилик ҳолатининг жамият учун фойдали ва кадр-қимматли эканлигида, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва унинг жамият, давлат олдида ўз мажбуриятларини удалашининг муҳимлиги ва бошқалардир. Қонунни билишнинг ўзлаштирилиш даражаси турлича бўлиши мум-

кин. Шунингдек, у ёки бу қоидаларни билишга эҳтиёж, ходим бажараётган ишнинг табиатига, унинг ижтимоий ҳаётда қатнашуви ва бошқа аломатларига дахлдор бўлади.

Қонунни, демократик тадбир ва жараёнларни, уларнинг ижтимоий вазифалари ва мақсадларини чуқур билиш, тушуниш аксарият кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаолликлари билан узвий боғлиқ. Сиёсий ва ҳуқуқий саводсизлик унинг салбий оқибатлари (ҳуқуқий инкор, принцип ва анъаналарга ҳурматсизлик) кўпинча ғайриижтимоий жангарилик тусини олади.

Давлат идораларига, газета ва журналлар таҳририятларига, милицияга келиб турган баъзи мактублар билан танишиш ана шундан далолат беради. Ушундан аксарият шундай хабарлар муқимдир: «қонунларимиз ҳеч нимага ярамайди», «бизда адолат йўқ», «жиноятчига ҳимоячи (адвокат)нинг нима ҳожати бор?», «прокурор қаёққа қарамоқда» кабилар шулар жумласидандир. Баъзан бюрократизмга қарши демократия учун курашни фуқаролар милицияга, умуман давлат идоралари ходимларига, «номенклатура»га қарши кураш байроғи остида олиб борадилар. Айни пайтда ишлаб чиқаришдаги демократиянинг ўта авж олиб бориши, баъзан ички ишлар идораларида ҳам яқка бошчиликка ва зарурий интизомга раҳна солишга олиб келмоқда.

Шу йўсиндаги танқидлар, афсуски, демократлашув шароитида мавқеи бирмунча ошиб бораётган ички ишлар органларига, қолаверса, бутун ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва ҳам тааллуқли бўлмоқда. Кишилар одатда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, жумладан, милиция, ахлоқ тузатиш муассасалари, ёнғиндан сақлаш идораларига адо-

латли ва асосли равишда эътироз билдирилар эди. Асосли танқид ҳамиша ишни такомиллаштиришнинг, камчиликларни бартараф этишнинг муҳим омили бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Бироқ, жамиятимизнинг тараққиёти, демократия ривожини, шахс манфаатларининг одил судлов, прокуратура, ички ишлар идоралари томонидан ҳимоя қилиниши учун жорий этилаётган ижобий ишларнинг барчасини кўр-кўрона инкор этиш ёрдам бермайди. Айни пайтда, мазкур органлар фаолиятида хатолар, зиддиятлар, сансалорликлар йўқ эмас.

Ҳуқуқни билиш ва тушуниш ҳуқуқий хулқ-атвор учун ҳам етарли бўлмайди. Ўз-ўзича мазкур қадриятлар кишини ҳуқуқбузарликдан тиймайди. Жиноятшуносликка оид тадқиқотларнинг гувоҳлигига кўра, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этиш учун муайян ҳуқуқий қоидаларни билиш ёки билмасликнинг, тушуниш ёки тушунмасликнинг аҳамияти йўқ. Бунинг учун ҳуқуққа нисбатан ҳурмат, талабларга риоя қилишнинг мажбурийлигини ихтиёрий тан олиш кифоя. Ҳуқуқни эъзозлаш — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ҳуқуқий маданиятининг зарурий жиҳати.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг ҳуқуқий маданияти қонунга риоя қилиш одатини ҳам тақозо этади. Мазкур қоидани шундай таърифласа бўлади: маданиятга, турмушга, одатга кириб келган нарсанигина эришилган қадрият деб аташ мумкин. Аксарият вазифа ўзимизда хулқ-атвор масалаларига тўғри, оқилона муносабатни тарбиялашдангина иборат бўлмай, балки бунинг устига тўғри одатларни ҳам сингдиришдир.

Қонунга риоя қилиш одати тўғрисида гап борганда, мазкур масаланинг икки жиҳатига эътибор бериш лозим. У ёки бу ҳуқуқий йўл-йўриқни бажарингга одатланиш билан ҳуқуқий талабларга риоя қилишга оид одатий муносабатни фарқлаш даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ўз ҳаракатларини ҳуқуқ талабларига мувофиқлаштириш одатининг мавжудлиги муҳим. Бундай ҳуқуқий хатти-ҳаракатга одатланганлик ходимнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини англаш, ҳуқуқнинг маъносини ва кадр-қимматини тушуниш, қонун талабларини ижро этишга барқарор эътиқоднинг вужудга келиши натижасида туғилади. Мазкур одат чуқур англаб етилмаган эҳтиёжга айланиши лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари учун ҳуқуқий талабларга кўр-кўрона, мулоҳазасиз, риоя қилиш номақбул. Унинг ҳуқуқий соҳадаги фаолияти демократик давлатнинг ҳуқуқи риоя қиладиган мақсад ва манфаатларни аниқ тушунишни, у ёки бу қонуннинг амал қилиш доирасидаги вазиятни пухта ҳисобга олиб қурилган бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ходимнинг олий даражадаги касбий фаолияти, унинг мамлакатимиз бошдан кечираётган тарихий даврнинг моҳиятини тушуниб етишига дахлдордир. Ҳуқуқий билимларнинг мавжудлиги ва ҳуқуқни тушунишнинг ўзигина мустақиллик шароитида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун кифоя қилмайди. Шу ўринда кўп нарса қонунда ифодаланган жамият манфаатларига муносабат, умумий-маданий савияга боғлиқ. Аксарият одамлар ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий йўл-йўриқларга ўзларининг покликлари, ҳалолликлари, тартиб-

ликлари, масъудликлари туфайли итоат қиладилар. Шу билан бирга, баъзилар (ҳатто қонунни яхши билиб, тушунадиганлар ҳам) ҳар тўқисда қонунни бузаверадилар ёки уни четлаб ўтадилар, ҳуқуқий қоидаларни эса ўз шахсий ёхуд ёлгондакам ижтимоий манфаатларга қўйилган ғов деб баҳолайдилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидаги ҳуқуқий йўл-йўриқларга риоя қилишнинг одат тусига кириб қолганлигига қарамай, уларга аксарият қонуннинг руҳига ва бандларига мувофиқ келадиган ҳуқуқий муаммоларни ечишга ҳам тўғри келади. Ходимдаги одатланганлик омили ўз ўрнини ҳуқуқий қоидаларни ечиш учун муҳим бўлган унинг тафаккури, онги ва иродасига бўшашиб бергандай бўлади. Шахснинг ҳуқуқий ҳодисаларни мустақил, онгли ўзлаштиришида унинг мазкур ҳодисаларни баҳолаш қобилияти шаклланади.

Қонун заминида ва унинг чегарасида, мулоҳазалар юритиш иқтидори ходимнинг ҳуқуқий маданияти мезонларидан биридир. Шундай маданиятни эгалламай туриб, у ички ишлар органларида ишлай олмайди. Халқнинг иродасини ифодалайдиган қонунни менсимасликдан токишиларнинг тақдирлари, ҳуқуқлари ва манфаатларини писанд қилмасликкача бўлган масофа унча катта эмас. Демократик жамиятда йўл қўйилмайдиган ҳуқуқий маданиятсизлик фақат оддий ижтимоий ҳодиса бўлмайди. Уни ижтимоий хавфли ҳодиса деб ҳисоблаш муболаға эмас. Зеро, ички ишлар идораларининг шахсий таркибига — раҳбар, мансабдор шахсларга ўнлаб, юзлаб фуқаролар ҳар куни мурожаат қиладилар, фуқаролар улардан ўрнатилган оладилар. Милиция, жазони ижро

этиш муассасалари, ёнғиндан сақлаш ходимларининг қонунга риоя қилишга одатланганликлари эътиқод гуфайли ва унинг негизида рўй берилиши лозим. Бу ҳуқуқнинг асосий ғоялари адолатлилигига, қонунчиликка қатъий риоя қилишга бўлган эътиқоддир. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг билимлари, ҳуқуқий ғоялари уларнинг шахсий эътиқодларига айланишини зарурий равишда тақозо этади.

Эътиқоднинг моҳиятини ходимнинг қонунлардаги йўл-йўриқларнинг, талабларнинг асосланганлиги ва адолатлилигига ишончи, уларни оғишмай амалга оширишнинг шубҳасиз зарурлигини англаши ва ҳуқуқ-тартибот талаблари негизида ҳаракат қилишга ички эҳтиёж ва одатланганлигини ташкил этади. Эътиқод бевосита ва ижобий равишда кишиларнинг пролавий фаолиятига таъсир этади. Уларни бажариш лозим бўлмаган қилмишларни амалга оширишдан тийиб, йўл-йўриққа оид ишларни уддалашга ундайди.

Ҳуқуқий қоидаларнинг адолатлилигига ишонч учун киши мазкур талабларни ижро этишга қўшимча равишда давлатнинг қандайдир таъсирига эҳтиёж сезмайди. У ҳуқуқий қоидаларни уддалаш учун ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатларни мустақил равишда ихтиёрий бажаради. Уни бундай шароитларга ҳаётнинг амалий зарурияти билан боғлиқ, адолатлилигига ишонган ғоя йўлга бошлайди.

Ҳуқуқнинг адолатлилигига эътиқод қонунчилик талабларидан чекинишга муросасизлик муҳитини вужудга келтиради, ўз хулқ-атвори ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини муносиб баҳолаш имконини беради. Тарбиялаш — ин-

сонга унинг амал қилиши лозим бўлмаган ва лозим бўлган хатти-ҳаракатини кўрсатиш дегани эмас. Шундай қилиш керакки, тарбияланувчи мазкур хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий (шахсий) маъносини тушуниб етсин, унда тўғри хулқ-атворнинг ижтимоий ёки шахсий қадр-қиммати тўғрисида ботиний эътиқод пайдо бўлсин.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳар бир ҳуқуқий талабнинг шакл-шубҳасиз тан олиниб, ҳурмат ва эъзозли муносабатга сазоворлигини билдирмайди. Бироқ, юксак ҳуқуқий маданият соҳиби бўлган милиция ходими, масалан, ўз фаолиятидаги ҳаракатини ҳуқуқнинг ижтимоий қадр-қимматидан келиб чиқиб ташкил эта олади. Ҳозир бу ҳолат ўта муҳимдир. Чунки ҳуқуқ соҳасида, бир томондан, мустақиллик манфаатларига жавоб бермайдиган, ахлоқан эскирган ҳуқуқий қоидалар мавжуд бўлса, иккинчи томондан эса — ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янгилаш жараёни бошланган шароитларда «новаторлик», «эски қоидалар билан кураш», қолаверса, демократия тўғрисида ҳужажўрсинга айтиладиган гаплар ниқоби остида қонунларни бузишга йўл қўйилиши мумкин.

Ҳуқуқий эътиқоднинг йўналиши ҳамisha янгиланиб, шаклланиб туради. Ходимдаги умумий-ҳуқуқий йўриқлар ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий фаолият ва ҳуқуқий соҳадаги мулоқот билан белгиланади. Ходим мазкур қоидани ҳамisha билиши ва ёдда тутиши даркор. Демократия шароитида ўқиш, яшаш, меҳнат қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш лозим, деганимизда

гап, аввало, ҳар бир ходимнинг руҳияти, тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида бўлади. Мазкур муаммо ўта мураккаб, лекин у жуда долзарбдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимининг қонунчиликка нисбатан эътиқоди унинг ижтимоий ҳуқуқий фаоллигини белгилайди ва у ўз моҳиятига кўра, якка ҳуқуқий маданиятнинг мезони бўлади.

Ҳамиша бунёдкорликка ўргатадиган, бутун жамият ва инсоннинг ўзини ҳам ўзгартирадиган маданият даркор. Шу маънода ҳуқуқий маданият инсон жамоасини такомиллаштиришнинг муҳим омили бўла олади, кишиларни ҳуқуқий фаолликка даъват этади.

Ҳуқуқий маданият-ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ҳуқуқий ҳаракатининг ижобий натижаси.

Ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ҳақриятлардан баҳраманд бўлишига шароит яратди, энг муҳими, фуқароларга ҳуқуқ ижодкорлигида қатнашиш, ҳуқуқий талабларни шакллантириш, уларни амалга ошириш, тушунтириш ва ҳимоя этишга имкон беради. Ҳуқуқий маданият шахсий таркибнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш фаолиятининг зарурий шартидир. Унинг моҳияти ана шунда. Шу бондан, яъни ҳуқуқий маданият бўлганлиги учун ҳам ходим унга амал қилади.

Бинобарин, ҳуқуқий маданият ходимнинг ижодий муносабатини ифодалайди. Ҳуқуқий ҳақриятларни ўзлаштириш орқали ҳуқуқий маданиятга эришиш алоҳида аҳамиятга эга.

## 37- боб. ЮРИДИК ФАОЛИЯТ

- 1- §. *Юридик фаолият ва унинг хусусиятлари.*
- 2- §. *Юридик фаолиятнинг тузиллиши.*
- 3- §. *Юридик фаолиятнинг субъектлари.*
- 4- §. *Юридик фаолиятнинг шакллари.*
- 5- §. *Юридик фаолиятнинг функциялари.*

### 1- §. Юридик фаолият ва унинг хусусиятлари

Ҳуқуқшуносликнинг марказий мавзуларидан бири юридик фаолият масаласидир. Давлат бошқарувидаги ўзгаришлар, ҳуқуқни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юридик фаолиятни амалга ошириш билан бевоқифлик.

«Юридик фаолият» мураккаб тушунча. У юқори даражада умумлаштирилган ва динамик тизимни ўз ичига олади. Бу тизим жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий механизми билан уйғунлашиб кетган. Юридик фаолиятни ўрганиш аниқ тарихий ёндашувни талаб қилади, чунки у ўзи хизмат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан бирга пайдо бўлади, ўзгаради, такомилланади.

Юридик фаолият бир қатор хусусиятларга эга. Юридик фаолиятнинг биринчи хусусияти шундан юборатки, уни амалга ошириш давлат органларининг ихтиёридадир. Юридик фаолиятда давлат суверенитетининг асосий хусусиятлари намоён бўлади. У иқтисодий ва сиёсий, ижтимоий ва гоъвий, рағбатлантирувчи ва мажбурловчи тусдаги турли давлат воситалари билан таъминланади. Шунинг учун давлат-хокимият моменти унинг амалий хусусиятини ташкил қилади. Бу хусусият ижтимоий

муносабатларни қайта ташкил қилишнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади.

**Юридик фаолият** — қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган, ижтимоий ва ижобий фаолиятдир.

Ҳуқуқий қоидалар субъектларининг ваколатини ва фаолият қатнашчиларининг мақомини, уларнинг ваколатлари чегараларини, фойдаланиладиган воситалар ва усуллар рўйхатини, кўзланган мақсадга эришиш йўллари, олинган натижаларини мустаҳкамлаш ва расмийлаштириш усулларини белгилаб беради.

Юридик фаолиятнинг иккинчи хусусияти шунда кўринадики, у ҳар доим муайян юридик оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлади.

Юридик фаолиятнинг учинчи хусусияти шундаки, у ижтимоий, шахсий манфаатлар ва эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган алоҳида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жамият ва давлат олдида турган ижтимоий зиддиятларни, вазифа ва функцияларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Кўрсатилган вазифаларни бажара туриб, у ижтимоий-ташкилий, бошқарув фаолиятини намоён қилади.

Юридик фаолиятнинг тўртинчи хусусияти унинг расмий хусусиятга эгаллиги ва қоида тариқасида, ҳужжатлар орқали расмийлаштирилишидир.

Юридик фаолият — ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий қурилишининг муҳим қуролидир.

## **2- §. Юридик фаолиятнинг тузилиши**

Юридик фаолият мураккаб тузилишга эга. Юридик фаолият таркибий қисмларининг юқори даражадаги ташкилланишига, ривожланган про-

цессуал шаклига эга. Юридик фаолият махсус профессионал усуллар, воситалар ва методлар ёрдамида амалга оширилади. Психологик жиҳатдан юридик фаолият катта мазмунга эгаллиги, чуқурлиги, тўлаллиги билан ажралиб туради? Чунки давлат ҳар бир мансабдор шахсга тегишли ҳаракатларни ўз вақтида ва тўғри бажариш учун, ваколатларини амалга ошириши ва улар олдига қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариши учун катта масъулият юклайди. Юридик фаолиятнинг мазмуни деганда уни ташкил қилувчи хусусиятлар, таркибий қисмлар ва жараёнларнинг йиғиндисини тушуниш керак.

Юридик фаолиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири — унинг субъекти бўлиб, унинг табиати уч жиҳат бўйича тадқиқ этилиши керак: 1) ташкилий-тузилмавий; 2) меҳнат жамоаси даражасида; 3) алоҳида шахслар (якка шахс) даражасида.

Юридик фаолиятнинг субъектини ташкилий-тузилмавий жиҳатдан белгиланган тартибда ташкил қилинувчи ва ҳаракат қилувчи, давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўлган, тегишли вазифалар ва функцияларни бажарувчи органлар ташкил этади. Улар Конституция, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил қилинади ва амал қилади.

Ҳар бир субъект ўз олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Ҳуқуқий мақомнинг марказий элементи ваколатдир. У муайян орган ихтиёридаги масалалар доирасини белгилаб берувчи барча давлат-ҳокимият ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг йиғиндисидир.

Юридик фаолиятнинг таркибий қисми бўлган меҳнат жамоаси унинг яхлитлиги, тартиби, расмий.

норасмий гуруҳлар, бошлиқлар таркиби ва бўйсунувчиларнинг келишуви ва ўзаро алоқасига шароит яратувчи омилларни аниқлашга имкон беради.

Шахс сифатидаги ёндашув тегишли муассасалар шахсий таркибини, ходимларнинг касбий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа хислатларини ўрганишни назарда тутди.

### **3- §. Юридик фаолиятнинг субъектлари**

Маълум билимлар ва касбий маҳоратсиз мумкин эмас. Бу — аксиома. Шунга қарамай, кўпинча ҳатто ҳуқуқий билимлар ва юридик малакадан умуман хабари бўлмаган шахслар ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, тушунтириш ва юридик фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулландилар. Бу профессионал юристларнинг жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги ролини баҳолай олмасликдир. Жумладан, бу юристларни олий, ўрта ўқув юртларида сон ва сифат жиҳатидан етарли даражада тайёрламасликда ҳам кўринади. Ҳатто тахминий ҳисоб-китобларга қараганда ҳам, уларни тайёрлаш икки баробар кўпайтирилиши керак. Бошқа мамлакатлар билан таққосланганда, умуман, аҳоли сонига нисбатан юристлар сони бизда АҚШга қараганда 3 марта, ГФР ва Англияга нисбатан 4 марта кам.

Юристларнинг роли айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи қоплаш ва моддий таъминлашга ўтиши, якка меҳнат фаолиятининг, кооператив ҳаракатнинг, хорижий муассасаларнинг ривожланиши билан ўсиб бормоқда.

Барча даражадаги раҳбарлар ҳуқуқ, ҳуқуқий тартибга солиш, юридик фаолият ва профессио-

нал юристларнинг ҳаётимизнинг турли томонларидаги ўрнини тушунмас ва етарлича баҳо бермас, уларга ўз муносабатини ўзгартирмас эканлар, ҳуқуқий ислоҳот ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳақида гапириш қийин.

Ҳозирги вақтда ҳуқуқий ислоҳотни кадрлар билан таъминлаш долзарб иш ҳисобланади. Бу давлат ишига, халқ хўжалигига, милицияга ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига йўналтирилаётган юристларни танлаш, тарбиялаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг қатъий тизимини назарда тутати.

Юридик фаолиятни амалга оширувчи хизматчилар фақат ҳуқуқий эмас, балки иқтисодий, экологик, маъмурий қурилиш каби соҳалар бўйича махсус тайёргарликдан ўтишлари, бошқарув ва хўжалик юритишнинг замонавий усуллари билан олишлари зарур. Ҳозирги шароитда барча ҳуқуқшунос ходимларда юқори даражада фуқаролик хислатларини тарбиялаш алоҳида эътибор талаб қилади. Чунки ҳар қандай юридик фаолият одамларнинг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқ.

Юридик процесда у ёки бу шахслар ва органларнинг ўрни, ролини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш учун юридик фаолиятнинг «субъектлари» ва «иштирокчилари» деган тушунчаларни аниқ фарқлай олиш лозим. Кўпинча адабиётларда улар бир хил кўрсатилади. Таъкидлаб ўтилганидек, органлар ва ташкилотлар, уларнинг тегишли юридик ҳаракатлар ва операцияларни бажаришга ваколатли бўлган мансабдор шахслари субъектлар ҳисобланади. Уларнинг кўрсатмалари ва қарорлари одатда мажбурий тусда бўлиб, турли давлат чоралари билан таъминланган бўлиши, жамият онгига таъсир этишнинг

муҳим давлат-ҳуқуқий қуроли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Баъзи сабаблар ва ҳолатларга кўра, тегишли юридик санкцияларни бажаришда субъектларга у ёки бу даражада ёрдам берадиган алоҳида шахслар, уларнинг жамоалари ва ташкилотлари юридик фаолият иштирокчилари ҳисобланади. Масалан, илмий муассасалар қонунни ишлаб чиқарувчи органларга меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга, тизимлаштиришга, ҳуқуқий кўрсатмаларни изоҳлаш ва аниқлаштиришга ёрдамлашади. Жумладан, Адвокатура ҳақидаги қонунда, адвокатура одил судловни амалга оширишга кўмаклашади деб, ёзиб қўйилган. Гувоҳлар, жабрланганлар ва бошқа юридик фаолиятнинг қатнашчилари бўлишлари мумкин. Уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Буларнинг маълум даражада тўла ҳуқуқий мақомидан далолат беради ва ҳаракатларнинг аниқ белгиланган чегарасини кўрсатади. Шу билан бирга, кўплаб қатнашчиларнинг ҳаракатлари ҳуқуқий нормаларда қатъий белгиланмаган ва муайян ижтимоий шароитлар, мақсадлар, уларга эришишнинг мавжуд воситалари ва усулларидан келиб чиқиб, юридик фаолият субъектлари томонидан йўналтириб турилади.

Зарур ҳаракатларни амалга оширар экан, субъект юридик фаолиятнинг қатнашчилари билан турли ҳуқуқий муносабатларга киришишга мажбур бўлади. Бу мазкур муносабатларнинг нафақат мажбурий, балки асосий етакчи манбаи ҳамдир. Бусиз юридик фаолиятни амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди. Муайян юридик процесдаги қатнашчиларнинг катта ролига қарамай,

охирги юридик қарор, қоида тариқасида, ушбу фаолият субъектининг бир томонлама хоҳишига кўра чиқарилади.

Субъектларнинг юридик фаолияти, албатта, ноқонуний ҳаракатлар ва нотўғри қарорлар билан боғлиқ бўлиши шарт эмас. Улар ўз ваколатларини бажариш, ишни ёмон йўлга қўйиш, айрим операцияларнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, раҳбарлик қила олмаслик, лоқайдлик, формализм, ғайратсизлик, жамоада носоғлом муҳитни яратганлик, маълум натижага эришганлик, тўрачилик, протекционизм ва шу кабилар учун жавоб берадилар.

#### **4- §. Юридик фаолият шакллари**

Юридик фаолиятнинг фаол томонини ҳуқуқий ҳаракатлар ва операциялар ташкил қилади. Юридик ҳаракатлар субъектларнинг ташқи томондан ифодаланган, ижтимоий-ташкилий ва маълум ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи актларини ўз ичига олади.

Ҳар қандай фаолият каби, юридик фаолият ҳам мазмун ва шаклнинг диалектик бирлигига эга. Мазмун фаолиятни ташкил этувчи таркибий қисмлар ва жараёнлар хусусиятларининг йиғиндисини очиб беради. Шакл эса унинг моҳияти, ташкил қилиниши, мавжудлиги ва ташқи ифодаланиши усулларини кўрсатишга имкон беради. Кўпгина юрист олимлар фақат юридик ҳаракатлар намоён бўладиган ва мустаҳкамлаб қўйиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни амалга ошириш усуллари ва воситаларини, чиқарилган қарорларни юридик фаолият шакллариға тегишли деб ҳисоблайдилар.

Фикримизча, юридик фаолиятнинг ички ва ташқи шаклини фарқлаш лозим. Агар ҳуқуқий актлар уни ифодалашнинг ташқи шакли бўлса, ички шакли, яъни ташкил этиш усуллари, мазмун элементларининг ички алоқасига юридик фаолиятнинг процессуал шакли киради. Сўнги-си умумий кўринишда ҳуқуқ ижодкорлиги операциялари ва ҳуқуқни қўллаш ҳаракатларини тартибга солинган ҳолда қўллашда, маълум усуллар ва воситаларни қўллашда, юридик фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширишда намоян бўлади.

Процессуал шакл дастурини, фаолият алгоритминини юзага келтиради, тартибни, субъектлар ва қатнашчиларнинг маълум натижага йўналтирилган ҳаракатини таъминлайди.

Бу муаммонинг барча жиҳатларига кенг тўхталиб ўтирмай, юридик фаолиятнинг ички (процессуал) шаклини тавсифловчи умумий талабларга тўхтаб ўтамиз. Ушбу шакл қуйидагиларни белгилайди:

1) юридик фаолиятнинг у ёки бу тури олдида турган мақсадлар, вазифалар, ҳаётийликка таъсир қилишнинг асосий принциплари ва йўналишлари;

2) субъектлар ва юридик фаолият қатнашчиларининг доираси, уларнинг асосий хусусиятлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳажми, ҳуқуқий жараёнга кириш ва чиқиб кетиш шартлари, процессуал режаси, ҳар бир субъект ва қатнашчиларнинг ўрни ва роли, процессуал имкониятлари ва вазифалари;

3) юридик фаолият субъектлари ва қатнашчиларининг характерлари, операцияларининг мазмуни ва хусусияти;

4) юридик фаолиятни амалга ошириш воситалари ва усулларининг рўйхати, улардан юқори даражада фойдаланиш, улар билан операциялар ўтказишнинг тартиби. Масалан, суднинг қарори фақат маълум жиноят-процессуал қонун, воситалар ва усуллар томонидан аниқланган фактларга асосланиши керак;

5) юридик фаолият субъектлари ва қатнашчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мақсадли таъминлашга имкон берувчи процессуал кафолатлар;

6) юридик ҳаракатлар ва операцияларнинг муддатлари ва вақти;

7) субъект амалга оширган ҳаракатлар, чиқарилган қарорлар ва расмий актлар, ҳужжатлар юзасидан шикоят қилиш тартиби;

8) қабул қилинган қарорларни бажариш шартлари ва тартиби, уларни бажаришни назорат қилиш, олинган натижаларни қўллаш.

Юридик фаолиятнинг баъзи турлари (қонун чиқарувчилик, суд, тергов) анча ривожланган ички шаклга, бошқалари эса (ҳуқуқни аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва бошқалар) камроқ такомиллашган, яъни соддароқ шаклга эга. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бу шакл — юридик фаолиятнинг бевосита атрибути бўлиб, фаолият таркибий қисмларининг мақсадли юқори ўзаро алоқасини таъминлайди.

Адабиётлардаги мавжуд процедура-процессуал шаклларни таснифлаш юридик фаолиятни ўрганишда шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Масалан, улар ривожланиш даражасига кўра қуйидагиларга бўлинади:

*биринчидан*, оддий шакл. Буларда субъектлар ва қатнашчилар ҳаракатини батафсил тартибга со-

лиш мавжуд бўлмаган бошқа процессуал атрибутика (қарз шартномалари ва ишончномаларни нотариат томонидан тасдиқлаш);

*иккинчидан*, ўртача ривожланган шакл. Масалан, норматив ҳужжатларни қабул қилиш тартиби;

*учинчидан*, жуда ривожланган шакл. Бу фаолиятнинг барча томонларини аниқ ва батафсил тартибга солишни назарда тутати (жиноий ишларни судда кўриб чиқиш).

Юридик фаолиятнинг хусусиятига қаралса, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни изоҳлаш, процессуал шакллар мавжуд. Бу ўрин оператив-ижро ва юрисдикцион фаолиятнинг процессуал шакллари ҳақида гапириш мумкин. Процессуал шаклларни улар хизмат қилаётган ижтимоий ҳаётнинг соҳалари ва бошқа мезонлар бўйича таснифлаш мумкин.

Ички процессуал шаклни такомиллаштириш юридик фаолиятнинг самарадорлиги ва ижтимоий қадрини ошириш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ.

Ташқи шакл юридик фаолиятнинг мазмундан ташқари амал қилиши ва ифодаланишини ўз ичига олади.

Бироқ, барча ҳуқуқий актларни чиқариш баъзи умумий хусусиятларга эга. Жумладан, улар ваколатли органлар томонидан чиқарилади, расмий, ҳокимият, ижодий-ташкилий тусга, маълум ижтимоий-сиёсий мазмунга эга. Юридик ҳаракатлар ва операцияларни қўлланиладиган усуллар ва воситаларни ҳужжат шаклида мустаҳкамлайди, ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради, ҳақиқий ҳаётийликнинг ташкил бўлиши ва маълум ижтимоий, шахсий манфаатлар ва эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлади. Муҳим назарий

ва амалий аҳамиятига қарамай, ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг умумий назарияси ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Иш қозғоларини компьютерлаштириш орқали бир хиллаштириш ва стандартлаштириш зарур.

Шакл ва мазмуннинг мувофиқ келиши (яхлитлиги ва қарама-қаршилиги) турлича бўлиши ва юридик фаолият муайян турларининг мақсад ва вазифаларига етишишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳар қандай фаолият каби юридик фаолият ҳам келиб чиқиш, ривожланиш сабаблари, шароитлари ва бошқа шаклларига эга. Ҳуқуқшуносликда у ёки бу ҳолатларнинг ҳуқуқий ва гайриҳуқуқий хатти-ҳаракат, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига таъсири ўрганилмоқда.

Юридик фаолият — объектив ва субъектив реалликни, ижтимоий муносабатлар ва институтларни, шунингдек, уларга тегишли тушунчалар ва кўникмалар, одамларнинг бутун ҳаёт тарзи ва фикрларини ўзгартирувчи куч сифатида майдонга чиқади.

Функционал ёндашув юридик фаолиятнинг динамик табиатини, тизимлилигини, тузилмавий сифатларини, жамиятни ҳуқуқий бошқариш ва ҳуқуқ тизим механизмидаги ўрнини, у қандай қилиб ва қай даражада ҳаққоний ҳаётийликни ўзгартиришини кенг олиб беришга имкон беради.

## **5-§. Юридик фаолиятнинг функциялари**

Юридик фаолиятнинг функциялари деганда, унинг ихтисослашган йўналишини тушуниш керак. Уларда фаолиятнинг ижодий ўзгарувчи роли, ҳозирги шароитдаги ижтимоий-ҳуқуқий йўнали-

ши, табиати намоён бўлади. Функциялар — ҳар доим ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасига йўналтирилган, бир табиатли юридик таъсирлардир. Шунинг учун ҳам улар юридик фаолият олдида турган вазифалар ва мақсадлар билан бевосита боғланган.

Белгиланган функцияларда юридик фаолиятнинг алоҳида хусусиятлари ва томонлари, моҳияти, мазмуни ва баъзи шакллари ўта аниқлашади. Функцияларда, айниқса, юридик фаолиятнинг давлат-ҳокимият, ижодий ўзгартирувчи ва конструктив хусусияти, унинг бутун ҳуқуқ элементларини яхлитлаштириш, зарур ҳуқуқий кўрсатмаларни тушунтириш ва ойдинлаштириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишни таъминлаш, назорат қилиш ва ижтимоий ҳамда шахсий манфаатларни қондириш учун тегишли шароитлар яратиш қобилияти ёрқин намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, бошқа ижтимоий тизимлар билан ҳамкорликда бўлар экан, юридик фаолият ҳар доим ҳар бир элементи тегишли функционал юкка эга бўлган мураккаб динамик тизим сифатида намоён бўлади. Юридик воситалар ва усуллар ёрдамида ҳуқуқий тартибга солиш chegarаларини белгилаш, аниқлаштириш, тизимлаштириш, қўлга киритиш, меъёрий-ҳуқуқий кўрсатмаларнинг мазмунини изоҳлаш, қарорлар чиқариш ва расмийлаштириш, шунингдек, уларни бажаришни назорат қилиш рўй беради.

Юридик фаолиятнинг моҳияти ва ижтимоий вазифаси унинг ўзига хос функцияларида, айниқса, яққол намоён бўлади. Уларда субъект содир этган ҳаракатлар ва олинган натижа баҳолашга асос бўлиб хизмат қилади. Бундай функ-

цияларга қайд этиш — тасдиқлаш, ҳуқуқий ойдинлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳуқуқни изоҳлаш, ҳуқуқни ташкил этиш, ҳуқуқни тўхтатиш, назорат ва бошқалар киради.

Қайд этиш тасдиқлаш функциясининг моҳияти амал қилаётган ва пайдо бўлаётган ижтимоий муносабатларни, муайян ижтимоий шароитларни, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий аҳамиятга эга фактларини тасдиқлаш, актлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини расмий қайд этишда намоён бўлади.

Ҳар қандай юридик фаолиятнинг ҳуқуқни ойдинлаштириш функцияси ҳуқуқий ҳужжатнинг мавҳум мазмунини аниқроқ даражага етказишдан иборат. Бу ушбу ҳужжатлардаги тушунчаларни чеклаш операцияси орқали амалга оширилади.

Юридик фаолиятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси айна вақтда бир неча вазифалардан ташкил топади: превентив, ҳуқуқни таъминлаш, ҳуқуқни тиклаш, жазолаш ва зарарни қоплаш.

Ҳозирги шароитда превентив функция марказий функциялардан ҳисобланади ва ҳар доим юридик фаолият кўплаб субъектларининг, биринчи навбатда, албатта ҳуқуқни қўллаш, назорат ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади.

Юридик фаолиятнинг жазолаш функцияси жарима санкцияларининг ҳуқуқий баён этилишида, шунингдек, муайян шахсга нисбатан шундай давлат чораларини қўллашда намоён

бўлиб, бундай чоралар моддий, шахсий ва ташкилий тусдаги маҳрум этишлар билан боғланган. Унинг моҳияти фақат ҳимоя чораларини белгилаш ва қўллаш, бузилган ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва тиклашдангина эмас, балки норматив ҳамда казуал даражада амалга ошириладиган юридик жавобгарликни қўллашдан ҳам иборатдир.

Ҳуқуқни ўзгартириш функцияси амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини, органларнинг ваколатларини, ижтимоий муносабатлар бошқа қатнашчиларининг ҳуқуқий мақомини ўзгартириш билан боғлиқ. Ҳуқуқни тўхтатувчи функция юридик фаолиятнинг ҳуқуқий кўрсатмалар, чиқарилган қарорлар, амалдаги ҳуқуқий муносабатлар, муайян ваколатлар, мажбуриятлар ҳаракатини тўхтатишга мўлжалланганлигида намоён бўлади.

Юридик фаолият назорат функциясининг мазмуни мўлжалланган мақсадларнинг ҳақиқий ҳолатини амалда бажарилган ишларни баҳолаш ва аниқланган камчиликларни тугатишни ўз ичига олади. Ҳуқуқни изоҳлаш функцияси юридик фаолиятнинг барча турларига у ёки бу даражада ҳосилдир. У махсус мақсад, яъни ҳуқуқий ҳужжатларни изоҳлашда алоҳида ўрин тутади.

Таъкидлаш лозимки, кўриб чиқилган функцияларнинг ҳар бири юридик фаолиятнинг ижтимоий ҳаётга муайян махсус таъсирини кўрсатади. Уларнинг ҳаммаси биргаликда юридик фаолиятнинг жамият ҳуқуқий тизимидаги ўрни ва ижтимоий борлиқнинг бошқа ўзгаришлари орасидаги ўрни ҳақида у ёки бу даражада тасаввур пайдо қилади.

*Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, нодирлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган<sup>1</sup>.*

*И.А. КАРИМОВ*

### **38-боб. ҲУҚУҚ ВА ШАХС. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

- 1-§. Ҳуқуқ ва шахснинг ўзаро муносабатлари.*
- 2-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг турлари.*
- 3-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмлари.*
- 4-§. Давлат ва шахснинг ҳуқуқий алоқалари.*
- 5-§. Шахснинг умумий ҳуқуқий лаёқати ва унинг турлари.*
- 6-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг кафолатлари.*
- 7-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг принциплари.*
- 8-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари.*
- 9-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари.*
- 10-§. Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилиги.*

#### **1-§. Ҳуқуқ ва шахснинг ўзаро муносабатлари**

Ҳар қандай ҳуқуқий тизимда шахс марказий ўрин эгаллайди. Ҳуқуқ таъсири туфайли шахсда кўпгина жиҳатлар: фуқаро, ҳуқуқ субъекти, ҳуқуқий муносабатлар субъекти, ҳуқуқ ва бурчлар, эркинлик ва масъулият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий қобилият, ҳуқуқий мақом фазилатлари билан намойиш бўлади. Ҳуқуқ нормалари шахсга қаратилган бўлади, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибнинг аҳволи, жамиятнинг ҳуқуқий мадания-

<sup>1</sup> *Каримов И.А. «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин». Тошкент. «Ўзбекистон». 1994. 186-бет.*

ти шахсга боғлиқ бўлади. Шахс суд ҳимояси ва бошқа ҳуқуқий муҳофазанинг объекти ҳисобланади. Барча юридик ҳодисалар ва категориялар амалда шахсга бориб тақалади, турли-туман ҳуқуқий алоқалар ва жараёнлар ҳуқуқда мужассам бўлади.

Ҳуқуқий тизимнинг қиммати маълум даражада унда шахсга қандай ўрин берилганлиги, унинг қонуний манфаатлари, ҳаёти, ор-номуси, кадр-қиммати, хавфсизлиги қандай муҳофаза қилинганлиги, у қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги ва бу ҳуқуқларнинг кафолатлари нима-лардан иборат эканлиги билан белгиланади. Бошқача айтганда, мазкур ҳуқуқий тизим шахснинг ўз имкониятларини намоён қилиши, ўзининг ижтимоий ва ахлоқий имкониятларини рўёбга чиқаришга қодир эканлиги ва амалда бунга имкон бериши билан белгиланади.

Шахс давлат билан асосан ҳуқуқ, қонунлар, бошқа норматив ҳужжатлар орқали ўзаро алоқада бўлади. Булар бевосита шахснинг юридик аҳволини, ҳуқуқларини, эркинликларини, бурчларини, масъулиятини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ билан шахснинг ўзаро муносабатларида шахс ва унинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилади. Шахс ҳуқуқ учун эмас, балки ҳуқуқ шахс учун яратилади.

Шахснинг ҳуқуқий мақоми уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларигина эмас, балки уларнинг бурчларини ҳам ўз ичига олади. Чунки уларнинг ҳар бири давлат ва шахс ўртасидаги алоқада мавжуд бўлади.

Бу ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар давлат билан фуқароларнинг муносабатини белгилайди, шунга қараб, давлатнинг демократик шаклда

идора этилаётганлиги ёки этилмаётганлигини билса бўлади. Чунки фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берган, уларнинг бажарилишини тўлиқ кафолатлаган давлатгина демократик давлат ҳисобланади.

## **2- §. Шахс ҳуқуқий мақомининг турлари**

**Шахс ҳуқуқий мақомини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:**

1) фуқаронинг умумий конституциявий мақоми;

2) муайян тоифадаги фуқароларнинг махсус мақоми;

3) индивидуал мақом;

4) жисмоний ва юридик шахсларнинг мақоми;

5) ажнабийлар, фуқаролиги бўлмаган ёки икки фуқароликка эга бўлган шахслар мақоми;

6) тармоқ мақомлари — фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа мақомлар.

Шахс ҳуқуқий мақомларининг турлари жуда кенгдир, лекин назарий жиҳатдан дастлабки учта тури энг муҳим аҳамиятга эга. Уларни бирмунча батафсилроқ тушунтириб ўтамиз.

*Шахсининг умумий конституциявий мақоми* — бу жамият аъзоси, давлат фуқароси бўлган шахсининг мақомидир. Конституциявий мақомнинг мазмунини асосан Асосий қонунда ҳаммага ва ҳар бир кишига бериб қўйилган ва кафолатланган ҳуқуқлар, бурчлар ташкил этади. У аввало, мамлакатнинг Конституцияси билан белгиланади ва турли жорий ҳолатларга, масалан, хизмат юзасидан ўрин алмаштиришларга, оилавий аҳволга, лавозимга, бажариладиган вазифаларга боғлиқ бўлмайди.

Конституциявий мақомга кўп сонли субъектив ҳуқуқлар ва бурчлар кирмайди. Бу ҳуқуқ ва бурчлар субъектларда уларнинг меҳнат фаолиятига, улар киришадиган ҳуқуқий муносабатлар ва бошқа вазиятларга боғлиқ бўлмайди. Конституциявий ҳуқуқий мақом *мезоний*, қолган ҳамма мақомлар учун бошланғич мақом ҳисобланади. Унга қараб, жамиятнинг хусусияти, ижтимоий табиати, демократия даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бу мақом давлатнинг, қонун чиқарувчининг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

*Шахснинг махсус мақоми* фуқаролар муайян тоифалари аҳволининг (масалан, нафақахўрлар, талабалар, ҳарбий хизматчилар, олий ўқув юртлари ходимлари, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, уруш қатнашчилари ва шу кабиларнинг) хусусиятларини акс эттиради. Бу қатламлар фуқаронинг конституциявий мақомига асосланган ҳолда қонунда кўзда тутилган қўшимча ҳуқуқлар, бурчлар, имтиёзларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

*Шахснинг индивидуал мақоми* айрим шахснинг аниқ хусусиятларини (жинси, ёши, оилавий аҳволи. Бажараётган иши ва бошқаларни) қайд этади. Ҳар бир кишининг ўз мақомини, ўз ҳуқуқларини, бурчларини, имкониятларини қатъий билиб олиши — ҳуқуқий маданият, юридик саводхонлик белгисидир. Индивидуал ҳуқуқий мақом ҳаракатчан, ривожланиб борувчидир. У инсон турмушида рўй бераётган ўзгаришлар билан биргаликда ўзгариб боради.

Шахс ҳуқуқий мақомининг бу уч тури ўзаро умумий, хусусий ва ягона турлар сифатида бири-бирига боғлиқ. Улар бир-бирини тақозо қилади, бир-бирига таянади, амалда эса бўлинмасдир. Ҳар

бир шахс айни вақтнинг ўзида ўз давлатининг фуқароси (конституциявий мақом), муайян қатлам ёки гуруҳнинг аъзоси (махсус мақом), такрорланмас шахс (индивидуал мақом) каби юқорида кўрсатиб ўтилган барча фазилатлари билан намоён бўлади. Ҳамманинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми битта, махсус мақомлари жуда кўп, индивидуал мақомлари фуқаролар қанча бўлса, шунчадир.

### **3- §. Шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмлари**

Шахс ҳуқуқий мақомининг таркибига қуйидаги элементлар киради:

мазкур мақомни белгиловчи ҳуқуқий нормалар; ҳуқуқ субъекти эканлиги; асосий ҳуқуқлар ва бурчлар; қонуний манфаатлар; фуқаролик; юридик масъулият; ҳуқуқий принциплар; конституциявий мақом тилидаги ҳуқуқий муносабатлар.

Айрим муаллифлар ҳуқуқий мақом элементлари қаторига ҳуқуқий бурч, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқий онг, инсонпарварлик, адолатни ҳам қўшадилар. Фикримизча, бу унчалик тўғри эмас. Кўрсатиб ўтилган бу ҳодисалар ҳуқуқий мақомнинг шартлари сифатида майдонга чиқади, улар, шак-шубҳасиз, бу мақомга сингиб кетади, у билан биргаликда намоён бўлади, лекин унга мустақил таркибий қисмлар сифатида кирмайди.

Биринчи қарашда ҳуқуқий мақомнинг элементларига кирувчи у ёки бу қисмлар бутунлай расмий хусусиятга эга бўлгандай туюлади. Бироқ аслида шундай эмас. Чунки гап мазкур тушунча реал

ҳуқуқий воқеликни акс эттиришининг ўхшашлиги ёки ўхшаш эмаслиги, мавзуни қамраб олишининг тўлаллиги ёки тўла эмаслиги ҳақида боради. Ҳуқуқий мақомга янги унсурларнинг киритилиши, уни сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан бойитади.

Бир вақтлар шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳуқуқ субъекти эканлиги билан бир нарса деб ҳисобланиб, шу тариқа битта унсурдан иборат бўлиб қолган эди. Кейинчалик ҳуқуқий мақомни ҳуқуқлар ва бурчларнинг йиғиндиси сифатида (икки элемент) таърифлай бошладилар. Ҳозир эса у ўнга яқин элементларни қамраб олади. Бундай ўсиш — илм-фан, амалиёт ривожланишининг натижасидир. Объект ўзгарар экан, тушунча ҳам ўзгаради, тагин ҳам кенгроқ ва чуқур мазмун билан тўлади.

Шахс ҳуқуқий мақомининг кенг талқин этилиши унинг ҳамма нарсаларни қамраб олишини англатмайди, яъни шундай таркибий қисмларини, унинг зарур муҳитини ташкил этувчи қисмларинигина ташкил этади ва нормал фаолиятини ҳамда ривожланишини таъминлайди. Бу тушунчага янги элементларнинг киритилишини ўйлаб кўриш ва объектив жиҳатдан асослаб бериш керак.

#### **4- §. Давлат ва шахснинг ҳуқуқий алоқалари**

Шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмларидан бири шахснинг шу давлат фуқаролигига мансублигидир. Шахс билан давлат муносабатининг асоси фуқаролик ҳисобланади.

Давлат билан алоҳида шахснинг ҳуқуқий алоқаси шахснинг шу давлатга мансублиги билан, яъни шу давлатнинг фуқароси бўлиши ёки шу

давлат ҳудудида ажнабий бўлиб ёхуд фуқаро бўлмаган ҳолда яшаши билан белгиланади.

Шахсларга бериладиган ҳуқуқ ва бурчларнинг ҳажми, шахснинг шу давлат фуқаролигига ёки хорижий давлат фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслигига қараб белгиланади. Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар фақат муайян давлат фуқароларига тааллуқлидир. Шу давлатда истиқомат қилувчи барча тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий мақоми бошқа ҳуқуқий соҳаларнинг нормалари билан ҳам белгиланади.

Давлат ўз фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячиси ҳисобланиб, бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун шароитлар яратади, кафолатлар беради. Агар бундай ҳуқуқ ва эркинликлар бузилса, айбдорларни тегишли жавобгарликка тортади.

## **5- §. Шахснинг умумий ҳуқуқий лаёқати ва унинг турлари**

Шахс ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми шахснинг умумий ҳуқуқий лаёқатидир. Бу таркибий қисм фуқаролик билан чамбарчас боғланган бўлиб, мантиқан ундан келиб чиқади ва унинг мазмунини аниқлаштиради. Фуқаролик ҳам, ҳуқуқий лаёқат ҳам давлат билан ҳар бир фуқаро ўртасидаги мустаҳкам алоқани билдиради. Фуқаролик билан муайян шахснинг умумий ҳуқуқий алоқаси ўрнатилади. Ҳуқуқий лаёқат эса фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштиради.

Умумий ҳуқуқий лаёқатлилик икки турда бўлади: ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати.

Шахснинг ҳуқуқий лаёқати — унинг маълум ёшга кирганлиги, руҳий жиҳатдан соғломлиги,

Ўзининг қилган хатти-ҳаракатлари учун жавоб бераолиши, ўзини бошқара олишга қодирлигини билдиради.

Ҳуқуқ нормаларида муомала лаёқатига эга бўлиш учун ва қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун давлат фуқаролари маълум ёшга тўлган бўлиши кераклиги кўрсатилган. Умумий қоидаги асосан, Ўзбекистон фуқаролари балоғат ёшига (18 ёшга) етганидан сўнг, асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар ва юридик мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгар бўладилар.

Баъзи бир ҳуқуқлардан фойдаланиш ёшлик давридан бошланади. Масалан, туғилгандан бошлаб фуқаролар шахсий мулк эгалари бўлишлари ва ворислик қилишлари мумкин, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, ҳаётини сақлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар етти ёшга тўлганда билим олиш ҳуқуқига эга бўладилар; 25 ёшга тўлганларида Республика Олий Мажлисига депутат бўлиб сайланишлари мумкин.

Фуқаролар конституциявий бурчларини бажаришлари учун ҳам балоғат ёшига етган бўлишлари керак. Лекин улар маълум жиноятлар учун 14—15 ёшдан, Ўзбекистоннинг Жиноят кодексига асосан, 13 ёшдан ҳам жавобгарликка тортилишлари мумкин. Руҳий касалликка чалинган фуқаролар (суд қарори билан) муомала лаёқатига эга бўлмайдилар.

## **6- §. Шахс ҳуқуқий мақомининг кафолатлари**

Шахс ҳуқуқий ҳолатининг муҳим таркибий қисми ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошириш механизми ва уларнинг кафолатланганлигидир.

**Кафолатлаш** — давлатнинг ўз фуқароларига ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун тегишли шароитлар яратиш ва уларни керакли воситалар билан таъминлашдир. Кафолатлаш давлатнинг ўз фуқароларига бўлган муносабатини билдиради. Инсон ҳуқуқлари ва бурчларини таъминлашнинг иқтисодий, сиёсий ва юридик кафолат турлари бор.

*Биринчидан*, иқтисодий кафолатларга — шу давлатда ташкил топган модий-иқтисодий негизлар, яъни барча мулк турларининг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг давлат томонидан бир хилда муҳофаза қилиниши киради.

*Иккинчидан*, сиёсий кафолатларга — жамият сиёсий тузуми, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, ҳокимиятни халқнинг ўзи амалга ошириши, жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг жамият сиёсатини амалга оширишда, давлат ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирок этишлари киради.

*Учинчидан*, юридик кафолатларга — Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш йўл-йўриқлари кўрсатилганлиги, давлат томонидан бутун давлат ташкилотларига, мансабдор шахсларнинг зиммасига ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминлаш вазифаси юклатилганлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мавжудлиги киради.

Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Масалан, унга кўра, «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» (42- модда); «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя

қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» (43- модда).

## 7- §. Шахс ҳуқуқий мақомининг принциплари

Шахс ҳуқуқий мақомининг принципларига қуйидагилар киради:

- инсонпарварлик;
- жамият манфаати билан шахс манфаатларининг мутаносиблиги, гуруҳ, партия ва давлат манфаатини инсон манфаатидан юқори қўймаслик;
- фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлиги;
- ҳуқуқ ва мажбуриятнинг бирлиги ва тенглиги.

Бу принципларга асосланиб, шахс ҳуқуқий мақомининг қандай эканлигини билиш мумкин.

Шахс ҳуқуқий мақомининг биринчи принципи — инсонпарварлик. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ба-жарилишининг кафолатланганлиги инсонпарварлик принципи амалга оширилишининг кўрсаткичидир. Инсонпарварлик принципининг шахс ҳуқуқий мақомини белгилашга асос бўлиб хизмат қилишининг белгиларидан яна бири шуки, умуминсоний қадриятлар демократик қонунчилик ва давлат фаолиятининг асосидир.

Бу принцип халқаро ҳужжатларда, хусусан Янги Европа учун Париж хартиясида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, давлатлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар: «инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ҳар бир кишига тугилгани-

дан бошлаб тааллуқдир, улар муқаддасдир ва қонун томонидан бунга кафолат берилади. Уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш — ҳар бир ҳукумат учун биринчи мажбурият, эркинлик, одамийлик ва тинчликнинг асоси».

Ўзбекистон давлати «Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»<sup>1</sup>.

«Ўзбекистон Республикаси инсонпарварлик ғояларига содиқ бўлиб, бу ғояларнинг олий мақсади — инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтиришдир»<sup>2</sup>.

Шахс ҳуқуқий ҳолатининг иккинчи принципи — жамият манфаати билан шахс манфаатларининг мослигидан иборат бўлиб, улар ўзида ҳуқуқ ва мажбуриятнинг бирлигини мужассамлаштиради. Кишиларни ҳаракатга келтирувчи куч ҳамда уларнинг алоҳида хулқини йўлга солувчи омил — манфаат. Шахс ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, ушбу муносабатлар жамоаларда вужудга келади ва уларнинг манфаати, асосан жамиятнинг манфаати билан белгиланади.

Фуқаронинг қонуний манфаати унинг моддий ва маънавий талабидир. У шахснинг қобилияти ва бутун жамиятдаги фаолиятини ривожланти-

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993. 43- бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993.46- бет.

риш билан белгиланади. Жамият манфаати эса жамиятнинг мақсади ва вазифаси бўлиб, унинг ривожланиши учун хизмат қилади.

Фуқароларнинг қонуний манфаатлари жамият манфаати билан узвий боғлиқ, уларнинг манфаати жамият манфаати билан, жамият ҳаётининг тарихий шароитлари билан боғлиқ. Ҳамма бир кишининг бахт-саодати тўғрисида ва бир киши ҳамманинги бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиши Ўзбекистонда қадимий миллий қадрият бўлиб, ҳозирги даврда ҳаётини қонунийга айланиб қолган ва бу принцип жамият билан шахснинг ўзаро муносабатларида амал қилмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини ифодалаш, уларнинг эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш ҳамда шахснинг ҳар томонлама ва уйғун камол топишига қўмаклашиш давлатимизнинг асосий вазифаларидандир. Иккинчи томондан, ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларига асло бефарқ қараб турмайди. У ўз ватанини севади, жамият ҳаётида фаол қатнашади. У барча моддий ва маънавий неъматларнинг яратувчиси, республиканинг ҳокимият эгасидир.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким улардан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши ёки ҳуқуқи чеклаб қўйилиши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқи ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устун бўлиши керак. Давлат

ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифаларини тўғри адо этган ҳисобланади<sup>1</sup>.

Жамият ва шахс манфаатларининг бирлиги Ўзбекистон қонунларида, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларида, ҳуқуқлар билан бурчларининг бирлигида кўринади. Масалан, жамиятнинг ҳар бир аъзосига бир хил ҳуқуқ ва бурчлар юклатилади. Кимки ҳуқуқ эгаси бўлса, у албатта бурч ва мажбурият эгаси ҳамдир.

Шахс ҳуқуқий мақомининг учинчи принципи — ҳуқуқ ва бурчнинг бирлиги принципи. Ҳар бир фуқаро қонунда кўрсатилган ёшга кириши билан барча ҳуқуқлардан, эркинликлардан фойдаланиш имкониятига ва қонунда кўрсатилган бурчларни бажариш мажбуриятига эга бўлади.

Умумийлик ҳуқуқ ва бурчларни бажариш учун ҳаммага баробар имкон бериш, қонунда кўрсатилмаган бўлса, ҳеч кимни бурчни бажаришдан четлаштирмаслик демакдир. Умумийлик принципи фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларида яққол кўринади.

Ҳар қандай шахсий ҳуқуқ ва бурчларнинг субъекти (эгаси) қонунда кўрсатилган ёшга етган ва бошқа талабларга жавоб берувчи ҳар бир шахс бўлиши мумкин — ҳуқуқ ва бурчнинг тенглиги.

Шахс ҳуқуқий мақомининг тўртинчи принциpidир. У шундай маънони билдирадики, ҳар бир жамият аъзосига, давлат, бошқа жамият аъзолари билан бир хилда тенг юридик имкониятлар яратади. Шахсларнинг Конституция ва қонунларда

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995. 23- бет.

кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчлари ҳамма фуқаролар учун баробардир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 18-моддасида бу тўғрида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Тенг ҳуқуқлилики фақат тенг ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш деб тушунмаслик керак. Тенг ҳуқуқлилики фақат ҳуқуқларга нисбатан эмас, балки бурчларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Ана шундагина у ҳақиқий тенг ҳуқуқлиликини аниқлатади.

## **8- §. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари**

Шахс ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми — фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан белгилаб қўйилган асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларидир. Фуқаролар ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмлари ичида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари марказий ўринни эгаллайди. Чунки давлат билан шахс ўртасидаги алоқаларнинг асосий қисми ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар асосида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам шахснинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида фикр юритилганда, баъзи олимлар шахснинг ҳуқуқий мақомини уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндиси ёки ҳуқуқ ва бурчларининг йиғиндиси деб тушунтирадилар.

«Фуқароларнинг ҳуқуқлари» тушунчаси билан «инсон ҳуқуқлари» тушунчаси ўртасидаги фарқ нималардан иборат? Фуқароларнинг ҳуқуқлари — ҳар бир давлатнинг қонунларида ўз аксини топ-

ган фуқаролар ҳуқуқларидир. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари Конституцияда мустаҳкамланади. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқлари бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормаларида ҳам ўз аксини топади.

Шу билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари деган тушунча ҳам бор. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топади, сўнг давлатлар уларни тан олган ҳолда ўз Конституцияларида мустаҳкамлашлари мумкин.

Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига ва асосий эркинликларига нечоғли риоя этаётганлигига қараб, шу мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обрўси ва унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари белгиланади. 1948 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсоннинг асосий ҳуқуқларига ишончни мустаҳкамлаш ва БМТ принципларини амалга ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясини қабул қилди. Бу мўътабар ҳужжат ер юзидаги ҳар бир киши соҳиб бўлиши лозим бўлган асосий ҳуқуқларнинг обрўли баёнидир. Унда БМТ Низомининг, «инсон ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиниши барча ҳукуматлар ва барча халқларнинг муштарак бурчидир», деган принцип ўз аксини топган. Бу Декларация буюк тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, **у жаҳон аҳлининг виждонидир; у жамиятлар ва ҳукуматлар нуқтаи назарларининг нечоғли тўғрилигини ўлчаб берадиган мезондир.**

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясидан кейин ана шу мўътабар маънавий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатга ҳуқуқий куч-қудрат бахш этилган яна уч ҳужжат қабул қилинди: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги хал-

қаро пакт (1966 йил 19 декабрь), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 18 декабрь), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол (1966 йил 19 декабрь).

Бу ҳужжатлар 1976 йилдан амал қила бошлади ҳамда халқаро ҳуқуқий муносабатларда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль (қонун) деб атала бошлади<sup>1</sup>. Ушбу ҳужжатларга имзо чеккан давлатлар инсониятнинг бутун тарихи мобайнида қайд этилган жамики ҳуқуқларини тан олишлари ва уларга риоя этишлари шарт.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси давлатлар учун тавсия сифатидаги ҳужжат бўлиб, ихтиёрий равишда бажарилади. Бу ҳужжат давлатлар суверенитетини, яъни ўз тақдирини ва ўз ривожланиш йўлини ўзи белгилаш ҳуқуқини чекламайди. Халқаро пактлар ва конвенциялар халқаро шартнома кучига эга ва фақат ушбу пакт ва конвенцияларга қўшилган давлатлар учун мажбурийдир. Бундай шартномаларга қўшилиш ёки қўшилмасликни ҳар бир давлат ўзи белгилайди.

Юқорида кўрсатилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактлар биргаликда давлатларнинг инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги асосини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўрсатилишича, барча одамлар эркин, қадрқиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур (1-модда). Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль. Т., 1992. 4-бет.

шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир (3- модда). Ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, инсонликка иснод бўлган ёки қадр-қимматни хўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳиқ бўлмаслиги керак (5- модда).

Бу ҳуқуқлар инсонга берилган табиий ҳуқуқлардир. Инсон қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар, дунёга келиши билан табиий ҳуқуқларга эга бўлиши шарт. Давлат фақат ўз фуқароларига қўшимча равишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳадаги айрим ҳуқуқларни беради. Бундай ҳуқуқларни давлатлар ўз Конституцияларида кўрсатиб қўядилар, керак бўлса ўзгартирадилар. Шунинг учун инсон ҳуқуқларини кенг маънода тушунмоқ лозим.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларнинг моддаларида инсонларнинг ҳуқуқлари аниқ кўрсатилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир;

2) ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни ҳаётдан маҳрум қила олмайди;

3) ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги, унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак;

4) ҳеч ким эрксиз ҳолатда сақланмаслиги керак;

5) ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас;

6) бирор давлат ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эр-

кин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга;

7) ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга.

Маълумки, ҳуқуқлар ва эркинликларни эълон қилишнинг ўзи старли эмас. Уларни моддийлаштириш, ҳаётга татбиқ этиш ҳам муҳимдир. Лекин бунга амалга ошириш анча мураккаб вазифа. Бир томондан, жамият инсонга у туғилган пайдан бошлаб хос бўлган табиий ва ажралмас ҳуқуқларнинг шак-шубҳасиз қимматини ва муҳим аҳамиятини англаб етди; иккинчи томондан, у уларни тўла-тўқис таъминлашга ва кафолат билан амалга оширишга қодир эмас. Жамият бунга унчалик тайёр эмас, истаклар билан имкониятлар бири-бирига мос келмайди.

Бу қийин ҳал этиладиган зиддият тобора кескин ва мураккаб бўлиб бормоқда. У ижтимоий онгнинг кучли қўзғатувчиси бўлиб, кишиларнинг норозилиги, қаршилик кўрсатиши манбаи сифатида намоён бўлмоқда. Демак, инсон ҳуқуқлари назариясини ва амалиётини, мазкур соҳадаги янги сиёсий йўлнинг ҳамда уни ҳозирги вазиятда амалга ошириш имкониятларининг фарқига етиш керак.

Албатта, шахс ҳуқуқлари концепциясининг ўзини (фалсафасини), хусусан, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш муҳим. Чунки ўн йилликлар давомида кишиларнинг онгига «ҳуқуқлар давлат, партия, ҳукумат томонидан инъом қилинади ёки уларни айрим шахс (доҳий) ҳадя этади», деган фикр сингдириб келинди. Эндиликда инсоннинг ўзига табиат томонидан «марҳамат қилинган» табиий ҳамда ажралмас ҳуқуқларнинг устунлиги эътироф этилди.

Албатта, кўпгина ҳуқуқлар инсон томонидан унинг ижтимоий муомаласи жараёнида қўлга киритилади ёки ҳокимият томонидан табиий ҳуқуқлар асосида ва уларга мувофиқ тарзда белгиланади. Лекин аслида улар бутунлай давлатнинг оддий истагига («бераман» ёки «тортиб оламан» тарзида) боғлиқ бўлиб қолмаслиги лозим.

Инсон ҳуқуқлари айрим мамлакатларнинг ички ишигина эмас, улар бу ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан, ўз истаклари асосида уларни хоҳлаганча «бутунлай ўзгартиришлари» керак эмас. Шуниси ҳам муҳимки, шахснинг ҳуқуқлари ҳақидаги таълимот монопол ҳисобланиб келинган марксча-ленинча мафкуранинг бир қисми бўлишдан тўхтади; бу мафкура тўғридан-тўғри синфий йўналишда бўлиб, ҳуқуқларни «буржуазия» ва «социалистик» ҳуқуқларга бўлар, унда бир хил ҳуқуқлар мажбуран бир-бирига қарама-қарши қўйилар, бири иккинчисидан устун деб ҳисобланарди ва ҳоказо. Лекин мазкур соҳадаги энг катта ютуқ ҳар ҳолда табиий ҳуқуқ фояларининг сўзсиз эътироф этилиши бўлиб, улар муттасил танқид қилиб келинган ва рад этилган эди..

Хуллас, ҳуқуқларнинг назарий концепцияси маълум даражада аниқ (гарчи у янада ишлаб чиқилишини талаб этса ҳам). Муаммолар ана шу концепцияни амалга ошириш йўлларида вужудга келмоқда, чунки жамият ҳали бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратмаган. Бироқ мазкур вазиятда ҳам давлат ўзининг ҳуқуқлар гаранги, соқчиси, ҳимоячиси вазифасини изчиллик билан тўла маънода амалга ошириши лозим.

1789 йилги Француз инқилобининг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясидаёқ бундай

дейилган эди: «Ҳар қандай сиёсий иттифоқнинг мақсади — инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдир» (2- модда). Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимда (1966 й.) ҳам кўрсатиб ўтилганидек, «ҳар бир давлат ўзининг ҳудудидаги барча шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва таъминлаш... ўзининг ҳуқуқий тизимида кўзда тутилган барча ҳимоя воситаларини тақдим этиш мажбуриятини олади» (2- модда). Эндиликда бу қоидалар Ўзбекистон Конституциясида ҳам мустаҳкамланди, унда айтилишича, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш — давлат ҳокимиятининг бош вазифасидир.

### **9- §. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатимиз халқаро ҳужжатларни тан олиб, уларга содиқ қолишини маълум қилди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда, нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки барча инсонларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ратификация қилди (тасдиқлади). Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, инсон ҳуқуқларига бағишланган 70 та халқаро ҳужжатлардан 40 дан ортигини ратификация қилди. Ўзбекистон парламенти 1993 йил 27 ноябрда қабул қилган «Янги Европа учун Париж хартияси», 1995 йил 31 августда қабул қилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаро-

лик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол, Ирқий камситишнинг ҳамма шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, кийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатлар шулар жумласидандир. Ратификация қилинган бу ҳужжатлардаги асосий қоидалар республика қонунчилигида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

Республикада инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган бир қанча давлат органлари ва институтлари фаолият кўрсатмоқда. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқи бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг амалдаги қонунлар мониторинги институти ва инсон ҳуқуқи ҳимояси билан шуғулланувчи бир қанча ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотлари шулар жумласидандир.

Демократик жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг бурчлари ва вазифалари муайян ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий институтни ташкил этади. Бу эса у ёки бу жамиятнинг тараққиёти ва етуклиги даражасидан гувоҳлик беради. Ана шу институтга биноан шахс моддий ва маънавий неъматлардан, ҳокимият механизмида, ўз манфаатларини рўёбга чиқаришнинг қовуний шаклларида фойдаланади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар ва халқлар, жаҳон ҳамжамияти инсон ҳуқуқларини ва уларни ҳимоя қилишни ҳар томонлама идеал, илғор тараққиёт, фаровонлик ва гуллаб-яшнаш, тинчлик ва адолат асослари сифатида қарайдилар.

Мустақил Ўзбекистон туб ҳуқуқий ислоҳотлар йўлидан борар экан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумбашарий қадриятларни устувор ва энг аҳамиятли қадриятлар деб эълон қилди. Мазкур соҳада ҳамма томонидан умумэътироф этилган халқаро андоза ва талабларга амал қилиш зарур деб топди. Бунинг тасдиғи 1992 йил декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституция ҳуқуқий давлатнинг, фуқаролик жамиятининг чуқур инсонпарварлик негизларини яратиб беради.

Конституция инсон ҳуқуқларига оид мезоний ғоялар, принциплар, ҳуқуқ ва эркинликлар, шунингдек, бурчларнинг кенг доирасини акс эттиради. Конституцияда таъкидланишича, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари табиий ажралмас ҳуқуқлар ва эркинликлар бўлиб, унга туғилган пайтидан бошлаб берилади, олий қадрият деб эътироф этилади ҳамда тугалланган нарса деб ҳисобланмайди. Ҳар ким яшаш ҳуқуқига, шахсий хавфсизлик ва дахлсизлик, ор-номусини, қадр-қимматини, яхши номини, фикр ва сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, фикрлар ва эътиқодларини ифодалаш, яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгадир. Ҳар ким мулкка эга бўлиши, сотиб олиши, ундан фойдаланиши, тасарруф қилиши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши мумкин.

Анъанавий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар — меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ёрдам олиш, нафақалар билан таъминланиш ҳуқуқлари назарда тутилган.

Сиёсий соҳада давлат органларига сайлаш ва сайланиш, ўзининг касб тайёргарлигига мувофиқ

ва ҳеч бир камситилмасдан расмий лавозимларни эгаллаш, ахборотлар излаш, олиш ва тарқатиш, давлат органларига шахсий ва жамоа мурожаатларини (арзномааларини) юбориш, ўз миллатини эркин равишда белгилаш, жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Ҳамманинг қонун ва суд олдидаги тенглиги қарор топмоқда. Ҳеч ким ўзига ва ўзининг яқин қариндошларига қарши гувоҳлик бериши шарт эмас. Айбланувчининг айби белгиланган тартибда исботлаб берилмагунча у айбдор деб ҳисобланмайди (айбсизлик презумпцияси). Эркинликнинг чекланишига, шу жумладан ҳибсга олинишга фақат суд қарори билан йўл қўйилади. Шахс 48 соатдан кўпроқ муддатга ушлаб турилиши мумкин эмас.

Қонун бузилган ҳолда олинган далиллар юридик кучга эга эмас деб ҳисобланади. Қамоққа олинган ҳар бир шахс адвокатнинг (ҳимоячининг) малакали ёрдамини олиш, ўзига давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплатиб олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким айна битта ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгар бўлмаслиги лозим.

Муҳим аҳамиятга эга бўлган шундай юридик нормалар борки, улар кишининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмаслигини, жамоат бойлигига, ахлоқига, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги лозимлигини белгилаб беради. Конституция асосида ўрнатилган тузумни зўравонлик билан йўқ қилиш ёки ўзгартириш учун, ирқий, миллий, синфий, диний низоларни авж олдириш, зўрлик ва урушни тарғиб қилиш учун ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

Фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини вақтинча чеклашга фақат қонун билан белгиладиган асосларда ва доираларда, фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирдагина йўл қўйилади. Бундай чеклашлар 1966 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19, 21- моддалари талабларига тўла мос келади.

## **10- §. Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилиги**

Инсон тарихида янги давр — Инсон ҳуқуқлари даври бошланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995—2005 йилларни сайёрамизда «Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги» деб эълон қилди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз Қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва якуний мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналишни белгилаб берди:

*биринчидан*, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

*иккинчидан*, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

*учинчидан*, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

*тўртинчидан*, судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан суд тизимини демократлаштириш;

*бешинчидан*, аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси — ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан. Инсон ҳуқуқлари — жамиятнинг энг олий қадриятидир. Инсон ҳуқуқлари — муҳим конституциявий институт. Инсон ҳуқуқлари — бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Инсон ҳуқуқлари XXI аср тараққиётининг асоси ва давр талабидир.

Инсон ҳуқуқлари — демократик-ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси. Инсон ҳуқуқлари — ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам, инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутди.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик — инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган. *Биринчи босқич* — 1789 йилги Инсон ва гражданин ҳуқуқлари француз декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ри-

вожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи 10 та қўшимча — Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биллини кўрсатиш мумкин. Бу даврда қабул қилинган қонунларда алоҳида эътибор қуйидаги муаммоларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган:

- 1) шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
- 2) шахс дахлсизлиги;
- 3) хусусий мулк ҳуқуқлари;
- 4) сайлов ҳуқуқи (турли цензлар билан чекланган бўлса-да).

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиётининг *иккинчи босқичи* XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик тоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган. Совет Конституциялари, Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўлади.

*Учинчи босқич* XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу босқичда Инсон ҳуқуқларининг «янги авлоди» тўғрисидаги қонунчилик ривожланди. Бу ҳуқуқлар қаторига қуйидагилар киради:

- 1) тинч яшаш ҳуқуқи;
- 2) соф ва тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;
- 3) ахборот олиш ҳуқуқи кабилар.

Бу босқичда Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 га яқин, Европа Кен-

гаши томонидан 180 дан зиёд, ЮНЕСКО — 70 дан ортиқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти — 40 дан кўпроқ турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 500 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар бор. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон стандартлари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шакллانган. Бу қонунчиликнинг негизини, авваламбор Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз ривожини топган. Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим қоидалар мустақкамланган:

*биринчидан*, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таң олиш ва ҳимоя қилиш — давлат мажбуриятидир;

*иккинчидан*, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари рўйхати халқаро ҳуқуқий стандартларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

*учинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғояси, назариясининг эътироф этилиши;

*тўртинчидан*, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳаммага ва ҳар бир кишига тенг ва баробар тааллуқлилиги;

*бешинчидан*, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

*олтинчидан*, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

*еттинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, инсон ҳуқуқларига оид 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Республика Президенти эса шу давр ичида инсон ҳуқуқи масалаларига бағишланган саксондан ортиқ фармонлар қабул қилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги беш таркибий қисмдан иборат:

*биринчиси*, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар — виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар;

*иккинчиси*, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар — жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, сайлов тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар;

*учинчиси*, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар — мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар;

*тўртинчиси*, маданий ҳуқуқларга оид қонунлар — фан, таълим, маданият, музейлар, кутуб-

хона, маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар;

*бешинчиси*, инсон ҳуқуқларига оид — миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми бўлган кўп томонлама ва икки томонлама халқаро ҳужжатлар.

Ҳозирги замонда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардаги инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эга:

1) инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

2) конституциявий юстиция (судлов)ни ривожлантириш;

3) инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш;

4) янги демократик институтларни, жумладан омбудсман институтини тараққий эттириш.

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

### 39-боб. ҲУҚУҚ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА

*1-§. Миллий мафқуранинг объектив зарурлиги.*

*2-§. Ҳуқуқ — сиёсий тизимни барқарорлаштириши омили.*

*3-§. Миллий воқ — демократик ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи.*

#### 1-§. Миллий мафқуранинг объектив зарурлиги

Жамият мафқурасиз бўлмайди. Ҳар бир жамият у ёки бу мафқурага таянади. Шунга кўра, мустақил Ўзбекистон ҳам миллий мафқурасини шакллантиришга киришди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов миллий мафқуранинг мақсад ва аҳамиятини тушунтириб, миллий мафқурани давр тақозоси ва тараққиёт омили сифатида баҳолади, унинг халқимиз тафаккурида вужудга келишини тарихий зарурат деб таъкидлади. Миллий мафқура халқимизнинг асрий анъаналарига, урф-одатига, тили ва руҳига асосланиб, одамларнинг қалби ва онига келажакка ишонч ҳиссини сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида, виждонли, мард ва бардошли қилиб тарбиялаши, адолат, илм ва маърифатга интилиш фазилатини тарбиялаши кераклигини унутмаслигимиз зарур.

Неча ўн йиллар мобайнида муайян ақидаларга асосланиб келган жамиятдаги қадриятларни ўзгартириш мушкул ва зиддиятли жараёндир.

Ҳозирги пайтда маънавиятнинг турли кўринишлари, шахслар, ижтимоий гуруҳлар, миллатларнинг ўз фикрини кенг ифода этиши, одамлар нуқтаи назарида, дунёқарашида ва фикр-ўйларида хилма-хиллик намоён бўлмоқда. Ақл-заковат, хоҳиш-ирода ва ҳис-туйғу — ушбу маҳсулларнинг барчаси ҳам ижобий таъсир ўтказавермайди. Аммо, *биринчидан*, бундай хилма-хиллик мавжудлигини ва кўпайиб бораётганини, *иккинчидан*, бу умуман яхши эканини, чунки бу нарса жамиятнинг маънавий кучлари озод бўлаётганидан ва улар руҳий эркин бўлаётганидан далолат бераётганини эътироф этиш керак.

Шу муносабат билан бизга мафкура, шу жумладан ҳуқуқий мафкура керакми деган саволнинг ўзи ортиқча: ягона коммунистик мафкура энди йўқ, уни тиклашга уриниш ҳам йўқ. Ақидапарастлик, сафсатабозлик, гоъларнинг сийқалиги, муайян фикрлар тарзини тиқиштириш, фикр ва мулоҳазалар «софлиги» устидан назорат каби илгариги мафкуравий вазиятнинг асосий иллатлари тугатилди.

80-йилларнинг охирида «мафкура» ибораси жамиятда борлиқни нотўғри акс эттириш ва ҳатто тарғиботчилар ўйлаб топган кўрсатмалар билан уйғунлашиб, салбий равишда эътироф этила бошлади. Мафкуравий тузум емирилишининг ҳам назарий ва ташкилий жиҳатдан, ҳам ходимлар жиҳатидан намоён бўлган ижтимоий фанлар инқирози билан бир пайтда содир бўлиши тасодиф эмас. Бу жиҳат кўпгина фанларда, айниқса, фалсафа, тарих, ҳуқуқшуносликда сезиларли бўлди. Ташкилий инқироз эски усуллар билан, илгариги дарсликлар ва дастурлар бўйича сабоқ бериб бўлмай қолганида ўз аксини топди.

Агар мафкурани билимлар, борлиққа муносабат, идеаллар ва ҳатто, эътиқод муштараклиги деб тасаввур этилса, буларнинг барчаси танқидга учради ва рад этилди. Ижтимоий фанлар билан бирга турмушнинг турли соҳаларини мафкурадан мутлақо озод қилиш тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлди ва мустақкам ўрнашиб қолди. Айримлар «ижобий ҳуқуқ» деб аталган ҳуқуқ билан, яъни амалдаги қонунлар билан чекланиш керак, ҳуқуқ мақсадлари, унинг «руҳи» тўғрисидаги, давлатнинг идеал тузилиши ва ҳуқуқий тизим тўғрисидаги барча фикр-мулоҳазаларнинг кераги йўқ, дейишди.

Бироқ мафкуравий ва ҳуқуқий онг муаммоси ҳақиқатда жуда мураккабдир. Агар у ёки бу мафкура «юқоридан», четдан мажбуран ўтказилмаса, айрим кишилар, ижтимоий ва миллий гуруҳлар нуқтаи назари ва манфаатларидан келиб чиқиб, ўз-ўзидан вужудга келмайдими? Афтидан, шундай. Ҳаммамиз кейинги пайтларда демократик мафкурадан тортиб инсонпарварлик мафкурасигача «мафкуралар кенг мажмуаси»нинг вужудга келиш жараёни авж олиб бораётганини кузатаямиз. Табиийки, ҳеч бир киши теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга, гарчи улар маълум вақтгача алғов-далғов ва ноаниқ бўлса-да, бефарқ қололмайди. Бу минтақага ҳам, ижтимоий гуруҳга ҳам тааллуқлидир. Бўшлиқнинг ўрни, албатта бирор нарса билан тўлдирилади. Шундай қилиб, мафкура у ёки бу даражада муқаррардир.

Мафкуранинг фойдалилиги, жамиятда унинг зарурлиги даражаси — бошқа бир масала. Бир нуқтаи назарга мувофиқ, бизга ҳеч қандай мафкуранинг кераги йўқ, чунки у доимо борлиқни бузиб кўрсатиб, одамларга муайян қарашларни

тиқништиради, мафкура — тазйиқ ва риёкорлик воситаси, мажбурлаш шаклидир.

Бошқа нуқтаи назарларга кўра — одамларнинг қарашлар, идеаллар, қадриятларга эътибор беришининг у ёки бу тизими муқаррар бўлибгина қолмай, ушбу унсурлар таркибига ва тарихий контекстга қараб фойдали ҳамдир. У реакцион ёки илғор, илмий асосланган ёки сийқа, жўшқин ёки қотиб қолган бўлиши мумкин. Ҳаётий мақсадларни белгилаш, идеалларга ишониш, жамиятда ўз хатти-ҳаракати тамойиллари ва меъёрларини ифодалаш инсонларга хос хусусиятдир. Масалан, умуминсоний қадриятларни эътироф этиб ва уларнинг устуворлигини эълон қилиб, биз илгариги мафкуравий ақидалардан воз кечиш билан бир қаторда ўз навбатида муайян мафкуравий принципларни ҳам эълон қиламиз. Демак, мафкуранинг фойдали экани тўғрисидаги масала унинг мазмунига кўчади.

«Ягона тўғри» мафкурадан, уни жамиятга мажбуран ўтказишдан воз кечиш натижасида фикрлар хилма-хиллиги таркиб топди, кўплаб турли илмий, сохта илмий ва мутлақо фанга зид гушунчалар вужудга келди. Ана шундай хилма-хиллик муҳитида воқелигимизнинг асосли талқин этилишига, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг ходис баҳоланишига, яқин ва узоқ келажакни, шу жумладан давлат қурилиши соҳасидаги, шунингдек, жамиятнинг ахлоқий салоҳиятини, унинг маънавий маданияти сақлаб қолиниши ва ривожлантирилишидаги истиқболнинг олдиндан белгилаб берилишига ижтимоий эҳтиёж янада кучайиб бормоқда. Ижтимоий фанлар — фалсафа, ҳуқуқшунослик, сиёсий иқтисод, социология, этика, психология ва бошқа фанлардаги мурак-

каб ҳамда хилма-хил муаммоларнинг ҳал этилишига талаб кучаймоқда.

Мафкура эркинлиги мафкурадан холилик эркинлигини ҳам англатади. Шу билан боғлиқ ҳолда мафкура билан фан муносабати мураккаб муаммолардан биридир. Фан мафкурага бўйсунма олмайди; уларнинг нақадар яқинлигига қарамай, фан билан мафкура турли соҳалардир. Мафкура илмий таҳлил объекти бўлиши мумкин, аynи бир пайтда фан — таъсирчан, илғор мафкуранинг яшаш негизидир. Илмий тадқиқотлар чоғида топилган ҳақиқат, мафкуравий тасаввурлар нақадар демократик ва илғор бўлмасин, улар таъсири остида қайтадан кўриб чиқилиши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас. Аммо жамият ҳақидаги фан одамларнинг дунёқарашларини, мафкуравий мулоҳазаларини эътиборга олади, уларни ўрганиб, илғор йўналишда шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашади.

Тарихий давр билимлар тизимидаги ва қадриятларни танлаш йўлидаги устуворликларни кўрсатади, асосийсини ва иккинчи даражалигини белгилаб беради. Бундай шароитда ҳам бир мафкуравий йўналиш ўз тамойилларини эълон қилиши, ҳимоя этиши, тақсимланаётган қадриятлар учун кураш олиб бориши шарт. Инсонпарвар демократик жамият нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, ҳеч бўлмаганда туртта устувор соҳани белгилаш мумкин. уларда муайян мафкуравий принципларни нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Энг аввало, бу сиёсий мафкура деб аташ мумкин бўлган билимлар ва тасаввурлар соҳасидир. Бунда ҳокимиятга муносабат марказий масалалар.

Давлат мустақиллиги увадаси чиққан ақидаларни кескин супуриб ташлади. Буйруқ, фармо-

йиш, маъмурий ўзбошимчалик мафкураси ўтмишда қолиб кетди. Унинг ўрнини миллий мустақиллик мафкураси, демократияга интилиш ва фикрлар хилма-хиллиги тажрибаси эгалламоқда.

Инсонларвар демократик жамият буйруқбозлик тизимида ҳам, бебошлик шароитида ҳам яшай олмайди ва ривожлана олмайди. Демократик ва сиёсий маданиятнинг кўхна ва яхши маълум бўлган бир қанча умумий принциплари мавжуд. Улар айни пайтда бу соҳада асосий мафкуравий ва ҳуқуқий қоидалар ҳамдир. Сиёсий қарорлар, давлат қарорлари турли манфаатларни аниқловчи барча омиллардан фойдаланиб, омма фикрини эътиборга олиб, ошқоралик вазиятида демократия йўли билан ишлаб чиқилиши керак. Қабул қилинган қарорлар эса давлат идоралари назорати остида, агар зарур бўлса, қонундаги жазо чораларидан фойдаланиб, сўзсиз бажарилиши керак.

Ҳеч бўлмаганда, қуйидаги қоидалар шубҳасиздир: давлат ҳокимиятининг зарурлиги, унга нисбатан ва у қабул қилган қарорларга нисбатан ҳурмат; барча муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бу қарорларнинг мажбурийлиги; улар ижроси устидан демократик назорат. Албатта, бу қоидаларни теранлаштириш ва ривожлантириш талаб этилади. Демократик жамиятнинг ҳуқуқий мафкурасини ишлаб чиқиш чоғида буларга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур.

Ҳуқуқ — демократик жамиятда фуқаронинг эркинлиги ўлчовидир. Ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва таъминланиши мафкураси давлат ҳокимияти ва бошқарувини (ҳокимиятларни тақсимлаш, мустақил суд, мустақил тергов аппарати, кучли конституция назорати ва бошқалар) қуриш тизимида ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Сиёсий мафкура партияларга ва бошқа жамоат ташкилотларига ҳамда оммавий ҳаракатларга муносабатни ўз ичига олади. У халқаро муаммоларни ҳам қамраб олади. Мустақил ташқи сиёсат бу муаммоларнинг марказий мафкуравий ўзагидир.

*Иккинчиси* — иқтисодий мафкура. Ҳозир бу мафкура ниҳоятда ўзгариб кетди. Бунинг ҳам ҳуқуқий жиҳати бор. Бозор иқтисодиётига ўтиш содир бўлмоқда. Лекин унинг мафкуравий оқибатлари ҳали етарлича идрок этилгани йўқ, ҳозирча жавобдан кўра савол кўпроқ. Мамлакатда «бозор мафкураси» ўз-ўзидан ёки маълум мақсадни кўзлаб вужудга келиши керакми? Бу мафкура капитализм мафкурасидан фарқ қиладими? Бу муаммолар ҳали ечилганича йўқ. «Тенглик — эркинлик» деган зиддиятга муносабатимиз белгиланмаган, бу зиддият ўзининг маданий қиёфасида шундай ифодаланади: «ижтимоий ҳимояланганлик — меҳнат фаоллиги». Бироқ бошқа қўполроқ вариант ҳам бор: «текисчилик (боқимандалик) — юлғичлик, талбиркор ҳукмронлиги». Бу зиддиятни қандай бартараф этиш, унинг қайси томонини бартараф этиш, қайси томонини қабул қилиш керак? Ёки муроса излаш керакми? Ана шу баҳсли масалалар ижтимоий фанларнинг мутахассислари томонидан ҳали идрок этилмаган.

Инсоний, демократик жамиятнинг иқтисодий мафкураси бошқариладиган бозор иқтисодиёти сари ҳаракат қилиш ҳақидаги оддий чақириқдангина иборат бўлиши мумкин эмас. Бу мафкура: мулкчиликнинг ҳар хил турларига, шу жумладан ерга бўлган муносабатни; хусусий талбиркорликка, савдо-сотик эркинлигига ва бозор муносабатларининг бошқа тартиботларига муносабатни; шаҳар ва қишлоқнинг, сотувчи ва харидорнинг,

тадбиркор ва ёлланма ишчининг зиддиятли манфаатларини баҳолаш, улардан ҳар бирининг мафкуравий позицияларини аниқлаш каби масалаларни пишиқ-пухта ҳал этишни ўз ичига олади.

*Учинчи йўналиш* — ижтимоий мафкура. Бунда гап инсонга муносабат тўғрисида, унинг ҳозирги замон жамиятидаги ўрни ҳақида бормоқда. Фуқаролик жамияти инсоний жамият деб аталишининг сабаби шунки, инсонга ҳурмат билан қараш, инсон манфаатларининг устунлиги унга асос қилиб олинган. Бироқ бу қонда ҳали тўла-тўқис англаб олингани йўқ, элг муҳимни, ҳаётга татбиқ этилгани йўқ.

Ижтимоий мафкуранинг илмий негизларини ишлаб чиқишга эндигина киришилди. Инсон ҳуқуқлари ҳақида кўп гапирилган бўлса ҳам, аммо халқларнинг, миллатларнинг ҳуқуқлари тахминан белгиланган. Шахс, гуруҳ, жамоат бирлашмаси эркинлигинини чегаралари аниқ белгилаб қўйилмаган. Гуруҳ томонидан шахснинг манфаатларини бостириш ва ҳатто анархизмга мойил бўлган «шахснинг суверенитети»ни эълон қилишгача бўлган бир-бирига зид фикрлар мана шундан келиб чиқади. Диний ва маънавий эркинлик чегаралари ҳам аниқ эмас; маънавий эркинликни ахлоқсизлик, қуюшқондан чиқиш, беҳаёлик, ваҳшийликни тарғиб қилишдан аниқ фарқлаб қўйиш лозим.

Шахснинг масъулияти ўткир муаммо бўлиб турибди. Узоқ йиллар давомида бу масъулият бизда фақат давлат томонидан жазолаш маъносида англаб келинди. Аммо жамият олдидаги, ижтимоий гуруҳ олдидаги, ниҳоят, шахснинг ўз олдидаги масъулият (виждон муаммоси) ҳам бор-ку, ахир.

*Тўртинчиси* — маданият соҳасидаги мафкура. Маънавий маданиятни сақлаш — амалий вазифагина бўлиб қолмай, маданий меросни эҳтиёт

қилиб асрашга, кўп миллатли санъат, адабиёт-ни, тилни ривожлантиришга қаратилган ғайрат-ҳаракатларни фаол тарғиб қилишни назарда тутадиган мафкуравий вазифа ҳамдир. Маданий бойликларга муҳаббатнинг айрим қондалари, чамаси, инсонпарвар демократик жамиятнинг муайян, илк нуқталари тарзида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Масалан, ижод ва маданият соҳасида ўз қобилиятини ифодалаш эркинлиги; ахборот олиш эркинлиги ва ҳар бир кишининг маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи; маданият ёдгорликларини сақлаш ҳақидаги ғамхўрлик; илм олиш эркинлиги.

Ижод эркинлигини кенгайтириш, маданият соҳасидаги барча йўналишлар ва оқимларнинг тўла ҳуқуқлилигини, уларнинг мутлақ тенглигини тан олиш жамиятнинг маънавий турмушини, унинг қадриятларини юзаки ва зарарли сохтакорликлардан, маданий хилма-хиллик ниқоби остидаги ахлоқий айнишлардан ҳимоя қилиш зарур.

Бу ўринда бошқа мафкуравий йўналишларга нисбатан бўлган зиддиятлар яна юзага келаётгани кўриниб турибди. Эркинлик шахснинг ўз қобилиятини ифодалаш ва бошқа кишиларнинг ҳуқуқларини ҳурматлаш мезоними ёки анархия, куч ҳокимияти, сиёсий ва маънавий экстремизм мезоними? Аҳолининг сиёсий ва умумий маданиятини ошириш, инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда давлат ва жамоат турмушининг барча соҳаларида бу ғояларни амалга ошириш йўли билан бу зиддиятни бартараф этиш мумкин.

Инсонпарвар, демократик жамиятга тааллуқли асосий тасаввурлар совет воқелиги негизида қарор топган эди. Шу билан бирга, инсон ҳаёти-нинг турли жиҳатларини мафкуравий ва ... дий

жиҳатдан баҳолаш негизларини ишлаб чиққанда, фақат ҳозирги кун воқеаларига ўралашиб қолиш ярамайди. Инсонпарварлик ва демократия — бутун инсониятнинг маънавий ютуқларидир. Машҳур файласуфнинг ибораси билан айтганда, «маърифатли ақл-идрок шундан олдинги барча асрлардаги ақл идроклардан ҳосил бўлади». Инсонпарвар, демократик жамият қоидалари кўп жиҳатдан ўтмиш тажрибаси ва ғояларини, бошқача негизда юзага келган, аммо бошқа мамлакатлар ва халқлар идрок этиб, тан олган умумбашарий қадриятларни ўзига сингдиради. Ғояларни ва ҳуқуқ қадриятларини ривожлантириш учун инсоният маданиятининг барча ютуқларидан бирақали фойдаланмоқ керак.

Ҳўш, бизга миллий истиқлол мафкураси керакми? Агар бу мафкура инсонпарвар ва демократик руҳда бўлса, агар у жамиятимизни умумбашарий қадриятлар негизда жипслаштиришга қодир бўлса, бизга керак; у ҳуқуқий давлатга шахс ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга интилишнинг ифодаси сифатида керак, албатта.

## **2-§. Ҳуқуқ — сиёсий тизимни барқарорлаштириш омили**

Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаёти барқарор. Мамлакат аҳолисининг жуда кўпчилиги турли-туман сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа жараёнларда қатнашиб келмоқда.

Жамиятимиз тараққиётидаги ўтиш даврида куйидаги зиддиятлар мавжуд:

*биринчидан*, сиёсий жараёнларнинг жўшқинлиги билан сиёсий тизим барқарорлигини сақлаш зарурлиги ўртасидаги зиддият;

*иккинчидан*, демократик ҳуқуқий тизимни яратиш вазифаси билан аҳолининг бу тизимга ғайридемократик муносабатини бартараф этиш вазифаси ўртасидаги зиддият:

*учинчидан*, янги демократик тартиблар, фуқароларнинг кенг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари билан уларни рўёбга чиқариш шакллари (демократияни суниётёмол қилиш эҳтимоли) ўртасидаги зиддият.

Мазкур зиддиятлар беқарорликнинг турли кўринишларини келтириб чиқармоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани каби бу ўринда ҳам давлат-ҳуқуқ воситаларининг роли катта. Музокаралар, давлатлараро битимлар ва шартномалар қонунчиликни ривожлантириш ва бошқалар шу воситалар жумласига киради.

Иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга алоқадор зиддият ва ихтилофлар сиёсий тизимни шакллантиришга таъсир қилади. Қуйидаги тахминга қўшилиш мумкин: бозор иқтисодиёти йўлида қўйилган ҳар бир қадам жамиятнинг табақаланишини чуқурлаштиради. Ижтимоий онгда тенглик психологияси ҳукмронлиги шароитида, давлат ҳокимияти бу йўлда турли ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиб туради.

Келгусида гоҳ заифлашиб, гоҳ кучайиб, турли ихтилофли вазиятларни чиқариб турадиган бир қанча зиддиятлар сақланиб қолиши эҳтимоли бор. Бу эса тузум ва демократик сиёсий тартиб барқарорлигини таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқий усулларни кучайтиришни талаб қилади.

Мазкур зиддиятлар ва ихтилофли вазиятлар узоқ вақт мобайнида сақланиб қолишини эътиборга олиб, ҳуқуқ томонидан ҳуқуқий вазифаларни ҳал этиш ёрдамида сиёсий тизимни бар-

қарорлаштириш вазифасини бажаришини ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқий тизимни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобламоқ керак. Албатта, сиёсий тизимни барқарорлаштириш ва конституциявий тузумни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий воситалари ва усуллари билан бирга сиёсий ва бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади.

Ҳуқуқ билан сиёсат ўртасидаги нисбатнинг тубдан ўзгариши сиёсатнинг ҳуқуқий тус олишини билдиради. Бу, аслида, ҳуқуқнинг сиёсий тизим ва сиёсий муносабатларни барқарорлаштирувчи омил эканлигини кўрсатади. Сиёсий ва мафкуравий кўп фикрлилик шароитида қонунчиликнинг вазифалари ҳам ўзгаради. У тобора кўпроқ можароларни жиловлаб, маърифий изга сола оладиган барқарорлаштирувчи, тинчлантирувчи, «ювошлантирувчи» омилга айланиб боради. Шу муносабат билан фуқаролар иноқлиги, мулоқот ва келишув каби қоидаларнинг аҳамияти ортиб боради.

Ҳуқуқий негизларнинг сиёсатчиларнинг сиёсий эҳтирослари ва муддаолари устидан ҳукмронлиги ғоялари ва қоидалари қарор топиши миллий давлат қурилиши ва халқаро муносабатларнинг кені соҳасига сингиб бормоқда. Миллатлар ва халқлар учун миллий давлатчиликнинг бирон-бир шакллари қандай қилиб танлаш мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

Сиёсий барқарорликни самарали рўёбга чиқариш учун марказда ҳам, жойларда ҳам қатъий ва кучли ҳокимият зарур. У партиялар ва синфлардан ташқарида бўлиши, умумий демократик негизларни амалга ошириши, қонун кучини ўрнатиши ва тиклаши, фуқароларнинг шахсий ҳаффсизлиги ва эркинлигини таъминлаши лозим.

Сиёсий тизимни барқарорлаштириш вазифаси ҳокимиятни тақсимлаш қондасидан фойдаланишга ҳам асосланиб ҳал этилиши керак.

Қонун чиқарувчи, ижроия ва судлов ҳокимияти соҳаларини бир-биридан ажратиш ҳокимиятнинг бир қўлда марказлаштишига йўл қўймайди ва шу тариқа сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ҳокимият тармоқларидан биронтаси иккинчисининг ҳуқуқларини ўзиники қилиб олмаслиги лозим. Натижада, умуман, жамиятнинг сиёсий барқарорлиги ошади.

Айни шу сабабли ҳокимиятни тақсимлаш концепцияси янги ҳуқуқий нормаларнинг муҳим омили бўлиб қолади. Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш, молия, ташқи иқтисодий фаолият ва бошқа соҳаларда президент билан парламентнинг ўзаро муносабатларини конституция асосида тартибга солиш мақсадини кўзловчи нормалар ривожланади ва такомиллашади. Матбуот, сўз, йиғилишлар ва уюшмалар эркинлиги тўғрисидаги, партиялар ва бирлашмаларнинг конституциявийлиги ҳақидаги ва шу каби бошқа ишлар юзасидан Конституциявий суднинг фаолиятини ҳам сиёсий тизимни барқарорлаштириш механизмнинг муҳим унсурлари жумласига қўшмоқ керак.

Аҳоли барча табақаларининг манфаатларини ифодаловчи партияларнинг мавжудлиги демократия ва фуқаролик жамиятининг муҳим қисмларидан биридир. Сайловчилар партиялар учун овоз берар экан, у ёки бу сиёсатни афзал кўради. Сайловчиларнинг овозларидан маҳрум бўлган партия раҳбарлари ўз фаолиятига тузатиш киритишга мажбур бўладилар. Шу тариқа сиёсий барқарорлик қарор топади. Ўзбекистонда ҳақиқий кўшпартиялилик эндигина вужудга келиб, шакл-

ланиб бормоқда. Бу соҳада ҳам сиёсий ва юридик тахминлар қилиш учун асос бор.

Кўппартиялиликнинг вужудга келиши партиялар мақомини ва уларнинг фаолият шакллариини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қилади.

Барча сиёсий партиялар ва бошқа ижтимоий-сиёсий бирлашмалар (ҳаракатлар)нинг тенг ҳуқуқлилиги қондасини шундай нормалар жумласига қўшмоқ керак. Ўзбекистон қонунларида шу қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзининг дастурий ҳужжатларида ва ўз амалиётида ирқий, диний ёки ижтимоий-сиёсий мумтозликни ёки тоталитар ҳукмронликни, зўравонлик билан ҳокимиятни босиб олиш усуллариини тарғиб қилувчи партиялар тузишни ва уларнинг фаолиятини тақиқлаб қўйиш қондаси; легитимлик, шу жумладан партиянинг Конституцияга ва қонунга бўйсунishi (қонунийлик), очиқлик ва ошкоралик қондаси, шунингдек, парламент туридаги партияларнинг тузилиши; ихтиёрийлик ва ўзини ўзи бошқариш қондаси ҳам сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари жумласига киради.

Партиялар тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришда қуйидаги илғор сиёсий ва социологик қоидаларни эътиборга олиш зарур: *биринчидан*, сиёсий партия эркин демократик тузумнинг конституциявий-ҳуқуқий таркибий қисмидир; *иккинчидан*, у мамлакатнинг сиёсий турмушида доимий, эркин қатнашиш орқали муҳим сиёсий вазифаларни бажаради, жамиятнинг сиёсий хоҳиш иродасини шакллантиришга фаол таъсир қилади, жамият ишлари учун зиммасига масъулият ола биладиган фуқароларни тарбиялайди; *учинчидан*, давлатнинг сиёсий хоҳиш-иродасини шакллантириш жараёнида сиёсий йўл-йўриқларни ишлаб

чиқади; *туртинчидан*, жамият билан давлат ўрта-сида доимий сиёсий алоқани амалга оширади, парламент ва ҳукуматнинг сиёсий фаолиятига таъсир ўтказиши, жамиятнинг сиёсий маърифатини рағбатлантиради ва чуқурлаштиради.

### **3-§. Миллий ғоя — демократик ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи**

Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» деган умуммиллий ғояси — минтақалар, тармоқлар ва умуман давлат тараққиётини жадаллаштиришнинг қудратли воситасидир. Ислохотларнинг муваффақияти онгни бошқаришга тўла-тўқис боғлиқ.

Гуллаб-яшнаб турган буюк давлат қиёфаси ҳозирнинг ўзидаёқ миллионлаб кишиларимиз онгига сингиб бориши учун нималар қилмоқ керак? Зеро, буюк миллий ғоянинг бир ўзигина тартибсиз ҳолатдаги кўпдан-кўп тарқоқ онглardan ягона жамоа онгини, ягона ақл-идрокни вужудга келтиришга қодирдир. Буни ягона йўл билан рўёбга чиқариш мумкин.

Янги иқтисодий тафаккур, истеъмолчилик стереотипи, янги иқтисодий тафаккурнинг асоси бўлмиш моҳирона шакллантирилган янги уклад зарралари ёрдамида аҳолининг барча табақаларига мафкуравий таъсир ўтказиш йўли лозим. Ягона давлат дастурига бирлаштирилмаган тарқоқ уринишлар ўзининг юзакилиги, бошбошдоқлиги, тартибсизлиги билан куч, пул ва вақтни бескор исроф қилишга олиб боради, ҳеч қандай наф бермайди. Бу уринишлар ҳукумат амалга ошираётган буюк ишларга халақит бериши мумкин, холос.

Барча ахборот манбаларини, бинобарин, мафкураани ҳам қамраб оладиган яхлиг тармоқ ёки минтақа дастури ишнинг биринчи йилидаёқ онгда ўзгариш ясай олади. Мазкур дастурлар тегишли раҳбарларнинг муносабатлар тизимини эркинлаштириш, сиёсий тусда бўлмаган барча ташаббуслар учун ҳақиқий ошкораликни вужудга келтириш соҳасидаги аниқ-равшан ҳаракатлари билан мустаҳкамланиши лозим. Бутун дунёда салмоқли мафкуравий иш давом этмоқда. Тегишли маҳкамалар ўз мафкуравий машинасини мустаҳкамлаш учун кучни ҳам, маблағни ҳам аямайпти.

Япон хизматчиларининг ўз фирмаси ва буюк Япония шарафига ҳар куни айтадиган мадҳиялари, Жанубий Кореядаги беш дақиқалик йиғилликлар ва шунга ўхшаш ҳар куни изҳор этиладиган мафкуравий муддаолар бир оқим бўлиб бирлашиб, зўр кучга айланганидек, биз ҳам буюк мамлакатнинг фаол ва бадавлат кишилари каби янги қадриятни вужудга келтириш дастурига эга бўлишимиз керак. Халқимиз ўз мамлакати билан ва мамлакатимиз ўз халқи билан фахрланадиган бўлмоғи керак.

Кучли давлатни кучли одамлар барпо этишадди. Одамларимизни кучли қилиш, уларни ўзига ва мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч руҳида тарбиялаш ҳам вақт жиҳатидан, ҳам ҳажм жиҳатидан жуда улкан вазифадир.

Ўзимизнинг буюк миллий ғоямизни топишимиз ҳамда шу асосда иқтисодиётимизни ҳам, мафкурамизни ҳам қуришимиз — энг муносиб, бирдан-бир тўғри йўлдир. Минтақа ва тармоқ раҳбарияти бу ғояни имкониятлари борича рўёбга чиқариши зарур.

*«Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Ўзбекистоннинг бугунги мустақиллигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир»<sup>1</sup>.*

*И.А. КАРИМОВ*

## **40-боб. ЎЗБЕК ҲУҚУҚИНИНГ ТАРИХИ**

- 1-§. Ҳуқуқий тараққиётнинг турли шакллари.*
- 2-§. Ўзбек ҳуқуқи ўзига хос тараққиёт йўлининг асосий босқичлари.*
- 3-§. Қадимий ўзбек ҳуқуқи.*
- 4-§. Ўрта асрлардаги ўзбек ҳуқуқи.*
- 5-§. Мустамлака давридаги ўзбек ҳуқуқи.*
- 6-§. Давлат мустақиллиги ва ўзбек ҳуқуқи.*

### **1-§. Ҳуқуқий тараққиётнинг турли шакллари**

Ҳуқуқий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун тавсия этиш мумкин бўлган умумий моделлари йўқ. Тарихий анъаналар, турли ҳуқуқий тизимлар, маданият ва цивилизацияларнинг ўзига хослигига таянадиган ҳуқуқий тараққиётнинг шакли ва усуллари хилма-хилдир.

Дунё тажрибасининг гувоҳлик беришича, мустақил давлатчиликка эга бўлиш ва янги миллий ҳуқуқий тизимни барпо қилиш ҳеч қачонда сизил кечмаган. Ҳар бир давлат мустақилликка эриши-

<sup>1</sup> *Каримов И.А. Амир Темур – фехримиз, зуруримиз. Янгича фикрлан ва ишлан давр талаби. Т.5. Т. «Ўзбекистон». 1997. 135-б.*

гач, ривожланишнинг ўз ҳуқуқий йўлини қидирган, янги жамият қуришнинг ўз ҳуқуқий моделини ишлаб чиққан. Бу уларнинг қадриятлари тизими, кўзлаган мақсадлари, миллий анъаналари ва тарихий шарт-шароитлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит, инсонларда шаклланган ҳаёт тарзи ва дунёқараш кабилар билан бир қаторда диний эътиқод, руҳият ва ахлоқ нормалари билан белгилаб қўйилган.

Дунёда ҳуқуқий тараққиётнинг турли шакллари мавжуд. Масалан, роман-герман, инглиз-саксон, мусулмон, хитой, ҳинду, африка ва бошқалар. Ҳуқуқнинг миллий давлатчилик доирасида ривожланиши ҳуқуқий тараққиётнинг муҳим қонуниятларидан биридир. Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими ҳуқуқий тараққиёт шакллари билан биридир. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизими янгилаш масаласи ҳозирги вақтда мамлакатда вужудга келган ҳуқуқий вазият билан бевосита алоқадор. У тарихий нуқтаи назардан ҳам идрок этилмоғи лозим. Ўзбекистондаги ҳозирги ҳуқуқни унинг кўп асрлик тарихидан ажратган ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

## **2-§. Ўзбек ҳуқуқи ўзига хос тараққиёт йўлининг асосий босқичлари**

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқи унинг миллий бойлигининг ажралмас қисми ва маълум маънода анъаналарининг туғилиши, аجدодлар мероси ва ўша жамиятнинг ўз-ўзини ифодалаш усулидир. Ҳар хил ҳуқуқий маданият ва анъаналарнинг ўзаро таъсир ва алоқадорликда ҳаракат қилиши ҳаммавақт, ҳамма ерда мавжуд бўлган ва инсоннинг ҳуқуқий онги, маънавий дунёсини бойи-

тиш манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Ҳар хил маданиятларнинг бирлашуви натижасида, одатда, янги халқ, миллат, янги цивилизациялар ва анъаналар пайдо бўлган.

Тарихан Турон (ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг қадимий, исломгача бўлган даврлардаги номи), Мовароуннаҳр (Аму ва Сир дарёлари оралигидаги ерларни араблар шундай деб атаганлар), Туркистон (ҳудуднинг XIX асрнинг иккинчи ярмида муомалага киритилган русча номи) халқлари ўзлигини сақлаб қолиш мақсадида ўз давлатчилиги ва ҳуқуқини, дини ва маданиятини, тили ва адабиётини ривожлантиришган. Бироқ Ўзбекистон дунё тарихида фақат Турон, Мовароуннаҳр ва Туркистон номлари билангина маълум эмас. Буюк ипак йўлида жойлашган ушбу ҳунармандчилик, деҳқончилик ва савдо мамлакатини Александр Македонский «Сўғдиёна» деб атаган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида дунёнинг энг қадимий цивилизацияларидан бири вужудга келган. Ўзбек халқининг тарихи, миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи ўзининг жуда узоқ тарихига эга. Бу ерда тараққий тоилган қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон давлатлари дунё маданиятининг ривожланишида ёрқин из қолдирганлар. Ўзбек давлати ва ҳуқуқи анъаналари ўзида умуминсоний ва миллий давлат асосларини бевосита бирлаштиради ва уч минг йиллик тарихга эга бўлган цивилизацияларнинг маънавий ҳуқуқий салоҳиятига мос равишда ривожланиб бормоқда.

Ўзбек ҳуқуқи жуда узоқ тарихга эга бўлиб, уни тўрт даврга бўлиш мумкин.

*Биринчиси* — **ўзбек ҳуқуқининг қадимий даври**, яъни Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг

пайдо бўлишидан бошлаб, то мусулмон ҳуқуқининг ўрнатилишигача бўлган давр (эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдан эрамизнинг VII асригача). Бу Турон ҳуқуқий цивилизацияси давридир. Давлат ва ҳуқуқий ҳаётнинг асосий хусусияти аجدодларимизнинг қондош қабилаларни бир давлатга бирлаштиришга, мустақиллик, тинчлик ва тенгликка интилиб яшашларида бўлган.

*Иккинчиси* — **мусулмон ҳуқуқи даври**, яъни арабларнинг Мовароуннаҳрга келиши ва мусулмон давлати ва ҳуқуқининг ўрнатилишидан бошлаб то Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило этилиб, мустамлакага айлантирилишига қадар кечган давр (VIII асрдан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача). Бу Мовароуннаҳрнинг исломий-ҳуқуқий цивилизацияси даври бўлган.

*Учинчиси* — **Ўзбек ҳуқуқи тараққиётининг мустамлакачилик даври**, яъни Россиянинг Ўрта Осиёни забт этиши ва Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан бошлаб, то давлат мустақиллигининг эълон қилинишигача бўлган давр (XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1991 йилгача).

*Тўртинчиси* — **Ўзбек ҳуқуқи тараққиётининг ҳозирги даври** 1991 йил сентябрдан, дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат — Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлиши билан бошланади. Бу ўзбек ҳуқуқининг мустақил тараққиёти ва янгидан тугилиши давридир.

### 3-§. Қадимий ўзбек ҳуқуқи

Ўзбекларнинг аجدодлари истиқомат қилган ҳудуд эрамиздан аввалги VII асрда Уссурия давлатлари таркибига, эрамиздан аввалги VI—VII асрларда Аҳмонийлар подшоҳлигига, эрамиздан

аввалги 328 йилдан Александр Македонский империяси, эрамиздан аввал III аср ўрталаридан Юнон-Бақтрия хонлигига, эрамиздан аввалги I асрдан эрамизнинг V асригача Кушон давлати таркибига, V асрдан эфталитлар хонлигига ва сўнгра Турк ҳоқонлиги таркибига кирган.

Ўзбекистон қадимий давр, ўрта асрлар, янги замонда турли хил ҳуқуқий анъаналар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланган бой ҳуқуқий маданиятга эга. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўз давлатчилиги, маданий, сиёсий, диний ва ҳуқуқий анъаналари куртакларини ўзида мужассамлаштирган сўғдиён, парфиён-хуросон, бақтрия-тоҳаристон каби энг қадимий цивилизациялар мавжуд бўлган.

Қадимий Ўзбекистон Буюк Илак йўлининг марказий боғловчи тармоғи, Шарқ ва Ғарбнинг, бутнарастлик, зардуштийлик, мовийлик, ислом ва насронийлик каби динларнинг тўқнаш келадиган, Шарқ ва Ғарб маданиятларининг, кўплаб тил ва миллатларининг ўзаро алоқага киришадиган жойи бўлган. Дин ва маънавият, давлат ва ҳуқуқ, одоб ва ахлоқ қадриятлари ўзбек халқининг турмуш тарзи ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган.

Қадимий давр ўзида қадимий Сўғдиёнадан бошлаб Аҳмонийлар, селжукнийлар ва Хоразм давлатлари, Бақтрия ва Кушон хонликлари, Эфталитлар давлати ва Турк хонлигининг давлатчилик ва ҳуқуқни ривожлантириш тажрибаларини мужассамлаштирган. Ноёб қадимий юридик ёзув ёдгорликларининг таҳлили улардаги ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада юқори бўлганлигини кўрсатмоқда. Масалан, 1932 йилда VII—VIII асрларга оид бўлган 80 дан ортиқ ҳужжатлар то-

пилган. Улардаги шартнома шартларини бажариш, ўзаро ҳуқуқий муносабатда бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш кабиларни таъминлаш механизми, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг аниқ белгиланганлиги, кафолатланганлиги айниқса, катта қизиқиш уйғотади.

Манбалардан маълумки, Ўзбекистон халқлари араблар келгунга қадар зардуштийликнинг муқаддас китоби — Авестога амал қилиб келганлар ва Хаммурапи ва Аҳмонийларнинг қонунлари. Афлотун ва Арастунинг сиёсий-ҳуқуқий ғоялари, эллинистик полислар, Юнон-Бақтрия ва Парфиён шоҳлари, Кушон салтанати ва Турк хоқонлигининг ҳуқуқий нормалари таъсири остида бўлганлар.

#### **4-§. Ўрта асрлардаги ўзбек ҳуқуқи**

Ўзбекистон ўзида Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Чингизхон ва чингизийлар, Амир Темур ва темурийлар ҳамда ўзбек хонларининг ўрта асрлардаги давлатчилиқни ривожлантириш тажрибасини, шу билан бирга қадимий халқимизнинг ўз давлати ва ҳуқуқи ҳақидаги асрий орзуларини, тарихий юридик тажрибасини мужассамлаштиради.

Ўзбек халқининг аجدодлари қадимий давр ва ўрта асрларда босиб ўтган тарихий йўлнинг диққатга сазовор хусусияти шундаки, у нафақат Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Рум, Византиянинг маданий ва ҳуқуқий анъаналари билан, балки Уссурия-Бобил ва Аҳмонийлар ҳуқуқи билан ҳам ўзаро таъсирда, муносабатда бўлган.

Ислом туғилганидан кейинги биринчи юз йиллик ичидаёқ Ҳиндистон, Испания, Хитойнинг

гарби ва Фарангистоннинг жанубида мусулмонлар пайдо бўла бошлаган. Айниқса, мусулмон Испанияси ёхуд араблар атаганидек, Ал-Андалусда ўзаро маданий ва миллатлараро алоқалар фаол суръатда кечди. Усмонли турклар империяси — турли халқларнинг миллий-маданий нуқтаи-назардан ўта ранг-баранг давлатлар учун кўпинча ислом ягона алоқа риштаси бўлиб хизмат қилган. У давлат дини ва расмий мафкура, шунингдек, маданиятни ривожлантирувчи қудратли омил сифатида майдонга чиқди. Шу маънода ислом ҳар хил маданиятлар, анъаналар, урф-одатларни бирлаштириш, халқларни яқинлаштириб уларнинг маданиятини ўзаро бойитиш ва мусулмон цивилизацияси асосида янги маданият ва халқларни шакллантириш орқали Шарқ халқларининг тақдирида ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган ўринни эгаллаган.

VIII асрдан Мовароуннаҳр халқларининг ҳуқуқи тарихида янги давр бошланган. Бу исломнинг Ўзбекистонга бой диний, маданий ва юридик анъаналар билан бирга татбиқ этилиши билан боғлиқ бўлган. Шарият бор-йўғи диний-ҳуқуқий тизим сифатидагина намоён бўлиб қолмай, балки, ижтимоий-маънавий ҳаётни қамраб олувчи ва кишилар ҳамда улар турмушининг тарихий, маданий, миллий, ҳуқуқий анъаналарига ахлоқий тасаввурларига чуқур таъсир кўрсатувчи институтлар мажмуасини ҳам ўзида акс эттирган.

Мовароуннаҳрда фуқаролик, ер, оила-никоҳ, мерос каби хусусий ҳуқуққа оид барча масалалар ҳанифий талқинидаги мусулмон ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солинган. Мана шу нормалар асосида жиноий ишлар ҳал этилган ва суд-

лов ишлари олиб борилган. Бундан ташқари, шарнат ўзига маҳаллий одат ҳуқуқи нормалари, яъни Мовароуннаҳр халқларининг анъанавий ҳуқуқларини ҳам сингдирган бўлиб, уларни умумий ном билан «одат» деб атаганлар.

Мовароуннаҳрда маҳаллий анъаналарнинг мавжудлигини таниқли рус шарқшуноси В.В. Бартольд қайд этиб ўтган. У шундай ёзган: «Агар илмуфан намоёндалари Эрондан таклиф қилинган бўлса, мусулмон илоҳиёт мактаби тўлалигича маҳаллий урф-одатларга асосланган эди, унда бутун мусулмон оламига хос хусусиятлардан ташқари маҳаллий хусусиятлар ҳам намоён эди».

VIII—XIV асрларда Чингизхоннинг «Ёсу»сига асосланган мўғул ҳуқуқи даври бўлди. VIII—XIX асрларда Ўзбекистон исломий халқаро ҳуқуқ маконига қўшилган. Ўрта асрлар одамлари учун Мовароуннаҳрнинг ҳуқуқий маданий қиймати мусулмон дунёси чегарасидан чиқиб кетувчи, зардуштийлик йўқ қилинганидан кейин Хоразмда сақланиб қолган Ҳинд маданияти ва илмига бориб тақалувчи таълимотнинг интеграцион имкониятидадир.

Ҳадислар, яъни Муҳаммад Пайгамбарнинг қилган ишлари ва ўғитлари ҳақидаги ривоятлардан иборат энг машҳур тўплам Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (870-йилда вафот этган)нинг «Саҳиҳ» асаридир. У ҳадисларни миндан ортиқ шайхлардан эшитган, ўша вақтда машҳур бўлган 600 минг ҳадисни текшириб чиққан. 200 минг ҳадисни ўзининг устозлари ва суҳбатдошлари оғзидан ёзиб олган. Бу қадар кучли эътиқод ва билимнинг зур билан 3450 бобдан иборат 97 та китобдан 7397 та ҳадисни танлаб олган. Умум тан олган олтита ҳадислар тўплами қаторидан ўрин

олган «Ал-кутуб-ас-ситта» асарин ҳам ватандошимиз имом ат-Термизий (892-йилда вафот этган)-нинг қаламига мансуб.

Хуқуқнинг ҳақиқий ривожини IX—XII асрларда, Шарқ Ренессансини ёки мусулмон уйғониши дегендан бошланган. Араб-мусулмон цивилизациясининг қадимги юнонларнинг ҳамда кейинроқ яқин Шарқдаги эллинизм ва қадимги Рим ҳукмронлигининг хилма-хил ютуқларини ороми, эрон, ҳинд, хитой маданиятларининг маълум элементларини ўзлаштирган ҳолда ўзига қабул қилган ва европаликларга тақдим этган.

Конфуций ҳуқуқи фалсафасини ўзининг давлат тартиботини билан бир неча бор Ўрта Осиёга келтирилган. Бу нарса бу ерда исломнинг келишидан илгари, савдогарлар, бутпарастлар ва насроний зиёратчилар алмашилиб турган даврда ҳам бўлган. Бақтрия, Суғд, Фарбий Турк ҳоконлигини, Уйғуристон ва Хитой императорлигини ўртасида бўлиб ўтган урушлар ҳам ўзаро таъсир воситаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Хитой цивилизациясининг асосини бўлган анъаналар, аждодлар ва барқарорликка содиқлик нормаларини Уйғуристон ва Шимолий-Шарқий Хитой босиб олинган, ислом муҳитига кириб келган.

Мўғул империясининг савдогарлари ва жангчиларининг ҳаракатлари маълум давр ичидан Юань мўғул сулоласини бошқариб турган Хитойдан Мовароуннаҳрга конфуций оломи (этика) асосларини ҳақидаги билимларини олиб келган. Улар буюк даштда нафақат хитойларнинг, балки бутун Шарқий ва Ўрта Осиё аҳолисининг моҳияти сифатида машҳур эдилар. Конфуцианликнинг исломнинг Ўрта Осиё вариантига бевосита таъсири ҳақида гапирини тўғри бўлмайдиган, бироқ унинг мадания-

ти борасидаги давлат концепциясининг ўзига хослиги Хитой ва Ҳиндистон цивилизациялари билан кўп асрлик алоқаларисиз пайдо бўлиши мумкин бўлмаган. Соф юридик нуқтаи назардан XII—XIV асрлардаги мўғул ҳуқуқи, аниқроғи Чингизхон «Ёсу»сининг таъсири ижобий эмас, салбий бўлган. Мовароуннаҳр ҳуқуқи мўғул одат ҳуқуқи таъсирига жуда кам учраган.

Қуръон нормалари тўғридан тўғри қўлланувчи ҳуқуқ бўлиши мумкин эмас, бу кўпроқ диний ахлоқий ҳуқуқдир. У ислом қобиғидаги жуда кўп ёзма ва оғзаки маданий, ҳуқуқий анъаналар таъсири остида шаклланган. Ислом ўз маънавият ва маданиятини турли халқлардан олинган жуда кўп нарсалар билан бойитган. Бунда Мовароуннаҳр халқларининг ҳам беқийёс ҳиссалари бор. Бу табиий. Бир томондан улар ниҳоят даражада маданиятли ўлкада яшаган бўлсалар, иккинчи томондан мамлакат Араб халифалиги марказидан анча узоқда эди ва ҳуқуққа шариат нормалари асосидаги ўз талқинларини беришлари жуда зарур бўлган.

Мовароуннаҳрда ислом ва шариат бой маданият, ҳуқуқий анъаналарга эга бўлган заминда жорий этилган. Ўша вақтдан уларнинг ўзида Яқин Шарқ цивилизацияси ва ҳуқуқини маҳаллий маданият ва ҳуқуқий анъаналар билан бирга акс эттирувчи кўп асрлик алоқалар бошланган. Ҳуқуқий тизимларнинг умумийлиги бир тизимнинг иккинчисига ўтувчи тарихий қатламларида, уларнинг бир вақтда мавжуд бўлганлиги ва табиийки, ўзаро таъсирда бўлганликларида кўрилади. Шундай қилиб, мусулмон ҳуқуқига хос бўлган қозилар институтининг томирлари Византия ҳуқуқига бориб тақалади.

Мовароуннаҳр халқларининг юридик анъаналари унинг цивилизацияси, умумий, давлат ва ҳуқуқий маданияти ва халқларининг ахлоқидан келиб чиқали. Абадий барҳаёт маданий анъананинг бир қисми нафақат расмий давлат доираларида, балки миллат ва халқлардаги диний-ахлоқий тартиб доираларида ҳам амал қилувчи ҳуқуқий анъанадир. Мовароуннаҳр халқларининг маданий-тарихий ва ҳуқуқий анъаналарининг улугворлиги ҳам ана шунда.

Шариатнинг нормаларини мусулмон фақиҳларининг тушунтиришларисиз амалий турмушда қўллаш мумкин бўлмаган. Мусулмон фақиҳлари ўз асарларида шариат меъёрларини маҳаллий шароитга мослаштиришга ҳаракат қилганлар. У ёки бу масалани шариат бўйича ҳал этмоқ учун қози одатда Қуръон ёки суннанинг ўзига эмас, балки ўша давлатда обрўли ҳисобланган китоб ёки тўпламларга мурожаат қилган. Муайян юридик ишларни ҳал этишда шариатни қўлловчи қози ва бошқа руҳоний шахслар мусулмон ҳуқуқининг бирламчи манбаларига эмас, айнан мана шу китоб ёки тўпламларга асосланишлари керак бўлган. Шу маънода Мовароуннаҳр фақиҳларининг асарлари амалдаги ҳуқуқларнинг манбалари ҳисобланган.

Мовароуннаҳрдаги асосий сунний юридик мазҳаб ҳанифийлик бўлган. Ўзбекистон ҳуқуқининг ҳанифий мазҳабини ривожлантирган асосий марказлардан бири бўлган. Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларда мусулмон фақиҳларини тайёрлаш учун ўқув юртлари — мадрасалар ташкил этилган.

Мовароуннаҳр фақиҳлари мусулмон ҳуқуқи бўйича ўзларига қадар ёзилган ишларга мурожа-

ат этиб, шариатнинг ҳанифий мактаби назария-сини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Улар бутун ислом дунёсида шуҳрат қозонган мусулмон ҳуқуқи билимдонлари — Қуръон шарҳловчилари, муҳаддислар, фақиҳлар ва ҳадис тўпловчилар сифатида майдонга чиққанлар. Уларнинг ишлари мусулмон маданияти ва ҳуқуқшунослигини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатган Маҳмуд бин ал-Кафовий (вафоти 1582 йил)нинг «Катаъиб аълам ал-ахйар мин фуқаҳа мазҳаб ан-Нуъман ал-мухтар» (ан-Нуъман ал-мухтар мазҳаби ҳуқуқшуносларининг таниқлилари) асарида таржимаи ҳоли келтирилган 544 фақиҳнинг 221 таси, яъни 42%и Мовароуннаҳрга тегишлидир.

Мовароуннаҳр фақиҳларининг асарлари нафақат маҳаллий, балки умуммусулмон аҳамиятига ҳам эътибор бўлиб, барча ислом мамлакатларида шуҳрат қозонган. Мовароуннаҳр мусулмон дунёсига кўплаб илоҳий-юримдик адабиётлар берган.

Мовароуннаҳр фақиҳлари Сурия, Миср, Кичик Осиё ҳанифий марказларининг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши ҳамда шариатнинг энг обрўли китобларининг яратилишида ҳал қилувчи роль ўйнаганлар. Мовароуннаҳрда энг оммалашган ва кенг тарқалган юримдик асарлардан Шайху-л-ислом Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Китоб ал-Ҳидоя» (Тўғри йўлга бошлаш) номли фундаментал асарини айтиб ўтиш лозим.

«Ҳидоя» асарида мусулмон ҳуқуқининг турли соҳалари, нормалари ҳақида, ҳанифий мазҳабидаги йирик фақиҳларнинг ҳамда исломнинг бошқа юримдик мазҳаблари намояндаларининг шу масалалар бўйича нуқтаи назарлари борасида маълумотлар берилган. Муаллиф ўз асарини Мо-

вароуннаҳр шароитига мослаштириб ёзган бўлса ҳам, бутун мусулмон дунёсига тарқалган. Қозилик судларида «Ҳидоя» барча Ўзбекистон фақиҳларининг қўлидан тушмайдиган китоб бўлган. Ундан таълим ва суд амалиётида кенг фойдаланганлар.

«Ҳидоя» асари фиқҳнинг нафақат Мовароуннаҳр, балки мусулмон дунёсининг бошқа тарихий-маданий ҳудудларида тарқалиши ва фаолият кўрсатиши механизмини тушуниб стишда катта аҳамият касб этган. «Ҳидоя»да ифодаланган фиқҳ ҳолатлари ва нормалари, метод ва принциплари бизнинг ҳуқуқий дунёқарашимиз, исломга эътиқод қилувчи халқларнинг маънавий қадриятлари ва анъаналарига жуда яқин туради.

Мовароуннаҳрнинг Шош, Илак, Бухоро атрофлари, Тароз, Сугнак ва Хива каби вилоятларида ҳуқуқнинг шофий мазҳаби тарафдорлари ҳам бўлган. Мовароуннаҳрда ҳуқуқнинг моликний мазҳаби йўлини тутувчилар ҳам бўлганлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳам бор.

Мазкур маълумотлар «туркий халқлар исломни қабул қилар эканлар, бу билан бирга ҳанифий ҳуқуқини ҳам қабул қилганлар», деган фикрни аниқлаштириш имконини беради.

Мовароуннаҳр аҳолисининг асосан суннийларга мансублигига қарамай, улар орасида шиалар ҳам учраб турган. Бинобарин улар турли мазҳаблардан, хусусан, фиқҳнинг исмоилий мазҳаби, аловийлар, янада майдароқ йўналишларга бўлинувчи мугалийлик, нажжарийлик, жаҳийлик, карромийлик мактабларидан ва сўфийлик намоёндалари бўлган.

Ал-фиқҳ таҳлилига мустақил ва амалий ёндашув намунасини Амир Темур (1336—1405) бер-

ган. Унинг ҳуқуқ меъёрлари мажмуаси «Тузуклар»-идан кўринадики, у фикҳ нормаларини амалга оширишга катта аҳамият берган. Темур тузукларининг қиёсий таҳлили ундаги кўпчилик нормаларнинг «Ҳидоя» хулосасидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Масалан, «Тузуклар»нинг 4-бандида шундай дейилган: «Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим». Амир Темур 7-бандда айтилгандек фақиҳларнинг обрўларини баланд кўтарган. У 8-бандда айтилганидек «Одам Атодан бошлаб Муҳаммад Пайғамбаргача, улардан то ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунларини ва туриш-турмушларини донолардан» сўраб-суриштирган. Судлов ишларини юритишни ташкил қилиш анъаналарига мувофиқ, Амир Темур уни бошқарув фаолиятидан ажратиб қўйди. Қўшин учун олий судья ёки қозини ва халқ учун алоҳида судьяларни тасдиқлади. Қонун томонидан ман этилган ишлардан сақланиш учун диний-ахлоқий ҳуқуққа таъсир кўрсатиш тизими катта қизиқиш уйғотади.

Амир Темур ва темурийлар давлатида нафақат илоҳий масалалар, балки юридик муаммолар бўйича ҳам эксперт хулосалар чиқарувчи мусулмон фақиҳлари кенгаши фаолият кўрсатган.

## **5-§. Мустамлака давридаги ўзбек ҳуқуқи**

Туркистоннинг мустамлакага айлантирилиши ва бунга қадар бўлиб ўтган ўзбек хонликлари ўртасидаги ўзаро урушлар ўз юридик анъаналарига асосланган мусулмон ҳуқуқий тизимининг эволюциясини сезиларли даражада секинлаштирган.

XIX аср ўрталарида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида учта давлат, яъни Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари мавжуд бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олган ва Туркистон генерал губернаторлигини барпо қилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия протекторатини тан олганлар, Қўқон хонлиги эса тугатилган.

Туркистон ўлкасида мустамлакачилик ҳуқуқи Россия империясининг қонунлари ва минтақавий таъсирга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатларидан келиб чиққан. Бу тизим ўзбек ҳуқуқини европача ҳуқуқий тартиботга бирлаштириш эди ва у мазкур давр Усмонли турклар империяси, Афғонистон ва Эрондаги қонунчилик ривожини тенденцияларига жавоб берган.

Россия империясининг Туркистон ўлкасини бошқарувчи ҳарбий вазирлиги мустамлакачи ҳарбийлар ва мансабдор шахсларни тайёрлаш учун Тошкентда шарқ тиллари мактабини ташкил этган. «Мактаб»да исломшунослик ва шарият бўйича ўзига хос тадқиқотлар ва хорижий олимларнинг ислом бўйича яратган муҳим ишларининг рус тилига таржималари тайёрланган. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори ва вилоят ҳарбий губернаторлари бошқармалари қошида мусулмон қонуншуносларидан штатли маслаҳатчилар ишлаганлар.

Барча мустамлакачилик ҳисоб-китобларидан ташқари мусулмон ҳуқуқини атрофлича ўрганиш катта маданий аҳамият касб этган. Европаликлар ва россияликларнинг ўқимшли кишилари мусулмон жамиятининг муайян тизимга солинган аниқ ҳуқуқий нормалар асосида яшаётганликларининг гувоҳи бўлганлар. Бошқача қилиб айтганда, бос-

қинчиларнинг қатор синовларига бардош берган ва уларнинг тараққиётига белгиловчи таъсир кўрсата олган алоҳида ҳуқуқий цивилизация мавжуд бўлган. Шарият нормаларининг асосий қисми, ўзининг ранг-баранглигига қарамасдан, ўша даврнинг ўзида умуминсоний деб қаралган ва Европа халқларининг ҳуқуқи тарихи билан муштарак томонлари жуда кўп бўлган. IX—X асрларда Бухоро ва Хоразмда вужудга келган мерос ҳуқуқининг айрим ҳолатларидаги ер сервитутларининг рим ҳуқуқидаги муқобил институтларига ўхшаб кетишини қайд этиб ўтиш жоиз. Йирик рус исломшуноси Барон Торнау «Мусулмон халқларини бошқариш тажрибаси уларнинг қонунчилик тизимини ўрганишнинг бутун амалий аҳамиятини тасдиқлаб берган»лигига эътиборни қаратган.

1917 йилда ўзбек халқини совет шаклида европалаштириш содир бўлган. Тошкентдаги октябрь давлат тўнтаришидан кейин Совет ҳокимияти ўрнатилган ва Туркистон АССР барпо этилган. Совет ҳуқуқий эксплуатацияси натижасида қонунчилик умумий андазалар остига бирлаштирилган. Туркистон ҳудудида Россия қонунчилиги РСФСРнинг «Гражданлик ҳолати, оила ва ҳомийлик ҳақида»ги кодекси (1922), Ер кодекси (1922), Жиноят кодекси (1922), Жиноят-процессуал кодекси (1922) амал қилган.

Мусулмон ҳуқуқи 1920 йил бошларигача, то Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги барҳам топмагунча ягона ҳуқуқий тизим сифатида амалда бўлган. Ондавий-маиший доирада шарият нормаларини қўллаш у ёки бу даражада 1928 йилгача сақланиб қолган.

1919—1928 йилларда ўлкадаги совет ҳокимияти тақдири ҳал бўлаётган даврда онда ҳуқуқи

бўйича қозилик (шариат) судларининг иш олиб боришларига йўл қўйилган. Совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлган ислом қонуншуносларининг фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифалари тан олинган. Мусулмон ҳуқуқшуносларни тайёрлашни давом эттирувчи мадрасалар, ниҳоятда чекланган миқдорда сақланиб қолган. 30-йилларнинг бошларида ҳам узоқ қишлоқлар у ёқда турсин Тошкентнинг ўзида одамлар оилавий муаммоларни, мулкни бўлиш масалаларини шароит нормалари асосида ҳал этиб беришлари учун норасмий равишда қозиларга мурожаат қилиб келганлар. Ушанда сиёсий, ғоявий ва ижтимоий сабаблар билан шариат ва уни асраб келаётган мусулмон фақиҳларига қарши қонли уруш эълон қилинган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг биринчи ўн йилида мусулмон ҳуқуқи маълум даражада ўз таъсирини сақлаб турган. Масалан, Туркистон АССР ҳукуматининг 1922 йил 23 декабрда қабул қилган «Қозилик судлари ҳақидаги низом»га асосан шариат ва одат нормалари, агар улар «ишчи оммасининг революцион онги нормаларига» зид келмаса, амалда бўлганлар. Бошқача қилиб айтганда ҳуқуқий тизим «дуализми», яъни бир вақтнинг ўзида совет ва шариат ҳуқуқларининг амал қилиши мавжуд бўлган. РСФСРнинг мерос ҳақидаги қонунчилиги таъсирига қарамасдан, қозилик судлари амалда шариат ва одат нормаларини қўллаганлар.

1924 йилдан 1991 йилнинг сентябригача яшаб келган Ўзбекистон ССР ташкил топган. Бу давр мобайнида 1927 йил, 1937 йил ва 1978 йилда учта Конституция қабул қилинган.

20-йилларда РСФСР кодекслари ва қонунлари рецессияси асосида ўзбек ҳуқуқи асосий тар-

моқларининг биринчи кодификацияси амалга оширилган. Фуқаролик кодекси (1927), Жиноят кодекси (1926), Жиноят процессуал кодекси (1927), Ер-сув кодекси (1929), Меҳнат ҳақидаги қонунлар кодекси (1927), Никоҳ, Оила, Ҳомийлик ва Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш ҳақидаги қонунлар кодекси (1928) қабул қилинган.

60, 70-йилларда барча ҳуқуқ тармоқларининг иккинчи кодификацияси амалга оширилган. 16 та кодекс қабул қилинган: Фуқаролик (1963), Фуқаролик-процессуал (1963), Жиноят (1959), жиноят процессуал (1959), Ер (1970), Меҳнат (1971), меҳнат-тузатиш (1970), Оила-никоҳ (1969), Сув (1972) кодекслари ва бошқалар. Бундан ташқари ҳуқуқнинг алоҳида тармоқлари бўйича кўплаб қонун ва қонун ости актлари қабул қилинган. Шу тариқа 90-йиллар бошида ўзбек ҳуқуқи ўз шаклига кўра кодификация қилинган ҳуқуқ тизимига айланган.

Ўзбекистоннинг совет ҳуқуқий тизими маъмурий буйруқбозликка асосланган режали иқтисодий манфаатларига хизмат қилган. Сиёсий ҳурфикрлиликни инкор этган ягона партия яккаҳокимлигини қарор топтирган ва ҳаддан зиёд мафкуравийлаштириб юборган. Бундан ташқари, республика қонун чиқарувчи органи Иттифоқ ёки Россия қонунлари, партия ва ҳукумат қарорларидан нусха кўчирар эди холос. Кўпчилик қонунлар ўз моҳиятига кўра эклектик, ҳақиқий шароитлардан узиб олинган ва кўпинча миллий ўзига хослик ва анъаналарга, республика манфаатларига зид келар, унинг суверенитетини поймол қиларди. Халқаро ҳуқуқий муносабатларда Ўзбекистон социалистик лагер қобиғига ўраб қўйил-

ган ва ҳақиқатда дунё ҳамжамияти билан эркин алоқа қилиш имкониятидан маҳрум этилган, тенг ҳуқуқли халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинмаган.

## **6-§. Давлат мустақиллиги ва ўзбек ҳуқуқи**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг ҳуқуқий янгилиниш ва истиқбол йўлини танлади. Ушбу мақсад йўлида дунё мамлакатларининг қонунчилик тажрибалари ва миллий юридик анъаналаримиз ўрганиб чиқилди. Қабул қилинадиган кўпчилик қонунлар олдиндан нуфузли халқаро юридик ташкилотлар ва хорижий мутахассисларнинг экспертизаларидан ўтказилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни давлат ҳуқуқ тартиботининг яхлит тизими вужудга келди. У тузилиши жиҳатидан ҳокимиятнинг барча тармоқлари: бошқарувнинг президентлик шаклини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини ўзида мужассамлаштирган.

Қонун ижодкорлигининг тез суръатда ўсиб бориши Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятидир. Мустақил ҳуқуқий ривожланиш давомида Ўзбекистонда 300 дан ортиқ қонунлар (конституциявий ва оддий), кодекслар ва бошқа норматив актлар қабул қилинди. Янги қонунчилик давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, жамиятни демократиялаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, хорижий давлатлар билан иқтисодий, савдо, маданий ва дипломатик муносабатларни ривожлантириш учун юридик асос бўлиб хизмат қилишга қаратилган.

## 41-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

- 1-§. *Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва роман-герман ҳуқуқи оиласи.*
- 2-§. *Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва миллий-ҳуқуқий анъаналар*
- 3-§. *Конституция — Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг узаги.*
- 4-§. *Ўзбекистон янги қонунчилиги тизимининг шаклланиши.*
- 5-§. *Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ.*
- 6-§. *Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқшунослик фани.*

### 1-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва роман-герман ҳуқуқи оиласи

Ҳуқуқ умумийлик, алоҳидалик ва ягоналик элементларини бирлаштиради. Шу маънода у ҳам мавҳум, ҳам аниқ, хусусан миллий табиатга эга. Ҳуқуқ умуминсоний ва миллий маданият ҳодисаси, у ёки бу цивилизацияларнинг инъикосидир.

Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқий тизими, аввало, унинг минтақавий ва роман-герман ҳуқуқи оиласига мансублиги билан таърифланади. Муайян шаклга солинган ва старли даражада мавҳумлаштирилган қонунчилик нормаси бу ўринда бошқа ҳуқуқ манбаларидан устун туради ва уларнинг ўрнини бутунлай эгаллаш эҳтимоли бор. Бироқ, Ўзбекистон ва Европа минтақаси мамлакатларининг ҳуқуқ манбалари тизими қанчалик бир-бирига яқин бўлмасин улар қатор жиҳатлари билан тубдан фарқланишлари мумкин.

Ҳозирги ўзбек ҳуқуқини қуйидаги асосий жиҳатларига кўра, бемалол роман-герман ҳуқуқий тизимлари оиласига бирлаштириш мумкин.

*Биринчидан*, Ўзбекистон ҳуқуқлари кодификация қилинган мамлакатдир. Ҳуқуқнинг асосий манбаи — қонунчилик, яъни давлатнинг олий органлари томонидан қабул қилинувчи норматив актлардир. Ўзбек ҳуқуқининг асосий тармоқлари кодификация қилинган.

*Иккинчидан*, ҳуқуқ манбаларининг қатъий иерархияси. Ўзбек ҳуқуқи манбаларининг тизими Конституцияни, конституциявий қонунларни, оддий қонунларни, Президент фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимият, бошқарув органлари томонидан чиқариладиган норматив актларни ўз ичига олади.

Роман-герман ҳуқуқи анъаналарига асосланган ҳуқуқий тизим борасида кодексларнинг мавжудлиги, яъни Наполеон кодификацияси модели бўйича чиқарилган кодекслар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ҳам 10 дан ортиқ, шу жумладан, Фуқаролик (1-қисм, 1995; 2-қисм, 1996), Фуқаролик-процессуал (1995), Жиноят (1994), Жиноят-процессуал (1994), Оила (1998), ер (1998) кодекслари қабул қилинган.

*Учинчидан*, қонун устуворлиги принципи бу ҳуқуқ манбалари тизими иерархиясининг муҳим таркибий қисмидир. Бунда Конституция устуворлиги принципи муҳим аҳамият касб этади. Бу Конституцияга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни ва шу билан бирга қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳам ман этишни, анъанавий мезонларга, яъни қонунларни шарҳлаш ва қўллашга нисбатан конституциявий нормаларни асосий ҳисоблаш; барча норма ишлаб чиқувчи органларнинг конституциявий нормаларнинг ривожланишига мос равишда ҳаракат қилишга мажбур эканли-

ги Конституцияни қабул қилишнинг ўзига хос табиати ва конституциявий қайта кўриб чиқишнинг мураккаб тартиби; Конституциянинг алоҳида муҳофаза этилиши, бошқача қилиб айтганда, конституциявий наворотнинг мавжудлигини англатади.

*Тўртинчидан*, одил судловни ташкил этиш ва суд тизимини ташкил этувчи асосий тамойиллар. Суд ҳокимияти ягона суд тизимини ташкил этувчи Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди орқали амалга оширилади. Роман-герман ҳуқуқи оиласининг асосий элементлари ўзбек ҳуқуқига Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило қилинишидан бошлаб ва совет ҳуқуқи амалда бўлган даврда татбиқ этила бошлаган.

Бироқ давлат мулкчилигининг мутлақ ҳокимлиги ва демократия ривожланмаган бир партияли сиёсий тизимга асосланган мустабидлик ва ўта марказлаштирилган социалистик режали иқтисодиёт шароитида асосий ҳуқуқий институтлар Фарб мамлакатларининг ҳуқуқий институтларига шаклан ўхшасада, мазмунан улардан тубдан фарқ қилган. Умуман олганда ҳуқуқнинг ўзи ўзбек жамияти ҳаётида унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, бозор иқтисодиёти йўлини танлаш, сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрликка қараб ҳаракат қилиш ўзбек ҳуқуқининг роман-герман ҳуқуқи оиласига нафақат ташқи кўриниши билан, балки мазмун жиҳатдан ҳам яқинлашишига кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бу нарса ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонлари — ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи-

лиги, конституциявий назорат, суд ҳимояси ҳимоянинг асосий воситаси эканлиги қарор топётган оммавий ҳуқуқ соҳасида ва хусусий ҳуқуқ, яъни мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва хусусий мулкчиликнинг бирламчи аҳамиятининг тан олиниши, эркин тадбиркорлик, бозор ҳуқуқи институтлари ва бошқалар соҳасида ҳам ўз аксини топмоқда.

Янги принциплар ўзбек ҳуқуқининг роман-герман ҳуқуқи оиласига яқинлашишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Уни халқаро-ҳуқуқий соҳалар билан бирлаштириш миллий ҳуқуқий тизимларни яқинлаштиришнинг кенг тарқалган усули бўлишига қарамай, бу ягона усул эмас. Умумий ҳуқуқий маконни шакллантириш учун бу тизимларнинг асосий йўриқлари, ҳуқуқий нормалар ва шунга яраша суд амалиётидаги умумий томонларини кенгайтириш йўли билан яқинлаштириш катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ўзбек қонун ижодкорлиги урушдан кейинги роман-герман қонунчилик анъаналари, яъни «хусусий кодификация» йўлидан бормади. Ғарб қонун ижодкорининг кодексларни тубдан ислоҳ қилиш йўлидан бормаганлиги, балки қисман ўзгартиришлар билан чегараланганлиги ва бу ўз навбатида уларнинг ички структурасини бузиб юборганлиги кодификацияни ҳуқуқий ривожланишнинг ўтилган босқичи деб ҳисоблайдиган ва «ҳуқуқ декодификацияси» — тўғрисида гапирадиган олимларнинг нуқтаи назарларини кучайтиради. Шундай қилиб, Наполеон кодексларини ҳуқуқий актлар, одатлар ва суд қарорларининг мажмуаси сифатида намоён бўлувчи ҳозирги замон французча соҳалар кодексларидан (меҳнат, ижтимоий таъминот, қишлоқ

хўжалиги, ўрмон, тоғ ва ҳ. к.) фарқдай олиш лозим.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг «кодификация қилинган» ва «кодификация қилинмаган» қисмларининг ўзаро муносабати масаласи «ёки-ёки» тамойили асосида кўрилмаслиги лозим. Ўзбек ҳуқуқи асосан кодификация қилинган ҳуқуқ. Бироқ бу унда кодификация қилинган соҳалар умуман йўқ дегани эмас. Ҳамма ган нисбатда. Тарихан шундайки, агар мўътадил ҳуқуқий тизимда кодификация қилинган ҳуқуқ ҳукмронлик қилса, инглиз-америка умумий ҳуқуқида кодификация қилинмаган ҳуқуқ ҳукмронлик қилади.

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ташкил топиши ҳуқуқий тараққиётнинг умумий қонуниятларини тасдиқлайди. Гап шу ҳақда кетяптики, оммавий ҳуқуқ сиёсий инқилоблар даврида тез ўзгарса, хусусий ҳуқуқ ижтимоий инқилоблар натижасида ўзгаради. Биринчи ҳодисала алломалар ва мутафаккирларнинг ўрни катта. Чунки улар ҳуқуқни пайдо қилувчи ғояларни шакллантирадилар.

Агар давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин оммавий ҳуқуқ соҳалари тезроқ ривожланган бўлса, ҳозир хусусий ҳуқуққа кирадиган бозор қонунчилиги фаолроқ ривожланмоқда. Оммавий ҳуқуқнинг конституциявий, маъмурий, жиноий, суд тизими ҳақидаги қонунчилик, фуқаролик ҳақида, хўжалик ва жиноий судларни юритиш, прокуратура ҳақидаги соҳаларида кодификация бўляпти. Қонунчиликнинг оммавий-ҳуқуқий соҳаси бевосита давлатнинг иқтисодий сиёсатини ифодалайди ва фуқаролик-ҳуқуқий, меҳнат муносабатлари, табиатдан фойдаланиш муносабатларига таъсир этади.

Бозор муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш негизи билан хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли Ўзбекистоннинг янги фуқаролик кодекси хусусий ҳуқуқнинг асосий кодификация қилинган акти бўлиб, у мулкчилик муносабатларининг барча жабҳаларини, шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги нормаларни тартибга солади. Тадбиркорлик қонунчилиги давлат томонидан тартибга солиниши зарур бўлган, бироқ хусусий-ҳуқуқ нормалари устун саналадиган комплекс норматив-массив сифатида ривожланмоқда.

Ўзбекистонда мумтоз фуқаролик ҳуқуқи соҳаларидан меҳнат ва оилавий ҳуқуқ тармоқлари ва ўз навбатида қонунчиликнинг ҳам ўша тармоқлари ажралиб чиқди. Солиқ ва бюджет муносабатлари молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек ҳуқуқининг турли соҳаларида ҳозирги шароитда ҳуқуқий-тартиботнинг хусусий-ҳуқуқий ва оммавий ҳуқуқий ёндашувларининг мувофиқлашуви кенгаймоқда. Масалан, табиатни қўриқлаш, ер ва сув қонунчилиги кабилар. Айни пайтда колхоз ҳуқуқи ўз аҳамиятини умуман йўқотди.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш амалиётида жамият ҳаётининг ижтимоий соҳасига тааллуқли қонунчиликни кодификация қилиш шаклланыпти. Нафақа қонунчилиги ажралиб чиқди. Унга аҳолининг кам таъминланган қатламига берилувчи компенсация ва имтиёзлар тизими қўшилади. Шу муносабат билан таъкидлаш мумкинки, ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунчилик меҳнат қонунчилиги таркибидан мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиқади. Ўзбекистондаги куч-

ли ижтимоий сиёсат ижтимоий ҳуқуқ ривожини олдиндан белгилайди. Унда ижтимоий таъминот ва муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа соҳаларидаги, шунингдек, маъмурий ҳуқуқ доирасидан тобора узоқлашиб бораётган соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги нормалар ва принциплар бирлашади. Улар ижтимоий ҳуқуқнинг бир тармоқчаси мақомини эгаллаши мумкин. Чунончи, ижтимоий соҳада «ижтимоий ҳуқуқ» шаклидаги тартибот ҳозирги пайтда Франция, Германия, Швеция ва Европанинг бошқа мамлакатлари қонунчилигида тегишли соҳаларда давлат бошқаруви жиҳатлари бўйича маъмурий ҳуқуқ билан алоқани сақлаган ҳолда ривожланмоқда. Шундай қилиб, Ўзбекистонда Европа роман-герман ҳуқуқи оиласига хос ҳуқуқ манбалари тизими ҳамда кўптармоқли қонунчилик ва қонунчилик тизимлари шаклланди.

## **2-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва миллий-ҳуқуқий анъаналар**

Қонунчиликда аҳолининг кундалик ҳаётий фаолиятига сингиб кетган, кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, умуминсоний қадриятларига зид келмайдиган халқ анъаналари, урф-одатлари, ахлоқ меъёрлари, кўп асрлик тарихдан мерос бўлиб қолган шахслараро ва миллатлараро муомала, диний эътиқод акс эттирилиши лозим.

Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмаганидек, фуқаролик ва дунёвий жамиятни ҳам шариат нормалари ҳукмрон бўлган даврга қайтариб бўлмайди. Фикҳ сўзсиз муайян тарихий ҳодисадир. Замонавий жамиятда уни мутлақ даражага кўтариш ва айнан ўзидек талқин қилиш тўғри кел-

майди. Бу фикҳ программатик фалсафанинг ўзига зид бўлиб, унда руҳ ҳарфдан юқори қўйилади, янгилик инкор этилмайди, балки маълум давр билан мувофиқлаштирилади. Ўзбекистонда ҳуқуқий жамият қуришда хусусий ҳуқуқнинг айрим соҳаларини тартибга солишга оид фикҳ тажрибасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай ёндашувлар ҳозирданоқ шаклланмоқда. Мисол учун оила ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг (садақа — муҳтожларга ихтиёрий равишда инъом бериш руҳида) бирламчилиги. Аббосий халифалари давридан бошлабоқ (биринчи бўлиб ал Мансур шундай қилган) қози маҳаллий ҳокимиятлар таъсиридан чиқарилган эди. Ҳозир судьяларни мустақил қилишга қаратилган бу анъана, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 93-моддасининг 11-бандида замонавий шаклда ўз ифодасини топган.

Фикҳни шарҳлаш анъаналарини ижодий татиқ этиш суд ислоҳоти йўлидаги изланишлар учун қизиқиш уйғотади. Бунда қонунларни Конституциявий ва Олий суд томонидан ислом оламининг ҳуқуқий маданиятига хос равишда талқин этиш ривожланади.

1869–1877 йилларда тайёрланган, Усмонли турклар империясининг «Мажаллат-ал-аҳком аладийа» Фуқаролик кодексида мусулмон ҳуқуқининг 99 принципи битилган бўлиб, ундаги цивилистик маданиятнинг бой инструментарийси эътиборни ўзига тортади. Унда мусулмон фуқаролик ва савдо ҳуқуқларининг кўпгина нормалари: олди-сотди, кўчмас ва ҳаракатдаги мулк ижараси, олди-сотди, ходимни ёллаш, гаров, кафиллик, тижорат ва қўшничилик ширкатлари институтлари аниқ белгилаб берилган. Улардан

савдо ва меҳнат битимлари, тижорат муносабатларининг ҳуқуқий этикаси, яъни ҳозирги тадбиркорларимиз тез-тез уларнинг йўқлигидан шикоят қиладиган нарсалар, айниқса, қизиқарли.

Ҳозирги ўзбек жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ислом дини халқ маланиятининг бир бўлаги, умумбашарий қадриятларнинг тарқатувчиси, миллий маънавий анъаналарнинг сақловчиси сифатида қабул қилинади. Диний принциплар ва нормалар жамиятдаги маънавий-ахлоқий ҳолатнинг ўзига хос мезони бўлиб хизмат қилади. Дин ва унинг нормалари ҳамда принципларининг жамият ҳаётига кучли таъсир кўрсатиши мана шундадир. Улар орқали маълум даражада ўзбек халқининг менталитети ва халқ қабул қилган қадриятлар белгиланади.

Ўзбек турмуш тарзига давлатнинг жамоатчилиги ва патернализми хосдир. Албатта, жамоа бутун дунё халқлари босиб ўтадиган универсал шаклдир, лекин Ўзбекистонда жамоатчилик асослари ва жамоа манфаатлари доим шахсий манфаатлардан устун бўлган. Шахсга асосланишнинг заифлиги ўзбек юридик турмушининг ўзига хос хусусиятидир. Буни турмушнинг барча соҳаларини кенг қўламда хусусий мулкчиликка ўтказиш орқали хусусий тадбиркорликни ўзбек ҳаётида татбиқ этиш ва ривожлантириш ишларида ҳисобга олиш керак.

Ҳуқуқий ислоҳотлар Ўзбекистон учун анъанавий бўлган диний-ахлоқий принциплар ва нормаларга асосланиши керак. Шундагина қонушлар ҳаётийлик хусусиятини олади ва жамият томонидан қабул қилинади. Шунинг учун қабул қилинаётган қонунларда аҳолининг кундалик турмуш фаолиятига сингиб кетган, кишиларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларига зид бўлмаган, асрий тарихдан мерос бўлиб қолган диний эътиқод, шахслараро ва миллатлараро муносабатлардаги халқ анъаналари, одатлари, ахлоқий меъёрлари албатта ҳисобга олиниши шарт.

Табиийки, фикҳ анъаналари авваламбор юридик таълим ва ҳуқуқий илм доирасида, сўнгра эзгулик ва ҳуқуқий тараққиёт, инсонийлик нуқтаи назаридан қонунчилик сиёсати доирасида ўрганилиши лозим.

### **3-§. Конституция — Ўзбекистон миллий-ҳуқуқий тизимининг ўзаги**

80-йиллар охиридаёқ конституциявий ислохотнинг кераклиги муқаррар бўлиб қолди. Давлат суверенитети эълон қилингандан кейин жамиятнинг эски давлат тузуми даврида қабул қилинган (1978). Собиқ СССР конституциявий тизими доирасидаги совет конституцияси қониқтирмай кўйди. Янги воқеликка эски Конституцияни мослаштириш учун қилинган уринишлар ҳеч қандай натижа бермади. Унинг матнига киритилган 100 дан ортиқ ўзгартиришлар ва тўлдиришлар эски Конституцияни ички мантиқдан маҳрум қилди ва кўпдан-кўп зиддиятларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистонда конституциявий ислохот эволюцион ва узлуксиз тарзда кечди. 1990 йилнинг мартадаёқ (СССР мавжуд бўлган даврда), Ўзбекистон иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб президентлик бошқарув шаклини жорий этди. Бу Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий тизимни қайта ташкил этиш ва янгилашнинг бошланиши эди. 1990 йилнинг июнида Суверенитет ҳақидаги декларация ва республика Олий Кенгашининг

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун конституциявий комиссия ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Юридик маънода бу актлар янги эди. Чунки Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат қуриш назарияси ва амалиётида улар биринчи марта қабул қилинаётган ва ўтказилаётган эди.

1992 йилги янги Конституция суверен Ўзбекистоннинг ўзига хос таништирув ҳужжатига айланди. У ўзида жаҳон конституциявий тажрибаси тамойиллари ва кўп асрлик миллий юридик тарихи анъаналарини мужассамлаштирган. Агар янги ўзбек Конституцияси жаҳон конституциявий тараққиёти нуқтаи назаридан тавсифланган бўлса, уни Ғарбий Европа мамлакатларидаги иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган «Иккинчи авлод» конституциялари қаторига қўшиш мумкин.

Ўзбекистон Конституциясида жаҳон конституциявий тажрибаси қуйидаги йўналишларда ўз аксини топган:

1) конституциявий тартибга солиш принциплари — инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, Конституциянинг барқарорлиги;

2) мафкуралаштиришдан воз кечиш, яъни у жамиятга олдиндан белгиланган ҳукмрон мафкурага мос келувчи иқтисодий тузумни мажбуран татбиқ этишга интилмади;

3) конституциявий кафолат — Конституциянинг устуворлиги, Конституциявий суднинг ташкил этилиши, Асосий қонунни ўзгартиришнинг алоҳида тартиби;

4) президентлик республикаси бевосита демократиянинг бир шакли эканлиги. Чунки Консти-

туция президентнинг давлат ва ижроия ҳокимиятнинг раҳбари сифатидаги ҳуқуқий мавқеини белгилайди;

5) конституциявий техника, яъни матннинг муқаддима, бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича мантиқан жойлашиши;

6) ҳуқуқийлаштириш ва мазмун қисқалиги, яъни ҳақиқий давлат ҳаётини боғлаб қўювчи ортиқча қонунларни яратмаслик.

Кўпинча Ўзбекистоннинг 1992 йилдаги Конституциясини «француз модели» бўйича қурилган деб таъкидлашади. Бу фикр қисман тўғри. Маълумки, Ўзбекистон Конституцияси ўз хусусиятларига эга. Француз парламенти ўзбек парламенти билан фарқ қилади. Ўзбекистон Франция президентлик типидagi республика, чунончи уларнинг иккиси ҳам америкача президентлик республикасидан фарқ қилади. Ўзбек конституциясининг «француз» моделига яқинлиги, шубҳасиз Президентни сайлаш тартибида, президентнинг давлат раҳбари сифатидаги ваколатларида, унинг ҳукуматни тузиш фаолиятидаги роли, Конституция назарда тутган тартибда парламентни тарқатиш ҳуқуқида кўрилади.

Совет давридаги асосий қонунлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистоннинг янги Конституциясида евроцентристик конституциявий бошқарув зўравонлиги йўқ. Лекин Фарб мамлакатларининг демократик конституцияларига хос бўлган фуқаролик жамияти нормаларининг оқилона ҳисоби, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва мувозанати бор.

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси мустақил конституциявий ривожланишнинг тараққиёт ва дунё тажрибаси ҳамда миллий дав-

лат-ҳуқуқий, маънавий-маданий эҳтиёжларининг ижодий бирлигидир. Ўзбекистон Конституциясининг сифати ва самараси мезонлари қуйидагилар:

*биринчидан*, Конституциянинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий демократик давлат ривожига эҳтиёжлари ва истиқболларига мос келиши. Бу ерда ўтиш даврининг эҳтиёжлари ва ўзбек давлатчилиги, ҳуқуқининг мустақил тажрибасини ўстириш истиқболларининг илк бора ҳисобга олинishi;

*иккинчидан*, жаҳон конституциявий тажрибасини мустақил равишда ижодий татбиқ этиш ва дунё тарихий юридик анъаналарини Ўзбекистон конституциявий қонун ижодкорлигида ҳисобга олиш;

*учинчидан*, Конституцияни ҳуқуқий татбиқ этишининг кенг имконияти;

*тўртинчидан*, Конституциянинг амалдаги ҳуқуқ манбаи ва конституциявий ҳамда жорий қонунчиликнинг маёғи эканлиги;

*бешинчидан*, давлат ва жамиятда барқарорликка эришишда Конституциянинг аҳамияти, яъни унинг плюралистик ва консенсус имкониятлари;

*олтинчидан*, Конституциянинг мазмунидаги зиддиятсизликни таъминловчи юридик техника, мазмунан яхлитлиги ва тизимлилик;

*еттинчидан*, Конституциядаги асосий атама-лар уни умумжаҳон ҳуқуқий маконига олиб киришни енгиллаштирувчи халқаро ҳуқуқий тезариус (тушунишнинг умумийлиги) эканлиги.

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек ҳуқуқининг муҳим асосий манбадир. У ўзига асосланган янги норматив ҳужжатларни қабул қилиш учун (ҳуқуқий тизимни «ташқаридан»

ўзгартириш) юридик база бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга ҳаракатдаги ҳуқуқий нормаларнинг конституциявийлиги ҳақидаги (ҳуқуқий тизимни «ичидан» ўзгартириш) масалани ечиш учун ҳам мезон бўла олади.

Ўзбек Конституцияси ҳуқуқий тизимнинг ўз-гаги эканлиги қуйидаги юридик хусусиятларда кўринади:

1) конституциявий нормалар ўзбек ҳуқуқининг олий мезони ҳисобланади. Ўзбек ҳуқуқида бор ва унда намоён бўладиган барча нарсалар, конституциявий нормаларга мувофиқ бўлиши керак;

2) Конституциянинг биринчи бўлими матнида ҳуқуқий тизимнинг асосий принциплари мавжуд. Улар қуйидагилар: инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги, бевосита (референдум) ва вакиллик органлари томонидан амалга ошириладиган халқ ҳокимияти, ҳуқуқий давлат, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, ҳокимиятнинг эркинлиги ва мулкчилик шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, халқаро ҳуқуқнинг бирламчилиги. Конституция ва ҳуқуқ тармоқларининг ҳолатлари бу принципларга зид бўла олмайди;

3) давлат органлари дахлдорлигини тартибга солиш йўли билан ҳуқуқ манбаларининг тизimini конституциявий белгилан. Бироқ, бу ўринда шуни эслатиб ўтinish жоизки, Конституция манбаларининг ҳамма турларининг эмас, балки фақат ёзилганларининг фарқлаган ҳолати;

4) конституциявий нормаларнинг ўзи тўғридан тўғри амал қилувчи қонун ҳисобланади. Конституциянинг мақсад ва тамойинлари инсонлар томонидан бевосита идрок этилади, уларнинг хатти-ҳаракатига таъсир ўтказали.

#### 4-§. Ўзбекистон янги қонунчилиги тизимининг шаклланиши

Ўзбекистоннинг янги қонунчилик тизимини яратиш бир нечта йўналишда амалга оширилмоқда. **Биринчи йўналиш** — давлат қурилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш. Собиқ СССРнинг парчаланиши, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши ҳуқуқий давлат қуришни биринчи галлага вазифалар қаторига олиб чиқди. Энг аввало, бу суверенитет, демократия, халқ ҳокимияти, инсон ҳуқуқлари принципларини тасдиқлаш, бир сўз билан айтганда, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини яратишдир. Давлат бошқарувиининг янги институтларини шакллантириши ва уларни мустаҳкамлаш зарурияти туғилди.

Бу йўналиш бўйича «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» (1991) ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» (1994), «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (1993), «Судлар тўғрисида» (1993), «Конституциявий суд тўғрисида» (1993), «Олий ҳўжалик суди тўғрисида» (1993), «Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида» (1993) ва «Президент сайловлари тўғрисида» (1991), «Референдум тўғрисида» (1991), «Прокуратура тўғрисида» (1992), «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» (1993), «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (1993) каби конституциявий ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг янги механизми яратилиб, у халқ урф-одатлари ва тарихан шаклланиб келган жамоа муносабатлари

(маҳалла)га бориб тақалади. Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш қонуний ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва ўз ҳудудларидаги ижтимоий, хўжалик муаммоларини ҳал этиш учун бирлаштирадиган ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқароларининг кенгашларидир.

**Иккинчи йўналиш** — янги иқтисодий муносабатларга ва биринчи галда хусусий мулкчилик муносабатларига ўтиш ҳамда эркин ишбилармонлик фаолиятига асос солувчи бозор иқтисодиёти қонунчилигини шакллантириш. Хўжалик фаолиятини қонун билан тартибга солиш иқтисодиётга давлат томонидан таъсир ўтказишнинг асосий шаклларида бирига айланмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш бир қатор қонунлар, норматив ҳужжатларни қабул қилишни талаб қилди (президент фармонлари, ҳукумат фармойишлари ва вазирликларнинг ҳужжатлари). Уларда хусусий мулкчилик масалалари, корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, чет эл инвестицияларини жорий қилиш тартиби ва ишбилармонлик фаолиятинини бошқа масалалари ҳал қилинади.

Янги Фуқаролик кодекси — бозор ҳуқуқи хартияси қабул қилинди. Бозор қонунлари қаторига «Хусусий мулкчилик тўғрисида» (1990), «Ер тўғрисида» (1991), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (1991), «Ижара тўғрисида» (1991), «Давлат уй-жой фонддини хусусийлаштириш тўғрисида» (1993), «Корхоналар тўғрисида» (1991), «Кооперация тўғрисида» (1991), «Деҳқончилик (фермерлик) хўжалиги тўғрисида» (1992), «Хўжалик жамоалари ва ширкатлари тўғрисида» (1992), «Банк ва банк фаолияти тўғрисида» (1996), «Пул тизими тўғрисида»

да» (1994), «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (1993), «Тадбиркорлик тўғрисида» (1991), «Сугурта тўғрисида» (1993), «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида» (1992), «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» (1993), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (1992), «Корхона, бирлашма ва ташкилотлардан солиқ олиш тўғрисида» (1991), «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» (1994), «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида» (1996), «Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолияти механизми тўғрисида» (1996)ги қонунлар кирadi. Бозор қонунчилиги хусусий мулкчилик шакллариининг тенглиги, иқтисодий фаолият эркинлиги, товар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини кафолатлайди, фуқаролик жамиятининг эркин ривожланиши, бозор иқтисодиётининг янги, эҳтимол арташи, бироқ аввалгисига қараганда самаралироқ тизимининг шаклланиши учун кенг шароитлар яратали.

**Учинчи йўналиш** — инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини, аҳoliniннг ижтимоий кафолатларини ва аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминловчи қонунчиликни яратиш. Бу борада инсон ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, виждон ва эътиқод ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эркинликларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган.

Ижтимоий қонунчилик тизими шаклланмоқда. Қабул қилинган «Меҳнат кодекси» (1995), «Бандлик тўғрисида» (1992), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1993), «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида» (1991), «Фуқароларни давлат нафақаси билан таъминлаш тўғрисида» (1993), «Давлат ёшлар сиёсати асослари тўғри-

сида» (1991)ги қонунлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида аҳоли муҳтож табақаларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялайди. Қонун ижодкорлигининг мазкур **тўртинчи йўналиши** юқорида кўрсатилган йўналишлар каби муҳим ҳисобланади.

Жамиятнинг маънавий камолоти унинг аъзоларини ахлоқий соғломлаштириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, яъни миллий ўзлик, тил, маориф ва маданий меросни сақлаб қолишни кўзда тутувчи қонунларни яратмай туриб, Ўзбекистоннинг тараққиётини белгиловчи амалий вазифаларни ҳал этиб бўлмайди.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Ҳарбий тўқнашув шароитида маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги конвенция (1972), Маданий ёдгорликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва маданий бойликларга эгаллик ҳуқуқини топширишнинг олдини олиш ва таққинишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги конвенция (1970) каби асосий ҳужжатларини имзолади. Ўзбекистон Республикасининг байроғи (1991), герби (1992) ва мадҳияси ҳақидаги (1992) қонунлар Ўзбекистон халқларининг фахри, тарихий хотиралари ва интилишини ўзда мужассамлаштирди. Маънавий уйғониш шароитида Давлат тили ҳақидаги (1989) ва Фуқаролик ҳақидаги (1992) қонунлар муҳим аҳамият касб этади.

«Маориф тўғрисида» (1992), «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992) «Алоҳида муҳофаза қилинувчи ҳудудлар тўғрисида» (1993) қонунлар амалга оширилмоқда. Маънавий-маданий қонунчилик қадриятларни халқнинг руҳи, ўз-ўзини англаш, яшашга интилиш ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаши учун сақлаб

қолишга хизмат қилади. Айнан шундай руҳ билан ҳар қандай давлат кучлидир.

**Бешинчи йўналиш** — Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг субъекти эканлигини таърифловчи ҳуқуқий асосларни яратиш қонунчилик фаолиятида янги ва амалда текширилмаган йўналишлардан бири ҳисобланади. Тоталитар «де факто» унитар тизими шароитида Ўзбекистон халқаро майдонга тўғридан-тўғри чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, ўзининг ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий давлат институтлари ва қонунчилигига эга эмас эди.

Ўзбекистон томонидан асосий халқаро пактлар ва битимларнинг имзоланиши мамлакатимизнинг ташқи алоқаларини ривожлантириш тарихида янги саҳифаларни очди. «Дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисида» (1992), «Дипломатик ходимлар учун дипломатик синфлар ва даражаларни тайинлаш тўғрисида» (1992), «Халқаро битимлар тўғрисида»ги (1996) қонунлар, «Консуллик низоми» (1996) ташқи иқтисодий фаолиятда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга йўналтирилган қонунларни қабул қилиш ташқи иқтисодий соҳада муҳим аҳамият касб этади.

«Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисида» (1998), «Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида»ги (2000) қонунлар чет эл инвесторлари учун мўътадил ҳуқуқий «инвестицион иқлим»ни яратишга қара-

тилган. Ўзбекистоннинг инвестициявий қонунлари, чет эл инвестицияларини ҳимоялаш ва кафолатлаш ҳақидаги иккиёқлама битимлар ва кўптомонлама конвенциялар (1965 йилдаги Инвестициявий баҳсларни ҳал қилиш ҳақидаги Вашингтон конвенциялари ва 1985 йилдаги Инвестицияларни суғурталаш ҳақидаги Сеул конвенцияси) чет эл хусусий мулки мақомини белгиловчи оммавий ҳуқуқ нормаларини, чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий тартиботини, чет эл инвестицияларини «сиёсий хатар»дан кафолатлаш (миллийлаштириш, солиқ солиш, экспорт ва импорт божлари, капитал ва фойдани ўтказиш ва ҳ.к.), чет эл инвесторларининг қонуний ҳуқуқларини юридик ҳимоялаш шартлари белгиланади. Муайян хусусий халқаро инвестицион муносабатлар фуқаролик қонунчилиги нормалари, яъни хусусий ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги қонунчилиги ўтиш даврининг, яъни эски ижтимоий-сиёсий тузум ва иқтисодий муносабатларни янгилаш, янги демократик нормалар ва ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларни тасдиқлашнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Шубҳасиз, қонунчилик тизимининг ривожланганлик даражаси ва сифати қабул қилинган қонунларнинг миқдори билан эмас, балки бу қонунларнинг тўлиқ ҳолда бажарилиши билан белгиланади. Чунончи, ҳуқуқий нормалар, қачонки улар инсонда яшаса ва у орқали таъсир кўрсатса, тарихий урф-одатлар, маънавий-ахлоқий нормаларни акс эттирсагина, абадий яшаб қолади ва фаолият кўрсатади. Ҳуқуқий мафкура борган сари сайқаллашмоқда, қонунчилик амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш жараёнининг иқтисодий ва сиё-

сий ислоҳотлар, ҳуқуқ тартибот билан узвий алоқада бўлган янада таъсирчан шакллари ва йўллари қидирилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясига бириктирилган ҳозирги замон ҳуқуқий давлатининг ҳуқуқий қадриятлари ва тоялари ҳамда ҳуқуқий тизимининг халқаро ҳуқуқ билан янада яқин интеграцияси ўзбек қонунчилигининг ягона тизимини шакллантиришда халқаро ва чет эл тажрибасининг ижобий томонларини қўллашни тақозо этади.

## **5-§. Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ**

Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимини бошқа миллий-ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқ билан боғламасдан ўрганиб бўлмайди. Бундай ҳуқуқий «учбурчак» умумий ҳуқуқий ҳудуд сифатида хизмат қилади. Унда турли норматив-ҳуқуқий массивлар ўзаро таъсирда бўлади, тўқнашади ва биргаликда фаолият кўрсатади. Бундай алоқаларда қонунийлик ва барқарорлик, қарама-қаршилик ва тасодифийлик бор. Уларнинг негизида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамловчи умумий интеграция жараёнлари ётади.

1992 йилги Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқий тизимда халқаро ҳуқуққа муҳим ўрин берар экан (17-модда), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг халқаро ҳуқуқ билан яқин алоқадорлигини таъминлади. Суз Ўзбекистон Конституциясининг 109-моддасига биноан, мамлакат Конституциявий суди Конституциянинг халқаро битимларга мувофиқлигини белгилаши ҳақида борапти.

Ўзбек қонунчилигини такомиллаштириш бўйича интенсив иш олиб борилаётган ҳозирги даврда давлатнинг ички ва халқаро-ҳуқуқий тартиботи услубларини қўллаш талаб қилинади. Бугунги кунда қонунчиликнинг ҳар қандай бўлими халқаро битимлар билан алоқадорликка эга. Давлат ҳуқуқида — ташқи сиёсатнинг конституциявий асослари; халқаро алоқалар соҳасида — давлат ҳокимияти олий органларининг ваколати, шахнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда фуқаролик ҳуқуқини тартибга солиш; фуқаролик ва оила ҳуқуқида, фуқаролик процессида — халқаро хусусий ҳуқуқнинг одатдаги муаммолари, фуқаролик ва оила ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари, шунингдек, алоҳида аҳамият касб этган ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш масалалари; жиноят ҳуқуқида ва жиноят процессида — жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликнинг кўптармоқли жиҳатлари, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларидир.

1992 йилги Ўзбекистон Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормалари комплексини БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, халқаро пактлар, Хельсинки якунловчи акти, Париж ва Мадрид актларидан олди. Бундай ёндашиш нафақат «Ташқи сиёсат (IV бобда), балки Кириш, иккинчи бўлим (Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари эркинликлари ва мажбуриятлар) ва учинчи бўлим (Жамият ва шахс), XXIII боб (Сайлов тизими), XXII боб (Ўзбекистон Республикасининг Суд ҳокимияти), XXVI боб (Мулоффа ва хавфсизлик) каби бобларда ҳам айниқса, яққол кўзга ташланади.

Ўзбек ҳуқуқи тарихида биринчи марта Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормалари давлат ичидаги нормалардан устуворлиги эълон қилинди. Бу XX асрнинг иккинчи ярмида катта аҳамият касб этаётган давлат ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро мувофиқлиги масаласини ҳал қилиш принципига тўла мос келади.

Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, халқаро ҳужжатлар, халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари томонидан тавсия қилинаётган қоида ва принциплар умумжаҳон юридик тажрибасини тўла акс эттирмайди. Улардан кўплари ҳозирги шароитда англо-саксон умумий ҳуқуқи (Common Law)нинг доктриналарини ўзгартириш, аниқроғи америкачалоштиришдан келиб чиқади. Европа Кенгашидан олинаётган тавсиялар, континентал ҳуқуқ урф-одатларини акс эттиради, албатта.

Ҳозирги вақтда халқаро ташкилотлар норматив арсеналини модел қонунларни киритиш орқали кенгайтиришнинг зарурияти сезиларли даражада ўсиб бораётган. Янги технологияларнинг ишлаб чиқарилиши, ривожланишнинг нотекислиги, мамлакат ва халқларнинг маргинилизацияси туфайли дунё жамоатчилиги дуч келаётган муаммолар халқаро ташкилотларга аъзо давлатлар томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган муқобил қарорларни излашни тақозо қилади. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, битимлар механизми орқали миллий қонунларнинг яқинлашуви узоқ ва мураккаб табиатга эга. БМТ, ЮНЕСКО, Европа кенгаши каби халқаро ва регионал ташкилотлар ўз мавқеи бўйича халқаро юридик тажрибани тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда қонун бошқаруви илмий асосланган шакллари ишлаб чиқиш-

нинг ўзига хос марказларига айланиши мумкин эди. Дунё эътироф этган мутахассислар томонидан модели қолип қонунларининг ишлаб чиқарилишига мувофиқ ўз қонунига эга бўлмаган ёки бор қонунларни такомиллаштиришни хоҳлаган мамлакатларга жуда асқотган бўлур эди. Ҳозирги замон юридик тафаккурининг энг яхши формулаларини синтезловчи бундай моделлар битимлардан фарқли ўлароқ, кўпроқ ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш эҳтимолига эга. Халқаро ташкилотларнинг мутлақ обрўси билан тасдиқланган бундай моделлар, тавсияларга қараганда кўпроқ самарга эга бўлиши мумкин. Чунки улар ғоядан қонунга қадар йўлнинг қисқартирилишига олиб келади. Бундан ташқари, модел қонунлар умумжаҳон ҳуқуқий ҳудудини уйғунлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Умуман, миллий ҳуқуққа умумжаҳон юридик тажрибасининг олиб кирилиши, ҳуқуқий ривожланишнинг бош таъмоили бўлиб қолади.

## **6-§. Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқшунослик фани**

Ҳозирги замон ўзбек ҳуқуқини ривожлантириш жараёнида ҳуқуқий илм муҳим аҳамиятга эга. У биринчидан, эски мафкуравий қарашларни енгиш, иккинчидан, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг тараққиёт йўналишларини асослаш ва назарий таҳлил қилишга қаратилган. Бунда алоҳида масъулият қиёсий ҳуқуқшуносликка юклатилади.

Ўзбек ҳуқуқшунослиги ҳуқуқни бир томонлама тушуниш ва талқин қилишдан воз кечиш йўлидан бормоқда. Ҳуқуққа миллий сиёсий-ҳуқуқий

фикрлаш анъаналарига мос келувчи кенг тарихий-маданий ва диний-ахлоқий томонлардан кўпқиррали ёндашув тобора ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбек жамиятининг тарихий-ҳуқуқий тажрибаси тараққиётини англаш, инсониятнинг кўп асрлик тарихи давомида тупланган мерос, ишлаб чиқилган илғор тажриба ва қадриятларни сақлаш, асраш, ривожлантиришни тақозо этади. Бундай қадриятлардан бири ҳуқуқнинг баъзи институтлари ва нормалари ҳисобланади.

Ўзбек ҳуқуқий тизимини таҳлил қилишда ижтимоий тартиботнинг «социалистикдан аввалги» шаклларига баҳо бериш принципиал аҳамият касб этади. Бинобарин, ўзбек жамиятининг ҳозирги замон қадрият ва меъёрлари асосида ташкил қилинишида «феодал» эскилик сарқитлари ва ҳуқуқий бошқаришнинг шариат шакллари ролини кучайтириш керак эмас. Ҳозирги замонда урф-одатчилик элементлари кўп ҳолларда олдий ҳуқуқий онг даражасида бўлиб, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни ташкил қилиш норматив тизимида умуман йўқ. Ҳуқуқда ижтимоий қадриятларни ривожлантириш Ўзбекистонга хос бўлиб, унинг кадр-қимматини тушуниш долзарб бўлиб бормоқда, ҳуқуққа нигилистик муносабатда бўлиш борган сари ўтмишга чекинмоқда, жамият ҳаётида ҳуқуқнинг роли юксалмоқда.

## 42-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР

- 1-§. Эркинлаштириш — сиёсий ислоҳотларнинг пойдевори.
- 2-§. Сиёсий ислоҳотлар — давр талаби.
- 3-§. Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш.
- 4-§. Эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш.
- 5-§. Амалдаги кўптартиявийлик муҳитини қарор топтириш.
- 6-§. Мухолифат — сиёсий институт сифатида.
- 7-§. Нодавлат иштирокчилик шакли ва шакллантириш.
- 8-§. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонвийлаштириш.
- 9-§. Эркин ва мустақил «тўртинчи ҳокимият».
- 10-§. Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар тизимини такомиллаштириш.
- 11-§. Оила ва сиёсий ислоҳотлар.
- 12-§. Асосий ҳуқуқлар

### 1-§. Эркинлаштириш — сиёсий ислоҳотларнинг пойдевори

Ҳаётимизнинг барча соҳаларини янгилаш ва ислоҳ қилиш йўлида устувор вазифаларни аниқлаб, яқин келгусидаги фаолиятимизнинг бош мақсад ва мазмунини белгилиб олишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» номли маърузалари ва Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида сўзлаган нутқлари алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, мустақилликнинг ўтган қисқа тарихий даврида мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти-

нинг сиёсий соҳасида ҳам туб ислоҳотлар изчил амалга оширилди.

Хур Ўзбекистон эркин демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек буюк мақсад сари ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан бормоқда. Ҳаётнинг ўзи, жамиятни ислоҳ этиш ва янгилашнинг «ўзбекча модели» танлаган йўлимиз ва тамойилларимизнинг тўғри эканини кўрсатмоқда<sup>1</sup>.

Қисқа фурсатда мамлакатимизда тамомила янги сиёсий тизим шаклланди. Фуқароларимизнинг сиёсий онги ва тафаккурида, дунёқарашида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Одамларимизнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида эзгу ниятларининг қатъийлигини Президентлик ва Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Дарҳақиқат, одамларимизда ҳозирги янги замоннинг моҳиятини тушунишга интилиш, сиёсий ислоҳотларда фаол иштирок этишга бўлган ҳаракат ҳисси кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан табиий савол туғилади: жамиятимизни эркинлаштириш, айниқса, сиёсий соҳани ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичдаги асоий вазифалари ва устувор йўналишлари нималардан иборат?

Ўзбекистонда ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш зарурлигини англаб етиш халқнинг ички эҳтиёжларига ва жамиятнинг сиёсий ислоҳотлар муқаррарлигини таъминлашга интилишига асослангандир. Фақат демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти социал та-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 15-бет.

раққиёт ва сиёсий барқарорликни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди.

Эркинлаштириш деганда нимани тушуниш керак?

*Биринчидан*, шахс, жамият ва давлат томонидан жаҳонда умумэтироф этилган демократик қадриятларни мамлакат аҳолисининг маданий-тарихий тажрибаси ва ижтимоий руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштиришнинг тадрижий жараёнини;

*Иккинчидан*, миллат ҳаёти ва фаолиятининг барча ижобий механизмларини янгилаш ва ана шу қадриятларга мослаштиришни тушунмоқни англатади.

«Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг сосий боғловчи бўғинига айланди»<sup>1</sup>.

Ҳозирги дунёда демократик тараққиёт қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари борган сари ҳар томонламалик касб этиб бормоқда, уларнинг зарурлиги ва таъсирчанлиги эндиликда ҳеч қаерда инкор этилиши мумкин эмас. Бунда демократия ва тараққиёт сари боришнинг миллий моделлари тобора кенг ўрин тутмоқда. Ўзбекистоннинг давлат сиёсати ва ижтимоий ҳаётида демократик тараққиёт қадриятлари, тамойиллари ва меъёрларининг ҳар томонламалиги тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эркинлаштиришнинг ҳар томонламалиги деганда экспертлар (жамоат арбоблари, олимлар, мутахассислар):

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 16-бет.

*биринчидан*, демократик институтлар ва инсон ҳуқуқларининг барча мамлакатлар учун устуворлигини (67%);

*иккинчидан*, демократик институтларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ва мамлакатнинг барча минтақаларига ёйилиши зарурлигини (82%);

*учинчидан*, иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий фикр, давлат бошқаруви, ҳуқуқ ва маданият каби соҳаларни эркинлаштириш зарурлигини (79%) тушунадилар.

Ўзбекистонда эркинлаштиришдаги асосий зиддият шундан иборат бўлмоқдаки, демократик институтлар ва қадриятларга бўлган эҳтиёж унинг барча таркибий қисмларини тўлақонли рўёбга чиқаришнинг ҳозирги имкониятларидан анча илдамлаб кетмоқда.

Эркинлаштиришнинг миллий моделлари демократик тараққиётнинг умумэътироф этилган меъёрларини ўз маданияти ва анъаналари, халқнинг ақл-заковати ва муайян ижтимоий-тарихий ва сиёсий шарт-шароитларга асосланган ҳолда мослаштиради.

Ўзбекистонда эркинлаштиришнинг қайси йўналишларига алоҳида эътибор берилмоқда?

*Биринчи йўналиши*: янги сиёсий тизимга ўтишнинг ўзимизга хос ва мос модели. Бу иқтисодиётда «фалаж терапияси»дан воз кечишга асосланган, аҳолининг энг ҳимояланмаган қатламларини (кам таъминланганлар — ногиронлар, кўп болали oilалар, ёлғиз қариялар ва талабаларни) мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳамда иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни ўтказиш борасида жаҳонда тўпланиган илғор тажрибани Ўзбекистоннинг мавжуд шароитида мустақил қўлланишга қаратилган йўлдир.

*Иккинчи йўналиш:* сиёсий ислоҳотларнинг босқичма-босқичлилиги. Бу ўтказилаётган сиёсий ислоҳотларнинг изчил ва тадрижий бўлишини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги демократик институтларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини барпо этишни, институционал тузилмаларни замонавийлаштириш ҳамда миллий маънавият ва маданиятни демократик тамойилларга мослаштиришни назарда тутати.

*Учинчи йўналиш:* давлат ҳокимияти механизмларини эркинлаштириш. Конституция асосида ҳокимият «тармоқлари» — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг бўлиниши амалга ошди. Давлат аппаратининг чексиз ҳукмронлигидан воз кечини ва жамиятдаги турли манфаатлар ҳамда муносабатларни мухтасар шаклда ифодалашга даъват этилган сиёсий институт сифатида демократик ҳуқуқий давлат тизими шаклланди.

*Тўртинчи йўналиш:* сиёсий тизимда нодавлат институтларни шакллантириш. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва жамоатчилик фикрини ўрганувчи, Ўзбекистон учун мутлақо янги демократик институтлар вужудга келиши; янгидан тузилган сиёсий партияларнинг мустақамланиши; ноҳукумат нотижорат ташкилотлар, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари пайдо бўлиши демакдир.

*Бешинчи йўналиш:* Ўзбекистонда адолатли фуқародик жамиятининг ўзинга хос тузилмасини шакллантириш. Бу жаҳонда ҳаммага маълум бўлган демократик сиёсий ва носиёсий институтларни ҳам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда ўзини ўзи уюштиришининг ўзинга хос тизими — оилаларнинг турмушдаги бирдамлиги

ва ҳамжихатлигига асосланган замонавийлашган қўшничилик ҳудудий жамоаси «маҳалла»ни ҳам ўз ичига олади.

Олтинчи йўналиш: сиёсий тафаккур ва одамлар сиёсий онгини ўтган даврнинг қотиб қолган антидемократик ақидаларидан озод қилиш. Бу эркинлаштиришнинг жаҳон тажрибасига, айнан ана шу йўлда равнақ топган, юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибасига мос равишда ривожлантириш демакдир.

Фуқаролар ва жамият давлатни бошқаришда иштирок этиши, ҳокимиятнинг вакиллик органлари уларни қандай бошқараётгани, бу органларда уларнинг манфаатлари қандай рўёбга чиқарилаётгани ҳақида ахборот олишдан иборат ўз сиёсий ҳуқуқларини тушуниб етишларига ва бу ҳуқуқларидан фойдалана олишларига эришмоқ лозим.

Ислоҳотларнинг эркинлаштиришдан иборат стратегик йўналишида ҳали жуда кўп иш қилиш керак бўлади.

«Биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига жамиятимизни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз»<sup>1</sup>.

## 2-§. Давлат ва сиёсий ислоҳотлар

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар кенг қамровли ва муҳим масалалардир. Бу масалаларнинг долзарблиги нимада?

Бунинг бир неча сабаблари бор.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 16-бет.

Биринчи сабаби: биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари бўйича ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни асосан амалга ошириб бўлдик.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Амалда ҳақиқий кўппартиявийлик муҳити қарор топмоқда. Жамият ҳаётида нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг сони ошиб, мавқеи ўсиб бормоқда. Улар фақат аҳоли турли қатламлари ва гуруҳларининг манфаатларини ифода этибгина қолмай, балки одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчи сабаби: мамлакатимизда изчил ўтказилаётган сиёсий ислоҳотларнинг пойдевори бўлиб хизмат қиладиган, уларнинг ортга қайтмаслигини кафолатлайдиган мустаҳкам конституциявий замин яратилди. Янги сиёсий тизимнинг ҳуқуқий асослари барпо этилди.

Учинчи сабаби: истиқлол йилларида одамларимизнинг сиёсий тафаккури ва дунёқараши, сиёсий ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Кишиларимиз сиёсий онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Аҳолининг сиёсий фаоллиги, сиёсий ислоҳотларнинг зарурлигига ва мамлакатимизнинг буюк келажагига бўлган қатъий ишончи ошиб бормоқда. Юртбошимиз иборалари билан айтганда: «Тараққиётимизнинг бугунги босқичида инсон омили жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи қўлратли кучга айланди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти *Ислом Каримовнинг* ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишидаги маърузаси//Ишонч. — 2000. — 2 февраль.

Тўртинчи сабаби: Ўзбекистон бутун дунёда халқаро ҳуқуқ ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинди ва унинг бу мавқеи мустақамланиб бормоқда. Биз демократик жамиятининг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилларини тан оламиз. Бу тамойиллар мустақиллигимиз Қомуси бўлмиш — Конституциямизда ўз ифодасини топган.

Шу ўринда бир савол туғилади: бу демократик тамойилларга бизнинг заминимизда қандай амал қилиш керак?

Бешинчи сабаби: юртимизда кўпшартиявийлик ва муқобиллик асосида Республика Президенти ва Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасида ўтказилаётган сиёсий ислоҳотларни изчил ривожлантириш ва янада чуқурлаштиришга бўлган хоҳиш-истагини яна бир бор яққол намоён қилди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Бизнинг асосий ва муқаддас вазифамиз — одамларнинг ана шу ишонч ва умидларини оқлашдир»<sup>1</sup>.

Олтинчи сабаби: XXI аср бўсағасида биз сиёсий ислоҳотларимизнинг янги, янада аниқ ва устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур. Сиёсий ислоҳотлар борасида эришган ютуқларимизни таъкидлаш билан чекланиб қолмаслик керак. Аввало, сиёсий ислоҳотлар йўлидаги мавжуд муаммолар, ҳали ҳануз ишга солинмаган имкониятлар ҳақида кўпроқ гапиришимиз лозим.

«Эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — бу бизнинг олга интилишимизнинг ка-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти *Ислам Каримовнинг* ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишидаги маърузаси // Ишонч. — 2000. — 2 февраль.

фолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шарғидир»<sup>1</sup>.

### 3-§. Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш

«Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур»<sup>2</sup>.

Бу соҳада беш йўналишни кўрсатиш мумкин.

*Биринчи йўналиш:* сиёсий тараққиётга халақит берадиган «мерос»дан қутула бориб, Ўзбекистонда халқнинг тарихий мероси ва маданияти сарчашмаларидаги барча фойдали нарсалар сақлаб қолинмоқда, унинг шарқона анъанавий тафаккур салоҳияти ҳисобга олинмоқда. Ўзбек халқининг бой маданияtidан, маориф, таълим, фан тизимининг муайян ютуқларидан, шунингдек, миллий анъаналаридан воз кечмаслик лозим. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг дунёвий хусусияти, шунингдек, уларнинг — барча диний конфессияларга чуқур ҳурмат билан қарши эркинлаштириш кафолатлари жумласига ки-ради.

*Иккинчи йўналиш:* эркинлаштиришга босқич-ма-босқич ўтish таяжсининг стратегик аҳамияти нафақат жамиятда сиёсий барқарорликни сақлаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг *Ислом Каримовнинг* илоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши тиндиринишдаги маърузаси // *Тиндир.* - 2000. — 2 февраль.

<sup>2</sup> *Каримов И.* 4 Ўзбекистон XXI асрга интишмоқда // *Т.* Ўзбекистон, 1999. — 16-бет

қолишдан, балки вужудга келаётган фуқаролик жамияти учун ҳуқуқий, сиёсий, ахборот-маърифий ва психологик шарт-шароит яратишдан иборат.

*Учинчи йўналиш:* давлат раҳбарияти бозор муносабатларига ўтиш борасида танланган йўлнинг мазмун-моҳияти ва тўғрилигини доимо тушунтириб бориш масъулиятини ўз зиммасига олди. Давлат ислоҳотчи вазифасини бажаряпти ва фуқаролар Конституция ва қонунларга кўра ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларида уларни фаол бўлишга рағбатлантирмоқда. Тан олиш керакки, ҳозирча мамлакат раҳбариятининг ўзи мавжуд камчиликларнинг асосий танқидчисидир. Бироқ жамоатчилик фикри, фуқаролар мурожаатлари бундай танқидга ундовчи сабаблар бўлмоқда.

*Тўртинчи йўналиш:* аҳоли барча ижтимоий қатламлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манфаатлар мувозанати, шунингдек, миллатлараро ва конфессиялараро (Ўзбекистонда 120 дан зиёд миллий жамоалар бўлиб, ўзбеклар аҳолининг салкам 78 фоизини ташкил этади) тотувлик мувозанати таркиб топди, сақлаб турилибди ва ривожлантирилмоқда.

«Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини мукамал кафолатлаган бўлар эдик»<sup>1</sup>.

*Бешинчи йўналиш:* энг муҳими — муайян қийинчиликларга қарамай, мамлакат тинч вазиятда яшамоқда, унда сиёсий, иқтисодий ва маданий

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 9, 10-бетлар.

соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш учун имкониятлар очилмоқда.

#### **4-§. Эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш**

Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш учун эҳтиёж борми?

Бу саволга қатъий «ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Бу ерда совет даврида амал қилган, битта сиёсий партия кўрсатмаларини бажарган тоталитар маъмурий-буйруқбозлик давлати жуда қисқа муддатда ислоҳ қилинаётган миллий демократик давлатга айлантирилди. Бошқа ижтимоий-маданий ва сиёсий-руҳий сабаблар билан бир қаторда, демократик тажриба ва унинг ривожланган институтлари йўқлиги фуқаролик жамиятини шакллантиришда орқада қолишга сабаб бўлди. Бундай аҳволни бартараф этишда асосий куч — юксак сиёсий маданиятли фуқаролар ва ислоҳотчи-давлатнинг ўзидир.

Нима учун давлат Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини жадал шакллантириб боришдан манфаатдор?

*Биринчидан*, чунки шу аснода мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари олға силжиши йўллари ва усуллари хусусида фуқаролар келишувига эришиш тўғрисида норасмий ижтимоий шартнома тузиш ва уни рўёбга чиқаришда давлат учун шерик вужудга келтирилади.

*Иккинчидан*, фуқаролик жамияти ўз институтлари орқали шахсининг давлат ишларини бошқаришда кенг иштирок этишини таъминлаган ҳолда, давлатда вакиллик демократиясининг ва

мамлакатдаги сиёсий тизимнинг асоси ҳисобланади.

*Учинчидан*, Ўзбекистон халқи фуқаролик институтлари ва механизмлари, аввало сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалашу учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда.

*Тўртинчидан*, фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ўзаро мақбул мувозанатдан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқади.

*Бешинчидан*, демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфига қарши туради.

Эркинлаштириш жараёнида, аввало, «фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш лозим»<sup>1</sup>.

Адолатли фуқаролик жамиятининг асослари шакллантирилаётган пайтда сиёсий кўппартиявийлик, ноҳукумат ташкилотлар, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркин ва демократик матбуот каби демократик институтлар ташкил топиши муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар ўзлари учун янги бўлган сиёсий танлов

<sup>1</sup> *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан. эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 9-бет.

имкониятига, жамоатчилик тузилмалари эса — фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланиш учун мусобақаланиш имкониятига эга бўладилар.

## **5-§. Амалдаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш**

Эркинлаштиришнинг даражаси сиёсий партиялар сонига қараб аниқланмайди, балки фуқаролик жамиятининг эҳтиёжларига ва муайян сиёсий гуруҳлар унинг туб манфаатларини ифодалашга қодирлигига боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда ижтимоий фикр анъаналари шундайки, «сиёсий партия» тушунчаси унинг анча кўп сонлилиги, аҳолининг кўпгина қатламларидаги, митақалардаги таъсири, унинг вакиллари давлат ҳокимияти тизимида иштирок этиши кўлами, энг муҳими, фуқароларни қизиқтирадиган муаммоларни ҳал этишга қодирлиги билан белгиланади.

«Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим»<sup>1</sup>.

Сиёсий партияларга қўйиладиган талаблар рейтингда давлатнинг конституциявий нормаларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш биринчи ўринга қўйилган. «Сиёсий партия» тушунчаси, агар бундай партия ҳуқуқий асосда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олин-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 10-б.

ган уставига мувофиқ иш олиб борсагина қўлланади.

Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституциянинг 34-моддасида ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда (1996 йил 26 декабрь) таърифлаб берилган. Давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларнинг сиёсий партиялар ички ишларига аралашishiлари ёхуд агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга ошириладиган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Агар совет даврида ҳукмрон яккаҳоким партиянинг раҳбарлари ўз амрини давлат ҳокимияти органларига ўтказган, қонунларни инкор этган бўлсалар, эндиликда қонун бундай хатти-ҳаракатларнинг ғайриқонунийлигини алоҳида белгилаб қўйган.

Конституция (77-модда) ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун парламентда ва маҳаллий халқ депутатлари кенгашларида фаолият юритиш учун партияларга кенг имкониятлар беради. Ўз вакиллари уларга сайланган тақдирда, улар қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари, ҳукуматга ва маҳаллий давлат органларига сўров

билан мурожаат этишлари, муҳокама қилинаётган кун тартиби бўйича партия нуқтаи назарини тушунтириб беришлари мумкин. Партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесиде, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида тузилади. Партия гуруҳлари тегишли вакиллик органи қўмиталари ва комиссияларининг раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқидан кенг фойдаланадилар. Бундай лавозимни эгаллаган партия вакили сайловчилар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга партиянинг тайёрлигини ўз ишлари билан исботлаш учун катта имкониятларга эга.

Барча сиёсий партиялар жамиятда обрўли кишиларга ва ёшларга таянишга интилади. Ҳар бир сиёсий партия барча асосий масалалар бўйича у ёки бу даражада ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашини ва уларнинг амалга ошириш усуллари тўғрисида таклифлар билдиришда муайян мустақилликка эгаллигини эълон қилади.

Сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва фаоллари ўзларининг шиорларига фуқароларнинг асарияти лоқайдлигини ва уларни сайловларда қўллаб-қувватлашга тайёр эмаслигини тан оладилар. Буни бартараф этиш учун сиёсий партиялар ўз раҳбарияти таркибига ёшларни киритишни ва айни чоғда маҳаллаларда обрўли, партия сиёсатининг тарғиботчилари бўлишга тайёр фуқароларни жалб этишга интилади. Шу мақсадда жамоатчилик фикри ўрганилади ҳамда халқ байрамлари ва миллий байрамлар муносабати билан оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилади.

Ўзбекистон сиёсий партияларининг ҳозирги амалиётидан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Улар халқ ва ҳоқимият ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажариши лозим бўлган демократик институтга тезроқ айланиши ўта муҳимдир. Ислоҳотчилик ғояларини ва уларни рўёбга чиқариш дастурларини кўтариб чиқиш борасида партиялар ўртасида чинакам кимўзарлик, рақобат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

«Амалдаги кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир»<sup>1</sup>.

## **6-§. Мухолифат — сиёсий институт сифатида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мухолифат нормал сиёсий институт сифатида зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар<sup>2</sup>. Муаммо сиёсий жиҳатдан фаол ва ўзгача фикрлайдиган фуқароларнинг амалда маданиятли мухолифат бўла олишга тайёрлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон шароитида мухолифат ташкилий жиҳатдан расмий йўл билан шаклланиши, Конституция ва қонунчилик нормаларини ҳурмат қилиши, давлат ва жамият тузумининг барқарорлиги учун ўз ҳаракатларига жавобгар бўлиши ўта муҳимдир. Мухолифат таклиф этадиган давлат тузилишига оид муқобил лойиҳалар асосланган бўлиши лозим. Маданиятли мухолифат «пишиб етилиши»нинг ана шу оғир жараёнидаги нуқсонлар Ўзбекистонда, тоталитар тузумдан эркин жамиятга ўтиш босқичини бошдан кечираётган

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 10-бет.

<sup>2</sup> Қараш: Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — 27, 30-бетлар.

бошқа давлатларда ҳам демократик институтлар шаклланишидаги мавжуд камчиликларни акс эттиради.

Социологлар томонидан жамиятнинг сиёсий муҳолифат бўлишига тайёрлигини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, сўралган фуқароларнинг қарийб ярми унинг фаолияти ижтимоий барқарорликка путур етказишидан ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатишидан хавфсиради.

Ўзбекистонда демократик муҳолифатнинг шаклланиш жараёни муайян вақтни талаб қилади. Бунда, афтидан, мавжуд сиёсий партиялар фаолиятида кимўзарлик, сиёсий рақобат ва оқилона танқид кучайиши керак.

## **7-§. Нодавлат ноижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш**

Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги уларнинг партиялардаги аъзолиги орқали ҳам, ноҳукумат ташкилотлари фаолияти орқали ҳам, гарчи у ҳокимият вакиллик органларига сайловларда қатнашмай, сиёсий ва мафкуравий курашдан четда турсада, рўёбга чиқарилиши мумкин.

«Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқен ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йил ичида жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари сони 1500 тага кўпайиб, бугун уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Биз келажикимизни уз қудимиз билан қураимиз. Т. 7. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 384-бет.

Ўзбекистон ноҳукумат ташкилотлари шаклланаётган фуқаролик механизмидир. Фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган бу кўнгилли, ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Барча нодавлат ва жамоат бирлашмаларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

*Биринчи гуруҳ:* аҳоли муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар жумласига: «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар уюшмаси, «Камолот» ёшлар жамғармаси, «Нуроний» фахрийлар жамғармаси киради.

*Иккинчи гуруҳ:* ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар: «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва чет элда таълим олиш учун истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Амир Темур маданий-тарихий жамғармаси, Матбуотни демократлаштириш ва журналистларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Оролни қутқариш жамғармаси, Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани.

*Учинчи гуруҳ:* ҳукуматга бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар: шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти.

*Тўртинчи гуруҳ:* ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари: ёзувчилар, артистлар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, кинема-

тографчилар, шунингдек, судьялар ва адвокатларнинг жамоат ташкилотлари.

*Бешинчи гуруҳ:* миллий маданият марказлари (юзтадан зиёд), Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоалар вакилларини маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирган.

*Олтинчи гуруҳ:* умуммиллий хайрия жамиятлари, жамғармалари: болалар жамғармаси, болалар уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси. Республика талабалар жамғармаси.

*Еттинчи гуруҳ:* ижтимоий аҳамиятли ва ижодий қизиқишлар билан боғлиқ, асосан экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар: сайёҳлик ва бадий ҳаваскорлик клублари, ноғирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари.

*Саккизинчи гуруҳ:* жамоат муассасалари: «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ маркази. Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилиқ маркази, шунингдек, Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи «Сабр» ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижтимоий муассасалар.

Қисман ҳукуматга қарашли ҳолда (давлатнинг ташкилий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлашида) тузилган бир қатор жамғармалар, марказлар ва жамиятларнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга айланишини тенденция сифатида эътироф этиш мумкин. Бу Ўзбекистонда нодавлат ташкилотлари ҳаракатининг шаклланишига хос хусусиятдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

1. Ўз устави Конституцияга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган тақдирда уни адлия органларида рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга;

2. Ўзининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳар қандай қонуний асосда ишлаб турган дунёвий ташкилот ва фуқаролардан ҳомийлик ёрдами олиши мумкин;

3. Мамлакат минтақаларида ўз филиаллари ёки бошқа таркибий бўлинмаларини тузади, бошқа ноҳукумат ташкилотларининг муассислари бўлиши мумкин;

4. Ижодий, хайрия, маданий-маърифий ахборотга оид, ижтимоий-қўмақланувга оид ва жамият учун фойдали бошқа фаолиятни амалга оширади;

5. Зарурат бўлганда муҳтож фуқаролар ёки бошқа ноҳукумат ташкилотларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

6. Ўз устави доирасида халқаро фаолият билан шуғулланиши ва чет эл нодавлат ташкилотлари билан алоқа боғлаши мумкин;

7. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов кампанияларида ёки бошқа сиёсий фаолиятда иштирок этмайди;

8. Одамлар соғлиғи ва руҳиятига зарарли, Ўзбекистон Республикаси халқининг маънавий ва маданий қадриятларига путур етказишга қаратилган фаолият олиб бормайди.

Нодавлат ташкилотларини ривожлантиришнинг яқин истиқболлари қандай? Улар шаҳар маҳаллаларида, шунингдек, ёшлар, аёллар, нафақахўрлар ўртасида жадал ривожланади. Ноҳукумат ташкилотларининг ҳокимликлар томонидан қўллаб-қувватланганидан ижтимоий лойиҳалари оммавийлашади.

«Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вази-фасини бажариши керак»<sup>1</sup>.

## **8-§. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш**

Ўзбекистонда ислоҳ қилинаётган сиёсий тизимда пайдо бўлаётган янги ланишлар билан бир қаторда, кўникиб қолинган ижтимоий тузилмалар ҳам бемалол амал қилмоқда. Улар янгиликлар таъсирида ўзгараяпти, шунингдек, биз хоҳласак-хоҳламасак жаҳондаги демократлаштириш тажрибаси қўлланишга таъсир кўрсатади. Бу — кўп авлодли (катта оила), тенгдошлар ва ҳамюртларнинг уюшмаси (гап, жўра), кўшниларнинг ҳудудий жамоаси — маҳалладир. Маҳалла Ўрта Осиёда кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, ҳозирда унинг мақоми шаҳарлар ва қишлоқларда маъмурий муносабатларни демократлаштириш асоси сифатида замонавийланмоқда.

Совет даврида аввало якка тартибда қурилган уйларда ва шаҳарнинг ёскидан қолган қисмларида яшовчи (шу жумладан кўп миллатли) аҳоли ўртасида ишлаб турган маҳалла тизимининг ҳуқуқлари чекланганди. Бироқ маҳаллалар бирдамлик ва ўзаро ёрдам муаммоларини анча сама-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Оғул ва обод Ватан. Эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000 — 10 - 11-бетлар

рали ҳал қилар шу аснода инсонпарварлик муносабатлари сақланиб қолган эди. Эндиликда саноат шаҳарларининг кўп қаватли даҳалари ва кўчалари аҳолиси ҳам маҳалла бўлиб яшашнинг ташкилий ва маданий тамойилларига кўра бирлашдилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан демократик посанги бўлиш ва тийиб туриш тизимида масъулиятли ўрин тутати. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардан келиб чиққан. 1992 йил 2 сентябрда қабул қилинган қонун белгилайдики, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, шаҳарлардаги тураржойларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Улар 2,5 йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қандай ишлар билан шуғулланади?

*Биринчидан*, фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашади.

*Иккинчидан*, ўз ҳудудида ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, шунингдек, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш, қонунларни ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига кўмаклашиш мақсадида фуқароларни уюштирати.

*Учинчидан*, миллатлараро тотувлик бўлишига кўмаклашади, негаки кўпгина аҳоли пунктларининг этник таркиби хилма-хилдир.

*Тўртинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки, молияси, бюджетига

эга, кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, хунармандчилик цехлари ташкил этади, ана шу мақсадлар учун банк кредити олади.

*Бешинчидан*, фуқаролар йиғинининг энг эътиборли ваколатларидан бири — оқсоқолнинг корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашдир.

*Олтинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши орқали давлатнинг ижтимоий ёрдамидан фойдаланишни ҳуқуқий расмийлаштириш ва ижтимоий ёрдамни ўта ночор аҳолига тақсимлаш амалга оширилади.

Яшаш жойларида аҳоли ўртасидаги ҳукуматга қарашли бўлмаган барча ишлар тизимини бутун мамлакатда ўз бўлимларига эга бўлган нуфузли «Маҳалла» жамғармаси уюштиради.

Оқсоқол давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини ҳимоя қилади. Оқсоқол — туман ва шаҳарлар бўғинидаги давлат хизматчилари билан самарали ҳамкорлик қилиш ваколатига эга бўлган жамоат арбобидир. Ҳокимлар, қоида тариқасида, оқсоқолларнинг фикрига эътибор билан қарайдилар.

Жойларда бюджетни шакллантиришда маҳаллаларнинг иқтисодий манфаатларига кўпроқ ўрин берилиши зарур. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви раҳбарларининг ижтимоий ва ишчанлик маданиятини ошириш мақсадида кенг жамоатчилик иштирокида улар аттестациядан ўтказилди. Маҳаллаларнинг расмий сардорлари албатта, ёши улуг кишилар бўлиши керак деб ўйламаслик лозим. Тўғри, уларнинг мутлақ кўпчилиги 40

ёшдан ошган, лекин 65—70 ёшдан юқори эмас. Шундай ҳолатни кузатиш мумкин: агар оқсоқолликка анча кекса киши сайланган бўлса унинг маслаҳатчилари орасида ўрта ёшли кишилар кўпроқ бўлади. Ва аксинча, ўрта ёшли оқсоқолнинг маслаҳатчилари — кўпроқ кексалар. Бу кишилар кўчалар, кўп қаватли уйлар ёки анъанавий маҳаллаларда қариндош оилалар бирлашмаси вакиллари дир. Хулоса қилиб, Ўзбекистон жамоасини оилалар бирлашмаси деб қараш мумкин.

### 9-§. Эркин ва мустақил «тўртинчи ҳокимият»

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов оммавий ахборот воситаларини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини бир неча марта таъкидлаб ўтганлар<sup>1</sup>. «Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак»<sup>2</sup>.

Мамлакатимиз мустақил сиёсий тараққиётининг биринчи босқичида оммавий ахборот воситаларининг аксарияти Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқнинг суверен субъекти сифатидаги, ўзининг кўп миллатли халқи миллий манфаатларининг ифодаловчиси сифатидаги моҳияти ва аҳамиятини фуқаролар онгига етказиб бера олдилар. Оммавий ахборот воситалари миллатлараро осойишталик ва тотувлик сақланиши

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — 30, 33-бетлар; *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 30, 31-бетлар.

<sup>2</sup> *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан. Эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 200. — 11, 12-бетлар.

ҳамда мустақкамланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда, Конституция ва қонунларни, ислоҳотларнинг боришини тушунтириб бермоқда. Айни чоғда демократик жараёнларнинг чуқурлашуви оммавий ахборот воситаларидан касбий малака ва маҳорат янгича, юксак даражада бўлишини, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига дахлдор муаммоларга рўйи-рост қарашни, уларни кутариб чиқишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий негизини «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (иккаласи — 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган) ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997 йил 26 декабрда қабул қилинган) қонунлар жиддий мустақкамлади. Улар вужудга келтирган янги ҳуқуқий имкониятлар оммавий ахборот воситаларининг ўзига ҳос муаммолари билан солиштирилса, уларнинг вазифалари ва уларни янгилаш истиқболлари яққолроқ аён бўлади.

Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш Ўзбекистон қонунчилигидаги янгиликдир. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланди.

Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил «тўртинчи ҳокимият» сифатида ишлаши учун нималар қилиш зарур?

*Биринчидан*, давлат ҳокимиятининг барча «тармоқлари», сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, уларнинг раҳбарлари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини қонун йўли билан кафолатловчи барча нормаларни рўёбга чиқаришда намуна бўлиш-

лари лозим. Суд журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг ҳимоячиси бўлиши керак.

*Иккинчидан*, самарали ишловчи ва халқаро андозаларга мос журналист кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш миллий тизимини шакллантириш зарур.

*Учинчидан*, шундай шарт-шароит яратиш керакки, токи норасмий жамоатчилик фикри, ноҳукумат ташкилотлар жамиятда обрў-эътиборли фан ва маданият арбоблари журъатли, ҳалол журналистларни фаолроқ қўллаб-қувватласинлар.

*Тўртинчидан*, мамлакатимиздаги хусусий инвестицияларни оммавий ахборот воситаларига, матбаа воситаларини янгилашга сарфлашни рағбатлантириш керак.

*Бешинчидан*, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш лозим.

Санаб ўтилган ва бошқа бир қатор амалий ташкилий, ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш «Ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир»<sup>1</sup>.

## **10-§. Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар тизимини такомиллаштириш**

XXI аср бошида олдимизда мураккаб вазифалар турибди:

биринчидан, бутун бир авлоднинг руҳиятини ўзгартириш ва унда янги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш;

<sup>1</sup> *Каримов И. А.* Озол ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 12-бет.

иккинчидан, жамиятимизнинг айрим гуруҳлари ўртасида ҳар қандай экстремизмни, мурасизликни истисно этиш ҳамда ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро шартномалар ва конвенцияларга, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича 40 дан ортиқ ҳужжатларга қўшилди.

Булар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактлар, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги, оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенциялар бор.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари тизимини вужудга келтирувчи 100 дан ортиқ муҳим қонунлар қабул қилинган. Бу қонунлар инсон ҳуқуқларининг қўидаги турларига бағишланган.

*Биринчидан:* фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар. Чунончи, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрирда), таълим тўғрисида, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида, муқобил хизмаг тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

*Иккинчидан:* фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар. Сиёсий партиялар тўғрисида, оммавий ахборот воситалари тўғрисида, Президент сайлови, Олий Мажлисга, маҳаллий Кенгашларга сайлов тўғрисида, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида,

касаба уюшмалари тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

*Учинчидан:* фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига оид қонунлар. Бу соҳада ҳозирдаёқ 100 га яқин. шу жумладан мулк, тадбиркорлик, ижара, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш суғурта, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига содиқ бўлишликни ўз миллий манфаатларимиз тақозо этмоқда. Бу Ўзбекистон учун халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги этироф этилишини, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашга мойилликни, демократия, фуқаролар оқоёишталиги, миллий ва миллатлараро тотувлик ғояларига содиқликни билдиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсияларига кўра Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича қўйидаги миллий институтлар тузилган ва ишлаб турибди:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) (1995 йил);
2. Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (1996 йил);
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (1996 йил).

Омбудсман Ўзбекистонда анча кенг ҳуқуқий мақомга эга. Унинг фаолияти давлат ва фуқаро, жамият ва шахс ўзаро алоқаларининг энг муҳим соҳаларини, тарбиявий ва маърифий вазифаларни қамраб олади. Омбудсман инсон ҳуқуқлари

бузилганлиги ҳақидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, бу бузилишларни бартараф этиш чораларини таклиф этади, уларга йўл қўйган шахсларни қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисида муурожаат этишга ҳақлидир.

Омбудсман мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши билан боғлиқ вазиятни ўрганиши ва таҳлил этиши, уларнинг бузилишини келтириб чиқарадиган ҳолатларни аниқлаши, миллий қонунчилик ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларга мувофиқлигини таҳлил этиши, инсон ҳуқуқларига риоя этилишига қаратилган амалий чора-тадбирларни назарда тутувчи дастурларни ишлаб чиқиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Омбудсмани томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар бундай институтнинг жаҳондага 100 дан зиёд мамлакатда ишлаб турган умумий йўналишларига тўла мос келади. Ўрта Осиё давлатлари ичида Омбудсман биринчи бўлиб Ўзбекистонда ишлай бошлади.

Фуқаронинг шикояти юзасидан текширишлар тугалланганидан сўнг Омбудсман тегишли ташкилотларга юборадиган хулосалар инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. «Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги қонуннинг I-моддасига мувофиқ Омбудсманнинг хулосаси давлат идораси ва унинг мансабдор шахсига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахсларига йўлланиши мумкин. Жиддий бузилишлар

тўғрисида Омбудсман ўзининг ҳар йилги маърузасида парламентга маълум қилади.

Ҳозирги кунда бу соҳада турган энг муҳим вазифалардан бири, мамлакатимиз минтақаларида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, Омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш<sup>2</sup>, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат ва жамоат ташкилотларининг яхлит тизимини барпо этиш лозим<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва демократик институтларни ривожлантиришдаги устувор йўналиш қандай? Шаҳар ва қишлоқларда одамларнинг, ёшларнинг, аёлларнинг кексаларнинг ўз ҳуқуқларини билиш ва улардан фойдаланишга бўлган интилиши кучайиб бормоқда. Бу — Ўзбекистоннинг, давлат мустақиллиги йилларида пайдо бўлган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти учун янги ҳодисадир.

«Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор»<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистонда XXI асрга интилоқда.— Т.: Ўзбекистон, 1999.— 30-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.— 29-бет.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.— Т.: Ўзбекистон, 2000.— 12-бет.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.— Т.: Ўзбекистон, 2000.— 12-бет.

## 11-§. Оила ва сиёсий ислохотлар

Шарққа хос жамиятни эркинлаштириш кўп жиҳатдан оиладаги муносабатларга боғлиқ. Оилавий муносабатлардаги муаммоларни оилаларнинг энг обрўли ва кекса аъзолари (боболар, бувилар) томонидан муҳокама қилиш шаҳарларда — сал камроқ, қишлоқларда — одатий ҳол ҳисобланади. Кўпинча муаммони ечишнинг ана шу усули оилавий масалалар бўйича расмий суд муҳокамасидан самаралироқдир.

Оилалардаги мавжуд ҳаётни беками-кўст дейиш, эскидан қолган, аёллар ва болаларнинг қадр-қимматини камситувчи муносабатлар мавжудлигини, шунингдек, турмуш тарзига кўра европалашган аҳоли қатлами ўртасида (фақат улар ўртасидагина эмас) оила ҳамиша ҳам барқарор эмаслигини инкор этиш хато бўлур эди.

Ўзбекистон парламенти қабул қилган «Оила кодекси» (1998 йил) жаҳон ҳамжамиятида умумий эътироф этилган ҳуқуқий нормаларга кўра тузилгани ҳолда, оила жамиятнинг таянч тузилмасидир деган тасаввурга асосланади.

Сиёсий тизимнинг бошқа барча таркибий қисмларига қараганда, оила давлатга нисбатан анча барқарор ва мустақил муносабатда бўлади. Оила ва унинг ривожланаётган бозор муносабатлари шароитидаги иқтисодий ўзига тўқлиги, қариндош оилаларнинг бирдамлиги ва оилаларнинг жамоадаги (маҳалладаги) бирдамлиги — айнан шу нарса шаҳар, туман ҳокимига, депутатларга, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг қуйи ташкилотларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кучли омиллар мамжуидир. Ўзбек оиласининг шарқ ва ислом фалсафаси заминида шакл-

ланган мустақкам ахлоқий маданияти ва унинг аҳоли барча авлодларига таъсири ўтиш даврида фуқаролар ва ҳокимият тузилмаларининг ҳуқуқий маданиятидаги камчиликларнинг, ҳуқуқий механизмларни ҳаракатга келтиришдаги нуқсонларнинг ўрнини кўп жиҳатдан тўлдиради.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг тутган ўрни хусусиятлари орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

*Биринчидан*, ҳуқуқий механизмлар, масалан ижтимоий ёрдам, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, жамоат тартибини таъминлашнинг самарали ишлаши оиланинг қўллаб-қувватлашига муҳтож. Негаки у давлат фаолиятини инсонийлаштиришга қаратилган кўпгина жамоат талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини келтириб чиқаради.

*Иккинчидан*, сиёсий ислоҳотларнинг ва давлат фаолиятининг энг муҳим муаммоларини оилада норасмий баҳолаш, оилавий бирдамлик, шунингдек, ахборот билан (электрон ахборот воситалари кенг тарқалиши эвазига) таъминлаш даражасининг ўсиши, бир томондан, жамоатчилик фикрини ва айниқса, ёшлар ахлоқини барқарорлаштиради; иккинчи томондан, ислоҳотларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини самаралироқ йўлга қўйиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви етакчилари ва депутатлар, жамоатчилик фикри орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таъсир кўрсатади.

*Учинчидан*, давлатнинг янги шароитларга ижтимоий-иқтисодий ва руҳий мослашишига қаратилган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари орқали оилалар-

нинг ҳаётини муҳим манфаатларига бевосита боғлиқ ҳолда иш олиб боришни ижтимоий кескинлик нисбатан паст бўлишини ва ижтимоий порчаланшларнинг олди олинишини таъминлашни 1998 йилнинг «Оила йили» деб, 2000 йилининг эса «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши шундай кучли давлат сиёсатига мисол бўла олади.

Бозор ислоҳотлари ва эркинлаштириш жараёни билан боғлиқ барча ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қарамай, ўзбек оиласининг барқарорлиги аввалгидай жамият ҳаётининг бутун тизimini жипслаштиришга қодир. Фарбга хос маданиятга ихлосманд оилалар анъанавий оилавий муносабатлардаги энг яхши маънавий қадриятларни, аввало ўз аъзоларининг фуқаровий нуқтаи назари, жамоадагина эмас, балки жамиятдаги ишларнинг аҳволи учун ҳам жавобгарликни унутмасликлари ғоят муҳимдир. Шу билан бирга, эскича анъаналарга мойилроқ оилаларнинг аксариятига ўз турмушларида аёллар, ёшларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришлари ва мустаҳкамлашлари, иқтисодий фаолиятга қўшилишлари, дунё ва маърифатга нисбатан кенгроқ тасаввурга эга бўлишларида ёрдам бериш зарур.

## 12-§. Асосий хулосалар

Биринчи хулоса: эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

биринчи вазифа: «Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёни янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун

билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлашдири»<sup>1</sup>;

иккинчи вазифа: барпо этилган сиёсий институтлар шаклан демократик мезонлар ва халқаро андозаларга ўхшасада, мазмун-моҳиятига кўра, афсуски, ҳозирги замон талаблари даражасида эмас. «Янги демократик институтлар фаолиятининг мазмуни, мақсад-муддаоиси халқимизнинг миллий хусусиятлари ва сиёсий тафаккури тарзига мос келиши керак»<sup>2</sup>;

учинчи вазифа: демократик тараққиётимизга халақит бераётган, сиёсий ислоҳотларимиз йўлида мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг сабабларини чуқурроқ ўрганиш ва уларни бартараф этиш;

тўртинчи вазифа: сиёсий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини аниқлаштириш, конкрет маъно-мазмун билан тўлдириш, уларни рўёбга чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи механизмини, кучли кафолатлар тизимини яратиш.

Бир сўз билан айтганда, эркинлаштириш ва сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишларини амалга оширишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчи хулоса: Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичдаги асосий йўналишлари<sup>3</sup>:

биринчи йўналиш: мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 9-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т. 5. — Т.: Ўзбекистон, 1997. — 118-бет.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 9-бет.

иккинчи йўналиш: мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш;

учинчи йўналиш: нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

тўртинчи йўналиш: оммавий ахборот воситаларининг эркинлаштириш жараёнларидаги таъсирчанлигини ошириш, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;

бешинчи йўналш: инсон ҳуқуқлари ва демократик институтларни ривожлантириш, одамларимиз онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тарихида янги давр бошланди. Ватанимизнинг сиёсий тараққиёт йўли аниқ белгилаб олинган. Бу келажак буюк Ўзбекистоннинг демократик тараққиёт йўлидир.

# «ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ» ўқув фани бўйича тавсия қилинадиган адабиётлар

## Раҳбарий адабиётлар:

**Каримов И. А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т., 1992.—78-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистон-келажаги буюк давлат.—Т., 1992.— 62-б.

**Каримов И. А.** БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг нутқи.— Т., 1993.— 27-б.

**Каримов И. А.** Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг.— Т., 1993.— 112-б.

**Каримов И. А.** Буюк мақсад йўлидан оғинмайлик.— Т., 1993.— 48-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари.— Т., 1993.— 56-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.— Т., 1993.— 128-б.

**Каримов И. А.** Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати.— Т., 1994.— 29-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.— Т., 1995.— 76-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.— Т., 1995.— 269-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистон: мивлий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.— Т.1.— Т., 1996.—364-б.

**Каримов И. А.** Биздан обод ва озод Ватан қолсин.— Т.2.— Т., 1996.— 380-б.

**Каримов И. А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.— Т.3.— Т., 1996.— 366-б.

**Каримов И. А.** Бунёдкорлик йўлидан.— Т.4.— Т., 1996.— 349-б.

**Каримов И. А.** Янгича фикрлан ва ишлан — давр талаби.— Т.5.— Т., 1997.—387-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.— Т., 1997.— 325-б.

**Каримов И. А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан.— Т. 6.-Т., 1998.— 429-б.

**Каримов И. А.** Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат қилсин.— Т., 1998.— 30-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.—Т. 7., 1998.

**Каримов И. А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот, 1998. № 5. 1. 16-б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясининг 155-яқундовчи мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 1998 йил 7 ноябрь.

**Каримов И. А.** Адолат. Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.—Т., 1998.— 64-б.

**Каримов И. А.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.— Т., 1999.— 48-б.

**Каримов И. А.** Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.— Т., 1999.— 32-б.

**Каримов И. А.** Хушёрликка даъват.— Т., 1999.— 31-б.

**Каримов И. А.** Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида.— Т., 1999.— 573-б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.— Т., 1998.— 48-б.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 31 август қонуни.— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил. 11-сон. 246-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги 1991 йил 31 август қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил. 11-сон. 245-модда.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил. 9-сон. 227-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат байроғи тўғрисида»ги 1991 йил, 18 ноябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 1-сон. 27-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 1991 йил 20 ноябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 2-сон. 80-модда.

**Каримов И. А.** Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-широқард мақсадимиз. 8-Т., 2000.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 9-сон. 328-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 9-сон. 338-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.— 1997 йил. 9-сон. 225-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 9-сон. 368-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 10-сон. 401-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 2-сон. 434-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 1-сон. 29-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мадҳияси тўғрисида»ги 1992 йил 10 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 1-сон. 52-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 5-сон. 202-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 5-сон. 232-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 6-сон. 252-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон

Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил 9-сон. 320-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бошқарини органилари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 9-сон. 322-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 9-сон. 331-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 10-сон. 367-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 1994 йил 5 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил. 5-сон. 127-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожатлари тўғрисида»ги 1994 йил қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил. 5-сон. 140-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 1995 йил 30 август қонуни // Халқ сўзи. 1995 йил. 12 сентябрь.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги 1995 йил 30 август қонуни // Халқ сўзи. 1995 йил. 12 сентябрь.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги 1997 йил 30 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил. 9-сон. 237-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги» 1997 йил 26 декабрь қонуни // Халқ сўзи. 1998 йил. 20 январь.

## Махсус адабиётлар:

**Абу Наср Форобий.** Фозил одамлар шаҳри.— Т., 1993.— 224-б.

**Абдуллаев Е. В.** Очерки культуры доисламской Центральной Азии: религия, философия, право.— Т., 1998.— 159-с.

**Абзалов Э. М.** Правовая культура и правонарушения молодежи.— Т.: 1997.— 21-с.

**Агзамходжаев А. А.** Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан.— Т., 1993.— 96 с.

**Аграновская Е. В.** Правовая культура и обеспечение права личности.— М., 1988.— 142-с.

**Адилкариев Х.** Новая Конституция — великий символ суверенности Узбекистана.— Т., 1993.— 64-с.

**Азизхужаев А. А.** Давлатчилик ва маънавият.— Т., 1997.— 112-б.

**Алексеев С. С.** Общая теория права.— Т.1.— М., 1982.— 360-с.

**Алимов Г.— Х.А.** Конституция и организация государственной власти в Республике Узбекистан.— Т., 1997.— 49-с.

**Алимов Г.— Х.А.** Об исполнительной и судебной власти в Республике Узбекистан.— Т., 1997.— 17-с.

**Астанова Л. И.** Теоретические основы охраны прав личности в уголовном процессе и их реализация в правоприменительной деятельности.— Т., 1997.— 108-с.

**Балтаев А. Р.** Законодательная власть в Республике Узбекистан.— Т., 1996.— 65-с.

**Вахабов Н.** Теоретические проблемы правовой идеологии.— Т., 1997.— 20-с.

**Вахабов Н.** Правовая идеология рыночной экономики в Узбекистане.— Т., 1997.— 19-с.

**Вахабов Н.** Правовая идеология и развитие законодательства.— Т., 1997.— 15-с.

**Гафуров А. А.** Политометрия. анализ и оптимизация общественного развития.— Т., 1997.— 160-с.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси, Т., 2000.

**Джумабаев К. Н.** Разделение властей в государственном механизме Республики Узбекистан.— Т., 1996.— 151-с.

**Джумабаев К. Н.** Становление демократического правового государства в Узбекистане.— Т., 1997.— 79-с.

**Джумабаев К. Н.** Теория разделения властей: история и современность.— Т., 1997.— 19-с.

**Djumabayev K.** Uzbekistan: Rule of Law and Human Rights.— Varsav. 1998.— 53 p.

**Жалолов А.** Узбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура.— Т., 1994.— 95-б.

**Жалолов А.** Мустақиллик масъулияти.— Т., 1996.— 226-б.

**Жалолов А.** Истиқбол уфқлари.— Т., 1998.— 253-б.

**Зокиров Х.** Основы правовой культуры правосудия.— Т., 1996.— 21-с.

**Зокиров Х.** Судебная власть и правовая культура.— Т., 1997.— 39-с.

**Зокиров Х.** Правовая культура и правосудие. — Т., 1998. — 28-с.

**Зокиров Х.** Одида судлов ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни назарий муаммолари. — Т., 1998. — 73 б.

**Ерниязова Г.** Конституционные основы развития Каракалпакстана. — Нукус, 1992. — 116-с.

**Ибрагимов Х. С.** Институт ответственности государства перед гражданами. — Т., 1997. — 23-с.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. — Т., 1998.

**Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари мавзuidaги илмий-амалий анжуман ҳужжатлари.** — Т., 1998. — 95-б.

**Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий фаолият дастури.** 1-босқич (1997–1998 йй.)

**Инсон ҳуқуқлари курсини ўрганиш бўйича услубий тавсиянома.** — Термиз, 1998. — 43-б.

Иқтисодий ислохотлар. — Т., 1998. — 181-б.

**Ирмухамедов-Б. А., Хасанов-Б. В.** Происхождение и формирование узбекского народа. — Т., 1992. — 21-с.

**Исламов З. М.** Из истории теорий политико-правовых реформ. — Т., 1992. — 104-с.

**Исламов З. М.** Основные принципы конституционного строя Республики Узбекистан. — Т., 1995. — 23-с.

**Исламов З. М.** Механизм действия Конституции Республики Узбекистан. — Т., 1995. — 46-с.

**Каримова Г. И.** Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалии и перспективы. — Т., 1995. — 46-с.

**Каримова Г. И.** Категории конкурентоспособной экономикой на примере Узбекистана. — М., 1998. — 35-с.

Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. — Т., 1997.

Конституция: иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари. Конституциянинг уч йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. — Т., 1995. — 71-б.

**Кудрявцев В. Н.** Закон, поступок, ответственность. — М., 1986. — 448-с.

**Кудрявцев В. Н.** Причины правонарушений. — М., 1976. — 286-с.

**Кудрявцев В. Н.** Правовое поведение: норма и патология. — М., 1982. — 285-с.

Личность и уважение к закону. — М., 1979. — 285-с.

**Лукашева Е. А.** Право, мораль, личность. — М., 1986. — 262-с.

**Лившиц Р. В.** Современная теория права. Краткий очерк.— М., 1992.— 92-с.

**Мальцев Г. В.** Социальная справедливость и право.— М., 1977.— 255-с.

Методологические проблемы права — Т., 1995 — 109-с.

Международные нормативные акты ЮНЕСКО — М., 1993 — 640-с.

**Муминов И.** Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.— Т., 1993 — 56-б.

**Мухамедов Х.** Ислом ва давлат назарияси.— Т., 1999.— 38-б.

Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари. Илмий-назорий конференция материаллари.— Т., 1996.— 239-б.

Мустақиллик бу ҳуқуқ.— Т., 1997.— 222-б.

Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт.— Т., 1998.— 233-б.

Мустақиллик Ўзбекистонда фуқароларнинг элатлараро ва конфессиялараро муносабатлари.— Социологик сўров натижалари.— Т., 1999.— 54-б.

**Нашиц А.** Правотворчество. Теория и законодательная техника.— М., 1974.— 256-с.

Национальные учреждения по правам человека.— Нью-Йорк и Женева, 1995.

Независимость и проблемы формирования демократического правового государства и гражданского общества в Республике Узбекистан. Материалы научно-теоретической конференции.— Т., 1996.— 239-с.

**Неновски Н.** Право и ценность.— М., 1987.— 246-с.

**Оболонский А. В.** Бюрократия и государство.— М., 1996.— 66-с.

**Одилқориев Х. Т.** Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни.— Т., 1995.— 212-б.

**Орифжонов Э. Қ.** Туркистон шўролар даврида. Ушалмаган орзулар.— Т., 1994.— 42-б.

Права человека. Ликвидация всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений.— Нью-Йорк, 1989.— 85-с.

Права человека и межнациональные отношения.— М., 1994.— 131-с.

Права человека и предварительное заключение. Сборник международных стандартов, касающихся предварительного заключения.— Нью-Йорк; Женева, 1994.— 137-с.

Права человека: Сборник международных договоров — Т.1 (часть первая) Универсальные договоры. — Нью-Йорк; Женева, 1994. — 492 с.

Правовое государство — независимость, нация, экономика, идеология, политика. В 4-х томах. — Т., 1994.

Права человека и работа в социальной сфере. — Нью-Йорк и Женева, 1995. — 133-с.

Права беженца — права человека. Вып. V — Т., 1997. — 12-с.

Права человека. Этика поведения должностных лиц в защите прав человека. Вып. VI. — Т., 1997. — 22-с.

**Петражицкий Л. И.** Теория права и государство в связи с теорией нравственности. — СПб., 1910.

**Раҳимов Ф.** Истиқлолдан яралиб, мустақилликни мустаҳкамлаган Асосий Қонун. — Т., 1994.

**Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х.** Амир Темур в зеркале мировой науки. — Т., 1999. — 110-с.

**Рябко И. Ф.** Основы правовой педагогики. — Ростов-на-Дону, 1973. — 157-с.

**Саидов А., Жумабоев К.** Грани первой Конституции независимого Узбекистана. — Т., 1992. — 24-б.

**Саидов А.** Мустақиллик қомуси. — Т., 1993. — 30-б.

**Саидов А. Х.** Избирательное право в Республике Узбекистан. — Т., 1993. — 38-с.

**Саидов А.** Киёсий конституцияшунослик. — Т., 1993. — 76-б.

**Саидов А. Х.** Сравнительное правоведение и юридическая география мира. — М., 1993.

**Саидов А.** Основы мусульманского права. — Т., 1994. — 139-с.

**Саидов А., Тожихонов У., Тошқулов Ж.** Мустақиллик ва ҳуқуқий мафкура. — Т., 1995. — 120-б.

**Саидов А.** Бурҳониддин Марғинович — буюк ҳуқуқшунос. — Т., 1997.

**Саидов А. Х., Султонов С.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. — Т., 1998. — 178-б.

**Саидов А. Х.** Узбекистан и ОБСЕ: грани сотрудничества. — Т., 1998. — 72-с.

**Saidov A., Umansky Y.** The faktor of polyethnicity in Uzbekistan, sekuriti challenges, Human Rights and development potential. — Т., 1998. — 59 p.

**Саидов А. Х.** Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека. 1996–1998 годы. — Т., 1998. — 55-с.

**Саидов А. Х.** Образование в области прав человека в Узбекистане: его необходимость и значение.— Т., 1998.— 12-с.

**Саидов А., Жузжоний А.** Шарқ ва инсон ҳуқуқлари.— Т., 1998.— 214-с.

**Сатторов А.** Қонун ва инсон ҳуқуқлари.— Т., 1999.— 35-б.

Семинар по проекту законы «О негосударственных некоммерческих организациях».— Т., 1999.— 39-с.

**Сильченко Н. В.** Закон / проблемы этимологии, социологии и логики/.— Минск., 1993.— 63-с.

Служба защиты прав человека в Узбекистане. Институт мониторинга действующего законодательства.— Вып. 2.— Т., 1998.— 17-с.

Службы защиты прав человека в Узбекистане. Конституционный суд Республики Узбекистан.— Вып. 3.— Т., 1998.— 29-с.

Сомон йўли. Адабий тарихий мажмуа.— Т., 1992.— 192-б.

**Сорокин П. А.** Человек, цивилизация, общество.— М., 1992.— 543-с.

**Соколов Н. Я.** Профессиональное сознание юристов.— М., 1988.— 222-с.

**Таджиханов У.** Правовая идеология и правовая культура в суверенном Узбекистане.— Т., 1995.— 44 с.

**Тожионов У.** Ҳуқуқий мафкура ва қонунга итоаткорлик.— Т., 1995.— 52-б.

**Тожионов У.** Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқий маданият ва қонунга итоатгўйлик.— Т., 1995.— 94-б.

**Таджиханов У., Гулямов З.** Правовое регулирование деятельности милиции.— Т., 1995.— 19-с.

**Тожионов У.** Истиқлолимизнинг ҳуқуқий негизи.— Т., 1994.— 24-б.

**Тожионов У.** Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари.— Т., 1996.— 233-б.

**Таджиханов Б. У.** Республика Узбекистан — суверенное государство.— Т., 1997.— 128-с.

**Таджиханов Б. У.** Республика Узбекистан — демократическое правовое государство. Становление и развитие.— Т., 1997.— 46-с.

Теория государства и права.— М., 1994.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.— Т., 1993.— 173-б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар. // Муқаддима ва 1, 17-моддалар.— Т., 1995.— 26–51-б.

Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш. — Т., 1997.— 125-б.

**Уразаев Ш. З.** Конституция независимого Узбекистана.— Т., 1993.— 103.

**Уразаев Ш. З.** Модель закона: какой ей быть? — Т., 1990.— 47-с.

**Уразаев Ш. З.** Власть и закон.— Т., 1991.— 47 с.

**Уразаев Ш. З.** Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси.— Т., 1995.— 112-б.

**Уразаев Ш. З.** Перестройка и правовая культура.— Т., 1988.— 43-с.

Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт.— Т., 1944.— 186-б.

Ўзбегим. «Шарқ Юлдузи» журнали кутубхонаси. «Ватан» серияси.—Т., 1992.—256-б.

**Усмонов М.** Мафкура муваққат бўлмади // Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси.— Т., 1993.

**Хаманова Н. Ю.** Защита прав граждан в сфере исполнительной власти.— М., 1997.— 216-с.

**Холанд М., Аметистов Э.** Защита прав человека в России и США: глазами друг друга.— Нью-Йорк-Москва., 1993.— 220-с.

**Шермухамедов С.** Роль культуры межнационального общения в социальном прогрессе.— Т., 1998.— 24-с.

**Эркаев А.** Духовность — энергия независимости.— Т., 1998.— 184-с.

# МУНДАРИЖА

КИРИШ ..... 3

## БЕШИНЧИ ҚИСМ

### ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

#### **19-боб. ҲУҚУҚ, УНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

1-§. «Ҳуқуқ» тушунчасининг аҳамияти .....	6
2-§. «Ҳуқуқ» тушунчасининг кўп қирралилиги: объектив ҳуқуқ ва субъектив ҳуқуқ. Табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқ .....	9
3-§. Ҳуқуқнинг белгилари .....	11
4-§. Ҳуқуқнинг моҳияти ва хусусиятлари .....	15
5-§. Ҳуқуқ ва давлат мажбурлови .....	19
6-§. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш .....	21

#### **20-боб. ҲУҚУҚ ВА СОЦИАЛ НОРМАЛАР**

1-§. Техник ва социал нормалар .....	26
2-§. Социал нормаларнинг турлари .....	31
3-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг ўзаро муносабати .....	33
4-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг умумий жиҳатлари .....	34
5-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг фарқлари .....	36
6-§. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро боғлиқлиги .....	43
7-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари ўртасидаги зиддиятлар .....	45

#### **21-боб. ҲУҚУҚҚА ОИД АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР**

1-§. «Ҳуқуқий тизим» тушунчаси .....	47
2-§. Юридик фан, унинг функциялари ва турлари .....	49
3-§. Ҳуқуқий тушунча .....	53
4-§. Ҳуқуқий тушунчанинг функциялари .....	55
5-§. Юридик терминлар (иборалар) .....	56
6-§. Юридик сўзсат .....	58
7-§. Ҳуқуқий тизим унсурлари .....	59
8-§. Юридик амалиёт .....	60
9-§. Юридик техника .....	61
10-§. Ҳуқуқий аксиомалар .....	62
11-§. Юридик конструкция .....	64
12-§. Ҳуқуқий рамзлар .....	65
13-§. Ҳуқуқий презумпция .....	67
14-§. Ҳуқуқий фикция .....	71

## **22-боб. ҲУҚУҚ ТУҒРИСИДАГИ АСОСИЙ НАЗАРИЯЛАР**

1-§. Ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни: юридик дунёқараш ва ҳуқуқий нигилизм .....	73
2-§. Маркеча ҳуқуқ назарияси — ҳуқуқий нигилизмнинг бир кўриниши .....	79
3-§. Ҳуқуқни тушунишнинг асосий турлари .....	80
4-§. Ҳуқуқ фалсафаси: табиий ҳуқуқ назарияси .....	82
5-§. Юридик позитивизм .....	85
6-§. Социологик юриспруденция .....	88

## **23-боб. ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ**

1-§. Ҳуқуқ нормалари, унинг белгилари ва хусусиятлари .....	94
2-§. Ҳуқуқ нормаларининг мазмуни .....	100
3-§. Ҳуқуқ нормаларининг турлари ва таснифи .....	102
4-§. Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши .....	111

## **24-боб. ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ**

1-§. Ҳуқуқ манбалари ва уларнинг турлари .....	121
2-§. Турли ҳуқуқий тизимларнинг ҳуқуқ манбалари .....	130
3-§. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг миллий-ҳуқуқий тизимларга таъсири .....	132
4-§. Ўзбекистонда ҳуқуқ манбалари .....	137

## **25-боб. ҲУҚУҚ ФУНКЦИЯЛАРИ**

1-§. Ҳуқуқ функцияси тушунчаси .....	139
2-§. Ҳуқуқ функциясининг белгилари ва хусусиятлари .....	141
3-§. Ҳуқуқ функцияси тизими .....	145
4-§. Ҳуқуқнинг юридик функциялари тавсифи .....	148
5-§. Ҳуқуқ функциясини амалга ошириш шакллари .....	151

## **26-боб. ҲУҚУҚ ТИЗИМИ**

1-§. Ҳуқуқ тизими тушунчаси .....	154
2-§. Ҳуқуқ тизимининг тузилиши .....	157
3-§. Асосий ҳуқуқ соҳаларининг тавсифи .....	162
4-§. Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими .....	167
5-§. Ўзбекистон ҳуқуқ тизими .....	171

## **27-боб. ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ**

1-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси .....	174
2-§. Ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари .....	176
3-§. Ҳуқуқ ижодкорлигининг турлари ва функциялари .....	179
4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва уларнинг турлари .....	181

5-§. Қонун — муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат .....	186
6-§. Қонун ижодкорлик жараёнининг асосий босқичлари .....	188
7-§. Қонун турлари .....	189
8-§. Қонуларни қабул қилиш .....	190
9-§. Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши .....	192
10-§. Қонуннинг ҳудуд бўйича амал қилиши .....	193
11-§. Қонуннинг шахсларга нисбатан амал қилиши .....	193
12-§. Қонун ости ҳужжатлари .....	194
13-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кодификациялаш, системалаштириш (бир тизимга солиш) .....	195

### **28-боб. ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

1-§. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси .....	200
2-§. Ҳуқуқни амалга ошириш жараёнининг объектив ва субъектив томонлари .....	204
3-§. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари .....	205
4-§. Ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш усуллари .....	207
5-§. Ҳуқуқий нормаларни қўллаш тушунчаси .....	209
6-§. Ҳуқуқий нормаларни қўллаш босқичлари .....	213
7-§. Ҳуқуқдаги бўшлиқ тушунчаси .....	216
8-§. Қонун ва ҳуқуқ аналогияси .....	217
9-§. Ҳуқуқни қўллаш акти тушунчаси ва самарадорлиги .....	218

### **29-боб. ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ**

1-§. Ҳуқуқни шарҳлаш тушунчаси .....	220
2-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг асосий усуллари .....	223
3-§. Ҳуқуқни шарҳлашнинг турлари .....	229
4-§. Ҳуқуқни ҳажм жиҳатдан шарҳлаш .....	233

### **30-боб. ЮРИДИК АМАЛИЁТ**

1-§. Юридик амалиёт тушунчаси .....	234
2-§. Юридик амалиёт тузилиши .....	238
3-§. Юридик амалиётнинг турлари .....	242
4-§. Юридик амалиётнинг функциялари .....	244
5-§. Юридик амалиёт ва ҳуқуқшунослик фақининг ўзаро муносабати .....	249

### **31-боб. ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

1-§. Ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси .....	254
2-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг асосий белгилари .....	254
3-§. Ҳуқуқий муносабатларнинг турлари .....	258
4-§. Ҳуқуқ муносабатларининг субъектлари .....	261
5-§. Ҳуқуқий субъектлик тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари .....	264
6-§. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият .....	267
7-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объекти тушунчаси .....	269

8-§. Ҳуқуқий муносабатнинг объектлари .....	270
9-§. Юридик фактлар тушунчаси .....	274
10-§. Юридик фактларнинг турлари .....	274
11-§. Юридик таркиб тушунчаси ва турлари .....	277
12-§. Ҳуқуқий муносабатлар — амалдаги ҳуқуқий маданият .....	278

### **32-боб. ҲУҚУҚИЙ ҲАРАКАТ, ҲУҚУҚҚА ЗИД ХАТТИ-ҲАРАКАТ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК**

1-§. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат ва ҳуқуқий маданият .....	280
2-§. Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар тушунчаси ва уларнинг турлари .....	283
3-§. Ҳуқуқни бузиш тушунчаси, унинг белгилари ва тур- лари .....	285
4-§. Ҳуқуқбузарликнинг турлари .....	287
5-§. Ҳуқуқбузарлик — юридик жавобгарлик асоси .....	291
6-§. Ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шартлари .....	298

### **33-боб. ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК**

1-§. Юридик жавобгарлик тушунчаси .....	303
2-§. Позитив юридик жавобгарлик тушунчаси .....	306
3-§. Юридик жавобгарликнинг белгилари .....	309
4-§. Юридик жавобгарликнинг принциплари .....	313
5-§. Юридик жавобгарликнинг мақсадлари .....	316
6-§. Юридик жавобгарликнинг турлари .....	317
7-§. Давлат мажбурловининг бошқа тадбирлари .....	317
8-§. Фуқаронинг айбсизлик презумпцияси .....	320

### **34-боб. ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ**

1-§. Ҳуқуқий онг тушунчаси .....	324
2-§. Ҳуқуқий онг таркиби .....	325
3-§. Ҳуқуқий онгнинг функциялари ва вазифалари .....	327
4-§. Ҳуқуқий онг турлари .....	328
5-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсири .....	329
6-§. Ҳуқуқий онг ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик .....	331
7-§. Фуқаролар ҳуқуқий онгининг ўзгариши .....	332
8-§. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият .....	334
9-§. Ҳуқуқий тарбия тушунчаси .....	339
10-§. Ҳуқуқий тарбиянинг вазифалари .....	342
11-§. Ҳуқуқий тарбия жараёни .....	343
12-§. Ҳуқуқий тарбия тизими .....	347
13-§. Ҳуқуқий тарбиянинг механизми .....	348

### **35-боб. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ**

1-§. Ҳуқуқий маданият тушунчаси .....	350
2-§. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти .....	353
3-§. Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий тuzилиши .....	354

4-§. Шахснинг ҳуқуқий маданияти .....	356
5-§. Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари .....	359
6-§. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури .....	363
7-§. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — давлат сиёсати .....	366
8-§. Ҳуқуқий саводхонлик — ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг муҳим омили .....	369

### **36-боб. ҚОНУНИЙЛИК, ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ**

1-§. Қонун устуворлиги — қонунийлик асоси .....	374
2-§. Қонунга итоаткорлик — қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибнинг негизи .....	384
3-§. Қонунга итоаткорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти .....	392

### **37-боб. ЮРИДИК ФАОЛИЯТ**

1-§. Юридик фаолият ва унинг хусусиятлари .....	406
2-§. Юридик фаолиятнинг тузилиши .....	407
3-§. Юридик фаолиятнинг субъектлари .....	409
4-§. Юридик фаолият шакллари .....	412
5-§. Юридик фаолиятнинг функциялари .....	416

### **38-боб. ҲУҚУҚ ВА ШАХС, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

1-§. Ҳуқуқ ва шахснинг ўзаро муносабатлари .....	420
2-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг турлари .....	422
3-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмлари .....	424
4-§. Давлат ва шахснинг ҳуқуқий алоқалари .....	425
5-§. Шахснинг умумий ҳуқуқий лаёқати ва унинг турлари .....	426
6-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг кафолатлари .....	427
7-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг принциплари .....	429
8-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари .....	433
9-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари .....	439
10-§. Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилиги .....	443

## **ОЛТИНЧИ ҚИСМ**

### **ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ**

#### **39-боб. ҲУҚУҚ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА**

1-§. Миллий мафкуранинг объектив зарурлиги .....	449
2-§. Ҳуқуқ — сиёсий тизимни барқарорлаштириш омили .....	458
3-§. Миллий ғоя — демократик ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи .....	463

## 40-боб. ЎЗБЕК ҲУҚУҚИНИНГ ТАРИХИ

1-§. Ҳуқуқий тараққиётнинг турли шакллари .....	465
2-§. Ўзбек ҳуқуқи ўзига хос тараққиёт йўлининг асосий босқичлари .....	466
3-§. Қадимий ўзбек ҳуқуқи .....	468
4-§. Ўрта асрлардаги ўзбек ҳуқуқи .....	470
5-§. Мустамлака давридаги ўзбек ҳуқуқи .....	478
6-§. Давлат мустақиллиги ва ўзбек ҳуқуқи .....	483

## 41-боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

1-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва роман-герман ҳуқуқи оиласи .....	484
2-§. Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқи ва миллий-ҳуқуқий аъёналар .....	490
3-§. Конституция — Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг ўзаги .....	
4-§. Ўзбекистон янги қонунчилиги тизимининг шакллари .....	498
5-§. Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ .....	504
6-§. Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқшунослик фани .....	507

## 42-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР

1-§. Эркинлаштириш сиёсий ислоҳотларнинг пойдевори .....	509
2-§. Давлат ва сиёсий ислоҳотлар .....	514
3-§. Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ....	517
4-§. Эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш .....	519
5-§. Амалдаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш ..	521
6-§. Муҳолифат — сиёсий институт сифатида .....	524
7-§. Нодавлат ношжорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш .....	525
8-§. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш .....	529
9-§. Эркин ва мустақил «тўртинчи ҳокимият» .....	532
10-§. Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар тизимини такомиллаштириш .....	534
11-§. Оила ва сиёсий ислоҳотлар .....	539
12-§. Асосий ҳуқуқлар .....	541
«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фани буйича тавсия қилинадиган адабиётлар .....	544

**А. Саидов, У. Тожихонов**

## **ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ**

Муҳаррир *Норсафар Имомов*  
Нашриёт муҳаррири *Шарофат Искандар қизи*  
Рассом *Зиёд Абдурасулов*  
Техник муҳаррир *Марҳабо Мирилёсова*

Босмахонага 26.02.2001 йилда берилди. 27.07.2001 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Босма табағи 17,5. Нашриёт ҳисоб табағи 21,10. Буюртма 8604. Адади 2000. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти. 700047. Тошкент, Муҳитдинов кўчаси, уй. 26.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, уй. 30.

**ДАВЛАТ ВА ХҲҲҲҲ НАЗАРИСИ**